

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1999



ТҮЛЕПБЕРГЕН
ҚАЙПБЕРГЕНОВ

**МАМАНБІЙ
АФСОНАСИ**



**ҚОРАҚАЛПОҚ
ДОСТОНИ**

Уч жилдлик

БИРИНЧИ ЖИЛД



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1999

Қорақалпоқчадан
Лола Тожиева
таржимаси

Набижон Боқийнинг умумий таҳрири остида

Қаипберенов Т.

Қорақалпоқ достони: Уч жилдлик; 1-жилд: Маманбий афсонаси: Роман//Қорақал.Л.Тожиева тарж./.-Т.: «Шарқ», 1999.-528 б.

Машҳур адибимиз Тўлепберген Қаипбереновнинг уч жилдан иборат «Қорақалпоқ достони» нашр этилмоқда. Ушбу биринчи жилдга киритилган «Маманбий афсонаси»да қорақалпоқ халқининг ўтмишдаги оғир, машаққатли ҳаёти, уруғлар ўртасидаги ўзаро низо-лар ва тўқнашувлар ёрқин лавҳаларда акс эттирилган. Асардаги муҳим ғоялардан бири қорақалпоқ халқининг бирликка, раванққа ташналигидир.

С(К)

© Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти, 1999.

Қадрдон биродарим!

Ҳар хил сабабларга кўра сенинг «Қорақалпоқ достони» ниги бафуржа ўқиб чиқишга ҳеч вақт тополмасдим. Ниҳоят, кечагина китобингни охиригача ҳузур қилиб ўқидим. Ростини айтсам, кейинги йилларда, айниқса, ўзим ишлаётган пайтларим тақдири азал ато этган умрнинг ҳар бир дақиқасини авайлаб-асрашга, ҳатто мутолаадан ҳам ўзимни тийишга ҳаракат қилаётирман. Назаримда, ўзинг ҳам худди шундай ташвишда юрган бўлсанг керак. Бизнинг ёшимизга етган одамлар (янглишмасам, келаси йили сен ҳам 70 ёшга тўласан) кўпроқ иш қилишни истайди. Шунга қарамасдан, сенинг «ёстиқдек» трилогиянгни ўқиб чиқдим. Ўқиганда ҳам ниҳоятда қизиқиб, очиқчасига айтсам, ҳузур қилиб ўқидим. Муаллифга, яъни сенга қорақалпоқларнинг уч асрлик (XVII—XIX асрлар) тарихини бадий жиҳатдан ишонарли ва кучли акс эттириш насиб этганини кўриб, қувониб кетдим. Трилогияда тасвирланган халқ нисбатан кам сонли бўлса-да, теран тарихий илдилари бор, шу кунгача ўзига хослигини, бутунлигини, бетакроп миллий қиёфасини сақлаб қолган.

Мен ўз ҳаётимда кўплаб тарихий романларни ўқиганман. Аксарият тарихий асарларда чет эллик келгинди босқинчилар ёки жиззаки ҳукмдорлар душман тимсолида акс эттирилади. Сенинг «Достон»ингда эса бутунлай бошқа манзараларни кўрдим. Бунда халқ (Маманбий ҳам, Ойдўс бобо ҳам, Эрназар олакўз ҳам, бошқалар ҳам) ўзга миллат ва уруф-аймоқ вакилларини душман деб билмайдилар. Аксинча, душманлар ёнингда бўлади, улар сен билан битта тилда сўйлашадилар, кўпинча қўшни ўтовда яшайдилар. Афсуски, бундай ҳол барча туркий халқларга хосдир. Буни тарих ҳам тасдиқлайди. Қадимий битикларда туркий халқларнинг бир-бирига қарши тургани, бир-бирига ёвлашгани тўғрисида ҳаддан зиёд мисоллар мавжуд. Бу бизнинг аж-

додларимизни камситиш ёки тарихимизни нотўғри баҳолаш учун асос бўлмаслиги лозим. Агар улар бир-бирларининг тимсолида ўзларини, маслакдошларини, қондошу жондошларини кўрганларида ва тан олганларида борми, XX асрда бизга бир-бири билан муттасил ёвлашадиган йигирмадан ортиқ туркий халқлар хонлиги мерос бўлиб қолмасди. Қолаверса, турклар — салжукийлар ўз ихтиёрлари билан Ватандан, Турондан бош олиб кетмасдилар. Шу заминда — отаюртда, Овруосиёнинг киндигида Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон билан бемалол бўйлашадиган буюк бир давлатга асос солган бўлардилар.

Кўплаб такрорланган бошбошдоқлик ва хунрезликнинг асосий сабаби, менимча, уруғчилик, бир-бирини тан олмаслик натижасида рўй берган. Трилогияда акс эттирилган мисли кўрилмаган фожиа шундан иборатки, халқ ва унинг йўлбошчилари бир-бирини тушуншни истамайдилар, ўзаро тил топиша олмайдилар. Охир-оқибат Маманбий, Ойдўс бобо, Эрназар олакўз каби халқ йўлбошчилари ўз уруғдошлари томонидан қатл этиладилар.

Менимча, Тўлепберген, бундай фожиаларни фалсафий талқин этиш борасида сен инсоний ва ахлоқий нуқтаи назардан минг бора ҳақсан. Бутун жаҳон тарихи кўрсатиб турибдики, ватанпарвар-йўлбошчи билан ўзини «халқ» деб аташга даъвогар бўлган оломон ўртасидаги тушунмовчилик, ихтилоф кўпинча даҳшатли фожиа билан яқунланади. Бундай курашнинг бемаънилигини қорақалпоқларнинг маънавий раҳнамоси Мурод шайх биринчи бўлиб англаб етади. Том маънода халқнинг маънавий отаси бўлган шайх, том маънода ватанпарвар бўлган шайх уруғ йўлбошчиларининг калтабинлиги туфайли уларни ҳеч қачон муросага келтира олмайди. Муросаю мадорага имкон тополмаган, иложсиз қолган Мурод шайх ҳар қандай дин томонидан узил-кесил таъқиқланган, кўчманчилар орасида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жазога ўзини гирифтор қилади — ўз жонига қасд қилади. Ўзини қудуққа ташлаб ўлдиради, қудуқни ҳам ҳаром қилади. Уруғдошларининг аҳмоқлигини кўрмаслик учун, дастлаб, у ўз кўзларини ўйиб олади. Унинг дўсти Ўразан ботир эса бир-бирига ёвлашган қондош-жондош уруғдошларини яраштира олмагач, ноилож ўғли Маманнинг ўрнига ўзини қурбон қилади ва шу йўсинда ноўрин хунрезликка чек қўймоқчи бўлади.

Кўҳна Шарқ донишмандлари айтадиларки, энг аввало, инсониятга хос бўлган эзгуликни ҳам, ёвузликни ҳам ҳар бир одам ўзидан қидириши керак. Шундан кейингина ўзлигидан келиб чиққан ҳолда ўз халқининг моҳиятини қидириши ва тушуниши лозим. Айнан мана шундай талқин асосида кўп қатламли «Достон» қурилган. Назаримда, трилогиянинг куч-қудрати ҳам, маънавий қадр-қиммати ҳам ана шунда.

Мен ўхшатишни, айниқса, тарихий ўхшатишни ёмон кўраман. Чунки ўхшатишлар ўткинчи, сиёсий ёки мафкуравий конъюктурани (андазани) ифодалайди. Лекин Маманбий кўшин бошида курашга отланган пайтда ўз халқининг қудрати билан душманга даҳшат солмоқчи бўлиб, кулгили ҳам қайғули ҳолатга тушиб қолганини эслатиб ўтмоқчиман. У орқасига қайриладию изидан эргашиб келаётган саккиз нафар чавандозни кўради. Бор-йўғи саккиз киши! Шунинг учун у ўз халқига паноҳ бўладиган буюк хонликларни, подшоликларни — дўст ва ҳомийларни излайди. Ҳатто шу мақсадда Петербурга, Елизавета Петровна ҳузурига бориб, ҳимоят ва ҳомийлик тўғрисида шартнома тузиб келади. Ёрлик олиб, у Ватанига қайтади: энди у мағрур, чунки унинг орқасида саккиз нафар навкар эмас, балки буюк ва бепоён рус империяси турибди. Дафъатан ушоққина кўшни хонлик Маманбий юртига бостириб киради. Бироқ, ваъда қилинган мадад келмайди. Лафзни ҳамма нарсадан устун қўядиган мағрур туркий ўғлон яна-тагин бош эгиб боришни ор деб билади ва ўз халқини эргаштириб қадимий Ватан — Амударёнинг қуйи оқими томон кўчишни, азоб-уқубатларни бошидан кечиришни афзал кўради. Бу ерда, Хоразм воҳасида кўчманчи халқ Ватан куради, паноҳ топади.

Айрим тарихий шахслар бўладики, роман яратилмаса ҳам уларни бутун дунё билади. Сен бўлсанг, Тўлепберген, ўз трилогиянда («Маманбий афсонаси», «Бахтсизлар», «Гумроҳлар») кўҳна Инсоният Тарихи сўқмоқларида номлари ўчиб кетаётган, китобхонлар оммасига шу чоққача номаълум бўлган уч нафар фидокор қорақалпоқ — Маманбий, Ойдўс бобо, Эрназар олакўз қиёфасида баҳодирларнинг тимсолларини яратдинг. Надоматлар бўлғайким, бугун Орол фожиаси тигида ўша баҳодирлар мансуб бўлган халқнинг ҳаёт-мамат масаласи долзарб бўлиб турибди.

Бу трилогия — улкан бадиий асар бўлиб, у ҳақиқий санъаткор — қўли гул уста томонидан, ўз халқини айрича

меҳр-муҳаббат билан яхши кўрадиган ёзувчининг қалб кўри билан яратилган. Тўлепберген, сен адо этган ва-зифа қорақалпоқлар учун ҳам, жамики туркий халқлар учун ҳам том маънода бебаҳодир.

«Достон» ёзганинг учун раҳмат! Минг афсуски, ҳозирги кунлардаги қийинчиликлар туфайли кўпчилик «Қорақалпоқ достони»ни қайта-қайта мутолаа қилиш имкониятига эга эмас.

Биродарлик саломи билан,
Чингиз АЙТМАТОВ.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

1

Ваалайкум ассалом! Шошил, ўғлим, йўл олис!

Нўғойи ёқали оқ бўз кўйлакнинг устидан тугмасиз сарғиш жун чакмон, бошига қора кигиз қалпоқ кийган йўғон гавдали, қорачадан келган, укки кўзли ёш йигитнинг кенг қулочи учишга ҳозирланиб турган бургут қанотларидай ёйилганди, у ўнг қўли билан олаоёқ тўриқнинг, чап қўли билан бўз отнинг жиловидан тутиб етаклади, отлиқлар тоғ этагидаги кичик овулдан чиқиб, қиблага қараб йўл олишди.

Отлар худди барабар юк тортаётган извош отларидай бир маромда қадам ташлаб борарди.

Баланд бўйли йигит қўллари толиқиб, икки отни жиловидан етаклаб келар эди. Бўз от устида малла чопон кийган, оқ саллали, оппоқ соқолли, қарилигидан бир оз букчайган Мурод шайх ўтирарди. Олаоёқ тўриқ устида зар нақшли эгари қошига пўлат қалқон илиб, ўнг ёнига қора қинли қилич, елкасига ўқ-ёй таққан, қора чакмон, қора қалпоқли, соқоли қордай оппоқ бўлса ҳам юзи қипқизил Ўразан ботир қаддини ғоз тутиб ўтирарди. Бу иккала отлиқнинг ташқи кўринишларигина эмас, босиб ўтган умр йўллари ҳам бир-бириникига ўхшамас эди. Лекин улар 1723 йилги жунғорлар билан бўлган жанглардан сўнг, «оқ табан шубринди»¹ деган ном олиб, тариқдай ҳар тарафга тўзиб кетган қорақалпоқ элининг Сирдарёнинг қуйи томонига қараб кўчиб кетган халқи билан бирга кўзёши тўкишди, бошларига тушган ғамни бирига тортишди, дардларига шерик бўлишди. Улардан бири узоқ сафарга отлангудек бўлса, иккинчиси мана шундай кузатиб чиқар, келса, овулнинг қибла томонидаги ёлғиз туп эман тагида кутиб олиб, худди ҳозиргидай кўришарди, кейин, отларини биронтага етаклатиб, овулга кириб боришарди. Шунинг учунми уларнинг қайси бири гапирса ҳам юртга ёқади. Ҳамма «Лаббай!»

¹ Ялпи кўчиш.

дейди. Бу, балки, ботир сўзласа, орқасида шайх бор, шайх сўзласа, орқасида ботир бор, деб ўйлаганларидан бўлса керак. Аслида, гап бунда эмас. Мурод шайх қорақалпоқ халқининг муфтиси эди. Ҳазрат — қорақалпоқ халқининг ботири. Икки от ўртасида кўкрагини кериб, мағрур бораётган пиёда Ҳазрат ботирнинг ёлғиз ўғли Маман эди.

Улар ёлғиз эман тагига бориб тўхташди.

Ҳазрат ботир узангига оёғини тираб, кетига бурилди.

Овулнинг орқаси билан кун ботиш томонини паст-баланд тизма тоғлар ўраб турарди. Қуёшнинг илк нурлари тоғ чўққиларига тушиб, худди нураган деворга ўхшаб кўрунарди. Тоғ этагидаги тошлар зилзила натижасида чўққидан думалаб тушгандай, ёйилиб ётарди.

Ҳазрат ботир кетига қайрилиб қараб, қадрдон овули билан хайрлашгандай бўлди. У отининг бошини қиблага бурди-да, бийдай кенг далага кўз ташлади ва хиёл эгилиб, ўғли Маманнинг бошидан қалпоғини олди, кокилидан ўпди.

— Энди сен қолавер, ўғлим. Худо ҳам бир, ваъда ҳам. Ҳар кунги вақтда етиб бормасанг, руслар «қорақалпоқлар бетайин экан», дейди. Уларга ўргат, ўзинг ҳам ўрган. Туғилиб-ўсган ерингнинг, паст-баландини билиб борган яхши. Шайх отангнинг қўнглини ранжитма, содиқ бўл, ўғлим. Қани, тақсир, кетдик!

— Файридинлар олдида субутсиз бўлиш, ислом динининг обрўсини букиш бўлади, болам, энди бора қол, — деб Мурод шайх Ҳазрат ботирнинг кетидан отига қамчи босди.

Маман отасининг узангисига пешонасини тираб турарди. У шайхнинг кетидан келаётган отбоқар ўтиб кетаётганида ҳам худди шамолда эгилган ниҳол сингари энгашиб, то отлиқлар кўздан ғойиб бўлгунча кутиб турди.

* * *

У икки тоғнинг туташган ерига қурилган тош қопқага яқинлашганда, бир дам нафасини ростлаб олмоқчи бўлиб, думалоқ қоратош устига ўтирди. Худди шу пайт юлғунлар орасида кетаётган ўтинчиларнинг суҳбати қулоғига чалинди...

— Юрт уни нега яхши кўришини биласанми? — деб сўради ўтинчилардан бири ва ўз саволига ўзи жа-

воб берди. — Шайх ҳазратлари эл фойдасини ўйлайдилар. Отам раҳматликни билардинг, жуда ўжар одам эди. «Шунча йил намоз ўқиб, худодан нима яхшилик кўрдим, эғним кийимга ёлчимади, қорним нонга тўймади», деб жунгорлар ҳужумидан кейин намоз ўқишни йиғиштириб қўйди. Баъзан жаҳли чиқиб худони ҳам сўкиб юборарди. Лекин шўрлик отам ўлаётганида жуда қийналди. Шайх ҳазратлари кўргани келган эди, «энди ҳолим нима кечади», деб йиғлаб-сиқтади. Садағанг кетай шайх ҳазратлари узоқ ўйланиб ўтирмади. «Бу дунёнинг бошга солган шўришларини даф қилиш қўлимдан келмайди. Аммо у дунёда қорақалпоқ зотининг жони жаннатда бўлишига имоним комил. Эртаю кеч халқимнинг дуои жонини қилганим-қилган», деб юватди уни.

— Ҳазрат ботирнинг таърифини эшит, — деди иккинчи ўтинчи. — Садағанг кетай ботиримизнинг бир камчилиги — қўй мижозлиги. Хон уни шунинг учун ҳам ёқтирмаса керак. Тушунмаган сиртдан қараган одамга у чиндан ҳам баджаҳлга ўхшаб кўринади. Аслида эса жуда юмшоқ кўнгил одам. Шайхимизга: «Биз озчиликмиз, оз товушнинг уни паст, оз қўлнинг кучи кам бўлади. Кўпчилик бўлганимизда, бу дунёнинг бошимизга солган кулфатларини йўқ қилардик», — дебди. Шундай қилиб, йиртиқ, эски қопдан тўкилган тариқдай, ҳар ёққа тирқираб кетган қорақалпоқларни бир ерга тўплаш ниятида юрган эмиш. Энди Хоразмга кетармиш!

— Вой садағанг кетайлар-эй! Айтмоқчи, яна бир гапдан хабаринг борми? Шайх билан ботирнинг феъл-атвориям, юриш-туришиям бошқа-бошқа-ю, аммо иккаласи бир одамнинг фарзандидек қалин дўст, бунинг сабаби нима?

— Сабабими? Сабаби шуки, иккаласи бир уруғдан. Ёби уруғидан.

— Йўқ, бугина эмас. Улар бизнинг тақдиримизга куяди. Бири у дунёмизни дейди, бири бу дунёмизни. Мақсадлари — қорақалпоқ уруғини икки дунёда ҳам хор қилдирмаслик. Мана шу сабабдан тил топишишган...

Маман ўтинчиларнинг суҳбатини тинглайверарди-ю, лекин улар узоқлашиб кетишди. «Қизиқ! Юрт нималар демайди? Халққа бош бўлиш осон гап эмас. Доим кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Беҳабар қолибман дейиш бекор. Бош бўлсанг, эҳтиёткор бўлишинг керак экан. Халққа яхши томонларинг билан ўрнак кўрсати-

шинг, ишинг, тилинг, одамгарчилигининг жойида, виждонинг пок бўлиши керак экан», деб ўйлаб Маман ўрнидан кўзгалди.

Кунда овулдан тўппа-тўғри келадиган таниш сўқмоққа тушиб олди. Бу ўзининг бир йилдан бери юра-юра солган йўли. Йўл тоғ оралиғига жойлашган тош қопқага бориб тақалади. Бу тош қопқанинг нарёғи гор, айланаси қиялама тик жар, ўрмалаб чиқиб кетишнинг иложи йўқ. Бу ерда эркаги, аёли, боласи билан юздан ортиқ бандилар яшайди. Улар руслардан олинган бандилар. Кейинги вақтларда рус подшоси қўли остидаги ерларга савдо билан кетган қорақалпоқлар бола-чақасининг бағрига қайтмагани учун қорақалпоқ бийлари жаҳл билан тил бириктиришиб, русларнинг чекка қишлоқларидан одамларини тутиб, банди қилиб келишган. Олдига икки йил, кейингиларининг қўлга тушганига ҳам бир йилдан ошиб қолган. Бандилар ташқарига чиқарилмайди. Шу горда тош йўнишади. Керак бўлса-бўлмаса йўнишади. Кичик юзнинг хони Абулхайрнинг буйруғига биноан Сирдарёнинг қуйи оқимидаги қадимги Янгикент шаҳрининг ўрнига қуриладиган қалъа учун тош йўнишади. Уларга тош йўндирадин ҳам, мусулмон динини ўргатадиган ҳам Ўразан ботирнинг ўғли Маман эди.

Маман онадан ёш етим қолган. Онаси жунғорлар уруши йилида қазо қилган. Отаси Ўразан ботир урушда олти йил юриб, қайтиб келгач, ўтов ҳам тиклолмади. Онасидан уч ёшида етим қолган Маманни Мурод шайх ўз болаларига кўшиб тарбиялади, ўз уйида очган мактабда бошқа болалар қатори ўқитди. Маман тенгқурлари ичида зехни ўткир, чаққон бола бўлиб ўсди. Шайх уни шогирдларига халфа қилиб қўйди, кейин чаққонлиги, зийраклиги, кучлилиги, ғайридинларга шафқатсизлиги учун бир кун уни етаклаб келиб, мана шу тош қопқага бошлаб кирди-да, рус бандиларини кўрсатди:

— Мана, болам, халқингни десанг, булардан халқингнинг ўчини ол, савдогарларимизни юртимизга қайтармагани учун хоҳлаганингни ур, қорақалпоқ халқини кимки нотавон деб писанд қилмаса, қанақа жазоланишини кўрсат. Аяма. Ғайридинлар бамисоли эшак. Билагида кучи, танида жони борини, нима қилсанг ҳам, динимизга ўргат, —деб тайинлади.

Ўшандан бери орадан. роппа-роса бир йил ўтди. Маман ҳар куни қатнардди. Қопқа оғзида турган ойбол-

тали икки қоровул келганнинг йўлини тўсарди, фақат йигирма яшар Маманга йўл ҳамиша очиқ. Бемалол.

У шайх отаси нима деган бўлса, ўшанга амал қилди. Ҳаммасини жазолай бошлади. Бандиларнинг на қари, на ёшини, на касалу на соғини аяди. Ишни таёқлашдан бошлади.

Кўлига нима тушса, шу билан урди, мусулмонча салом беришга, калима келтиришга ўргатди. Тили келмаганларнинг гоҳ қулоғини чўзиб, гоҳ сонини бураб, хоҳлаганича азоблади, сал қаршилиқ қилгудек бўлса, оёққўлини кишанлатиб, ўз ҳолига ташлаб қўйди.

Бандилар орасида Кузьма Бородин деган соқоли пахмоқ, чорпахил рус бор эди. У қирқ беш, элликларга борган бўлиб, ўнг оёғини силтаб босади, камгап эди. У Маманни кўрса қош-қовоғини уярди-ю, лекин индамасди, мисдай қизиган пешанасидан маржон-маржон тер оқса ҳам тинмай тош ағдарарди. Маман бошқаларни ишдан тўхтатиб, мусулмончилик йўлларини ўргатаётганида ҳам Кузьма келмасди, унинг тошни тошга уриб, учкун сачратишини кўрган Маман, «Ўзиям девдай одам экан-да!» деб ажабланарди. Бироқ унга сўзини ўтказолмагани, уни мусулмончиликка ўргатолмаётгани Маманга жуда алам қиларди. Учинчи куни ҳаммани ўтқазиб қўйиб, уни ҳам чақирди. Кузьма келмади. Маман уч кун ичида «кел», «кет» сўзларининг ўрисчасини ўзи ҳам билиб олган эди. Гапимга тушунмаётганмикан, деган хаёл билан «Бородин, иди» деб бақирди. Бородин ўзини эшитмаганга олди.

— Ҳой, тўнғиз! — деб қичқирди Маман овози титраб.

Бородин тош майдалайдиган бир пудли болғасини елкасига ташлади-да, унга ўкрайиб қаради. Турк сўзларини аралаштириб, татар тилида ўшқирди:

— Ҳой, ўз қадрини билмаган чаламулла! Кўп чиранаверма! Шунин билки, жаҳлим чиқса... тоғу тошни остин-устин қилиб юбораман!

Маман уни тушунади деб ўйламаган эди, оғзи очилиб, лол бўлиб қолди. Кузьма Бородин лапанглаб юриб, унга яқинлашди.

— Биламан, мулла, ёшлиқ — қўрслик, дейдилар.

— Нега шовқин соласан? Жаҳлим чиқса тоғни йиқитаман дейсан, нима, бу ерга ўйнагани келдингми? — деди Маман ўзига келиб.

— Мен халқимнинг кучини айтяпман, мулла! — деб тўнғиллади Кузьма Бородин.

— Халқинг кучли бўлса, мусулмон тилини нега ўргангансан?

— Бир нарсани қулоғингга қуйиб ол, мулла. Ҳамма нарсага зарурият сабабчи. Мен Туркия билан урушда қатнашганман. Шунда ўргандим. Шуни билиб қўйки, бу тилини енгилганимиз учун эмас, енгганимиз учун ўргандим. Қўлга тушган қуролсиз бандиларни бекордан-бекорга азобламаслик учун ўргандим. Оёғимдан ярадор бўлиб, бола-чақамнинг олдига кетаётганимда сизнинг бадбахт отличларингизга дуч келиб қолдим.

Маманнинг жаҳли чиқиб кетди. Бироқ бошқа бир андиша уни ўйлатиб қўйди. У отаси Ўразан ботир билан камдан-кам кўришса ҳам, ундан руслар ҳақида кўплаб ҳикоялар, ўрис полковлари тўғрисида қанчадан-қанча эртақлар эшитган, Туркия султони билан рус подшоси ўртасидаги уруш тўғрисида ҳам эшитган эди. Ҳозир унда шу одам билан суҳбатлашиш иштиёқи уйғонди.

— Нега мени «ўз қадрини билмаган чаламулла» дедингиз?

— Ўз қадрини билган одам бошқани оёқости қилмайди.

Маман тилини тишлаб қолди. Мусулмончилик ода-тига кўра Маман ҳозир гапда ютқазганини бўйнига олиб, Кузьма Бородиннинг оёғига йиқилмоқчи бўлди-ю, ўзини тутди. Қалбида бу ақлли одамга нисбатан меҳр уйғониб, юмшаб қолди.

— Айтинг-чи, зарурият деганингиз нима?

— Бизни банди қилиб олишларингиз ҳам заруриятдан, — деди Кузьма Бородин. — Дунёда ҳамма нарса заруриятга бориб тақалади. Кун, ой, юлдуз, манави тоғ, ҳатто шу тошқопқа ҳам зарур бўлгани учун турибди.

Маман бу узундан-узун гапларнинг маънисига тушуниб етолмади, бироқ бу одам билан ёзилишиб гаплашиш керак экан, деган фикрни кўнглига туғиб қўйди. Шу кундан бошлаб, ҳовуридан тушиб, мулойим бўлиб қолди, уларнинг тилини ўрганишга аҳд қилди.

Шундан бери орадан бир йил ўтди...

У ҳар куни бир вақтда келади, бир вақтда кетади, ур-сурни тўхтатиб, бирга тош йўнишади, Кузьма Бородиннинг қизиқ-қизиқ ҳикояларини тинглайди.

Кузьма Бородин гапга жуда чечан одам экан. Князь Ярославль билан Дмитрий Долгорукий, Минни билан Пожарскийлар ҳақида афсоналар, ҳаётий ҳикояларни

дўндириб айтганда, Маман анграйиб қоларди. Александр Невскийнинг урушда асир олинган бандиларини озод қилиб юбора туриб: «Ўз элингизга қайтинглар, рус эли, рус ери омон, уни ёв енга олмаслигини ҳаммага эълон қилинглар», деганини эшитганида Маманнинг ҳам юрагида шафқат ҳисси уйғониб, Кузьма Бородинларга: «Сизлар ҳам кетаверинглар, қорақалпоқ эли неча марталаб қувғин қилинган бўлса ҳам ҳали омон, шуни бошқаларга ҳам етказинглар» дегиси келарди-ю, яна ўзини босарди.

Бир куни Маман шайх билан гаплашиб бандиларни қачон бўшатиш ниятида эканини сўраган эди:

— Халқимизнинг душманларини бўшатиб бўлмайди, — деди шайх.

«Бу ҳам заруриятдан бўлса керак», деган қарорга келди Маман.

Кузьма Бородин анча мағрур, камсуқум одам эди, шунча очилиб суҳбатлашса ҳам, Маманга, бизни бўшат деб ялинмасди. Аксинча, у, Маманга, ёш эканлигини айтиб, насиҳат қиларди. Улуғ Пётр Биринчи ҳақида гапириб, эли учун нима ишлар қилиши зарурлиги ҳақида маслаҳатлар берарди.

Кузьма Бородин Кичик юз хонининг рус подшосига қўшиб олиш тўғрисида арз қилганини яна қорақалпоқнинг баъзи бийлари ҳам қўшиб олишни илтимос қилишганини билар экан, бу тўғри маслаҳат бўлганини маъқуллади. У Украина эли ва Богдан Хмельницкий ҳақида ҳам ҳикоя қилиб, ёш Маманнинг хаёлини аллақаяқларга қочирарди.

Маман бир йилдан бери ўзининг Кузьма Бородинлар билан дўстлашиб кетганини ҳеч кимга билдирмади, билдириб қўйса, ишнинг пачаваси чиқишига ақли етарди. У овулда бўлаётган гапларни ҳам Бородинларга билдирмайди. «Бошқа диндаги душманга ишониш, кўриниб турган қудуққа кўз юмиб сакраш», деб отасини ҳозиргина Хоразм элига кузатиб келаётганини ҳам айтмоқчи эмас...

Қоровуллардан бири тошқопқани очди, иккинчиси кундаги одати бўйича ичкаридан биров чиқиб қоладигандай, болтаси билан йўлни тўсиб турди.

Қанчалик қийин бўлмасин, ҳатто баъзан одам ўлганда ҳам, Кузьма Бородиннинг оғир хўрсинганини демаса, кўзига ёш олганини Маман кўрмаган эди. Пўлат иродали бу одамнинг кўзлари ёшланиб тургани устига келиб қолган Маман, қоққан қозикдай турган

ерида қотиб қолди. У Кузьма Бородиннинг ёнида малла сочларини ёйиб, йиғлай-йиғлай кўзлари қизарган, юзи заъфарондай сўлган аёлни кўрди-да, Кузьма Бородиндан:

— Яқинингизмиди, оға? — деб сўради.

Кузьма Бородин «йўқ» дегандай бошини чайқади. Аёл оёқларини сургаб, тош йўнаётганлар томонга кетди.

— Бу бечора аёлнинг онаси, қизи кўз олдида очликдан ўлган эди, бугун азонда ёлғиз ўғли ҳам оламдан ўтди. У шунга йиғлади. Ўкириб йиғлади. Илгари дардини гап билан ёзарди, энди кучи йиғига етибди. Сен йўғингда йиғлаб ҳамма ёқни бузиб юборди. Бу оламда энг аянчли нарса одамларнинг кўзёшларини кўриш экан. Чидолмадим, иним. Кўзларимга ёш келди. Одамларнинг кўзёшини тўкмаслик керак. Одамларнинг кўзёшлари кўп тўкилаверса, қора ернинг ҳам қаҳри келади, дейишади.

— Нима, озод қилиш керакми? — деб юборди Маман.

Кузьма Бородиннинг авзойи ўзгармади.

— Ақлинг нимага етса, ўшани қил, — деди у совуққина.

Маман ҳайрон қолди. «Қандай метин одам ўзи. Сира ялинмайди. Худо одамларни лойдан яратган, аммо буни чўян ё пўлатдан яратган бўлса керак!»

Маман қоровуллар билан гаплашиб кўриш учун одатлагидан олдинроқ ташқарига чиқди. Қоровуллар унча-мунча гапга қулоқ ҳам солишмасди. Маман баъзан бандиларга раҳми келиб нон-пон бериб туришни илтимос қилганида, энсалари қотиб «хонга айтамыз», дейишарди. Бу сафар ҳам шунақа дейишларини билса-да, шама қилиб кўрди, лекин иккаласи ҳам бир оғиздан: «Сен бизни жувонмарг қилмоқчимисан, шайхга бориб айтамыз, қопқага яқинлаша кўрма», деб қаттиқ ранжишди, Маманни қайтиб ичкарига киргизишмади. Маман уларнинг дўқ-пўписаларидан кўрқмади-ю, лекин қаттиқ хафа бўлди. Таъби тирриқ бўлиб қайтди.

Шундай кезларда Маманнинг кўнглини кўтарадиган дўстлари бор эди. Улар сал нарироқда тоғ этагидаги ярми тошдан, ярми ёғочдан қурилган кулбада туришарди. Кулбада тўққиз ўғил билан Олмагул исмли ўн яшар бир қиз яшарди. Қиз Омонлиқ деган ўн етти яшар ўспириннинг синглиси эди. Ёши Омонлиқ билан

тенг яна бир Оллоёр деган йигит ҳам бор. Қолганлари ўн-ўн беш ёшлардаги етимлар. Омонлиқ билан Оллоёр уларга ҳам оталик, ҳам оналик, ҳам акалик қилишади. Ўргатадиган ҳам, йўлга соладиган ҳам шулар. Маманнинг билишича, ҳар қаёқдан келиб қолган бошпанасиз етимларнинг бошини қовуштириб турган Омонлиқ анча ақли йигит эди. Оллоёр бўлса уларнинг вақтини чоғ этиб юрарди. Болалар тиланчилик қилиб ҳеч нима тополмаган кунлари уларни ҳазил-мутойибалари билан кўнглини кўтарарди, овутарди. Маман бошқа ўзига тўқ хонадонларнинг фарзандларидай кеккаймагани, ўзини баланд тутмагани учунми, ҳаммалари уни яхши кўришади. Келса, тиланчиликка кетган шериклари келгандай, қувониб, кулги, шовқин-сурон билан қуршаб олишади. Улар билан бирпас бирга ўтириб ҳангома-лашса Маманнинг кўнгли ёришиб, барча ғам-ғуссасини унутарди...

Оллоёр бошини ҳам қилиб келаётган Маманни узоқдан кўриши билан: «Маман келяпти, Маман!» деб шерикларига хабар қилди. Ичкаридан бир гала бола югуриб чиқди. Маман Оллоёрни кўриши билан жилмаяр, эди, бу сафар кулги юрагига сиғмади.

— Маман, нима, сен ҳам оғзингга лўя солиб келипсанми? — деди Оллоёр.

Шериклари дув этиб кулиб юборишди. Маман гапнинг маъносига етмаган бўлса ҳам, мийиғида кулишга мажбур бўлди.

— Қизиқ бир иш бўлди-да, — деб давом этди Оллоёр. — Тишимнинг қавагига битта лўя тиқилиб қолган экан, уч кун ололмай юрдим, кейин олсам, униб қолибди. Шунга ишонмай, манавилар ҳам оғизларига лўя солиб юришибди.

— Рост, рост, Маман оға, — деб Бектемир исмли бола қорақуя босган башарасини бужмайтириб, оғзидан лўя олиб кўрсатди. — Мана, кўра қол. Жуда галати, а? Бир қизиқ гап айтиб берайми?

Унинг чийиллаб гапиришининг ўзи кулгили эди. Оллоёр елкасидан ушлаб, нари итарди.

— Нариги турсанг-чи, чийилдоқ махсум.

— Омонлиқ қани? — деб сўради Маман.

— Асти сўрама, тоза қизиқ бўлди, — деди Оллоёр кулиб. — Кеча Бектемир чийилдоқнинг тиланчилик қиладиган гали эди. Ҳеч нарса тополмай, намоз ўқиб ўтирган бир кампирнинг дастурхон тўла нонини орқалаб қочиб келди. Омонлиқнинг жўла жўли чиқди. Ов-

қат топсак ёмонми десам, қулоқ солмай, бугун навбати бўлмаса ҳам тиланчилик қилгани кетди, бўшаган дастурхонни ҳам эгасига топшираман деди. Билмадим, кечикиб қолганига, қўлга тушиб, калтак еб юрибдими, деб турибман.

— Ва-а-а-!!! — деб йиглаб юборди Олмагул.

Болалар дув кулиб юборишди.

Маман кўз югуртириб қизни излади.

— Ҳой, сочидан тортган ким? — деб сўради Оллоёр болалардан. Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Ҳеч гап йўқ, Маман оға. Болалар бу қизнинг «Ва-а!» деб йиглашидан завқланишади. Шунақа деб йиглатиш учун кокилидан тортишади ё бўлмаса, «оғанг қўлга тушиб қолди», деб қўрқитишади.

— Омонлиқ сира ташлаб кетмас эди-ку.

— Дастурхоннинг эгаси тутиб олиб урадиган бўлса, ёлғиз ўзингни ура қолсин, деб ўзимиз олиб қолдик. Ие, нега бу ерда турибмиз, ичкарига кирайлик, — деди Оллоёр.

Маман бу ёввойи, бироқ бир одамнинг фарзандидай бўлиб қолган тили бир етимларнинг кулбаларига улар билан бирга туртишиб кирди.

2

Ўразан ботир сўнгги йилларда кўп жойларда бўлди. Яна кўшилармиз деган умидда Бухоро қарамоғидаги қорақалпоқларнинг ҳузурига бориб келди. Жунғорлар кўлига тушган бандилар билан яширин музокара олиб борди. Туркистонда қолганларга юртига кўчишни маслаҳат берди. Ҳеч ким кўчмади. Бунинг иложи ҳам йўқ эди: сабаби, уларга очиқ-ойдин ёрдам беролмайди. Дарёнинг юқори оқимидагилар ҳам ўз кучи билан кўча олмайди.

Хоразмга кўчган Манғит уруғининг бийи Шердалини Элбарс хон ўлдирибди, деган миш-миш тарқалганда, Ўразан ботир юқори қорақалпоқлар ҳузурига эди. У ердан қайтиб келиб, бор-йўғи бир ой дам олди. Бошлиқсиз қолганига беш йил бўлган шу уруғдан хабар олиб келишга отланди. Шу бугун отланди. Иложи бўлса уларга бирга бўлишни маслаҳат беради, бўлмаса, Хива хони ҳузурига бориб гаплашади. «Қорақалпоқлар бўлиниб кетибди деб, уларни хўрламанглар, одами бор. Ваъда бериб, қасамёд қилган Улуғ Рус подшосидек суянчиғи бор», деб писанда қилиб қўяди. «Билиб

кўйсин, ахир. Халқимиз ношуд кўрқоқлардан эмас. Жаҳл билан руслардан асир қилиб олган бандилари ҳам бор!»

Кун пешинга яқинлашганда улар бир тўранғилнинг ёнига келиб тўхташди. Ўразан ботир шайхдан энди қолаверинг, деб илтимос қилди. Чарчаб қолган оти энди уни овулга кун ботганда етказса ҳам катта гап. Ўзи бўлса сафарга чиққан, ови ҳали олдинда, кетаверади. Шайх қайтишга рози бўлди. Иккаласи от устида қучоқлашиб хайрлашишди.

— Рози бўл, шайхим, — деди Ўразан ботир.

У қанчадан-қанча узоқ сафарларга чиқди, қанчадан-қанча урушларга отланди, лекин ҳеч қачон «рози бўл» демаганди. Шу сабаб бўлдим, шайхнинг кўнгли бузилди, бироқ кўзидан ёш чиқармади.

Шундай бўлса ҳам бу гап шайхни ўйлантириб қўйди... Кексайиб қолгани учунми? Бўлса бордир. Иккаласининг ҳам ёши олтмишдан ўшиб қолган. Танангдан куч-қувват кетса, ҳаётнинг қизиғи ҳам унча қолмас экан. Кўзингга ўлим кўринади. Ҳамма билан рози-ризолик тилашавериш керакдай туюлади кишига. Даставвал, юрт билан рози-ризолик тилашиш керак. Шайх эсини танигандан бери рўшнолик кўрмаган жафокаш эл бошига не-не кулфат фалокат тушмади. Қанчадан-қанча яшнаган, обод жойлар харобага айланди. Энг сўнгги боболарининг отаюрти Туркистон, «Оқтов» атрофларига кўп борди. Бундан ўн етти йил илгари жунғорларнинг золим хони уруш бошлаб, юртни ер билан яксон қилди. Баъзилар Хитойга, баъзилар Бухоро хонлигига қараб қочди. Баъзилар эса жунғорлар юртига ҳайдаб олиб кетилди, баъзилар бедарак кетди. Сирдарё бўйига келиб жойлашган олтмиш минг хонадон қорақалпоқ жунғор урушидан олдинги қорақалпоқларнинг бир қисмигина, холос. Илгариги вақтларда халқнинг сонини минг-минглар билан ҳисоблаб бўлмас эди. Мурод шайхнинг фикрича, бу тумандаги қорақалпоқлар оз бўлса ҳам энг довжураклари, жаҳонгирлари, миллатта содиқлари мана шулар. Юртнинг бор йигиғлари болачақалари, қари-қартангларни уйда қолдиришиб, Ўразан ботир бошчилигида қозоқларнинг Кичик юз хони лашкарлари билан қўшилишди, жунғорларга қарши курашни давом эттиришди. Халқ ҳар қаерда ҳам халқлигини қилади. Кичик юзнинг халқи билан апоқ-чапоқ бўлиб, дўстлашиб кетишди. Кўчиб келган бойлар орасидан меҳрибон-оқибатлилари ҳам чиқиб қолди. Бири мол-

дан, бири кийим-кечакдан ёрдам берди. Етти уруғнинг — тобин уруғининг ёши улугроғи Айғара бийнинг ўзи ҳар хил моллардан юзтадан-юзтадан ҳайдаб келиб, Мурод шайхга топширди.

Юрт биз оз қаддини ростлаб олди.

Қорақалпоқларнинг дастлабки хонадонлари кўчиб келиши биланоқ Кичик юзнинг катта хони Абулхайр хабар топиб, пакана, қорни тарвуздек юмалоқ, қовоқбош Ғойиб деган одамни кўчириб келтирди. «Тавка хоннинг уруғ-ужутларидан», деб уни хон қилиб тайинлади. Мана шу қовоқбош Ғойиб ҳозир қорақалпоқларнинг хони. Ўзининг туғишганлари, болалари кўп экан, ўрганиб кетди. Барибир катта хон Абулхайрнинг ўзи эди. Солиқлар унга тўланарди.

Абулхайрнинг қайта-қайта қилган илтимосига биноан рус подшолигидан элчилар келганди. Шунда кўпчилик бийлар «бизни ҳам рус подшолиги қўли остига олинг», деб арз қилишганди, мана, арз етказилганига ҳам тўққиз йил бўлди. Рус элчилари олдида «қорақалпоқларга тегмаймиз», деб ваъда берган Абулхайрхон ваъдасига вафо қилмади. Эл уч марта таланди. «Арзингизни қабул қиламиз» деб кетган рус элчилари ҳам ваъдаларини унутишди. Қайтага Россияга савдо билан кетган савдогарлар юртларига қайтишмади. Савдогарларнинг бекордан-бекорга тутиб қолингани, хўрлангани учун қорақалпоқлар ҳам бошга бош, деб русларнинг чекка овулларидан юзлаб одамларни банди қилиб олиб келишганди. Бунинг ҳеч қандай фойдаси бўлмаса ҳам, «қорақалпоқ кучли халқ», дейишиб, ўзларини ўзлари юпатиб юришади.

Халқнинг келиб чиқиши ҳақида ҳақиқатга яқин афсоналарни биладиган Мурод шайхга руслардан банди сақлаш номақбул кўринади. Бироқ, иложи қанча? Миллатнинг ор-номуси шунга талаб қилади.

Шайхнинг хаёлига келмаган нарса йўқ. Бийларнинг баъзилари арз қилишганига қарамай, русларнинг бандиларга жавоб бериб юбормай, қуруқ жўнатиб юборишгани яхши бўлмади. «Дини, имони бошқа одамлар билан бир қавм бўлиш, ит билан мушукни бир катакка қамашдек гап»... Шайх Оқбўзга қамчи босмай, аста-секин ҳайдаб, шуларни ўйлаб келаётган эди. Бир гала ит акиллаб олдидан чиқди-да, хаёлини бўлди. Шайх хушёр тортиб, итларни таниди. Бу Ғойибхоннинг итлари, шикорга чиқаётган ё қайтаётган бўлса керак. Бу орада бир тўда отлиқ кўринди. Булар хоннинг султон

инилари, ўғиллари эди. Қизил бахмалли, кундуз қалпоқ кийган, қорни тарвуздай юмалоқ хон қора-қашқада гердайиб, отликларнинг олдида келарди. Шайх кутилмаган учрашувдан довдираб қолиб, отдан тушмай салом берди.

— Шайхимиз, озиб кетибсиз, дам олишнинг йўлини билмасангиз керак-а, — деди хон алиқ олиш ўрнига.

Хоннинг йўлдошлари қиқирлашиб кулишди.

— Хон, ҳазратимиз пайқаган бўлсалар, нима ҳам дердик, бўлса бордир, — деди шайх мулойимгина.

— Шайхимиз, шикорга чиқиб туриш керак. Мундай чиқсанг теварак-атроф бийдай дала. Кун чиққанда қочган кийик, кун ботгунча қочса ҳам кўринаверади. Жуда гашти зўр-да, вой-буй. Менинг ажойиб тозиларим бор. Кун чиққанда қувса, кун ботгунча чарчамайди, тутмай қўймайди. Шикор деган нарса жуда завқли бўлади-да, Қуръон ўқиб-ўқиб чарчаган бошингиз дам олади.

— Хаёлимизга келмаган маслаҳатни берганингиз учун миннатдорман, хон ҳазратлари.

Хон от устида калта, семиз бармоғи билан итларини яна санаб чиқди-да, султонларидан бирига «итларга гўшт ташла», деб буюрди. Хон итларнинг ириллашига, гўштни бир-биридан талашиб, қизғаниб ейишига қараб завқланарди. Охири чидолмай отидан тушди. Гўштга тўйибми, баъзи итлар бир чеккада бепарво турган эди, хон уларни бўйнидан етаклаб келиб, қонли гўштга тумшугини босди. Кексайиб қолган ўжар кўппакларнинг тумшугига ўзи қон суркади. Бир меш қон олиб чиққан экан, кичкиналарининг тумшугини мешга зўрлаб тикди.

Мурод шайх хоннинг бу қилиғини ўзича тушуниб, мийиғида кулиб қўйди. Бироқ отидан тушмади. Хон бир ялқов кучукнинг қора тумшугини мешга тикиб ўтириб гапирди:

— Қорақалпоқларнинг дин ҳомийси, буни кўриб, ҳайрон бўлиб турган бўлсангиз керак. Оғзи қонга бўялмаган кучук, катта бўлганидан кейин қонга югурмайди. Кучук қон ялаб ўрганиши керак. Бундай ит ҳам яхши, ҳам эгасига вафодор бўлади.

— Вафодорлик яхши нарса, хон ҳазрати олийлари. Шу вафодорлик билан олғирликни бизнинг кучукларимиз ҳам ўрганса ёмон бўлмас эди, — деди шайх.

Хон ҳайрон бўлди.

— Бунинг нимаси қийин?! Мана, кўриб турибсиз-ку. Кучук катта овчи итга эргашмаса, овчиликка ўрганмайди. Сабаби, катта итнинг хатосини бошқа ит такрорламайди, айёрликни ўрганади. Шайхимиз, сизда овчи кучуклар йўқ-ку, бунинг устига, сиз овчиликка ишқибоз ҳам эмассиз.

— Кечирасиз, хон олий ҳазратлари, кучукларимиз деб мен болаларимизни айтаётган эдим. Сиз айтганингиздай бўлса, бизнинг фарзандларимиз катталарнинг хатосини такрорламаган бўлишар эди, хон олий ҳазратлари.

— Ҳа, тушундим, фарзандларимизни ҳам шундай ўргатса бўлади, — деди хон. — Янаги шикорга йигитларимизни ҳам эргаштириб чиқайликми?

— Шундай қилсак ҳам бўлади, хон ҳазратлари, — деди шайх жаҳлини аранг босиб. — Биз қариб қоляпмиз. Фарзандларимиз орасидан элга бошчи тайёрлаб берсангиз, ўргатсангиз демоқчи эдим.

— Мен бунга қарши эмасман, — дея хон бир отлиқ қўшниси томонга бурилди-да, — анави кучук нега оқсаяпти? — деб сўради ва отига минди. — Кетдикми, шайх.

Улар хоннинг овулига —Янгикент томонга қараб йўлга тушишди. Хоннинг кайфиятига қараб, шайх узилиб қолган гапини яна давом эттирди.

— Хон олий ҳазратлари, бугунгининг ёши, эртанинг қарияси эканини сиздан ўрганиб, сиздан билса бўлади. Итларингизнинг олғирлиги ҳам шуни кўрсатиб турибди. Кичкиналигидан ўргатар экансиз. Энди болаларимизга ҳам кураш илмини ўргатиб берсангиз, ўлсак «хонга муносиб хизмат қилгудек издошларимиз қолди», деб кўнглимиз тўқ бўлиб кўз юмар эдик.

— Ундай бўлса, юртимизнинг бор йигитлари — шогирдларингиз бир ерга тўпланишсин. Менинг номимдан барча уруғларга буйруқ беринг. Ақллисини танланг, тарбиялашни ўз гарданимга оламан. Бироқ Ўразан ботирга ўхшаган ўжар, димоғдор бўлмасин. Айтмоқчи, унинг ўғли сизнинг қўлингизда эди, қалай? Юриш-туриши отасиникига ўхшамайдими?

— Хон олий ҳазратлари, Ўразаннинг ўғлидан сира ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади, ақлли йигит. Хўш, ундай бўлса, йигитларни тўплашга қачон хабарчи юборсак бўларкин?

— Ўзим хабар қилдираман. Пўлат ясовулни юбориб айтдираман. Агар томоша кўришни истасангиз, эртага

келинг. Бугун кучукларни ўргатишга айланиб чиққан эдик. Овимиздан ўлжа беролмадик.

Чарчаб келаётган Мурод шайх хоннинг «биз билан бирга юр» демаганига севиниб, «яна дийдор кўришгунча хайр, хон ҳазратлари», деди-да, отининг бошини бурди.

* * *

Маман Омонлиқни кутиб, Оллоёрлар билан кун ботгунча ўтирди. Гаплашди, кулишди. Бундан ортиқ кечикса бўлмайди. Шайх қайтган бўлса, ҳар тарафга одам юбориб қидиртиради. Шунинг учун қош қорайганда ўрнидан турди.

Яна Маманнинг кайфи бузилди. Пешанаси тиришиб, қалпоғи қошига тушиб кетди. Чакмонининг тугмасини ҳам солмаган, бари сал шамолга ҳилпираб келяпти. Қоронғиликда «ассалому алайкум, Маман оға!» деган таниш овоз ўзига келтирди.

— Ий-е, Омонлиқ!

Елкасидаги жун тўрвача оғирлик қилганидан Омонлиқ терлаб кетган эди. У пешонасидаги терни енги билан артиб, оппоқ тишларини кўрсатиб кулиб турарди. Шунча юк кўтариб чарчаган бўлса ҳам, кайфи бузилмай, жилмайиб турган бола олдида қовоғини уйиб туриш ноқулай кўриндими, Маман ҳам кулимсиради, тўрвасига ишора қилди.

— Оғирми?

— Қани энди кўтаролмай, букчайиб қолсам. Икки-уч кунга озиқ бўларди.

— Дастурхонни ими-жимиди топширдингми?

— Уйга борувдингми? — деб кулди Омонлиқ. — Қайтаришга қайтардим, аммо адабимни ҳам едим.

Маман ундан сўраб ўтирмай, тўрвани олиб елкасига ташлади.

— Юр, олиб боришай.

Омонлиқ «одамни хижолат қилма», деса ҳам унамади.

Йўл-йўлакай аста гап бошлади.

— Омонлиқ, агар мен банди русларни бўшатсам, сен нима дер эдинг?

Омонлиқ ўйланиб ҳам ўтирмади.

— Қўй кўрасига кирган қашқирларни ўз ҳовлисига йўлатган одамни юрт тентак дейди-ку, — деди у.

Маман анча ергача жим борди, кейин Омонлиққа эшитилар-эшитилмас қилиб, гудранди. Қоровуллар

«қопқага яқинлашма», дейишди. Оллоёр билан маслаҳатлашсам, у ҳам, «эшакнинг миясини еган одам бўшатади уларни», дейди. «Ўзи кўзёши тўкиб юриб, бошқаларнинг кўзёшига ачинмаганига ҳайронман?.. Манави ҳам шундай деяпти...»

Нариоқдан ўтиб бораётган отнинг пишқириғи Маманни чўчитиб юборди.

— Тўхта, Омонлиқ, — деб елкасидаги тўрвани олиб унга узатди. — Шайх отамнинг оти пишқирди. Кетдим.

Маман янглишмаган эди. У шайхнинг кўзига кўринмай, ундан олдинроқ уйга бориб туришга ошиқди. Қоронғида югуриб кетаётиб, шайхнинг уч отлиқ билан бўғилиб гаплашиб турганини кўрди. Отлиқлар кечкурун ёв бостириб келиб, мол-ҳолларини ҳайдаб кетишганини хабар қилишаётган эди.

— Ҳароми, лаънатилар! Эҳ! Бу Абулхайрнинг тўртинчи мартаба босқинчилик қилиши, — деб шайхнинг хафа бўлаётганини эшитиб қолди.

Агар бу шум хабар рост бўлса, Абулхайр 1731 йили рус элчилари олдида қорақалпоқларга қўл тегизмаймиз, деб берган ваъдасини тўртинчи марта бузиб, элнинг бошига мусибат солиши эди.

3

«Бу нима деган гап-а! Ҳаво мисдай қизиди. Шамол эмас, ўт пуркалаётганга ўхшайди. Эй худо, бандаларинга ўзингнинг раҳминг келсин. Шафқат қил!»

Бунақа гап фақат ёзда эмас, қишда ҳам айтилиб турар эди. Куйи қорақалпоқ элининг барча ёши катта бийлари бош қўшса, ҳамма ёқ ларзага келадигандай ичлари тошиб, бўғилиб кетишади. Нафас ололмай маржон-маржон терга ботишади. Юкнинг оғирлигига чидолмай, бир-биридан ўпкалашади.

Мурод шайхнинг тўққиз қанотли ўтовининг орқа жуфт керагаси очиқ, эшиги ҳам тираб очиб қўйилган. Шундай қилинмаса, ичкаридагилар эриб кетаётгандай эди. Баъзилари «пуф, пуф» қилиб ухлаяпти. Қўй гўшти пишгунча мизғиб олишга фурсат топган қорақалпоқ «казо-казоларининг» пашшасини кўриётгандай, ёлғиз Мурод шайхгина уйғоқ. У қалпоғи билан елпиниб, чўккан туядай чап томонига ёнбошлаб ётибди. Ўқтин-ўқтин кераганинг тешикларидан кўёшда жимирлаб кўринаётган саробга, тоғ томонга нигоҳ ташлайди. Бироқ тоғдан наф йўқ. Қайтага бор шамолни тўсиб турибди.

Шайх эшик томон ўгирилди. Эшикнинг тўғрисида, овулнинг қибла томонида худди соқчидай, бир туп эман қаққайиб турибди. Шайх ундан ҳам салқин келармикин, деб умид қилади. Лекин фойдасиз. Фақат теваарак-атрофдаги майсаларнинг аллақандай хушбўй ҳиди баъзи-баъзида димоққа урилади. Лекин у бундан қониқмайди. Елпинади.

Жазирама иссиқ бўлишига қарамай, овулдагилар гимирашиб юришибди. Мол етаклаганлар, эшак минганлар, олисроқда эса туялар, отлиқлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб турибди. Оналарининг этагига ёпишиб олган болалар кўнғиздай югуришади. Бўйнига тўрва осган тўда-тўда ёшлар, қари-қартанглар таёқнинг икки учидан ушлашиб, судралиб ўтишарди.

Бундай манзарани кўравериб кўзи ўрганиб кетган-лигидан унча парво қилмайдиган шайхнинг кайфияти бугун бўлакча.

Кейинги йилларда халқ ўзини сал тутиб олиб, тузуккина турмуш кечира бошлаганида яна ёв оралаб қолди. Пода-пода моллар ҳайдаб кетилди. Бу замонда молсиз одамда бахт қайда дейсиз. Ким молидан айрилса, бахти, давлатидан айрилади.

Тирикчилигини зўрға ўтказиб турган халқ бошига кулфат тушди. Худо уларга бир дурустгина хон ҳам ато қилмади... Шайхнинг кўзларига ёш келди. Унинг кўзёши тўкаётганини четдан қараган одам пайқаши қийин эди. Ёшлигида семиз бўлиб, қариганда озиб, юзлари халта бўлиб қолган бу одамнинг кўз остлари салқи, чуқурлигидан бир қошиқ сув жойлашгудай эди. Шунинг учун кўзёшларини сидириб ҳам ўтирмади. Ўнг томонида ётганларга ўгирилиб қаради. Улардан тўрда ётгани кўнғирот уруғининг кекса оқсоқол — бийи, соқол-сочлари оппоқ оқариб кетган Ирискул бий, унинг нарёғида ётган кўсанамо киши манғитларнинг бийи Убайдулла. Учинчиси — соқоли оқ, сочи қора одам хитой уруғининг бийи Давлатбой бий; пойгаҳдаги энг четкиси — сочи оқ, соқоли қора қария — жалойир уруғининг бийи Эсим бий.

Бу атоқли уруғ бошлиқларини уйига тўплаб, қўй сўйиб меҳмон қилаётган Мурод шайхнинг мақсади уларни ухлатиб дам олдириш эмас эди. Шайх «Абулхайрхоннинг отлиқлари яна элни талаб кетди. Энди нима қилиш керак. Бийлардан қандай маслаҳат чиқар экан?» — деб уларни кенгашиб олишга чақиртирган эди. Бийлар доимий одатларини қилиб, келган заҳот-

лари ўзларини кўрпачага ташлашди Кекса Ирискул бий сал пинакка кетган эди, бошқалари ҳам ўтирган ерларида қийшайишди. Ҳозир улардан қайси бири чиндан ухляпти-ю, қайси бири ўзини уйкуга солиб хаёл суриб ётганини аниқлаш қийин. Бу беғам бийларнинг қилиқларидан юраги сиқилиб кетган шайх охири чидолмай, қалпоғининг учи билан юзининг терини сидирди ва уларни уйғотиш мақсадида «ўҳ-хў, ўҳ-хў» деб йўталиб қўйди.

Ирискул бий бошини кўтарди.

— Шайхимиз, ухлаб қолибмиз-ку, адабсизлик бўлмадимми?

— Инсон ухлайман деб, уйку билан умрининг ярми ўтиб кетганини билмаса керак. Сизлар ухладинлар, мен бўлсам, бутун элни кафтимда кўргандай бўлиб ўтирдим, — деди шайх.

— Астоғфирулло! Шайхимиз, беодоблик бўлган бўлса кечиринг, — деб Давлатбой бий ҳам бошини кўтарди. — Кўзимиз илиниб қопти, бир пиёла чой ичгунчалик ҳам вақт ўтмади шекилли?

Мурод шайх юзини қалпоғи билан сидирди-да, хохлаб кулди.

— Бир пиёла чой ичгунча у ёқда турсин, киприк қоққунча дунёда одам пайдо бўлиб, одам оламдан ўтиб кетади. Қаноат қилинг, бийим, — деб Убайдулла бий ётган еридан лўкма ташлади.

Жалойир бийи Эсим бий ҳам:

— Ёпирай, худойим олов пурқаяптими! — дея эснаб қаддини ростлади.

Бийлар олдинма-кетин ташқарига чиқиб келиб, қўлларини ювишиб, жойларига ўтиришди.

— Азиз бийлар, қорақалпоқ элининг оғалари, — деб гап бошлади Мурод шайх. — Менинг сизларни меҳмондорчиликка чақиритишдан мақсадим, сизларга айтадиган гапим бор эди. Уйкуга қонган бўлсаларинг, баъзи гапларни гаплашиб олсак...

— Жуда соз, шайхимиз. Сиз чақиртирмасангиз ҳам ўзимиз йиғилишиб, маслаҳатга келишимиз лозим эди, — деди Ирискул бий.

Бошқалари ҳам «шундай, шайхимиз, шундай» деб унинг гапини маъқуллашди.

Бир қўлида қовоқ дастшў, иккинчи қўлида мис қумғон кўтарган хизматкор кириб, овқат тайёр бўлганини айтди.

Гап бўлиниб қолди.

Мурод шайхнинг бир одати бор эди: овқат устида кишини ўйлантириб қўядиган жиддий гапни гапиришни ёмон кўрарди. Гапни ҳавонинг яна ҳам қизиби кетганига буриб қўя қолди.

— Вой-бў, худойимнинг куни ҳам роса ёнди-ку! Олов пуркайди-я, олов! Ўзимиз ҳам ноқулай жойга қўнганмизми, тоғдан шамол эсмаяпти, нақ дўзахга тушгандай бўлдик-да. Лекин қишда яхши.

Ҳаммалари шайхнинг гапини мақуллашиб, бири ҳозир тоғнинг этагига тухум қўйса пишади, деса, бири зўрға нафас олиб ўтирганини айтди. Тирговучли эшикдан кўзга ташланиб турган ёлғиз эманнинг тагида учиб-қўниб юрган бир гала қушларни кўриб, шайх гапни чалғитди:

— Худонинг меҳрибонлигини қаранг. Шундай мектин ерда бир туп эманни кўкартириб, бандаларини ярлақатиб қўйибди. Агар шу эман бўлмаганида, анавиларнинг миялари қайнаб кетган бўлармиди.

Мурод шайхнинг хирсдай ола кўппаги остона тагида ястаниб ётарди. Бийлар шайхни хурсанд қилиш учунми, ё тўйиб қолганлари учунми, олдиларига қўйилган устухондан итнинг олдига ҳам ташлашди. Ит суякларни эринчоқлик билан ғажирди.

Кун мисдай қизиби кетган бўлса ҳам, бўйнига тўрва осган ялангоёқлар соя излашмайди. Эшик олдидан битта-яримта ўтиб турарди. Итдан кўрқибми, шайхнинг уйига бурилишмайди. Бурилишганда тўйиб ўтирган хушнуд бийларнинг сарқитларидан баҳраманд бўлишармиди.

Тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги қизни етаклаб олган, бадани чўяндай қора, кийимлари жулдур, бўйни узун, ориқ бола ўтовдан беш-олти қадам ўтди-да, яна орқага қайтиб, иккови шайхнинг остонасига келиб чўккалашди.

Сариқ ола кўппак бундай чувриндиларни кўравериб ўрганиб қолганиданми, ирилламади, фақат бўйнини буриб уларга бир қараб қўйди-да, олдида сочилиб ётган суякларни шоша-пиша оёғи остига босиб ётаверди. Келган йигитчанинг устида почаси узилиб кетган иштонни бор, холос. Бурни пучуқ, қўйкўз, шалпанг қулоқ йигитчанинг сочлари ўсиб кетган, аъзойи бадани офтобда куйиб қорайган эди; кетидан эргашиб юрган синглизининг устидаги бўз қўйлаги яғир бўлса-да, ҳали йиртилмаган, бутун эди. Саватдай тўзиб кетган тим қора сочларининг учи сичқоннинг думига ўхшарди. Кулча

юзлари офтобдан қорайган қизалоқнинг кўзлари жавди-
раб боқарди, у кун кўринадиган юпқа қулоқларининг
солинчоғига чўп тиқиб қўйибди. Меҳмонлар овқатла-
ниб ўтиришарди. Остонада ётган ола кўппакдан кўрқиб
ҳеч ким келолмаган бу ўтовга юрак бетлаб келган икки
киши Омонлиқ билан Олмагул эди. Улар навбатлари
келиб, ўзларига, шерикларига бирон егулик топгани
чиқишган эди. Бийлар уларга ҳайратланиб қарашарди.

Боядан бери кўнгли алланечук бўлиб ўтирган Мурод
шайх, ўз уйи бўлгани учунми, ўрнидан туриб бориб,
Олмагулга бир парча гўшт берди. Меҳмонлардан эшик-
ка яқин ўтирган Эсим бий қўлидаги гўштни Омонлиққа
узатди. Улар бийларга миннатдорчилик билдиришиб,
таъзим қилишди. Бироқ иккови ҳам очлигини билди-
риб, гўштни шоша-пиша оғизларига тикмади.

Шайх Омонлиққа кўзи тушганда, аллақерда кўр-
гандай бўлди-ю, лекин эслолмади. Укаси билан икка-
ласининг исмларини суриштириб билгандан кейин,
бир оз таъби хира бўлди, қовоғи уйилди. Бироқ бийлар
индашмади.

Омонлиқ туриб кетаётган эди, Эсим бий сўради:

— Қайси уруғдансан, ўғлим?

Даврада ўтирган бийларнинг қулоқлари динг бўлди.
Ўзларича гердаишиб ўтирган бийлар, биронтасининг
уруғидан бўлиб чиқса, обрўйи бир пул бўлиб қолади-
гандай, ишқилиб, менинг уруғимдан бўлмасин-да, деб
кўрқиб ўтиришарди. Худди шуни тушуниб тургандай,
Омонлиқ:

— Уруғимни билмайман, — деди-да, синглисини
етақлаб ўтовдан нари кетди.

Ҳаммалари бир зум лом-мим деёлмай, жим қолиш-
ди. Ҳеч ким дастурхонга қайтиб қўл узатмади, орага
пашша учса эшитилгудек сукунат чўккан эди.

Овқатга фотиҳа ўқилиб, дастурхон йиғиштириб
олингандан кейин, бийлар яна оёқларини узатишиб,
ёнбошлашди. Чой ича бошлашди.

Ирискул бий гап бошлади.

— Шайхимиз, боя бир нарса демоқчи эдингиз?

— Эсимда бор, азизларим, эсимда бор, юртимнинг
тўралари, — деди шайх. — Бояги келган болани энди
эсладим. Сизлар, балки, уни танимагандирсиз. Бу ман-
ғитлар орасида юрган ёбиларнинг Дониёр деган йил-
қичисидан қолган зурриёт. Дониёрлар беш оға-ини
эди. «Оқтобон уруши» йили Дониёр биз билан шу ёққа
кўчди. Худоёр деган иниси Хоразмга Шердали бийнинг

йилқисини ҳайдаб кетди. Қолган учтаси Бухорога, Хитойга қараб жўнади. Биттаси жунғорларга асир тушди. Дониёрнинг ота-оналари ўлди. Опа-сингиллари чўри бўлиб ёлланиб, ҳар қаёққа тарқаб кетишди. Гапираверсанг, бутун ғам-ҳасратинг очилиб кетади. — Мурод шайх хўрсиниб қўйди. — Бу бола ўша «Оқтобон уруши» йили йўлда туғилган эди. Бундан кейин омон-омон бўлсин деб, мен исмини Омонлиқ қўйган эдим. Ушандан бери орадан ўн етти йил ўтди. Уҳ!.. Ўн етти йил! Умр бир эитиб ўтиб кетяпти. Хўрлик, оҳ-воҳ билан ўтиб кетяпти. Бу боланинг отаси билан онаси ҳалиги киз бир ёшга тўлганда бир кунда ўлди. Очликдан ўлди. Онаси раҳматлик шу қизига ҳомиладор бўлганида олмага бошқоронғи бўлган экан. Тополмаган. Шунинг учун қизининг исмини Олмагул қўйган. Энди бечора бола ўз уруғини ҳам билмайди.

— Ўз уруғини билмайдиган шўрпешоналарни ҳам яратадими-а, худойим, — деб зорланди Эсим бий. — Эй худойим, ўзингга шукуру, аммо қандай кунларга қўйдинг-а бандаларингни!

— Э дунё, дунё! Оқибати вайрон дунё, — деб хўрсиниб қўйди Ирискул бий.

— Шундай бўлсаям, укувли болага ўхшайди, — деб қўйди Давлатбой бий.

Убайдулла бий гапга аралашмади.

— Ҳар галги талон-тарож юртимизни қуритиб боряпти. Жуда оғзи куйган халқмиз. Бир иложини қилмасак, бундан кейинги уруғ-аймоқларимизнинг ҳаммаси ҳам шуларнинг кунига тушадими, деб қўрқаман. — Шайх мунгли овоз билан гапириб ён-веридагиларга қаради. — Мақсадим, ўзларингиз билган шу ҳақиқатни эслатиб, сизлар билан маслаҳатлашиш эди. Ҳазрат ботир ҳам Хоразм элига кетаётиб, сизлар билан яна бир маслаҳатлашиб кўришимни илтимос қилган эди.

— Яхши қилибсиз, шайхимиз, — деди Убайдулла бий. — Билишимча, сиз биз билан эртанги кунимиз тўғрисида маслаҳатлашмоқчисиз. Буни бояги етим болага ўзингиз гўшт элтиб берганингиздан фаҳмлаган эдим.

— Ўз етимларимизга ўзимиз ачинмасак, ким ачинади, азизларим?! Одам боласи ҳам худди анови эманга ўхшайди, — деб эшик тўғрисидан кўриниб турган эманга ишора қилди у. — Парвариш қилиб, қараб турилса ривожланаверади, йўқса, қарға-қузғунга макон бўлиб, сўлийди. Худога шукур, шу ерга келиб, қозоқларнинг ёрдами билан бир оз қаддимизни ростлаб ол-

дик. Лекин ўзимизни доим тик жар тепасида тургандай ҳис этамиз. Бир ёқдан қозоқларнинг Айғара бийлари суяса, бошқалари итариб юбориши мумкин. Энди йиқилсак, тамом, қайтиб қаддимизни ростлолмаймиз. Қорақалпоқ номимиз бутунлай ўчиб кетади. Ғойибхон бўлса ўзларингизга маълум. Иссиқда терламайди, совуқда жунжикмайди. Шунинг учун ҳам маслаҳатлашмасак бўлмайди. Хонни ҳатлаб ўтган худони ҳатлаб ўтган билан баробар. Хоннинг олдидан ўтмасак, гина ўзимиздан бўлади.

Бийлар хаёлга ботишиб, олдиларидаги пиёлаларга ҳам қарамай қўйишди. Бири аланг-жаланг шерикларга қараса, яна бири ўчоққа тикилади. Ҳаммаларининг чеҳраларида алланиманинг ташвиши сезиларди.

— Ўзларингизга маълум, Абулхайрхон бизга карвон йўлидан фойдаланишга ҳуқуқ бериб қўйибди, — дея яна гапида давом этди шайх. — Лекин бу ҳуқуқнинг моҳиятига сира ақлим етмайди. Биз карвон йўлидан ўтганлардан бож оламиз, биздан хон олади. Олиб бўлдик, бериб бўлдик, таланиб бўлдик. Тўрт марта талади. Боя сизлар ухлаб қолдиларинг, шу жазирама иссиқда ҳам қанчадан-қанча етим-есир эшигимнинг тагидан ўтди. Бунга айтмасам ҳам, ўзларинг кунда кўриб юриб-сизлар. Бунинг охири нима бўлади, ақлим ҳайрон. Ўразан ботир ҳам сафарга кетаётиб шуларни тайинлаган эди.

Бир-бирининг гапига кирмай, ҳар қайсиси ўзини ўз уруғининг хони, султони фаҳмлаб, гердаиб юрган бийлар ҳозир ўзларини чайқалиб турган кемада ўтиргандай ҳис этиб, бири-биридан ортиқ умр кечиришига кўзлари етмай қолди. Тақдирлари бирдай кўринди.

— Сира ечиб бўлмайдиган жумбоқ ташладингиз-ку ўртага, шайхим, — деди Убайдулла бий.

— Бу жумбоқ мен туфайли эмас, Абулхайрхоннинг тутуриқсизлиги сабабли пайдо бўляпти.

— Шу қозоқлар билан қиз олишиб, қиз беришишнинг йўлини нега ахтармаймиз? Балки ўшанда бунчалик ола қарашмаган бўлишармиди, — деди Давлатбой бий.

Ирисқул бий бошини кўтарди.

— Бундай ўйлаб қарасанг, бир ҳовучгина халқмиз, аммо такаббурмиз. Гоҳ рус савдогарларини тутамиз, гоҳ Хитой, Бухоро савдогарларига панд берамиз. Шунинг учун ҳам душманамиз кўп. Тавка хон боболаримизга «Оқ тоғ»ни инъом этиб, бож ундириш эркини

берганида, буни сахийлигидан қилган, деб ўйлайсизми? Оташкурак ўрнида фойдаланди. Биз олов бўлиб ёндик, у тафтимизга исинди. Ҳозир ҳам шундай. Биз косовмиз, алангаси Абулхайр хоннинг одамлариники. Шайхимиз, жуда яхши гап айтдингиз. Узоққа кўз югуртирган одамга бу жуда катта адолатсизлик. Косов қилиб қўйгани камдай, хон юртимизни талатади. Ярам тузалди, қора кўтир бўлди, деб севиниб турган куни-миз устига яна намақоб сепаиб юборади. Шўри қуриган халқмиз, қақшаганимиз-қақшаган.

Кекса бийларни юрт тақдири қаттиқ ўйлатиб қўйди. Бироқ ҳеч қайсисидан бирон маънилик маслаҳат чиқмади.

— Ўразан ботир қандай маслаҳат берапти? — деди Ирискул бий анчадан кейин.

— «Сутдан оғзи куйган одам қатиқни пуфлаб ичад», деган гапни айтди у. Ҳали ҳам бўлса бизга руслар ёрдам беради, оғалик қилади, дейди.

— Айтмоқчи, рус бандиларининг аҳволи қалай? — деб қизиқсинди Эсим бий.

— Уларни мусулмон динига киритиш ҳаракатида-миз. Ўразаннинг ўғли Маман жуда ақлли, паҳлавон, қобилиятли йигит чиқди. Ҳаммасини тўплаб, дин — тариқатимизни ўргатяпти.

— Ҳаммаси сизнинг шарофатингиздан, — деб Убайдулла бий унинг гапини маъқуллади. — Руслардан банди сақлаётганимиз халқимизга ҳам обрўй, ҳам ҳур-мат келтиради. Эшитганлар бизни кучли экан, деб ҳайқиб юрса керак.

— Азиз бийлар, Ўразан ботирни кузатиб қайтиб келаётганимда Ғойибхон билан учрашиб қолдим. Юртимизнинг ғамини ейишга ваъда берган эди, — деб шайх ёш йигитларни синовдан ўтказиш тўғрисида хон билан қилган маслаҳатини айтиб берди. Бийлар ҳайрон бўлиб қолишди. Ирискул бий бир оз ўйланиб туриб:

— Яхши ўйлабсиз, шайхим, — деди. — Ҳаммамиз ҳам кексайиб қолдик. Қўнғиротимизда Бойқўчқор бийнинг Эсенгелди исмли ўғли бор, жуда ақлли, доно йигит. Ана шундай йигитлар элга бош қилиб қўйилса, ёмон бўлмайди. Уриб бўлса ҳам, сўкиб бўлса ҳам ўргатиш керак.

— Бойқўчқор бийнинг Эсенгелдисига ўхшаш йигитлар манғитларимиз орасида ҳам бор, — деди Убайдулла бий.

Давлатбой бий билан Эсим бий баҳслашмоқчи бўлаётганини сезган шайх олдини олди:

— Тортишманлар. Эркаги бўлса, хотин туғади албатта. Бироқ ўглини ким қандай тарбиялаганини хон олдида тўпланганда кўрамиз.

— Кичиклигида таланган ит улғайганида ириллайдими? Бизнинг болаларимиз таланиб ўсган, қорақалпоқлардан хон хизматига ярайдигани топилармикан? — деб ўз гумонини изҳор қилди Давлатбой бий. Ҳаммалари ўйланиб қолишди. Ирискул бий ҳам ҳеч нарса деёлмади.

— Шайхимизнинг ихлос қўйиб юрган шогирдлари бордир, — деди Эсим бий.

— Ҳозир бир нарса дейиш — ҳали туғилмаган болага қўйлақ бичишдай гап. Лекин Ўразаннинг ўғлидан умидим катта, — деди шайх.

Шайхнинг бийларни уйига йиғишдан мақсади, қозоқларнинг ҳужумидан қутулиш йўлини маслаҳатлашиш эди. Бироқ бийларнинг маслаҳати ҳали бир ерга келмасидан, Пўлат ясовулнинг ҳовлида отдан тушмай турганини хабар қилишди. Шайх шошилинич ташқарига чиқиб кетди.

Фойибхон Мурод шайхга берган ваъдасини тезлатибди. Пўлат ясовулнинг олиб келган хабарига қараганда, тонг билан барча қорақалпоқ овулларига хабарчилар жўнатилган. Келаси жума кунини ҳар бир бий ўз овулининг ўн беш яшардан йигирма беш яшаргача бўлган энг фаҳм-фаросатли, бақувват йигитларини эргаштириб, ана шу бир туп эман тагига олиб келиши керак!

* * *

Тиланчилик қилиб кетган бола кечқурун янги хабар топиб келди. «Ўн беш яшардан йигирма беш яшаргача бўлган йигитлар орасидан кимда-ким хон билан бийлар синовидан ўтса, ўша катта бий бўлар эмиш».

Боши сўпоқ Оллоёрнинг севинганидан қулоқлари динг бўлди, ҳурккан тойдай ялпоқ бурнининг катаклари керилди. Қийиқ кўзларини Омонлиққа тикиб, сен бунга нима дейсан, деб қаради. Болалар дув кулиб юборишди.

— Бу сендақа тиланчиларнинг мусобақаси эмас, — деди Омонлиқ.

— Биламан, биламан, — деди Оллоёр. — Одамларга тиланчиликнинг нималигини кўрсат, бировнинг оғзидагини олиб ют деса, олдимга тушадигани топилмас эди-да.

Олакўз, сочлари ўсиқ кичкина Бектемир уларнинг гапларига аралашди.

— Ёшим ўн бешга етганида эди. Маман оғамга айтиб, мусобақада қатнашардим.

Оллоёр унинг қулоғига чертди.

— Катта бўлишни кўп орзу қилаверма.

Чақчақлашиб ўтирган болалар бирдан жим бўлиб қолишди.

Лекин Бектемирнинг гапи иккала катта йигитни ўйлатиб қўйди. Чиндан ҳам Маман билан маслаҳатлашиб кўришса, нима қиларкин? Шайх отаси уни яхши кўради. Гапини ерда қолдирмай ё Омонликқа, ё Оллоёрга бой боласининг кийимини кийдириб, мусобақага қўшса борми! Эҳ-ҳе! Буларнинг ҳам бошларига давлат қуши қўнса ажаб эмас. Ахир улар ҳам кўп нарсани билишади-ку. Маманлар каби улар ҳам шайхнинг қўли остида тарбияланиб, ўқишмаган бўлишса ҳам, қанчадан-қанча эшикларга кириб, кўп ўқиганлар, доноларнинг гапларини эшитишган. Худо ол қулим деса-ю, бахти кулиб, хонга маъқул тушиб қолса, қанча бечораларнинг кунни туғиб қолар эди. Шунда Маманнинг ҳам яхшилигини унутмайди. Шайхни ўла-ўлгунча қадрлайди.

Улар шу фикрга келишди.

Оллоёрнинг навбати бўлишига қарамасдан, эрта билан уч боланинг бўйнига тўрва осиб, тиланчиликка жўнатишди, ўзлари Маманга учрашгани кетишди.

Мурод шайх кейинги ҳафтада рўй берган ташвишлар сабабли уй-уйларига тарқаб кетган шогирдларини тўплаб, бугун яна ўқишни бошлаган эди. Омонлик билан Оллоёр Маманни Мурод шайхнинг уйидан (болаларни ўқитадиган иккинчи уйидан) топишди. Маман ҳовлида бўйнини эгиб, кайфи бузуқ бир ҳолатда ўтирарди. Олдида шайхнинг ола ити оёқларини чўзиб ётарди. Улар узоқданок Маманга бир нарса бўлганини пайқашди, ўзларини билмаганга солиб, аста-секин олдида бораверишди. Сарик кўппак узоқдан шарпаларини пайқаб бошини кўтарганидагина Маман орқасига бурилди. Иккови ҳам оёғининг учида юриб келаётган эди. Маман уларнинг оҳиста келишини кўриб, кулиб юборишига оз қолди, бир нарса деб гапириб юборишларидан кўрқди шекилли, икки бармоғини лабига бо-

сиб, «жим» дегандай ишора қилди. Маман сариқ-ола кўппакни қулоғидан тортиб, турғазиб юборди. Улар чурқ этмасдан келиб, итнинг ўрнига чўкка тушишди. Маман ичкарига ишора қилиб, «эшитинглар!» деди. Иккови ҳам қўлини кўксига қўйиб, ичкарига қулоқ солди. Мурод шайх гапираётганди:

— ...Халқнинг кийган кийими... сенинг кафанинг, халқинг минган от — исқотинг. Халқинг — онанг, халқингнинг тили — онангнинг тили. Халқингга хиёнат қилиш — ўз онангга хиёнат қилиш билан баробар. Бизнинг халқимиз мотам тутиб, қора кийгани учун ҳам қорақалпоқ номини олган, деган афсона бор. Жайхун дарёсининг икки қирғоғида яшаб, тирикчилик қилиб келган ота-боболаримиз саҳройи халқ экан. Искандар Зулқарнайн дунёга келгач, шу саҳройи халқнинг уяси бузилади, турмушидан ҳаловат кетади. Қиличидан қон томган Зулқарнайн уруш билан Жайхун бўйларига етганида, сипоҳийларидан бири: «Халқ енгилдими, сизга қизларидан инъом этмоғи даркор», деб маслаҳат берибди. Бу гап халқнинг иззат-нафсига қаттиқ тегади. Жайхун бўйининг бор халқи ўч олишга отланади. Катта кўзғолон бошланади. Кўзғолонни бошлаган ботир бошига мотам қалпоғи — қорақалпоқ кийиб чиққан экан. Бўйсунмаганларни от туёғи остида янчиб, оламини титратган Зулқарнайннинг лашкарига чидаш бериб бўладими, халқ қахрамонини тутиб, тўранғилга остиради. Шундан кейин баттар дарғазаб бўлган бутун халқ ўша йигитнинг қалпоғидақа қорақалпоқ кийиб яна курашга чиқади. Одам қони дарё бўлиб оққан қирғин бошланади. Искандарнинг қуролли лашкарларига тенг кела олишига кўзи етмаган қорақалпоқлар юртини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Улар Крымга қараб чекинишади. Салжуклар қўл остидаги ерларга кўчади. Ана, болалар, шу мотам қалпоғини кийиб қочган халқ бизнинг ота-боболаримиз бўлади. Лекин бошида мотам қалпоғи бўлсаям, қалби пок халқ чин дўстини топади. Улар салжуклар билан ёнмаёن ўтириб, дастурхондаги нонни бўлишиб ейишади. Салжуқийлар билан дўст тутиниб, бирининг душмани иккинчисининг душмани, бирининг дўсти иккинчисининг ҳам дўсти бўлиб иноқлашиб кетишади. Шундай кун келиши яқин. Дунёнинг бир бурчагида Чингиз деган хон пайдо бўлиб, дунё яна остин-устун бўлади, боболаримиз яна маконларини ўзгартиришга мажбур бўлишади, охири айланиб мана шу Туркистонга келиб

қолишади. Лекин бу ерда ҳам ёруғлик кўрмадик. Энг сўнгги бошимиздан кечирган азоб-уқубат жунғорларнинг босқинчилиги бўлди. Борди-ю, яна босқинчилик бошланса, халқимиз тарқаб кетади. Шунинг учун қадимги дўстларимизга мурожаат қилдик. Озчилик дейдими, кучсиз дейдими, ишқилиб бизни менсимаётганга ўхшайди, ҳар қалай, аниқ-таниқ жавоб бўлмай турибди. Қайтага юборган савдогарларимизни талашибди. Улар қайтишмади...

Маман Омонлиқ билан Оллоёрни туртиб, «кетдик», деб имлади. Бироқ улар шайхнинг ҳикоясига қизиқиб қолишган эди. Маманнинг жаҳли чиқаётганини кўриб, ўринларидан туришди.

— Нега? Нима учун шундай қилишади? — сўради норози оҳангда Оллоёр.

— Ҳозир айтаман, — деди Маман уларнинг кўлтиғидан олиб, овул орқасига қараб юрар экан. — Бу афсонани шайхимиз олдин ҳам айтиб берган эди. Керак бўлса, қолганини ўзим айтиб бераман. Искандар Зулқарнайн даврида мотам қалпоғини кийган халқлардан Жайхун дарёсининг бўйида ҳозир ҳам бўлса керак. Менинг отам ўша томонга кетди. Шайхимизнинг бу афсонани айтишдан мақсади, кимда-ким қувончингга шерик, қайғунгга ҳамдард бўлмаса, чин дўст эмас, демоқчи.

— Нима гуноҳ қилдингки, ит билан икковинг сояда ўтиргандинг? — деб сўради Оллоёр.

Маман хаёлга чўмиб, ортиқча гапирмади.

— Гуноҳимми? — деди Маман анчадан кейин. — Гуноҳим сизларга ҳам маълум. Иккалангизга ҳам айтганман. Қоровуллардан эшитибди.

— Рус бандиларни бўшатмоқчи бўлганингими? Мен шайх отамнинг ўрнида бўлганимда, сени ит билан сояда ўтқазиб қўймай, мушук билан бирга қопга солдириб, савалатардим. Нега ажабланасан? Қувончингга шерик, қайғунгга ҳамдард бўлмай, қалъасига савдо билан борганларни талаб, эскидан дўстимиз эди, деб сийламаган элнинг одамларига яхшилик қилиш ярашадими?

— Бунча йўрғалайверасан, — деб Омонлиқ тинмай гапириб келаётган Оллоёрнинг елкасидан тортди. Оллоёр тўхтагандан кейин:

— Маман оға, гуноҳингизни қачон кечиради? — деб сўради.

— Бугун. Бориб кечирим сўрасам, гуноҳимдан ўтади.

— Боя кечирим сўрашни ўйлаб ўтирганмидингиз? — деди Оллоёр яна.

— Йўқ, дўстларим. Шайхимиз бир зйтган гапини сира қайтармас эди. У гоҳ доноларнинг гапларини, гоҳо ечиб бўлмас жумбоқларни айтарди. Мен йўғимда шогирдларига айтаётган гапларини эшитмай қоламанми, деб кетмай ўтирган эдим. Илгари айтган афсонасини такрорлаётгани учун кетмоқчи бўлиб тургандим, сизлар келиб қолдиларинг. Афтидан, бу гапларни менга теккизиб айтаётганга ўхшайди. Эшитгим келмади. «Одамларга яхшилик қилай, нафим тегсин, деб ножўя иш қилиб қўйибман, мени кечиринг», деб узр сўрагунча, бошимни олиб кетаман. Сизларга қўшилиб олсам, бирон нима бўладими менга?

Омонлиқ бошини чайқади.

— Ўйлаб кўр, оға. Аҳён-аҳёнда келиб, чақчақлашиб кетганингни демасанг, бизда кўзёшидан бўлак нима бор? Ўша, Бородин сенга айтганидай, ер юзининг ярми кўз ёшидан дарё бўлиб ётибди.

— Қолган ярмини қуритиб турган бизнинг кулгимиз, — деди Оллоёр кулиб.

Хафа бўлиш нималигини билмайдиган бу йигитнинг кулгисига Маман ҳам, Омонлиқ ҳам қўшилди.

Маман Омонлиқларникида бутунлай қолиш у ёқда турсин, ўша кунни тунай ҳам олмади. Кетидан одам келди. Мурод шайх, келсин, деб айттириб юборибди. Балки улуг шайх уни кечиргандир. Маман узоқ ўйлаб ўтирмади. Отаси кўз олдига келди: «Шайх отангнинг кўнглини ранжитма, айтганини қил», деб қулоғига шивирлаб тургандай бўлди.

У уйига қайтди.

У ўзини гуноҳкор билгани учун Омонлиқ билан Оллоёр тўғрисида дилига тугиб қўйган гапларини шайхга айтолмади. Айтгани билан шайх «хўп» деру, лекин овулларни неча марталаб айланиб, тиланчилик қилиб юрган болаларни бойларнинг фарзанди деса, ким ишонарди? Юртни алдаб мартабага эришгандан кўра, тиланчилик қилишгани афзал!

4

Жума.

Халқ бу кунни жуда интизорлик билан кутди. Сабаби, бу ерда ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Ёзми, қишми — йилнинг қайси мавсуми бўлишига қарамасдан, ҳаво ўзгараверади. Ёзда ҳам гувиллаб довул туради. Узоқлардан чанг-тўзон олиб келиб, кўз очирмайди ёки

шаррос ёмғир қуяди, кийим-кечагинг шалаббо бўлиб, устинга ёпишади, тишларингнинг орасига кум киради. Эл хони Ғойибхоннинг одати ҳам шу ернинг табиатига ўхшайди. Кайфияти тез-тез ўзгариб туради. Худди қамишдай, сал эпкинга ҳам қийшайиб қолаверади. Бунинг олдини олиш керак. Хон битай деб турган ишни бузиб, ваъдасидан қайтиб қолса, шайхнинг обрўси қолмайди. Шунинг учун ҳам шайх Ғойибхоннинг олдига яна бир бориб келди. Яхши иш бошлаганига хонни ишонтириб, анча руҳланиб қайтди.

Йиғин белгиланган кун ўзгармади. Жума куни ҳамма якка эман тагига қараб келаверди. Одамларнинг чеҳраларида ўзгача бир қувонч, аллақандай умид учкунлари, шод-хуррамлик барқ уради. Ҳар кимнинг кўнглида бир хаёл. Мусобақада ким ғолиб чиқиши хусусида бир-бирлари билан тортишишади. Ҳар кимнинг фикри ҳар хил бўлса ҳам, ҳаммасининг мақсади бир.

Якка эман тагини оч-яланғочларнинг уйи деса бўлади. Япроқлари қалин. Бошпанаси йўқлар унинг тагида жон сақлашади. Одам узилмаганидан, ерга қапишиб ўсган кўм-кўк майса худди тўшаб қўйилган гиламга ўхшайди. Соя-салқин, теварак-атроф овуллар ичида энг гўзали, турли-туман ўт-ўланларнинг ёқимли иси димоқларни қитиқлайди. Қаерида ўтирсанг ҳам кўрпачанинг ҳожати йўқ. Кийимингга чанг юкмайди, тагингдан зах ўтмайди.

Иссиқ бўлишига қарамай, ўртага гулхан ёқилди. Бу Мурод шайхдан чиққан ташаббус. Йиғин битта хонадоннинг ўчоқ атрофида йиғилиб ўтиришидай бўлсин. Кенгашдаги ваъдасини бузганлар ўтда ёнсин, уйи куйсин!

Хон ўтирадиган ерга, гулхандан наридаги баландликка икки кигиз билан гилам ёзилди. Оёқлари калта, қорни тарвуздай хон лапанглаб келиб кўрпачага ўтирди. Бийларнинг ёши улуғлари — Мурод шайх билан Ирискул бий хоннинг икки ёнига ўтиришди. Қолган бийлар, оқсоқоллар ўзларининг ёшларига, юрт ўртасидаги ҳурмат-обрўларига, қўл остидаги халқининг сонига қараб, улар атрофида давра олишди.

Ғойибхон япалоқ бошига қорақалпоқ кийиб келибди. Бу қорақалпоқларнинг удумига итоат қилгани. Узун эчки соқоли кўксига тушиб турган хон бўйнини эгиб ўтирибди.

Мурод шайх кетма-кет ютиниб, кўзларининг атрофини оқ сурп рўмолига артди. У ён-верига қараб, гала-

говурнинг босилишини кутди, кейин хоннинг қулоғига алланималар деб шивирлади, хон ияк қоқиб гапани маъқуллагач, кўпчиликка қараб, чапак чалди-да, «тинчланинг» ишорасини қилди.

Халойиқ сув қуйгандай жим бўлиб қолди. Мурод шайхнинг гапирмоқчи бўлаётганини кўриб, ҳамма диққат билан унга қаради.

— Халойиқ, қуйи қорақалпоқ элининг азаматлари, гапимга қулоқ солинглр...

Йиғинга келганлар қора қалпоқ кийиб олишганди. Тоғ этагидаги майсазорда ғуж-ғуж кўзиқорин униб чиққандай. Узоқдан қараган кишига йиғилганларнинг бошига қора чойшаб ёпилгандай бўлиб туюларди. Мурод шайх давом этди:

— Мотам қалпоғини кийиб келиб яхши қилибсизлар, азизлар, мотам қалпоғини кийиб, қорақалпоқ номини олган замонлар орқада қолди. Хотиржам бўлинглр. Оқибати хайрли бўлсин, омин!

— Омин!!! — деди ҳамма.

— Азизларим, қулоқ солинглр. «Оқ тов»дан кўчгандан бери қанча азоб чекдик, қанча оғир кунларни бошимиздан кечирдик. Мақсадимиз бошимиздан ўтган оғир кунларни эслаш эмас. Авлодимизнинг ёши улуғлари кексайиб қолишди. Мартабаси улуғ, доно хон ҳазратлари билан кенгашган эдик, у киши бугунги йиғилишимизга розилик бериб, одамгарчиликнинг юксак намунасини кўрсатдилар. Бола ёшдан, ақл бошдан чиқишига иқрор бўлиб, азиз хонимиз ёш йигитларни синаб, эртанги эл оғасини излаб топишни маслаҳат бердилар.

— Тўғри гап, тақсир, — деб гуриллади халқ.

Фойибхон ўрнидан турди. Чапак чалиб ўтирганларни тинчланишга чақирди. Ўт атрофида ўтирганлар қўлларини кўксиларига қўйиб, жим бўлишди.

— Халойиқ! Халойиқ! — деб хириллади хон. — Мен йигитларга учта савол бераман. Мендан кейин ҳар уруғнинг бош бийи биттадан савол беради. Мўътабар пиримиз Мурод шайхнинг иккита савол беришга ҳаққи бор. Агар йигитлардан қайси бири шу ўртага ташланадиган саволларга яхши жавоб берса, мана шу ўтирган халойиқнинг таҳсин, муҳаббатига сазовор бўлса, доно деган ном олади. Менинг бош маслаҳатчим бўлади. Бий бўлади. Билиб қўйинг, бу ота-боболаримиздан қолган эски удум. Мен уни янгилаяпман. Ғафлатда қолманглр. Тайёр бўлиб туринглр. Диққат қи-

линглар. Биринчи саволим: «Дунёда хон кўпми, фуқароми?»

Хон ўтирди. Ўтирганлар орасида ивир-шивир бошланди.

— Хон ҳазратлари, саволингизга ўйлаб ўтирмай ҳам жавоб берса бўлади, — деб шивирлади Ирисқул бий. — Бу саволингизга қўнғирот уруғидан чиққан Бойқўчқор бийнинг ўғли Эсенгелди жавоб берсин. Одамлар оғзига толқон солиб ўтирибди. Отини айтиб чақирсам, ўртага чиқиб, бошлаб беради. Ахир бирон киши бошлаб бермаса, одамлар таваккал қилишдан қўрқишади.

Ғойибхон маъқуллаб бош ирғаб қўйди.

— Бойқўчқор бий ўғли Эсенгелди, ўрнингдан тур! — деб чақирди Ирисқул бий.

Ориқдан келган, хушсурат йигитча қорақўл ёқали тўнини тузатди-да, шартта ўрнидан турди.

— Лаббай, бий ота!

— Хоннинг саволига жавоб бер, ўғлим.

— Олтмиш минг хонадонлик қорақалпоқда бир хон бор. Шунга қараганда, дунёда хон кам, фуқаро кўп бўлса керак, бий ота, — деди Эсенгелди.

«Бу жавобга сиз нима дейсиз?» дегандай, Ирисқул бий ўнг ёнида ўтирган хонга қараб ўтирилди. Хон жавобдан қаноатланди шекилли, ўтирган ерида сал қўзғалиб, гурур билан кулимсираб қўйди.

Бу йиғилишга Омонлиқлар ҳам келишган эди. Орқа қаторда ўтирган Омонлиқ тўсатдан ўрнидан турди.

— Шайх ота, хон ҳазратлари рухсат берсалар, бу саволга мен ҳам жавоб берсам, — деди у.

Бийлар хонга, хон бийларга, йиғилганлар бир-бирларига қарашди. Ҳар тарафдан:

— Рухсат бера қолинг, хон ҳазратлари, — деган овозлар эшитилди.

— Майли, жавоб бера қолсин, лекин ҳисобга ўтмайди, — дея минғирлади хон.

— Менимча, хон кўп, фуқаро оз, — деди Омонлиқ.

Одамлар орасидан «ие, боплади-ку, боплади...» деган овозлар эшитилди.

Омонлиқ жойига ўтирди.

Ғойибхон титраб, соқоллари селкиллади.

— Сўз бермаслик лозим эди, бузди, — деди бийлардан бири.

— Бунақаларни йиғинга чақиришнинг нима кераги бор-а, — деди яна бир овоз.

Маман ўрнидан турди.

— Шайх ота, хон ҳазратлари рухсат берсалар, саволларига мен ҳам жавоб берсам, — деди у жуда мулойимлик билан.

— Энди сен нимасини айтасан? — дея луқма ташлади ўтирганлардан бири. — Эсенгелди тўппа-тўғри жавоб берди-ку.

Маман унинг гапига парво қилмади. У бориб бир хонга, бир шайхга таъзим қилди-да, жавоб беришга рухсат олди.

— Халойиқ, менимча, саволга Омонлиқ тўғри жавоб берди, — деди у. — Нима учун дейсизми? Дунёда қайси бир одам ўзини хон деб ҳисобламайди. Шунинг учун ҳам дунёда хонлар кўп.

Одамлар: «Тўғри жавоб, тўғри!» деб шовқин кўтаришди.

Ғойибхон қизарди-ю, аммо сир бой бермади.

— Иккинчи саволим: «Одамни нима оздиради?»

Бир шўхроқ одам: «Одамни касал оздиради!» деб қичқирди.

— Битта-битталаб жавоб беринглар! — деди шайх.

Яна бир ҳазилкаш: «Одамни йўқчилик оздиради», деди.

Хон ясси чаккасини икки қўллаб чангаллади-да, ўрнидан туриб дўқ қилди:

— Билиб қўйинглар! Тартибсизлик қилсаларинг, тарқатиб юбораман, тарқатиб! Тушундингизми?

Ҳамма яна жим бўлиб қолди.

— Хон ҳазратлари, рухсат этсангиз, — деб Маман яна ўрнидан турди. — Балки берилаётган жавоблар тўғридир. Бироқ бундай саволларга жавоб бериш учун ўйланишнинг ўзи озлик қилади. Балки буни узоқ умр кўрган одамлар яхши билишса керак. Менимча, одамни қулоқ оздирса керак, хон ҳазратлари.

— Жавобинг маъкул, болам, — деди хон бирдан. — Менинг ҳақимдаги ёлғон-яшиқ гапларга қулоқ солмаслик керак. Озиб кетасизлар.

— Баракалла, Ўразаннинг ўғли! — дея маъқуллашди ўтирганлар.

Хон завқланиб, очилиб кетди.

— Учинчи саволим: «Одамнинг тизгини нима-да?»

Ҳеч ким қимир этмади. Маман яна ўрнидан туриб, бояғидай жавоб беришга рухсат олди.

— Хон ҳазратлари, одамнинг тизгини тили бўлса керак. Тилини тиймаган одам, ахийри қоқилади.)

Хон яна маъқуллади. Саволлари тугаганини, жавоблардан кўнгли тўлганини айтиб, навбатни Мурод шайхга берди.

— Мен битта савол бераман, — деди Мурод шайх. — Ақллиликнинг боши нимада эканини ким айтиб беради?

Ҳеч ким қимирламади. Маман Омонлиққа бир қараб қўйди. Омонлиқ ўрнидан туриб, хон олдига бориб таъзим қилди.

— Ақллиликнинг боши сабр-тоқатда бўлса керак, шайх ҳазратлари, — деди ва бориб ўрнига ўтирди.

Шайх:

— Саволимга тўғри жавоб берилди, — деди. — Менинг ўрнимга иккинчи саволни овулимизнинг охуни Эшниёз охун берса қандай бўлади?

Ғойибхон чап ёнига бурилди. Ирискул бий маъқуллаб бош ирғаб қўйди.

— Менинг саволим шуки, поёндознинг маънисини нима?

Эсенгелди боягидай дик этиб ўрнидан турди.

— Поёндознинг маънисини жойнамоз бўлади, хон ҳазрати олийлари, — деб хоннинг олдига бориб икки букилди. Унинг ҳаракатини ҳам, жавобини ҳам шайх билан Ирискул бий маъқуллади.

Навбат Ирискул бийга келди. Лекин у камтаринлик қилиб навбатини Убайдулла бийга берди.

— Хон ҳазрати олийлари, — деди Убайдулла бий хонга ўгирилиб: — Менинг саволим ҳам сизникига ўхшайди. Қани, йигитлар жавоб беришсин-чи, дунёда бой кўпми ё камбағал?

Орқароқда ўтирган Оллоёр ўрнидан турди. Бийлар уни жавоб беришга қўйишмади. «Ўтирсин, унинг жавоби керак эмас», «Олдин ўз нонини топиб есин», деб шовқин солишди. Ўртада норозилик пайдо бўлди. Шайх, Маманнинг кўз қарашидан бир нарсани уққандай, хон томонга қаради.

— Хон олий ҳазратлари, бир сафар шу болага ҳам рухсат берсангиз.

Хон маъқул дегандай, бош чайқади.

— Ҳой бола, — деди шайх. — Хон олий ҳазратлари катта марҳамат кўрсатиб, сенга жавоб беришингга рухсат бердилар. Қани, қисқа қилиб жавоб бер-чи.

— Менимча, ҳурматли бий отамиз, мол-ҳол бойлигини айтаётган бўлмасалар керак. Тўсатдан яна биттаси бостириб келса, вассалом, мол-ҳол қўлдан кетади-

кўяди. Бойлик, бу қаноатлилик. Ким қаноатли бўлса, ўша — бой. Масалан, мени олсак, кунда топган нон-тузимга қаноат қиламан. Бизнинг элимизда мендақаларнинг ҳисоби йўқ. Шунинг учун ҳам дунёда бой кўп.

— Бойлик қаноатда, — деб қичқирдишди кўпчилик.

Энди Ирисқул бий савол берди:

— Одамнинг дардини қандай билса бўлади?

Орадан бир пиёла чой ичилгунча вақт ўтди ҳамки, ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма ўзаро шивир-шивирга тушди. Бийлар ўтирганларга тикилишарди. Ирисқул бий оғирроқ савол берганидан хурсанд бўлиб кетди. Хонга қаради. Хон шайх билан бошқа султонларга бирма-бир назар ташлади. Худди шу пайт Маман ўрнидан турди.

— Хон олий ҳазратлари, — деди у одати бўйича хонга таъзим қилиб, кейин жавоб бера бошлади. — Одамнинг дардини кўзидан ё тилидан билса бўлади. Бири тил, иккинчиси кўз. Дард тилга урса, киши кўп гапирари, кўзига урса йиғлайди.

— Топдинг, бола. Лекин буни сен кимдан ўргандинг?

Маман яширмади. Кузьма Бородин деган русни мусулмон динига киритишга уриниб юрганларида эшитганини айтди. Ғойибхон бир ирғиб тушди, бошидан қалпоғи думалаб кетишига оз қолди. Тўпланганларнинг оғзи очилиб, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Яна ивир-шивир бошланди. Навбат Давлатбой бийга келган эди. У ҳеч кимни кўрмаган, ҳеч нимани эшитмагандек эди. Бепарво ўрнидан турди.

— Хон олий ҳазратлари, халойиқ, менинг саволим йўқ. Ўразаннинг ўғли Маманнинг донолигига тасанно дейман, — деб Давлатбой бий жойига ўтирди. Бу гап ивир-шивирларни босиб кетди. Ҳамма ҳар қаёқдан «Маман доно», «Маман...» деб қичқира бошлади. Орасира Омонлиқ билан Эсенгелдиннинг ҳам номлари эшитилиб қоларди. Бу шовқин-суронни босиш учун Ғойибхон ўрнидан турди. У чапак чалиб, овозининг борича қичқирди.

— Халойиқ, сабр қилинг! Бунақа бефарқ бўлманглар. Кимнинг доно эканини ўзингиз кўрдингиз. Қулогингиз билан эшитдингиз. Биз Мурод шайх ва бийлар билан маслаҳатлашамиз. Кимнинг доно эканини ўзимиз айтамыз.

— Ҳозир айтилсин! Маманга хиёнат қилинмасин! Маман доно! — деган овозлар бошқа овозларни босиб,

ҳамма ёқни тутиб кетди. Хоннинг кўзлари олазарак бўлди, йиғилганлар ҳаяжонда эди, хон ҳозирнинг ўзида жавоб беришга мажбур бўлди.

— Қўнғиротликлар енгилди. Ёбилар ақлли чиқди. Маман енгди, — деди у.

Мурод шайх чин қўнгилдан бу фикрни маъқуллади, жилмайиб ўрнидан турди-да, хоннинг этагини ўпди.

Ирискул бий кўринишдан Мурод шайхга ўхшарди. Ёшлари тенг, кийимларидаги фарқни ҳисобга олмаганда, бугунги йиғилишдан ниятлари ҳам бир эди. Бироқ хоннинг ҳозирги гапидан кейин Ирискул бийнинг бўйни ҳам бўлиб қолди. Хон бедана юриш қилиб келиб, «яшанглар, ёбилар, яшанглар» деб, Маманнинг бўйнига бийлик белбоғини боғлаб қўйди. «Менинг маслаҳатчим, учқур баҳодирим бўласан», деди.

Одамлар яна ҳар хил фикр айтиб, ғовур-ғувур қилишди. Кўпчилик маъқуллагани билан халойиқ орасида норозилар ҳам бор эди. Мурод шайх обрўсини тўкиси келмай:

— Азиз бийлар, зиёфатимиз бор, меҳмон бўлинглар, — деб ўтовга таклиф қилди.

Уруғлар тўп-тўп бўлишиб, маслаҳатлаша бошлашди.

* * *

Қўнғирот бийларининг номуслари букилгандек эди. Бир-бирларига қовоқларини солишиб, гаплашмай туришибди, Ирискул бий уларни бир ерга тўплаб, бир оз ҳовурларидан туширмоқчи бўлди.

— Бийлар, — деди у. — Бирон ғаламислик ўтган бўлса керак. Шунгаям бурунларингни кўтариб, араздимоқ қилиб юрманглар.

Бийлар ўзаро тўнғиллашиб қўйишди. Баъзи бири, ёбиларнинг олдида шарманда бўлдик, деб куйинса, икинчиси, қани энди ер ёрилса-ю, ерга кириб кетсак, дерди. Учинчиси, кўпчиликнинг олдида изза бўлганимизга хон айбдор, деб хафа бўларди. Яна бири, бугун ёбиларнинг зиёфатида қолса, обдан таҳқирланишларини таъкидларди. Ирискул бий ҳаммасига далил топди.

— Бугундан бошлаб карвон йўлини қўриқлаш навбати қўнғиротликларники.

Ютқазилганига ҳар қанча ачиғишмасин, Ирискул бий хоннинг ёнига бориб, кетишга руҳсат сўради. Хон

зўр-базўр ўрнидан туриб, «майли, кетаверинглар», деди. Ирисқул бий на Мурод шайх билан, на бошқа бирон ёбилик билан хайрлашди. У қовоғидан қор ёғиб, отлиқларини бошлади-да, овулига йўл олди.

Ишқилиб, ёғмаса бўлгани.

* * *

Ёби уругининг бийлари гулдурашиб Маманни табриклаш билан овора эди. Устозлари Мурод шайхга олдинма-кетин таъзим қилишиб, малла чопонининг барини ўпишарди. Сал нарида ҳам қизиқиб, ҳам ҳасадлари келиб хитой бийлари қараб туришарди. Хон буни кўриб, Давлатбой бийни бир чеккага бошлади.

— Айт, бий, хитойларнинг фикрлари қанақа?

— Бу ишингиз яхшиликдан нишона, хон олий ҳазратлари. Энди янгича ҳаёт бошланса керак, — деди Давлатбой бий.

Хон мийиғида кулиб қўйди. У хом жийдага ўхшаш бош бармоғи билан оппоқ мўйловини силаган эди, кемтик тишлари кўриниб кетди.

— Қувоняпсанми, бий, қувонавер! — деди хон бошини кўтариб осмонга қараркан. — Бироқ эҳтиёт бўлинглар. Ёбиларнинг нияти хитойларнинг ниятидай холис эмас. Фафлатда қолманглар, ёбиликларнинг панжасига тушиб қоласиз. Ёбилар панжаларига тушганларни аяшмайди. Янчиб ташлашади.

Давлатбой бийнинг кўзлари ола-кула бўлиб, тили танглайига ёпишиб қолди. Жаҳли чиқиб, чуқур хўрсинди, аммо индамади.

— Бор, отланинглар, бий номуси — уруғ номуси, — деб хон калта оёқларини аранг кўтариб босиб, хурсандчилик қилиб ўтирган ёбилар томонга қараб кетди.

Давлатбой бий ҳам шайх билан хайрлашмасдан кетиб қолди.

* * *

Омонлиқлар ҳам бир чеккада тўпланиб, гаплашиб туришарди: уларнинг фикрларича, бийлик белбоғи Омонлиқнинг бўйнига боғланиши лозим эди. Зўрлар зўрлигини қилди. Оғзини очтиришмади. Ақлли гап чиқадиган оғизга эрк берилмади, ичидаги ичида қолди. Обрўли отаси, онаси бўлганида, мол-дунёси бўлганида, ҳаммаси бўлакча бўларди.

— Хафа бўлманглар, Маман бор, — деди Омонлиқ ҳаммасига далда бериб. — Овулларимиз яйраб қоладиганга ўхшайди.

Болаларнинг ҳаммаси ҳам Омонлиққа ишонишарди. Чехраларида хурсандчилик белгиси пайдо бўлди, кичкиналар бу гапнинг маъносини уқмай, тоғ тагидаги овулга қарашди. Оллоёр ҳар сафарги одатини қилиб, болалардан бирининг қулоғига чертди.

— Ановини қаранглар, шамол ёбиларнинг тўйига ун учириб келяпти. Роса тўядиган бўлдик, — деб Омонлиқ қибла томондаги ялангликда кўтарилган қуюнга қўли билан ишора қилди. Оғайнилари гур этиб кулиб юборишди. Омонлиқ қизариб кетди.

* * *

Ким нима демасин, фойдаси бўлмади. Маман отга миндирилди. Бий бўлди.

Мурод шайх кўнғирот билан хитой уруғларининг нима сабабдан кетиб қолишганини тушунмай, орқаларидан отлиқ юбориб, чақиртирган эди. Орқага қайтиш у ёқда турсин, хайрлашиб ҳам кетишмади. Лекин бу билан ёби уруғининг тўйи бузилмади. Чунки, Фойибхон қатнашди. Султон инилари, бола-чақалари билан қатнашди. Тўй уч кун давом этди.

5

Кўпроқ вақтини шикорда, тўйларда кўнғилхушлик билан ўтказадиган Фойибхоннинг бошини қотирадиган, ечилиши қийин бўлган бир тугун бор эди. Бу карвон йўли. Карвон йўлининг жанжали кўп, сира тугамайди. Шу хусусда жанжал кўтарилиб қолгудек бўлса, хон «бу ечилиши қийин бўлган тугун» деб, бошини қашиб қолади. Негаки, Фойибхонни хон қилиб турган ҳам ана шу карвон йўли-да.

Бундан беш йил бурун рус подшоси Обь дарёси бўйига, Кичик юз хонлиги ўртасига Орск қалъасини қуришни мўлжаллади. Рус элчилари келганда дўст бўлайлик, деб истак билдирган Абулхайрхон қалъани қуришда ҳам ёрдам беришни ваъда қилган эди. Шу сабаб бўлдию халққа соладиган солиқни кўпайтирди. Солиқ баҳонасида қорақалпоқларнинг борини қоқиштириб ола бошлади. Юртда оч-яланғоч кўпайиб кетди.

Шунинг учун бутун эътибор карвон йўлига қаратилди. Карвондан олинадиган божнинг бир қисми солиққа тўланадиган бўлди. Фойдани баравар баҳам кўриш мақсадида карвон йўлини уруғлар навбат билан кўриқлашади. Хонни қийнайдиган нарса шуки, баъзан савдо карвонидан бож унмай қолади. Баъзан бу йўлдан бийларнигина эмас, Фойибхоннинг ўзини ҳам пиланд қилмайдиган карвонлар ўтиб қолади. Бундай ҳолда уларни зудлик билан Абулхайрхоннинг ҳузурига олиб бориш лозим эди. Абулхайрхон Фойибхонга бу ҳақда махсус топшириқ ҳам берган. Айниқса рус карвонларини учраштирамай ўтказиб юборса, Фойибхоннинг қундуз жиғали қалпоғи бошидан кетади. Жиғали қалпоқ тагида боланинг муштидай бўлса ҳам Фойибхоннинг калласи бор. Абулхайрхон ана шунга ишора қилган. Қорақалпоқ бийлари бўлса, қўлга туширилган карвонбошиларнинг Абулхайрхон ҳузурига юбориларишига қарши. Бироқ ноилож, хон эса хонлигини қилиб, мажбур этади. Бунинг устига-устак бир-бири билан чиқишолмайдиган айрим бийлар хоннинг буйруғини олдинроқ бажариш ва унга ёқиш пайида бўладилар.

Фойибхон сир бой бермаслик учун ҳозирги юриштиришини ўзгартирмаслиги, икки ўт орасида турган бўлса ҳам, баъзан кулиши керак. Сир бой бердим, бўлди, лекин чиқади. Ис чиққан ерга чопади. Ахир булар ҳам кўкрагига уриб, «ман-ман» деб юрган бийлар. Агар бир-бири билан иноқлашиб кетишса, ўзи шундай ҳам ёрилай деб турган қорнини ёриб юборишлари ҳам ҳеч гап эмас.

Фойибхон баъзан шуларни ўйласа, бир ёғида ўт, бир ёғида сув тургандай, юраги ёрилиб кетади, шикорга чиқиб, аниқ бир фикрга келолмай, боши оққан томонга кетаверишининг, карвон йўлини «ечиш қийин бўлган бир тугун» деб аташининг ҳам сабаби шу.

Тўй тугаб, хон ўз одамлари билан энди жўнаб кетмоқчи бўлиб турганида, ўша «ечиш қийин бўлган тугун»дан хабарчи келиб қолди. Хабарчини Ирискул бий юборибди. Бугун ўтиб кетаётган рус карвонини тутишибди. Бож тўламайман деб, қаршилиқ қилишаётганмиш. Хонингнинг олдида олиб бор деб, дўқ уришаётганмиш.

Фойибхон шошиб қолди. Атрофини ўраб турган султонлар, хонни кузатгани чиққан бийларга «сизлар нима дейсиз?» дегандай, бирма-бир қараб чиқди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Султонлардан бири:

— Бошингизга ташвиш орттирманг, хон олий ҳазратлари. Ҳар галгидай Абулхайрхоннинг ҳузурига жўнатаверинг, — деди. Бошқалар ҳам шу фикрни маъқуллашди.

Тутилган карвонбошини Абулхайрхон ҳузурига олиб бор деса, ёши каттароқ бийларнинг нохушлик билан бўйнилари ни ичларига тортишларидан хон юрак олдириб кўйган эди. Шунинг учун жийда бармоғини муштдай бошининг чаккасига босиб, бир зум ўйланиб қолди.

— Мурод шайх ҳазратлари, Маманга катта бир ишни топширмоқчиман, — деди ниҳоят.

— Жуда маъқул гап, хон олий ҳазратлари, — деб унинг фикрини қувватлади шайх.

Ёби уруғининг барча бийлари хоннинг олдига келиб, қўл қовуштиришди. Ҳозиргина кайфи бузилиб турган хоннинг чеҳраси ёришди. Қўлидаги қамчисини кўтарди. Бу буйруқ аломати эди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Хон қаттиқ-қаттиқ гапира бошлади. Эртага ўзи етиб боргунча савдогарларни сақлаб туришни Ирискул бийга тезда етказишни буюрди, карвон йўлидан келган кўнғирот уруғининг элчисини изига қайтариб юборди, кейин Маманни сўради.

Маман ҳамманинг олдига чиқишга иймандими, меҳмонлардан бирининг отини ечмоқчи бўлиб, бир чеккада турган эди. «Лаббай, хон олий ҳазратлари», деб хоннинг олдига келди.

— Сафарга отлан! Кўнғиротликлар тутган карвонбошини Абулхайрхоннинг ҳузурига олиб борасан! — деди хон унга.

— Хўп бўлади, хон олий ҳазратлари!

— Қани, айт-чи, ёш бий, қайси бийнинг боласини ўзингга ясовул қилиб танлайсан?

Маман хон одами саналиб, бий номини олгандан кейин ёнида ясовул олиб юриши лозим эди. Ясовул унга ёрдамчи бўлади. Отини эгарлайди, меҳмон бўлган ерларида бий хушлайдиган овқатни буюради, бетоб бўлиб қолгудек бўлса, қарайди. Борди-ю, бий бирон ёққа кетгудек бўлса, бий ясовули демаса, ҳуқуқи у билан тенг бўлади, уриш-жанжални ҳам тинчитади. Шунинг учун ҳам бойваччаларнинг бийга ясовул бўлиши катта бахт, улғайганларида бий бўлишлари мумкин. Мустақил бошлиқ бўлади. Бироқ ясовулни

бий бўлган одамнинг ўзи танлаши лозим. Бировга кучли йигит, бировга ақлли, яна бировга қиздай мулозим, бошқасига эса далада ётаверадигани маъқул бўлади. Хуллас, ким қанақа йигитни танлаши, ҳар кимнинг ихтиёрида. Маман бий халқдаги бу одатни аввалдан билар эди. Хоннинг саволини эшитиб, бир зум ўйланиб турди-да, кейин Омонлиқни маъқул кўришини айтди.

Шайх «ҳим» деб қўйди. Ёби уруғи бийларининг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бу жавоб хонга ҳам ёқмади.

— Зотинг пастми ё онадан етим қолиб, тарбия кўрмай ўсганмисан? — деди хон.

— Хон олий ҳазратлари, ўзлари ҳуқуқ берганларидан кейин, кўнглимга ёққан одамни сўрадим, — деб Маман сир бой бермай тураверди.

Мурод шайх чидай олмади.

— Дуруст, ҳозирги етимларнинг кўпчилиги илгариги ўзига тўқ, таглик-тахтлик оилаларнинг фарзандлари. Жунғорлар урушидан кейин бор-йўғидан айрилиб, шу кўйга тушиб қолишган. Қуш инида кўрганини қилади қабилда иш тутса, ҳолинг нима кечади, ўғлим? Омонлиқ сени бир кун момиққа ётқизса, эртасига кигизга ўрайди. Момиқнинг кигиз бўлиши осон, кигизнинг момиқ бўлиши қийин, болам.

Маман ишнинг қалтислигини тушунди. У шайхга таъзим қилди, Омонлиқнинг ақлли эканини, момиқдан аъло деб билишини айтди.

Хон уларнинг баҳсларига аралашмади. Гап нима билан тугагини кутди. Охири Маманнинг фикрига қўшилди, ортиқча қаршилик қилмади.

— Шайх ҳазратлари, Маманга бўз отингизнинг боласини совға қилганингизни биламан. Энди ясовулига ҳам от топинглар. Кўриб кетай. Ўрнига Пўлат ясовулдан бошқа от жўнатаман, — деди у.

Мурод шайх қовоқ-тумшуғини осилтириб, сариқ чакмонининг тугмаси солинмаган, кўкраги сержун, пакана қора соқол бир бийга имлади, то хон отланиб бўлгунча ўша кўкраги сержун бий бир қора ғунонни етаклаб келиб, хоннинг олдига кўндаланг қилди.

— Бўлади, эртагаёқ карвон йўлига жўнанглар, — деб хон отининг жиловини силтади.

Ҳаво ёришиб, нафас олиш сал енгиллашгандай бўлди.

Омонлиққа ўзи исм қўйган унга ўхшашларга раҳми келиб юрадиган бўлгани билан Маманнинг келиб-келиб ўша болани ясовулликка танлаганига шайх жиғибийрон бўларди, ўт бўлиб ёнарди. Ўразан ботир келса нима дейди? Ишониб топшириб қўйган яккаю ягона ўглининг шунчалик обрў топганига, отга минганига севинса керак. Аммо унинг йўлдоши ким? Бир саёқ, тиланчи болада. Жулдур, ялангоёқ. Ана, болани ўз ҳолига ташлаб қўйсанг, шунақа бўлар экан. Шулар билан бирга ўйнаб юрарди. Улар билан ўйнашга рухсат бермаслиги керак экан. Аттанг... Шайх хаёл сура-сура, ниҳоят Маманни ҳузурига чақиртирди.

— Сен ўша Омонлиқни яхши биласанми? Йўлдошликка арзийдими? Кучлими? Мурувватни биладими? Ахир, бийнинг йўлдоши ҳамма томондан ўзига муносиб бўлиши керак. У сендан бошқанинг сарқитини емаслиги лозим, — деди шайх чидолмай.

Маман шайхнинг чиндан ҳам афсусланаётганини тушунди. Шунинг учун унга бир нарса демади. Айбдор кишидай бўйнини эгиб тураверди.

— Ота, юртимизда битта ялангоёқ камайсин, дедим. Мени кечиринг, — деди.

— Майли, энди қора ғунонни олиб бориб, Омонлиқни миндириб кел.

Маман Мурад шайхнинг малла чопони этагини пешанасига суртиб, ўпиб чиқиб кетди.

Айни туш палласи эди. Омонлиқлар бўз қўйлақ устига қуритилган маккажўхорини тўкиб, талашиб-тортишиб еб ўтиришганининг устига борди.

Тўрда, сомоннинг устида ётган Бектемирдан бўлак ҳамма шоша-пиша ўрнидан турди.

Маман Бектемирнинг тепасига бориб энгашди.

— Ҳа, касал бўлиб қолдингми?

— Мендан сўранг, Маман оға, — деди Оллоёр. — Кеча тўйда мазаси бўлмади қолди. Ўзи сабаб бўлди. Бошқалар топган-тутганини халтасига солиб, олиб келди. Бу нима қилди денг, қаерда сарқит бўлса, оғзига тикаверди. Бирини чайнаса, бирини чайнамади, ютаверди, ютаверди. Оғзиям баднафс итнинг оғзи экан. «Ундай қилма, сув ичиб-ичиб е» десам, «сув топилади, Оллоёр оға, бунақа текин овқат ҳамиша ҳам топилавермайди», деди, мана, ётишини қаранг.

Ҳамма дув кулиб юборди. Кўзлари киртайиб қолган Бектемир ҳам ичаги узилгудай бўлиб кулган Эди, ичи гулдураб кетди. Бу болаларнинг кулгисини баттар қис-татиб юборди-ю, ҳаммани кулбадан чиқиб кетишга мажбур қилди.

Қора гунон эшик олдидаги бир юлғунга боғлаб қўйилганди. Оллоёр ҳайрон бўлиб, кулишдан тўхтади. У бир Омонлиққа, бир Маманга, бир болаларга қараб қўйди-да, чидолмай сўради:

— Қаердан келяпсиз, Маман оға?

Маман шошмасдан келишининг сабабини айтган эди, «Э-э, яшавор» деб юборди Оллоёр. У шундай де-ди-ю, олдин Маманни, кейин Омонлиқни қучоқлади.

— Оғайнинг отга минмай туриб, отга минолмас экансан. Худога шукур. Кулбамизнинг ярмини шамол учириб юборай-юборай деб турган эди. Энди ишимиз юришадиган бўлибди, — деди-да, бир сакраб бориб, Олмагулнинг қулоғига чертди. У «Ва-а!!!» деб йиғлаб юборган эди, яна кулги кўтарилди. Ичкаридан Бекте-мир чиқди.

— Ана кулгининг фойдаси, — деб қўйди Оллоёр.

Етимлар кулиша-кулиша қора гунонни ўраб олишди.

6

Карвон йўли қадимги Янгикент қалъасига яқинла-шиб, бепоеън саҳрони кесиб ўтади. Шайхлар қалъага яқинлашиб қолишганида олдиларидан отлиқ чиқиб қолди. Хон Ирискул бийникида қўниб, карвонбоши-ларни шу ерга олдириб келган экан. Шайх одамлари билан карвон йўлига бориб, бекорга овора бўлмасин, деб огоҳлантириб қўйиш учун шу отлиқни юборган экан. Улар кетларига қайтишди.

Бийлар нима сабабдан қаршилиқ кўрсатишмаётган-ликларининг сабабини шайх яхши билар эди. Илмини, донолигини ҳурмат қилишади.

Шайх уларга икки хил гапирган эмас, эҳтимол, шу-нинг учун ҳам ҳурматини жойига қўйишса керак.

Ундай деса, ёшлар йиғинигача бир ёқадан бош чи-қариб турган бийлар Маман сайланганидан кейин нега тўйга қолмай кетиб қолишдийкин? У мана шунга ҳай-рон. Нега уларнинг оралари бузилди? Бирон хунук иш бўлгани йўқ-ку. Ахир ялангоёқ саёқлардан эмас, ўзла-ри ҳамиша ҳурмат қилиб келган Ўразан ботирнинг ўғ-

ли шундай ҳурмат-обрўга эришди. Кўпни кўрган одамнинг боласи ҳеч маҳал панд бермайди. Балки улар Маманнинг рус бандиларни бўшатмоқчи бўлганини соқчилардан эшитишиб, шайх бу гапни уларга ўз оғзи билан айтмагани учун гина-кудурат қилиб юришганимикин? Лекин шайх бундай қилолмайди. Бунақа хунук гапнинг охири яхши бўлмайди. Бири бўлмаса бири, Маман тўғри айтибди, деса бўлди, тамом. Элнинг обрўси кетади. Обрўси кетгандан кейин юртбошиларни эл ҳурмат қилмай қўяди. Шунинг учун ҳам қоровулларга қаттиқ тайинлаб: «Бу гапни ташқарига чиқарманглар. Маманни ўзим койиб қўяман», деган. Қоровуллар бировга айтмайди.

Хўш, шундай экан, улар нима сабабдан кетиб қолишди? Бирон жиддий сабаб йўқ... Ўз мавқеини ҳаммадан юқори қўйиб юрадиган бийларга тўйнинг бирон нарсаси ёқмаган бўлиши мумкин. Бунақа аразлаш биринчи марта эмас! Шунинг учун шайх уларнинг аразлаб кетишганини унутди, олдидан чиққан хабарчи билан гаплашгандан кейин, яна бояги шубҳаси кўнглидан ўтди. У: «Балки қоровуллар оғзидан гуллаб қўйгандир. Ўзлари суриштирмасдан олдин айтиб, кечирим сўраганим дурустдир», деган фикрга келди. У аросатда қолганини Маманга ҳам билдирмади.

Хон барча бийларни тўплаб, Ирискул бийнинг ўтовидида турган эди. Шайх уларни кўриб отидан тушди. Маман ундан олдин тушиб, шайхнинг отини жиловидан ушлади. Сўнг иккови отини жиловодорларига тутқаздида, хон даврасига яқинлашиб, тавозе билан хонга таъзим қилди.

Хон овулига қайтишга шошаётганини, бугун бормаса қушлари билан итлари соғиниб қолишини айтиб, чўкиб ётган катта туяга ишора қилди.

— Бугун олиб борилмаса, Абулхайрхон Хоразмга кетиб қолиши мумкин.

Нор устидаги кўшқда қўли боғлиқ икки савдогар чўккалаб ўтирарди. Шайх уларнинг ҳорғин юзларини кўриб, қорнилари оч-тўқлигини суриштирди. Хон ўрнига Ирискул бий жавоб бериб, зудлик билан жўнаб кетишлари учун ҳамма нарса тайёр эканини айтди.

— Отлан, — деди шайх ёнида турган Маманга.

Маман уларга миннатдорчилик билдириб, қуюқ таъзим қилди-да, сўнг бориб нор туяни турғазди ва отлари турган ерга етаклади.

Маман норнинг жilовини Омонлиққа тугқазди-да, кузатиб турган тўда олдига келиб, ҳар бирига алоҳида таъзим қилиб хайрлашди. Омонлиқ қора гунонига миниб, Маман имлаган тарафга норни етаклаб кетди.

Шайх даврадан ажралиб чиқиб, Маманни тўхтатди-да, насиҳат қилди.

— Йўлда шўхлик қилиб юрма, тезроқ соғ-саломат етказ, болам. Кечиксанг, Абулхайрхон Хоразмдан қайтиб келгунича кутиб қолишга мажбур бўласан. Бепарво бўлма, савдогарлари тутилган подшо қараб турмайди, зудлик билан устимизга қўшин тортиб, қон тўқади. Қон тўқилишига сабабчи бўлма. Сенга насиҳатим шуки, йўлда карвонбоши билан гаплашма, сир олади.

Маманга, унинг танлаган хизматкорига ҳасад билан қараб турган бийларга кўзи тушган хон қўлини пешанасига қилиб, ёнида турган Пўлат ясовулдан сўради:

— Маманнинг ҳамроҳи ким?

— Ўша кунги Омонлиқ деган бола, хон олий ҳазратлари.

— Чакки бўпти. Бойқўчқор бийнинг ўғли Эсенгелдини қўшиб юбориш керак эди.

У бу гап билан оловга мой сепмоқчи бўлганини сездирмаслик учун тисарилди, Ирискул бийга «энди биз ҳам йўлга чиқайлик», деди. Ирискул бий хоннинг гапини маъқуллади.

— Кўнглимдаги гапни айтдингиз, лекин, — деб гапини айтиб улгурмасидан шайх келиб қолди. У Ирискул бийнинг бир нарсани айтиб улгуролмаганини юзидан фаҳмлади-да, «Маманнинг рус бандилари ҳақидаги фикрини яшириб, ғийбат гапларнинг тарқалишига сабаб бўлмадиммикан», деб гумонсиради. Шу хаёл билан бор гапни айтиб қўя қолмоқчи бўлди-ю, лекин оқибатини ўйлаб, фикридан қайтди.

Хон мулозимлари билан йўлга тушди. Уни кузатиб қўйиш учун бийлар ҳам отланишди.

* * *

Маман овулдан олислаб, тўқайга киргандан кейин, туяни шошириб, қамчилай бошлади.

— Бий бола, жудаям қизишма, шошилма! — деди карвонбоши.

Маман ўзини эшитмаганга солди.

— Бий бола, бизни қаерга олиб кетяпсан? — деб сўради яна карвонбоши.

— Гапирманглар, гапириш ман этилган.

— Боғланган бўлса қўл боғланган. Тилимиз боғланмаган-ку, ёш бий, бунчалик катта кетаверма.

Маман бундай жумбоқларнинг тагига етмагунча тинчимас эди.

— Бу нима деганингиз? — деб сўради у.

Карвонбоши кулди.

— Қадимги кекса бийлар сўрамас эди, ёш бий, сен сўрадинг, айтиб бера қолай. Оталарингнинг суянчиғи йўқ, шундай бўлса ҳам, тошбағирлик қилишади. Билиб қўй, бий бола, тошбағир бўлиш учун суянган тоғинг бўлиши керак. Шамолга пора бериб аранг юрибсизлар-ку, чиранишга бало борми? Сениқ қозон парчасидай ерга қапишиб, карвон йўлнинг ҳуқуқи қўлга текканга теварак-атрофимиз тоғ деманг, теварак-атрофингиз кум. Сал шамол турса кум кўтарилиб, ўзингизни босиб қолади, тагида йўқ бўлиб кетасиз. Сезиб турибман, сен бизларни жазолатишга олиб кетяпсан. Лекин бу биз учун чўртан балиқни сувга ташлаш билан баробар. Қайтанга, ўзингга қийин бўлади.

— Қочишга жой тополмай юрган етим жўжалар ҳолига қарамай, чўқишар экан, — деб карвонбошининг йўлдоши қиқирлаб кулди.

Маман тушундими, тушунмадими, ҳар қалай, ранжиб, жаҳли чиқди, лекин ўзини босди. «Кўп гаплашмаслик керак, сир олади... Карвони ушланиб қолган подшо қараб турмайди...»

Карвонбоши ҳам ичаги узилгандай бўлиб қотиб-қотиб кулди-да, шериги билан бир-бирига суяниб, бамайлихотир уйқуга кетди.

* * *

Хон бийларни кўндириш қийинлигини тушундими, овулига яқинлашгандан кейин, уларга тарқалишга руҳсат берди.

Мурад шайх учун қулай пайт келди. Суворилар орасида шошмай кетаётиб, ўтган сафарги йиғилишда Ирискул бий айтган гапларни ҳамманинг эсига солди.

— Азиз бийлар, ўшанда Ирискул бий: «Ўйлаб қарасак, бир ҳовучгина халқмизу, ўзимизга етганча такаббурмиз. Сих бизники-ю, кабоби Абулхайрхоннинг одамлариники», деган эди.

Ирискул бий гапи ибрат қилиб ўртага ташлангани-

дан кўнгли кўтарилди, бироқ совуган кўнгилнинг исиши қийин-да.

— Шайх ҳазратлари, жуда яхши маслаҳат беряпсизу, лекин гапингиз амалда бошқача чиқиб қоляпти-да, — деди Ирискул бий. Унинг нимага шама қилаётганини Давлатбой бий тушунди.

— Маманга кўнғиротликлардан Эсенгелдини ясовул қилиш лозим эди, — деди.

— Хон олий ҳазратлари ҳам шуни маслаҳат берган эдилар, — деб гапга аралашди Убайдулла бий.

Шайх бор гапни энди тушунди, Маманнинг банди русларни озод қилиш тўғрисидаги фикри ҳеч кимга маълум эмаслигидан, ёпиқли қозон ёпиқлигидан қувонди. Энди Ғойибхоннинг сирларини фош қилиш керакми? Йўқ, хонлик ота-бобосидан мерос бўлиб қолган одамга қарши гапириш — авлиёга кесак отиш билан баробар. Касофати бутун қорақалпоқ элига уради.

— Маман совға-салом олиб келса, бўлишиб ҳам олармиз, Эсенгелдини унга ясовул ҳам қилармиз, — деб шайх Ирискул бийнинг кўнглини кўтаришга ҳаркат қилди.

Кўнгиллардаги муз эригандай бўлиб, отликлар бир оз жонланишди.

— Шайх ҳазратлари, бийлар, нега биз сира шикорга чиқмаймиз? — деб қолди Эсим бий.

Бу ҳаммага маъқул тушди.

Мурод шайхнинг маслаҳати билан ҳар ким икки-уч кун бола-чақаси, қариндошлари олдида бўлиб, кейин, келаси пайшанба куни Янгикентнинг ёнида йиғилишга ваъдалашишди.

Ҳамма тарқади.

7

Икки ёшнинг кўнгиллари тоғдай кўтарилган бўлиб, димоғлари чоғ эди. Улар қондани бузган бандиларни хоннинг ҳузурига олиб боришяпти. Унча-мунча одамга ишониб топширилмайдиган юмуш билан кетишяпти. Бу бандиларни хон ҳузурига соғ-саломат етказиш ҳам фарз, ҳам қарз. Бунинг устига, Абулхайрхон билан учрашиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди.

Йигитлар ичларидагини нигоҳлари билан ифода-лаб, имлашиб кулишади. Шу йўсинда йўл машаққати ҳам сезилмайди. Дам олиш пайти келганда, навбат билан ухлашади. Чала уйқуга ҳам кўникишди. Буйруқни

бажармаган карвонбошиларни эсон-омон олиб боришса, улуғ хоннинг қандай олқиши-ю, қандай совға-саломларига сазовор бўлишаркин? Биринчи совға-сарпони ўзи олса бўлмайди. Маман биринчи совгани шайхга бермоқчи бўлди. Омонлиқ-чи? Омонлиқ жўраси Оллоёрга бериши керак. Ахир у жуда суяниб қолувди. Омонлиқ отга минганида ўзидан, ҳатто Олмагулдан ҳам ортиқроқ қувонган эди. Албатта, совгани унга бериши керак. Омонлиқ туяни етаклаб, Маман кетидан ҳайдаб келаётганига қарамасдан, баъзан ширин хаёлларга берилишарди-да, бир-бирлари билан кўз уриштириб, мийиғларида кулиб қўйишарди.

Туя устида кетаётганларнинг булар билан иши йўқ. Худди тўйга, томошага кетаётган одамлардай бепарво, беташвиш. Қайтага буларга раҳмлари келади, баъзан «чарчаган бўлсаларинг, дам ола қолайлик», дейишади. Имконияти бўлган вақтдаям қочишни ўйлашмайди. Фақат бир марта қўлимизни бўшатиб қўйинглар, барибир ҳеч қаёққа қочиб кетмаймиз, деб илтимос қилишган эди. Маман гапларига ишонмади. Ўзлари ҳам қайсар одамлар экан, қайтиб илтимос қилишмади.

Хон овулида уйлар бир-бирига жуда яқин экан. Моллари ташқарида сақланса керак, бошқа ердагиларникига ўхшаб, овул орасида мол кўринмайди. Улар хон уйини сўрамасданоқ танишди. Овулнинг қоқ ўртасига қатор қилиб еттита ўтов тикилган. Бу ўтовларни найзали отлиқлар айланиб, қўриқлаб юришибди.

Отлиқлар бир-бирлари билан хабарлашишди. Улар Маманларни тўхтатмасдан, тўғри хон ўтови томон бошлашди. Уч-тўрт юз қадам қолганда, отдан тушиб, буларни ҳам пиёда боришга мажбур қилишди.

«Дабдабаси бизнинг хонимизникидан ўн баробар зўр экан», деб кўнглидан ўтказди Маман.

Абулхайрхон ташқарида ўтовига суяниб турган экан. Таърифини эшитиб юргани учун Маман уни дарров таниди. У ўрта бўй, икки юзи кулчадай қизғиш-малла, соқоли қора, шоп мўйлов, зар ёқали камзул кийган киши эди. У аввал бошлаб келган соқчисининг гапини эшитди-да, кейин Маманга қаради.

— Йўлда қийналмадингларми?

— Йўқ, хон ҳазрати олийлари, — деди Маман ерга чўккалаб, Омонлиқ ҳам чўккалади.

— Бий бола билан ясовулни икки даррадан уринг, бандиларнинг қўлларини бўшатиб; — деб буюрди-да, хон ичкарига кириб кетди.

Маман билан тенг келадиган тўрт йигит карвонбоши билан шеригининг қўлини бўшатди. Маман билан Омонлиқнинг қўлларини боғлаб, иккаласини икки даррадан уришди.

Хоннинг буйруғини чала эшитган Маман норози бўлиб, хон йигитларидан бирини уриб йиқитди. «Ҳайвонликларингни хонга айтаман!» деб орқасига тисарилди. У бу билан жазосини енгиллата олмади, аксинча, жаҳли чиқиб кетган хон йигитлари унга яна бир жуфт дарра уришди. Маман йиқилиб ётган ерида карвонбошиларнинг хон ўтовига бемалол кириб кетишгаётганини кўриб қолди ва Абулхайрхоннинг:

— Қорақалпоқ халқи кўрпасига қараб оёқ узатмайдиган халқ, ҳар келганини дарра билан уриб, «энди ўтган русларга тегманглар», деб тайинласам ҳам бу ишларини қўйишмайди. Дунё кўрмаган халқнинг асти қулоғи бўлмас экан, — деганини эшитиб қолди.

Шу орада Маманларни тўрт йигит судраб, чеккадаги бир уйга олиб кириб ташлашди. Яна урса керак, деб ўйлашган эди, ҳартугул, унақа бўлмади, олдиларига овқат олиб киришди. Омонлиқ билан иккаласининг ўртасига бир қўйнинг пишган калласини келтириб қўйишди. Ҳам азоб, ҳам иззат-ҳурмат! Иккови ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Тушунолмай, диққати ошди. Қайтиб улардан ҳеч ким хабар олмади. Кечаси ташқарига чиққанда ўтовни икки йигит кўриқлаб турганини кўришди. Аммо соқчилар индашмади. Шундан кейин яна уч кунгача улардан ҳеч ким хабар олмади. Ҳақиқий қамоқнинг ўзгинаси. Эшикни илиб, ташқарида пойлоқчи турарди.

— Менга қаранг, Маман оға, бандиларни биз ҳайдаб келдикми, ё бизни улар ҳайдаб келишганми? Ҳайрон бўлиб қолдим, — деди Омонлиқ. Маман ҳеч нарсага тушунолмай, кулди. Тўртинчи куни азонда оппоқ соқолли бир қария пайдо бўлди. Кўк бахмал тулки телпагини бошидан олиб, салмоқлаб гапирди.

— Қорақалпоқнинг ёш бийлари, — деди қария. — Кетамиз десаларинг, озодсиз. Қоламиз десаларинг, тураверасизлар. Улуғ мартабали Абулхайрхон азонда Хоразмга кета туриб, ёшу қариларингизга салом етказишингизни сўради. Буюрган икки дарраси хўжакўрсин учун эди, шунга айтиб қўй, деди.

— Кечирасиз, ота, дарра уришни хон ҳазратларининг ўзлари буюрганмидилар? — деб сўради Маман кўрслик билан.

— Бизнинг овулимизда хоннинг измисиз от кишнамайди, — деди қария. — Ёдингизда бўлсин, хон дарраси мой дарра. Гапни кўпайтираверсаларинг, таъзирларингни бериб қўйишади.

— Айбимизни билиб кетсак бўладими? — деди ҳали ҳеч кимдан бекордан-бекорга гап эшитиб, қамчи еб ўрганмаган ёш бий.

— Улуғ элнинг савдогарларини тўхтатиб, карвонбошини банди қилиб азоблаганингиз учун, сизларни ўзимники деб, ўшаларнинг кўзи олдида хўжақўрсинга урдирди. Хонимиз аслида феъли кенг, шафоатли одам. Сизни жазолашга жазолаб, кейин ачинди. Яхшилаб зиёфат қилдирди. Болалар ақлли кўринишади, жавоб бериб юбор, деб тайинлаб кетди.

— Биз олиб келган савдогарлар-чи?..

Қария Маманнинг гапини бўлди.

— Улар билан ишларинг бўлмасин. Хон ўзи билан олиб кетди. Йўлда ташлаб кетади, — деди қария. — Ёш экансизлар, айтиб қўяй, бу овулда кўрганларингизни кейин гапирадиган бўлсаларинг, ўттиз икки тишларингдан биттасиям қолмайди.

Маман хоннинг бу сирли овулида узоқроқ туриш хавfli эканини тушунди. Қариядан ҳеч нарса сурштирмади, ади-бади айтишиб ҳам ўтирмади, рухсат тегиши билан кетиш ҳаракатига тушди. Тезгина йўлга отланди.

— Омонлиқ, — деди Маман хон овулидан узоқлашишлари билан. — Бу гапларга нима дейсан?

— Бийим, бунақа қалтис ишларда кишининг кўзи кўр, қулоғи кар бўлиши керак, ҳеч нима кўрмадим, ҳеч нима эшитмадим, — деди Омонлиқ.

— Боя менга айтган гапинг эсингдами? Қашқирларни бўшатгани учун халқ Абулхайрхонни тентак дейдими?

Бородинларни озод қилишни маслаҳатлашганида Маманга айтган гапларини эслаб, Омонлиқ қизариб кетди. Лекин бўш келишни истамади.

— Оқ ит билан қора ит барибир ит, — деди.

Маман кулди, чеҳраси ёришди.

— Омонлиқ, гапимга қулоқ сол. Менинг ҳам хўрлигим келяпти. Бир вақт хаёлимга келган гапнинг тўғрилигига ҳам ишонч ҳосил қиляпман. Биз биладиган теваарак-атрофимиздаги халқлар орасида энг кучлиси руслар. Мен сенга уларнинг эртақларидан айтиб бер-

ган бўлсам керак. Абулхайр хоннинг рус савдогарлари олдида қилган устомонлигини тушундингми?

— Тушундим.

— Энди Бородинларни озод қилиш кераклигини билдингми?

— Бошқалар қўлидаги кишанларни ечишдан олдин ўз ғамимизни еганимиз дуруст эмасмикин, бийим?

— Йўқ, Омонлиқ, биз Абулхайрхонга яхши кўринамиз деб, рус бандиларини қийнаб, тепамизга қора булут ҳайдаб келаётган эканмиз. Тушундим. Бир кори ҳол бошланмасдан олдин иложини топганимиз маъқул.

— Мурод шайхга айтиб, маслаҳатлашиб кўриш керак.

— Ҳожати йўқ. Уни ишонтириш қийин. Балки, ўзи ҳам билар. Келган одамга сарпо кийгизаверганидайди, бизнинг бошимизга бундай кунлар тушмасди.

Омонлиқ индамади. Отнинг жиловини ўз ҳолига ташлаб, хаёл суриб кетди: «Қандай йўл тугилса, тўғри бўлар экан? Маманга йўл кўрсатиш керак. Маслаҳат солган одамга «ўзинг биласан», дейиш одамгарчилик-эмас. Лекин маънилиқ маслаҳат бериш керак.

Абулхайрга аччиқ қилиб руслар бўшатиб юборилса, Абулхайр эшитса, ўлимга ҳукм қилади. У у ёқда турсин, Абулхайрхондан кўрқиб Ғойибхоннинг ўзиёқ уриб ўлдиради. Тенгқуринг отга минмай, отга минмас экансан. Бунинг устига, биз шўрликларга раҳм-шафқат қилиб юрадиган ёш бийни ўлимга етаклашга ҳаққим йўқ. Ҳа, ҳа! Ҳаққим йўқ! Бўшатгилари келган куни ўзлари бўшатишар. Маман аралашиб нима қилади. Йиғласа йиғлайдиган, ўлса ўладиган рус бандилар — кофирлар-ку...»

Маман бутунлай бошқача ўй-хаёлда келарди. У отаси билан шайхнинг баҳсини эслади. Отаси: «Шуларсиз ҳам душманимиз кўп, рус бандиларни қочирайлик» деганида, шайх: «Абулхайр билан Ғойибхон суягимизни итга ташлатишади-я. Ахир уларни ваҳима солиш учун сақлаб турибди», деган эди.

«Ваҳима солиш учун эмиш! — деди ўзича Маман. — Кимни кўрқитишмоқчи? Қайтага қорақалпоқни ёмон кўрсатиш учун ушлаб турибди. Шунинг бечора отам ўшанда нега тушунтирмаган экан-а? Йўқ, ваҳимали бўлмаёқ кўя қолсин. Гуноҳкор бўлсам ҳам майли, бўшатаман!»

— Омонлиқ! — деди Маман бирдан. — Сендан илтимосим шуки, менга қаршилик қилма, барака топгур.

Хўп де, Бородинларни озод этамиз. Улар гайридин бўлгани билан, одам-ку, ахир. Уларнинг кўз ёшлари ҳам сен билан бизнинг кўз ёшимизга ўхшайди. Барибир, биз бўшатмасак, Абулхайр чанқоғи қонган куни келиб бўшатади-ю, айбни яна бизга ағдаради. Бунга кўзим етиб турибди. Отингни ҳайда, энди минғир-минғир қилаверма, — дея Маман отига қамчи босди. Бўз гунон қуюндай учиб кетди, кетидан Омонлиқнинг қора гунони чанг-тўзон кўтарди.

Қайтиб гапиришмади.

* * *

Тош қопқанинг иккала қоровули ҳам хонга маълум, синовдан ўтган, қариндош-уруғи йўқ, каллакесар, бўйдоқ одамлар. Навбат ҳам алмашишмайди. Хоннинг ё Мурод шайхнинг рухсатномаси бўлмаса яқинларига йўлаш мумкин эмас. Иккаласи ҳам мерган. Турган еридан найзасини нишонга отса, беҳато тегизади, одамни тил торттирмай ўлдиради, чапдаст. Кўз иллаган ердаги одамга тош отса, йиқитмай қўймайди. Ён-верларисида тош уюлиб ётибди. Бу тошларни Мурод шайхнинг шогирдлари териб, келтириб берган. Тош теришда Маман ҳам қатнашган эди. Бироқ бу қаттол одамлар хоннинг ишончли одамлари бўлгани билан Мурод шайхнинг чизигидан чиқмайди. Негаки, овқат шайхнинг уйдан келади. Маманнинг сири фош бўлмай, фақат шайхнинг қулоғигагина етиб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолганининг сабаби ҳам шунда. Агар шунақа бўлмаганида тўй кунлари хоннинг олдидан келган одамларга аллақачон айтиб қўйган бўлишарди. Еган оғиз уялади, тилларини тийишга мажбур-да.

Маман ўша кетганича қайтиб тош қопқага яқинлашмаган эди. Шайх у ерга боришни ман қилиб қўйганди. Қоровуллар яқин йўлатишмайди. У ерга қандай яқинлашса, тош қопқани қандай қилиб очса бўлади? Олишиб қолишса нима қилади? Боғлашга кучлари етмаса-чи? Бир-бировига чўқмор билан ташланиб қолишса-чи?

Маманлар овулга яқинлашиб қолишганда у мана шулар тўғрисида бош қотира бошлади. Узоқ ўйлади. Ниҳоят, бир фикрга келиб, отини тезлатди.

Мўлжаллаган вақтларида овулга етиб келишди. Отларини бир харсангнинг орқасига боғлаб, тош қопқадан бир чақирим берида кутиб ўтиришди.

Бандилар билан қоровулларга кечки овқатни олиб келаётган қария — шайхнинг болаларини ўйнатиб юрадиган чол кундаги вақтдан сал олдинроқ аравада келаётган эди. Иккови пиёдалаб қариянинг олдидан чиқди. Қария Маманни кўриб, севишиб кетди.

— Чирогим, қачон қайтдинг? Астоғфурилло, эшитмай қолибман-да? Шайх отанг йўқлиги учун эшитмаган бўлсам керак. Ҳа-да. Отанг бўлмаса, ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди.

— Шайх отам қаерга кетган эдилар?

— Шикорга кетганлар. Бугун уч кун бўлди. Ётиб қоладиган бўлиб кетишган. Барча ёш, қари бийлар билан кетган.

— Нега аравада келяпсиз?

— Эрталаб келолмаган эдим. Шунинг учун нонуш-тасиниям, тушлигиниям кечки овқатларга қўшиб олиб келяпман. Ахир бу бечоралар ҳам одам боласи-ку! Очликдан тиришиб ўтиришгандир.

Маман қариянинг орқасида турган Омонлиққа кўзини қисиб қўйди. У қарияни тортиб йиқитди. Қария ҳеч нарсага тушунмади.

— Ия, ия, сен Маман эмас экансан-ку! — деб улгурди, холос. Маман кулиб, унинг оғзини белбоғи билан боғлади. Омонлиқ оёқ-қўлини чандиб ташлади. Қарияни чеккадаги бир туп юлғуннинг тагига ётқизиб қўйиб, иккови аравани ҳайдаб кетди.

Қоровуллар ҳақиқатан ҳам оч қолишган экан. Ноннинг исини сезиб, севишиб кетишди. Узоқдан «ҳайда, тезроқ ҳайда,» деб қичқира бошлашди.

Қоровуллардан бири — мўйловдор, кўзлари қизили Маманни кўриб, ҳайрон бўлиб қолди. Маман ҳеч нарсани сезмаган бўлиб салом берди, кейин: «Қария бетоб бўлиб қолганлиги сабабли эрталабдан бери овқат олиб келолмадик, бунинг устига, шайхимиз йўқ, охири кўнглимиз бўлмай, ўзимиз олиб келдик», деб изоҳ берди. Иккинчи қоровул буларнинг гапларига парво қилмай, аравадаги нондан олиб тушираётганди. Мўйловдор, кўзлари қизил қоровул ҳам юмшади. Найзасини бир чеккага қўйиб, аравадаги нондан олди. Қоровуллар овқат олиб келган одамни ичкарига йўлатмай, бандиларнинг тегишларини ҳам ўзлари олиб кириб беришар эди. Йигитлар бу томонини ҳисобга олишмаган экан. Бу худо безориларга одам бас келолмайди. Маман мўйловдор қоровулнинг тираб қўйилган найзасини ав-

вал сийпалаб кўрган бўлди-да, кейин шартга қўлига олиб, бирдан унинг ўзига ўқталди:

— Санчаман, ёт!

Омонлиқ ҳам иккинчисининг найзасини олиб, ўйнаб турган эди, у ҳам Маман каби иш тутди.

Мўйловдор дир-дир титраб, оғзидаги нонини апил-тапил ютди-да, Маманга қаради. Маманнинг чиндан ҳам санчиши мумкинлигини кўриб, буйруғига биноан мукка тушди.

— Мўйловдорни боғла! — деб буюрди Омонлиқ оёғи тагида ётган қоровулга.

У кўрқа-писа мўйловдорнинг ёнига келди. Мўйловдор кўзларини ола-кула қилиб, тишламоқчи бўлган эди, маҳкам босиб олди. Маман найзани мўйловдорнинг икки кураги орасига тиради. Куни билан туз тотмаган қоровуллар анча ҳолдан тойиб қолишган эди.

— Эшикни оч! — деб Омонлиқ ёввош қоровулнинг яланг оёғига найзанинг учини тегизди. Қоровулнинг оёғидан қон чиқиб, эшикни очишга шошилди.

— Кузьма Бородин! — деб чақирди Маман.

Кузьма Бородин эшикка яқин келиб турган экан. Ташқаридаги аҳволни кўриб ҳеч нимага тушунолмади, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Боғлашга ёрдамлашинг! — деб Маман ишора қилди.

Кузьма Бородин дарров битта шеригининг номини айтиб чақирди-да, икки қоровулни бир зумда чандиб ташлашди.

— Энди озодсизлар! — деди Маман қўлидаги найзани улоқтириб.

Эшикка яқин келганларни қоровуллар тош билан урганидан бандилар юрак олдириб қўйишганди.

— Энди озодсизлар! — деган таниш овозни эшитиб, ҳаммалари эшикка ёпирилишди. Гап нимадалигини тушунишгач, чувиллай бошлашди: «Худога шукур», «кўп яша, Маман», «худо ёрлақасин сени», «яхшилигингни унутмаймиз», «камлик-кўстлик кўрманлар!».

Кун ботиб, қош қорая бошлаган эди. Маман Кузьма Бородинга шошилиш кераклигини айтди, ўзимиз кузатишиб қўямиз, деди.

Кузьма Бородиннинг икки кўзи оёқ-қўли боғлаб қўйилган қоровулларда эди. Маман унинг мақсадини тушунди.

— Ўлдириб нима қиламиз. Сизларнинг ўрниларинга қамаб, қулфлаб қўямиз, — деди.

Кузьма Бородин йўлдошларига зудлик билан йўлга тушиш лозимлигини айтди.

Ҳамма шоша-пиша кийиниб, майда-чуйдасини туга бошлади.

Омонлиқ югуриб бориб, отларни етаклаб келди. Отларга иккита бемор аёлни болалари билан миндиришди. Тун қоронғи эди. Кузьма Бородин билан Маман қўлтиқлашиб олди-да, юлдузларга қараб йўлга тушишди. қолганлар уларга эргашди.

Улар хўрозлар охириги марта қичқираётганида бири бири билан хайрлаша бошлашди.

Кузьма Бородин хайрлашув чоғида Маманни бағрига босиб, пешонасидан шундай меҳр билан ўпдики, бу рус одамнинг иссиқ нафаси узоқ сафардан соғиниб қайтадиган отасининг илиқ нафасини ёдига тушириб юборди. Маман ҳам Кузьма Бородинни кучоқлаб, ўпди.

— Хайр, Маман! Балки кўришармиз, балки кўришмасмиз, — деди Бородин овози титраб. — Шу вақтгача сенга айтмаган бир сирим бор эди. Ишонмассан деб айтмаган эдим. Тилёғламалик қиляпти, демасин деб айтмадим. Иним, бир нарсани уқиб ол, қорақалпоқ халқи оз, бироқ довюрак халқ, бу гапим, балки сенга мақтовдек бўлиб туюлиши мумкин, довюрак бўлмаса, халқ бўлмайди. Лекин қийинчиликни баробар тортишадиган дўст топишларинг керак. Элингнинг бошидан кечирганларини гапириб ўтирмай, унинг келажагини ўйла, қорақалпоқнинг ёш бийи. Ўз халқининг ғамини емаслик — ўз ғамини емасликдир. Ёдингда бўлсин, халқингни бир эман дарахти деб билсанг, уруғларни унинг томирлари деб бил. Кўплаб томир бир танага озиқ берса, эман серсоя бўлади, ҳамманинг диққатини ўзига тартади. Хайр, соғ бўл, Маман бий, худо паноҳида асрасин!

Кузьма Бородин кейинги гапларини лўнда-лўнда қилиб гапиргани учунми, Маман унинг ҳар бир гапида сира ёддан чиқмайдиган аччиқ ҳақиқат, чуқур маъно борлигини англади.

— Йўлингиз тушса, бир халоскорим бор эди, деб кириб ўтарсиз, Кузьма оға, — деди секингина. У бошқа ҳеч нарса дея олмади.

Тонг ғира-ширасида хуркиб учган бир тўп қушлар каби, эркакларнинг қўлларида қалпоқлари силкинди, аёлларнинг қўлларида дурралари ҳилпиради. Улар кўздан ғойиб бўлишгунча Маман билан Омонлиқ ҳам жойларидан жилмай туришди...

Отларига миниб овулга қараб йўл олишгандагина улар бандиларга овқат ташийдиган қарияни эслашди.

— Ана холос, у бечоранинг ҳоли нима кечдийкин? Ишқилиб ўлиб қолмаган бўлсин-да!

Улар шошилиб, отларига қамчи босишди. Тонг ота бошлаган эди. Бир чуқурликдан аланга кўринди. Иккови ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Ўша томонга бурилишди. Ўт атрофида ўтирганларни танишди. Булар Мурод шайх бошчилигидаги шикорда юриб, тунаб қолган бийлар эди. Улар кийикни оловга тутиб, еб ўтиришарди.

— Олдиларига борамиз, — деди Маман.

— Сиримиз очилиб қолмасмикин? — деди Омонлик.

— Улар билан ўзим гаплашаман. Агар ҳозир изларидан тушишса, Бородинларни қувиб етишлари мумкин.

— Тўғри айтасиз, бийим.

Улар отларини йўрттириб келиб, бийларга салом беришди-да, отларидан сакраб тушишди.

Бийлар кайфлари чоғ бўлиб ўтиришган экан, Маманларнинг келишганидан хурсанд бўлиб кетишди. Ёшларнинг чехраларидаги аллақандай ҳаяжон, хижолатлик шарпасини пайқаган шайх улардан сўради:

— Абулхайрхон қийнамадими сизларни?

— Ўзингиз ҳам билар экансиз-ку, шайхимиз, — деди Маман.

Тўғрисини айтиб қўя қолган ёш бийнинг рост-гўйлигидан бийлар мийиғларида кулиб қўйишди.

— Абулхайрхонни хонга эмас, иккиюзламачи хотинга ўхшатдим, — деди Маман куйиниб.

Бийлар гур этиб кулиб юборишди. Бу гапдан хузур қилиб кулишди, негаки, улар бир-бирларига айтишга журъат қилолмай юрган гапларини Маман ҳозир очиқ айтган эди. Шайх ўртада чирсиллаб турган саксовул чўғидан кўзини узмай хаёл сураркан:

— Очиқ айт, ўғлим, бошқа иззат-ҳурмат бўлмадими? — деб сўради.

— Шайх ҳазратлари, Абулхайрхон бизни оёқости қилди. Ловиллаб турган юрагимиз муз бўлди. Совиб қайтдик. Рус карвонбоши тўғри айтган экан, бизни суяйдиган, ҳимоя қиладиганимиз йўқ, шунинг учун ҳам хўрлайверади, — деб, Маман карвонбошидан эшитганини, хон овулида кўрганини, ким нима деган бўлса, ҳаммасини оқизмай-томизмай куйиб-пишиб гапириб берди.

— Шайх ҳазратлари, буларнинг гапларида жон бор, — деди Убайдулла бий. — Бизлар ҳам топшириқни бажарамиз деб, роса дARRасини еганмиз. Оғзимиздан чиқарсак, ўттиз икки тишимиздан айриламиз, деб кўрққанмиз. Булар ёшлиқ қилиб гапириб ўтиришибди.

— Лаънат ўша Абулхайрга, — деди Давлатбой бий тўнғиллаб. — Хон суянай десак суянчигимиз, бировни кўрқитгудек кучимиз йўқлигини билади. Ўзи русларга лаганбардорлик қилиб, Ўрта юз билан Катта юзни босиб олишни кўзлаб юрган бўлса керак.

Хаёл суриб ўтирган Ирискул бий ҳам қизишди:

— Ўйлаб қарасам «биз қорақалпоқмиз, тўрт туман қорақалпоқмиз» деб кўкрагимизга бекорга муштлаб юрганга ўхшаймиз. Ана шундай вақтларда орқамизда таянчигимиз йўқлиги билинади. Абулхайр раҳмдил хонга ўхшаб, бизга хирмон совуртиради, аммо ўзимиз бир бурда нон тополмаймиз. Ҳайронман!

— Ирискул ота, сира ҳайрон бўлманг, ўйнашга ишониб эрсиз қолган вой бошим деганлар, — деб таъкидлаб қўйди Маман.

— Ҳа, нон топсак дастурхон тополмаймиз, — деб афсусланди Эсим бой.

Бийларнинг куйиниб айтган гапларини эшитган шайх Маманга қаради.

— Қани, Маман, нималарни ўйлаб келдинг, энди нима маслаҳат берасан?

— Абулхайрхон одамгарчилик қилиш ўрнига бизни лақиллатиб, тезак тердириб юганини тушуниб келдим. Қайтиб келсак, йўқ экансизлар. Хон шумлигининг олдини олайлик деб, келишим билан тош қопқадаги рус бандиларни озод қилдим...

— Нима дединг?!

Йўлбарс ўкиргандай бўлди. Маман чурқ этолмай қолди. Бийлар гала-говур кўтаришди.

— Элнинг ўткир болтасини сувга ташладим десангчи! — деди Ирискул бий овози титраб.

— Эшак семирса эгасини тепади, деганлари шу бўлса керак, — деди Давлатбой бий жеркиб. Ҳамма Маманга ёпишди. Гапирмаган бий қолмади. Ўтириш бузилди. Ҳар ким ўзича маслаҳат берди. Шикор хурсандчилигидан асар қолмади.

Маман уларнинг газабларидан довдирамади.

— Бўшатдим, улуғлар! Уч кун бўлди юртларига жўнашганига. Фафлатда қолишмасин деб, сизларни ўзим қидириб топдим.

— Қўлини боғланглар! — деб буюрди шайх.

Шайхнинг бир сўзини сира икки қилмаган Маман қаршилиқ кўрсатиб ўтирмади. Сал нарироқда гулхан ёқиб, отларни пойлаб ўтирган бийларнинг жиловдорлари шайхнинг овозини эшитиб, югуриб келишди.

Ҳаммалари ёпирилишиб, бир зумда Маманни чандиб ташлашди. Омонлиқнинг қўли орқасига боғланиб, отига тескари миндирилди. Маманни от устига кўндаланг ташлашди.

— Тўқликка шўхлик қилиб, ўз халқининг номусини сотган бундай жўжахўрозни тошбўрон қилиб ўлдириш керак, — деди шайх.

Ирисқул бий:

— Маъкул, шайх ҳазратлари! — деди.

Давлатбой бий:

— Бундай жўжахўрознинг боридан йўғи! — деди.

Бийлардан биронтаси бу ҳукмга эътироз билдирмади.

Шайхнинг гапи ерда қолмаслигини, ҳатто Ғойибхон ҳам унинг азми қарорига қарши ҳеч нарса демаслигини Маман яхши билар эди, шунинг учун ҳам йиглаб-сиқтамади, ялинмади, аксинча:

— Маман тўғри қилган экан, дейсиз ҳали, ота, — деди ғурур билан. Кейин Омонлиқнинг «бошқалар қўлидаги кишанни ечишдан олдин ўз ғамимизни еганимиз дуруст эмасмикин, бийим», деганини эслаб, унга қаради. Омонлиқ тишларини ғижирлатиб, авзойидан адолатсиз шайх билан бийларни ғажиб ташлайдигандай бўлиб турарди. «Омонлиқ, ўзингни тут, менга ҳеч нарса дема», деб шивирлади Маман. Шайх дарғазаб бўлганидан Маман кўндаланг ташланган отни кетмакет қамчилади. От Маманни лопиллатиб чопиб кетди.

8

Омонлиқларнинг қайтишларига кўзлари тўрт бўлиб юрган Оллоёрлар хунук хабар эшитишди:

— Маман ўз халқига хиёнат қилибди. Энди ўлдириларкан. Тошбўрон қилиб ўлдирилар эмиш.

Оллоёр бу гапга ишонмади. Бу бир англашилмовчилик. Маманлар Абулхайрхон овулида. Келган бўлса, Омонлиқ хабарни етказарди. Нима бўлгандаям бир кўриниш берарди, ҳеч бўлмаса, Олмагул туфайли келарди. У шу хаёл билан нохуш хабар топиб келган болага «нафасингни шамол учирсин» деб, чаккасига бир ша-

палок уриб, овозини ўчирди. Шундан кейин овулларда тиланчилик қилиб юриб, Маманнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитиб келган етимлар ҳам Оллоёрдан кўрқиб эшитганларини айтмай қўя қолишди. Оллоёрнинг одатларини яхши биладиган Бектемиргина Маманнинг ўлими белгиланган куни йўлини топди.

— Оллоёр оға, эшитдингизми, рус бандилар қочиб кетишганмиш.

— Об-бо лаънати кофирлар-эй! — Қоровулларни ўлдириб қочишибдими?

— Ўзларининг ўрниларига қамаб кетишибди.

— Ундай қоровулларни тоғ бошидан улоқтириш керак. Халқ обрўсини тўкиб нима қилишар экан-а?

— Яна бир чалажон ётган қарияни ҳам топишибди. Шайх ҳазратларининг хизматкорлари эмиш. Бу ишнинг сабабчиларини бугун ўлдиришса керак. Тошбўрон қилиб ўлдиришар эмиш.

— Албатта ўлдириш керак-да, — деди Оллоёр. — Ундай бўлса, ҳаммаларинг биттадан тош олинлар. Хўрланиб келаётган халқимизнинг бандиларини бўшатиб юборганларга тош отиш савоб. Қани, бўла қолинлар!

Етимлар ўпакларини қўлтиқлаб етиб келишганда якка туп эманнинг атрофи гиж-гиж одам эди. Ҳамманинг қўлида биттадан тош. Ҳаммалари савоб излаб келишган. Оллоёрлар одамлар орасидан қисиниб-қимтиниб олдинга ўтиб олишди. Ҳовлиқишиб, «қани, сотқин қани?» деб бақирдишди.

Маман билан Омонлиқ эманга боғланган, бошларини ҳам қилиб туришибди. Улар ҳарчанд сир бой бермасликка ҳаракат қилишмасин, мадорлари қуриб қолганидан бошларини кўтаришолмасди, шилқиллаб тушиб кетаверарди. Маманнинг бети қон, кийимлари тилка-тилка бўлиб кетган. Омонлиқнинг бетида қон йўқ, лекин жуда озиб кетганидан, Оллоёр уни танимади.

— Сотқинлар қани? — деб шовқин солди Оллоёр.

Омонлиқ аранг бошини кўтариб унга қаради. Оллоёр уларни танимади. Ўнг томонда Ғойибхон, шайх ва бийлар туришарди. Шайх тош кўтариб келган етимларга кўзи тушиб, чақиртирди.

— Ана, ўша эл севган довюраклар, — деб шайх гурур билан Ғойибхон томонга бурилди. — Хон олий ҳазратлари, бошлаш керак.

— Ўзингиз бошлаб берасизми? — деди хон шайхга.

Одатга кўра, энг мерган одам учта тош отади. Ҳеч бўлмаганда шулардан биттаси тегиши керак. Шундан

кейин истаган одам ураверади. Агар отилган уч тошдан биронтаси ҳам тегмаса, гуноҳкор озод қилинади. Шунинг учун ҳам тошбўронни шайх ўзи бошлаб беришга журъат қила олмади.

— Хон олий ҳазратлари, Ирискул бий бошлаб берса қандай бўларкин? — деди.

Ирискул бий хонга таъзим қилди-да, тош отиш ҳуқуқини ёш йигит Эсенгелдига беришларини илтимос қилди. Хон менга барибир дегандек қилиб шайхга қаради. Шайх бир зум ўйлаб турди-да, кейин рухсат берди.

Эсенгелди шуни кутиб турган экан. Икки қадам олдинга чиқди-да, «бисмилло» деб кўлига тош олди. Шайх ундан гуноҳкорлардан қайси бирини нишонга олаётганини сўради.

— Маманни, — деди Эсенгелди.

— Хато кетмасин, — деб огоҳлантирди Ирискул бий.

Маман билан Омонлиқ ер остидан кузатиб турарди. Улар қўл-оёқлари дарахтга боғлаб ташланганидан, фақат бошларини у ёқ-бу ёққа бура олишарди, холос.

Эсенгелди сариқ чакмонининг этагини қайириб, кетига тисарилди-да, Маманни мўлжалга олиб тошни улоқтирди.

Омонлиқ чаққонлик қилди. Маманнинг бошини боши билан тўсиб қолди. Етти қадам наридан отилган тош Омонлиқнинг чаккасига тегди, тирқираб қон чиқиб кетди. Омонлиқ чидалмади. «Оллоёр!» деб бақириб юборди.

Оллоёр бирдан хушёр тортди. Боғланган гуноҳкорларга тикилди. Таниди. Ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, ўша томонга югурди. Йигитларнинг ёнига бориб, оломон томонга қараб кўкрагини керди-да: «Бардам бўлинглар, азаматлар, кўзларинг жавдирамасин», деб шивирлади. Эсенгелдига қараб жаҳл билан бақирди: «Ур, ур қўнғиротнинг кўппаги! Аяма!»

Маман бировнинг «азамат» деганини эшитмаган эди. Оллоёр одатдагидек ҳазил қилаётган бўлса керак, деб мийиғида кулиб кўйди-да, «ўзинг ҳам бардам бўл, эҳтиёт бўл» деб огоҳлантирди.

Шу пайт Эсенгелди мўлжаллаб туриб яна битта тош отди. Тош нақ Оллоёрнинг кўзига тегди, кўзи ситилиб юзига тушаркан:

— Етимлар! Мамани тўсинлар! Етимлар... — деб шилқ этиб ўзини ташлади. Оломон орасида турган болалар бир-бирларини чақиришиб, олға қараб югуриш-

ди. Кўл ушлашиб, Маманлар боғланган эманни қуршаб олишди.

— Маман бий учун ҳаммамиз жонимизни берамиз!.. — деб қичқиришди.

Одамлар саросимага тушиб қолишди. Маросим бузиладиганга ўхшайди.

— Кўзёши дарё бўлган одамлар, келинлар! — деб чақирди Омонлик.

Оломоннинг деярли ярми ёпирилиб келиб, эман атрофини ўраб олди.

Кейинги йилларда бундай ўлим бўлмаганди, етим-есирлар ҳам бунчаллик бир ёқадан бош чиқаришмаган эди. Хон нима қилишини билмай қолди. Шайх ҳам ҳайрон. Ирискул бий панд еб, атрофига аланглади.

Кўпчилик:

— Хон олий ҳазратлари, буларни бўшатиб юборинг! — деб талаб қила бошлади.

— Ёш жонидан айрилмасин булар!

— Шайх ҳазратлари, сеvimли шогирдингизнинг гуноҳини сўраб олинг!

— Бизни душманлар қиргани ҳам етар, энди ўзларинг қирманлар!

— Ўзимизни ўзимиз қириб бўлдик-ку...

Бу гап шайхга таъсир қилди. Хўрсиниб, такрорлади: «Ўзимизни ўзимиз қириб бўлдик...» Гап Ирискул бийга ҳам таъсир қилди шекилли, у ҳам бир оз шаштидан тушди.

Ҳақиқатан ҳам, шайх халқ бирлиги бузилмасин деб, тошбўрон қилишга ҳукм этди-ю, кейинига ўзи ҳам қиёматлик дўстим Ҳазан ботир қайтиб келганида нима жавоб қиламан, деб ҳайрон эди. У хон оёғига йиқилди.

— Хон олий ҳазратлари, фармонингизни бекор қилишингизни сўрайман сиздан.

Ғойибхоннинг парвойи фалак эди. Халқ жўшиб, ҳар тарафдан шовқин-сурон кўтарилаётгани учун хон ичида фармонини бекор қилмоқчи бўлиб турган эди, лекин шундай бўлса ҳам:

— Шайх ҳазратлари, бу фармонни беришимга ўзингиз сабабчи бўлганингизни халққа айтинг, — деб шайхдан талаб қилди.

Шайх ўрнидан турди. Халқ унинг икки хил гапирганини сира эшитмаган эди. У қийин аҳволда қолди. Юзи кўкарди. Тили танглайига ёпишди. Халқ ҳамон шовқин солиб, айбдорларни авф этишларини талаб қиларди. Шайх ҳеч нима эшитмасди. Миясида: «Ўзимиз-

ни ўзимиз қириб бўлдик...» деган гап ғувиллаб турарди. Бошини сарак-сарак қилиб қулочини ёзди. Ёлвориб халққа мурожаат қилди:

— Халойиқ, сўзимга қулоқ солинг. Хон олий ҳазратлари шафқатли одам. Шундай бўлишига мен айбдорман. Хой олий ҳазратларидан кечирим сўрайман. Айбдорларни авф этсинлар!

Ҳамма ёқ сув сепгандай жимжит бўлиб қолди.

Хон калта қўлини кўтариб:

— Авф этилсин! — деди-да, яна туширди.

* * *

Ҳар сафар навбати келганида Омонлиқ қаттиқ изтиробга тушар, егулик нон тополмай, тиланчиликка чиқишга мажбур бўлганида унга дунёнинг сира қизиғи қолмас, шу оламдан кўз юмиб кетгиси келар эди. Фақат синглиси Олмагулни кўзи қиймайди-да. Кимсасиз Омонлиқ Олмагулга қаттиқ суяниб қолди. Ўз синглисини яхши-ёмон кунларда доим пинжида олиб юрди.

Омонлиқ ҳолдан кетганига қарамай, жазодан озод қилиниши билан кулбасига шошилди. Биринчи дуч келган Бектемирдан «азиз синглим, жигарбандим омонми?» деб сўради.

Олмагул худди арқони ҳозиргина ечилган кўзичоқдай сакраб-сакраб келиб, акасининг бўйнига осилди.

Оллоёр ярани боғлаётиб уни сўроққа тутди:

— Бу қанақа бўйни йўғонлик?

Омонлиқ жавоб бергунча бўлмай Оллоёр тўкиб-солди.

— Шунинг учун ҳам етти авлоди бий кўрмаган одамга ишонишмайди-да. Нега сен яхшилиқ қилиб, отга миндирган шундай оққўнгил кишини йўлдан оздирдинг?

Омонлиқ чидолмади.

— Кўп валдирайверма. Оллоёр. Иккаламизда ҳам гуноҳ йўқ. Кимки иккиюзламачи бўлса, гуноҳқор ўша.

— У ким экан?

— Бир кун билиб қоларсизлар. Маман русларни бўшатиб юбораётганда юртимнинг юзини ерга қаратаман, деб ўйламаган эди. Юртимизни, қайтага, гуноҳдан пок қилди. Кўзёшларини камайтирмоқчи бўлди. Жабрланиб ётган бандиларнинг дуосини олди.

— Бўпти, энди дам олинглар.

Омонлиқ билан Оллоёр сомон тўшакка ёнма-ён чўзилишди.

Мурод шайх хафа. Гапи икки хил чиқиб қолгани учун хафа. Нега бунчалик қизишиб кетди? Ахир Маман ўз фарзандидек эмасми? Аламзада бўлиб юрган бийларнинг сўзига нега кирди? Хўп пушаймон бўляпти, ич-этини еяпти, лекин бундан нима фойда бор? Энди Маманнинг кўнглини олиш керак. Қандай қилиб? Ундан ҳам кечирим сўраш керакми? Бу жуда тубанлик бўлади. Қулоқ эшитмаган пасткашлик бўлади. «Чарчадим, миям говлаб кетди. Қийин, оғир», деб пичирлади ўзига-ўзи.

Катта ўтовнинг бир чеккасида ўрнида ёстиқни биланд кўйдириб ётган Маман кўрпа тагидан мўралаб, шайхнинг кайфиятини, ҳатто кўнглидан ўтаётган гапларни фаҳмлаб ётарди.

• Маман аста кўрпасини кўтарди.

— Шайх ота, Омонлиққа синглиси билан турадиган бир бошпана қурдириб беришга ёрдам беролмайсизми?

Маманнинг ўзи гап бошлагани яхши бўлди. Шайх жонланди.

— Ёт, болам, дамнингни ол. Ёрдам берсам берарман.

Шайхнинг ваъдасини олиш қийин. Ваъда берса, албатта устидан чиқади. Маман кўнгли тинчиб уйқуга кетди.

Шундай қудай шароит келса-ю, латгадай бўшашиб, катта уруғни яна ерга қаратиб ўтирса-я.

Яна ютқазиб қўйиб овулга қайтаётган кўнғирот бийларининг оғизларида шу гап эди. Бир-бирларига кесатишади, бир-бирларини айблашади. Сузонғич кўчқорлардай бир-бирларига ташланишади.

Ирискул бий бу гапларга аралашмади. Хон розилик берганига ўзида йўқ хурсанд бўлди, Эсенгелдига ишонди, аммо бармоғини тишлаб қолди, мана энди ўзини айблаб келяпти.

— Ҳаммасига Ирискул хон айбдор!

Ирискул бийнинг қулоғи динг бўлди. Нега? Хон деб улуғлашганигами? Йўқ. У бунга ўрганиб қолган. Бутун кўнғирот уруғининг бийлари, барча бойлари ўзаро гаплашганларида, уни — катта бийларини хон деб аташади. Бу жиҳатдан бошқа уруғлар уларга ажабланишиб, ҳатто бир оз ғайирликлари ҳам келарди. То-

тувликларига кўз тегди. Ўзидан кичик бийлардан, атоқли бойлардан дакки эшитиб ўрганмаган одамга бу гап оғир ботди. Йўғон бўйинини қат-қат ажин босганди, у ҳамроҳларига қаради.

Ирискул бийни айблаётган отлиқ кўнғиротнинг энг эътиборли бойларидан Жондўс эди. У жийроннинг жировини тортиб, Ирискул бий билан тенглашди. Жондўснинг қалин қора соқоли селкиллаб, ўсиқ мўйлови титради, қийиқ кўзлари Ирискул бийнинг чақчайган кўзларига тушиши билан, дош беролмай, жировни бўшатди. Уларнинг ўқрайишганини кузатиб келишаётган шериклари чурқ этишмасди. Бироқ обрўсизланиб келаётган бийга қилинган ўринли таънага ҳаммалари ҳам ичларида қўшилишган эди, Жондўс бий аламига чидолмади. Ўзича тўнғиллаб қўйди:

— Яна ёбиликлар бошлаб кетди. Индамасак, шарманда бўлиб қолаверамиз.

Жаҳлдан бўзариб кетган Ирискул бий дарров далил тополмай қолдими, ишқилиб, «шу болага Мурод шайхнинг нафаси текканми дейман-да», деб қўйди чўзиб.

Эсенгелди ҳаммага кўрсатиб, қамчи тутган қўлининг кафтини чап қўли билан уқалади.

— Ҳайтовур, тош улоқтирган қўлимнинг кафти қичишяпти-я.

Бу гапга кўнғирот бийларининг қайсиси ишонди, қайсиси йўқ, номаълум. Ҳар кимнинг ўйлагани ичида қолди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади.

Улар ўтган сафар ҳам шу йўлдан ана шундай аччиқ-тизиқ билан худди қора булутдай тундлашиб қайтишган эди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Отлиқлар зардалари қайнаб, кетларидан чанг тўзителиб кетишаётганди. Қаерда тўхтаб, қаерда қандай фалокатни бошлашлари ҳозирча номаълум эди.

9

Ёзнинг тафти қайтиб, тез-тез шамол эсиб турарди. Баъзан шамол кучли тўзон кўтариб, дов-дарахтнинг учини ерга теккудай эгса-да, ҳатто энг нимжон, нозик гиёҳнинг либоси ҳали ўзгармаган эди. Ҳамма ёқ ям-яшил, хушбўй ҳид анқийди. Кўрсанг кўзинг қувнайди, искасанг кўнглинг ёришади.

Мурод шайх эшигига келиб, хизматкорларнинг чиқшини кутиб турган тўриқ отли рангпар, бўйчан йигит узангига тиралиб, тоғ бошидаги икки жонли нуқ-

тани кўриб қолди. Биринчи оппоқ тошга, иккинчиси қора тошга қўнган бургутга ўхшайди. Оралари ҳам яқин.

Шу орада муртлари эндигина ниш ура бошлаган, озгин, қорачадан келган, сал эгилиб юрадиган, бўз қўйлакли хизматкор йигит югуриб чиқди. Хизматкор жиловдан ушлаб, «туша қол» дегандай отлиқнинг узангиси ёнига келиб елкасини тутди.

— Отам уйда йўқмилар? — деб сўради отлиқ.

Бу отлиқ Мурод шайхнинг катта ўғли Ҳелвет эди. У Фойибхоннинг катта ўғли Убайдулла Султон билан Обь қирғоғида ишлаётганларга овқат олиб бориб, ҳозиргина қайтиб келган эди. У ҳали овулдаги янгиликлардан беҳабар эди. Хизматкор жуда мулойимлик, мамнунлик билан шайхнинг йўқлигини, кеча Янгикент тарафга Фойибхон билан бирга шикорга кетганини айтди.

— Ҳу анави, тоғнинг бошидаги иккита нуқта отлиқлар эмасми? — деб Ҳелвет қамчиси билан ўша томонга ишора қилди.

Хизматкор бурнини тортиб, тоғ тарафга ўтирилди, кўра олмай, кир сочи тагидан пешонасига оқиб тушаётган терни, қийиқ кўзларини артди, отлиқлар эканини тасдиқлади.

— Шошилишч топшириқ бор эди. Биттаси отам эмасмикан? Бошқа одамда унақа от йўқ эди шекилли?

— Бўз гунон Уразан ботирнинг ўғли Маманга берилган эди. Танидим. Маманнинг ўзгинаси. Бугун эрта билан Омонлиқ билан иккови еримизнинг баланд-пастини кўздан кечирамиз, деб чиқиб кетган эди, тева-рак-атрофни айланиб юрган бўлса керак-да.

— Омонлиқ деганинг, анови сочлари хурпайган синглиси билан юрадиган гадой болами?

— Ҳа, худди ўша. Айтмоқчи, сиз йўқлигингизда, — деб хизматкор кейинги бир ой ичида овулда юз берган янгиликларни оқизмай-томизмай, шоша-пиша ҳикоя қилиб берди.

Ҳелвет лоқайдлик билан отдан тушди.

Хизматкор отни боғлаётди яна ўша иккита нуқтага қаради. Нега қимирламайди, ўшаларми ё бошқа нарса, мирзасини алдаган бўлмасин тагин? Алдаган бўлса, кечирим сўраши керак.

Кўлини пешонасига қилиб, яна узоқ тикилди. Ўшалар. Кўллари қимирляпти.

Улар чиндан ҳам Маманлар эди...

Сўнгги воқеадан кейин хон Маманни чақиртирмади. Ҳамиша уйда бўлди. Зерикди. Отасининг Хоразмга кета

туриб қилган битта насиҳати ёдига тушди: «Туғилиб ўсган ерингнинг паст-баландини билиб қўйган яхши». Бугун эрта билан отланди. Омонлиқни ҳам олиб кетди.

Мана ҳозир улар тоғ бошидан пастликка қараб туришибди.

Дадаввал овулнинг қибласидаги якка эман кўзга ташланди.

— Уни қара, Маман оға, суянчиғи, бошпанаси йўқ ёлғиз қоровулнинг ўзгинаси, — деди Омонлиқ.

Маман кулди.

— Ҳой, ақли йигит, овулга қара.

Иккови от устида чўзилиб овулга назар ташлади.

— Пастдаги овул худди синиқ қозон тагига ёпишган бўтқанинг қирмочига ўхшайди, — деди Омонлиқ.

Маман яна кулди.

Овул орқасида икки кишининг бабақ хўроздай уришишаётганига кўзи тушди.

— Кўриб турибман, танийман ҳам. Иккаласи ҳам кекса. Қўшнилари. Икки уйнинг оралиғидаги товуқ каттагидек жойни деб уришишгани-уришишган. Бугун ҳам ўшанга уришаётган бўлса керак. Илгари ҳам қўни-қўшниларга роса томоша кўрсатишган.

— Одам ерга қачон тўйиб, қачон тинчир экан-а?

— Балки ҳеч қачон тўймас, — деди Омонлиқ.

Уйлар орасида уруш-уруш ўйнаб, бир-бирларини асир олиб югуриб юрган болалар, шарқ томонда бир қўранинг эшигига суяниб, қучоқлашиб турган аёл билан эркак кўринди.

— Анавиларни танийсанми? — деди Маман.

— Тахминан, биламан, улар ошиқ-маъшуқ эмас, ўйнашлар.

— Кўйсанг-чи бу гапингни, қиз билан йигит дегин.

Омонлиқ тортишиб ўтирмади.

Улар овулнинг кун ботиш тарафига назар ташлашди. Бир отлиқ олдидаги икки пиёдани узун калтак билан савалаб, овулга кириб келяпти. Маман бу воқеанинг сабабини тушунолмай турган эди.

— Ўғирлик қилган шўрликлар бўлса керак, — деди Омонлиқ.

— Ундай бўлса, ураверсин. Эманнинг тагига қара, ҳозиргина ҳеч ким йўқ эди-ку, — деди Маман. Омонлиқ ҳам ўша томонга қаради. Эманнинг тагига ҳар тарафдан яланг оёқ, яланг бош, оч-ориқлар келаётган эди.

— Булар Жалойирнинг етимлари. Ҳамиша мана шу вақтда тўпланиб, топган-тутганларини шу ерда баҳам

кўришади. Кейин ким қайси овулга тиланчилик қилиб боришини маслаҳатлашишади.

— Шайхимизнинг ўтови олдида турган отлиқ ким?

— Ким бўлса ҳам ингичка одам экан. Шайхнинг катта ўғли Ҳелвет шайхга ўхшаяпти.

— Юқоридан қараган кишига ҳамма ёқ аниқ кўринар экан. Омонлиқ, ҳаммасини томоша қилиб бўлмайди, юр, кетдик.

— Менинг ҳам юқоридан туриб биринчи томоша қилишим. Дунёнинг тагига етиб бўлмас экан... Майли, кетдик.

Улар кун ботишга қараб бурилишди. Икки чақиримча юрмасданоқ «Вой-дод, ёрдам беринглар, қутқаринглар!» деб қичқирган аянчли овоз эшитилди. Иккови ҳам чидамай, отларининг сағрисига устма-уст қамчи босди. Гижинглаб турган ғунонлар бирпасда товуш чиққан ерга етказиб келди.

Оёқ-қўли таёғига қўшиб орқасига боғланган бир одам юзтубан ётарди. Омонлиқ отдан туша солиб, унинг юзини юқорига қаратди: юз-қўзи тупроққа қоришиб, бурнидан қон оқаётган бир қария.

— Чироқларим, чўчиманглар! Жалойир овулининг подачиси эдим. Молларимни икки қора отлиқ ҳайдаб кетди. Ҳов анави тарафга, — деб қария орқа томонга ишора қилди.

Улар қария кўрсатган томонга елдай учиб кетишди. Талончилар ҳали унчалик олис кетмаган экан, узоқда чанг кўринди. Маманлар зум ўтмай уларга етиб олишди. Қирқдан ортиқ сигирни икки отлиқ ҳайдаб кетяпти. Унча шошилишмайди ҳам. Буларни кўриб, қочиш ўрнига ўдағайлашди. Маманлар ҳам кўрқишмади. Бостириб бораверишди. Таловчиларнинг иккаласи ҳам бетларини қора тери билан ўраб, қора телпак кийиб олган. Ҳатто қиличларининг ғилофи ҳам, сопи ҳам қора. Отлари ҳам худди куйган ёғоч кўмирдай қоп-қора. Ҳовлиқишмайди ҳам. Ўсиқ қора қошлари тагида йилтиллаб турган кўзлари Маманларнинг отида.

— Отинг йўргами ё лўкки, — деб сўради улардан бири.

— Йўрға деса ҳам бўлади, лўкки деса ҳам, — деб жавоб берди Маман.

— Ўйнашма, бола!

— Биз ўйнашиб юрган болалар эмасмиз, молларни қайтариб олиб кетгани келяпмиз.

— Ҳа, гапингга қараганда довьюрак йигитга ўхшайсан, сен Маман эмасмисан?

— Ҳа...

— Бизларни ким деб ўйлаяпсан? — деди яна бояги таловчи.

— Сизлар осмоннинг устунини йиқитаман, деб юрган худо безориларсиз, — деди Маман.

Таловчилар хахолаб кулиб юборишди.

— Нима дединг, нима дединг? Жонинг керак эмасми сенга? Қани, отларингни буринглар-чи. Бурмайсизларми? Мол керакми? Унда иккитадан сигир олиб қолинглар. Биз подачиларингга ўхшаган қизғанчиқ, очкўз эмасмиз. Кетимиздан итга ўхшаб эргашаверганига оёқ-қўлини боғлаб кетган эдик. Бориб оёқ-қўлини бўшатинглар. Ўзиям ўлгудай йиғлоқи чол экан. Йиғлагани-йиғлаган, — деб улардан бири Маманга яқинлашиб келаверди.

— Тўхта. Отдан туш! Сизлар тўккан кўзёшларга ернинг устунини ҳам бардош бера олмайди, — деди Маман пинагини бузмай.

— Ия, шу ҳам гап бўлди-ю. Ўша йиғлоқи чол ҳазрати хизрми?

— Йўқ, ахир тушунсангиз-чи, — деди Маман. — Ерга кўп оғирлик тушмаслиги керак.

— Ундан бўлса, ўша қария оғирлик қияптими? Мен уни бир қўлим билан боғлаб кетдим, — деди шошилиб.

— Оғирлиги ўзида эмас, кўзида. Билиб қўйинг, дунёда одам кўзидан оққан ёшдан оғир нарса йўқ. Ернинг юкини оғир қилаверманг, ахир.

Талончилар от устига танғилган ўликдай, бир зум индамай туришди-да, кейин, бирдан отларини буриб, қамчи босишди.

Уларнинг узоқда от чоптириб кетишларини кўриб турган Омонлиқ:

— Гапнинг мағзини чақишди шекилли, — деди.

— Қайдам, — деб Маман молларни кетига қайтармоқчи бўлиб турган эди, кўзи узоқда келаётган ўн чоғлик отлиққа тушди. Булар шикорга чиқиб кетаётган Ғойибхон, Мурод шайх ва бошқалар эди. Маман билан Омонлиқ молларни қайтариб тўплашгунча, бир кўра ит билан овчилар ҳам етиб келиб қолишди.

— Бу қанақа мол? — деб сўради Ғойибхон.

— Жалойирликларнинг моллари экан, хон олий ҳазратлари. Икки ўғридан олиб қолдик, — деди Маман.

Гойибхон шарақлаб кулди.

— Қадамларинг хайрли бўпти, ҳайдаб олиб бориб беринглар. Эсим бийга айтиб кўйинглар, подачиларни забардаст йигитлардан кўйсин.

— Тўғри, болаларим, хон олий ҳазратлари тўғри айтдилар, — деди шайх. — Мол деган нарса элнинг ташвиши. Шунақа узоқ ерда боқтиргунча, овул атрофида боқтирсин. Айтмоқчи, Маман, уйдан қачон чиққан эдинг? Ҳелветни кўрдингми?

— Шайх ҳазратлари, бояги гап ёдингиздан чиқмасин. Орь кўрғонига олиб борадиган қаролларга бош қилиб шуни юборамиз, — деди хон ияги билан Маманга ишора қилиб.

Орь кўрғони қурилиши чўзилиб кетгани учун Кичик юз уруғи одам кучи юбориши керак экан. Вақтинча Абулхайрнинг ўрнига ўғли қорақалпоқлар элик киши берсин, деб айтиб юборибди. Бу хабарни бугун азонда Орь кўрғонидан келган Гойибхоннинг катта ўғли Убайдулла султон олиб келибди. Катта хоннинг буйруғига қулоқ қоқиб бўлмади. Қорақалпоқларнинг бир бийи ўша элик одамга бош бўлиб, Орь кўрғонига кетиши керак. Кўрғон битгунча бошида бўлади. Бу ишга Гойибхон Маманни маъкул кўрибди. Мурод шайх хондан орқада қолиб шуларни тушунтирди.

— Хўп, — деди Маман қисқа қилиб.

Улар молларни ҳайдаб келиб подачига топширишди-да, хон билан шайх тайинлаган гапларни айтиб, зудлик билан орқага қайтиб кетишди. Бир томонда Сирдарё оқади, бир томонда Айғара бийнинг овули.

Яйловлардан ўтиб далаларни орқада қолдириб, кун қиёмдан оға бошлаганда қозоқ овулига яқинлашишди. Овулнинг тўрт тарафи яланглик бўлиб, ўтроқлашган экан. Қибла томони гулзорга ўхшайди. Кўз илғамас кенг далада отнинг ўмровидан келадиган ёввойи гуллар очилиб ётибди. Бу манзара йигитларнинг кўнглини очиб, ширин хаёллар оғушига бошлади.

— Мана шу гуллар орасида бир қиз учраб қолса, нима қилар эдинг? — деб қолди тўсатдан Маман.

Омонлик юзи қизил гулдай қизариб, оқ гул гунчасидай тишларини кўрсатиб кулди.

— Нега куласан?

— Мен ҳали биронта қиз билан учрашганим йўқ.

— Айғара бийнинг гулдай қизи бор деб эшитган эдим.

— Мен дала гулини яхши кўраман.

— Сабаб?

— Дала гули дунёда энг мусаффо, бегубор гул. Қуёш нурида шундай ярақлайди, узиб олгани кўзинг қиймайди.

— Унақа гулни мен ҳам яхши кўраман.

— Унда Айғара бийнинг қизи дала гулидай ярқ этиб олдимиздан чиқиб қолса, нима қиламиз?

Маман кулди.

Иккови ўз гапларидан ўзлари маст бўлиб кетишаётганда узоқдан қизил кўйлаги ўтдай ловиллаб биров кўринди. Иккови ҳам кўлини пешонасига қўйиб, «чиндан ҳам дала гули экан» дейишди-да, отларига қамчи босишди.

Қизил кўйлакли қиз чиндан ҳам Айғара бийнинг қизи эди. Кўлида тезак соладиган қопи бўлгани учун иккалови ҳам танимади. Салобати босдими, ҳеч қайсиси гап бошлай олмади. Омонлиқ қизнинг кўзини шамғалат қилиб, Маманга: «Бир нарса де, тилинг борми», деб ишора қилди. Қиз йигитларнинг довдираб қолишганини пайқади-да, тезак териб нарига кетди. Булар бўлса на кетидан юришларини, на қолишларини биларди.

Омонлиқ чидолмади.

— Ҳей қиз, Айғара бийнинг овули қайси? — деб сўради ундан.

— Мана шу овул.

Иккаласи узангига тиралиб рўпарадаги қатор-қатор қора уйлар билан тўп-тўп қўшларга, улар орасида уйма-уй югуриб юрган тиланчиларга, ҳар ер-ҳар ерда икки-учтадан бўлиб жанжаллашаётган болаларга қараган бўлиб, қиздан кўзларини узишолмасди.

— Исминг нима, қариндош? — деб сўради Омонлиқ қиз томонга ўгирилиб.

Қиз бир зум уялинқираб турди-да.

— Оқбийдай, — деди.

— Уйингга борсак чанқоқбости берасанми?

Қиз яна бир зум ерга қараб туриб:

— Қозоқларда чанқоқбости бермайдиган уй бўлмайди, ичарсизлар, — деди. — Агар тортинаётган бўлсаларинг, анови бизнинг уйимизга бора қолинглар, — деб катта оқ ўтовни кўрсатди.

Маман ҳам, Омонлиқ ҳам қизга «бирга бора қолайлик», дея олмади. Қиз ўз йўлида давом этди. Булар овул томон йўл олишди.

— Буларнинг хони адабимизни берса ҳам гина-кудуратимиз йўқ. Бу овул азоб берадиган бўлса, жаҳлимиз чиқиб бориб бўшатадиган тутқинларимиз қани? — деди Маман.

Бу қочириқ гапга Омонлиқ завқ билан кулди.

— Қани, рамазон айтиб бораверайлик-чи. Тиланчилик қилиб кўп келганмиз. Қиз кўрсатган ўтов Айғара бийники.

Соқоли қора, бурни ялпоқ, қошлари ўсиқ, икки юзи қип-қизил Айғара бийнинг катта-катта кўзлари ҳали чақнаб турарди, у эшиги олдида қундуз қалпоғини олиб, бошини қашиб турганди. Афтидан, хаёл суриб турганга ўхшайди, қўли қимирламайди.

Тўғрисида келаётган қўш отликни кўриб, қалпоғини кийди-да, уларнинг истиқболига юрди.

Йигитлар бийдан олдин салом беришди. Айғара бий йигитлар саломига алик олиб, иккаласининг отини икки қўли билан етаклаб, уйи томонга бошлади.

Маман бу одамнинг меҳмондўстлиги, меҳмонни узоқдан кутиб олиши, ҳатто овул ичидан ўтиб келаётган нотаниш одамни ҳам бошлаб келиб, лоақал чанқоқбос ти ичириб юбориши тўғрисида кўп эшитган эди. Маман от етаклаб кетаётган бийнинг куёшда қорайган елкасини Омонлиққа имлаб кўрсатиб: «Кўрдингми, от етаклатдиг-а», дегандай, мағрурланиб кўз қисиб қўйди. Айғара бийнинг эшигига яқинлашишга ботинолмай, ташқаридан садақа сўраб юрган Омонлиқ энди ўша одамга отини етаклатиб кетаётганига хижолат бўлди шекилли, қора терга ботиб кетди. Маман буни кўриб, «сир бой берма», дегандай лабини тишлаб қўйди.

Меҳмонлар катта ўтовга тушириди. Бу ўтов ўчоғига тутайдиган ўт ёқилмай, фақат тезак қалаб қўйилар экан. Ўтовнинг керага, увуқлари ва чанғараги лолодай қип-қизил, шолча тасмалари сариқ, устига ёпилган кигизлари қордай оппоқ, сиртидан ўраб боғланган боғичлари яп-янги.

Айғара бий йигитлар билан ўтириб, ҳол-аҳвол сўради. Ҳазрат ботирнинг Хоразмга кетганидан хабари бор экан. Мурод шайх билан бошқа бийларнинг ҳам ҳол-аҳволи, соғлиғини суриштириб бўлиб, ташқарига чиқиб кетди. Унинг ўрнига бояги дала гули Оқбийдай пайдо бўлди. Йигитлар ўзаро имлашди: «Қизи билан далада гаплашганимизни, қизининг ишораси билан келганимизни эшигининг олдида туриб кўрган. Ақлли одам экан».

Оқбийдай қимиз қуя бошлади. Бу вазият йигитларни ҳам терлатиб, ҳам руҳларини кўтариб юборди. Боя далада кўришганда қиз шамолда сал чанг теккан лолага ўхшарди. Ҳозир эса қимиз қуйиб ўтириб, ташқи оламдан беҳабар, бирданига очилиб кетган лоладай ёниб турарди. Бошидаги кундуз гардишли қизил бахмал телпагининг акси уриб, сугга чайиб олгандай оппоқ юзи қизариб кетди. Унг юзидаги кулдиргичи, шаҳло кўзларига маҳлиё бўлиб қолишганди. Ҳаттоки бир-бирларини ҳам унутиб қўйишганди.

Кечқурун ўтовга бир тўда йигит кирди. Ҳаммаси Маманларнинг тенгқурлари. Айғара бий уларни бир-бирлари билан таништирди. Ҳўкиз сўйдириб меҳмон қилди.

Йигитлар ҳам худди Айғара бийнинг ўзига ўхшашар экан. Илми ғойибдан гапиришмайди. Очиқ кўнгил, меҳмондўст йигитлар экан. Эрталаб Маманларга «кетманглар» деб ёпишиб олишди.

Маман яна бир оз қолмоқчи эди-ю, бироқ Орь қўрғонига жўнаш ҳақидаги хоннинг буйруғи бор эди. Ялина-ёлбора йўлга тушди.

Оқшом бирга ўтиришган йигитларнинг бошлиғи Айғара бийнинг жунғорлар билан бўлган урушда қазо қилган акасидан қолган яккаю ёлғиз ўгли Мирзабек исмли мирза эди. Мирзабек мирза уч йигити билан икки отни икки киши-икки киши бўлиб жиловидан олишдида, Маманларни овулдан анча ергача кузатишиб чиқишди.

— Еримиз, қуёшимиз, шамолимиз бир, шунинг учун башарамиз ҳам, тилимиз ҳам бир, ҳатто ёшимиз ҳам бир экан, Маман. Келиб туринглар, — деб хайрлашди.

Маманлар ҳали ҳеч кимни бундай иззат-икром қилишмаган, ўзлари ҳам бунчалик иззат-хурмат кўришмаган эди. Ибрат олса арзийдиган бу хурматдан гангиб қолишди.

— Омонлиқ, нималарни пайқадинг? — деб сўради йўлда Маман.

— Таърифлашга тилим ожиз, оға. Бироқ Абулхайрхон овули билан бу овул ўртасида ер билан осмонча фарқ бор экан, шунини пайқадим, — деди Омонлиқ қойил қолганидан ҳар сўзини чертиб.

— Омонлиқ, мен Оқбийдайни яхши кўриб қолдим. Сен бунга нима дейсан?

Фурурли, ўктам ёш бий бу гапни биринчи марта айтгани учун, Омонлиқ нима дейишини билмай, ҳай-

рон бўлиб қолди. Нега десангиз, ўзи ҳам шу хаёл билан келаётган эди.

Маман Омонлиқ тезда жавоб бера олмаганлиги учун тегажаклик қилди.

— Омонлиқ, дард тилга урса — сўз, кўзга урса — ёш бўлиб чиқишини эшитган эдим. Дард ичига урса, тилни боғлаб кўйишини энди билдим, — деди.

— Мени кечиринг, бий оға. Хом сут эмган банда баъзан хом хаёлларга ҳам берилиб кетар экан. Қозоқнинг бир доласи қорақалпоқларнинг катта бир ўтовига жиға бўлса хурсанд бўлардим.

Овулга яқинлашганидан кейин, Маман, ўзим чақиртиргунимча дамингни олавер, деб Омонлиққа жавоб бериб юборди.

* * *

Беғам, беташвиш дам оладиган кунлар узоққа чўзилмади.

Ғойибхон барча уруғдан қирқ саккизта одам тўплади, Маман билан Омонлиқни кўшиб элликта қилдида, Маман бий бошчилигида Орь кўрғонига ишга жўнатди.

10

Кўнғирот уруғининг жойлашган ери Янгикентдаги отлиққа бир кунлик йўл, қибла томонда. Оролга яқин. Кунботари денгиз, қолган уч томони эса қуруқлик. Узоқда паст-баланд барханлар, туя ўрқачидай ясси тоғлар, кўз илғамас далалар, ўт-ўланларга бой яйловлар.

Овуллар ҳар жой-ҳар жойга тўп-тўп бўлиб жойлашган. Ҳар қайсисининг ораси бир от чоптирим, баъзилари бир кунлик йўл келади. Ҳар тўп овул катта кўнғирот уруғининг бир қисми. Бироқ ҳаммалари бир-бирлари билан тотув яшашади. Тўй-маъракалари, хайр-худоилари бир-бирларининг иштирокисиз ўтмайди. Бир овулда содир бўлган воқеа иккинчи овулга шамолдан тез етиб боради. Бош бий Ирисқул бийнинг овули шундоққина ўртада. Бу ерни бийнинг ўзи танлаган. Кўчиб келишганда бошқа овулларга жой кўрсатиб, ўртага ўзи ўтов тиктирган эди.

Барча бийлар, оқсоқоллар бирон томондан қайтиб келишаётган бўлишса, аввал Ирисқул бийнинг уйига тушиб, айрон-чалоб ичишар, нафасларини бир оз

ростлаб олиб, кейин деҳқон кафтидан сочилган дондек ҳар томонга тарқаб кетишар эди. Бу сафар ораларида гап қочиб қолди. Мурод шайх овулидан зардаси қайнаб чиққан бийлар уруғларининг манзилгоҳига яқинлашгунча индамай келишди. Энг чеккадаги овул Жондўс бийнинг овули эди. Овулга яқинлашганда бий отнинг жиловини тортди. У билан бирга беш-олти отлик ҳам ўтай жўжалардай, икки-учтадан бўлиб бўлинишди. Ирискул бий уларни зимдан кузатиб келаётган бўлса ҳам, индамади. Оппоқ соқоли кўксига тушган пакана киши қўнғир қашқасининг юганини тортиб, жаҳл билан қичқирди:

— Жондўс бий, қайт орқанга!

Орадаги сукунатни бузган бу қаттиқ овозга ҳамма тўхтади. Жондўс бийлар ҳам тўхтади.

— Суюндиқ бий, бўйинг чилим қовоқдай бўлгани билан овозинг бунчалик ўткир эканини ҳозир билдим, — деди Жондўс бий отнинг бошини бураркан чақчайиб.

Пакана, йўғон, овози дўриллаган Суюндиқ бий бекордан-бекорга қизишаверадиған одамлардан эмасди. Бировдан бирон оғиз қаттиқ сўз эшитганини ҳатто иниси Соғиндиқ баҳодир ҳам кўрмаган эди. Ҳозир чи-долмади, қизишиб кетди. Отини Жондўс бий томонга буриб, сағрисига қамчи босди, бироқ кўпчилик уни ўртадан чиқармади.

Бойкўчқор бий Ирискул бийнинг юзига қаради-ю, ўзини аранг босиб турганини кўрди, Эсенгелди томонга «қимирлама» дегандай ишора қилиб, қамчисини силкитди.

— Бир оз сабр қилинглар-чи! — деди Ирискул бий.

Бийлар қўрага қамалган бир сурув қўйдаи, бир-бирларига тиралиб тўпланишди.

Жондўс бий энг атоқли бийлардан. Ўзи бир оз ўжар, ўйламай иш тутадиган одам бўлса ҳам кўпчилик унинг гапига қулоқ солади.

Ирискул бий олдинга чиқди.

— Жондўс бийнинг муддаосини эшитайлик! Айтсин!

— Муддаони йўлда айтдим. Тўғриси айтдим. Ўзимнинг Ажигелди, Хўжагелди, Султонгелдидай ўғилларимни қаторга қўшиш учун айтганим йўқ, қўнғирот уруғининг ор-номуси деб айтдим. Ирискул хоннинг меҳри тушган Эсенгелди учун айтдим. Душман омон қолди. Энди ё ўша Маман ўлади, ё Эсенгелди ўлади.

Шуни яхши билиб қўйинглар! Борди-ю, Эсенгелдини ўлдиришса, унда ёбилар қолган қўнғирот болаларининг оёғига ип боғлаб ўйнашади. Сотиб юборишади. Шуни яхши билиб қўйинглар!

Жондўс бий камгап одамлардан эди. Ирискул бийнинг юзига сира тик қарамасди. Унинг ҳозир жиғибийрон бўлиб гапирган гаплари ҳаммани ташвишга солиб, ўйлатиб қўйди. Ҳатто Ирискул бийнинг ҳам боши айланиб қолди. Гапнинг охирини эшитмаслик учун икки қулоғини беркитиб олди.

Эсенгелдининг юзлари бўздай оқариб, кўзлари ўйнарди, лаблари пир-пир учарди.

Бу ерда тураверишнинг фойдаси йўқ. Ҳозир мияларига бирон оқилона фикр келиши қийин. Шунинг учун Ирискул бий «Жондўс бий қолаверсин» дегандай қўл силтади.

— Суюндик, Соғиндик, Азнабой, Худойберген... юринглар, — деб ноилож ўзига энг яқинларининг номларини атаб, отини бурди. Номни айтилган бийлар, ясовулларга қўшилгиси келганлар индамай уларнинг кетларидан эргашишди.

Жондўс бийнинг аввалги беш-олти отлиғи эмас, бошқа ўнлаб отлиқ тўпланди, Бойқўчқор бий ҳам имирлаб қолди.

Жондўс бий овулига келгандан кейин дўпписини ерга қўйиб, ўйлаб кўрди. «Анча қизишиб кетганга ўхшайман. Ётиб, дам олай. Жаҳлимдан тушсам, Ирискул бийнинг ҳузурига бориб кечирим сўрарман».

Бой чиндан ҳам ғазабланган эди, осонликча фикридан қайтмади... Бир куни жиловдор ясовулини олди-га чақириб:

— Ўн-ўн бешта етим топиб кел! — деб буюрди.

Бой сабабини тушунтирмади, ясовулнинг ўзи сўрашга ботина олмади.

Етимларни топиш, уларни тўплаб келишдан осон иш бор эканми. Ясовул кечга томон бир тўда ярим яланғоч болаларни отининг олдига солиб, шатиллатиб қувиб келди. Бой илгари сира қилмаган ишини қилиб, болаларни бир ўтовга бошлаб кирди. Қўй сўйиб, меҳмон қилди.

Жондўс бийнинг бир одати бор эди: эшигига тиланчилик қилиб келган етимга бир бурда нон бердирадиган бўлса, бу нон кимнинг нони, қайси уруғнинг нони эканлигини писанда қилиб, шуларни такрорлатиб, фотиҳа қилдирадди. Бу сафар у тезроқ мақсадга кўчди.

— Болалар, етимлик, камбағаллик, бойлик худонинг иши. Лекин уруғимизнинг номуси ҳамманинг иши...

Жондўс бийнинг шундан кейинги гапи, қўнғирот уруғининг «тарихи»га қаратилди. Унинг гапига қараганда, қўнғирот уруғи қорақалпоқларнинг энг эътиборли уруғи. Уруғ аъзолари номига сира доғ туширмаган, курашда кураги ерга тегмаган, енгилмаган, фақат шу сўнги йиллардагина бир оз қўли паст келиб, етимесирлари кўпайиб қолган. Бунга ёби уруғи сабабчи эмиш... У Ирисқул бийнинг номини, икки уруғ ўртасида пайдо бўлган гина-кудуратни тилга олмасдан ҳам болаларни ёби уруғининг душманлигига, агар уларнинг Маманлари ўлдирилмаса, қўнғирот етимларига кун йўқлигига ишонтиришга ҳаракат қилди.

Афт-башараси кир, ўсиқ сочлари ҳурпайган, қошлари қора, кўзлари қаърига тортган, ёноқлари чиққан, бурни танқа, кулча юзли бола бошини кўтарди-да, шерикларига қараб:

— Тушундинларми? Мен сизларга айтувдим-ку, — деди.

— Тушундик. Айтувдинг, — дейишди шериклари чувиллашиб.

Жондўс бий тушунолмай қолди. Биринчи гапирган боланинг исмини сўраб олди, бу етимларнинг жўрабошиси Элмурод деган бола экан.

— Нимани тушундиларинг? Сен нима деган эдинг? — деб сўради Жондўс бий.

— Ёбиларнинг овулига борганимизда уларнинг Оллоёр деган еtimi «ўз овулларингда тиланчилик қилаверларинг, бизнинг насибамизга шерик бўлмаларинг», деб бизни қувиб юборган эди. Маманнинг Омонлиқни отга мингизишидан бир мақсади бор экан-да, — деди Элмурод.

— Ана, кўрдиларингми! Улар ўзи асли урушқоқ. Сизлар-чи? Майли, бу ёғи билан ишларинг бўлмасин. Ўша Маманни ўлдириб келсаларинг, яна қўй сўйиб, зиёфат қиламан.

Элмурод шериклари билан бирга бойнинг илтимосини бажо келтиришга ваъда берди.

Улар ҳали тарқалишиб улгурмаёқ, Ғойибхоннинг бир ясовули келиб, Ирисқул бийнинг талабига биноан Орь қўрғонида ишлаш учун битта одам бериши лозимлигини хабар қилди.

Бий аввалига тушунмай, у ёқ-бу ёқни суриштириб, Орь қўрғонига Маман кетаётганини эшитиб, хурсанд

бўлди. «Хон одамларни яхши танлабди, энди Орь кўрғонидан Маманнинг ўлиги қайтиши керак».

У шундай хаёл билан овул номидан Элмуродни йўлга тайёрлади.

* * *

Катта кўнғирот уруғининг бир устунни Жондўс бийнинг шум ниятини бошқа кўнғиротликлар билдими, йўқми, бу номаълум.

Баҳорга яқин Ғойибхоннинг ўша ясовули яна келиб:

— Элнинг атоқли бийлари билан бирга Орь кўрғонига таклиф қилиндингиз, Жондўс бий, — деб шошилинч хабар қилиб кетди.

11

Баҳор келиб, қиш қаҳридан тушгани билан, бирига осонликча ўрин бермасди. Гоҳ қор, гоҳ ёмғир ёғади, кўёш чарақлаб чиққан булутсиз кунлар эса тоғдан сел келади, сал салқин тушса, яна бояги-боягидай, ҳамма ёқ музлайди.

Овулларга баҳор келиб қолганини кўрган қорақалпоқ бийлари Обь дарёси ёқалаб, чақиртирилган манзилга етиб боргунларича мана шу мавсум алмашинувининг гувоҳи бўлишди.

Кўрғонга бир чақиримча қолганда элининг Мурод шайх бошчилигида келаётган бийларини Маман кучоқ очиб кутиб олди. Маман бир оз озган бўлса ҳам бўйи анча чўзилиб, елкалари кенгайиб, девқомат йигит бўлиб қолибди. Бошида қорақўлдан тикилган қалпоққа ўхшаш қишлоқ телпак, устига русча қатор тутмалик камзул топиб кийиб олибди. Жуда салобатли кўринади. У билан фақат Жондўс бийгина совуққина саломлашиб, совуққина кўришди. Аслида унга шундай туюлган бўлса керак. Аксинча, Маманнинг бийларга, бойларга муносабатида ҳеч қанча сохталик сезилмади. Фақат Омонлиққина Жондўс бий билан совуққина саломлашди, бийларнинг ўзлари ҳам унга унчалик рўйхуш беришмади. Жондўс бийнинг кўнғилидаги кек ёзилмади. Қорақалпоқ бийларига ажратилган жойга киришгандан кейин ҳам Жондўс бий ҳар хил хаёлга борди-ю, лекин ҳеч кимдан ҳеч нарса ни сўролмади.

Қорақалпоқ бошлиқларини Ғойибхоннинг бош ясовули Пўлат бошлаб келган эди. Пўлат ясовул ҳам елкаларига одам ўтиргудек кенг, бақувват, ҳар билагини унча-мунча одамнинг сонидан қолишмайдиган полвон, бураб қўйган мўйловлари кулоқларигача етган барваста йигит эди. Қовоқ бош Ғойибхон келган йили қорақалпоқ овулларини айланиб юриб, худди шу йигитни бош ясовулликка танлаб олганди. Пўлат ясовулнинг ёши ҳозир қирқнинг нари-берисиди. Ғойибхон бир оз тобим қочиб турибди деганида, улуғларнинг ўзлари, Пўлат ясовулга рухсат берсангиз, ўзи бош бўлиб олиб борса, деб илтимос қилишди.

— Ўзимизнинг бошқа йигитларимиз қани? — деб сўради Пўлат ясовул.

— Қайтариб юборишди. Уч куннинг ичида қайтариб юборишди. Абулхайрхоннинг буйруғи билан қайтариб юборишди, — деди Маман.

Улар касал-пасал, ярадор бўлгани йўқми, йўл озиқлари етарлими, деб ҳеч ким қизиқмади.

— Нима гап ўзи? Чақиришганига шошиб қолдик, — деди Мурод шайх.

— Кўрғон битганига бағишлаб зиёфат берилмоқчи экан. Абулхайр хоннинг келишини кутишяпти.

— Ҳали келгани йўқми? — деди Пўлат ясовул чўрт-кесарлик билан.

— Келди. Уч кун бўлди келганига. Бу ерда уни зўр иззат-икром билан кутиб олишди.

— Ўзиям худо ярлақанга одам экан-да, — деб унинг гапини бўлди Пўлат ясовул. — Ўзи Хоразмдан хонлик тахтидан воз кечиб қайтибди, деб эшитган эдик, яқинда катта ўғли Нурали Султонни Хоразмга хонлик қил, деб жўнатган эмиш.

Омонлик чой олиб келди. Маман меҳмонларнинг олдиларига чойнак қўя туриб:

— Ҳаммаси яхши бўлибди, — деди. — Энди зиёфатга турмай қайтиб кетмоқчи. Қорақалпоқ бийлари қатнашадиган бўлса, мен қатнашмайман, деб ўжарлик қилаётганга ўхшайди. Шунча ердан овора бўлиб келганларингни чиппакака чиқармоқчи.

Бийлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди. Жондўс бийнинг икки кўзи Маманни ейман, дерди. Унинг нўғойи ёқалик оқ кўйлагининг садаф тугмаларидан бошлаб кийим танлашигача ҳасад қилибми, кўрққаниданми ҳар бир хатти-ҳаракатини синчковлик билан кузатар, бировнинг олдига пиёла қўйса ҳам, қа-

риялар олдига нонни суриб қўйса ҳам, печка ёқса ҳам ундан сира кўзини узмас эди.

Қари бий Маманнинг барча хатти-ҳаракатларини ўқрайиб кузатиб ўтиришидан Ирискул бий бирон нарсани гумонсирадими, ё гуноҳ деб ҳисобладими, тирсаги билан туртиб, «чойингни ич», деди-да, пиёласини яқинроқ суриб қўйди.

Абулхайрхоннинг менсимаганини эшитган бийлар хафа бўлиб кетишганидан, ҳатто чарчаганларини ҳам унутишди. Оғзи бўшроқлари хонни орқасидан роса сўкишди, баъзилари меҳнатда халқ қатори, иззатда қул қатори эканликларини айтиб, ўзаро гинахонлик қилишди. Ақллилари ўзларини айблашди.

Маман хизматда бўлди-ю, уларнинг гапларига аралашмади.

Шайх билан бийлар маслаҳатлашиб Абулхайрхонга вакил юборишга қарор қилишди. Вакилликка тўрт кишини белгилашди: Мурод шайх, Пўлат ясовул, Ирискул бий, Маман борадиган бўлишди.

Хон тушган ўтов эшигида қоровулликда турган одам бир зумда ичкарига кириб чиқиб, хоннинг ҳозир қабул қилишга вақти йўқлигини, агар ишлари жуда зарур бўлса, ўлимга оид иш бўлса, фақат бир киши кириб чиқиши мумкин эканлигини хабар қилди. Улуғлар ичкарига киришга юраклари бетламай, Пўлат ясовулни киргизишиб, ўзлари ташқарида қолишди. Абулхайрхон бир ерга кетишга ҳозирлик кўраётган экан. У эшикка орқасини ўтириб, гули ғалати тўнининг энгини кия туриб, Пўлат ясовул томонга ўгирилмасдан, йўл бўлсин, деб сўради ва гапини қисқа қилиб айтишини талаб этди. Пўлат ясовул ёши улуғларнинг илтимосини айтди.

— Мен бор ерда одамларингиз қатнашиши шарт эмас. Катта эшикдан номаълум одамнинг тушмуғи кўринса, айб бўлади, — деди хон.

— Номаълум одамнинг тумшуғи деганингиз нимаси? — деб сўради Пўлат ясовул ҳайрон бўлиб.

— Сизлар-чи? Сизларни ким танийди?

— Бизни ким танимас экан, хон ҳазрати олийлари?

— Бас қил! Юртга бемаъни гапларингни эртақ қилиб ўтирмайман.

— «Қорақалпоқлар қани?» деб сўраб қолишса, хижолат тортмайсизми, хон олий ҳазратлари?

— Кўппакларнинг йиғилиб олиб, алланималар деб акиллашганларига сен ҳам қўшилишиб қизишмай кўя

қол, този! Сизларни сўрайдиганларга жавобим тайин, қорақалпоқ дегани қозоқнинг сояси, холос, дейман.

— Хон олий ҳазратлари! Биз ҳам ўз наздимизда бир халқмиз!

— Халқмиз, ҳа-ҳа! Биласанми, бир подшоҳнинг минглаб қора молига ўнтача етим кўзини кўшиб боқилгани билан у кўй боқдим, дея оладими? Деёлмайди. Мен ҳам шундайман. Қорақалпоқ деган халқ борлигига ўзим ишонмай туриб, бошқаларни қандай ишонтирай.

— Алжираманг, хон олий ҳазратлари, қорақалпоқ халқи аввал ҳам бор эди, бундан кейин ҳам бўлади! — деб ташқаридан туриб қичқирди Маман. Овоз қаердан эшитилганини билмай, хон:

— Тилинг кесилсин, итвачча, қани бу ердан чиқ, — деб баҳайбат Пўлат ясовулни кўкрагидан итариб, ташқарига чиқиб келаётган эди, эшик ёнида турган шайх билан Ирискул бий икки томонга тисарилиб, унга йўл беришди ва таъзим қилишди. Иккаласи бир овоздан:

— Улуғ хон олий ҳазратлари, бошингизга иш тушганда, ийиб кетган вақтларингизда биз бор эдик, — дейишди. Уларнинг таъзим қилиб тургани учунми, ё иложи борича мулойим гаприишгани учунми, ё бўлма-са русларга яқин ерда туришгани сабаблими, ишқилиб, хон уларни жазолаш ўрнига:

— Шайхга шақкоклик қилиш ярашмайди, — деб тўнғиллади-да, қайрилиб ҳам қарамай, йўлига равона бўлди.

Мурод шайх аламдан ўзини тутолмай, йиқилиб тушай деди. Пўлат ясовул ушлаб қолди. Уларнинг қайтишларини тоқатсизлик билан кутиб ўтирган бийлар, оқсоқоллар бу воқеани эшитиб, баттар гижинишди.

— Абулхайрхон борган сари хўкизга ўхшаб кетяпти-ми-а?

— Қорақалпоқ деган халқ йўқ, деб юрганини орқаворатдан эшитганимизда ишонмаган эдик. Тўнғизлик ҳам эви билан-да!

— Кўзини ёғ босганга ўхшайди...

— ...

Абулхайрхоннинг орқасидан шундай деб тўнғилаш-са ҳам, бийларнинг, барибир, аниқ бир қарорга келишолмасликларини бошидаёқ сезган Маман:

— Бошқа подшонинг фуқаролигига ўтишга, мустақил халқ бўлиб кўшилишга яна ариза берсак қандай бўларкин-а? — деб юборди.

Бу ерда насроний қурувчилари билан бирга юриб, уларнинг анча дуруст эканига илгаригидан ҳам кўпроқ ишонч ҳосил қилган Маман бу фикрини дарров ўртага ташлаб қўя қолганига афсусланди. «Ўзларини гапиртириш керак эди». Гумони тўғри чиқди.

— Бургага аччиқ қилиб, кўрпамизни куйдирмайлик тагин, — деди бийлардан бири.

Маман умидвор бўлиб Мурод шайхга қаради. Шайх кўнгилсизликка барҳам бермоқчи бўлгандай:

— Кўрпамизни куйдирсак ҳам уларга қўшилишимиз маъқулмикин, деб ўйлайман, — деди ўкиниб, маъюслик билан.

Маман ирғиб ўрнидан турди-да, келиб шайхнинг баридан ўпди.

— Маъкул қарорга келдингиз, шайх ота.

— Биз бундан нима ютамиз? — сўради Убайдулла бий шайхдан.

— Ҳозир аниқ айтолмайман, — деди шайх ўйла-ниб. — Бироқ бир нарса аниқ, жойдан ютамиз. Ҳеч бўлмаганда Кичик юз хони асоратидан қутуламиз. У таклиф қилинган ерга бизни ҳам таклиф қилишади. Ҳозирги кунимиз ўлмас овқат дегандай гап, на у ёқ-лик, на бу ёқлик.

Бийлар бир-бирларига қараб елка қисишди. Шайх ақдан озиб қолмадимикан, деб унинг юзига тикилишди. Шайх жаҳдан бўғилиб, оғир-оғир нафас олиб ўтирарди. Бийларнинг кўнглига келган гапни тушунди.

— Шундай, азизларим. Кўзимиз тириклигида ўзимизни хўрламайлик.

Боядан бери фиғони чиқиб ўтирган Ирискул бий гап бошлади:

— Абулхайрнинг зулмидан теримиз суягимизга ёпишди. Агар Кичик юзга тўлайдиган солиғимизни бошқа подшога бериш билан қутуладиган бўлсак, бизга ким билан олди-берди қилишнинг нима аҳамияти бор?

— Бу томонини шу ерда вакил бўлиб турган Митрий тўра билан мирза Неплюевнинг ҳузурига бориб маслаҳатлашиб кўриш керак, — деди Маман.

— Маслаҳатлашиб кўриш керак, шайх ҳазратлари. Абулхайрхондан тўйдик. Рус мирзалари билан гаплашганда, рус бандиларини озод қилиб юборганимизни ҳам айтиш керак. Маман ўз жигаримиз. Уларни мен бўшатиб юборганман деб, кўкрагига мушталамаса керак, — деди Давлатбой бий.

Маман ичида хурсанд бўлди-ю, бироқ талтайиб кетмади. Фақат «тўғри иш қилганимни энди бўйинларингга олдиларингми?» деб кўнглидан ўтказди-да, гуноҳкор одамдай бўйинини эгиб тураверди.

— Бу ёғини гапнинг боришига қараб ҳал қиламиз, — деди шайх.

Русларнинг олдига кимлар бориши хусусида узоқ тортишиб ўтиришмади. Бу сафар вакиллик уч кишига топширилди. Мурод шайх, Пўлат ясовул, Маман борадиган бўлишди...

* * *

— Улуғ мартабали подшоҳ ҳазратларининг одамлари, — деб гап бошлади шайх қабул маросими вақтида. — Сизларнинг даргоҳингизга бутун қорақалпоқ халқининг бий, оқсоқоллари номидан келдик. Бизнинг арз-ҳолимизни оқ подшоҳингизга етказсангиз, деб илтимос қиламиз. Уюридан айрилган бир тўп кўзимиз. Бизга паноҳ керак. Агар Кичик юзнинг қозоқларига кўрсатаётган марҳаматингизнинг бир қисмини бизга ҳам кўрсатсангиз, сиз учун, агар лозим бўлиб қолса, жонимизни фидо қилишга ҳам тайёр эканлигимизни айтгани келдик. Бироқ илтимосимиз шуки, бизни халқ деб, қорақалпоқ миллати деб тан оласиз. Бошқа халқлар қаторидан чиқармайсиз. Шунда худонинг хизматидан чарчамайдиган бандалари эканимизни кўрасиз.

Подшонинг шу қалъадаги яширин маслаҳатчиси мирза Неплюев билан Дмитрий Гладишевнинг ўртасида ўтирган татар тилмоч шайхнинг гапларини уларга русчалаб тушунтирди.

— Тили, дини қанақа буларнинг? — деб сўради Иван Неплюев.

Маман русча жавоб бергиси келиб, шайхдан гапириш учун рухсат олди.

— Мусулмонмиз. Тилимиз қозоқ, ўзбек, туркман, татарларникига яқин. Туркий тилда гаплашамиз.

— Ўҳў, — деди Иван Неплюев ҳайрон қолиб. — Русчани билар экан-ку.

— Абулхайрхон хафа қилдими? — деб сўради Дмитрий Гладишев.

Бу саволга Маман ўзича жавоб бермай, шайхга тушунтирди. Шайх қорақалпоқчалаб жавоб қайтарди:

— Эт кетди, суяк қолди. Номус кетди, бет қолди. Энди тегмаймиз деса ҳам, кейинги ўн йил ичида тўрт марта талади.

— Ёш бий рус тилини яхши ўрганиб олган экан. Қани айтинглар-чи, бизларга қандай яхшилик қилган-сизлар? — деди Иван Неплюев.

Маман нима дейишни билмай қолди. Саволни шайхга татар тилмоч тушунтирди. Шайхнинг рангсиз, бўзарган юзига қон тепди, қип-қизариб кетди. Аста жавоб қилди.

— Қўлимизда рус бандилари бор эди. Яқинда уларни озод қилиб юбордик.

Дмитрий Гладишев хурсанд бўлиб қўйди.

— Мирза Иван Неплюев, — деди у, — қорақалпоқлар катта миллатдан кичрайиб қолган. Боболари боболаримиз билан бир дастурхондан нон ейишган, деган гап бор. Бу гап рост бўлса керак. Биз Хоразмда буларнинг Ўразан деган ботири билан гаплашган эдик. Унинг ўзи олдимизга арз билан келган эди. Ҳаммаларининг ниятлари бир. Ўразан ботир улуғ отахонимиз Пётр Романов даврида саройга бир борганмиди, ҳозир аниқ ёдимда йўқ, хуллас, подшоҳ ҳақиқа дуо қилганди, бу халқ оҳ деса ўпкаси кўринадиган бўлиб қолган. 1731 йилда кўпчилиги аҳд қилишган. Буни айтишга тортинишаётганга ўхшайди. Агар ўзларига эркинлик берилса, резидентнинг чизган чизигидан чиқмайди.

— Абулхайрхон билан келишиб яшайверишса нима қилади? — деди Иван Неплюев.

Бу гап Маманга ёқмади, вужуди қалтираб кетди. Тилмоч тушунтиргандан кейин, шайхнинг ҳам авзойи бузилиб, нурсиз, хира кўзларига ёш келди. Пўлат ясовул бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаётган эди, аввал бошдан гапга аралашмай ўтиргани учун, яна ўзини босди, шайхни суяб қолди. Буни кўрган Дмитрий Гладишев Иван Неплюевнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Иван Неплюев узоқ ўйланиб ўтирмай:

— Дуруст, қорақалпоқлар, биз сизларнинг илтимосларингни улуғ мартабали подшоҳимиз Елизавета Петровнага етказамиз. Бироқ сизлар даставвал улуғ мартабали подшоҳимизнинг номига аҳднома ёзиб тайёрланглар. Бу ишда сизларга мирза Дмитрий Гладишев ёрдам беради, — деди.

Шайх ўрнидан туриб бориб Дмитрий Гладишев билан Иван Неплюев ўтирган стол қиррасига пешанасини босди. Маман ҳам, Пўлат ясовул ҳам шундай қилишди.

* * *

Кичик юздан келган қозоқ, қорақалпоқ бийларига ижозат берилди. Ҳаммалари овулларига қайтишди.

Қорақалпоқларга берган ваъдасига биноан Дмитрий Гладишев ҳам бирга чиқди, лекин у қорақалпоқ бийлари билан хабарлашмай, Абулхайрхон билан бирга йўлга тушди.

Аравага қўшилган отларнинг қўнғироқлари жангир-жунгир қилиб, тор йўлдан қатор тизилиб борарди. Қорақалпоқ бийларида арава бўлмаса ҳам отларнинг чўғини бузмай, иккита-иккитадан сафга тизилиб, аравлар кетидан йўлга тушишди. Бийлар ўзлари бир қатор бўлиб кетишаётганди. Мирза Иван Неплюевнинг «Абулхайрхон билан келишиб яшайверишса нима қилади?» деган гапини эшитишган қорақалпоқлар Митрий тўра Абулхайр билан ёнма-ён кетаётгани учун баттар шубҳага тушиб қолишди. Энди нима қилиш керак?

Кўрғондан бир манзилли йўлни босиб ўтишгандан кейин Абулхайрхоннинг бир ясовули бийларнинг олдидан кесиб чиқди.

— Маман бий қайси бирларинг бўласизлар? Улуғ хонимиз ҳузуримга етиб келсин, дедилар, — деди ясовул.

Мурод шайх ичидан зил кетди. «Биз алдандик. Митрий тўра иккиюзлама одам экан. Арз қилганимизни Абулхайрга айтибди. Бўлмаса, ёш болани алдаб, тузоғига илинтирмаса эди».

— Маман, — деб шайх ҳаммадан ажралиб, олдинда кетаётган Маманни тўхтатди-да, фақат ўзи эшитадиган қилиб тайинлади: — Эҳтиёт бўл. Хоннинг тузоғи кўзга кўринмайди. — Хон ясовули шубҳаланмасин деган хаёл билан: — Жиловдорингни қолдириб кетма! — деди баланд овозда.

Маман Омонлиқ билан бирга хоннинг аравасига етволди.

— Ҳой, Маман бий, отингни жиловдорингга бериб, ўзинг бизнинг аравамизга ўтир, — деди хон.

— Улуғ марҳаматингизга лойиқ бўлганимиз учун сиздан миннатдоримиз, хон олий ҳазратлари, — деб

Маман бий отидан сакраб тушди-да, жировни Омонлиққа тутқазди.

Хон буралган мўйловини силаб, шарақлаб кулди-да, кейин гап бошлади.

— Мен сени чечан бий деб эшитдим. Чечанлар билан ҳамсухбат бўлиш хон учун ҳам катта шараф. Йўл қисқарсин, деб чақиртирдим. Гапимга қулоқ сол. Сен бировларга, энг оғир нарса — кўзёш, кўзёши тўкилаверса, ернинг устунни бир томонга оғиб қолади, деган экансан. Бу гапни қаердан ўргандинг?

— Хон олий ҳазратлари, мен бу гапни қора отли икки қароқчига айтган эдим, сиз билан улар қандай гаплашишганига ҳайронман.

Арава орқасидан Маманнинг отини етаклаб келаётган Омонлиқ жавобга қойил қолиб, ўзича жилмайиб кўйди.

— Соқолимга осилма, падар лаънати! — деган хоннинг дарғазаб овози эшитилди.

— Кечиринг, хон олий ҳазратлари. Мен сизга бу гапни ўша икки қора отлиқ айтибдими, деб ўйлабман. Мен бу гапни русларнинг бир одамидан ўрганганман. Лекин бизнинг шайх ҳазратимиз ҳам, бийларимиз ҳам, барча халқимиз ҳам доноликнинг кони. Йўлни қисқартираман десангиз, сўрай беринг. Билганимча жавоб беравераман.

— Ундай бўлса айт-чи, гапнинг қопи нима бўлади?

Маман бир зум ўйланиб қолди. Хоннинг саволларига тўғри жавоб бераверсинми ё йўқ? Борди-ю, тўғри жавоб берса, оқибати нима бўлади? Бирпас ўйлаб тургандан кейин тўғри жавоб бермоқчи бўлди. Ахир ҳозиргина ўзи халқим, бийларим доноликнинг кони, деб чиранди-ку.

Маманнинг ўйланиб қолганидан хон жуда хурсанд эди. Доно саволларига донолик билан жавоб беролмаса, қўлидан ҳеч нарса келмаслиги аён бўлади. Чиндан ҳам у қорақалпоқ бийларининг Иван Неплюев билан Дмитрий Гладишев ҳузурига киришганидан хабардор эди-ю, лекин нима тўғрида гаплашишгани унга қоронғи эди. Дмитрий Гладишевдан сўраб ҳеч нима билолмади. Шунинг учун ёш бийнинг қўйнига қўл солиб кўрмоқчи бўлган эди. Унинг ақллилигини илгари ҳам эшиттанди. «Неплюев билан Гладишевга нима дедиларинг», деб тўғридан-тўғри сўрамай, гапни айлантириб, ёш бийни гангитмоқчи, тулкилик қилиб, бор сирни билмоқчи эди. Бундан беҳабар Маман бир оздан кейин бошини кўтариб, унинг саволига жавоб берди.

— Гапнинг қопи қулоқ бўлади, хон олий ҳазратлари.

Хоннинг туси ўзгарди. Бироқ сир бой бермасликка ҳаракат қилди.

— Йўлнинг эгаси ким бўлади, бий?

— Йўлнинг эгаси туёқ бўлади, олий ҳазратлари.

— Элнинг эгаси ким бўлади?

— Элнинг эгаси ақли хон бўлади, хон олий ҳазратлари.

Хон мўйловининг учини оғзига тикиб, ямлади.

Араванинг гилдираклари тошга тегдими, чайқалиб кетди. Хон жаҳл билан бир нарса демоқчи бўлди-ю, яна:

— Чечанликнинг кучи нимада? — деб сўради.

— Чечанликнинг кучи тўғри сўзликда, хон олий ҳазратлари, — деди Маман.

— Хоннинг кучи нимада?

— Хоннинг кучи аскарларида, хон олий ҳазратлари.

Маман шундай деб жавоб берганига афсусланди. Сабаби, хон бу доно фикрдан фойдаланиб, аскарларини кўпайтирса, оқибати яхши бўлмайди. Кўзёш кўпайиб, кўл бўлади. Бироқ хон унинг сўнгги жавобидан қаноатланмай деди:

— Хоннинг кучи унинг ақлида. Унинг ақли қаерда деб сўрарсан? Унинг ақли дастурхони билан мол тўла кўрасида.

Маман тўғри жавоб берганига ишонарди, бироқ куч нон билан молда, деган гапга ҳам ишонди. Чунки эл бошлиқларининг ҳаммаси ҳам ортиб-тошиб ётган одамлар. Абулхайрнинг ўзи ҳам мол-дунёси кўп бўлгани учун хон.

Ёш бий дилида хоннинг фикрини маъқуллаган бўлса ҳам, ўжарлик қилиб ўз фикрдан қайтмади. Лекин ҳеч нарса демади.

Хон ҳам, бий ҳам энди индамай, бир-бирини зимдан кузатиб борарди. Уйдим-чуқур ерга келганда хон арава-сининг қўнғироқлари жаранглаб жимликни бузди.

Хон энди асосий мақсадига кўчди. Тўғридан-тўғри сўраса, шум нияти ошкора бўлиб қолади. Усмоқчилаб сўраса, бу ёш бий гапнинг тагида нима борлигини дарров сезади. Шунинг учун хон гапни яна узоқроқдан бошлади:

— Ўзи сув ичиб юрган қудуққа тупурган одамни сира эшитганмисан?

— Сув ичиб юрган қудуққа туплаш ақлсизлик нишонаси, хон олий ҳазратлари. Халқимизда «бир кун

туз ичган ерингга қирқ кун салом бер», деган гап бор.

— Тушунарлироқ қилиб жавоб бер, бий бола.

— Қудуқнинг суви сасий бошласа, тупурса ҳам бўлаверади, хон олий ҳазратлари, — деди Маман бий.

— Унда «бир кун туз ичган ерингга қирқ кун салом бер», деган ақида бузилмайдими?

— Сув сасимаиди, хон олий ҳазратлари. Сувни саситадиган бошқа нарса бўлса керак. Катта дарё яқин бўлса, қудуқдан дарё яхши.

— Ўзинг ёш бўлсанг ҳам, аммо гапингга қараганда, тақводор қарияга ўхшайсан. Қозоқларни, қорақалпоқларни жунғорлар қириб, элимиз «яланг оёқ кўчманчи» номини олган, иккала элнинг тақдири бир, иккаласи эгизак. Бироқ биз кўпчиликмиз. Кўпчилик бўлганимиз учун ҳам сиздай қариндошларимизга қудуғимиздан сув бериб келяпмиз, энди шу қудуққа тупурмоқчи бўлсаларинг, нима қилиш керак?

— Хон олий ҳазратлари, кечирасиз, ҳузурингизга борганимизда қорақалпоқ деган халқ борлигига ишонмайман, деган эдингиз, бугун эса икки халқ деяпсиз.

Гапидан тугилиб қолган хон шарақлаб кулди. Маманнинг кенг елкасига қоқиб қўйди.

Дмитрий Гладишевнинг араваси анча илгарилаб кетган эди. Хон туянинг юнгига ўхшаш сарғиш тук босган оғир қўлини Маманнинг яғринига ташлаб ўтирган бўлса ҳам, кўзлари илгарилаб кетган аравада эди. Маманнинг шу аравадан умидвор бўлиб келаётганини сезган хон:

— Менинг наздимда, сен ерга ўхшайсан. Ернинг тили ҳам, иши ҳам бир хил бўлади, — деди.

Хон нима демоқчи бўлганини Маман ҳали тушуниб етмаган бўлса ҳам, унинг мақтовига эриб кетмади.

— Албатта, хон олий ҳазратлари, сўзи билан иши бир бўлиш фақат ер учун эмас, ҳаммага ҳам хос, — деди. — Худо инсонни яратиб қўйиб, унга тил берганида, сўзи бошқа, дили бошқа бўлсин демаган бўлса керак.

— Жуда тўғри, бироқ мен олдиндаги аравада кетаётган Митрий тўра қозоқлар билан қорақалпоқлар бирлигини бузмаса эди, деб кўрқаман. Бировга бигиз, бировга пичоқ беришдан тоймайдиган ноинсофлардан кўринади. Менга қорақалпоқлар Кичик юз хонлигини босиб олиш пайида юрибди, деган гапни айтди.

— Сиз шу гапга ишондингизми, хон олий ҳазратлари?

— Ишонмадим.

— Нега?

— Ҳозиргина келишдик-ку. Ақлли одамлар сув ичган қудуқларига тупурмайдилар, деб. Демак, сизлар Кичик юзнинг орқасидан халқ бўлиб юрганларингни унутмасаларинг керак.

Маман ўйланиб қолди: ким билади, балки Митрий тўра айтган бўлса, айтгандир. Улар доим бирга юришади, бир идишдан овқат ичишади. Шайхнинг «хоннинг тузоғи кўзга кўринмайди» деган гапи ёдига тушиб, ҳушёр тортди. «Балки, ҳозир гапирган гаплари хоннинг тузоғидир. Ўзи талаб қилган одамларни ҳузурига олиб борганларида, дарра урдириб, уларга қорақалпоқларни «тарқоқ халқ» деганди. Кечагина қорақалпоқ миллати борлигига ишонмаслигини очиқ айтувди. Бугун эса бу икки элни эгизак деяпти. Доғулилик, иккиюзламалик хоннинг ўзига хос эмасми?»

Ёш бийнинг индамай, хаёл суриб келаётганини кўрган хон, гапимга қулоқ соляпти, деб ўйлади шеклли:

— Менимча, Митрий тўрани ими-жимиди гумдон қилиш керак, — деди.

— Хон олий ҳазратлари, кечиринг мени, бир нима дегандай бўлдингизми? — деди Маман ялт этиб қараб.

— Хон бир гапни икки марта айтмайди, бий бола, — деди хон ҳар сўзини таъкидлаб.

— Хон олий ҳазратлари, агар янглишмасам, сиз бир оз шошилиб маслаҳат берганга ўхшайсиз.

— Ўҳ-ҳў, бий бола, гапларинг зилдай-ку!

— Мен номақбул гапларни унча хуш кўрмайман, хон олий ҳазратлари.

— Тилдан худо берган экан. Бироқ, бий бола, агар халқинг сенга ишонса, хароб бўлади. Ундан кўра, иккала халқимиз ўртасидаги келишмовчиликлар йўқ бўлсин десанг, менинг топширигимни тезроқ бажариш ҳаракатида бўл. Ишончимни оқла!

— Сабр қилинг, хон олий ҳазратлари. Сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар, дейдилар.

Хон кўнглидаги гапни айтишга айтди-ю, лекин Маманнинг гапларига ғабланмади, ёш бий икки ўртада бўлиб ўтган гапни бировга айтиб қўймасмикин, деб гумонсиради. Ўзини босиб, аввалги оҳангда давом этди:

— Ёшлик бебошлиқдир. Агар халқингнинг гамини еяётган бўлсанг, эшитган гапларинг ичингда қолар,

бий бола. Бироқ хон буйруғи — худо буйруғи эканини ёдингдан чиқарма!

Маман бийнинг ранги ўзгариб, вужудида қони қайнади, лекин остки лабини тишлаб, ўзини тийди.

— Хон олий ҳазратлари, мен сизни қисиб қўйдим шекилли, тушиб қолсам майлими, — деди.

— Туш, падарингга лаънат!

Маман сирғалиб аравадан тушди.

Омонлиқ отларни қаттиқроқ чоптириб келган эди, хон орқасига кўз қирини ташлади-да, салмоқлаб деди:

— Бий бола, отингни секинроқ ҳайда, йўқса чанг ютасан!

Маман хоннинг илмоқли гапини тушуниб, таъби хира бўлди.

— Хон бир доғули одам, бийим, бошингни кўтар, — деди Омонлиқ.

Маман жиззакилик қилганини тушуниб, бошини кўтарди.

Яна бир оз юришиб, элатларига яқинлашиб қолишганда Омонлиқ:

— Бундай қулай фурсат камдан-кам бўлади, бийим, Айғара бийнинг овулига бориб, Оқбийдаининг қўлидан чанқоқ бости ичиб кетайлик, — деди. Бу маслаҳат Маманга қанот боғлади.

— Майли, дўстим. Бориб, кўнглимизни бир ёзиб кетайлик.

* * *

Бийлар Орскдан жуда аҳиллик билан йўлга чиқишган бўлишса ҳам, Маманнинг хон аравасига таклиф қилингани уларнинг ораларига яна нифоқ солди. Жондўс бийнинг яраси яна янгиланди.

— Кўнғиротликлар яна ютқазди. Маман отасининг илгариги гапини яна қўзғади. Шайх унга ён босди. Шундай қилиб, ёбиликлар яна ҳаммани бошлаб кетди. Кўнғиротликлар бир япроқ, шамол учуриб кетган япроқ...

Бу гап Ирискул бийнинг ҳам иззат-нафсига тегди. Чидаёлмай шайхга тўнғиллади:

— Сиз Маман хусусида янглишдингиз.

«Янглишдингиз» деган сўз чарчаб келаётган шайхнинг кўнглига қаттиқ ботди.

— Ирискул бий, борган сари тилингиз узун бўлиб, талтайиб кетяпсиз.

Ирискул бий қайтиб индамади. Ҳар ким ўзича хаёлга берилгани учунми, ёки бир-бирларидан қаттиқ ўпкандими, хон тўғрисидаги гаплари, ҳатто анавиларга қўшилиш ҳақидаги орзу, ниятлари ҳақида ҳам лом-мим демай қўйишди. Баъзилари отларининг чарчаганини баҳона қилиб, жиловидан тортишди. Баъзилари отларини тезлатиб, илгарилаб кетишди. Овулга яқинлашгунларича бўладиганлари бўлди. Дмитрий Гладишев айрилишга етиб қолганда Пўлат ясовул билан Мурод шайх отларини елдириб етиб келди ва қорақалпоқларникига қачон келишини сўрашди.

— Тайёрланаверинглар. Абулхайрхон билан битказдиган ишларим бор. Шу ишларни битказсам, тез кунларда бориб қоларман, — деди у.

12

Ўтган йилнинг майса, ўт-ўланларини шитирлатиб, кенг далада ёлғиз отлиқ келарди. Гир атрофи бийдай сахро. От ҳам, эгаси ҳам роса ҳориганди. Тўриқ эринибгина одим ташларди, эгаси ҳам шоширмасди. Бошидаги қалпоғи бир томонга оғиб, ухлаб келаётганга ўхшарди. Қамчи ушлаган қўли шалвираб осилиб турарди, юган қўлига ўралган бўлса ҳам, йўлни отнинг ўзи топиб кетаётганди. Текис далага чиққанида, отнинг оёқлари чипор эканлиги билинди. Ёлғиз келаётган чипор тўриқ устидаги киши Ўразан ботир эди. У бултур ёзда жўнаб кетганича, юртига энди қайтпти, Хоразмдан келяпти. Хоразм тарафдаги қорақалпоқлар ҳузурига бориб келяпти.

У ўйлай-ўйлай чарчаган. Нима қилсин, бора-боргунча ўйлади, боргандан кейин ҳам ўйлади. Кўп танишларининг ҳузурида бўлди. Манғитлар бийи Шердалини ўлдирган Хоразм хони Элбарснинг мамлакатни бошқара олмай, тахтдан қулаганини ҳам кўрди. Нодир шоҳнинг ўзи билан гаплаша олмаган бўлса ҳам, нафасини ҳароратини сездди. Ўз ватанида аҳён-аҳёндагина кўриш мумкин бўлган Кичик юзнинг хони Абулхайрни ҳам ўша ерда кўрди. Ҳаммаларини ҳам узоқдан кўрди. Фақат рус элчиларини яқиндан кўриб, улар билан суҳбатлашди. Улар билан ҳам осонгина учрашиш, суҳбатлашиш қайда? Азоб-уқубатларга бардош берди-ю, кўрди. Рус элчиларини ҳам бир неча кун кутиб ётди, кейин гаплашди. Бошқаларни зир титратадиган ўткир хони, кучли лашқари бўлмаган эл вакили билан ким-

нинг иши бор дейсиз? Ишқилиб, уялмади, тортинмади, хон билан рус элчилари савлат тўкиб у ёқдан-бу ёққа юрганда кетларидан саёқ итдай эргашиб, охири мақсадига эришди. Ушанда кўргани, суҳбатлашгани Митрий тўра (Дмитрий Гладишев) эди. У Эрон шоҳи Нодиршоҳ билан Хоразм хонини яраштиришга келган эди. Подшоси юборган.

Дмитрий Гладишев уни бирпас гапиртириб, арзига кулоқ солди. Кейин халқининг сонини суриштирди. Майли, халқ оз экан, деб менсимаса менсимақ. Ўзлари ҳисобга қўшмай юрган ўттиз минг қорақалпоққа солиғини солса солаверсин. Тўғриси айтиш керак. «Қуйи қорақалпоқларнинг сони олтмиш минг», деди. Дмитрий Гладишев қорақалпоқларнинг ҳаммасини илгаридан билармиди, йўқми, ишқилиб, бошини сарак-сарак қилди, ўкингандай бўлди. Балки бошини илгариги қорақалпоқларнинг ўндан бири ҳам қолмаганига чайқандир, ёки олтмиш минг хонадонни олтмиш минг жон деб тушунгани учун чайқандир. Йўқ, қорақалпоқнинг оиласи беш кишидан кам бўлмайди. Уй-жойи йўқлар, кўча-кўйда ётиб юрганлар бу ҳисобга кирмайди. Балки илгари кўпчиликни ташкил этган халқнинг бўлиниб-бўлиниб, камайиб кетганига ачинаётгандир.

Ўразан ботир Дмитрий Гладишевга кўнглида бор гапни айтиб, халқи одил подшо фуқаролигига ўтиш ниятида кўп йиллардан бери илтимос қилиб келаётганини баён қилган бўлса ҳам, унинг нега бош чайқанига тушунолмай, кўп ўйлади. У Хоразм хони қўли остидаги қорақалпоқларнинг ҳам, Сирдарё бўйидаги ўз ватандошларининг ҳам қисматлари тўғрисида ўйлай-ўйлай чарчаганди. Чунки, қуруқ уй очга овқат, яланғочга кийим, ўлганга кафан бўлолмайди. Фақат бошга тушган бир бало. Оздиради, тўздиради, қайғуртиради, лекин нафи йўқ. Шунинг учун ҳам қайтишда тоби қочиб, ўзи қидириб борган уруғининг бир бойининг уйида бир ярим ойча ётиб, мана энди қайтиб келяпти.

Энди юртига эсон-омон етиб олиш ниятида ҳеч нарсани ўйламай, ташвиш тортмай келяпти.

Чипор тўриқ оёқларини аранг кўтариб босаётган бўлса ҳам, тинмай одимлаётгани учун йўли уняпти, унган сари йўлнинг таноби қисқариб боряпти.

Яланглик тугади. Ёби билан кўнғирот уруғи оралигидаги бир баланд тепалик устида қўғирчоққа ўхшаш нарсани кўриб, ўша томонга бурилди. Қўғирчоқ деб

ўйлагани ўн ёшлар чамасидаги бир қизалоқ экан. Қизил кўйлаги, қора камзулининг жулдур этаклари, майдалаб ўрилган сочга ўхшаб, енгил шабадада ҳилпираб турибди. Унинг бутун фикри-зикри пастда. Ҳазан ботир пастга, қизнинг диққатини тортган ерга қаради. Йигирмага яқин бола икки тарафга бўлиниб, бир-бири билан мушглашаётганди, ярашиш сиёқлари йўқ, дайди итлардай бир-бирларини ғажицияпти. Ҳазан ботир уларнинг тепаларига борди. Осмондан чўқишиб қулаган қарғаларга ўхшаб ёқалашаётган иккита қора бола тепаларига келиб қолган отлиқни кўрмай, ҳамон бир-бирига ёпишарди.

— Қани, бас қилинглар!

Улар эшитишмади. Ҳазан ботир ирғиб отдан тушида, бир-бирига ёпишиб ётган иккала болани бўйнидан ушлаб, турғазди. Жўжахўрозга ўхшаб иккови ҳам ҳансирарди. Оғиз-бурунлари қон. Бирининг яримта қулоғини иккинчиси қонга қўшиб тупурди.

Томоша қилиб турган каттароқлари орқага чекиниб, икки тўпга ажралишди. Тепалиқдаги қиз югуриб тушиб Оллоёрнинг тўпига қўшилди. Ҳазан ботир иккала тўпнинг бошлиқларини ёнига чақириб, уларнинг кимликларини, нимага ёқалашаётганини суриштирди. Қиз келиб қўшилган тўда ёбилиқларнинг Оллоёр бошлиқ етимлари, иккинчи гуруҳ қўнғирот уруғининг етимлари экан, уларнинг бошлиқлари ўн олти ёшлардаги Элмурод деган бола экан. Жанжал бир овулдан иккинчи овулга тиланчилик қилиб ўтмаслик устида бошланган экан.

— Анавилар, қўнғиротнинг хор бўлганига ёбилиқлар айбдор, дейишяпти. Бу ёлғон гап, — деб тушунтирди қиз.

Ҳазан ботир қизнинг наमतдай қалин қора сочини, чаккалари кенг пешанасини силади.

— Бошқатдан айт, қизим, нима дединг?

Нариги тарафдагилар, ёнидагиларнинг муштларини кўриб, қиз эсанкираб қолди.

— Акамни соғиндим, ота. Маман бий билан кетган эди, ҳали ҳам келгани йўқ, — деди қиз.

Ҳазан ботир ўелининг исми ёнига «бий» қўшиб айтилганига бир оқариб, бир қизарди. Боядан бери индамай турган Оллоёр гапга аралашди.

— Бу айтаётган Маман сизнинг ўелингиз бўлади, Ҳазан ота. Маман бий бўлди. Менинг бир оғайнимга раҳми келиб, отга миндирди.

— Огайнинг ким?

— Омонлиқ. Манави қизнинг акаси. Бу қизнинг исми — Олмагул.

Ўразан ботир бу болаларнинг гапларига ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмас эди. Бироқ ёқалашиларининг бир сабаби борлигини англаб, гапнинг тагига етмоқчи бўлди. Урушнинг сабабини яна суриштирди.

— Сабабими? — деди Оллоёр энди ўзини бир оз босиб олиб. — Сабаби йўқ. Ўзлари бизни қўнғирот овулига ўтказишмайди, бизнинг овулимизга эса ўтгилари келаверади.

Шундан кейин Ўразан ботир улар билан гапни чўзиб ўтирмади. Гапнинг тагига етишга ҳам ортиқча уринмади. Астойдил суриштирса, қўнғирот етимларидан Жондўс бийнинг ёбилар тўғрисидаги шум ниятларини билиб олган бўлар эди. Ўразан ботир отига минди-да, уларни тўп-тўплари билан икки томонга ажратиб юбориб, яна йўлида давом этди. Илгариги одатига кўра, ёлғиз тўп эман тагига бориб, лоақал бир қумғон сув қайнагунча туриши лозим. Агар шайх ўша ерда бўлса, истиқболига юриб, кутиб олади. Бу сафар уни шайхнинг катта ўғли Ҳелвет кутиб олди.

Кучқурун, Орь қўрғонидан қайтиб келаётган Мурод шайхни эман тагида Ўразан ботирнинг ўзи кутиб олди.

Кечасига бориб ҳаво ўзгарди. Азонга яқин ёгингарчилик бошланди. Челақлаб қуя бошлади.

Мурод шайхнинг тўққиз қанотли ўтови одамларга лиқ тўлди, ҳамма шод-хуррам эди. Ёби билан жалойир уруғларининг бийлари, бойлари Ўразан ботир билан шайхнинг келишганини эшитиб келишмоқда. Уларнинг кўпчилиги ёгингарчиликдан олдинроқ келганди, энди кетолмай ўтиришганди.

Ёмғир уч кунгача тинимсиз ёғди. Ичига сув ўтказмайдиган ўтовга овқат вақтида киргизилиб тургани учунми, қўрага қамалган қўйдаи тиқилишиб, бийлар, бойлар саксовулнинг қип-қизил чўғи атрофида суҳбатлашиб ўтиришарди. Гап асносида баъзилари очикда қолган молларнинг ҳоли чатоқ бўлганини айтиб, афсусланса, баъзилари хурсанд бўлишарди.

— Ёмғир тинсин, ернинг юзи кўринмай қолади. Ҳамма ёқни кўм-кўк ўт босиб кетади.

Ёгингарчилик кунлари тиланчилик қилиш навбати Оллоёрларга келган эди, аммо улар тўғрисида бир оғиз ҳам гап бўлмади, балки биронтаси ҳам ҳозир кўзга кўринмаётгани учун шундай бўлгандир.

Ҳозир кўпроқ гапираётгани Ўразан ботир эди.

— Митрий тўра билан гаплашганингизни у кишининг ўзларидан эшитдик, — деб Ўразан ботирнинг гапини тасдиқлади Эсим бий. — Митрий тўра гапингизни тўғри тушунибди. «Қорақалпоқлар — оҳ деса ўпкаси кўринадиган халқ», деди.

Ўтирганлар жонланиб қолишди. Ёши катталар соқолларини сийпаб, ёшроқлар ўринларида кўзғалишиб кўйиб, аллақандай гурур билан ёлғиз Ўразан ботиргагина эмас, бир-бирларига ҳам қарашиб олишди. Илгарилари суҳбат узилди, дегунча, ҳамма ташқаридаги тасир-тусур қилиб ёгаётган ёмғирга қулоқ солар, бири бўлмаса бири ичидан эзилиб, пешанасини тириштириб кўярди. Ҳозир эса ёгин олдингидан ҳам зўрайган, кигиз ўтовни шиддат билан савалашини қўймаётган бўлса ҳам, ҳеч кимнинг пешанаси тиришмади.

— Абулхайрхоннинг қилмишларини айтиб бермадингми? — деб сўради ўтирганлардан бири.

— Айтмадим, бийлар, айтмадим, — деди Ўразан ботир. — Мен уларни Абулхайр билан огиз-бурун ўпишиб юргандир, деб ўйладим.

— Айтмаганинг яхши бўпти, — деб унинг гапини маъқуллади шайх. — Тошбағир хон эшитиб қолса, кулимизни кўкка совуртиради-я. — Шайх шундай деган бўлса ҳам, хира кўзларини бир нуқтага тикиб, ўйлашиб қолди. Ўтирганлар шайхдан нимани ўйлаб қолдингиз, деб сўраш ўрнига юзига тикилишди. Шайх буни сезиб, бошини кўтарди. — Маманни ёш бола деб ўйлаб ўша тошбағир Абулхайр ўз аравасига ўтқазган эди. Аравадан тушганидан кейин кўролмадим. Боладан ҳадигим бор.

Шайхнинг қайғу, ўкинч билан айтган бу гапи ёзилишиб ўтирганларни ташвишга солиб қўйди. Хонада нохушлик ҳукм сурди.

Худди шу дақиқада сувдан топилган ўликдай ранги бўзариб, кийими баданига ёпишган Маман остонада пайдо бўлди. Қўллари қон, чакмонининг ёқаси қоқ иккига айрилиб кетган эди.

— Оталар, оғалар, мен уни ўлдирдим. Жондўс бийни ўлдирдим, — деб бўғиқ овоз билан шивирлади-да, ағдарилиб тушди.

Ҳамма ирғиб ўрнидан туриб кетди. Одамларнинг гандираклашидан керагалар қимирлаб, гимирлади. Ташқарида ҳамон ёмғир қуярди, уйнинг ташқаридан фарқи қолмади.

Омонлиқ келганида дўстлари олов атрофида исиниб ўтиришар эди. Уни кўриб севиниб кетганидан, Олмагул, «Вой! Ака-ака! Акажоним!..» деб кийикдай отилиб, акасининг бўйнига осилиб олди. Синглиси қаттиқ кучоқлаб олганидан, Омонлиқнинг кийим-бошидан ерга сув оқиб тушди. Икковлари ҳам совуқ еб кетишганиданми, шунча кундан бери кўришишмаганларига қарамай, Омонлиқ синглисини ўзидан нари итариб, гулхан ёнига ўтирди. Оллоёр ташқарига югуриб чиқиб келиб, ўчоққа яна ўтин ташлади. Ўтин ловиллаб ёниб кетди. Омонлиқнинг кийимлари иссиқдан буғлана бошлади.

— Қани, Омонлиқ, гапир-чи, гапирмасанг буғдан сени кўролмай, шу ерда ўтирганингни ҳам унутамиз, — деди Оллоёр.

Ҳозир Омонлиқнинг гапиргиси йўқ эди.

— Эшитмай қўя қолинглар. Жуда қайғули воқеа содир бўлди, — деди Омонлиқ қисқа қилиб.

— Охиридан эмас, бошидан бошла. Ўша кулбамиздан чиқиб кетганингдан бошла, — деди Оллоёр.

Кенг далада эркин юриб ўрганган болалар уч кундан бери ҳеч қаёққа чиқолмай, билган қизиқ-қизиқ ҳикояларини айтишиб тамомлашган эди. Болалар Омонлиқнинг таъби хиралигини чеҳраси, овозидан пайқашган бўлса ҳам Оллоёрнинг гапини маъқуллашди.

Шерикларининг одатини яхши билган Омонлиқ буғга кўмилиб ўтириб, ҳикоясини бошлади:

— Бу ердан жўнадик. Узундан-узоқ йўл юриб Орь кўргонига етиб бордик. Ишладик. Қаттиқ ишладик. Кейин қайтдик. Йўл-йўлакай Айғара бийнинг овулига қайрилдик. Оқбийдайни кўрдик. Сафаримиз ҳақида гаплашдик. Айғара бий Мирзабеги билан бирга келиб, бизни керей уруғининг Седет деган ёш мирзаси билан таништирди. Маманни кўру, Седет керейни кўр. Ёпирай, одам ҳам одамга шунчалик ўхшайдими? Худди эгизак, дейсиз. У ҳам қорачадан келган, тўлагина. Ишқилиб, ўша йигитни кўриб, шу қозоқлар билан бизнинг боболаримиз бир отанинг фарзандлари эмасмикан, деб ўйлаб қолдим... У ердан чиққанemizдан кейин Ғойибхонга учрашиб кетайлик, деб ўйладик. Мен отларга қараб турдим. Маман оға хоннинг олдига кириб гаплашди. Хоннинг вақти хуш бўлиб ўтиргани устига бо-

рибди. Пўлат ясовул биздан олдинроқ келиб, Орь кўрғонида бўлган воқеаларни гапириб берган экан.

Оллоёр чидай олмади:

— Сен нега Орь кўрғонида бўлган воқеани ташлаб, Фойибхонни келиб қолдинг?

— Орь кўрғонида улуғларимиз анави тўралар билан учрашиб, уларга қўшиламыз деган иягариги илтимосларини такрорлашди. Фойибхон Абулхайрхонни ёмон кўрар экан.

— Ахир, Фойибхон ҳам Абулхайрхонга ўхшаш катта хон бўлишни орзу қилади-да, — деб унинг гапини бўлди Оллоёр.

— Шунақа экан. Фойибхон Маманнинг олдинги гуноҳларини кечириб: «Ўшанда тўғри қилган экансан. Узоқни кўра биладиган йигит экансан. Мен энди қўшилиш учун нима қилиш лозим бўлса, ҳаммасини сенга топшираман. Аммо ўзингга эҳтиёт бўл. Қўнғиротликлар ёмон. Сенинг ҳамма ишларингга тўғаноқ бўлишга ҳаракат қилишади», дебди. Мен ҳам бир сирни ичимда сақлаб юрган эдим. Қўнғиротликлардан Жондўс бий Орь кўрғонига Элмуродни юбораётганида «қулай фурсатни топиб, Маманни ўлдир», деб тайинлаган экан. Қўрғонга борганимиздан кейин бу гапни Элмуроднинг ўзи менга айтиб берди. Мен унга раҳм қилиб ётиғи билан попугини пасайтирдим. «Бу гапни оғзингдан чиқара кўрма, Маман оға эшитиб қолса, охири яхши бўлмайди», дедим. Ўзим ҳам Маман оғамга айтмадим. Энди Фойибхоннинг ўзи Маманни кечириб, «қўнғиротликларнинг нияти бузуқлиги» тўғрисида огоҳлантириб қўйганидан кейин, мен ҳам Маман бийдан сир сақлашни эп кўрмадим. Элмуроддан эшитганларимни оқизмай-томизмай айтдим. Жондўс бий Элмуродга, Маманни ўлдир, деб қаттиқ тайинлаб юборганини гапирдим.

— Тўғри қилибсан, айтмаганингда Маман оғага хиёнат қилган бўлардинг. Ҳа-да, — деб унинг гапини маъқуллади Оллоёр. — Ўша Жондўс бийнинг касофати экан-да, ҳайтовур, қўнғиротнинг болалари бўлар-бўлмаста уриш чиқариб, ёқалашадиган бўлиб қолишди.

— Шундай қилиб, қўнғирот овулининг орқасидан ўтиб келаётгандик. Ёмғир ҳам челақлаб қуйди-да. Юлғун ичида юрган бир отлиқ қашқирни пайқаб қолдик. Одам овозига ўхшаган қаттиқ қичқир қичқир эшитилди-ю, тинди. Тусмоллаб бориб қарасак, қашқир эмас, почапўстинини тескари қилиб кийиб олган Жондўс бий

экан. Отга судратиб келаётгани Элмурод экан. — Омонлиқ беихтиёр хўрсиниб, давом этди. — Жаҳли чиқиб келаётган Маман ўйланиб ўтирмади. От устидан туриб, раҳмсиз Жондўс бийга чанг солди, шартга олдига ўнгариб олди-да, бўғзидан пичоқ тортиб юборди.

— Во-ой! — деди Олмагул.

Буг сийраклашиб, Омонлиқнинг афт-башараси аниқроқ кўрина бошлади, қаҳр-ғазаб, нафратдан унинг ранги бўздек оқариб кетган эди.

Болалар тахта бўлиб, лом-мим дейишолмасди.

Совқотиб келган Омонлиқнинг бадани исигач, мудрай бошлади, анчадан кейин ўзига келган Оллоёр, уни суяб тўрдаги сомон тўшакка ётқизиб қўйди.

* * *

Кечга томон ёмғир тўхтади, тун тинч ўтди. Тонг отиши билан кўёш ҳаммага кулиб боқаётган эди, лекин унга қарайдиган одам бўлмади. Ёби овулининг устини кўнғирот отлиқларнинг тумани қоплади.

13

Тонг саҳардан қора булут бўлиб бостириб келган кўнғирот отлиқлари эмандан ўтиб тўхташди. Кутилмаганда пайдо бўлган отлиқларни кўриб эсанкираб қолган Мурод шайх овулининг барча аҳолиси оёққа туриб, душман ҳужуми олдини олишга киришди. Биров бор озиқ-овқатини яшириш пайида бўлса, биров босқинчилар ҳайдаб кетмасин, деб ёлғиз молини сўйиб гўштини тулупга тиқиш ҳаракатида, бўй етган қизлар юзларига қоракуя суркаб, кўздан яшириниш ташвишида эди. Бийлар, бойлар йигитларни чақириб, отлан-тирарди, шошиб қолганлари бўш юрган яланғоч от бўлса, тутиб минарди, қўлига чўқмор, таёқ олганлар ҳали бир ерга тўпланганларича йўқ. Бу тайёргарчилик Мурод шайхга элчи келгандан кейин бошланди. Кўнғиротлиқларнинг Ирискул бийи:

— Бекорга қон тўкилмасин, қонга, — қон, жонга — жон, бизга Маманни олиб келиб берсаларинг бўлди, пешин намозига азон айтилгунча кутамиз, — деб юборибди.

Кун пешинга яқинлашди. Ёби уруғининг барча бийлари, кўпни кўрган қариялари ёвдан енгилмасликнинг турли йўлларини ўйлаб кўришди. Икки тараф

тоғнинг икки ўрқачидай уйилиб келди. Баъзи-баъзида ўртадан оқ ялов кўтарган оқ отлиқлар ўтиб қолишарди. Булар икки тарафнинг бир-бирларига юбораётган элчилари эди. Бири белгиланган муддатнинг тугаганини хабар қилса, иккинчиси Маманнинг ўрнига бериладиган молнинг сонини хабар қиларди. Оз деб ўйлаётган бўлса керак, деб ҳар сафар бериладиган молнинг сони ошириларди.

Кечагина бир кўрпачада ўтириб, битта идишдан овқат ичган одамлар бугунги кунга келиб, бир-бирларига шафқатсиз душманга айланади деб ким ўйлабди? Бир-биридан қолишмайди. Бир-бирининг гапига қулоқ солмайди. Мурод шайх ҳар қандай одамнинг кўнглини юмшатадиган гапларни айтиб юборса ҳам Ирисқул бийлар юмшаш у ёқда турсин, аввалгисидан қаттиқроқ талаб қўйиб юборишади.

— Одамгарчилик қиялпмиз, ҳурмат қиялпмиз. Бор одамнинг бир чеккадан қириб кетганимизда нима қилар эдинглар? Биз ундай қилмадик. Қорақалпоқни остин-устин қилиб юбориш қўлидан келадиган катта кўнғирот уруғининг азаматлари қонсираб келди. Энди у талабидан қайтмайди. Энг осони Жондўс бийнинг бошига бош — қонхўр Маманни бизга берсаларинг бўлди.

Кечаси билан ухламай, ёлғиз ўғлини бағрига босиб, ҳидлаб, гапиртириб, гапларини тинглаб чиққан Ўразан ботир қурол-яроғини осиб, чипор тўриғига минган эди. От устида ҳамиша ғоздай ўтирадиган Ўразан ботирнинг бели бугун бир оз букчайган. Бўз ғунонини миниб чиққан ўғлини бир чеккага чақириб кечаси айтиб улгурмаган гапларини ҳозир айтаётганди.

— ... Элнинг баланд-пастини ўрганганинг жуда яхши. Ҳар ким ҳам ўз элининг дардини билавермайди, болам. Рус бандиларини ҳам озод қилиб дуруст иш қилибсан, ўғлим. Улар барибир озод қилинарди. Сен бўшатмасанг, сенга ўхшаган бошқа биров бўшатарди. «Осилсанг баланд дорга осил», деган гап бор. Уларга суяниш — тоққа суяниш билан, халқингга тоғдан кўрғон солиш билан баробар. Рус савдогарлари сенга, суянадиган одамларинг йўқ, деб ҳақ гапни айтган... Сенинг тўғрингдаги барча гапларни эшитдим, болам. Етимлардан биттасини отга мингизганинг ҳам оқилона иш бўлибди. Ҳар кимнинг ҳам элига бахш этилган юраги, меҳр-муҳаббати бор. Сен ўша етимни қадрла, аммо у ҳам ёр-биродарларини ёдидан чиқариб юбор-

масин. Эл ҳол-аҳволига Омонлиқ кўраётган кун нуқтаи назардан баҳо бер, кўзингга қараб оёқ бос. Шунда паст-баландини биласан. Мен шу ишларни қилолмадим. Душманлик устига душманлик, қувғин устига қувғин бўлди. Мурод шайх билан бирга халқни шу томонга бошлаганимда бир нарсани ўйлаган эдим. Битта майизни тенг бўлиб ейдиган шайхимга шуни айтмадим. Бу андиша, иложи бўлса, русларга яқин ерга жойлашиб олиш эди. Негаки, бу ота-боболаримизнинг азалий тутган йўли эди. Улар ёвга қарши кўкракларини қалқон қилишган. Фалакнинг гардиши билан ана шундай кунларга қолдик. Абулхайрхон бир тулки. Унинг «чанг ютасан» дегани кўрқитгани. Суянадиган халқи, довдюрак йигитлари бор киши тап тортмаслиги керак. Иттифоқчиларга тезроқ қўшилиш, тоғ-кўрғонга тезроқ бекиниш гамини ейиш — эл гамини ейиш бўлади, унинг ор-номусини сақлаб қолиш бўлади. Ҳозир гап ҳар ким ўз номи билан аталиш хусусида боряпти. Абулхайрхон бугун барча қорақалпоқлардан шубҳаланса, эртага йўқ дейди. «Алжиманг», деб жуда тўғри айтибсан. Эртами, кечми, бир бошга бир ўлим бор. Ундан қутулиб бўлмайди. Шунинг учун кези келганда дилингдагини айтиб қолганинг маъқул, болам...

Маман кеча қизиқ устида қилиб қўйган иш нима билан яқунланишини тушунди кейин... Тонг ёришар ёришмас дув бостириб келган қўнғиротликларни газаб билан нимани талаб қилишаётганини унга эшиттиришмаган бўлишса ҳам, нима гаплигини ичидан сезиб турибди. Албатта, хун, қонга — қон талаб қилишяпти! У ўз отасини жуда ўжар деб биларди, унга ёқиш ҳам қийин деб ўйларди. У ўша ўжар, бир сўзли отаси барча ишларни мақтаб, маъқуллаётганидан хурсанд эди. Борди-ю, ҳозир ажали етиб, ўлиб кетгудек бўлса ҳам, армони йўқ.

Муддат тугаб, қуёш қиёмдан оғиб борарди. Вақт яқинлашган сайин одамларнинг юраги бежо тепа бошлади. Овулга пешин намози вақти бўлганини хабар қиладиган Эшниёз охун мезанага кўтарилди. Ҳамма ёқ жимжит. Ҳатто отлар ҳам кишнамайди.

Шу пайт узоқда чопиб келаётган икки отлиқ кўринди. Уларни яхши ният билан келишаётганмикин, деган умидда кутиб турган халқ ўша томонга қаради. Улар йиғилиб турган оломонга яқинлашганда отларини секинлатишди-да, бир-бирларига қараб алланима дегандай бўлишди.

Отлиқлар Давлатбой бий билан Убайдулла бий эди. Улар Ўразан ботирни кўргани келишганда овул устига қора булутдай ёпирилиб келган қўнғиротлик отлиқларни кўриб «ҳар нима бўлганда ҳам хоннинг хонлик номи бор. Қон тўқдирмай, бости-бости қилишга ёрдам берар, бир чорасини топар, иккала уруғни мурасага келтирар», деб Ғойибхоннинг ҳузурига югуришган эди. Улар ҳозир ўша ердан келишаётганди.

Пешонасига қўлини соябон қилиб, Мурод шайх бармоғини тишлади: агар хушхабар олиб келишаётган бўлса, отларини секинлатмасди!

Ўразан ботир Маманга «сен бир оз нарироққа бориб тур», деб Мурод шайх турган ерга қараб юрди. Бу орада бийлар ҳам етиб келишди. Кўк бўз оти қоп-қора терга ботган Давлатбой бий Мурод шайхнинг ёнида тўхтаб, энтика-энтика топиб келган гапини ҳикоя қилди.

— Шайх ҳазратлари, ошни пиширолмай қайтдик. Хон олий ҳазратлари ўзим бораё деса, тобим қочиб турибди, дедилар. Маман бийга берган буйруғим буйруқ. Маллавойларга қўшилиш учун нима иш қилиш лозим бўлса, ҳаммасини унга топширдим, деди. Қўнғиротликлар кечириса, тирик қолар, Тавкахон давридан келаётган қон учун қон олиш одатини бузишга кучим етмайди, ўлиб кетса, мендан рози бўлсин, деди.

Мурод шайх Давлатбой бийга шундай ўқрайиб қарадики, кўзларининг пахтаси чиқиб кетаётгандай бўлди. Давлатбой бий нотўғри иш қилиб келаётганини тушуниб, ўзини орқага олди. Убайдулла бий ҳам орқага чекинди. Кун борган сари оғарди. Ирискул бийдан яна чопар келди.

— Азон айтадиган Эшниёз охун қани? Ўлдирдин-гизми? — деб қўшимча даъво қилибди у.

— Шайх ҳазратлари, балки Ирискул бий мен билан гаплашишга рози бўлар, яна сўратиб кўринг-чи. Балки, айтолмаётган муддаоси бордир. Ваъда қилган молларингизнинг устига менинг отимни ҳам қўшинг, қурол-яроғим ҳам беш арғумоқнинг ўрнини босади, уни ҳам қўшинг! — деди Ўразан ботир.

Мурод шайх элчиликка ёби уруғининг бийларидан юбориб турган эди. Энди ёби уруғининг Избосар баҳодир исмли йигитини ёнига олиб, ўзи кетди.

Ёбилар билан жалойирлар қўшни бўлиб яшашади. Шу сабабдан ёбиларнинг номуси учун Эсим бий ҳам йигитларини олиб келиб, тўпга қўшган эди. Ҳамма зўр умид билан шайхнинг орқасидан қараб турарди.

Улар ҳам бир мурасага келишолмади.

Эшнӣёз охун ҳали ҳам мезанада кўринмасди. Тўп-ланганлар охун тўғрисида турли латифалар айта бош-лашди. Кун ботишга яқинлаб борарди. Эшнӣёз охун намозгарда ҳам мезанада кўринмади.

Кўнғиротликлар Мурод шайхнинг гапига ҳам, ил-тимосига ҳам қулоқ солишмади. Бир парча булуғ ўр-нидан қўзғалгандай, олдинга интилишди. Ёби уруғи-нинг устига ёмғир булуғи эмас, офат булуғи бостириб келарди. Энди ҳар ўтов тепасида қон ёғади.

Маман нима қилишини билмай, «Ота» деб, ёпири-либ келаётган кўнғиротликларни кўрсатди.

Ўразан ботир ўғлига отдан тушишни буюрди.

Маман отдан тушди.

Отаси унга узангисига яқинлашишни буюрди.

Маман узангига яқинлашди.

Иягини кўтаришни буюрди отаси.

Маман иягини кўтарди.

Ўразан ботир ўғлининг тийрак кўзларига, шамол-дан қорайган юзларига, кенг пешонасига, дўрдоқ қи-зил лабларига, юмалоқ иягига, қулоқларига ҳар қанча тикилса ҳам дийдорига тўймай, «қимирлама, қимирла-ма, ўғлим», деб унга узоқ тикилди. Кўзларидан тирқи-раб ёш чиқиб кетди. Бироқ бу аччиқ кўзёшини фар-зандининг чехрасига томизмаслик учун отни тақимлаб олдинга юрди.

Ирискул бий Ўразан ботирга кўзи тушди-да, қўли-ни кўтариб, кетидан келаётганларни тўхтатди.

— Ўразан ботир, бирон нима демоқчимисиз? Шайх айтди. Бу гапларнинг фойдаси йўқ... Бизга сизнинг отингиз ҳам, қурол-яроғингиз ҳам керак эмас, эл бир-лиги учун ўелингизнинг ўрнига ўзингиз бошингизни берсангизгина бу қароримиздан қайтамыз. Бунга рози бўлмасаларинг, унда ақлли одамларга ўргатиб ўтириш-нинг ҳожати йўқ.

— Мен ўз бошим учун енгиллик сўраб келаётганим йўқ, Ирискул бий. Қадрли дўстим шайх, сен ҳам эшит, бугунги қонхўрлик сўнггиси бўлсин. Майли, Жондўс бийни менинг фарзандим ўлдирган экан, Ирискул бий ҳам ўшандай бир йигит топсин: мени ҳам от устидан ўнгариб олсину, ўшандай бўйнимдан пичоқ тортсин. Мана, шайх ҳазратлари, қурол-яроғимни олиб қол. Қи-личимни ўғлимнинг жиловдори Омонлиққа беринглар. Ўлим олдидан сизлардан ўтинчим шуки, мендан кейин икки уруғ ўртасида қайтиб чақин чақилмасин. Рози

бўлинглар! — Ўразан ботир устидаги қурол-яроғларини ечиб, Мурод шайхга узатди, ўпишиб, рози-ризолик тилашди.

Отлиқлар турган ерларида қотиб қолишди. Ўртада, ўлим майдончасида ёлғиз Ўразаннинг ўзи турибди. Боядан бери отасидан «отлан!» деган буйруқни кутиб турган Маман унинг кетганини анчадан кейин пайқаб, кўзларини уқалади-да, теварак-атрофига қаради, бирдан тундирди. Ёнида бўйинини эгиб турган отига минишни ҳам унутиб, отаси турган томонга қараб югурди.

— Ота, ота, отажон!!!

Ўразан ботир ўглининг овозини эшитди, лекин кетига қайрилиб қарамайди. Маман «Ота, отажон!» деганича унинг ёнига етиб борди-да, узангисига осилиб, ёлворди.

— Ўтинаман сиздан, отажон! Ўзим ёққан ўтда ўзимни куйдиринг, ота!

— Қоч, нари қоч!!! — деди Ўразан ботир.

Маман қулоқ солмади, ҳамон ёлворишда давом этди.

— Ота, отажон!

— Бунақа кўнгли бўш бўлма, мард бўл! Мен билан, сен мардсан! Мен ёшимни яшаб, ошимни ошадим, ўғлим... Сен ўлсанг, менинг ўлганим бўлади. Аммо менинг ўлимим сенга мерос, ўғлим. Нариди қоч! Хун олиш азалдан бор. Бўйин эгмаган — номард, эл қирилади. Агар ҳозир иккаламиздан биримиз бошимизни бермасак, ҳисобсиз бошлар кесилиб, кўзёшлар кўл бўлай деб турибди. Ўзинг айтганингдай, кўлингдан келса, кўзёши тўқтирма. Эртага менинг калламни олган одам билан, унинг уруғлари билан ёвлашиб юрма. Сенга юртимизни бирлаштириш ҳуқуқи берилган экан. Хон берган ҳуқуқдан фойдалан. Митрий тўра келган вақтда яна араз-димоғ қилиб юрманглар. Мендан кейин кўнғиротликларга қарши кек сақлаб, қасдлашиб юрма! Адоватни унут. Кўзингни юм. Орқанга ташла.

Ўразан ботир шу гапларни айтиб бўлган ҳам эдики, кўнғир қашқарга енгил миниб, қора кийинган бир барзангидай йигит кела солиб, уни отининг олдига ўнгариб олди.

Маман чипор тўриқнинг олдинги оёғини қучоқлаб, ўкраб-ўкраб йиғлади.

Юрт турган ерида қоққан қозикдай қотиб турганди. Қонга беланган Ўразан ботирнинг бўғизланган қўйдаи ерга итқитилганини кўргандан кейин, ҳамма ерга қаради. Барча кўзлардан ёш оқди, сел бўлиб оқди.

Ҳозир тўкилган кўзёшданми, ё уч кундан бери ёққан ёмғирданми, пиёдалар ботқоқ кечиб, отларнинг туёғидан лой сачраб, ҳамма тарқади. Ёби овулининг устига бостириб келган отлиқлар тумани бир зумдаёқ тарқаб кетди.

Кўз ёшини артиб улгурмаган Мурод шайх яқин бийлари билан бирга келиб, тўриқнинг олдинги оёқларига ёпишиб ётган Маманнинг тепасида тўхташди...

14

Кунлар анча илиб қолди. Тинимсиз ёмғирлардан кейин қуёш нурини эмган сахий ер биратўла ийиб кетиб, жон-жониворлар учун яшил гиламини тўшади. Узоқ-узоқ далаларга назар ташлаш, баландликдан пастга тушиш, пастдан баландликка кўтарилиш жуда кўнгилли. Бироқ бу гўзаллик эгалари — одамлар буларни кўриб қувонганлари билан кўнгилларидаги тугун ҳали ёзилмаган эди. Баҳор ёмғиридан кейин тўқнашган икки овул отлиқлари жанжали туфайли оққан кўзёшлари дилларда тош бўлиб қотиб қолганди. Тош бўлиб қолган кўзёшларини эритиш учун жазирама кунлар керак. Биров ўлса бошқалар ҳам ўлиши керакми, ахир. Ҳаётда ўзгариш йўқ, улар ўтяпти, кечагидан бутуннинг меҳнати офир кунлар бирин-сирин ўтиб кетяпти.

Мурод шайхнинг қўли ишга бормай, ўзини бу оламда ёлғиз қолгандай ҳис қиларди. Гарчи Ўразан ботир билан ҳамиша бирга юрмаган бўлса ҳам, унинг бирон томондан янгилик топиб келишини бетоқатлик билан кутишга ўрганиб қолган эди, энди уни кутмайди, Ўразан ботир ҳам энди ҳеч қачон янги гап топиб келмайди. Мурод шайх Ўразан ботир билан Маманни қанчалик яхши кўрса, энди иккаласига бўлган ўша муҳаббати кекса қалбида бирлашди, бутун ихлосини Маманга қўйди.

Шайх Маманни ҳузурига чақиртирди. Маманнинг рангги самондай сарғайиб кетган эди. Жудоликнинг дарди ёмон. Бундай одамни ҳеч нарса билан овутиб бўлмайди. Мурод шайх уни олдига чақиртиришга чақиртирди-ю, лекин ўликнинг акси урган юзини кўриб, нима деб насиҳат қилишини билмай қолди. Анчагача индамай ўтиргандан кейин, Маманнинг бир вақтдаги илтимосини эсига солиб, энди Омонлиққа ўтов қуриб бериш лозимлигини, бу ишга Маманнинг ўзи бош бў-

лиши кераклигини айтди. Шундай қилиб, етимларнинг ўтови билан овул оралиғидаги ялангликда икки кундаёқ янги ўтов тикланди. Бу ишнинг яхши томони шунда эдики, Маманнинг сарғайган юзига икки кунгача баҳор шамоли тегди. Лекин, бари бир, Маманнинг чехраси бирон маротаба ҳам ёришмади. Бир кўзлик бўлиб қолган Оллоёр ҳам уни кулдиришга ҳарчанд уринмасин, бари бир, кулдиролмади. Ҳа, унинг қалбидаги қувонч гунчаси эзиб ташланган эди.

Маман Мурод шайхнинг болалари билан бирга китоб ўқиб ўтирган эди. Қулоғи динг бўлиб, ўлжа кўрган қарчиғайдай, қаёққадир талпинди. Ташқаридан Пўлат ясовулнинг овози эшитилди.

— Шайх ҳазратлари, Митрий тўра келган эди. Хон сизни, Маманни, барча уруғларнинг бош бийларини маслаҳатга чақиртиряпти.

— Маъқул, азизим, маъқул, — деди шайх. Пўлат ясовул отдан тушмай жўнаб кетди.

* * *

Омонликдан қора гунонни қайтиб ҳеч ким сўрамади. Ўтовининг ёнида боғлоғлик турарди. Оллоёрлар келишса ҳам, гўё шу гунон туфайли келишарди. Ҳар келишганда янги ўтлардан бир қўлтиқ териб келишарди. Бу йилги қайғули баҳорда янги ўт-ўланни биринчи бўлиб шу гунон еди. Боғлоғлик туриб ҳам кўк ўт еди. Туллади. Ҳозир ялтиллади. Баъзи кунлари қора гунонни етаклаб, олисларга кетишарди-да, галма-гал миниб чопишарди, кўнгилларини ёзиб, кулишарди. Хурсандчиликдан кейин уларнинг гаплари айланиб келиб яна Маманга тақалади. Улар келишса, Маман озмунча хурсанд бўладими, озмунча қувониб, озмунча юпанадими? Ахир уларнинг шунчалик ўйнаб-кулиб юришларига сабабчи шу Маман-ку! Тўқайдан қора гунонга мингашиб қайтиб келаётган Омонлик билан Оллоёрнинг бугунги гаплари яна шу тўғрида борди.

— Маманни яхши кўрамиз, деганимиз ёлғон, — деб Оллоёр катталарга хос салмоқ билан гап бошлади. — Агар шу гапимиз рост бўлса, аллақачон унинг кўнглидаги гапини сўрамасдан топган бўлардик. Доно бийимизнинг дилидаги муддаоси нима, биласанми? Мен биламан. Кўнғиротликлардан ўч олиш. Ўразан ботирни отдан юлқиб олиб, бўғизлаган ким? Қўланбой баҳодирми ё Алиф Қорабой Қора баҳодирми? Билишимча,

унинг фикр-ёди қотил кимлигини билиб, ўшани ўлдириш. Маманнинг яна бир нияти — тош отган Эсенгелдини ҳам ўлдириш. Ана шу масалани ҳал қилсак, Маманнинг кўнглини топамиз, кулганини кўрамиз. Нега илжайсан?

— Тополмадинг, — деди Омонлиқ. — Орь кўрғонига кетаётганимизда, йўлда Эсенгелди тўғрисида гап очганимда: «Гина қилишгаям арзимади. Агар Эсенгелди биринчи бўлиб тош улоқтирмаганида, бошқа биронтаси улоқтирган бўларди. У буйруқни бажарди», деди. Бунинг устига отаси ҳам: «Мендан кейин кўнғиротликлар билан ёвлашма, ҳаммасини унут», деб васият қилган экан.

— Ундай бўлса, сен менга Айғара бийнинг қизини бир таърифлаб бер-чи. Кўрганимда эсига солиб кўрайчи. Ахир унинг тенгилар оилалик, биз тенгилар болалик бўлиб кетишяпти.

— Э-э-э, Оллоёр! Нималарни ёдимга солдинг-а, жўра! Маман оғамизнинг унда кўнгли бўлса, Оқбийдайнинг номини эшитиши билан очилиб кетади. Кўнглида заррача губор қолмайди. У қизнинг қандай гўзал, қандай латофатли эканини билсанг эди! Ўшанда «шу қизни оламан», деган эди.

— Э-ҳа, сенинг оғзинг ҳам сув очиб кетяптими, дейман.

— Асти кўявер, — деб Омонлиқ енгилгина хўрсиниб қўйди.

— Йиғлама, менга қараб гапир.

Аста-секин юриб кетаётган яйдоқ от устида Омонлиқ ўрнидан туриб, Оллоёрга қараб ўтириб олди.

— Бир сўз билан айтганда, ўша қиз учун бутун ёби уруғини қалин ўрнида берса арзийди.

— Вой-бў, жуда пастга уриб юбординг-ку. Менинг фикримча, ўша қиз жамики қуйи Сирдарё қорақалпоқларини банди қилиб берилганда ҳам Маман бий учун озлик қилади. Шунинг учун менга у қизнинг ҳар мучасини бир таърифла.

— Дала гулини кўрганмисан?

— Эсинг борми ўзи? Ўзимиз дала гуллари орасидан келяпмиз-ку.

Омонлиқ очилиб ётган гуллар орасидан энг чиройли, гунчаси гуж бўлиб турганини кўрсатиб, «ана ўшанга ўхшайди», деди.

— Тушунарли. У ёғини ўзим тушуниб оламан.

— Кийикни кўрганмисан?

- Кўрганман. Аммо ушлаб ё еб кўрганим йўқ.
- Қўзлари кийикнинг кўзларига ўхшайди.
- Ўлик кийикникигами?
- Тирик кийикникига.
- Гапиравер.
- Тиниқ кўл бўйидаги қамишни кўрганмисан?
- Кўрганман. Ўҳ-ҳў! Киприклари ўшанга ўхшайди-ми?

— Худди ўшанақа. Узоқда учиб кетаётган қора кушни кўрганмисан?

— Кетинга қара, ана, биттаси учиб кетяпти. Ана, анови элас-элас кўринаётган оқ тоғнинг бағрига қара.

— Кўрдим, кўрдим. Қошлари худди ўшанақа. Бухоронинг қизил олмасини кўрганмисан?

— Сени қара-ю. Егани нон тополмай юрган одамга олма қаёқда.

— Юзларини айтмоқчи эдим. Сарвни кўрганмисан?

— Кўрмаган нарсаларимни сўрайвер.

— Биз Орга борганимизда кўрган эдик. Қадди-қомати мисоли сарв. Бўйи ўшанақа, демоқчи эдим. Ойсиз тунни кўрганмисан?

— Қоронғи тунни десанг-чи!

— Сочи ана шунақа. Илга тизилган маржонни кўрганмисан?

— Эшниёз охуннинг тасбеҳини кўрганман.

— Тишлари ундан ҳам оппоқ, майда.

— Пишган сутнинг юзини босадиган қаймоқни-чи?

— Эшниёз охуннинг эшигида оғзимизнинг сўлаги **оқиб** ўтирганда қозон тўла сути тошиб, қопқоғини кўтариб, тўкилиб кетганини иккаламиз бирга кўрган эдик-ку. Эсингдан чиқдими?

— У кўпик-ку, мен қаймоғини айтяпман. Лаби қаймоқдай, демоқчи эдим. Энди бўлар. Айтмоқчи, сен нукул Эшниёз охунни гапирасан. Бу одам зикна бўлгани билан, ҳо анавинда қўнғиротликлар устимизга бос-тириб келганда, азон айтмагани учун мен уни яхши кўриб қолдим.

— Вой-бўй, топган гапингни-я. У кишини ўшандан бери ким яхши кўрмайди дейсан.

— Ҳой, хосияти йўқ жулдурвақалар, отга унақа минманглар, — деди узоқдан бир овоз.

Иккови ҳам ялт этиб ўша томонга қаради. Қичқирган Эшниёз охуннинг ўзи экан. Сигири далада туғиб қўйганга ўхшайди, ўзи ориқ, кичкина одам бўлсаям, бузоғини этагига солиб, салласини қизил сигирнинг

шохиға боғлаб, етаклаб келяпти. Оппоқ соқоли сигирнинг йўлдошиға тегиб булғанибди.

Иккови охуннинг аҳволидан пиқ-пиқ кулишгандан кейин, Омонлиқ яна тўғри ўтириб олди. Овул тарафдан халта орқалаб келаётган Бектемирға дуч келишди.

— Янгилик, янгилик, — деб Бектемир пешонасининг терини сидириб ташлади. Елкасидаги сузма халтадан зардоб сизиб, тирсагидан томчилаб турибди. Оллоёр отдан сакраб тушиб, Бектемирдан халтани олди...

— Э-э, мана бунинг — янгилик. Ишқилиб, ўғирламадингми? Ҳа, шунақами? Энди бизлар ҳам қурут қилиб оламиз.

— Янгилик шуки, Маман бийлар кетишди. Хонникига кетишди. Шайх билан бирга кетди, — деди Бектемир.

— Кетди, кетди, дегунча дурустроқ гапирсанг-чи. Нега кетди? Хоннинг олдига кетганини қаяқдан билдинг?

— Избосар баҳодирларнинг уйида маслаҳатлашишгаётган экан. Барча уруғ бошлиқларини хон чақиртирибди. Митрий тўра деган одам келган эмиш.

— Митрий тўра?

— Ҳа, Омонлиқ, Митрий тўрани танийсанми? Жуда хурсанд бўлиб кетдинг. Майли, майли, гапирмай қўя қол, барака топгур. Митрий тўра тўғрисида бир эмас, бир неча маротаба гапиргансан. Қани, Бектемир, сен гапир-чи.

— Избосар баҳодирлар овулда одамлар йўқ пайтида бориб, Ўразан ботирнинг ҳақ қони учун бир иш қилишмоқчиға ўхшайди.

— Ана! Маман оғанинг муддаосини топдимми? Кейинги вақтларда сени ташлаб кетаверадиган бўлди. Энди тушундингми?

— Ундай дема, Оллоёр. Мен кимман? Мен бир қамчиман. Истаса отини савалайди, истамаса эгар қошиға илади, ёдидан кўтарилса, уйида қозикда илиғлигича қолдираверади.

— Мана, бу сенинг нодонлигинг. Сен яроқсиз қамчисан. Менга отингни бериб тур, мендан, сендан қандай қамчи чиқишини кўрсатиб қўяман. Сен хипчинсан. Ҳозир бораман-да, Избосар баҳодирларға қўшиламан, борди-ю, мени сафларига қўшишмаса, ўзим қўнғиротликларнинг овулиға бориб, Маман оғанинг ўчини оламан. Ахир биз ёбилиқларнинг қонидан тарқаган

кучуклармиз. Қонимиз учун курашамиз, ҳамма бийлар ҳам шундай қилишади.

Омонлиқ нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб турган эди. Оллоёр яна ирғиб отга миниб олди-да, Омонлиқни итариб тушириб юборди, отга қамчи босиб, елиб кетди. Омонлиқ:

— Оллоёр, орқанга қайт! Оллоёр!!! — деб чақирганича қолаверди.

15

Ғойибхон кўчиб келган вақтида моли унча кўп эмас эди. Икки-уч йил ичида беҳисоб моллик бўлиб кетди. Шу ваддан кўралари кенгайиб, кўшни кенагас уруғига бориб тақалди. Шундан кейин кенагас овули илгаригидай кенагас овули деб эмас, хон овули деб аталадиган бўлди.

Хонга қарашли уч ўтов бир-бирига яқин, ёнма-ён қилиб тикилган. Узоқдан кундузи қараган одамга қум тепага, кечаси қараган одамга киши чўчийдиган учта қора тошга ўхшаб кўринади. Илгариги донғи кетган кенагасларнинг кўпдан тилга олинавормасликларининг сабаби ўша «кундузи қум тепага», кечалари «қора тош» бўлиб кўринадиган ўтовларнинг касофати. Бойлари, бийлари бу касофатнинг бефойдалигини тушунишади, бироқ ҳаммалари ҳам гинг деб оғизларини очишолмайди. Ҳеч қайсиси ўз ҳолича кўчиб кетолмайди, кўплари «хоннинг овули» деб аталишидан мағрурланиб, ўзининг кимлигини унутиб кўяди, кечаси-ю кундуз хоннинг молини кўпайтириш пайида бўлади. Хондан мол кўпайтириш, шикорга чиқиш сирларини ўрганиб, кенг ерларни эгаллаб ўтирганлари ҳам оз эмас.

Тун. Азалдан ерга чўккан қора тошга ўхшаш хон ўтовининг эшигидан тушаётган нур юлдуз шуъласидай ялт-юлт қилиб, қоронғиликка сингиб кетарди. Ичкарида халқнинг келажаги тўғрисида кенгаш борарди. Ҳаммадан кўпроқ Митрий тўранинг тилмочи гапираётганди. У аввал ўзини Мансур деб таништириб, мусулмонларнинг ҳақиқий дўсти эканлигини таъкидлади. Кейин Дмитрий Гладишев, хон ҳамда шайхнинг ора-ларидаги муносабатни силлиқлаб, фикрларини гоҳ русча, гоҳ татарчалаб таржима қилиб турди. Оқ кўнгил қорақалпоқ халқи ўз ихтиёри билан рус бандиларини бўшатиб юборгани учун Дмитрий Гладишев билан Иван Неплюев бу халқни яхши кўриб қолганини,

уларни қалби пок, меҳри дарё халқ экан, деб атаганини, энди Митрий тўра юраклари кафтларида турган ана шу халқ илтимосини оқ подшога етказувчи каптар сифатида келганини долигулига қўйиб тушунтирди.

Фойибхон ҳам бўш келмай:

— Ҳа, рус бандиларини ўз ихтиёримиз билан бўшатдик, — деди ва Дмитрий Гладишевга миннатдорчилик билдирди. Гапларимни чала тушунтирмасин, деб тилмочининг юзига тикилди.

— Фойибхон Кичик юзнинг ярмини менга олиб берсин. Дунёда бор қорақалпоқларни бир ерга тўплаб, менга топширсин. Митрий тўрага шуни айтинг, деб илтимос қиляпти, — деб тушунтирди Мансур тилмоч Гладишевга хоннинг гапларини.

Кўзларининг атрофи ёлқин шуъласидан қизарган Дмитрий Гладишев истеҳзоли жилмайди-да:

— Иштаҳаси зўр экан-ку, — деди.

Бу гапни тилмоч хонга тушунтирмади.

Хон Гладишевнинг истеҳзоли жилмайиб қўйганидан шубҳаланиб:

— Нима деяпти? — деб сўради.

Мансур тилмоч кулди.

Хоннинг билмоқчи бўлганини пайқаган Гладишев:

— Бу ёғини подшо билади, деб айтиб қўя қол, — деди тилмочга.

Шайх оз гапириб, кўпроқ ўйларди. Митрий тўранинг олдида кулги бўлиб қолишдан қўрқарди. Иш чатоқ. Булар бир фикрга келишганлари билан ҳали Ирискул бийлар нима дейишади, бошқа бийлар-чи? Хон нима учун Ирискул бийни чақиртирмабди? Оғзига етай деганда чанқоқ бости яна тўкилса-я? Бу сафар тўкилмаслиги керак.

— Шайх нега гапирмайди? — деб сўради Гладишев унинг хаёл суриб ўтирганини пайқагандай. Тилмоч ва-зифасини бажарди.

— Азиз Митрий тўранинг келганларидан хурсандмиз, — деди шайх миннатдорчилик билдириб. — Каттагина халқмиз. У боши билан бу бошини тўплаб улгуролмаяпмиз. Бирдан-бир илтимосим шуки, подшо бизларни ҳам қозоқлардай кўрсин.

— Маъкул маъкул, шайх ҳазратлари. Оқ подшога етказамиз, — деди Гладишев.

— Азиз тўрам, ваъдамиз — ваъда, — деди яна шайх.

— Бизга оқ подшонинг ҳузурига қандай боришни, нима билан боришни маслаҳат берарсиз.

— Петербург олис. У ерга манави Маманга ўхшаган ғайратли, бақувват-бақувват йигитларгина бориб кела олади. Ўзи ҳам бир оз русчани билар экан. Унинг қўлига қасамнома тайёрлаб берасизлар. Нима тилакларинг бўлса, ўша хатга ёзинглар. Мен биламан, сизларда урулар кўп. Баъзида урулар ажралишиб, ўзларича хонлик тузишади. Бошлиқлари бир-бирларини менсимай, кўкракларига муштлайди. Келажакда бир ёқадан бош чиқарайлик десаларинг, ҳар битта уруғнинг номидан ҳам алоҳида қасамнома ёздириб олинглар. Ҳаммасига муҳр босилсин. Асосий қасамномага хон билан сизнинг муҳрингиз босилган бўлиши керак. Фарзандларингизнинг ҳам номидан тайёрлайверинг. Илтимосноманинг охирида вақтинча эмас, мангуга, бола-чақаларимизнинг даврида ҳам дўст бўлайлик, деб сўранглар.

Мансур тилмоч бунни яхшилаб, атрофлича тушунтирди. Ўтирганлар «шундай, тўра ҳазратлари, шундай, болаларимиз ҳам дўст бўлишади», дейишарди.

— Худо сени ёрлақасин, азизим, — деб шайх Гладисевга бош эгди. Бошқа бийлар ҳам Гладисевга таъзим бажо келтиришди. Гладисев қабул қилаётган тўраман, деб ўтиравермади. Ўз навбатида ўрнидан турдида, ҳаммага қараб қўл қовуштириб таъзим қилди.

Тонг билан Дмитрий Гладисев жўнайдиган бўлди. Ҳамма: «Бизнинг овулимизга юринг, меҳмон бўлинг», деб таклиф қилди. Шошилиб турган экан, Оренбургга бориши, Хоразм томонлардан хабар олиши керак экан.

Жўнаб кетиши олдида:

— Бу учрашув сизларга бўлган ишончимни оширди, деди у. — Янгикентни қайта қуришни бошлаб кўйиб, ташлаб юборибсизлар. Шуни давом эттиринглар. Агар қасамномани тайёрлашда маслаҳат керак бўлиб қолса, — деб қасамномани ёзиш йўлини тушунтирди, зарур бўлиб қолса, сира тортинмасдан Орь қўргонидаги мирза Иван Неплюевга учраб туришни тайинлади. Мансур тилмоч ҳам ўша ерда бўлишини, ўзи ҳам ҳадемай ўша томонга боришини айтди.

— Оқ йўл сизга, — деди Ғойибхон. — Улуғ мартабали подшоҳингизга кўпдан-кўп салом айтинг. Ўла-ўлгунча хизматидамиз. Ҳокимиятимни кенгайтириб берса, қорақалпоқ халқи қиёматгача дўст бўлиб қолади.

— Дмитрий оға, борганингизда оқ подшоҳга айтинг, агар бизнинг илтимосимизни қабул қилсалар, душманга душман, дўстга дўстмиз, — деб кўшиб кўйди Маман ҳам.

— Мен сизларнинг қанақалигингизни озгина бўлса ҳам биламан. Уруғлар орасидаги низоларга барҳам беринглар, — деди жўнаб кетаётиб Гладишев ва Маманнинг бошини силаб қўйди. — Сен, ёш бий, ота-боболарингга ўхшама. Халқнинг номусини ўйла. Ахир сен русчани ҳам биласан. Рус тилини қандай ўрганганингни Кузьма Бородиндан эшитдим. Узим десанг, ўзгага бўлолмайсан. Узгани десанг, ўзингга бўлолмайсан. Сен иккаласини ҳам уддала. Подшо шунда яхши қабул қилади. Ноаҳил халқ ҳеч ким билан дўст бўлолмайти.

Улар ноаҳиллигимизни билмай қўя қолсин деган ўй билан Уразан ботирнинг ўлимини унга билдиришмади. Гладишев ҳам унутган шекилли, сўрамади.

— Яхши одам экан, — деди Ғойибхон уларни кузатиб келишаётганда. — Эшитган эдим, ҳақиқатан ҳам, улар бир сўзли бўлади. Хонлигимизни кенгайтирсак, бизнинг омадимиз. Шундай эмасми, шайх ҳазратлари?!

— Ўлсанг ҳам гўринг кенг бўлсин дейишади, хон олий ҳазратлари.

— Келмаган ўжар бийларни нима қилса бўлади-а? — деди хон. Бу саволи билан хоннинг бийларни танлаб чақиргани билинмай қолди. Шайхлар, бийлар буни тушунишмади.

— Хон олий ҳазратлари, бу масалага жиддий киришиш керак, — деди Маман. — Русларнинг кўп эртақларини эшитганман, қаҳрамонларини биламан. Улуғ подшолари тўғрисида ҳам эшитганман. Халқни бирлаштириш учун қаттиққўл бўлиш керак.

— Қаттиққўл бўлиш керак, — деб унинг гапини маъқуллади хон. — Бироқ қўнғиротликлар жуда бебош уруғ. Ирискул бий азалдан ёбилликларга ҳам ҳукмрон бўлишни орзу қилади. Сизларнинг номингизни эшитса, тепа сочи тикка бўлиб кетади.

Кун ботиш тарафдан отликлар кўринди. Ўртада келётгани ўтиришидан Ирискул бийга ўхшайди. Хон уларни кўриб тўхтади. Хоннинг тўхтаганини кўриб, шайх билан Маман бий ҳам отларининг жировини тортишди. Ирискул бий яқинлашар-яқинлашмас отдан тушди, хонга таъзим билан салом берди. Шайх ҳам хон қатори от устида алик олди. Маман бий узоқ ўйланиб ўтирмади. Ёш бўлгани учун хундорлигини ҳам унутиб, отидан тушди. Ирискул бий билан ерда саломлашди. Маманнинг озгин юзига қараб, Ирискул бийнинг оталик меҳри уйғонди, ҳурмат қилиб отдан тушгани учун «кўп яша, ўелим, бахтли бўл», деди. Маманнинг ҳам

кўнгли юмшади. Иккови ҳам хоннинг ижозати билан отига минди.

— Ҳурматли меҳмонларни ҳозир кузатдик, — деди хон уйига бошлаб келаётган Ирискул бийга.

— Бизни кутмабсиз-да?

Хон «айб шайхда» дегандай шайхга ишора қилди. Ирискул бий индамади, бироқ ёбиларга нисбатан сўна бошлаган адовати яна лов этиб, тишларини гижирлатиб кўйди.

— Шайх ҳазратлари, — деди хон. — Биз Ирискул бийга сарқитни едириб чиққунимизча ҳаммаларинг кенас уругининг бийи Нуралиникига йиғилиб турсаларинг қандай бўларкин?

— Жуда маъқул, хон олий ҳазратлари.

Хоннинг мақсади Ирискул бийга сарқит едириш эмас, уни кеч чақиртирганига бирор муҳим ваз-карсон кўрсатиш эди.

— Ирискул бий, — деди хон ўтовга келгандан сўнг. — Сиз келмадингиз. Ўртада анча-мунча гап ўтди. Митрий тўра кўнғиротликларни жуда кўп йўқлади.

— Сайрдан қайтиб келаётган жойим, хон олий ҳазратлари.

— Лаънат ўша ёбиларга, сира адоватлари адо бўлмади-бўлмади-да. Митрий тўранинг олдида Ирискул бийнинг бўлиши шарт эмас, биз бормиз-ку дейишди.

— Митрий тўрага айтадиган гаплар бор эди, зарари йўқ, ўзлари айтишгандир. Бироқ аҳиллик бўлмаса, ҳеч нарса бўлмайди. Ўша Маманнинг ёнига Эсенгелди кўшилмаса бўлмайди. Парокандалик авж оляпти.

— Парокандалик?!

— Ҳа, хон олий ҳазратлари.

— Ўша ёбиларга ҳозирги шон-шавкати ҳам оз эмас. Яқин орада уларни кўнғиротликларга кул қилиб бераман. Эсенгелдини ёнига кўшиб кўяман. Бироқ бу ишни сиз бошланг. Бир оз ҳийла ишлатиш керак. Сиз устомонликни билмайсиз.

— Шундайми, хон ҳазратлари?

Вазиятни кескинлаштираверса хоннинг ўзига ҳам қийин бўлиб қоларди, сир ҳам очилиб қолиши мумкин эди, шунинг учун хон гапни бошқа ёққа бурди.

— Уларга кўшилсак, чегарамиз кенгаяди. Еримизни кўпайтириб беринг деб ўзим илтимос қилдим. Тамоми қорақалпоқ бир ерга тўплансин, дедим. Албатта, бу халқ ичида энг кўпи кўнғиротликлар. Тамоми қорақал-

поқ деганим тамоми қўнғирот деганим эканини фаҳмлаган бўлсангиз керак. Убайдулла, шу ердамисан? — деди хон овозини қўтариб. Хоннинг катта ўғли Убайдулла ичкарига кирди. Ўғли ўзига ўхшаган калтабақай эмаскан. Норғул, кўсанамо, оқ сариқдан келган йигит экан. Онаси ё тоғаларидан бирига тортган бўлса керак. У чўккалаб отаси томон эгилди. — Қўнғиротнинг бош бийига чанқоқ бости келтиринглар. Ие, нега унга таъзим қилмадинг? — деди хон.

Убайдулла султон Ирискул бийга таъзим қилди.

— Эсенгелдини ёнига қўшиб қўяман, хафа бўлмади, — деди хон ўғли чиқиб кетгандан кейин.

Уша заҳотиёқ чанқоқ бости олиб келинди.

* * *

Нурали бий жуда кам гап, йиғинларни унча хушламайдиган одам эди. Унинг бундай одамови бўлиб қолишига сабаб бор. Жунғорлар билан бўлган урушда икки бетини найза тилиб, тиртиқ бўлиб қолгани, пастки лаби осилган бўлиб, бир кўзи шилпиқланиб юрарди. Шикор билан ҳам, уруш-жанжал билан ҳам иши йўқ.

Маслаҳат сўраб келган ёшларга насиҳати битта:

— Ошиқ ўйнаган озади, тўп ўйнаган тўзади, ҳаммасидан ҳам кўй боқиб гўштни еган ўзади. — У бу гапни кўп такрорлайди. Ўзи ҳам шу айтганларига амал қилади. Молнинг кетидан юргани-юрган. Ёрдамчилари билан бирга мол боқади, суғоради, қўрага қамайди. Унинг бойлиги шу меҳнаткашлигидан деб тушунган кенагас йигитлари ҳам хаёлини бўлмай, мол боқади. Етим-есирлари ҳам бошқа овулларга изгишмайди. Хон қўшни бўлгандан бери кенагас овулига келиш-кетиш ҳам кам, моллари ҳам ўғирланавермайди. Хон битта-яримгани хизматга чақириб қолмаса, ҳеч қайсиси ўзича хоннинг ҳузурига бормайди. Бу жиҳатдан обрўйини қўлдан бермайдиган овул. Бироқ хон бунинг йўлини топган: ўзига маъқул тушмаган меҳмонларни буларникита юборарди, ё бўлмаса «бизнинг молларимиз бўғоз, битта қисирдан бериб юборсин», дейди. Меҳмонга булардан мол олиб сўяди. Митрий тўрага сўйилган кечаги мол ҳам кенагас бойники. Улар шунга ҳам хурсанд.

Битта камчиликлари шуки, улар болаларини Мурод шайхнинг ҳузурига ўқишга юборишмайди. Шунинг

учун шайх ҳам бу овулга келишни унча хуш кўрмайди. Хон тақлиф қилгандан кейин ноилож бийларни шу ёққа бошлади.

Нурали бий кўра тозалаб юрган экан. Қалпоғини соябон қилиб қараб, шайхни таниди. Курагининг сопига иягини тираб туриб, салом берди.

— Нурали бой, хоннинг буйруғи билан келяпмиз, — деди шайх от устиди. — Ўтов ҳозирлат. Элимизнинг азиз шунқорлари уйингда туз тотмоқчи.

— Тўхтапўлат! — бойнинг овозига бўз кўйлакли, сочлари ўсиқ, кўзлари тийрак ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги яланг оёқ бола югуриб келди. — Шайх отанга салом бер, ўғлим, — деди унга бой. Бола шайхга ҳам, Маманга ҳам қўл қовуштириб салом берди. — Катта ўтовга жой қилинглар. Меҳмонлар келишади, — деди болага.

Тўхтапўлат югуриб кетди.

Бой кўранинг ичини курак билан тозалайверди. Маман бу одамга ҳайрон бўлиб қараган эди, шайх:

— Одати шунақа, — деб қўйди.

Нурали бой меҳмонларни совуқроқ қабул қилиб, ёнларига кириб ўтирмаган бўлса ҳам, хон султонлари, Ирискул бийни эргаштириб келганидан кейин, кўнгилдагидай кутди. Дарров ўртага калла қўйдирди.

Бийлар узоқ маслаҳатлашишди. Илгариги гапларни яна ўртага ташлашди. Бир-бирларига «бизнинг уруғ фалон қилади, бизнинг уруғ писмадон қилади», деб мақтанишди ҳам. Маслаҳат битай деб турганида қош кўяман деб кўз чиқарганлар ҳам бўлди. Баъзилар уруғларида сўзларига кирмайдиган қайсарлар ҳам борлигини айтиб, шикоят қилишди. Хуллас, бўлиб ўтган гаплар ноаҳиллик борлиғини кўрсатди.

Хоннинг рухсати билан Маман сўз олди.

— Хон олий ҳазратлари, шайх ота, отахонлар, оғалар, — деб илгаридай хотиржамлик билан Бородиндан эшитган барча ҳикояларини қисқагина қилиб айтди, соҳибқирон Амир Темур тadbирларини мисолга келтириб, сўзининг охирида бирликка чақирди. Бу сафар у атайлаб отасининг гапларини эслатмади, яна низо чиқиб қолиши мумкин, деб ўйлади. Маман элни бир дарахт, уруғларни шу соя берадиган, дарахтнинг шохлари, бийларни томирлари деб таърифлади. Дарахтнинг битта шохи қуриса, кейин аста-секин ҳамма шохлари қуриб, ҳеч кимни қизиқтирмайдиган бўлиб қолишини таъкидлади. Митрий тўра жўнаб кета туриб айт-

ган гапларни эшитмаганларга яна такрорлади. Шайх Маманни қанчалик яхши кўрмасин, бунчалик гапга уста, ақлли деб ўйламаган эди, унинг гапларига ҳангманг бўлиб қолди. Бийлар ҳам ўйга толишди. Маманнинг гапидан кейин ўзини сояли дарахтнинг ўзаги деб ўйлаган Ғойибхон бирдан:

— Маман ақлли гап гапирди. Иттифоқчиларга қўшилиш масаласининг ихтиёрини унга берганим-берган; фармоним-фармон, — деб юборди ва: — Уруғларнинг топган-тутгани аллақачонлар гап-сўзсиз бир ерга тўпланиши керак эди. Шайх ҳазратлари шогирдларини ҳар тарафга жўнатсинлар. Улар менинг шу қароримни бор қорақалпоқ халқига етказишсин, — деди.

Ҳеч ким индамади. Бир-бирларидан азмойиш ола бошлашди.

Ирискул бий хоннинг гапида озгина тилёғламалик борлигини сезди-ю, бироқ индамади. Балки, бошқалар бирон нарса пайқашгандир, деб ўйлади, лекин ҳеч ким ҳеч нарса демаганидан кейин, бу гапнинг тагига етолмай қолди.

— Бийлар, — деди хоннинг гапидан руҳланган Маман яна. — Агар орамизда бирликни бузадиган одам бўлса, калласи олинсин. Ўз калламизни ўзимиз кесиб бирлашмасак, русларнинг қутқуси билан четдан бостириб келган душман бир зумда қириб ташлайди бизни. Уруғларимизнинг гапларига қараганда, илгари кўп халқ бўлган эканмиз, ҳозир камайиб кетганмиз. Камаймасликнинг йўли шу.

— Катта кетдинг, Маман, — деди Ирискул бий. — Ўзимиз оз бўлсак, яна ўзимизнинг бошимизни ўзимиз олиб турсак, унда нима бўлади? Шайх ҳазратлари, эндиги умидимиз сиздан.

Ирискул бийнинг мулойимлик билан айтган тагдор гапи Мурод шайхга малол келди, асабийлашганидан совуқ тер чиқиб кетди, бўш келмасликка ҳаракат қилиб:

— Ўтмишимизни бир эсла, Ирискул бий, — деди.

Хон фармон бериб, дадил қилиб қўйган ёш бийнинг гапларидан кейин кўзлари аланг-жаланг бўлиб ўтирган бийлар ҳатто ивир-шивир қилишга ҳам журъат қилишолмади.

Ирискул бий хонга, шайхга, бийларга кўз қирини ташлаб олиб:

— Маман болам, — деб ёш бий томонга ўтирилди. — Оталар ақли бамисоли дарё бўлади, ўғлим. Ҳам энтиктиради, ҳам қалқитади. Шунинг учун маслаҳатлашга-

нинг ўзинга фойда. Хон олий ҳазратлари мақбул фармон бердилар. Бир илтимосим шуки, кўнфиротимизнинг йигитларидан Эсенгелдини ёнингга олсанг. Шунда кўнфиротликларга бир кўлнинг сувини бошқа кўлга қуй, десанг қуяди.

Ирискул бий тўғри кўнгил билан гапирган эди, бошқа бийларга ёқмади. Маман ҳам унинг чин юракдан айтаётганини тушунмай, индамай қўя қолди.

Мурод шайх Ирискул бийнинг гапини эшитиб, унга ачинди. Эҳтимол у йигитларининг чизган чизигидан чиқолмай тургандир.

— Ирискул бий тўғри илтимос қилди, — деди шайх.

— Иккалови ҳам битта дарахтга малҳам бўлсин, — деди хон. — Боя айтувдим. Анови Омонлиқ дегани ким бўпти ўзи? Ўшанда сени ўлимдан сақлаб қолганлар егимлар эмас, Маман. Фармонни мен берганман. Шайх ҳазратлари, тушунтирсангиз-чи! Ёдингда бўлсин, бизникилар чегарангни кенгайтириб беришади, барча қорақалпоқларни бир ерга йигади. Норасолар яхши деб, шогирдларингиз ҳамма ёққа маълум қилишсин, шайх ҳазратлари.

Шайх хонга қараб, «маъкул» дегандай бош ирғаб қўйди.

Маманнинг ёнига кўнфиротликлардан Эсенгелдини қўшишни хон қувватлагани учун Давлатбой билан Убайдулла бийларнинг ҳам илтимослари чиқиб қолди: «Хон олий ҳазратлари, хон олий ҳазратлари», деб мурожаат қилишган эди, хон уларнинг нима дейишини билмасдан: «Мен чарчадим. Бўлди энди, тарқалинлар. Айтган вақтимда одам юборинлар. Бизни меҳмон қилган Нуралига ташаккур, имонини берсин. Омин!» деб ўрнидан кўзгалди. Султонлари ҳам дув этиб туришди. Кичкина болалар «қовун-қовун» ўйнашганда тупроқни ўйиб-ўйиб, бирдан бузиб кетгандай, ишни ҳамиша чала қилиб кетадиган хоннинг бу қилиғи ҳамманинг дилини огритди-ю, лекин ҳеч ким ҳеч нарса деёлмади.

Ўша сафар Давлатбой бий билан Убайдулла бий қаттиқ хафа бўлиб қолишди. Ташқарига чиқишгандан кейин хон Убайдулла бийни ёнига чақириб олиб, елкасига қоқиб, алланималар деди. Гапини ҳеч ким эшитмади.

Ичи пишиб кетган Ирискул бий:

— Шайх ҳазратлари, бир-биримизни тушуниб олгунимизча бу дунё билан хайрлашадиган вақт ҳам етиб

қоладими дейман, — деди кинояомуз жилмайиб. — Ҳар қалай ҳисобга олиб қўйинг, ёбилиқлар қўнғирот-ликларсиз узоққа боришолмайди.

— Хон бир нима деб шиширган бўлса, дарров ҳаддиларингдан ошиб кетманглар, — деб огоҳлантириб қўйди шайх. Шундай деди-да, Маманга қараб: «Қани кетдик, болам», деб овулга қараб йўл олди.

* * *

Давлатбой бий Убайдулла бий билан йўли бир бўлгани учун уни кутиб турган эди. Давлатбой бий ҳамроҳининг чехрасидан хонданми, ё бўлмаса, бошқаларданми, хулас, газабланиб келаётганини пайқади.

— Шу хоннинг хузурига не-не орзу-умидлар билан келасану, қайтишингда иймонингдан айрилиб, қўлингни ювиб қўлтиғингга уриб кетаверасан.

Давлатбой бий ҳам вақти келганда хон билан пинҳона гаплашган, ўшанда у ҳам нималарни гаплашганини айтмаган. Шунинг учун Убайдулла бий ҳам унга тайинли бир гап айтмади.

— Хон олий ҳазратлари иликнинг каттасини бизга бермоқчи бўлиб юрган экан, — деди фақат.

— Ўшанда бизни ҳам ёдингиздан чиқармассиз, — деди Давлатбой бий жуда ҳафсаласи пир бўлиб. У диққати ошиб шундай деди-ю, отига қамчи босди.

* * *

Хоннинг айрим бийларни бир чеккага чақириб гаплашадиган одати бугунгидай очиқ-ойдин билинмаган эди. Аввалига сўз бермай, кейин Убайдулла бийга пинҳона бир нималар дегани ҳамманинг юрагига гулгула солиб қўйди. Фақат хон тўғрисида эмас, Убайдулла бий ҳақида ҳам бадбин фикр туғилганди. Бошқаларда ҳам шунақа фикр туғилганини сезган Маман бий йўлда шайхдан сўради:

— Шайх ота, хон қанақа одам, билолдингизми?

Шайх Маман бий қандай ният билан сўраётганини дафъатан тушунолмай, хоннинг Эсенгелди хусусидаги фикрига қўшилмаётган бўлса керак, деб ўйлади.

— Тушунганимдаям оламга ўт қўярмидим, ўғлим, — деди у. — Хоннинг ўзи шунақароқ. Лекин унинг Эсенгелди билан биргалашиб иш тут, дегани чакки эмас.

Бу Ирискул бийнинг фикри. Бугун Ирискул бийга разм солдим. Анча шаштидан тушиб қолибли.

Маман бўз гунонини қолдириб, отасининг оёғи чи-пор тўриғини минган эди. Тўриқ йўрға эмасди. Илгари бирга юриб ўрганиб қолган жонивор устидаги эгаси ёш йигит эканидан беҳабар, сувлиқ чайнаб, Мурод шайхнинг оқ отига тенглашишга ҳаракат қиларди. Буни кўрган шайх Маманга отнинг жиловини бўш қўй, деди. Отлар тенглашди. Маманнинг кўнгли кўтарилиб, узангига тиранди.

— Шайх ота, Ирискул бийнинг нияти холислигига ишонасизми?

— Болам, у билан биз жуда кўп нон-туз бўлганмиз, аччиқ-чучукни бирга тотганмиз. Ақлли эди. Гапнинг ўғил боласини гапирарди. Кўнғиротда Ирискул бийнинг ихтиёрисиз ҳўкиз кавш қайтармасди. Сўнги пайтларда алжиб қолди. Кўнглида муз бор. Бу кексайиб, мияси айниб қолганидан нишона, элини бошқаролмай қолди. Ҳар қалай, болам, хоннинг гапидан чиққан одам, ўзбошимчилик охири ёмон бўлади. Ўша Эсенгелди билан дўст бўл.

— У ҳали ёш-ку, ота. Болалик қилиб, илгариги қилмишларидан ўзи кўрқиб юрмаса, мен аллақачон унутиб юборганман.

— Сайдулла, отингни жадаллат! — деди шайх орқасидан келаётган жиловдорига.

Шайхнинг хаёли жиловдорига кетгач, Маман ҳам отининг жиловини тортиб, секинроқ юра бошлади. У жиловдори Омонлиқни эслади. Хон чақиртирганида у билан хабарлашолмади. Бунга шайх сабабчи: «Нима қиласан, болам, юртнинг жаҳлини чиқариб? Омонлиқнинг отга минганини кўраверса, юртнинг тепа сочи тикка бўлади», деди. Тепа сочи тикка бўлса, нима бўпти? У бечора гап нимадалигини билмасдан, мендан хафа бўлиб ўтиргандир. Йўқ, у ақлли йигит. Койинмайди. Олмагул-чи, ўзи муштаткина-ю, жуда ақлли-да! Отинчалар каби доно, «Маман оға, Маман оға», деб гапирарди. Фақат йиғлашини кўрсанг, бола дейсан. Жуда диёнатли, оқибатли уруғлар. «Тенгинг отга минмай, отга минмайсан!» Бу гапни ким айтувди? Оллоёрми ё Омонлиқми? Майли, ким айтган бўлса ҳам, бу гапда жон бор. Тенг тенги билан, тезак қопи билан дейдилар. Қариялар ақл ўргатишади-ю, уйқуга тушишади. От тепкисини от кўтаради, пешингача уришиб қолсанг, пешиндан кейин ярашасан. Ҳаёт тенгинг билан

гаштли. Ана, шайх ҳам жиловдори билан қулишиб кет-
япти. Омонлиқ билан биз ҳам шунақа қулишамиз. Ол-
лоёр бўлса, кулгининг кони. Омон бўлсин бечора. Уни
ҳам уйлик қилишнинг иложини топиш керак...

Мурод шайх:

— Маман! — деди. Хаёл суриб келаётган Маман
бошини кўтарди. Узоқда бировнинг отда олиб келаёт-
гани кўринди. Афтидан, кўнгилсиз хабар олиб келаёт-
ганга ўхшайди. Иккови ҳам таққа тўхтади.

— Нима бўлди? Нима гап? — деб сўради шайх
олисан.

— Яна уруш, яна сур-сур! Овулга кўнғирот отлиқ-
лари бостириб келишди! — деди отлиқ шоша-пиша.

Маман олдинга интилиб, от кўймоқчи эди, шайх:

— Тўхта! — деди ғазаби қайнаб. — Изинга қайт!
Сен хондан фармон олган одамсан. Пўлат ясовулни
агар берса, яна икки ясовулни олиб, тезда овулга бор.

— Бу сафар айбдорни аямайман! Калласини ола-
ман! — деб Маман отини кетига бурди-да, қуюндек
учиб кетди.

* * *

Ўразан ботирнинг ўлими Ирискул бийни ҳам қат-
тиқ қайғуга солди. Бу дардни бировга билдирмай, ичи-
га ютди, баджаҳл бўлиб қолди. Агар бировга билдирса,
ўз уруғининг ор-номусини оёқости қилган бўларди.
Бусиз ҳам кўнғирот уруғи пароканда бўлиб кетяпти.
Жондўс бий учун Маман бий ўлдирилмай, Ўразан ўл-
дирилганига уруғнинг кўпчилиги норози. Бойкўчқор
бийлар ўз овули қолиб, яна икки овулга таъсирини
ўтказди.

Ирискул бий ўзини ўт билан сув ўртасида қолган-
дек ҳис этар, ёлғиз юриб, ўз ёғига ўзи қоврилар эди. У
қанчалик хафа бўлмасин, кеча учрашганида Маман-
нинг отдан тушиб саломлашгани кўнглини бир оз кў-
тарди. Ғойибхоннинг Мурод шайх тўғрисидаги гапи
яна авзойини бузган бўлса ҳам, Эсенгелдини Маман-
нинг ёнига қўшишга рози бўлгани яна кўнглига тас-
кин берди. Хуллас, Ирискул бийнинг кўнгли алағда.
Хон Убайдулла бийни гапиртирмай, ҳамманинг кўзи
олдида бир чеккага чақириб сирлашгани аламига алам
қўшиб, ич-этини кемира бошлади. «Э дунёи бева-
фо!» — деди Ирискул бий тишини гижирлатиб ва оти-
нинг сағрисига ширт этиб қамчи туширди. Кўнғир оти

бир текисда йўргалаб кетди. Йўрғасида боғичи ҳам қи-
мирламай кетаётган Ирискул бий яна хаёлга чўмди.
Яна ўзидан ўзи норози. «Нима учун кўнғиротликлар
қўл остимдан чиқиб кетяпти? Нега булар уялишмайди?
Нега менинг гапимга кирмайди? Кексалигимданми ё
бўшанглигимданми, ўзим ҳам илгаригидай қаттиққўл
эмасман, латтадай бўшашиб кетдим. Улар шундан
фойдаланишяпти. Маман тўғри айтди: ўзимизнинг
калламизни ўзимиз олиб бирлашмасак, русларнинг
қутқуси билан четдан келган душман бизни қириб
ташлайди. Ақли бола. Йигирма яшарлигидаёқ ақли
мендай олтмиш яшар чолнинг ақли аранг етадиган
нарсаларга етяпти. У бундай ақли қаердан ўрганди?
Русчани ҳам билади. Катта душманнинг кўнглида ни-
ма борлиги Маманга беш қўлдай аён. Худо берган ун-
га. Иккала дунёси ҳам обод бўлсин! Яшаб-яшнасин!..
Мен ҳам илгарилар шундай ўт юрак эдим. Кўнғирот-
ликлар шунинг учун ҳурмат қилишларди мени. Ахир
кўркмаса сийламайди-да. Йўқ, йўқ!..»

Ирискул бий ёлғиз ўғлини ўйлади. Элликка яқин-
лашганда кўрган ўғли бор. Исми исмимга мос бўлсин,
тўра бўлсин деб, ўғлининг исмини Тўрақул қўйган. Тў-
рақул отаси орзу қилгандай бола бўлиб чиқмади. Тили
чучук, бир ўйинга тушиб кетса, овқат ейиши ҳам эси-
дан чиқиб қолади. Бора-бора одам бўлиб кетар деган
умид билан шайхга элтиб топширди. Ҳар ҳафта қочиб
келади. Ирискул бий ўғлининг одатларидан куйиб, ки-
ши билмас қаттиқ койирди. Ирискул бийнинг оти бир
маромда йўргалаб борарди, у яна ўғлини ўйлай бошла-
ди. Фикрлари чувалашиб кетди: «Элнинг қўл остимдан
чиқиб кетишига сабаб — йўлимни давом этдиргудек,
отга мингудек зурриёт йўқ. Кўзим юмилган куни Тўра-
қулни янчиб ташлашиб, бийликни ўзлари олишади.
Мен ўлмасимданоқ бошланди. Бойқўчқор бийлар ҳад-
дидан ошяпти, юртни Эсенгелди сўрасин, дейишади.
Мен йўқ деяпманми? Битта кўнғиротликнинг оёғига
тикан кирса, суягим сирқирайди. Тушунишмайди, улар
тушунишмайди. Энди замон бўлакча бўлади. Маман
доно чиқди. У ҳатто эл-юртни бирлаштириш учун со-
ҳибқирон Амир Темур қўллаган тадбирларни билади.
Унинг учун ёби ҳам, кўнғирот ҳам, манғит ҳам, хитой
ҳам, кенагас ҳам, жалойир ҳам бир. Қорақалпоқ халқи,
дейди. Ҳамма халқ бир дарахт, дейди. Энди ажойиб
замонлар бошланармикин-а? Нималарни ўйлаяпсан,
Ирискул? Шайх ёбиларни деса, Ўразан ёбиларни деб

кетган бўлса, Маман ўшаларни демайдимиз? Ўшаларни дейди. Ғойибхон нима дейди? Улар кўнғиротликлар устидан ҳукмронлик қилишмоқчи. Ҳеч бўлмаганда, Эсенгелдини қаторга кўшиб кўйиш керак. Албатта кўшиш керак. Лоақал кўзим тириклигида кўнғиротликлар хўрланмасин. Қарға қарғанинг кўзини чўқийдимиз? Ахир кўнғиротликнинг ўели-ку... Ирискул алжидинг, тушунмас экансан. Ёш дононинг донолигига ишониш — эл бўлиш, бўлиш дегани. Ахир кўрмайсанми, беғуноҳ бандиларни бўшатиб, ўлимга ҳукм қилинди. Тенгқур етимлар бошини ўлимга тикиб, уни сақлаб қолишди. Ахийри келиб кофирларни бўшатдинг деган гапдан қочиб юрганлар, энди «биз бўшатдик» деб, мартабага эришди, тили узун бўлди. Бу хабар подшога маъқул бўлади. Олдиндан кўра билиш деб шуни айтади-да!..»

Оти бир текисда йўрғаласа, фикрлари ҳам равон кўйилиб, оти қоқилса хаёллари ҳам ҳар тарафга тўзиб кетаётган Ирискул бийнинг олдидан кўён чиқиб қочди. У буни ирим қилади. Изидан қувлаб кетди. Бийнинг от чоптириб кетаётганини кўрган икки жиловдори ҳам кетидан шошилди. Улар етиб боргунча кўённи отга бостирган бий кетидан келган отлиқлардан бирига буюрди:

— Отдан туш, сўй!

Овулга яқинлашганларида бели букчайган бир қария олдидан кетди. Утинга кетаётган экан. Қария ўсиқ қошларини кўтариб, Ирискул бийни таниди.

— Кўнғиротнинг хони, эл нотинч бўлиб турганда, сен йўргангни суриб юрибсанми?

— Нима дединг? Қайтар! — деди жаҳл билан Ирискул бий ва қариянинг ўсиқ сочларидан чангаллади.

— Яна туғишганлар ўртасида талончилик бошланди.

— Нима деяпсан, мияси айниган чол? Дурустроқ тушунтирсанг-чи. Одам ўлмадимиз?

— Ҳой, қари қашқир, сочимни кўйиб юбор! — деди қария бўш келмай. — Хабар берган тилни боғлашга урингандан кўра, элингнинг ғамини е. Одам ўлмади. Бир яйдоқ қора отлиқ мени савалади, — деб қария яғринини очиб, қамчи изларини кўрсатди. — Савалатиб юравер. Сени деб ўлиб бўлдик. Бўлмаса ўрнингни Бойқўчқор бийга бўшатиб бер. У сендан кўра ғайратли. Йигитлар билан ўч олгани кетди.

Қариянинг гапларини зўрға тинглаб турган Ирискул бий кетига бурилиб, жиловдорларига буюрди:

— Ҳой, ярамаслар, тезроқ ҳайданглар! Ҳозироқ жўнанглар, бийларни ўнта-ўнта йигити билан бошлаб келинглар! Тез! Бўла қолинглар! Тез!

Ирискул бийнинг жиловдорлари сабабини суриштириб ўтирмасдан, икки томонга қараб от қўйди.

Ирискул бий турган ерида қимирламай, қичқиради:

— Тез! Тез! Тезроқ!!!

16

— Азизлар! Шўр пешоналар!.. Қарғиш урганлар! Мусулмонлар!.. Шўрлик қорақалпоқлар!..

Мурод шайх узоқдан шундай деб қичқириб келаётганди. Унинг гапларига қулоқ соладиган кимса йўқ. Ёби овулининг кунботар томонидаги ялангликда отлиқлар, пиёдалар жиққамушт. Кимни ким ураётганини билиб бўлмайди. Уймалашиб ётган отлиқлар бир-бирига бўш келмайди. Баъзан бошлари тепасида чўқморлар кўришиб қолади. Сочлари ёйилган аёллар, яланг оёқ болалар, қариялар узун калтак кўтариб, мол қувиб юришибди. Баъзилари далага қочган молларни қувиб кетаётган бўлса, тўпдан ажралиб чиққан баъзи отлиқлар пиёдаларни қамчилайди, молларни қайиради-да, ўз овули томон ҳайдайди. Уни кўрган отлиқларнинг айримлари молни ҳайдаб кетаётган отлиққа етиб олишади-да, уни қамчилашади, қайтиб, яна жангга киришади.

Мурод шайхнинг бақира-бақира овози бўғилиб, ҳеч ким қулоқ солмаганидан кейин, ёниб кетди. Оқ бўз отини тўдага урди. Бақувват от тўпни ёриб кириб бораётган эди, қамчисини тишлаб, олдидаги бировни отдан ағдармоқчи бўлиб келаётган Бойқўчқор бий шайхни кўриб қолди.

— Ҳа, шайх ҳазратлари, ҳам ўғри, ҳам ҳоким бўлишга уялмайсизми?

Қиёмат-қойимда гапнинг нималигини тушуниб етмаган шайх Бойқўчқор бийга қамчи солди.

— Қайт кетингга! Биз на ўғри-ю, на ҳоким, устингга бостириб борганимиз ҳам йўқ.

Бойқўчқор бий тушунтиришга ҳаракат ҳам қилмади. Шоша-пиша қамчисини кўтариб, шайхни урмоқчи бўлиб турганида, Оллоёр кетидан келиб, Бойқўчқор бийнинг билагига хипчин билан солди. Бийнинг қўлидан қамчиси тушиб кетди.

— Тўхтанглар! Сабабини тушунтиринглар! — деб қичқирди яна шайх.

Оломон орасидан Избосар баҳодирнинг қонга беланган боши кўринди. Шайх ундан нима гаплигини билмоқчи бўлиб, отини ўша томонга бурган эди, кимдир отини қамчилади. Қамчи кўтармайдиган оқ от шайхни тўғри далага олиб қочди. Олдидан Маманлар чиқиб қолмаганда, от кўтариб кетадиган экан, зўрға тўхтатишди.

Маманнинг ёнида Пўлат ясовулдан бўлак яна икки ясовул бор эди. Жанжалнинг нимадан чиққани тўғрисида шайх бирон аниқ гап айтолмади.

— Нима бўлганини билмайман. Бас-бас! Бойкўчқор бийнинг «ҳам ўғри, ҳам ҳоким» деганини эшитдим, холос. Гапига қараганда, айб бизнинг йигитларимизда шекилли, — деди. Маманлар қора терга ботган отларини тўхтатмай, тўполон бўлаётган ерга боришди.

— Ҳой, одамлар, одамлар! Ёби қўнғиротга, қўнғирот ёбига душман эмас! Урушни тўхтатинглар, қорақалпоқлар! Қарғиш теккан одамлар, тўхтатинглар!

Маманнинг овози жуда баланд эди. Чеккароқда уришаётганлар Маман томонга ўгирилишди. Маманнинг оғзидан «ёби қўнғиротга душман эмас», деган гапни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолишди. Баъзилари хон ясовулларини кўриб, енглари билан пешоналарининг терини, бурниларидан оқаётган қонни артишди. Бироқ бу орага тушганлар пиёзнинг пўсти эди, холос.

— Тўхтанглар, суякка тўймаган итлар! — деди Пўлат ясовул. Унинг овози Маманнинг овозидан ҳам ўткир эди. Отлиқларнинг тўпи яна ҳам камайди. Маман яна қулоқларни шанғиллатиб бақариб, отини олға сурди, бояги гапларини яна такрорлади. Пўлат ясовул билан шериклари отларини ҳайдаб, итдай ғажишиб, бир-бирини кўйиб юбормаётганларни бир чеккадан савалай бошлашди... Одамлар ўзларини ҳар томонга уриб тарқалишди. Ўртада бели лат еган иккита от билан, кўкраги эзилган икки одам сулайиб ётарди.

— Қани, ростини айтинглар, бу нима гап? Уришни ким бошлади? — деди шайх.

Чарчаган одамлар тиллари тутилиб, то далил топгунча, Бойкўчқор бий тилга кирди.

— Била туриб сўраманг, шайх ҳазратлари, — деди у жаҳл билан. — Ё чиндан ҳам билмайсизларми, — деб яна заҳарханда билан сўради у. — Ўзим айтиб берайми? Бир тўда итларинг овулимизни талади, — деб Бойкўч-

қор бий рўпарасида бурнининг қонини артаётган кўк дўнонли йигитни кўрсатди. — Биз манови итдан куйдик.

Бу ёбиликлардан Алий бий деганнинг катта ўғли Қалий эди. Маманни кўриб дадилланган Қалий тонмади, Бойкўчқор бийга ўдағайлаб.

— Кўнғиротликларга ҳали бу ҳам оз, — деди у. — Ёлғиз Уразан ботирнинг қасоси учун бир чеккадан найзага илиш керак.

— Бас қил! — деб Маман Пўлат ясовул томон ўгирилди. — Хон номидан буюраман, буни отнинг думига боғланглар!

Пўлат ясовул ёнидаги шериклари билан югуриб бориб, Қалийни отдан ағдаришди, бўйнига сиртмоқ солиб, отининг думига боғлашди.

— Нега қараб турибсизлар? Отни қамчиланглар! — деди Маман кўли қалтираб турган ясовуллардан бирига. У то буйруғи бажо келтирилгунча сабри чидамай, кўк гунонга кетма-кет қамчи босди.

Оллоёр ҳозиргина гаплашиб турган йигитнинг отнинг орқа оёқлари орасида судралиб кетаётганини кўргач, чидай олмади.

— Ҳой ёвуз, бошинг учун аввал отангни берган эдинг, энди уруғингни қира бошладингми? — деб қора гунонни икки томондан қамчилаб, Маманга қараб келаётган эди, Бойкўчқор бий:

— Мана, Маман, бизни қийнаган кучуклардан яна бири мана шу. Энг кекса қариямизни савалади, — деди.

Қизишиб турган Маман чидолмасдан буюрди:

— Боғланг!

Имога маҳтал бўлиб турган ясовуллар буйруқни шу ондаёқ бажаришди. Бир дақиқадан кейин қора гуноннинг орқа туёқлари орасида ерга урилиб Оллоёр ҳам кетди. Маман жаҳл устида қаттиқ бақирди:

— Қани, яна ким бор?!

Атрофда турганларнинг тиллари танглайларига ёпишиб, юраклари гуп-гуп ура бошлади. Бир чеккада Избосар баҳодир ҳам турарди. Бойкўчқор бий Избосар баҳодирга қаради. Избосар баҳодир индамади, лекин Бойкўчқор бийдан кўзини олиб қочмади ҳам. Тик қараб тураверди. Иккови бир-бирига узоқ тикилиб қолди. Избосар баҳодир кўнғирот уруғига йигитларини бошлаб боргандан кейин уларни иккига бўлиб, бир гуруҳига уйкудаги овулларнинг молларини ҳайдатган,

иккинчи гуруҳига ўзи бош бўлиб, ариқларнинг бошини қўндириб юборган эди... Қарама-қарши томондан келиб қолган ўжар такалардай, бир-бирига кўз олайтириб турган бу икковидан ҳеч ким кўз узмай турарди.

Избосар баҳодир овулда одамларни қийнамагани учунми, ё бўлмаса ёбиликларнинг шундай атоқли бир баҳодирини отнинг думига боғлатса, уволига қоламан деб кўрқдими, ёки тап тортмай, тик қараб туришидан ҳайиқдими, Бойқўчқор бий тескари қаради-да:

— Манави тўпнинг йигитлари ҳам қатнашди, — деб қамчисининг учи билан Избосар баҳодирга ишора қилди.

— Отдан туш, Избосар баҳодир, — деди Маман. Избосар баҳодирга қўшилиб ўнга яқин йигит ҳам отдан тушди.

— Кўлларини боғланглар!

Маманнинг буйруғи сўзсиз бажарилди. Избосар баҳодирга қўшилиб отдан тушганларнинг ҳам қўли боғланди.

— Яланғоч қилиб, кечаси чивинларга ем қилинглар!

Барча буйруқларни Маман бераётгани учун ҳамма унга қараб анграйиб қолганди. Кўпчилик ичида ёш бийнинг буйруғини қайтармаслик учун шайх тишини тишига қўйди. Ҳеч ким гапини қайтаришга журъат этолмаганидан хурсанд бўлган Маман:

— Бойқўчқор бий, энди кўнглингиз жойига тушди-ми? — деди.

Бойқўчқор бий Маманга жавоб бериш ўрнига, отлиқларига қараб қичқирди:

— Маманни худо ёрлақасин! Кетдик!

Йигирматача отлиқ гур этиб, отига миниб, йўлига равона бўлаётган эди, шайх уларнинг орқаларидан:

— Ҳой кўнғиротнинг итлари, анови яраланган кўпакларингни ҳам ола кетинглар, — деди ва бели мертилган от ёнида сулайиб ётган ярадорни кўрсатди.

Бойқўчқор бий йигитларидан бирига имлади. У ирғиб отидан тушди-да, ярадорни отининг олдига ўнгариб олди, кейин ҳаммалари отларини елдириб кетишди.

— Тарқалинглар!

Маманнинг бу буйруғидан кейин ҳатто Мурод шайх ҳам нари кетди. Пўлат ясовул шериклари билан бирга Избосар баҳодирларни овулга ҳайдаб кетишди...

Кун ботай деб қолганди. Кенг далада эман билан ҳориган, жунжиккан оёғи чипор тўриқ устида Маман-

дан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Нима қилиб қўйганини ўзи ҳам тушунмайди, ҳайрон. Отининг олдинги оёқларидан кўзини узмайди. Уни ўзига келтириш учун бир пиёда келяпти. Ҳар елкасига бир бола жойлашгудай яғриндор, барваста. Қора теридан қалпоққа ўхшаш қулоқчини бор, соқоли қора, эллик ёшлардаги киши. Отнинг ёнгинасига келган пиёдани Маман танимади.

— Кимсиз? — деб сўради ундан.

— Сайдулламан, Маман. Мурод шайхнинг жиловдориман. Ёбиликман. Сенга насиҳат қилгани келдим. Ёшсан, болам. Узоқ умр кўришни ўйла. Узоқ яшайман десанг, қарғиш олма, олқиш ол.

Маманнинг кўзига ёш тўлганми ё бўлмаса, қон қуйилганми, Мурод шайхнинг жиловдори Сайдулла девни чиндан ҳам танимади.

— Йўқол! — деб жеркиб берди уни.

Сайдулла дев индамади.

Маман ҳамон ўша ерда қотиб турибди, худди тош ҳайкалга ўхшайди. Кўзғалиш, юриб кетишнинг иложи йўқ. Ҳозиргина чарақлаб очилиб турган осмонни бир зумда қора булут қоплаб, тоғ тепасидагиси қорамтир тусга кирди. Зилдай қора булут ўрnidан кўзғалиб, босиб келаётгандай, унинг нафаси қисилди. Кўзлари тинди. Кўнгли айнади. Нима бўлаётганини тушунмай кўзларини юмди, очганда теварак-атрофни туман қоплаб олган эди. Тоғ ҳам, овул ҳам кўринмайди, якка эман ҳам ёнида йўқ. Осмон узилиб ерга тушганга ўхшайди. «Мени нечук босиб қолмабди? Булутнинг кучи етмаганмикан? Менга-я? Йўқ йўқ!» деган садо қулоғи остида жаранглаб турарди. «Етимлар! Маманни тўсинлар! Маман учун... жонимизни фидо қиламиз!..» «Кўриқлади, жонини фидо қилди!» дея ғудраниб, Маман ағдарилиб тушди. Пешонаси ерга тақ этиб теккач, кўзини очди. Отини етаклаб кетаётган Сайдулла девни кўрмади. Назарида оти бояғи ерида турганга ўхшарди. Унинг юришга мажоли йўқ. Ўзини худди ўлиб қолаётгандай ҳис этди. Тириклигини билиш учун бурнини чимчилади, бор кучи билан чимчилади, кўзи очилди. От кўранинг эшигини очиб турган хизматкорни кўрди. Бу Ҳелветнинг жиловдори эди. Ёнида Ҳелветнинг ўзи ҳам турибди.

— Нима қилиб қўйдинг? — деди Ҳелвет.

Маман жавоб бериш ўрнига йўлга тушди. Ўтовга кириши билан бир чеккага ёзиб қўйилган тўшакнинг устига юзтубан йиқилди. Қулоқлари шанғилларди: «Етимлар! Маманни тўсинлар!.. Етимлар!..»

Мурод шайх кириб, Мамандан бошқаларни ўтовдан чиқариб юборди.

— Безовга қилманглар! Шундай ҳам ўз қилмишидан ўзи қийналяпти. Ётсин!

* * *

Бойқўчқор бий мақсадига етиб қайтаётгани билан унчалик хурсанд эмас. Хаёлида ёби йигитлари қасос олмоқчи бўлиб, устларига бостириб келишаётгандай бўларди, шунинг учун орқаларига қараб-қараб қўйишарди. Рўпарала чанг кўринди. Булар Ирискул бийлар эди. Ўзаро қанчалик аразлашиб юришган бўлишмасин, кетларидан катта куч чиққанини кўриб, кўнгиллари кўтарилди. Бойқўчқор бий йигитларининг олдига чиқиб, Ирискул бийга салом берди, бўлган воқеаларни қисқача гапирди.

— Икки йигитни отнинг думига боғлатгани ростми? — деб қайтариб сўради Ирискул бий.

— Рост, кўнғиротнинг хони, рост, — деб бир овоздан қичқиришди йигитлар.

Ирискул бий уруғининг атоқли бийлари-ю ясовулларини эргаштириб чиққан эди. Уларга бир-бир қараб чиқиб:

— Бойқўчқордан ўзларинг сўраб кўринглар-чи! Қулоқларимга ишонмаяпман! — деди.

Суяндиқ бий қайтариб сўради. Бойқўчқор бий боя-ги жавобини яна такрорлади.

— Йигитлар, Маман тўғри гапирибди. Ёбилар кўнғиротликларга азалдан душман эмас. Мен келгунимча нега сабр қилмадиларинг, ҳовлиқмалар! — деб ҳам жаҳли чиқиб, ҳам хурсанд бўлиб гапирди Ирискул бий. — Янги адолатли одам чиқибди. Баъзиларимиз олтмишга чиққунча ҳам фақимиз етмаган нарсага йигирма яшарлигидаёқ тушуниб турган бу одил буйруқнинг эгасига раҳмат! Энди манави кўнғиротликларнинг кўзларига тушган чўпни отдан ағдаринглар!

Буйруқ сўзсиз бажарилди. Бойқўчқор бий отдан ағдарилди.

— Оёқ-қўлини боғлаб, от устига кўндаланг ташланглар!

Ирискул бийнинг бу буйруғи ҳам ўша заҳоти бажарилди.

Ёш Эсенгелди қизишаётган эди.

— Ўзингни бос, кучук! — деб буюрди Ирискул бий. — Жаҳлимни чиқарма. Нега кирпига ўхшаб жийириласан?

Отаси от устида оёқ-қўли боғлиқ, кўндаланг кетаётганига Эсенгелдиннинг юраги ачишди-ю, лекин бирон илож қилолмади.

Отлиқлар голиблик билан эмас, энг қадрли одамларини ерга қўйиб келаётгандай, йўлда индамай кетишарди.

17

Маман уйғонганда тонг оқара бошлаган эди. Бошини кўтариб, кийимлари билан ётиб қолганининг сабабини эслади, эслади-ю, бошини яна ёстиққа ташлади. Уйнинг ҳавоси бузулиб кетгандай, нафаси қисилди. Яна ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Худди тўшагига ёпишиб қолгандай, қадини кўтаролмади. Бир оздан кейин намозга азон айтилаётганини эшитиб, сапчиб турди. Ташқарига чиқди. Овулда алақачон одамлар гимирлашиб юришарди, лекин илгариги кайфият, шовқин-сурон сезилмасди, ҳатто подага жўнатиш учун бўшатилган сигирлар ҳам маърашмасди. Маман қулоқларим битиб қолмаганмикан, деб иккала қулоғини уқалади, бояги-боягидай.

Намозини ўқиб, ташқарига чиққан шайхга салом берди.

— Бошингнинг оғриғи тарқадими, болам? — деб сўради шайх.

Маман шайх отасининг саволига жавоб бериш ўрнига, кечаги Избосарларнинг қаерга боғланганини сурштирди. Шайх кейинги вақтларда феъли айниб, кўрс бўлган, бир оз манмансираб қолган йигитни ёқтирмагандай бир зум юзига тикилиб турди-да, чарақлаб чиқиб келаётган қуёш тарафга ишора қилди. Аравага боғлиқ йигитларни кўриб, Маман лабини тишлади. «Менинг фармонимга ҳеч ким қулоқ қоқмабди. Ҳеч ким мени уялтиришга ботинмабди. Бу куч менга қаердан келди? Хон номидан буюрганим учун бўлса керак. Бечораларнинг бола-чақалари кечаси билан чувиллашиб чиқишгандир»...

— Маман, нега бармоғингни тишлаб қолдинг? — деб шайх унинг хаёлини бўлди.

Маман зардаси қайнаб гапирди.

— Мен хоннинг буйруғини бажаришим керак, ота, — деди у. — Маллавойларга қўшилиш хусусидаги мажлисни ўша араванинг ёнида ўтказсак. Ясовуллар қани?

— Биз шу ердამиз, — деб Маманнинг орқасидаги ўтовдан Пўлат ясовуллар чиқиб келишди. Мурод шайх Маманнинг фикрини тушунди. «Одамларни бир оз кўрқитиб қўйиб гаплашмоқчи экан-да».

Маман Пўлат ясовул билан саломлашишни унутди.

— Шайх ота, одамларни тўпланишга хабар қилишсинми? — деди.

Жаҳли чиқиб юрган шайх бир оз юмшади, унинг юзи ёришганини кўриб, Маман тўғри йўл тутаётганига ишонч ҳосил қилди-да, Пўлат ясовуллар билан бирга Избосар баҳодирлар боғланган арава томонга қараб юрди.

— Нонуштага овқат тайёрлашган эди, биратўла еб чиқа қолинглар, — деди шайх.

Ичкарига кирганларидан кейин шайх яна гапирди.

— Избосар баҳодирларни бўшатганимиз маъқул. Агар бўшатмасанг, Маман болам, одамларнинг қаҳри кўзиб қолади.

Маман жавоб бериш ўрнига ясовулларга қаради. Бу унинг ўз қудратини намойиш қилиш эди. Шайхнинг фикрини қайтариб ўрганмаган ясовуллар индашмади. Маман ҳам узоқ ўйлаб ўтирмасдан, боғланганларни бўшатишга рухсат берди.

Шайх гумонсираб қолди: «Избосар баҳодир бўшайдан кейин ўч олиш пайига тушмаса яхши эди. Кечадан бери боғлоғлиқ ётганининг аламини олиш ниятида келса, тўпланганларнинг кўнглига гулгула солиб қўйиши мумкин. Ёби уруғи яна бўлиниб кетади, балиқ бошидан сасийди, деб шуни айтадилар-да. Бундан Маман газабланади, ҳеч кимга ишонмайдиган, ўзбошимча бўлиб қолади».

Шайх шу хаёллари билан овора бўлиб, нонушта қилиб бўлишгунча индамади. Шайхнинг кайфияти яхши бўлмагани учун бошқалар ҳам гапиришмади. Шунинг учун Маман ўзини бир оз босиб олди.

Туш пайтида ёби уруғининг каттадан кичиги Избосар баҳодирлар боғланган араванинг ёнига жам бўлиб, суҳбатлашиш фурсати етганда ҳам Маман ҳали жаҳлидан тушмаган эди. От устида узангига оёғини тираб қаттиқ-қаттиқ гапирарди. Ўзи тушунганича эл ўртасидаги бошбошдоқликнинг сабабларини очиб берди. Ҳар уруғнинг ўзига ўзи бек бўлиб юрганини исботлашга

ҳаракат қилди. У хон ясовулларининг орасида тургани учунми, ҳеч ким гапани бўлмади, ўзаро шивир-шивир ҳам қилмади, гапларига ҳамма диққат билан қулоқ солиб турарди.

Маман яна соҳибқирон Амир Темурни таърифлаб кетди. Абулхайр хон ҳузурига олиб борган рус карвонбошилари билан бўлган суҳбатларини, уларнинг узоқни кўзлаган ниятларини оқизмай-томизмай айтиб берди. Орь қўрғонида ҳам хон уларни қандай хўрлагани, хуллас, кейинги вақтларда халқи ҳаётида юз берган барча кўнгилсизликларни бир-бир санаб, гапининг қанчалик ҳақиқатлигига гувоҳ қилиб ҳурматли шайх ва бошқа кўплаб бийларнинг номларини келтирди.

— Оғалар, оталар, бу гапларни мен сизларга ақл ўргатиш учун айтаётганим йўқ, — деди Маман бир оз юмшаб. — Ўзларинг ўйлаб кўринглар. Ақлини югуртирган одамга бир уруғ юлғун, иккинчиси ўрик, учинчиси янтоқ, тўртинчиси ёвshan, бешинчиси қийшиқ тўранғил. Хуллас, бир тўқайнинг ҳар хил ўсимликларимиз. Бири кесилиб қуритилса, иккинчиси ёқилиб кетяпти. Бу тўқайни сақлаб қолиш учун кучли, тадбирли қоровул керак. Бу атрофдаги энг қамровли халқ — руслар. Тақдиримизни ўшаларга топшириб бўлмайди. Лекин биз улар билан мураса қилиб яшашга мажбуримиз. Шунда Цоден-Рабдан ҳам, Аюбхон ҳам, Абулхайрхон ҳам бизни ҳеч нарса қилолмайди. — Маман Мурод шайхнинг шогирдларини тўплаб, олдинда турган Эшнӣёз охунга қаради.

— Охун ота, қорақалпоқ бийларининг номидан рус подшоҳига аҳднома тайёрлаб берсангиз, — деди.

Мурод шайх Маманнинг ақлига, донолигига бола вақтидан ишоғиб келган бўлса ҳам, бундай тадбирли деб ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳайрон қолди. Агар шундай қилмаса, қизиб турган тандир совуб, ёпиштирган нонлари тушиб кетади. Йигитни қўллаш керак.

— Маъқулми, охун? — деди шайх ҳам Эшнӣёзга қараб.

Маманнинг саволига жавоб беришга иккиланиб, шайхнинг фикрини билмоқчи бўлиб турган Эшнӣёз охун ялт этиб унга қаради-да:

— Маъқул, шайх ҳазратлари, — деди.

Юрт ҳамон сув сепгандай эди. Бир-бирларининг юзларига тикилишиб, қани, қайси азамат гапиришга журят этар экан, деб туришарди. Азонда қўл-оёқлари ечилган, қайта кийиниб, от-отига миниб келган Избо-

сар баҳодирларнинг оти сал олдинроқ чиқиб турганига юрт бир оз хавфсиради, агар яна жанжал кўтарилгудек бўлса, араванинг тагига яширинишни кўзлаганлар ҳам бор эди.

Маманнинг ҳам кўнгли нотинч эди. Пўлат ясовулга «бохабар бўлинглар» деган маънода қараб қўйиб, шайхга ўтирилди. Унинг тинч, осойишта турганини кўриб, бир оз хотиржам бўлди. Избосар баҳодир шерикларидан олдинга чиқди-да, юртга гапирмоқчи эканини билдириб, қамчисини юқорига кўтарди. Орага яна жимлик чўкди.

— Ёби уруғининг ор-номуси йўлида Маманнинг фикрини қувватлайман. Охун оға, рус подшосининг номига аҳднома ёзадиган бўлсангиз, биринчи бўлиб ўзим қўл қўяман, муҳр босаман, — деди у.

Эшнӣёз охун бошқаларга ўхшаб, унинг нима демокчилигини билмасидан олдин, яна жанжал чиқармаса эди, деб қўрқиб турганди.

— Аҳднома эмас, шартнома, иним, — деб ҳазилга бурди охун.

— Аҳднома ҳам, шартнома ҳам, аслида, битта маънони англатади, — деди Маманбий. — Яъни, ёвуз ниятли душман юртимизга қўққис бостириб келмаслиги учун тинч-тотув яшаш тўғрисида аҳдлашмоқ ёки шартлашмоқ лозим. Айтмоқчи, мен илгари ҳам қутлуг ишлари, оқилона тадбирлари ҳақида сизларга бот-бот эслатиб ўтганим буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари: «Сендан минг чандон қудратли бўлган ёвдан қочиб қутилиб бўлмайди. Аксинча, унга мардонавор пешвоз чиқиб, сулҳ тузиб, сир-асрорини обдон билиб олиб, имкони бўлса, душманни ичидан айнитиб, сўнгра ниятни амалга оширмоқ даркор», деганлар. У зоти шарифга ўзларининг пирлари шундай маслаҳат берганлар. Биласизлар, биз русларнинг юртига бостириб бормоқчи эмасмиз, аммо руслар бизнинг юртимизга бостириб келиши мумкин. Чунки улар қудратли. Қудратли куч эса баъзан ўзини жиловлай олмай қолади — бутун дунёга эгалик қилишни истайди. Шунинг учун калтабинлик туфайли ўз бошимизни кундага қўймаслигимиз керак. Ҳозирги шароитда биз учун энг оқилона йўл — сулҳ, шартнома. Қолаверса, ота-боболаримиз ҳам улар билан тинч-тотув яшашга ҳаракат қилганлар. Лекин, зулм ҳаддан ошиб кетгач, Эдил бўйларида оқ подшога қарши кўтарилган кўзғолонга қўшилиб кетганлар. Эдил ботқоқларида яшайдиган мужиклар ҳам, улар-

нинг йўлбошчиси Болотников ҳам маҳв этилгач, ота-боболаримизнинг бошига битмас-туганмас мусибатлар тушган. Хуллас, энди мудҳиш кулфатларнинг олдини олмоғимиз керак. Шартнома — биз учун ягона нажот йўлидир.

Тўпланганлар эркин нафас олишиб, бир оз жонлангандай бўлишди, оғирликларини у оёқларидан бу оёқларига солишди.

— Шайх ҳазратлари, руслар билан қадимдан тинч-тотув яшаганимиз ҳақида китобда ёзилганми? — деб сўради биров.

— Китобда эмас, боболаримизнинг суякларига ўйиб ёзилган, — деб Мурод шайх халқ орасида сақланиб қолган бир афсонани ҳикоя қилиб берди. Бу афсонада айтилишича, ёвқур боболаримиз кўзғолончилар сафида ҳатто Москов шаҳрини қамал қиладилар. Бироқ, аслзода дворянлар гуруҳи халққа хиёнат қилади. Кўзғолончилар чекинади. Ботқоқдан чиққан баҳодир деб ном чиқарган йўлбошчи Болотниковнинг кўзлари ўйилиб, ўзи сувга чўктириб ўлдирилади. Аслида, Болотников салжуқийлар қўлида узоқ йиллар бандиликда бўлган оддий қарол эди. У бизнинг ота-боболаримиз билан бемалол қорақалпоқча сўйлашарди, халқпарвар, камбағалпарвар инсон эди. Шундай жасур инсонни оқ подшо қатл қилдиради. Русларда жасорат мана шундай «қадрланади». Яъни, жасоратнинг мукофоти — ўлим! Ўша кўзғолон қонга ботирилгач, боболаримиз Эдил дарёсининг куйи оқимиға кўчадилар... Кейин қандай кулфатлар бошимизга тушганини ҳали-ҳануз унутганимиз йўқ. Биз руслар билан шартнома тузаётган пайтимизда зинҳор-базинҳор аччиқ ҳақиқатни ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Биз рус халқига, оддий меҳнаткашларга душман эмасмиз, улар ҳам бизнинг душманимиз эмас. Аммо, оқ подшо билан мураса қилмоқчи бўлсак, қатикни ҳам пуфлаб ичмоғимиз лозим. Акс ҳолда яна-тагин оғзимиз куйиб қолиши мумкин.

— Бу гапларни хоҳ афсона деб, хоҳ ҳақиқат деб барча овулларга эшиттириш керак, — деди оломон орасидан биров.

— Тўғри, буни халқ билиб қўйсин. Мен буларни ёшлигимда битта қўнғирот чолдан эшитганман. Майли, савобию гуноҳи менинг бўйнимда бўлсин, лекин қорақалпоқлар ҳам эшитсин. Ахир, токайгача чучварани хом санаб юрамиз?! — деди Мурод шайх. Шундан сўнг у шогирдларини овулларига жўнатди. — Худо ёр

бўлсин! — деб шайх атрофдаги отлиқларга зимдан разм солди.

Маман хурсанд бўлиб отидан тушди. Кечадан бери ҳеч ким билан саломлашмай, тумшайиб юргани учун кечирим сўрагандай, у Мурод шайхнинг оти олдига бориб, икки букилиб таъзим қилди. Бирон киши қуйи қорақалпоқ элининг ҳазрати имоми олдига бориб таъзим қилгудей бўлса, ёби уругининг бутун аъзолари ҳам бирма-бир келиб таъзим қилишга одатланишган эди. Тўпланганларнинг ҳаммаси қўл қовуштириб, Мурод шайхнинг олдидан ўта бошлади.

— Тўхта, — деб Мурод шайх Эшнӣёз охунни тўхтатди. — Ҳозир иш бошлаймиз. Уйингга бориб, қалам-қоғоз, сиёҳларингни тайёрлаб тур.

Эшнӣёз охун қайта-қайта бошини ирғаб, «маъқул» деган ишорани қилди.

Тўпланганларга жавоб бериб юбориб, Мурод шайх билан Маман барча бийларни, ясовулларни Эшнӣёз охуннинг уйига бошлади.

* * *

Илгари ҳам шартнома ёзишга ҳаракат қилинган, бироқ бу сафар шартнома икки кунда тайёр бўлди. Шартномага ҳар ким ўз фикрини қўшиб, роса чўзиб юборишди, ниҳоят иш битди, яхши якунланди.

Катта йўлда биринчи одим ташланди. Ёбилиқлар аҳднома ёзишди.

Хонни тезроқ хурсанд қилиш мақсадида Пўлат ясовуллар жўнаб кетишди.

Мурод шайхнинг шогирдлари ҳам овул-овулларига тарқаб кетишди. Руслар билан қорақалпоқларнинг қандай муносабатда бўлгани ҳақидаги турли ҳикоялар, афсоналарни ёдлаб олиб тарқалишди.

Маман баъзан қийин пайтларда отасини, хафа бўлганларида бориб кўнглини хушлаб келадиган Оллоёрни ўлдириб қўйганини эслаб, ич-ичидан эзилиб юрарди. Гарчи Маманнинг қовоғидан қор ёғиб турса ҳам Мурод шайх уни шикорга олиб кетди.

Қайтишда Маман шерикларидан орқароқда келаётган эди, Бектемирга кўзи тушиб қолди. Бектемир ҳам уни кўргандай бўлувди, негадир ўзини олиб қочди. Илгарилари узоқдан кўрса, олдига чопқиллаб келадиган бола нега қочди экан? Маманнинг юраги шув этиб кетди. Маман орқасидан этиб олмоқчи бўлиб отини

бурган эди, Бектемир бир тўп юлғуннинг тагига бекинди. Маманнинг хаёлига: «Бирон ердан ўғирлик қилиб келаётган бўлса, қўрққанмикин-а?» деган фикр келди. Агар шундай бўлса уялтирмай қўя қолай, деб турди-да, кейин орқалаб келаётган ҳеч нарсаи йўқлигини эслаб, ўша томонга юрди. Юлғун тагида етим кўзидай кўзлари жавдираб ўтирган бола уни кўрди-да, баттар гужанак бўлиб, нафасини ичига ютди. Маман от устидан энгашиб, елкасига қамчи сопи билан туртди.

— Тур ўрнингдан, кўриб турибман.

Бектемир дир-дир титраб ўрnidан турди. Ранги сарғайиб, сўлиб қолибди.

— Нега қалтирайсан? Тўрванг қани? Нега овулдан узоқларда юрибсан? Қайси овулдан келяпсан?

Бектемир биронта ҳам саволига жавоб бермади, қалт-қалт титраб тураверди. Маман отдан тушиб, Бектемирнинг иягини кўтариб, кўзларига тикилди. Бола бечоранинг кўзлари ёшланиб турибди, уни баттар қалтироқ босди.

— Сенга нима бўлди, Бектемир?

— Мени ўлдирмайсанми? — деб сўради Бектемир. Шу гапни айтиши билан кўзларида филтиллаб турган ёш сел бўлиб, икки бетини ювиб кетди. Маман воқеага энди тушунди. Юпатиб, отига мингаштириб олди. Йўл-йўлакай уни-буни суриштириб, олган жавоби шу бўлди:

— Ҳозир сендан ҳамма қўрқади. Омонлиқ бетоб ётибди. Соғайиб кетганидан кейин, яна бизларга қўшилади.

У Бектемирга иккита куён бериб, кулбасининг олдидан отидан тушириб кетди. Уйга келгандан кейин ҳам Бектемир айтган гапнинг маъзини чақолмади. Битта қирғовулни қўйнига тикиб, яёв Омонлиқникига жўнади.

Кулбаларига икки-уч қадам қолганда Омонлиқнинг инқиллаган овозини эшитди. «Бечора, чиндан ҳам касал бўлиб қолибди-да», деб ўйлади ичида. Чий эшикни кўтариб, лўкидонни итарган эди, очиқ экан, гийит этиб очилди.

Омонлиқ тахта устига кулоқчинини қўйиб, пахтаси оққан эски бўз кўрпани белигача ёпиниб, чалқанча ётарди. Маманнинг овозини таниган бўлса ҳам, саломига алик олиш у ёқда турсин, қайрилиб ҳам қарамади. Маман оҳиста юриб бошига бориб ўтирди. Девордаги қозикда илиғлиқ турган отасининг қиличинини та-

ниб, кўнгли бузилиб кетди-ю, лекин ўзини босди, Омонлиқнинг бошини силади-да:

— Қачондан бери ётибсан? — деди.

Омонлиқнинг бадани чўғ бўлиб ёнарди, Маманнинг муздек қўли ёқдимиди, хиёл кўзини очиб:

— Уч кун бўлди, — деди аста.

— Мендан хафа бўлдингми? — деди Маман.

— Хафа бўлганим йўқ. Нега десанг, ўшандай қилишингни билардим. Одамгарчиликдан кўра, шуҳратпарастликни яхши кўрадиган одам учун хизмат қилганимга ачинмайман. Олмагул қора ғунонни тушовлагани кетган эди. Эгасига керак бўлиб қолса, кўшни ўп-каламайди. Олиб кетарсан. Бир оз кут.

Маманнинг тили тутилиб қолди. Нима қилишини билмай, бирпас ўтирди. Омонлиқ яна гапирди:

— Узоқ кутиб зерикиб қоламан десанг, Олмагулнинг йўлига чиқа қол. Қаддимни тиклашга ҳолим йўқ.

— Ётавер, ётавер. Кўнглингни сўрагани келувдим. Қимирлама. Хафа бўлма. Отни олиб кетмайман. Кетдим.

— Олмагулнинг ёнига бор! — деб қолди орқасидан Омонлиқ.

Мурод шайх намозгарга таҳорат олгани чиқиб келаётган эди. Мамандан қаердан келаётганини сўради.

— Оллоёр Омонлиқларнинг эрмаги эди, ундан айрилгандан кейин оғриб қопти. Бориб кўнглини сўраб келдим, ўзимни ҳам жазолашни, қаттиқ жазолашни мўлжаллаб қайтдим, — деди Маман.

— Кечирим сўрадингми?

— Йўқ, сўрамадим.

— Ундай бўлса, қаққайиб юравер. Ажали етса, ким ўлмайди. Бошпанаси йўқ етим иссиқдан ҳам, совуқдан ҳам ўлаверади. Хафагарчиликдан фойда йўқ.

Шайхнинг бу гапи Маманга ёқмаган бўлса ҳам, индамай кўя қолди. Кечки овқат вақтида:

— Шайх ота, иш бошланди, бунга нима дейсиз? — деди Маман.

Мурод шайх «бу гапи билан бир мақтаб кўйишимни куятпти шекилли» деган хаёлда дастлабки кўйган қадамлари яхши бўлганини айтиб, уни мақтади. Фақат қизишмасликни илтимос қилди. Отасидек бўлиб қолган бу одамнинг маслаҳатларини эшитиб, бояги айтмоқчи бўлиб турган гапини айтди.

— Биз Омонлиқ билан қозоқ овулларига бориб, одамларининг паст-баландини ўрганиб келган эдик.

Қозоқлардан Айғара бийнинг овули бизларга айниқса маъқул тушганди. Одамлари оқибатли экан. Ұша овул билан борди-келди қилсак, апоқ-чапоқ бўлсак, яхши бўларди.

Унинг гапини диққат билан эшитган Мурод шайх гапнинг охирини кутди. Маман эса шу гапига жавоб кутаётган эди. Мурод шайх тушунди.

— Гапинг маъқул, болам, — деди у. — Айғара бий ёдга тушганда, Абулхайрхонни ҳам яхши кўриб кетади киши. Айғара бий бир ўзи эмас, кўни-кўшниси, овулаймоғи билан жуда ажойиб одамлар. Биз борди-келдимиз бор деб юрамиз. Сен яна қанақа борди-келди тўғрисида гапирасан, болам?

— Менми? — деб Маман бир зум ўйланиб турди-да, давом этди. — Айғара бийнинг қизи бор. Қуда бўлсак девдим... — Маман тутилиб қолди, шайх сабр билан кутди, ҳадеганда жавоб бермади. Ниҳоят, Маман яна тилга кирди. — Ұша кишининг қизини Омонлиққа олиб бериш керак.

Мурод шайх устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандай бўлди, лекин ўзини босиб, яна айтадиган гапинг борми деб кутди. Бу ишнинг охири бахайр бўлмаслигини сезиб, хамирдан қил суғургандай гап бошлади:

— Болам, борди-келди, дўстлик юзаки бўлмаслиги керак. Юзаки бўлса, битта чойнак ё коса, ҳатто битта косов билан урилса ҳам чил-чил синиб кетаверади.

Маман мулзам бўлиб қолди. Гап тамом бўлди. Мурод шайх унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат ҳам қилмади. У Маманни мот қилган эди, кўлидан келса, ишончлироқ далил топсин!

Маман нима бўлса ҳам ўз фикридан қайтишни истамас эди. Азонда яна Омонлиқдан хабар олди. Безгак тутиб, аъзойи бадани зириллаб турган экан, қалтироғи босилгунча олдида ўтирди. Омонлиқ ўзига келгани билан рўйхуш бермади. Маман олиб борган нон, қатиғини Олмагулга бериб қайтди.

Эртасига яна борди. Бу сафар Омонлиқнинг чиройи бир оз очилгандай бўлди. Бугун азондан бери безгаги тутмабди.

— Сен бизни ёлғиз Оллоёрдан эмас, қувончимиздан ҳам айирдинг, кўз ёши тўкилмасин деб, ўз ақидангга ўзинг қарши иш қилдинг, — деди.

— Балки шундайдир. Мен бу ишим билан кўзёшларини камайтираман, кулгини кўпайтираман, деб ўйлаган эдим.

Омонлиқ индамай ётаверди. Маманнинг назарида ухлаб қолгандай бўлди. Уйғотиб юбормай деб, аста ўр-нидан турди.

У ҳар куни хабар олиб турмоқчи эди, ўйлагани бўлмади. Хоннинг ясовули келди: Янгикент қалъасини қуриб битказиш учун овулга анча одам солинибди. Уша одамлар ўз озиқ-овқатларини олиб, Кузьма Бородинлар йўнган тошларни қалъанинг чеккасига ташиб беришлари керак экан. Маманга эса Эсенгелдини ёнига олиб хон ҳузурига етиб бориш топширилган эди.

— Бор, болам, бор, — деб насиҳат қилди шайх. — Отангнинг васияти ёдингда бўлсин, сира кек сақлама. Шунда ишинг ривож топади. Бийлар тўпланган Янгикентга шартноманинг бир нусхасини ўзим етказаман.

18

— Ақлингиз сийқаланиб қолибди, бий ота. Алжиб қолибсиз.

Оёқ-қўли боғланиб, ўз отига кўндаланг ташланган отам овулга кўрсатилмай ечиб юборилса керак, деб ўйлаган Эсенгелдиннинг умиди пучга чиқди, отаси ўша аҳволда овул ўртасидан олиб ўтилди. Шундан кейин Эсенгелди аламига чидамай, Ирискул бийга шундай деб юборганди. Катта бийнинг бу гапдан ғазаби қайнаб, уни ҳам ўша заҳоти боғлатмоқчи бўлди-ю, лекин лабини тишлаб, ўзини тийди. Майли, кўнглига келган гапини айтиб олсин. Жаҳл устида киши нималар демайди! Ҳали она сути оғзидан кетмаган бир гўдак-ку! Отаси учун юраги ачишмаса, фарзанд бўлдими? Одамзод шунинг учун ҳам фарзанд тилайди-да. Фарзанди ноқобил чиқса, ота ҳам аямайди.

Ирискул бий Бойкўчқор бийларни «бебошвоқлар» деб аравага икки кун боғлатиб қўйиб, кейин бўшатди. У шу қилмиши билан ёшлар орасида ўзига қарши куч пайдо бўлаётганини пайқамади. Бундай куч зимдан пайдо бўлди. Бойкўчқор бийнинг тарафдорлари тил бириктиришди. Эсенгелдиннинг ёнига тенгқур йигитлардан ўн чоғлигини қўшиб: «узоқларга кетинглар, тиши қайрилган қашқирдан ўч олиш йўлини маслаҳатлашиб келинглар», деб жўнатишди.

Йигитлар овулдан олисроқ ерга чиқиб кетиб, маслаҳат қилишди.

— Хўш, қани, нима қиламиз?

Улар шу саволга жавоб излашди. Ниҳоят, улар келадиган жумада хитой, мангит овулларига бориб, ўзларига тарафкашлар топшишлари керак. Кўпайиб олишгандан кейин тиши кемтик Ирискул бий устига эмас, озиғи кучли Маманга қарши отланамиз, деган қарорга келишди. Бу ақл биринчи кимдан чиқди? Бу ҳеч кимнинг эсида йўқ. Бу ҳаммаларига ҳам маъқул тушиб, бепоён далага елиб кетишди.

* * *

Маман тўғри Ирискул бийникига бориб тушди. Бу пайт Ирискул бий Янгикент қалъаси қурилишига одам тўплаш учун ҳар овулга ясовул жўнатиб турган экан. Маманнинг қандай иш билан келганини сўраб билганидан кейин, ўша ясовулларнинг бирига Эсенгелдини шу ёққа айтиб юборишни ҳам тайинлади. Шундан кейин Маманни ўтовига олиб кириб, орада ҳеч қандай нарибери сўз ўтмагандай жуда мулойимлик билан очилиб-сочилиб гаплашди, элининг ноаҳиллигидан ҳасрат қилиб, кўзига ёш олди.

— Ташқаридан бўладиган турли босқинчилардан шилиниб, яра босиб кетган вужудларни тузатиш учун битта-яримта йиринглаган ярамаси йўқ қилинса, ёмон бўлмас экан, болам. Дуруст иш қиляпсан. Ниятингни энди тушундим, болам. Ана шу йўлингдан четга чиқма. Эсенгелдидан ҳам хафа бўлма, болам. Дўстинг кўп бўлса, ишинг ҳам ривож топади.

Маман астойдил тинглаб ўтирганиданми, Ирискул бийнинг бу насиҳатлари ўз отасининг, Мурод шайхнинг насиҳатларини эсига солди.

Шу орада Эсенгелдини чақиритишга кетган ясовул келиб, унинг йўқлигини хабар қилди. Қайси тарафга кетганини суриштириб, Маманнинг ўзи уни қидириб кетди.

Хон топшириғини бажариш учун машаққат тортиб бўлса ҳам, Эсенгелдиларни эртаси кун кечаси, ўркак-ўркак қумлар орасида, гулхан ёқиб ўтирган ерларидан топди. Улар йигирматача йигит эди. Ногаҳон келиб қолган отликдан чўчиб ҳаммаси ўрнидан турди. Маманни танийдиганлари ўзларини алланечук сезиб, бир-бирларининг орқаларига бекинишарди. Йирик гавдали Маманнинг олдида кичкина боладай кўринадиган Эсенгелди хижолат чекиб, салом бериш ўрнига,

унинг шундай далада кўрқмай, бир ўзи юрганининг сабабини сўради.

— Ўз жигарларини излаб юрган одам ҳам кўрқадими? Кўрқмайди. Иккинчидан, хоннинг топшириғи билан юрган одам кўрқув нималигини унутади. Саломлашайлик. Ассалому алайкум!

Йигитлар ноилож алик олишди. Маман йигитлар билан бирма-бир кўл олишиб чиқди-да, Эсенгелдининг ёнига ўтирди. У калтак учига қизариб пишган қирғовулни ҳеч кимдан сўрамай олди-да зерикканда ора-чора шундай базмлар қуриб туриш ҳам яхши нарса, деб мақтаб ҳам кўйди.

Ўзини эркин тутиб, борган сари ҳаммага ҳукмини ўтказётган бу йигит олдида улар қирғийни кўриб қолган чумчуқлардай ғуж бўлишиб, маслаҳатлашишга ҳам улгуришмади. Маман бу ерга келишининг сабабини айтди.

Хон чақиртирганини эшитиб севинганиданми, ё бўлмаса, Маман кўнглида кек сақлаб ўтирмай, ўзи излаб келганиданми, ишқилиб, Эсенгелдининг юзига қон югурди.

— Қачон кетамиз, Маман ога? — деб юборганини Эсенгелдининг ўзи ҳам билмай қолди.

Жўралари ҳайрон бўлиб, унга ишонқирамай қарашди.

— Ҳарқалай, тезроқ йўлга тушганимиз маъқул, — деди Маман.

Эсенгелди жўраларига отланишга буйруқ берди. Шундай бўлса ҳам Эсенгелди унча-мунча ҳадиксирарди.

— Унутдингизми? — деди у аста. Маман ҳам «нимани?» деб сўрамади.

— Хон амри билан тош кўтарган одамда гуноҳ йўқ, — деди.

Эсенгелди чаққонлик билан Маманнинг отини олиб келиб ўзидан олдин отлангирди.

Маман Эсенгелдини дарров кўна қолмас деб ўйлаган эди. У ўзини бунчалик кичик олганига, овлоқ ерда тўпланганларига ҳайрон қолди. Унинг фикрини билмоқчи бўлди-да:

— Эсенгелди, сенинг мақсадинг нима? — деди Маман.

— Кўнғиротликлар бир ёқадан бош чиқаришса-ю, барча уруғларга ҳукмрон бўлса дейман. Ўзингизнинг мақсадингиз нима?

— Сен, мен, манави йигитларимиз, хуллас, бор қорақалпоқ фарзандлари биргалашиб бақирганимизда тоғ ёрилиб, бизга йўл берса дейман.

— Доно ота-боболаримиз «жимжалоқнинг ўрта бармоқ даражасига ўсиб етганини кўраман деб хаёл қилиш — тушингда қанот чиқариб учган билан баробар», деган экан.

— Сен тушингда учасанми?

— Учаман. Ҳамма мартабали кишилар ҳам учишса керак, деб ўйлайман. Мана бу йигитларнинг кўпчилиги тушида учиб юрганлардан.

— Эсенгелди, иккаламизнинг гапимиз икки хил чиқиб қолмадимикин? Мен овознинг қудратини гапирсам, сен бармоқни гапиряпсан. Аслида беш қўл барабар бўлмаса ҳам, улар бирлашса тоғни талқон қилади, деган гап бор. Бу гапда жон бўлса керак. Соҳибқирон Амир Темура тарқоқлашган Туркистонни шундай бирлаштирган.

— Маман оға, иккаламизнинг суҳбатимизни бегона бир одам эшитиб қолгудек бўлса, янги бўлган иккита жинни гаплашиб кетяпти, деб ўйламайдими?

Маман бундай илмоқли саволни кутмаган эди. Эсенгелдига ўгирилиб қаради. Эсенгелди майда тишларини кўрсатиб, кулди.

Хон овулига яқинлашгандан кейин, бошқа йигитларга жавоб берилди. Маман уларга баъзи-баъзида шундай тўпланишиб, кўнгил ёзиб туришнинг фойдасидан холи эмаслигини яна бир таъкидлади.

— Энди бир нарсани уқиб ол, — деди Маман Эсенгелдига. — Руслар билан муваққат шартнома тузилса биз вақтдан ютамиз. Турли-туман душманларнинг тунашидан қутуламиз. Эл бўламиз.

— Одам боласи бор ерда тунаш, зўрлик-зўравонлик бор, деб эшитганман. «Бурнинг бўлмаса, икки кўзинг бир-бирини еб қўяр эди», деган гап ҳам бор ахир.

Бу гапларни Маман ҳам биларди, лекин унга бу ақидаларнинг нотўғрилигини тушунтириш учун жуда кўп вақт керак эди. Ҳолбуки юз марта куйиб-пишиб тушунтирганинг билан Эсенгелдининг ўзини ишонтириш қийин. Шунинг учун Маман Эсенгелдининг бояги гапига зарба беришни маъқул кўрди.

— Ҳозир хоннинг ҳузурига борамиз, иним. Қандай иш буюришини билмайман. Бироқ шуни айтиб қўяй. Ўз уруғингни ғамини единг нима-ю, қалпоғингни ша-

молга учирдинг нима, бари бир. Ахир, бош кийим мустаҳкам бўлиши керак.

Шу тақлиддаги гапни Абулхайрхон Ғойибхонга айтганмиш деган миш-мишларни эшитган Эсенгелди тушуниб ҳам, жавоб бериб ҳам улгурмади. Ғойибхон ўтовига суяниб, кўзлари тўрт бўлиб кутиб турган экан. Иккови барабар отдан тушиб, узоқдан қўл қовуштириб келди. Ғойибхоннинг ҳали жаҳди чиқмаганга ўхшайди.

— Келаверинглар, келинлар! — деди-да, ичкаридан катта ўғли Убайдулла султонни чақириб, буюрди:

— Имилламай, тезроқ буларнинг қорнини тўйдиринглар.

Убайдулла султон уларни кичик ўтовга бошлаб кириб, овқат тайёр бўлгунча дам ола туринглар, деб руҳсат бериб чиқиб кетди. Овқатланиб бўлишгандан кейин, хон уларни ҳузурига чақирди.

— Жуда соз, нафасларингни анча ростлабсизлар, — деди хон уларнинг юзларига меҳрибонлик билан тикилиб. — Энди сизларга муҳим бир топшириқ бор. Сизлардан бўлак одамнинг қўлидан келмайдиган, ишониб бўлмайдиган топшириқ. Меҳр, оқибатим сизларга баландлигидан бу топшириқни сизларга ишоняпман. Ўзи осон иш. Бошқа юртдан келган меҳмонни Туркистон шаҳрига кузатиб борасизлар.

— Куллуқ, хон олий ҳазратлари, — деди иккаласи барабарига.

— Мен шошиб турибман. Эртага Янгикентга етиб боришим керак. Меҳмон ҳам шошяпти. Бугун кечалаб йўлга чиқмоқчи. Ишончли ҳамроҳ қўшиб бер, деяпти. Сабаби бор, қайтиб келганларингдан кейин айтаман. Йўлга чиқишга ҳозирланинглар!

Маман йўлга отланаётганида Убайдулла султон ёшлик қилиб шивирлади.

— Маман, кузатиб кетаётган одамнингнинг кимлигини биласанми? Билмасанг, билиб қўй: Жунғор хонининг маслаҳатчиси.

— Жунғор? — ҳайрон бўлиб сўради Маман. Эсенгелдининг ҳам қулоғи динг бўлиб, унга яқинлашди.

— Нима дедингиз?

— Жим-м-м! — деди Убайдулла султон. — Қулоғингни тут. Отамнинг сирини айтай. У сизларни яхши кўради. Катта бийлардан ҳам ортиқ кўради. Ақлли йигитлар, дейди. Шунинг учун ҳам бу ишни сизларга топширяпти. Пўлат ясовулларга ҳам ишонмади. Бу одам жунғор хонининг маслаҳатчиси.

Маман гапнинг тагига етиб, Эсенгелдини туртди.

— Тезроқ бўл. Султон рост гапни айтяпти. Омон-эсон элтиб қўйиб қайтамиз.

— Албатта, албатта, — деди Убайдулла султон Маманга яқин келиб. — Ахир жунғорларга азалдан қарши бўлиб келган ота-оғаларинг ўлдириб қўйишса яхши бўлмайди. Хони қорақалпоқларнинг ғамида юборибди уни. Йўқ, йўқ, қайтиб келганларингдан кейин ҳаммасини хон отамнинг ўзи айтиб беради.

— Худо сизни ёрлақасин, султон, — деб Маман ирғиб отига минди.

Ғойибхон жунғор маслаҳатчисининг отини етаклаб келиб, Маманларга қўшди.

— Оқ йўл сизларга. Бирларинг олдинда, бирларинг орқасидан юринглар. Ўзаро гаплашманглар, — деб жунғор маслаҳатчисининг тилида алланималарни гаплашиб, хайрлашди. Жунғор маслаҳатчиси қорақалпоқ тилини тушунармиди-тушунмасмиди, билишолмади, чунки маслаҳатчи гапирмади. Юзини кўриб бўлмасди, қоронғида шарпадай кўринаётган одам от устидан энгашиб, хоннинг юзидан ўпиб хайрлашди.

Ғойиб хоннинг айтганини қилишиб, бири олдинда, бири орқада учта отлиқ тизилиб йўлга тушди.

19

Сирдарёнинг орол денгизига яқин жойда, илгариги Янгикент қалъаси жойлашган тақир ерга жон кирди. Бу ерга ҳашаматли иморатлар қуриш учун қорақалпоқ элининг ҳамма овулларидан одамлар келишди. Янги қалъа — Янгикентнинг қурилиши бошланди. Вақт ҳам жуда қулай. Деҳқоннинг экинини йиғишга, чорванинг қишловга кўчишига ҳали вақт бор. Борди-ю, шундай бўлмаганда ҳам подшоҳ амри вожиб. Фақат Ғойибхоннинггина эмас, юқоридан Абулхайрхоннинг, найрангбоз рус подшолигининг ҳам шу қалъани қурдиришга кўпдан бери ҳаракати бор экан. Бу қалъанинг қурилиши қийин. Елкада ташилаётган тош силлаларни қуришиб юборганига қарамай, йиллар давомида кўним нималигини билмаган халқнинг бу қурилишдан умиди катта эди.

— Хон лой билан тошдан бино солдирса, халқнинг ғамини егани, — деган гап овуллардан овулларга, оғизлардан оғизларга кўчди. Имконияти бор одам шу қурилишга битта кесак, битта тош олиб келиб беришни

бурч деб билди. Овуллар билан Янгикент қалъаси орасида чанги чиқиб ётган сўқмоқлар, арава йўллар пайдо бўлди. Қурилиш бошига ўрнатилган хон чодирини арава гилдирагининг гупчаги бўлса, шу чодирдан ҳар қаёққа қараб кетган йўллар гупчакка қадалган кегайни эслатарди. Иш авжида эди. Қопга, этагига лой солиб ташувчилар занжири Сирларё бўйидан Янгикентга қараб чўзилиб кетганди.

Бийлар, ясовуллар ўз уруғларининг бошида. Улар лой ташувчиларнинг занжири узилиб қолмаслиги учун отда йўл ёқалаб юришарди, ўтирганларни турғизишарди, ўжарлик қилганларни қамчилашарди.

Ёзнинг авжи қизиган палласи, кун жуда исиб, оламни ҳансиратарди. Қурилишга лой олиб келганлар чўлдан яна дарёга қараб югуришарди. Отлиқлардан ҳам, пиёдалардан ҳам мунчоқ-мунчоқ тер оқарди.

Фақат Ғойибхоннинг чодирини жимжит эди. Ясовулларини ишга солиб кўйиб, ётгани-ётган эди. Ётиш жонига текканда эса шалвираб чодир соясидан одамларга қарарди. Дам олиб ўтирганларни кўрса, «ановини турғизсанг-чи», деб ясовулига буюрарди, тош орқалаган бирон кишини уриб турган отлиқни кўрса, «қаттиқроқ урсанг-чи, овози чиқмаяпти», деб тиржаяди.

Ҳаво мисдай қизиб, ҳатто ясовулларнинг ҳам юришга мажоллари қолмагандан кейин, тушликка руҳсат берилди.

Убайдулла бий билан Давлатбой бийларнинг чодирлари бир-бирига яқин бўлиб, улар ҳозир бирга келишаётганди.

— Убайдулла жўра, боя хоннинг нима деганини шунча сўрасам ҳам айтмадинг. Жуда ўзингга маҳкам экансан-ку. Чамаси, катта бир сир борга ўхшайди.

Убайдулла бий жўрасининг ҳорғин, офтобдан пўст ташлаган қорамтир юзига қараб туриб:

— Майли, кулоқ сол, — деди. — Менга ёбиликлар билан қўнғиротлиқлар ўртасидаги жанжални айтиб берди. Иккаласи аразлашадиган бўлса, ўртасига тушиб нима қиласизлар. Мен сизларнинг тарафларингданман, деди.

Ғойибхон Давлатбой бийга ҳам шу тақлиддаги гапларни айтиб, шундай ваъдаларни кўп берган эди. Давлатбой бий бу гапни эшитиб ўйланиб қолди: «Хон бизнинг уруғларимизни аяб шундай деса керак». У бу фикрига қаттиқ ишонгандан, хон билан иккаласи ўрталарида бўлиб ўтган гапларни ҳозир унга айтмади.

Убайдулла бий хафа бўлиб, бир шумликни бошлаб ўтирмасин деб қўрқди. Агар иккови ҳам ичидаги гапини очиқ-ойдин айтганда эди, кутилмаган бир жумбоқни ечган бўлишарди. Фақат ўз уруғларининг гами билан юрадиган бийларнинг кўнгил сандиқлари қулфлигича қолаверди.

Давлатбой бий Убайдулла бийнинг савол беришидан қўрқиб, Маман ҳақидаги фикри қанақалигини сўради.

— Юрагида ўти бор йигитга ўхшайди, — деб жавоб берди Убайдулла бий. — Кучли қўнғиротликлар билан ўрталарида чиққан низони бартараф қилиш учун Алий бийнинг ўғлига қўшиб ёбининг бир етимини ҳам ўлдириб юборди, бу менга маъқул тушди. Избосар баҳодирларни аравага боғлатиб қўйди, кўзининг нуруни тўкиб, аҳднома тайёрлатди, дейишади. Ўша аҳдноманинг бир учи бизларга ҳам етиб келадиганга ўхшайди. Ахир унда Ғойиб хоннинг фармони бор-да.

— Мурод шайх қувватлайди. Шу шайхга сира тушуна олмайман.

— Мурод шайх Маманни қандай болаганини эшитмадингми?

— Йўқ.

— Маман Айғара бийнинг қизини Омонлиқ деган жиловдорига олиб бермоқчи бўлибди. Ўразан ботир қиличини бериб кетган етим-чи? Ҳов анави синовда ўрнидан туриб жавоб берган бола-чи?

— Тушундим.

— Ана ўша Омонлиққа қизни олиб бермоқчи бўлганида, Маманнинг топган баҳонасини қара: «Икки халқ борди-келди, дўст бўлса яхши бўларди», дебди. Шайх шунда «дўстлик хўжакўрсинга бўлмаслиги керак», дебди.

— Дангал гаплари учун шайхни яхши кўраман. Бу одати шогирдларига ҳам ўтган. Жуда тагдор қилиб гапирадиганлари кўп. Қани энди, қайтадан бола бўлса-гу ўқисак. Маман Ғойибхонга оғиз очармикин-очмасмикин, сен нима деб ўйлайсан?

Эндигина бошланган ҳангома тугамай қолди. Олдиларидан бир отлиқ кесиб чиқди. Хон уларни шошилиш чакиртирибди. Улар кетларига қайтишди.

Чодирга хоннинг ўзи, иниси, болаларидан ташқари баъзи бийлар, ясовулар ҳам тўпланишган эди. Ҳамманинг диққати Мурод шайхда эди. У ўртада овоз чиқариб хат ўқимоқда. Улар ҳеч кимни безовта қилмаслик

учун, аста бир чеккага ўтиришди, хатга қулоқ тутишди. Шайх хатни ўқиб тугатаёзган экан, уларнинг аниқ эшитганлари қуйидагилар бўлди:

«...Бу аҳдномага қорақалпоқ юртининг ёби уруғидан Эшмуҳаммад, Ирисбой, Бердибой ясовул, Избосар баҳодир, Алий бий, Бозор Откетар ўғли ҳаммамиз оқ подшоҳ билан тинч-тотувчиликда яшаймиз деб, ўз муҳрларимизни босдик.

Мен Эшнӣёз охун бу кишиларнинг ваколоти билан шартномага қўл қўйдим».

Шайх қоғозни олдига қўйиб, пешонасининг терини артди. Ҳамма жим. Ким қандай фикр айтар экан, деган ўйда хон соқолини сийпалаб ўтирганларга кўз югуртирди. Чодирнинг пойгаҳида ўтирган Давлатбой бий билан Убайдулла бийни кўриб:

— Сизлар нима дейсизлар? — деди.

Иккала бий баравар ўринларидан туришиб, хонга таъзим қилишди. Давлатбой бий жавоб берди.

— Хатнинг бошини эшитмай қолдик, хон олий ҳазратлари!

— Оқ подшога — русларнинг Елизавета Петровна исмли хоним подшоси номига шартнома, — деди хон. — Ёби уруғининг бийлари қўлларидан келганча ўша подшо билан иттифоқ бўлиб, лозим бўлиб қолса, яъни рус элида очарчилик бошланиб қолса, Орол денгизи балигидан берамиз деб, Қуръон ўпишибди.

— Тушундик, тушундик, ҳамма қатори биз ҳам қўл қўйишга тайёрмиз, — деди Убайдулла бий.

Хон уларга ўтиришга рухсат берди. Ўртага яна жимлик чўкди. Чодирда ўтирганлар орасида ивир-шивир бошланди. Пайтдан фойдаланиб Давлатбой бий Убайдулла бийга шивирлади:

— Бошқа бийлар ўз ихтиёрлари билан қўл қўйган бўлсалар ҳам, лекин Избосар баҳодир билан Алий бий от думига боғланишдан кўрққан бўлса керак.

Убайдулла бий «секин» дегандай қилиб, лабини тишлади.

Ивир-шивир зўрайиб, катта бийлар, ясовуллар бир-бирларига қарашиб, бир нима демоқчи бўлишарди. Фойибхон шайхнинг бу ивир-шивирларни ёқтирмай, бетоқат бўлиб, қовоғини солиб ўтирганини кўриб, пиқ этиб кулиб юборди. Шайх хон томонга жаҳл билан ўгирилди. Хоннинг аксирганини ҳам, кулганини ҳам ажратолмай қолганлар ҳам шивир-шивирни тўхтатишиб, ўша томонга қарашди. Чодирга кираверишга ким-

дир қамчисини тиқиб, қалпоғини илиб қўйган экан. Шайхнинг кўзи ўша қалпоққа тушди.

— Азизларим, — деди шайх заҳархандалик билан таъкидлаб. — Анави қалпоққа қаранглар. Агар биров олмаса, турган ерида чанг босиб ётаверади. Аммо шамол турса, учиб кетади. Шу қалпоқнинг қуни келмасин десаларинг, шартномани қувватланглар. Ўз фикрларинг-ни айтинглар. Ҳаммамиз бир бўлиб ёзмасак, подшоҳ қабул қилмайди. Бундан ўн йил бурун ёзилган шартномани қабул қилмаганига қараганда бошбошдоқлигимизни билган бўлса керак. Яхши ийланмаган ҳамир тандирда турмаслигини ҳаммамиз ҳам яхши биламиз.

Ташқарида юрган ясовуллардан бири Маманлар келишаётганини хабар қилди. Нимагадир бу хабардан чодирдагилар жонланиб қолишди. Ўз буйруғига биноан тайёрланган шартнома тўғрисида муносабатини билдирмай, бепарвогина ўтирган Ғойибхоннинг кўзлари олакула бўлиб кетди. Унинг бунчалик безовта бўлишига сабаб бор эди: Жунғор хони ўз маслаҳатчисидан агар Ғойибхон Сирдарё бўйидаги қорақалпоқларни жунғорлар ихтиёрига ўтказса, унинг авлодининг авлодларига ҳам хонлик тахти муносиб деб гувоҳнома ёзиб беришни ваъда қилиб юборган эди. Ғойибхон бу таклифга розилик берган эди. Шу сабабли уни кузатиб қўйиш учун Маманларни чақиртирган эди. Чунки ҳозирги қорақалпоқлар орасида бош кўтариб чиқаётган шу иккаласи эди. Жунғор маслаҳатчиси Туркистон қалъасига етгандан сўнг бу иккаласини гумдон қилишга ваъда берган эди. Улар халқни жунғорлар томонга оғдиришга розилик беришлари, борди-ю розилик беришмаса, иккалалари ҳам тирик қайтмасликлари керак эди. Жунғор элчиси уларни тирик қайтариши мумкин эмас! Ғойибхон Эсенгелдига қараганда Маман бир сўзли эканини билади. Унинг қандай қилиб дарров рози бўла қолганига ва соғ-саломат қайтиб келаётганига ҳайрон бўлиб, ҳовлиқаётган эди. Бунинг устига-устак, ҳали орадан Туркистонга бориб қайтадиган вақт ўтганича ҳам йўқ. Маманнинг келаётганини эшитиб, ҳамма қизиқсиниб эшикка тикилгани учун, хоннинг куйиниб қорайиб кетганини ҳеч ким пайқамади. Ҳаммалари Маманнинг Эсенгелди билан бирга юрганига ҳайрон қолишди.

— Ҳамма ишлар жойидами? — деб сўради хон улар остонада кўринишлари билан сабри чидамай.

— Ҳамма ишлар жойида, кўнглингиздагидай қилдик, хон олий ҳазратлари, — деди Маман.

— Менинг дилимдагини сенга ким айтди? — деб бир чўчиб тушди хон.

— Ўзимиз тушундик, хон олий ҳазратлари. Ахир, сиз кам гапирасиз. Тилингизнинг учидан нима турганини пайқолмасак, сизнинг хизматингизда бўлиб нима қилдик. Эсенгелди билан имлашиб гаплашдик-да, шундай қарорга келдик.

— Эзма бўлганмисан, тезроқ гапирсанг-чи.

— Гапимизга ишонинг деб унинг калласини олиб келдик, хон олий ҳазратлари.

Хон қовоқ калласини чангаллаганча ўтириб қолди. Пешонаси тиришиб, ичини ит тирнай бошлади.

— Ўзи нима гап? — деди шайх ҳовлиқиб.

Агар шайх шундай қилиб, одамларнинг эътиборини ўзига тортмаса, хон қизишиб кетиб, бирон ножўя буйруқ бериб юборса, кейин уни ўзгартириш қийин бўларди.

— Жунғор хоннинг маслаҳатчиси, — деди Маман унга.

— Жунғор!!! — бу сўзни эшитганлар қаттиқ ғазабланиб, жирканиб кетишди. Ғойибхон кўпчиликнинг ғазабланиб кетганини кўриб, бошидан совуқ сув қуйилган, уйкуси чала одамдай, сесканиб кетди. Ростини айтишга мажбур бўлди.

— Ҳа, Жунғор хонининг маслаҳатчиси эди. У ёқлардаги қорақалпоқлар салом айтиб юборишган экан. Ўзи сизларга кўринишга кўрқди.

Аслида пакана хоннинг туя ўрқачига биқингандай тумшайиб ўтириб гапирган гапини биров тушунди, биров тушунмади.

— Нега ўлдирдиларинг? — деб сўради шайх.

— Хон олий ҳазратлари кечаси жўнатганлари учун ўлдир деганлари бўлса керак, деб тушундик.

Бийлар беихтиёр кулиб юборишди.

— Калласи қани? — деди Ирискул бий. Маман Эсенгелдига имлади. Эсенгелди югуриб чиқиб, чорсига тугилган нарсани олиб келиб, Маманга узатди. Маман тугунни ечди, қони қотиб қолган одам калласини соқолидан ушлади-да, элтиб хоннинг олдига қўйди. Ҳозиргина кулишиб, иссиқдан терлаб-пишиб ўтирган одамлар гўё устларидан совуқ сув қуйилгандай бўлиб қолишди. Эшик олдида Маман билан Эсенгелди ҳали ҳам қаққайиб турарди. Маманнинг чеҳрасида истеҳзо кўланкаси кезарди.

Ирискул бий каланинг мўйловларини чўп билан қимирлатиб, ўша чўп билан кўзларини туртди. Гойиб-хон типратикандай ҳурпайиб ўтирарди.

— Жунғорларнинг калласини олмай, олтин орқала-тиб юборсанг ҳам ўз билганидан қолмайди... Калласини танидан жудо қилиб, тўғри қилишибди, хон олий ҳазратлари, — деди Ирискул бий.

Мурод шайх бир оз енгил тортгандай бўлди. Тўп-ланганлар «жунғорни ўлдириш савоб», деб шовқин солишди.

— Охири яхши бўлмайди, — деди хон.

— Ҳадигингиз бўлса, рус подшоси билан тузаётган шартномани тезлатайлик, хон олий ҳазратлари, Қўнғирот юрти ҳам қўшилишга тайёр, — деди Ирискул бий. Ирискул бийнинг яхшиликка ён босишини кўпдан бери кутиб юрган Мурод шайх:

— Қўнғиротнинг бийи маъқул гапни айтди, — деди ва ҳали ҳам хоннинг ўтиришига ижозат беришини кутиб турган Маманларга «ўтираверинглар» дегандай ишора қилди. Йигитлар ўтиришди. Шу пайт бийлар, ясовулларнинг диққати яна Маманда эди. Маманнинг юзидаги бояги истехзоли кўлги йўқолиб, жиддийлашганди. Бу жиддийлик уларни музлатиб юбордими ё қиздириб юбордими билиш қийин эди, бироқ хоннинг бир оғир сўзига маҳталлиги аниқ эди.

— Тезлатилсин! — деб қолди хон.

— Масалани тўғри ҳал қилдингиз, хон олий ҳазратлари, мусулмоннинг жони чиқса чиқадики, лекин лафздан қайтмайди, — деди шайх.

Бийларга яна жон кириб қолди. Хонга яқин ўтирган, каллага қўли етадиган ҳар бир одам уни турткилаб, афти башарасига туфурди.

— Хон олий ҳазратлари, — деди Давлатбой бий. — Абулхайрхоннинг Маманга «чанг ютасан», деб қилган дўқидан қутулиш учун ёвуз қудратли подшо олдида бош эгиб, у билан муроса қилиб яшашга тайёرمىз. Белни маҳкам қилиб боғлайлик.

Кейинги вақтларда унча гапга аралашавермайдиган бўлиб қолган Эсим бий:

— Жалойирликлар ҳам руслар билан шартнома тузишга тайёр, — деди.

— Жунғор элчисининг келиши бежиз бўлмаса керак. Қудратли рус подшосининг қичиқ-патиға тегмай турайлик, ҳар тугул, заифа экан, эркаклик қилайлик, — деди Убайдулла бий.

Шундан кейин бийлар, ясовуллар ўз уруғлари номидан «биз қасамёд қилишга тайёрмиз... биз ҳам тайёрмиз...» дейишди.

Ҳозирча сукут сақлаб, индамаганлар ҳам бор эди, бироқ кўпчиликнинг овози ичида улар сезилмай қолди. Кўпчиликнинг фикрини эшитиб, Гойибхон хулосага келди.

— Мурод шайх, Эшниёз охунга одам юбориб, чақиртиринг, келиб, ҳаммаларига шартнома ёзиб берсин.

* * *

Янгикент яланглигининг туни салқин бўлади. Гоҳ дарё томонидан, гоҳ денгиз томонидан эсган салқин шамол куни билан чарчаган баданларни тез бўшаштирди. Шунинг учун ҳам хондан бўлак ҳаммалари очиқ ҳавога чиқиб ётишди.

Ўрганмаган ерида биринчи марта тунаётган Маманинг юлдуз санаб ётишини пайқаган Мурод шайх бошқаларни уйғотиб юбормаслик учун унга аста шивирлади:

— Ухла, ўғлим. Бу сафарги дадил қадамнинг ҳам хайрли бўлди. Кесилган каллани кўриб, ҳамманинг ўз калласи ёдига тушиб қолди. Шартнома тузиш энди тезлашиб кетса керак.

Маман жилмайганча уйқуга кетди.

* * *

Бойқўчқор бий Ирискул бийдан ҳали ҳам араз эди. Ирискул бий Суюндиқ бийлар билан бир чеккада, Бойқўчқор бий ўз тарафдорлари билан бошқа чеккада ётишди.

Эсенгелди кечаси Ирискул бийларнинг ичидан ўтиб, отаси ётган томонга кетаётган эди, икки кишининг суҳбати қулоғига чалинди.

— Ота-боболаримиз ҳам қадимдан руслар билан итмушук бўлишган экан.

— Қаердан эшитдинг?

— Мурод шайхнинг шогирдлари шундай гап тарқатиб юришибди.

— Эсенгелди отаси томонидамикан ё Ирискул бий тарафидамикан-а?

— Жим! Буни биздан кўра хон билан бийлар яхши билишади, — деди бир эҳтиёткор овоз.

Эсенгелди ўзига тегишли саволга жавоб бўлмай қолганига ачиниб, отасининг ёнига келди-да, аста ўринга кирди. Азонга қадар шу саволга жавоб излаб, мижжа қоқмади.

20

Хали қаддини тиклолмаган халқ қиш тайёргарлигини кўриши лозим. Шунинг учун куз келиши билан қурилишдагиларга рухсат берилди. Янгикент яна чала қолди.

Иш қизгин кетаётгани учун, ҳадеб бийларни тўплаб ўтиравермайлик, деб аҳднома ёзиш бир оз кечиктирилган эди. Одамларга жавоб бериб юборгандан кейин, Ғойибхон Маманнинг ёлғиз ўзини ҳузурига чақиртирди.

— Аҳдномани давом эттир. Бўйин товлаганларни, ўжарлик қилганларни аяма! Калласини олавер, баҳодир!

«...Калласини олавер, баҳодир!» Хон бу топшириғи билан нимани назарда тутган бўлишидан қатъи назар, Маманнинг кўнглидагини топди. Шундай қилмаса, бўлмайти. Ўз овулига боргандан кейин ҳар ким ўзига хон. Очқдан-очиқ қаршилиқ қилмагани билан, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлайдиган бийлар ҳам топилади. Шундай пайтларда иложи борица ишни тезлаштириш керак.

Ёш йигитга хоннинг «баҳодир» дегани ҳам маъқул тушди. Ичида қувонди, руҳланиб кетди. Хон ҳаммага ҳам «баҳодир» деявермайди. Жунғор элчисининг калласини кўриб, ҳар қанча куйиб-ёнса ҳам шу юмалоқ калла бийларни кўрқитиб, гулгула солиб қўйгани хоннинг ярасига малҳам бўлганга ўхшайди.

Эл олис. Овуллар бир-биридан узоқ. Қиши билан уруғ бошлиқлари, ясовуллар, бийлар номидан нома ёзилди.

Биров кўрқса, биров маслаҳатга юрди, биров ўз тинчини кўзласа, бошқаси Маманлар келадиган куни бутун овулни бир ўтовга тўплаб, ота-боболари руслар билан қандай ит-мушук бўлишганини эслатди, яна улар билан қадимги душманлик кўзғатилса оқибати ёмон бўлишини тушунтирди, ёш Маман баҳодирга далда берди, охун аҳдномани кўчириб улгурса, уруғнинг муҳрини бостирилиб, қўл қўйдирилиши унчалик қийин эмас.

Баҳор келиб, Янгикент қурилиши яна бошланиб кетди. Кўрғон ичига гир айлангириб иморатлар қурилди. Ғойибхон яна Янгикентга кўчиб келди.

Ҳамманинг ҳам қалъадан умиди катта шекилли, беҳад хурсанд эди. Ёлғиз хоннинг кунда ичган оши захар-заққум бўлди. Аллақандай ёв бостириб келаётгандай, ташвишга тушиб, типирчилаб қолганди. Жунғор хони маслаҳатчисини қорақалпоқлар ўлдирганини билиб қолгудек бўлса, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборади. Бунинг устига «Абулхайр хон рус подшосидан хафа бўлган эмиш», деган гапни эшитди. Шу гапнинг ўзиёқ уни баттар ваҳимага солди. Бош бийларни маслаҳатга тўплашга мажбур бўлди. Ниҳоят, улар шундай фикрга келишди: ҳозирча тайёрланган нома билан Орь қалъасига бориб, Иван Неплюевдан хабар олиш керак. У нима маслаҳат берса, ўшани қилиш керак!

Шошилинч суратда Маман баҳодир билан Пўлат ясовулга номалар топшириб, отларига миндирилди.

* * *

Мурод Шайх Маманнинг яна бир одатини яхши билади, у битта айтган гапни иккинчи қайтармайди. Ўйлаб кўрган одамга энг оғири — бир сўзли одамнинг илтимосини бажо келтирмаслик. Нега деганда, унинг қандай хаёл билан юргани номаълум.

Кейинги бир йил ичида юртнинг бир ёқадан бош чиқара бошлагани аниқ сезила бошлади. Кучли, баъзан ҳатто қаттиққўл бошлиқ керак экан. Лозим бўлиб қолганда ўз яқинини ҳам аямайдиган, юртнинг юрагидагини пайқайдиган одамга баджаҳл хоннинг ҳам қаҳри қор қилмас экан. Оқимга қарши турсанг, ё йиқитади, ё оқизади.

Маманлар Орь қалъасига жўнашгандан сўнг, Мурод шайх овулга борди. Омонлиқ тузалиб, ишга тушиб кетган эди. Бугун уйда экан. У эшигимни шайх тақиллатиб келади деб ўнги тугул тушида ҳам ўйламаганди! У ҳам хурсанд бўлиб, ҳам ҳайрон бўлиб, синглиси Олмагулдан олдин ўзи югуриб борди. Бугун юртга эъзозли одамни қаерга ўтқазишини билмай, шошиб қолганидан, жулдур тўнини ечиб, сомон тўшагининг устига ёзди. Шайх жирканмади. Уй эгаси кўрсатган ерга ўрнашиб ўтирди. Бу сафар шайхнинг назарида Омонлиқ ҳам, қиз ҳам жуда ёқимтой, келишган, одамгарчилиги ҳам жойида эди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Кейинги вақтларда аҳднома машмашаси билан бўлиб, Маманнинг келолмай юрганига узр айтиб, кечирришини сўради.

Олмагул чой қайнатди.

Шайх Омонлиқнинг ота-бобосидан сўз очиб, отаси Дониёр йилқичининг ақли, уддабурон одам бўлганини қисқача таърифлади, Омонлиққа ўзи исм қўйганини ҳикоя қилди. Бу Омонлиқ учун отаси тирилиб келгандан аъло янгилик бўлди. У мукка тушиб Мурод шайхнинг этагини ўпди.

Мурод шайх гапни аста-секин Айғара бийга бурди. Омонлиқ ерга қараганча, чўпни чирт-чирт синдириб ўтириб жавоб берди:

— Айғара бийми, ота? Мен уни ўз элида тенгги йўқ бир одам бўлса керак, деб ўйлайман.

— Қизи-чи?

Омонлиқ бошини кўтарди. Қуюқ қора қошлари чимирилиб, қора кўзларида кулги асорати кўринди.

— Шайх ота, жуда кетворган қиз.

У шундай дейишга деди-ю, кейин шайх бошқа ниятда суриштираётган бўлмасин, ҳали уйланмаган ўғиллари бор-ку, деб ўйлаб қолди. Маманга хиёнат қилиб, ўз ўлига олиб бермасин тагин, деб олдини олмоқчи бўлди.

— Шайх ота, у қизни Маман оғам олмоқчи эди. Акалари ҳам бермоқчи бўлган, — деди.

Мурод шайх иккиланиб қолди: ундай бўлса, нега ўзини айтмай, бунга олиб бермоқчи бўлдийкин? Ҳа, ҳа, Омонлиқнинг қошлари чимирилиб кўзлари чақнаб кетганига қараганда, бунинг ҳам ўша қизда майли борга ўхшайди. Маман ҳам шуни сезган бўлса керак.

Шайх гапни айлантирмай лўндасини айта қолди.

— Маман Айғара бийнинг қизини сенга олиб беришни сўраган эди, болам.

Севиниб кетганиданми ё қўрққаниданми, Омонлиқ Мурод шайхга тикилганича ҳайрон бўлиб, ҳайкалдай қотди-қолди. Ҳатто киприклари ҳам қимирламасди. Ташқаридан ўтин кўтариб кирган Олмагул акасига кўзи тушди-ю шайхнинг оёғига йиқилди.

— Отажон, акамни қарғаманг. Ялинаман, ота! Ялинаман!..

Мурод шайхнинг ўзи ҳам ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Пиёласидаги совиб қолган чойни Омонлиқнинг юзига сепди. Омонлиқ чўчиб, ўзига келди, бошини силкитди. Олмагул шайхнинг кавушига томган кўзёшини кафти билан артиб, ўрнидан турди.

— Рост айтяпман, ҳайрон бўлма, болам, — деди шайх. — Жўранг Оллоёрни ўлдириб қўйгани учун Маман ўзини ўзи жазолади.

Бу фикр шайхнинг хаёлига қаердан келди? Буни ўзи ҳам билолмай қолди. Бироқ тўғри топиб айтганини Омонлиқнинг дир-дир титраб, авзойи ўзгариб, лаблари пир-пир учиб турганидан сезди.

— Шундай, болам. Маманнинг гапи-гап. Гапидан қайтмайди. Такрорлайман. Отингни боқавер. Келаси жумада Избосар баҳодир билан бирга бориб олиб келасан.

Шайх кулбадан чиқиб кетди. Омонлиқ эшитганлари туши ё ўнги эканлигини тушунолмади, ўзини чимчиллади, кулбасига суюниб шайхнинг кетидан тикилиб қолди.

21

Қиш унча совуқ келмади: қор-бўрон кам бўлди, кўпинча қуёш чарақлаб турди. Кийим-кечаксизлик, юпунлик унча билинмади. Жонга ҳузур бўлган бу қиш икки эл орасидаги дўстликни мустаҳкамлади. Айғара бий Избосар баҳодирнинг гапларидан ийиб кетди, қизини берадиган бўлди. Энди икки овул ўртасида яна илгаригидай борди-келди қилиш, ҳақиқий дўстлик, қудда-андачилик бошланди. Юрт кўришга Айғара бийнинг ўғли Мирзабеклар келиб кетишди. Мурод шайх уларни ўтовига тушириб, обдан меҳмон қилди. Янгича кутди. Киши бошига лаганда овқат кўйилди, кейин калла тортилди.

Қиш унчалик совуқ бўлмагани учунми, баҳор ҳар қачонгидан эрта кирди. Ҳар тонгдан яхшилик кутиб, тонг қуёшидан умидвор бўлган халқни баҳорнинг дастлабки нишонлариёқ чексиз қувонтирди. Кунлар илиқ. Бола-бақралар ҳам беҳад шод. Учиб келган баҳор қушларининг янги турларини кўриб, чапак чалишади, кетидан югуришади.

Ўша баҳор ғалати бир қуш пайдо бўлди. Бу қуш осмондан учиб келмади. Ер билан келди. Орь кўрғони томонидан келди. Бу қушни кўриб қувонмаган, ҳайрон бўлмаган, овули билан кузатиб қолмаган одам бўлмаса керак. Ўтовлар билан ертўлалар, кулбалар билан бос-тирмаларнинг эшикларидан бош чиқариб, ҳаммани ўзига қарашга мажбур этган бу баҳор қуши — Дмитрий Гладишев минган арава эди. Маман билан Пўлат ясовул кетидан отларини йўрттириб келяпти. Маман қуш отлиқ аравадаги рус одамани юртга кўрсатиб, бўз отида жилмайиб келарди. У пешанасига қўлини соябон

қилиб қараб қолаётганларнинг умид учқунларини аланглатиб келаётганиди.

Арава Янгикент қалъасига, Ғойибхоннинг ўтовига келиб тўхтади.

Эртасига тонг азондан бошлаб ясовулар, чопарлар овуларга жўнашди.

«Митрий тўра тўппа-тўғри оқ подшонинг олдидан келибди...», «Қорақалпоқ бийларининг ўтган сафарги илтимосларига улуғ подшосининг ваъдасини олиб келибди», «Тўрт туман қорақалпоқ элига подшосининг саломини олиб келибди», «Қадимги алоқаларимизни яна тикламоқчи бўлиб келибди...», «Оқ подшога арз қилиш учун вакил олиб кетгани келибди», «Ўзи билан олиб кетгани келибди...».

Янгикент қалъасидан йўлга чиққан ҳар бир чопарнинг оғзидан шундай қувончли хабар эшитиларди. Ҳатто қалъадан кўтарилиб учган ҳар бир баҳор қушининг ҳар мақомда сайрашидан, кенг қорақалпоқ эли тепасида париллаб қанот қоқишидан ҳам шу хабар эшитиларди, овулар бўйлаб тараларди.

Дмитрий Гладишев Маман бий билан учрашганда номанинг бир қисмини Иван Неплюев билан бирга кўриб чиққан эди. Бу ерга келгандан кейин қанча бий, қанча ясовул, қанча оқсоқоллар оқ подшога шартнома тайёрлаганини Маман бийдан эшитганига қарамай, чақиртирилган бийлар тўплангунча, Ғойибхоннинг уйдаги бор аҳдномаларни олдириди. Мансур тилмочдан ўқиб беришни илтимос қилди.

Шартнома

«Мен — тубанда исмланмиш онт ичаман, ўзимнинг диним ила Куръони карим олдуна, барча менинг уруғим бирла, қўлум остиндаги ўзимнинг кишиларум ила, шунинг учунким, маълум қилунғалиқ бўйинча ул шавкатли ва қудратли жумлайи равшанроқ марҳаматлу улуғ подшо олам Елизавета Петровна ҳазратлариндин мислан мени Иттифоқдош деб билгайлар, бир-биримизга тажовуз қилмоймиз деб инондик, жумла халойиқларга ошкор этулғандур, ушбу бир минг бир юзу эллик бешинчи йилда жаддий юлдузининг еттинчи кунинда ушбу мазкур мактубда бўлғандур ҳам маълум қилинғандур...»

— Яхши, ҳаммаси ҳам бир хил мазмунда ёзилган экан, — деди Гладишев охирини эшитишга ошиққан-

дай. Мансур тилмоч унга русчалаб нималарнидир тушунтирди. Кейин Гладишев яна нималардир деди. Маман уларнинг ҳамма гапларига қулоқ солиб ўтирди. Гладишевга ўқиб берилган нома Ғойибхон номидан тайёрланганлиги эслатилган эди. Шу сабабли хоннинг қўнглига келиб юрмасин деб, Гладишев тилмочдан номанинг охирини овозини чиқариб ўқишни илтимос қилди. Мансур тилмоч ҳар бир сўзни дона-дона қилиб ўқишга, тингловчиларнинг бор диққатини ўзига тортишга ҳаракат қилди. Гап бўлиниб қолгани учун Ғойибхон хафа бўлмадимикин деган хаёл билан хоннинг сўнги сатрларини жуда ўрнига қўйиб ўқиди.

«Ушбу шартнома тубан қорақалпоқ юртининг денгиз элининг мен Ғойибхон Эшимхон ўғли барча меним уруғим бирла ҳам қўлим остиндаги кишиларим ила онт ичтим ҳам Қуръон каримни ўпдум, ҳам инонмак учун мен Ғойибхон барча менинг қўлум остиндагилар учун муҳурим бостум. Мен Эшниеъ охун Ғойибхон амри ила ёздум ҳам қўлум қўйдум».

— Жуда чуқур гаплар, доно сўзлар экан!

Дмитрий Гладишевнинг ҳайрон қолганини Мансур тилмоч тушунтирганда, Ғойибхоннинг тарвуз қорни силкиниб, қийиқ кўзлари чақнаб, кулимсиради. Султон инилари ва барча ўғиллари номидан алоҳида-алоҳида нома тайёрлаганини айтиб, мақтанди. Мансур тилмочнинг Митрий тўрага ўқиб беришини сўради. Тилмоч эътироз билдирмади. Гладишев ҳаммасини эшитди...

Маман жўнаб кетганида Ирискул бийнинг номаси ҳали тайёр эмасди, ҳали ҳам битмаган бўлса-я, деган гумон билан хондан гапиришга ижозат олди-да, Мансур тилмочнинг олдидаги ҳали ўқилмаган номалар орасида Ирискул бийники бор-йўқлигини сўради. Мансур тилмоч қидириб топди.

— Айтилган гаплари, танланган сўзлари худди бизнинг шартномага ўхшайди. Митрий тўра ишонч ҳосил қилмоқлари учун фақат охирини ўқиб қўя қолсангиз, — деди хон.

Шартноманинг охири ўқилди.

«...Бу онтга онт ичдим, Қуръони каримни ўпдим, тубан қарақалфақ юртининг қўнғирот уруғининг хони мен Ирискулхон ростлигим учун ўз муҳрим босдим. Ирискулхоннинг амири ила мен Эшниеъ охун қўл қўйдим».

Маманнинг юзидан энди нома ёзмаган биронта уруғ ё бий қолмаганини тушуниб, Гладишев хурсанд

бўлиб ўтирди. Мансур тилмоч яна ўқишга тушди. Тингловчилар хатнинг бош қисмига эътибор бермай, кимлар ёзиб, кимлар қўл қўйганига эътибор беришди.

«...Бу онтга онт ишдим қарақалфақ юртининг хитой уруғининг оқсоқоли Давлатбой баҳодир амри ила мен, Эшниёз охун, қўлум қўйдум. Мен Давлатбой баҳодур, тамға босдим».

«...Бу онтга онт ичдим, қарақалфақ юртининг кўнфирот уруғининг бийи Бойқўчқор бий минг уйли киши билан бош қўшдим ва қўлим қўйдим, ва тамғам босдим. Мен Эшниёз охун Бойқўчқор бий амри билан хат ёздим...»

Чақиртирилган бийлар билан ясовулларнинг олди кела бошлади. Тайёр аҳднома ўқиб тугатилмаёқ йиғиштирилди.

Зарур одамларнинг ҳаммаси келиб бўлгандан кейин Дмитрий Гладишев уларга оқ подшо тарафидан амалга оширилган янгиликларни гапириб берди. Номаларнинг кўпчилиги билан танишганини айтди. Бу аҳдномаларнинг тайёрланишига бошчилик қилгани учун улуғ мартабали подшоси номидан, маслаҳатчиси Иван Неплюев номидан Ғойибхонга миннатдорчилик билдирди ва шу номалар асосида катта, янги аҳднома тайёрлашни маслаҳат берди.

— Тўрамиз маслаҳат бераётган шартнома шундай бўлиши керакки, — деб Мансур тилмоч тўрасининг айтганларини тушунтирди, — унда халқингизнинг барча талаблари, орзу-истаклари ўз ифодасини топиши керак.

Бу маслаҳат ҳаммаларига ҳам маъқул тушди.

— Оқ подшо Абулхайрхонга Қутлумбат мирзадан совға-саломлар бериб юборибди... Биз ҳеч нарса талаб қилмадик. Қилмаймиз ҳам, Рус подшосини хурмат қиламиз, — деди Ирисқул бий биринчи бўлиб.

— Улуғ мартабали подшоҳимиз Елизавета Петровна номига шу гапларингизни ҳам ёзаверинглар, — деди Гладишев. Унинг муғомбирлик қилаётгани ўтиришидан ҳам, овозидан ҳам сезилиб турарди. Бийлар ҳеч нарсани қисталанг қилишмади. Ҳар ким дилидагини яширса-да, лекин айрим мулоҳазаларни ўртага солди. Қозоқ бийларининг неча марта талашганини ҳам айтиб ўтишди. Рус подшосининг қўл остидаги ерларга савдо ишлари билан кетган савдогарларнинг кўпчилиги қайтарилмаганини ҳам айтишди. Хуллас, эллар орасида қандай гина-кудуратлар бўлса, очиқдан-очиқ ўр-

тага ташланди. Гладишев айтилган гапларнинг бирон-тасини қолдирмай, катта қоғозга тушираверишни мас-лаҳат берди.

— Ерларимиз тор, — деб қўйди Ғойибхон.

Бийлар тарафидан айтилган тилакларнинг ҳаммасини Мурод шайх ёзиб ўтирган эди, хоннинг бу гапи унга ёқмади. Гладишевга ҳам ёқмаганини унинг юзидан пайқади. Шунинг учун Маманга:

— Хонимизнинг тилаги оқ подшонинг ўзига алоҳида айтиладиган гап, ёдлаб ол, — деди.

Хон эътироз билдирмади.

Бу онт қоғозларни Петербургга ким олиб боради? Ахир, йўл олис. Олти ойлик йўлга бориб қайтиш учун куч-қувват, сабр-тоқат керак. Лекин бу ҳам оз. Подшо билан суҳбатлаша оладиган доно киши керак. Маманнинг номи илгаридан оғизга тушган. Унга ҳеч ким қаршилиқ қилиши мумкинмас. Ичидан ҳавасманд бўлиб ўтирганлар бўлмаса, ташқи кўринишидан кимнинг оёғи Петербургга тортиб турганини билиб бўлмайди.

Маман ёнига Пўлат ясовулни қўшиб беришса, олиб боришини айтди. Пўлат ясовул бийларга таъзим қилиб, халқи топширса, дунёнинг қайси бурчагига бўлсаям пиёда боришга тайёр эканини айтиб, бош эгди. Куръонни ўпди.

Бийларнинг кўнгли хийла тинчиди. Петербургга олиб бориладиган онтлардан бир нусхадан Оренбургда Иван Неплюевга топширилиши керак экан. Уларни олиб бориш учун Суяндиқ бийнинг иниси Соғиндиқ баҳодир, хитой уруғининг бош ясовули Шер ясовул, мирзаликка Мурод шайхнинг ўртанчадан катта ўғли Маман шайх белгиланди. Агар Иван Неплюев лозим топса, Мурод шайх ўз ўғли Маман шайхни гаровга қолдириб кетилишига ҳам розилик берди.

Шартномага кимларнинг номини ёзиш масаласида бир оз тортишув бўлди. Ғойибхоннинг номи ёзилишига ҳеч ким қарши эмас. Бийлар озроқ тортишиб олишгач, Ғойибхондан кейин Мурод шайх билан Ирисқул бийнинг номларини ёзишга келишишди.

Бутун халқ тақдири устида гап кетаётганда ким очикдан-очик қаршилиқ қила оларди? Бирон киши ё уйқум келди, ё чарчадим демасди. Ҳамма хурсанд, ҳаммаларининг оғзилари қулоқларида.

— Бундай тантана учун зиёфат қилиб берса арзийди!

Пешиндан тонг отгунга қадар қимирламай ўтирган бийлар орасидан бу таклифни ким киритгани номаълум эди. Лекин бу гап ҳамманинг чеҳрасида катта ишга ғамхўрлик нишонасини пайдо қилди.

— Албатта, зиёфат берилсин.

— Бутун юртда зиёфат берилсин.

— Зиёфат худонинг хазинаси, мўриси бор ҳар бир хонадон зиёфат берсин...

Товуққа ўхшаб қоронғи тушар-тушмас ўрнига кирадиган Ғойибхон ҳам бутун чарчадим демади.

Дмитрий Гладишев қорақалпоқ бийларини бунчалик аҳил деб ўйламаган эди. У ҳайрон қолиб ўтирарди. Ғойибхон ухлаб қолмасин, деб орасида уни мақтаб кўяди.

— Ҳаммаси сизнинг донолигингиздан, Ғойибхон.

Зиёфат хусусидаги гапни ҳамма маъқуллаётганда Маман бий ҳам фурсатдан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У эҳтиёткорлик билан Айғара бийнинг қизини элга келин қилиб, тўйни тўйга улаб юборилса, ёмон бўлмасди, деган фикрни ўртага ташлади.

— Иқболи кулиб турган элнинг икки тўйи бирга ўтади, — деб қувватлади Маманнинг таклифини бийлардан бири.

— Юртимизнинг ҳамма ерида тўй бўлиб турса-ю, қадрдонимиз Айғара бийларни зиёфатга чақирмасак, тўйимиз тўй бўлмайди, — деди бийлардан яна биттаси.

Бийларнинг ҳеч қайсиси эътироз билдирмади. Бугунги оқшом иноқлик, бирлик оқшоми бўлди, ким нима ютди-ю, нима ютқазди, ҳеч ким бу тўғрида бош қотирмади. Илоҳим, қорақалпоқ элининг ютгани рост бўлсин!

Чарақлаб қуёш чиқди. Бийлар йўлга отланишди. Янгикент қалъасидан ҳар ким ўз овулига жўнаб кетди. Зиёфатга тайёргарлик кўрилади, катта тўйлар бошланади!

Мурод шайх Избосар баҳодирга ёбининг беш-олти бийини қўшиб, Айғара бий овулига жўнатди. Улар Омонлиққа қайлиқ олиб келишади ва бутун тобин уруғига қўшиб, керей, адай уруғларини тўйга таклиф қилиб қайтишади.

Ғойибхон ётди.

Дмитрий Гладишев билан Маман совуқ сувда ювиниб олишиб, отларига минишди, ҳеч кимга айтмай, овулларни айланишга кетишди. Сичқон-мушук ўйини энди, бошланаётганини Маманбий жуда яхши биларди.

Тўй тадориги кўрилмаётган овул йўқ. Кун ботишдан кун чиқарга қараб, кун чиқардан кун ботишга қараб, шарқдан ғарбга, ғарбдан шарққа от чопишгани-чопишган.

Айғара бий оёқ тирамабди. Совчиларни қуруқ қайтармай, қизини бериб юборибди...

Тўй Мурод шайх овулидан етим Омонлиқнинг келин тушириш маросими билан бошланиб, бир-бирига уланиб кетди.

Катта иш шарофати билан қозоқ уруғларидан чақирилган меҳмонларнинг ҳаммаси келди. Бутун Кичик юз уруғи азаматларининг деярли ярми келди. Ҳаммалари ҳам очиқ кўнгил билан, дўст тутиниб келишган. Эл меҳмон кутишда ҳам обрўни қўлдан бермади. Ёбилликлар билан жалойирларнинг овулига сиғмаган меҳмонлар кўнғирот, кенагас, манғит овулларига бўлинишди. Йигитларининг ўзлари бирга олиб кетишди. Улуснинг улуғ айёмларида ўртадаги келишмовчилик, гина-кудуратлар унутилиб, киши ҳатто душманига ҳам жилмайиб қарар экан. Юз туя тортган Бухоро савдогарлари келиб қолишди. Илгари улардан бож ундириллар эди, энди уларнинг ҳар бири элнинг қадрли меҳмонига айланди. Туялари, отларига ем беришди, ўзларини хилма-хил таомлар билан сийлашди, савдогарлар ҳордиқ чиқариб, тўйнинг бошидан охиригача қатнашишга ваъда беришди. Шунинг учун уларга ҳам уйлар ажратилиб, машъалачилар тайинланди. Шундай қилиб, овулларда меҳмонсиз хонадон, бекорчи йигит қолмади. Халқ бирлашса, нияти холис бўлса, уруғлар ўртасидаги ўпка-гиналар денгизга тушган тошдай ном-нишонсиз кетар экан. Шов-шув, тўполон, бошбошдоқлик сезилмади. Бор кўнғилсизликлар қувонч денгизига чўкиб, фарқ бўлди.

Томошалар бир ерда — Янгикент шаҳри яқинидаги ялангликда ўтказиладиган бўлиб, халқ ўша томонга оқиб кела бошлади.

Ҳеч қачон бундай катта йиғинни кўрмаган халқ орасида томоғини қирмаган, «эҳ-ҳе!» демаган жон йўқ. Халқ нимага қодир бўлса, ҳаммаси қилинди: қўбизми, тўнғизқовоқми¹, дуторми, дўмбирами, сурнайми — нимаики чолғу асбоблари бўлса, ҳаммаси тўпланди. Ку-

¹ Чолғу асбобларидан бири.

рашга тушилди, кўчқор уриштирилди, улоқ берилди, от тутиш ўйини ўтказилди, хўрозлар уриштирилди, туялар чоптирилди, қўлда боқилган кийиклар пойгаси бўлди, овчилар қуш учуриб, шикор қилишди. Қисқаси, бу тўйлар эртақлардагидай бўлди.

Тўй тарқайдиган кун — Маманларни жўнатадиган кун қуёш чарақлаб, борлиқни мунаввар этганди. Сон минг оломон Янгикент шаҳри дарвозаси олдига тўпланди. Энди Маман йўлга чиқади, улар кузатишади, оқ йўл тилаб қолишади.

Дарвозада болта кўтарган ясовул кўринди, демак, хон келяпти, катта дабаба билан келяпти.

Ҳамма ёқ сув куйгандай жимжит, тўпланганлар нигоҳи дарвозада.

Олдинда Ғойибхон билан Дмитрий Гладисhev келётганди, уларни Ғойибхоннинг инилари, болалари, ясовуллари ўраб олганди, уларнинг кетларидан Мурод шайх билан Ирискул бий Маманни ўртага олиб келишарди, кейин бийлар, ясовуллар, ботир-баҳодирлар, энг охирида устига туркманча қизил гулли гиламлар ёпилган қўш ўрқачли туялар кўринди. Нор устидаги оқ саллалик, малла чопонлик, ингичка, ориқ Эшнӣёз охун дарвозадан эгилмай ўтиб тўхтади. Хон унга қараб қўлини кўтарди. Эшнӣёз қўлидаги ўроғлиқ қоғозни ёзди.

Оломон Эшнӣёз охуннинг ингичка қўлларидаги шилдироқ қоғозга тикилган эди. Ҳавода Эшнӣёз охуннинг қироатли овози янгради:

«Абулмазаффар аввал мансур сайиди давлатли оқ подшога Елизавета Петровна сайи ҳаракатларингизга дуойи салом йўллаб, дўстлигимизни арз қилдук. Сўз ул ким барча қарақалфақ юрти, тўрт сон денгиз эли — барчаси оқ фотшога инондик ҳам иттифоқчи бўлдик. Алар бизга Митрий тўраларни, Мансур ҳофизни бизга элчи қилиб юборган экан. Аларнинг ёрлиғини ўзга қилмай, аларга қўл кўйдук, аларнинг сўзин ўзга қилмадук, эл бўлдук. Орага элчи кўйиб қариндош бўлайлик. Қариндош бўлмоқнинг нишони Митрий тўрани, Мансур ҳофизни — икковини бизга юборилса, эл бўлганимиз турур. Андин сўнг савдогарлар қатнасулар, уларнинг элига элмиз, ёвига тарафдор эмасмиз. Аларнинг давлати турур, тўрт сон қарақалфақ эл бўлдук, эл бўлмоқнинг нишони бизнинг қўлимизда турган ўрисни аларга юбордук, ул ҳам уларнинг давлати турур...»

Тингловчилар бир-бирларига ҳалақит бермаслик учун, ўзларича «эҳҳе-эҳҳе» дейишиб, бош чайқаб қўйи-

шарди, ора-чора шивирлашганлари ҳам эшитилиб қоларди.

«Маман доно экан», «Ким ёмонлик қилса, кўзи чиқсин!», «Бўйни узилсин!», «Маман элнинг қадимги душманини авради, кўнглини топди». Қандай топишни ҳам билди...», «Отасининг йўлидан борди, отасидан ҳам ўтиб кетди...», «...ўрислар тинчгина юришса, кўксимизга найза санчилмайди, яғринимизга ўқ тегмайди. Қалқон десанг ҳам, тош девор десанг ҳам шулар...», «Болаларингни йиғлатмайди...», «...Минг яшасин, Маман...», «Илоҳим, ой бориб, омон қайтсин!..»

Майин баҳор шабадаси тингловчиларнинг бу гапларини уйдан уйга, чийдан чийга, яйловдан яйловга олиб кетди.

«. тарих минг юз эллик олти йилда муҳаррам ойининг ўн тўққизинчи куни битилди. Янгикент шаҳрида.

Ушбу хатга ишончли бўлсин учун муҳр босдук: аввал Ғойибхон, иккинчи Мурод шайх, учинчи Убайдулла султон!»

— Кўнглимиздаги гаплар ёзилибди, — деб гуриллади халқ.

Ирискул бий ўрнига хоннинг катта ўғли Убайдулла султоннинг номи қандай ёзилиб қолганидан Маман беҳабар эди, у шайхга савол назари билан қаради. Шайх тушуниб, изоҳ берди.

— Шундай, болам, шунақа бўлди. Хон талаб қилди. Меросхўрим ёзилмаса, қўл қўймайман, деди.

Маман норози қиёфада бош чайқади.

Ирискул бий номи чиқмай қолганига қаттиқ хафа бўлди, Мурод шайх билан Маман нима деб гаплашишганини эшитмай қолди, отини тўғри хон турган томонга сурди. Қўнғирот бийи арслондай газабланиб келлаётганини кўрган хон ҳадиксираб тўдасидан олдинга чиқди-да, аста шивирлади.

— Ҳозир маросимни бузма, норим, ҳаммаси ёбилıklarнинг иши, кейин гаплашамиз, — деди.

Ирискул бий Ғойибхоннинг гапига ишондими, йўқми, ҳар қалай индамади.

Хоннинг бир ясовули от устида туриб, йиғилганларга буюрди:

— Йўл очингла-аар!

Оломон тенг иккига бўлиниб, ўртадан тўрт-беш от ўтиб кетгудай йўл очилди.

Маман бир талай отлиқлар қуршовида ҳаммага қалпоғини силкитиб, бош эгиб, йўлга тушди. Оломон ўзи очган йўлни яна беркитди. Маманларнинг кетидан эргашди, кузатгани йўлга тушди.

Баҳорда қушлар фақат кўлга уя салади дегани бекор гап. Шаҳардан сал четдаги ялангликда ўсган ҳар бир туп дарахтга тувалоқ, оласор, йилқичи ва чумчуқларнинг уяси бор экан. Халқ ғала-ғовури билан ҳаммаси учиб, минглаб одам ерда, пиёда, улар осмонда қанотларини қоқиб, Маманларни кузатишди. Одатда ғарбдан эсадиган шамол бугун шарқдан эсиб, Маманларга ҳамроҳ бўлди. Ҳар бир дарахт оқ йўл тилагандай, эгиларди. Хуллас, борлиқ кузатди. Кузатувчилар тўпи азондан кечга қадар бузилмади. Ҳамма ерда, ҳамманинг оғзида эзгу тилаклар.

— Бугун бир халқнинг умиди кетди сенда Маман, эсон-омон қайтиб кел!

— Катта умидимиз пучга чиқмасин, Маман!

— Азалий тинчликсеварлигимизни айт, етказ, Маман!

— Подшо бизни камситмасин! Қалбимиз улкан қалб дегин, Маман!

— Йўлда русни кўрсанг, қорақалпоқлар ёвингга йўлдош эмас, лекин элинга ёмонлик тиламайди дегин, Маман!

—
Ҳамма ҳар хил топшириқ бераётганини кўриб, хон қуруқ қолгуси келмади. Илгари неча бор айтган топшириғини такрорлади.

— Чегарани унутма, Маман!

Кун ботишига яқин чарчаган пиёдалар оқ йўл тилашиб, орқада қола бошлашди.

Отлиқ ёш йигитлар яна уч-тўрт кунлик йўлгача кузатиб бориш учун улар билан бирга кетишди.

Шу тариқа, бир минг етти юзу қирқ учинчи йил март ойининг иккинчи ярмида неча қароргоҳдан ҳайдалган, шамол учирган япроқ каби кўним тополмаган қорақалпоқ халқининг катта умиди қоғозга тушиб, бир баҳодир фарзанди Маманнинг кўлида рус подшосига — Санкт-Петербургга кетди... Ноумид шайтон, дейдиларки.

Халқнинг катта умидига, баҳодир фарзандига хайрли сафар, тилаб, сен ҳам озгина ором ол, азиз ўқувчим!

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Чироқларим, сизларнинг
бахтингизга не бўлди?

Жиян Жиров

1

Аввалига кунботар тарафдан эсиб турган енгил баҳор шабадаси етгинчи куни, Маманларни кузатиб кетган йигитларнинг охирги тўпи қайтиб келган куни тескарисига айланиб рўпараларидан эса бошлади. Бу ҳамманинг баҳри дилини очиб юборди, улар турли хаёлга берилганларича отларининг ёлларини ўйнаётган баҳор шамоли учун худога шукур қилиб, ўзаро суҳбатлаша бошлашди. Бири ажойиб шоир бўлиб гапирса, бирови бу дунёнинг тўрт бурчагини кўриш ниятида юрган хаёлпараст сайёҳ бўлиб гапирди, биров халқининг орзу-умидини гапирса, яна бирови ўз дардини тўкиб солди. Баҳор қулфи дилларни очиб юборганидан улар мириқиб гаплашишди.

Баҳор!

Йилнинг бу мавсумида гўзаллик яшнайти, пок муҳаббат гунча очади, қувонч жўш уради. Шу сабабданми, «баҳор!» деганда «эх!» деб, ё ўқинчли, ё қувончли кунларини эслаб, тиззасига бир урмайдиган инсон бормикин дунёда? Агар баҳор яхши келса, ишинг ривож топади, тиззанга урмайсан.

1743 йилнинг баҳори ҳеч қайси баҳорга ўхшамайди, бўлакча келди. Сирдарёнинг қуйи томонига жойлашган қорақалпоқ эли учун кўрилмаган, кутилмаган қувонч билан бошланиб, яхши кунлар келишидан дарак берарди. Эҳтимол, бундан буён кунлари хурсандчилик, тинч-тотувлик билан ўтар. Халқ бир ерда қорни нонга тўйиб, усти бут бўлар, ён-атрофига душман ўтолмайдиган қўрғонлар солинар, чунки халқ армонларини эпчил-чаққон баҳодир ўғлонларидан айтиб юборди, ёрдам сўратди, рус подшосидан ёлғондакам бўлса-да, вақтинча иттифоқчи бўлишни илтимос қилди, агар оқ подшо хотамтойлик қилиб, шу бандаи мўминларнинг арз-додига етай, мушкулини осон қилай деса, вассалом, эл-юрт қадди-қоматини ростлаб олади, насиб этса, кейин ҳаммаси жойида бўлиб кетар эди.

Сирдарёнинг қуйи оқимиға жойлашган ҳорақалпоқ халқининг орзу-армони мана шу. Ноумид банда йўқ. Маманларни кузатиб бораётган йигитларнинг суҳбатлари ҳам шу тўғрида бўлди.

Йигитлар орасида Омонлиқ ҳам бор эди. У ҳам четда қолмади. Ўртоқлари хаёл суришса хаёл сурди, узоқларга кўз ташлашса, кўз ташлади.

Чегарага етиб келишгандан кейин, ҳар ким ўз овулига қараб бурилди, бир-бирларидан ажрашди. Омонлиқ ҳам ўз овулига жўнади. Йигитлар ҳам, отлар ҳам чарчашган эди. Ҳар кимнинг чарчагани якка қолгандан кейин билинди, йўл унмай қолди. Омонлиқнинг эса, бу ёлғизликдан ғайрати жўшиб кетди. Энди у уйига боради, югур-югур, ташвиш билан бўлиб анчадан бери очилишиб сирлашмаган, соғиниб қолган Оқбийдаининг олдига боради, хотини ўт ёқади, у ёнбошлаб ётади.

Омонлиқ ширин хаёллардан юраги орзиқиб, отига қамчи босди. Қора гунон эгасининг кайфиятини билгандай, қадамини тезлатди.

Завқ-шавқдан ҳаяжонланаётган йигит ҳеч нарсадан хавотир олмай, ўзидан бошқа отлиқ йўқдай, хурсанд борарди. Баъзан сўқмоқни четлаб ўтган яланг оёқ етимни кўриб қолса, юраги гупиллаб ургандай бўлади-да, қора гуноннинг жиловини тортиб, «Маман!» дейди. Унинг «Маман» дегани «худо» дегани билан баробар эканини ўзи сезмаса ҳам, номаълум бир нарсага орқа қилгандай, кўнгли таскин топади, яна йўлида давом этади.

Янгикент қалъасига яқинлаб, қамишзорни айланиб ўтаётганида ногаҳон бир отлиққа дуч келиб қолди. Бу Ғойибхон экан. Омонлиқ отдан тушиб салом бериши керак эди, унинг ёлғиз юришини хаёлига ҳам келтирмаган йигит довдираганидан отнинг бошини тортди-да, таққа тўхтаб қолди.

— Отдан туш!

Ғойибхонни таниган, унинг гапларини олисдан кўп эшитган бўлса ҳам, тик қараб, бирон нимани буюради деб, сира ўйламаган эди. Хоннинг ҳезалакчалиш буйруғи кечирим сўрагандай бўлиб эшитилди. Омонлиқ отдан апил-тапил тушиб, хон нарироқ кетгунча кўлини кўксига қўйиб турди.

Хон қушини қочириб юборгач, уни излаш билан овора бўлиб, шерикларидан адашиб қолган эди. Ёлғиз қолиб, талвасага тушган хон Омонлиққа буйруқ берган бўлса ҳам уни танимаган эди, ёнидан четлаб ўтаётганда таниб қолди.

— Бу ёққа кел!

Омонлиқ қаддини ростлади, лекин икки қўли ҳамон кўксида эди.

— Отинга мин!

Омонлиқ отига минди.

— Ёнимга ўт! Олдинга ўтиб кетма!

Омонлиқ хоннинг буйруғини бажо келтирди.

Хон гоҳ рўпарасига, гоҳ ён-верига, гоҳ кетига қарайди, гоҳ тепаликларга, гоҳ тўранғилларнинг учига, гоҳ пастқамликларга тикилади. Омонлиқ ҳам хон қараган томонга беихтиёр қарайди.

Бир вақт хон:

— Етиб юр! — деб буюрди-да, отини қамчилаб, елиб кетди.

Узоқ йўл босиб чарчаган ғунон етиб юриш у ёқда турсин, қамчини ҳам писанд қилмай қўйди. Омонлиқ отдан ирғиб тушди-да, хоннинг орқасидан яёв югурди. Унинг бахтига хон узоққа кетмади. Қарчигай қорабарикқа қўниб, оёғидаги ипи ўралашиб қолган экан, шуни кўриб тўхтади. Шу орада орқасидан етиб келган Омонлиқ қарчигайни бўшатиб, хонга олиб берди. Хон хурсанд бўлди. У Омонлиқнинг орқасидан қолмай, аста келаётган қора ғунон томонга отини бурди.

— Отлиқ бўлганинг учун кимдан миннатдорсан?

— Аввали худодан, қолаверса, Мамандан, хон олий ҳазратлари, — деди Омонлиқ.

Хон ўлжа кўрган қирғийдай шартта бурилди.

Омонлиқ ерга қаради.

— Маманнинг исқирт божаси!

Хоннинг овози ўлик сичқоннинг думидан ушлаб «сичқон!» деб бақирган боланинг бурун жийиришидан ҳам жирканчли эшитилди. Омонлиқ орият қилиб, отининг жиловини тортмоқчи бўлган эди, қўллари қалтираб кучи етмади, бироқ аззойи бадани титраб, уйига ошиққан жўшқин қалби музга айланди, ақл-ҳуши учиб, ўзининг ўлик-тириклигини унутди.

Хон парвойи фалак, тарвуздай қорни эгарнинг кумуш қошига тиралиб, икки кўзи олдинда, кетиб борарди. Узоқдан отлиқлар кўзига чалиниб, итларнинг бир-бирига ҳурган овозлари эшитилиши билан Омонлиқнинг бор-йўқлигини ҳам унутиб, ўша томонга қараб от қўйди.

Омонлиқ у ёқ-бу ёққа аланглади, хон уни мутлақо унутганини тушунгач, отидан тушиб, уни яланғочлади.

Омонлиқ отни узунроқ қилиб тушовлади, ўтга қўйди, эгар-тўқимини олиб келиб, бир туп юлғуннинг соясига ташлади-да, ўзи ҳам чўзилди.

Озгина мизғиб олмоқчи эди, аммо йўл яқин экан, ўтиб бораётган отларнинг дўпир-дўпири уйку бермади. У хон яна кўриб қолмасин, деб юлғун орасидан мўра-лади, уч-тўрт отнинг туёқларини кўрди, эгалари ган-гир-гунгур гаплашиб келишарди. Рўпарага келишганда тўхташди-да, бир-бирларига «кутайлик, келиб қоли-шар», дейишди. Ёзилиб олгани орқада қолган шерик-ларини кутишмоқчи шекилли, деб ўйлади Омонлиқ.

Йўловчилар жим туришмади. Аввал гап бошлаган киши давом этди.

— Бир кўрган одамга сиртдан қараганда сира ундай эмас, парвойи фалак одамга ўхшайди. Отдан тушса бас, беданадай йўрғалаб кетади, отига минса, тарвуз-дай қорни қампайиб, эгарнинг қошига тиралиб қола-ди. Шикор билан вақтини хушлайди. Ит боқишни ях-ши кўради. Бундай одам жумбоқми, йўқми? Уҳхх!.. Ме-нимча, уни Ғойибхон демай, Ғойиб жумбоқ деган маъқул. Шунда мен ҳам тушунардим, юрт ҳам тушу-нарди. Уни нима қилса, тушуниб бўларкин-а? Ахийри жумбоқни ечишга уринасан, хонгаям ишонишга ури-насан. «Сизларнинг тарафингиздаман» дейди-ю, амал-да бутунлай бошқача иш тутади. Бугунги гапига қара-ганда, қўнғиротликлардан норозига ўхшайди. Соғин-диқ баҳодирнинг ўрнига биздан — манғитлардан одам юбормоқчи экан. Ирисқул бий розилик бермабди. «Агар шундай қиладиган бўлсангиз, манғитларни чо-памиз, тухумини қуритамиз», дебди... Шу гапга ишон-са бўладими?

— Соғиндиқ баҳодир боради деб келишиб қўйилма-ганмиди?

— Шунинг учун ҳам хон эмас, жумбоқ дейман-да. Уялмай туянинг устидаям телба-тескари гапириб кел-ди. Гапига ишонсанг, Маманнинг рус подшоси хузу-рига кетганидан хурсанд, юрт бирлигининг тарафдори-га ўхшайди. Иши билан берадиган маслаҳати аксинча. Тушда кўргандай бўласан, номи бору, ўзи йўқ. «Қўнғи-ротликларнинг олдини олинглар», дейди. Бунинг учун нима қилишимиз кераклигини айтмайди. Яна йўлга отланаётганимизда: «Сизларга насиҳатим шуки, қўнғи-ротликлардан эҳтиёт бўлинглар», деди. Бу жумбоқни сира тушуниб бўладими, ахир?

— Ирисқул бий билан гаплашиб кўрсак нима қилади?

— Сир бой бериб кўямиз. Хондан норози экан деб ўйлаши мумкин. Ё бўлмаса, манғитлар шунақа деярли деб хонга ёмонлаши мумкин. Улар ҳатто оғзимиздан чиқмаган гапларни ҳам кўшиб-чатиб етказиб юришган. «Убайдулла бий Ғойибхонни ағдариб ташлайлик деб келиб кетди», деб борибди. Хон мендан «шу гап ростми?» деб сўради.

— Бундан чиқди, Ғойибхон сизга ишонар экан-да.

— Қайдам. Бугун юрт рус подшоши бир балони бошламаса гўрғайди деб, хавотирланиб юрган пайтда кўнғиротликларнинг жанжал чиқариши, қийшанглаши ёқмайди. Ғийбат бўлса, худонинг ўзи кечирару, ким найрангбозлик қилаётганини сира тушунолмаёйман. Менимча, энг яхшиси, бу ерлардан узоқроққа кўчиб кетган маъқул. Хонга яқин ерда яшасанг, умринг хавотирда ўтар экан. Шунинг учун ҳам кенагасликлар бичилган ҳўкиздай, бош кўтаришмайди. Бу ҳақда сизларга ҳам шу чоққача очиқ-ойдин айтмаган эдим. Шунинг учун ёлғиз ўғлим Ўринбойни лаънатлаб юрманглар.

Диққат билан тинглаб ётган Омонлиқ, суҳбатлашаётган кишилар манғит бийлари эканини, куйиб-пишиб гапираётган кимса Убайдулла бийнинг ўзи эканини фаҳмлади. Лекин бошини кўтармади. Кетларидан икки отлиқ етиб келгандан кейин, гаплашиб турганлар биргаллашиб жўнашди.

«Ғойибхон — жумбоқ хон», деб шивирлади Омонлиқ. Бу гап уни бир томондан ўйлатиб қўйди, иккинчи томондан эса хон айтган дудмал гапга ишончини камайтириб, тугён урган ҳис-туйғулари сал босилгандай бўлди. У эгар-жабдуқни олиб, ўрнидан турди.

2

Катта шартномага Ирискул бий номи ёзилмаганига кўнғирот йигитларининг жаҳли чиқиб, тўполон қилишмоқчи эди.

— Сабр қилинглар, хон билан гаплашиб, фикрини билай-чи, — деб Ирискул бийнинг ўзи уларни босиб қўйди. Шундан сўнг, ваъдасига биноан катта уруғнинг бийига хос вазмин қадам ташлаб тикка хоннинг ҳузурига борди. Йигитлар унинг хонга нимадир деганини, хоннинг унга нимадир деб жавоб берганини кўришди, холос. Нима ҳақда гаплашишганини билишолмади.

Ирискул бий хон билан гаплашишга гаплашди-ю, жавобини йигитларига айтмади. Унинг осойишталиги-

ни кўриб, йигитларининг кўнгли жойига тушди. «Келишишди чамаси», деб бир-бирларини овунтиришди. Шундай қилмаса бўлмайди, четдан келган меҳмонлар бор. Бутун юрт бир ёқадан бош чиқариб, эзгу ишдан хурсанд бўлиб турганида жанжал кўтариш эси йўқ одамларнинг иши. Биронтаси тўнглик қилса, бутун кўнғирот уруғининг юзи қора бўлади. Шу сабабдан улар бир-бирларини тўғри тушунишиб, маслаҳатнинг бузилишига йўл қўйишмади. Аммо қайтишда кайфлари бузилди. Бийлар сузонғич кўчқорлардай бир-бирларига олайишарди. Олдинда кетаётган Ирискул бийнинг дўнг пешонасига қараб қовоқларини солишади, бурунларини жийиришади, мусобақада голиб чиқаман деб, олдинга интилаётган отнинг бошини тортгандай, унга қамчи ўқталиб, орқага тисланишади. Охири Бойкўчқор бий чидолмади:

— Кўнғиротнинг хони, — деб чақирди у Ирискул бийни. Унинг овозида кесатик оҳанги бор эди. Ирискул бий отининг жиловини тортиб, тўхтади: у чарчаган эди. Унинг оёқ соқоли, сочларини чанг босган, кексалигига қарамай доим қип-қизил бўлиб юрадиган юзи бўғриққан, кўзлари ёшланган, қовоғи солиқ эди. У авзойини бузмай:

— Нима демоқчисан? — деди.

Йигитлар бийнинг ғазабли нигоҳидан бир нимани сезишиб, нафаслари ичларига тушиб кетди. Ирискул бий улар нимани билишмоқчи бўлаётганини сезиб келаётганди.

— Кўнғирот номидан Соғиндиқ баҳодир бор, шунинг ўзи етарли, — деди у ва отини яна йўлга солди.

Жавоб ҳеч кимни қаноатлантирмади. Овулга етишганда, ҳар ким ўз тўпи билан, жим-жим тарқалишди. Катта бийнинг айтганидан чиқмайдиган Суёндиқ бий билан Ирискул бийга ҳеч ким илгаригидай «яхши қолинг, биз кетдик», демади, шаҳарда хуржунини олдирган бозорчидай бўшашиб кетишди.

Ирискул бий кетига қайрилиб қарамаса ҳам, ҳаммасининг кайфиятини сезган эди. Уларга ачинди. Ахир, уруғини севади, унинг шон-шухратини оширишда ўзининг ҳам озмунча хизмати синмади. Энди уларга ақл ўргатиш, чопиб кетаётган отнинг думига тош боғлаш деган гап. Бироқ ваъда бузилгани учун хондан хафа бўлишини ҳам, шайхни айблашни ҳам билмайди. Нима бўлса ҳам оқибатини кутиш керак. Ахир хон ўз оғзи билан: «Ҳозир маросимни бузма,

норим... кейин гаплашамиз», деган эди. У ўша ваъданинг оқибатини кутди.

Орадан ҳафта ўтди, дарак бўлмади, ўн кун ўтди ҳамки, хон чақиртирмайди. Иккинчи ҳафта охирида азон паллада у отини айтиб чақирган шовқиндан уйғонди. Шоша-пиша ёстиқдан бошини кўтариб кулоқ солган эди, четдан келган душман овозига ўхшамади, ўз йигитларининг овози. У диққати ошиб:

— Намоздан кейин келинг! — деб ўшқириб берди.

— Бу ёққа чиқинг! — деди бир ёш йигитнинг овози.

Ирискул бий уни танимади. Шундан кейин бир корхол бўлганини пайқаб, юраги орқасига тортиб, ҳаприқиб кетди. Бўйинини белбоғи билан қайта-қайта чандиб, секин ташқарига чиқди.

— Ишқилиб, ёв босгани йўқми?

— Ёв келмаса ётаверасизми, кўнғиротнинг хони? — деб узиб олди Бойқўчқор бий. — Биз манғит овулига бориб, ариқларнинг бошини кўмиб келдик. Энди ёби овулига кетяпмиз. Молларини ҳайдаб, қиличдан ўтказамиз. Маъқул топсангиз, ўзингиз бош бўлинг.

— Ахир, уруғнинг номуси — сизнинг номусингизку, бий ота, — деди бир йигит чийиллаб.

— Кўп ваҳима қилаверма! Бу нимаси? — деди Ирискул бий.

Бойқўчқор бий яна луқма ташлади.

— Йигитлар тўғри айтишяпти. Сиз айтмасангиз ҳам Ғойибхондан ўзимиз билиб келдик. Хон анигини айтди. Шартномага кўнғиротликларнинг номини ёздирмаган ёбилликлар экан. Барча шумлик Мурод шайхдан чиқаётганмиш. Ғойибхон Убайдулла бий ҳам қаршилиқ қилган, дебди.

Узоқдан беш-олти отлиқ кўринди. Олдинги отда ўтирган Суюндиқ бий эди. Ирискул бий ўйлаб олиш ва анавилардан бирон дуруст гап чиқармикин деган умидда, келаётганларни кутиш лозимлигини таъкидлади.

— Фикрингизни айтаверинг, улар билан ҳам маслаҳатлашганмиз. Ҳаммамизнинг фикримиз бир, — деди Эсенгелди отасининг сўзини қувватлаб. Шу орада Суюндиқ бийлар ҳам яқинлашишди. Ирискул бийнинг нияти бу тўпланиб турганларни тарқатиб юбориш эди. Ўйлаб-ўйлаб, ўйининг тагига етолмаганидан кейин, керагага суяниб, узоқларга кўз югуртирган эди, қора ғунонини минмай, етаклаб келаётган бир одамга кўзи тушди.

— Анави ҳам етиб келсин, — деди Ирискул бий дурустроқ ўйлаб олиш учун.

Чеккароқда турган бир йигит: «Ҳой йўловчи, бу томонга бурил!» деб қичқириб, қўл силкиди.

Йўловчи у томонга бурилди. Бу Омонлиқ эди. Омонлиқ ҳали етиб келмасидан тўпдаги йигитлардан бири бийни сийлаб, отдан тушиб пиёда келяптими, деб мақтаб қўйди.

— Бегоналар сийлайди, ўзимизникилар эса оёқости қилади, — деди иккинчи йигит энсаси қотиб.

Йўловчи яқинлашиб, салом берганидан кейингина одамлар Омонлиқни таниди. Ирискул бий сир бой бермади.

— Маманларни кузатиб қайтяпсанми? — деди.

— Ҳа, бий ота.

— Жуда яхши бўлибди. Қалай, вақти чоғ бўлиб кетдими? Отлари чарчаб қолмадими?

— Жуда яхши кетди, бий ота. Энди қайтиб кетаверинглар, дейишгандан кейин қайтдик. Манави касофат чарчаб қолиб, шерикларимдан орқада қолиб кетдим. Минсам, йиқилади. Зўрға келяпти.

Ҳозиргина «элни ўзгалар сийлайди», деб мақтаниб турган икки йигитнинг миси чиқиб, бир-бирига қаради. «Тутиб олиб, савалаб хумордан чиқамиз», дегандай имлашиб кулишди.

— Соғиндигимизнинг оти қанақа экан? — деди Суюндиқ бий.

— Бир ой ўт-ем емаса ҳам чидайдиган қилиб боқилган экан, етти кунгача терламади-я, жонивор.

— Шуларни сўрайлик деб чақиртирган эдик, йўлингни берсин, — деди Ирискул бий унга.

Омонлиқ кетди. У анча олислаб кетганидан кейин Ирискул тўпланганларга савол берди.

— Бояги йигитнинг тиррақи оти кимга керак?

Икки-уч дақиқа ҳеч ким бу саволга жавоб бермади. Орқадан кимнингдир «бошидан ордона қолсин», деган овози эшитилди.

Ирискул бийга бу гап қўл келди.

— Ҳозир баҳор, айна илик узилди палла. Йилқилар озиб-тўзган. Семиз мол ҳам, тўла қоп ҳам йўқ. Шунинг учун, менинг маслаҳатим, ёбиларни кузда, йигим-теримдан кейин тўсатдан босайлик. Ўшанда ўчимизни оламыз.

— Лақиллатяпсиз, — деди бир овоз.

— Хўш, лақиллатаётган бўлсам, бирон ерга қочиб кетаманми? Ҳамиша олдингиздаман-ку. Менга ҳозирча муҳлат беринглар. Фойибхон билан гаплашиб, ҳам-

масини билиб келай. Агар у маъқул деса, боссак боса-верамиз. Ҳозирча уй-уйларингга тарқалиб, халққа экин эктиринглар. Совиган темирни эритиш учун кўра қизиши керак. Кўрани қиздирадиган нарса — кўмир. Совиган темир деганда мен рус подшоси билан тузилаётган шартномани кўмир деганда эса ўз бойлигимизни кўзда тутяпман. Қолган гапни ўзингиз ақл югуртириб, тушуниб олинглар. Ахир рус подшоси бошимизни бекорга силамайди. Сендан угина, мендан бугина.

Одамлар яна лом-мим деёлмай қолди. Суюндиқ бий отини ҳайдади.

— Кўнғиротнинг хони тўғри айтди, — деди у. — Ғойибхоннинг олдига бориб келсин.

Музга қуёш нури тушгандай бўлди, от устида серрайиб ўтирганлар бир оз юмашди. Омонлиқнинг чин кўнгилдан берган жавобидан панд еб қолган бояги икки йигитни бу ердаги гаплардан кўра, Омонлиққа тезроқ етиб олиб, уни савалаш қизиқтирарди. Улар ялангликдан юлғунзорга кириб кетаётган Омонлиқдан кўзларини узишмасди.

Бу ерга келганларнинг ҳаммаси бўшашаётгани учун Бойқўчқор бий ҳам Ирисқул бийнинг бир сўз-лилигини эслаб, кўнгилсизликнинг олдини олишга ҳаракат қилди.

— Майли, кўнғиротнинг хони, — деди у. — Ҳозир тарқалсак тарқаламиз. Аммо куч билан бўлса ҳам бирикки уруғни изимизга соламиз. Кучлилар билан беллашамиз. Аммо кўнғиротликлар номусини оёқ ости қилдирмаймиз.

— Оёқости қилдирмаймиз, — деди Ирисқул бийнинг ўзи ҳам.

* * *

Ғойибхон хон бўлиб халқининг бу йил баҳордагидай бир ёқадан бош чиқарганини кўрмаган эди. Бу ажойиб, ҳайрон қоларли даражадаги бирдамликдан ҳам қувонди, ҳам кўрқди. Нега қувонди-ю, нега кўрқди — бу унинг сири, чумчуқнинг калласидай келадиган юрагининг қаъридаги бир тош. Тоғ тошларини ёриб, ўрта-сида гул кўкартирган баҳор қуёши ҳозирча унинг юрак чўкиндисига илож тополмаяпти, унинг энг яхши кўрадиган катта ўғли — меросхўри Убайдулла султон ҳам уни тушунолмаб ҳайрон. Шунга қарамасдан ғазабланиб юрган Ирисқул бий хоннинг кўнглини билиш

учун Янгикентга отланди. У хон одатдагидек кучук ўйнатиб юрган вақтда келиб қолди. Бий ҳар қанча газаби қайнаб келгани билан, хонни кўриб, бир оз юмшади, қадимгидек салом берди. Хон саломига алик олди-ю, лекин ёш болаларга ўхшаб, кучукларига гўшт тишлатиб, гиж-гижлатаверди. Бий ўзини босиб, иш билан келганини, Маманлар кетишаётганда «...кейин гаплашамиз», деганини эслатди.

— Ахир ўшандаёқ ҳаммаси ёбиликларнинг иши демаганмидим? Яна нима дейсан? Оғзингга чайнаб солиб қўядиган бола эмассан-ку, ахир. Қари итга мана бундай тишлатмасанг ҳам ўзи эплаб еяверади.

Бийнинг пешанаси тиришиб, оқарган қошлари орасидан тер қуйилди, кўзларини қоронғилик босди. Кўпдан бери юрагини босиб ётган дард тилининг учига келди. Ундаги бу ўзгаришни хон дарров пайқади. Олдиндаги оқ бароқ кучукни бошидан итариб юбордида, сержун калта қўлини бийнинг елкасига қўйди.

— Қўлингизни ювинг, — деди юраги ўртаниб турган бий, кейин кетига тисарилди. — Яхши, хон олий ҳазратлари, мен кетдим! Сизга керак бўлса, ёбиликлардан ўч олгани кетдим!

— Менга эмас, қўнғиротликларга керак, — деб қолди хон.

* * *

Ирискул бий Янгикент шаҳридан чиққунича ҳеч нарсани ўйламади, кетига ҳам қайрилиб қарамади. Келла-келгунча қулоғи остидан хоннинг «менга эмас, қўнғиротликларга керак», деган гапи жаранглади. Назарида бу гапни Ғойибхон эмас, қўнғирот бийлари тил бириктириб айтаётгандай туюларди. Бунинг устига, қулоғига «қўнғирот номусини оёқости қилдирмаймиз!» деган садо ҳам чалиниб қоларди. Йўлнинг ёби билан қўнғирот овулига ажраладиган жойига келганда, бий таққа тўхтади. Елкасини қашиб, ўйланиб қолди...

3

Хурсандчиликлар ҳали тугамаган эди. Кўни-қўшнилар овул ўртасида тўпланишиб, подачилар билан чўпонлар далада, яйловда йиғилишиб, бийлар, баҳодирлар катта ўтовларда ёнбошлаб суҳбат қуришарди. Суҳбатнинг боши — Маман. Орзу-истакларнинг чеки йўқ.

Гўё Маман осмондаги юлдузларни йиғиб келиб, ҳам-маларига бир этакдан улашадигандай, «мана, халқим, сизларга бозорлик» дейдигандай ҳаммасининг руҳи тетик, димоғи чоғ эди.

Шундан кейин гап Омонлиқнинг отга мингани, уйланиб, уй-жойлик бўлгани ҳақида бўларди. Чиндан ҳам бу кишини ҳайрон қолдирадиган воқеа эди. Кўп йиллардан бери кутилмаган янгилик сира юз бермаган эди. Уйлаб қараган кишига ҳам ҳайрон қоларли, ҳам хурсанд қиладиган воқеа эди. Кечагина ёлғиз жигарининг қўлидан этаклаб, ярим яланғоч, уйма-уй тентираб юрган етим мана бугун этагини ёпиб, отга минди, буларнинг ҳаммаси камлик қилгандай, бутун тобин уруғининг доно бийи Айғаранинг ойдаи сулув қизига уйланди.

Оқбийдай ақлли чиқди. Сира бойларнинг қизларига ўхшамайди. Омонлиқнинг ўтови ҳам, мол-дунёси ҳам йўқлигини ҳеч кимга билдирмайди. Кулбаларнинг теварак-атрофи чинни-чироқ, ёғ томса ялағудай топ-тоза бўлиб қолди. Одамларни сидқидилдан ҳурмат қилади, кексаларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам олдидан кесиб ўтмайди, сўзлари мулойим, овози майин, бир беозор келинчак. Тўйдан кейин кўни-кўшни, овул қиз-жувонларининг юриш-гуришига разм солиб, ипак-кимхоб кийимларни ечиб кўйди-да, одмигина кийиниб олди. Хизматкор ҳам сўрамади, қозон-товоққа ўзи киришиб кетди. Мурод шайх суюнчига иккита кўзи берган эди, ўшаларни этаклаб боқиб юради. Уйдаги илинжи қайн-синглиси Олмагул. Гўзаллик, одамийлик, ўзи билган фазилатларни қайнсинглисига сингдиришга ҳаракат қилади. Унинг ота-онасиз, етим болалар ичида ўсиб, яхши тарбия кўрмаганини ҳисобга олиб, сира қаттиқ-қурум гапирмайди. Меҳрибонлик билан ёнига ўтқазиб, бошини ювдиради, тим қора сочларини шохдан ясалган тароғида тарайди, ҳар куни ҳар мақомда ўради. Олмагулнинг сочлари ҳали калта, эндигина елкасига тушган. Майдалаб ўриб кўйса, ўзига жуда ярашади. Оқбийдай келиб, Олмагул жуда очилиб кетди: кулча юзи оқарди, қуюқ қора қошлари пайваста бўлди, киприклари қайрилиб, кўзлари ўйнарди, селкиллаган сочлари товланганда, уни ҳар кўрган одам «қани энди қизинг бўлса, шундай бўлса» деб ҳавас қиладиган бўлиб қолди. Янгаси уни онадай ардоқларди. Янгасининг кумушдай жаранглаб эшитиладиган овозига монанд муомала қилади, унинг гапларига Оқбийдай тугул, ҳар

қандай бегона тошбағир одамнинг ҳам кўнгли юмшаб кетади, овозини яна эшитсам, дейди. Ҳамма келинни мана шу ишлари учун яхши кўриб қолди, ҳатто яқинда бўлган бир тўйда икки эл бийларининг қиз олиб-қиз бериш ҳақидаги яхши маслаҳатларини эшитган баъзи кампирлар, ўғилларига келин қилгудай сингиллари бормикин, деб Оқбийдайдан келиб сўраб кетадиган бўлишди. Оқбийдай шундай пайтларда кўнгли тоғдай кўтарилади, гул-гул очилиб кетади, бировнинг гапига диққат билан қулоқ солиб жилмайганида, нозик лаблари хиёл очилиб, маржондай оппоқ тишлари кўринади, қизил олмадай юзидаги кулдиргичлари чуқурлашади, кўзлари кулимсирайди, ана шундай пайтларда кампирлар «ёпирай!» дейишарди. Оқбийдай дуч келган кампирни «она», дуч келган чолни «ота» дерди. Суҳбатлашиб ўтирган кампир томонидан айтилган «ёпирай»нинг сабабини тушунса ҳам хижолат қилмай деб ўйларди шекилли, ўзини гўлликка солиб, жуда мулойимлик билан жавоб қиларди.

— Қозоқларда қиз кўп, бувижон, болангиз сермол бўлмасаям, эс-хушли, ғайратли бўлсин. Бундан буён эл оғалари тотув бўлсин.

Кўргани келган кампир Оқбийдайнинг гапларидан мамнун бўлиб, дуо қила-қила кетарди.

Одамлар муомаласи, мурувватидан хурсанд бўлган Оқбийдай ёлғиз қолган кезларида ёқасига тупуриб:

— Элга бахт кулиб боққан йили тушган эканман, э худо, ишқилиб, охиригача бахтли қил, — дерди.

Маманларни кузатиб кетганларнинг олди кела бошлаганда, Оқбийдай ҳам, Олмагул ҳам Омонлиқни кутишмади. Нега деганда, Маманни у ҳаммадан ҳам узоқроқ ергача кузатишиб бориши, унга ҳамроҳ бўлиши керак, деб ҳисоблашарди. Орадан ярим ой ўтди. Овулдан кетган йигитларнинг ҳаммаси келди, аммо ундан дарак йўқ. Бирга кетиши мумкин эмас, одамларнинг гапларига қараганда, фақат, саноғлиқ одамларгина боришармиш. Йўлга чиқишгандан кейин Маман бирга олиб кетганмикан, деса, ундай бўлиши мумкин эмас. Агар Маманнинг шундай нияти бўлса, бир қарра албатта огоҳлантириб қўйган бўларди. Ҳар куни кутавериб Оқбийдай ҳам, сингилси ҳам озиб-тўзиб, умидлари узилла бошлаганда Омонлиқ келиб қолди. Оти ҳам, ўзи ҳам озиб, териси суягига ёпишибди. Бу фақат йўл азобиникига ўхшамайди. Оқбийдайнинг кўзлари ола-кула бўлиб, кўрқиб кетди. Олмагул чидамай сўради:

— Акажон, тобингиз бўлмай қолдими?

— Йўқ, — деди Омонлиқ қисқа. У шундай деди-да, бир чеккага ёзиб қўйилган кўрпачанинг устига бориб узала тушди.

Омонлиқ индамагани билан улар унинг юрагида аллақандай дарди борлигини пайқашди, ammo сўрашолмади.

Омонлиқ ўйчанлик билан хонага разм солди. Хонанинг гард тушса ялагудай қилиб йиғиштирилганини, болалар билан келганида чангитиб ётадиган ернинг сувалганини, янги ўчоқ қурилиб, атрофига супа қилинганини кўриб кўнгли кўтарилгани билан, дилидаги гашлик тарқалмади. Хаёлини банд қилаверди. Айниқса, хон билан учрашиб қолганида хоннинг унга айтган заҳарли гаплари жуда алам қиларди. Ҳали ҳам яхши. Оқбийдай пок экан. Бўлмаса ўла-ўлгунча умри азобда ўтарди. Бундай гапни хон у ёқда турсин, энг оддий одам ҳам оғзига оладими? Кимга арз-дод қилса бўлади? Бу фаросатсиз хон устидан худога шикоят қилишдан ўзга чора йўқ. Омонлиқ у ёқда турсин, катта уруғнинг бошлиғи Убайдулла бийнинг ҳасратини айтмайсизми. У ҳам ночор, иложсиз экан. Агар қўлидан келса, «ота» деб кетидан юрган жиловдорларига сир бой бериб, зарда қилиб юрармиди? Унинг ҳам гами ўзига етарли экан. Юрагидаги дардини ўртага тўкиб солганидан нима фойда? Ишонган одамлари чин дўст бўлса яхши-я, агар кўнгли эгри бўлса нима бўлади? Дарров хонга етказди, кейин бошига қандай кунлар тушаркин?.. Эҳ, шўрлик Омонлиқ, сенда юртга тасалли бергудай куч, ақл борми ўзи? Ўз тешигингни бекит, оғзингнинг қийшиғини тузат. Сенда ақл бўлганида, кўнғирот йигитларидан калтак ерминдинг? Отим чарчади демай, халқингиз ҳурмати учун отимдан тушиб, пиёда кетяпман, деганингда нима бўларди? Тўғри гап туққанингда ёқмайди, деган мақолга амал қилмаганингда кейин, кунинг шу-да. Ҳойибхон тўғри қилади. Бу иллат фақат хонда эмас, ҳаммада ҳам бор. Агар ўшандай қилмасанг, пешанангнинг шўри деявер».

Омонлиқ шундай хаёллар билан қимирламай, анчагача хомуш ётди. Ичидаги дардини ҳеч кимга очмасликка аҳд қилди. «Кимга айтаман? Ким дардимга шерик бўларди? Оқбийдайимми? Олмагулимми? Эшитишса, улар ҳам эзилишади. Ким хоннинг устидан шикоят қила оларди? Убайдулла бийнинг гапларини бировга айтиш— хиёнат. Кўнғиротлик икки йигит дўппослаганини айтганим билан ким мен учун ўч оларди? Бектемирларми?

Йўқ, йўқ, икки қайроқни бир-бирига уриштира, ўт чиқади. Ут биронтасининг юзини куйдиради. Одам бир оз «ичимдагини топ» бўлгани ҳам дуруст...»

У шундай қарорга келиб, бир хўрсиниб қўйди. Чидамганидан кулбасининг ичини яна бир кўздан кечирди. Унг тарафдаги деворга тутилган чийга суяб қўйилган қизил хипчинларга кўзи тушди. Толдан кесилган. Силлиқ эмас. Тозаланмаган ҳам. Қатор тизиб қўйибди. Уни нимага кесилганига қизиқиб қолди. Хотини ташқарига чиқиб кетганида Олмагулдан сўради.

— Анави хипчинлар нимага, синглим?

Олмагулнинг кулча юзи қизариб, айтарини ҳам, айтмасини ҳам билмай, довдираб қолди, бироқ ёлғиз акасидан ҳеч нарсани яшириб ўрганмагани учун, ростини айтиб қўя қолди.

— Янгам кесиб қўйибди, акажон.

— Нимага керак экан?

— Мабодо акангнинг жаҳли чиқиб, калтаклагиси келиб қолса, хипчин тополмай, қўли оғриб юрмасин, деб олиб келиб қўйибди.

Омонлиқнинг чехрасига табассум югурди. Боядан бери бошини қотираётган хаёллари ёдидан кўтарилиб, бир оз ёришди. Бир даста тараша кўтариб кирган Оқбийдай эрининг бир оз очилиб, жилмайиб ўтирганини кўриб, севиниб кетди.

— Бегим, сиздан бир нарсани сўрасам майлими? — деди.

— Қани, сўра-чи.

— Юрт хурсанд, бегим. Юрагим сезиб турибди. Шу хурсандчиликнинг боисини ўз оғзингиздан эшитсам дедим, бегим.

— Ҳа, яхши ишга қўл урилди, азизам. Маман бий оқ подшо билан шартнома тузгани кетди. Ота-боболаримиз бошлаб кетган яхши ишни бирёқлик қилиш учун кетди. Юрт шундан хурсанд, шунга қувоняпти.

— Бегим, унда нега озиб кетдингиз?

— Йўл азобидан.

— Йўқ, хўрсинишингизнинг сабабини сўраяпман, бегим? — деди Оқбийдай. — Одам боласи хўрсиниш билан, нолиш билан бахтли бўлганда, дунёда бахтсиз одам қолмаган бўлар эди.

Хотинининг ақллилигини олдиндан пайқаган Омонлиқ бирдан қувватга киргандай бўлди, қадини ростлади. Кейин Оқбийдаининг илтимоси билан кўзилардан бирини сўйиш учун ташқарига чиқиб кетди.

Йўл азобини торта-торта, ўлар ҳолатда кулбасига етиб келган Омонлиқ азонда ўрнидан қушдай бўлиб турди. Гўё қийинчилик тортмагандай. Ташқарига чиқиб, овулга назар ташлаган эди, теварак-атроф яшнаб кетгандай кўринди. Кетига ўгирилиб, ўз кулбасига қараган эди, назарида овулдаги энг чиройли, энг ёқимли ўтов шу ўтовдай туюлди. «Бу дунёда роҳат ҳам бор экан-ку», деган фикр хаёлига келиб, ҳузур қилиб керишиб қўйди. У Мурод шайхнинг ўтови тарафга қаради. Ҳеч ким кўринмайди. Али бийнинг даласига қараган эди, икки деҳқоннинг қўш ҳўкизда ер ҳайдаётганини кўрди. Омонлиқ: «Эҳ, қани энди мени ҳам шундай ҳўкизим бўлса эди», деб кўнглидан ўтказди. У шундай деб кўнглидан ўтказди-ю, ўзимдан кетиб қолмадимми деб кўрқиб, икки кафти билан кўзини яшириб: «Эй худо, шу кунингни ҳам ортиқ кўрма», деди.

— Омонлиқ Избосар баҳодирлар ўтови томонга қарадида, унинг от етаклаб келаётганини кўрди. «Кўнғиротликларнинг бузуқ ниятларини пайқаб қолдимикин-а? — деб ўйлаб, бир зум ўша томонга қараб турди-ю, бошини қашиди. — Кўнғиротликларнинг қора ниятларини Мурод шайх билан Избосар баҳодирга шаъма қилиб қўйсаммикин-а?.. Айтсам оловга ёғ сепгандай бўламан. Йўқ-йўқ, айтсам бўлмайди!..»

У анчагача хаёл суриб турди. Кейин куёшга қаради. Осмон бегубор, баҳор куёши кўзни қамаштиради. У бечора қачон тирикчиликдан ортиб, куёшга бемалол қарабди дейсиз? У кўзларининг куёшга тушишидан уялгандай орқасига бурилди, тоғ этагига назар ташлади. Ҳозиргина куёшдан қамашган кўзлари Бектемирларнинг ўтовини кўрмади. Омонлиқ ўзини хўрламади, яна Мурод шайхнинг ўтови томонга ўгирилди. «Бориб салом бериб келиш керак», деган хаёл билан энди илгарига қараб юрган эди, ичкаридан Олмагул чиқиб қолди.

— Ака, қаёққа?

— Шайх отамга салом бериб келмоқчи эдим.

— Бектемирлар хафа бўлишмасмикан?..

— Нега?

Акасининг бу саволи Олмагулга қизиқ туюлди.

— Ҳа, ака! — деб юборди ҳайрон бўлиб. ✓

Омонлиқ энди тушунди.

У индамай, Бектемирларнинг қўшига қараб кетди. Ярим йўлга етар-етмас от кишнаганини эшитиб, ўги-

рилган эди. Мурод шайхга кўзи тушди. Югурганича олдига бориб, салом берди.

✓ — Қачон келдинг?

— Кечқурун қайтган эдим, шайх ота.

— Маманлар эсон-омон кетишдими?

— Кетишди, шайх ота, кетишди.

✓ Омонлик кетингга қайт. Ювин. Ўтовимга бор.

Омонлик изига қайтди. Бошқатдан ювинди, артинди. Шунда ҳам кўнгли тўлмай, синглисини чақириб, юз-кўзида кир-чир қолган-қолмаганини суриштирди. Оқбийдай унинг кийим-кечакларидаги чанг-чунглари артиб-қоқиб тозаланиди.

Унинг шунча шошилгани икки пул бўлди. Мурод шайх бир ёқдан чарчаб келиб, ухлаб қолибди. Уйғота олмай, пешингача кутиб ўтирди. Шайх пешин намози-га таҳорат олгани чиққанидагина, Омонликнинг ташқарида, юлғун тагида ўтирганини кўрди.

— Омонлик, энди ёдингга бўлсин. Сен қорақалпоқларнинг ўртаҳол хонадони бўлдинг. Тўғри Эшниеъ охуннинг олдига бор. Мени юборди де. Янги уйланган, ўртаҳол одамнинг қандай юриб-туриши кераклигини ўргатади.

Шайх уйига кириб кетди.

«Ўртаҳол» деган сўз Омонликни ҳам хурсанд қилди, ҳам мунғайтирди. У энди одам қаторида саналиб, Эшниеъ охуннинг тарбиясида бўлишидан қувонди, Бектемирлар билан илгаригидай бемалол юролмаслиги, энди илгариги эрки йўқлигини ўйлаб мунғайди. Эшниеъ нимани буюрса, шуни қилиб юраверади. Лекин, барибир, «ўртаҳол», янги уйлик деган гаплардан кўнгли кўтарилиб кетди. Уйига қайтиб келиб, бор бисотини кўздан кечирди. Икки кигиз, чўян қозон, бир сидира кийим-кечак. Ҳаммаси Оқбийдай олиб келган нарсалар. Бундан бўлак яна нимаси бор? Битта кўзиси бор. Бор хонадонларни кўз олдига келтириб, шуларнинг биттаси бўлганига хурсанд бўлди. Йўл-йўлакай Мурод шайхнинг жиловдори Сайдулла девникига кириб чиқди. Унинг ҳам уй-жойи Омонликникидан ортиқ эмас, моли ҳам йўқ. Аммо бола-чақаси кўп. Кўпнинг бири бўлиш яхши. У Эшниеъ охунни уйдан эмас, ўзига ўхшаган «ўртаҳолларни» даласига олиб чиқиб, ер чоптираётган жойидан топди. Охун унинг гапини эшитиб, келганидан хурсанд бўлди-да, чопилган чангалларни дасталашга солди.

Бу йилги баҳорнинг олдинги баҳорлардан фарқи шу бўлдики, «урди», «ўғирлади», «ўлдирди» деган сўзлар оғизга кўп олинмади. Баҳор бошланганидан хурсанд бўлган юрт тирикчилик ташвишига тушди: биров экин экди, биров яйловга молини чиқариб ўтлатди, кўзилатди. Етим-есирларга ҳам иш топилди. Мол-ҳоли бор хонадонларга қарашиб, бир кунларини ўтказадиган бўлиб қолишди. Ҳамма ўз иши билан банд бўлганлиги учун, уруғлар, овуллар орасидаги қатновлар камайди, йўллар, сўқмоқларни ҳам ўт босди. Тирикчилик ташвиши элнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини йўққа чиқармади, аксинча, бир-бирини соғинтириб қўйди.

Давлатбой бий экин-тикинларини айланиб келиб, қора ўтовининг соясига кўрпача солдириб, кичик хотини Шарифага оёқларини уқалатиб, катта ёстиққа суяниб ётарди. Кўзи иссиқда отига шафқат қилмай, чоптириб келаётган одамга тушди.

— Тинчимизга кўз тегди, ичкарига кир, хотин.

Оқишдан келган кичик хотин, кўзларини сузиб, ноз билан ўрнидан турди-да, ичкарига кириб кетди. Бой жаҳл билан ўшқирди:

— Жим, лаънати!

Аёл ичкарига кириб кетиши билан бояги отлиқ етиб келиб, от устидан бийга салом берди.

— Тинчликми?

— Убайдулла бий кўчяпти. Мени аёли юборди, сизни келсин, деди. Агар қўлидан келса, тўхтатсин, юртдан айрилмайлик, деди.

Убайдулла бий билан Давлатбой бий бир-бирига божа эди. Бу хабарни эшитиб, Шарифа югуриб чиқди.

— Нима дедингиз?

Шарифа отлиқнинг елиб келишидан душман босиб келяпти, деган хабарни келтирдими деб кўрқиб, қўли, қулоқларидаги тақинчоқларини шоша-пиша ечиб, юзига куя суркаб улгурган эди. Хабарчи нима бўлганига тушунмай, шундай сулув аёлнинг бадбашара бўлиб қолганига ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Ичкарига кир, бетингни юв, — деб жеркиб берди эри. Хотини индамай ичкарига кириб кетди.

Давлатбой бий эшигининг тагидаги қўшга қараб туриб:

— Умар, отни олиб кел! — деб буюрди.

Ўтовдан ориқ, новча йигит чиқди. От нарироқда ўтлаб юрган эди. Йигит ичкарига кириб, кишаннинг калитини шақиллатиб олиб чиқди-да, отни олиб келгани кетди.

— Тавба, у нега кўчяптикин-а? — дерди ҳадеб бий. Бу саволига ҳеч кимдан, ҳатто чопардан ҳам жавоб ололмади. У қайта-қайта: «Нега кўчади? Бировдан хафа бўлганмикан?» дер ва ўз саволига ўзи жавоб қидиради.

Убайдулла бийни кўрмаганига ҳам икки ой бўлди. Кўчиш фикри дарров қаердан пайдо бўлди? «Кимдан хафа бўлдийкин? Менданми?» У Убайдулла бий билан сўнгги учрашувини кўз олдига келтирди.

Маманларни Петербургга кузатиб қайтишаётганда ҳаммани хурсанд қилган бу воқеага Убайдулла бийнинг қандай баҳо бергани эсида.

— Бу йил баҳор яхши бошланди, Давлатбой бий жўра, — девди у. — Яхшилик, тинчлик бўлади. Сабаби, улар ҳам биз билан тотув бўлиб яшашни хоҳлар экан. Шунинг учун ҳам бу маросимга қанча ердан меҳмон тўпланди. Қиз бериб, қиз олиши қандай яхши. Айғара бийнинг қизини элимизга келин қилиб келиб, қанча қозоқлар билан дўст тутиндик. Бу Маманнинг ақлимикан ё Мурод шайхникими, ё бўлмаса Омонлиқ етимнинг омадими, ишқилиб, яхши бўлди. Седет керей деган бир қозоқ кета туриб менга, овулингизнинг йигитларидан юборинг, қиз мингаштириб юбораман, қуда-анда бўлайлик, деб кетди. Мен ҳам ваъда бердим. Экинтинларимизни экиб бўлганимиздан кейин юбораман, дедим. Маъкулми, жўра? Ахир экадиганларимизни экиб олайлик-да. Қозоқ қудаларимиз ўтин топса, гугурти биздан, битта қозонни амаллаб қайнатармиз.

Шу гап ножўя гапми? Ростини айтди. Ўшанда Давлатбой бий нима деди? Бу гап унга маъкул тушмади-ми? Йўқ, аксинча, жуда маъкул, деди. «Биз, хитойлар, тобинларга қиз берадиган бўлдик. Мирзабек йигитлари билан кузда келадиган бўлди», деб Мирзабек бий билан бўлган суҳбатини очиқ айтди. Давлатбой бийнинг уйи йўлга яқин бўлгани учун иккови шу ёққа бурилган эди. Ёки ўшанда яхши меҳмон қилолмадими? Йўқ. Давлатбой бийнинг уч хизматкори меҳмонни кутиб олгани югуриб, бири отини жиловлади, иккитаси бийни отдан кўтариб олиб, тўғри қора ўтовга кирди, ёзиғлик кигизнинг устига ўтқазиб қўйди. Убайдулла бийнинг боши осмонга етиб:

— Замонлар яхши бўлиб боряпти, оёқлар ер искамайдиган бўляпти, — деб қулди.

Ушандан кейин нима бўлди? Кўнгилдагидай меҳмон қилинди. Кўйнинг калласи қўйилди. Ярим йўлгача кузатиб қўйишди. Хайрлашиш чоғида улар: «Маман яхши хабарлар билан келганда сувдан ҳалво ясаб ўтирмайлик. Экинни кўпроқ экайлик. Дайдиб юрмайлик. Омонлиқ бўлса, бир-бировимизни хафа қилмайлик» деб ният қилишганди. Бу фикрни Давлатбой бий бошлаган билан Убайдулла бий «ичимдагини топдинг, жўра», деган эди. Энди нима бўлди? Юртни ташлаб кетаётгани тўғрисидаги бу кўнгилсиз хабарни нега олдинроқ билдирмади?

Давлатбой бий ўз саволига жавоб беришга беҳуда уринарди. Жавоб топа олмади. У шошиб-пишиб йўлга отланди.

Бора-боргунча чопардан сўраб-суриштирди. Унинг гапига қараганда, Убайдулла бийни Ғойибхон яқинда чақиртирган экан. Бий хоннинг олдидан ранжиб қайтибди. Бунинг устига кўнғиротликлардан ҳам озгина хафа бўлган экан. Хафа бўлганининг сабаби шуки, кўнғиротликлар сув бошида бўлганидан фойдаланиб, ариқларни кўмиб юборишган. Яхшилик билан сув сўраб борса, Бойқўчқор бий: «Ёбиларга қарши бизнинг тарафимизда турсангиз сув ичасиз», дебди. Нега бундай қилади? Бундан мақсадлари нима? Сабабини тушунтирмаган. Ирискул бийнинг олдида борган экан, «бетоб» деб, уйдагилар олдида киргизишмабди. Суюндиқ бий ҳам Бойқўчқор бийнинг гапини маъқуллабди. «Шартимизга кўнмасангиз, ёбилардан сув сўранг», дебди. Шундан кейин Убайдулла бий овулни ташлаб, бир ой дом-дараксиз йўқ бўлиб кетибди. Уруғ қариялари уввало ялинишса ҳам кўнмабди... «Бунча қийин-қистов бўлмаса», деб Давлатбой бий йўлдошига эшиттирмай тўнғиллаб қўйди. «Кўшнини ковласанг, кўчади, дегани шу-да... Мангитлар бу атрофда оз. Ўша кўпчилигига бориб қўшилиб, астойдил уришайлик дегандир. Шўрлик халқимиз ўртасидаги ур-ур, сур-сурлар сира тамом бўлмади-бўлмади-да...»

Убайдулла бий уруғни жуда шоширган экан. Давлатбой бийлар мўлжаллаган вақтида етиб боришолмади. Йўлда учратишди. Карвоннинг бошидаги иккита норда Убайдулла бийнинг оила аъзолари борарди. Унинг кетидан йигирматача от, ўттизга яқин эшакка

юклари ортилганди. Манғит уругининг ярми қатор тизилиб, кўчиб кетяпти.

Давлатбой бий уларни кетларига қайтаришнинг иложи йўқлигини сезса ҳам, Убайдулла бийни қидириб кетди. У ўзининг эски малла отини миниб подачилар билан бирга молларни ҳайдаб келаётган экан. У одатдагидек совуққина саломлашди. Сухбатга майли йўқроқ эди. Давлатбой бий нима дейишни билмай:

— Чиндан ҳам кўчяпсанми? — деб сўради.

— Киши эрмакка кўчарканми? — деди Убайдулла бий истеҳзоли кулиб.

Давлатбой бий чидолмай, кимдан хафа бўлганини сўраган эди, Убайдулла бий айтишни истамади.

— Осмони кенг ер. Қаерда бўлсак ҳам ризқимизни териб еяверамиз, — деди.

— Олдинроқ айтганингда, ёрдамлашиб юборардик.

— Иш бўлса ўзимдан ҳам ортмайди.

— Мен қол деб илтимос қилмоқчи эдим.

— Гапинг ерда қолади. Хафа бўламан...

— Ҳой, Умурзоқ, молларни шошмай ҳайданглар, мунча шошилмасаларинг! — деб Убайдулла бий ёйилиб кетаётган молларни ҳайдаб, тўдасига қўшиб келди. — Шундай, Давлатбой бий. Ўзинг биласан, шу ёлғизгина ўғлимнинг кўзёшини кўрмай ҳам, куймай ҳам дейман. Бало-қазолардан узоқроқ бўлай дейман. Анави нодонлар яна фисқи-фасод қилаётганини кўрмаяпсанми?

— Элдан ажралиш осонми? Қўнғиротликларнинг қитмирлигини хонга айтмадингми?

— Шу ишларни кўзгаб юрган хоннинг ўзи эмасми? Йўқ, менинг ниятим бунақа эмасди. Ҳеч кимдан хафа эмасман. Тинчлик керак. Маманлар хушxabар олиб келишса, эл тинчиса, яна қайтиб келаверамиз. Бироқ биз манғитларга улардан фойда йўққа ўхшайди.

— Уларнинг орасида биздан вакил йўқ. Сизлардан Шер ясовул бор. Қийин. Озчилик бўлиш қийин. Зўрлардан нарироқ юрган яхши. Бири иккинчисига оғиз очса, оёғининг тагига олиб янчади.

Убайдулла бийнинг бояги кўринишидан шунчалик гаплашадиган авзойи йўқ эди, секин-аста ҳовуридан тушиб, очилди. Кўкиш юзи оқариб, кўзларига кул сочилгандай, рангидан қони қочди. Малла от иссиқда сўнага дош беролмай, думи билан икки ёнбошини ҳадеб саваларди.

— Ҳарқалай, нимадан хафа бўлганингни айтиб кетсанг бўларди.

Убайдулла бий ўзини эшитмаганга солди. Яна Умрзоқ деган йигитнинг олдига бориб, тез-тез бир нима деди-да, қайтиб келди. Боягидан тезроқ юришди. Савол жавобсиз қолди. Энди савол бериш у ёқда турсин, бирга кетавериш ҳам ортиқчадай бўлиб туюлди.

Тўқай исиб кетганидан отлар ҳам, эгалари ҳам қора терга ботишди. Бири «қолавер» деёлмайди, иккинчиси «мен қолай» демайди. Улар шу жазирамада намозгаргача юришди. Охири Убайдулла бийнинг ўзи гап бошлади.

— Биз шай бўлиб йўлга чиққанмиз, кетаверамиз. Сен чарчаб қоласан. Энди қолавер. Омон бўл. Бирон кор ҳол бўлиб, кўришолмай қолсак, рози бўл.

Давлатбой бийга қолиш ҳам, юриш ҳам оғир кўринди. Кун ботгунча бирга юриб, ёби уруғининг чегарасига етганда хайрлашди. Давлатбой бий тўғри Мурод шайхнинг ўтовига бурилди. Шайх уйда экан. Йўқлаб келган бийни хурсанд бўлиб кутиб олди, ўз майлига қўйди. Давлатбой бий билган гапларини ҳикоя қилиб берди. Шайх тинглаб ўтираркан, газаби қайнаб хўрсинди.

— Дарахтни шохидан қуришиб бўлмайди, аммо илдизига қурт тушса, ёмон, азизим.

У кўнғирот уруғининг ёбиларга нисбатан адовати кучайиб кетганини эшитган эди, лекин шунда ҳам Давлатбой бий олдида уларга тил теккизмади.

— Убайдулла бий маслаҳатлашай деб борганида Ирискул бий чиндан ҳам бетоб эди, — деди, холос, бир гап айланиб келганда. Шунда ҳам шунчаки бир гапдай қилиб айтди. Давлатбой бий ҳам бу гапларни ортиқча кавлаштириб ўтирмади.

Эртасига азонда шайх меҳмонини кузатиб қўймоқчи бўлиб турганида Омонлиқ келиб қолди. Озиб-тўзиб кетибди. Илгариги ўжарлиги ҳам йўқ, маъюс. Худди тутқунликдан янги бўшаган маҳбусга ўхшайди. Кўзлари ич-ичига ботиб, киприклари намланиб турибди.

— Янги рўзғор осон эмас, — деб қўйди шайх Давлатбой бийга кўз қисиб. Бий кулди. Омонлиқнинг қалин лаблари тортишиб жилмайди.

— Эшниеъ охунни ранжитмаяпсанми?

— Ранжитмаяпман, шайх ота. Қайнатамиз чақиртирган эканлар, охун отам сиздан рухсат сўрашни маслаҳат берди.

— Эшитувдим. Майли, бориб келинлар. Бироқ,

ёдингда бўлсин. Бизнинг бир хонадонимиз ҳисобига уларнинг хонадони яна битта кўпайсин, тагин.

Омонлиқ бу гапнинг маъносини тушунди. Шайхнинг маслаҳатини дилига жо қилиб эгилди...

5

— Қари кўчқор йўл бермаса ё ўзи бошлаб бормаса, ундан подага нима наф бор?

— Ўғирлик қилишни кўнглига туккан одам, аввал ўз кўрасидан ўғирлаб кўради. Сиз ҳам шундай қилмоқчимисиз, Бой-кўч-қор-бой бий?! — деди Ирискул бий газабланиб.

Экиш ишларини тамомлагандан кейин, кўнғирот бийлари орасида баъзилари яна юриш қилиш пайига тушиб қолишди.

Бойкўчқор бийларга Ғойибхондан яширин одам келиб, хон Ирискул бийга фойдали маслаҳат берган бўлса ҳам жимжитлигини, Мурод шайхлар кўнғиротликларнинг устига юриш қилиш учун яширин тайёргарлик кўраётганини хабар қилиб кетган эди. Шунинг учунми, бу сафар Бойкўчқор бийнинг тарафдорлари ҳар сафаргидан кўп эди. Фақат Суюндиқ бий йўқ. Унинг ўрнига укаси Шомурот бий ўтирибди. Яна Алиф Қорабой баҳодир бор. Ҳаммаларининг мақсадлари бир. Улар Ирискул бийни гапитиришни ҳам исташмайди. Улар Ирискул бийнинг «кўрғиротликларни оёқости қилдирмаймиз», деган қатъий ваъдасини ёдига солишади, дўқ уришади, кўзларини ола-кула қилишади.

Ғойибхонга учрашиб, ғазаб отига миниб келган Ирискул бий юриш қилишга журъат қилолмай, уйда ётиб, ўйламаган нарсаси қолмади. Неча йиллардан бери Мурод шайх, Ўразан ботирлар билан борди-келдиси бор. Улар билан қачон, нима хусусда аразлашиб қолди? Нимага келишувди? Нима қилишмоқчийди? Ким томонда гуноҳ кўпроқ? Ирискул бий ҳаммасини ақл тарозисига солиб кўрди, ўйининг тагига етолмай, касал бўлиб, бир ойча ётиб қолди. Келган одамларни ҳам қабул қилмади. Деҳқонлару чўпонларига ўғли Тўракул орқали топшириқ бериб турди. Ўйлай-ўйлай, охири, Мурод шайх билан Маманда айб йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Ниҳоят: «Ғойибхон уруғларни бир-бири билан уриштирмаса, юртга эгалик қилолмайди», деган фикрга келди. Бу фикрини бошқалар

тушунмаслиги сабабли ичида сақлаб юраверди. Бу уни жуда қийнаб юборди. Илгаридан сал эгилган қадди яна ҳам букилиб қолди, қизил юзи сарғайди.

— Сизларнинг дастингиздан Убайдулла бий узоқларга кўчиб кетди, энди унинг юртига қайси бирингизнинг ўлигингиз қўйилади?! — деди Ирискул бий заҳарханда билан.

Ошиб-тошиб, гап бермай баланд келиб ўтирган бийлар оғизларини очолмай, ер билан яксон бўлиб қолишди. Ҳеч ким гапиргани далил-исбот тополмай қолди.

Ирискул бий диққати ошиб, ташқарига чиқиб кетди. Қуёш уфққа бош қўяётганда қип-қизил чўғга ўхшарди. Ирискул бий қанчадан-қанча тўкилган қонларнинг гувоҳи. Шунинг учун ҳам қизил нарсани кўрса юраги орқасига тортиб кетар, уруғида бирор аёл ё қизнинг оқни қизилга бўяб олганини кўрса, жазолатар эди. Ботаётган қуёшнинг қирмизи рангга кириб бораётганини кўриб, ичкарида ўтирганларни ташқарига чақирди.

— Кўрдиларингми? Сизларга ўхшаган нодонлар туғишганларининг қонини оқизган. Шунинг учун қуёш ҳам қонга беланиб ботяпти.

Ирискул бий шундай деди-да, жавоб кутмай, қўли билан бетини ёпди, кўзини очганда яқинлашиб келаётган нотаниш уч отлични кўрди.

Нотаниш кишилар кўзига ўзларини аҳил кўрсатиш мақсадида, бийлардан ёшроқлари уларнинг отларини жиловидан ушлашди.

Қизил бети рафидадай, қора мўйлови икки томонга бураб қўйилган, оғзи катта, пакана йигит қамчисини белбоғига қистириб, лапанглаб келди-да, Ирискул бийга салом бериб сўрашди. Бу келганлар ичида бошлиқ бўлса керак, қолган иккала шериги ҳам шу тахлитда келиб, салом берди ва бошлиғи ким билан сўрашса, ўшалар билан саломлашиб чиқди.

— Қўнғиротнинг хони, биз меҳмонингизмиз, Абулхайрхоннинг ҳузуридан келдик, — деди юзи япалоқ йигит.

— Жуда яхши. Қани, йигитлар, уларни ичкарига олиб киришлар. Отларини жойлаштиришлар. Отларга ўт ўриб келишлар.

Шу дақиқада ҳаммалари аҳил бўлиб кетишди. Ирискул бий имо-ишора билан кимга нима иш буюрган бўлса, йигитлар шуни бажаргани кетди. Шомурод бий, Бойкўчқор бий, Алиф Қорабой, Қора баҳодирлар ичкарига киришди. Ирискул бий энг пойгаҳга ўтириб,

ҳол-аҳвол сўрашди. Меҳмонлар катта хон овулидан келишганини яна қайтаришди. Уй эгалари бир-биларининг кўзларига қарашолмаса ҳам, ҳар қайсиниси ўзича сипогарчилик қилди.

Удум бўйича биринчи кун меҳмонларга йўл бўлсин, деб сўраш айб бўлади. Шунинг учунми, меҳмонлар билан овул бийлари ўртасида гап унча қовушмади. Улар кўпроқ деҳқончилик, об-ҳаводан гаплашиб ўтиришди. Меҳмонлардан қайси бири гапирмасин, кўпроқ Абулхайрхоннинг шон-шавкати, қозоқларнинг уч юзи у ёқда турсин бутун Хоразм, Россия орасидаги обрўсини таъриф қиларди. Ирискул бийни буткул «қўнғиротнинг хони» деб гапиришарди.

Овул бийлари тарқашгач, уй эгасининг ўзи қолиб, ётишга ўрин солинаётганда юзи япалоқ меҳмон шоп мўйловини сийпаб, хуфя гапини бошлади.

— Қўнғиротнинг хони, бизга йўл бўлсин демайсиз?

— Бир-икки кун туринглар, меҳмон бўлинглар. Бугун йўл бўлсин дейиш «энди кетаверинглар» дегани бўлади.

— Биз сиздан бундай мулозаматни талаб қилмаймиз. Қўнгли яқин одамлар синашмайди. Улуғ хонимизнинг топшириғи билан келганмиз. Бояги ҳовлиқма бийларингиз билан ўзингиз кейин гаплашаварсиз, биз кетгунимизча уларни чақиртирмай туринг. Улуғ хонимизнинг ёлғиз ўзингизга илтимос — буйруқлари бор. Қўнғирот уруғини ҳурмат қилганлари учун, сизларни ўз паноҳларига олмоқчилар. Раҳм-шафқат кўрсатмоқчилар.

— Ундай бўлса, айбга буюрмайсизлар, қадрли меҳмонларим, йўлларингни берсин.

Юзи япалоқ киши, шоп мўйловим жойида турибдими дегандай, сийпалаб кўриб, гап бошлади. У икки қўлини кўтариб юзига олиб бормасиданоқ иккала шеригининг дами ичига тушиб кетди.

— Бизнинг улуғ хонимиз сизни бутун қўнғиротнинг хони деб ҳисоблайдилар, — деди меҳмонбоши. — Сиз тортаётган жабр-жафолар тўғрисида кўп ўйлайдилар. Ёби уруғининг сиздан баланд келиб, сизнинг пажмурда бўлиб қолишингизга йўл қўёлмайдилар. Муҳаммад пайғамбар ҳам «мен жабрдийдалар тарафидаман», деган. Ёбиларга қасддан сизни улуғ қўнғирот элига хон қилиб кўтармоқчилар. Ҳайрон бўлманг. Обдан ўйлаб, пишитилган иш бу. Қозоқ, ўзбекларнинг қўнғиротликларини ҳам сизга тўплаб бериб, қўнғирот элини йўқ-

дан бор қилмоқчилар. Шунда ёбиллар ҳам, кенагаслар ҳам, манғитликлар ҳам, жалойирликлар ҳам қўнғиротлик бўлиб қолаверади.

Ирисқул бийга меҳмоннинг очиқ қўнғиллиги, тўғри сўзлиги ёқди. Чунки меҳмон хон тайинлаган гапни хоннинг оғзидан қандай чиққан бўлса, шундайлигича етказяпти, деб ўйлади.

— Соғ бўлинглар, меҳмонлар, — деди у.

Юзи ялпоқ меҳмон гапи маъкул бўлганидан суюниб, керилиб қўйди, ёнидаги ёстиққа ёнбошлади-да, шерикларига қараб кўзини қисди. Ўртадаги чироқ пилиги пасайтирилганидан кўз қисганини Ирисқул бий у ёқда турсин, шериклари ҳам пайқашмади.

— Улуғ хон бошимизга соябон бўлсалар, биз гинг демай бош эгамиз, меҳмон.

— Бу жавобингиз бизни хурсанд қилади. Хонимиз эшитса, шундай маслаҳат берган дўст-биродарларидан ҳам хурсанд бўлади. Ундай бўлса бемалол ётиб ухлайверинг. Биз ҳам ухлаймиз.

Ирисқул бий ўғли Тўрақул билан бошқа ўтовда ётарди. Ўтовга кирса, ўғли хуррак отиб ухлаб ётибди. Меҳмонларнинг гапидан юрагига гўлгула тушган бий, ўғлининг беғамлик билан хуррак отиб ётишидан қаттиқ хафа бўлди, «илоҳим шу ётганингдан турма», деди шивирлаб. У қанчалик чарчаб, азоб тортиб келмасин, ўғлини қарғамас эди. Худди йўлда ётган ўлаксадан жиркангандай, маҳсиси билан бошига бир тепди. Тўрақул сезмади, бошини бир ушлаб қўйиб, ёнига ағнаб ётаверди. Ирисқул бий ўрнига кирди, лекин сира ухломмади. Турли-туман ўйлар, суронли кунлар, сирли жумбоқлар кўз олдидан бир-бир ўтди. Овоз чиқариб йиғламади-ю, лекин ундан баттар бўлди.

Азонда ўринларни йиққани кирган хотини «йиғладингизми?» деб сўради. Бий хотинининг оппоқ сочини силади-да, «асти сўрама», деб меҳмонлар ётган ўтовга чиқиб кетди. Ухламагани шундайгина билиниб турарди. Қовоқлари салқиб, кўзларини жияги қизариб кетибди. Юзи япалоқ меҳмон буни сизди, лекин сезса ҳам сезмаганга олиб, айёрлик билан жилмайди.

— Қўнғиротнинг хони, ҳаракат қиладиган кунингизни мўлжаллаб қўйган бўлсангиз, хон ҳазратларига хабар қилиб, у кишини хурсанд қилайлик.

Кечаси билан миужа қоқмай чиққан Ирисқул бийнинг чакка томирлари бўртиб, пешана ажинлари чуқурлашиб кетди.

— Меҳмон, ҳаракат қиладиган бўлсам нима қилишим керак?

Меҳмонлар кулиб юборишди, завқ билан кулишди, бийнинг болаларча самимийлигидан қотиб-қотиб кулишди.

— Ёбилликларнинг Маман бийга катта умид боғлаб ўтиришганидан хабарингиз бўлса керак. У келиши билан кўнғирот қийин аҳволга тушиб қолади. Кеча йўлда Айгара бийнинг куёвини учратдик. Шайх қайнатасидан ёрдам сўратиб юборибди. Сизларга ким ёрдам беради? Шу тўғрида ўйлаб кўрмадингизми?

— Қизик! Кўнғирот кўтариладиган бўлса, бошқа қорақалпоқ халқи нима бўлади?

— Сизга бари бир эмасми?

— Бари бир эмас-да, азиз меҳмонлар!

— Ҳа-ҳа! Яхшиликка ёмонлик, ўз мартабангизга ўзингиз зомин бўляпсиз. Ўйлаб кўринг. Ёбилликлар билан жалойирликлар бир тараф. Сизлар бўлсангиз мангитларни ўз йўлингизга сололмай, кўчириб юбордиларинг. Уларга кўчинглар деб маслаҳат берган Мурад шайх эканини билмайсиз ҳам, хум қаллалар!

— Йўқ, қадрли меҳмонлар! Ўтинаман, тузимни ичиб, тузлигимга тупурманглар.

Юзи япалоқ меҳмон қизишмади. Кекса бийнинг ранги ўчиб, соқоли титраб кетганидан шубҳаланди, бироқ сир бой бермай, босиғлиқ билан деди:

— Меҳмоннинг ҳурмати ёдингиздан чиқмасин, кўнғиротнинг хони. Меҳмон сизга давлат бўлиб келиб ўтирибди. Агар улуғ хонимизнинг марҳамати шум шайх томонга оғса, унда унинг уруғ-аймоқлари сизларнинг қўлларингга таёқ ушлатиб, мол боқтиради, хотин, бола-чақаларингга тиланчилик қилдириб, йигитларингга ариқ қаздиради...

— Агар шайхимиз шуни лозим топса, биз розимиз, меҳмон. Агар ўнг қўлнинг буйруғини чап қўл бажарса, оёқ мия даъват этган томонга юрса, айб бўлмаса керак.

— Ўҳ-ҳў, кўнғиротнинг хони, жуда чуқур кетдингизку! Чуқурдан чиққан овоз узоққа кетмайди.

Ирисқул бий меҳмонларини ғажиб ташлагундай бўлиб, ўқрайиб қаради. Лекин индамади. Меҳмонлар ҳам индашмади.

Қора ўтов ичини сукунат босди. Тош чойнакларнинг оғзи очиқ, пиёлаларга қуйилган чой совиб қолди. Икки томон сузишишга ҳозирлик кўраётган такаларни

эслатарди. Улар уч киши, уй эгаси ёлғиз ўзи. Ирискул бий шу дақиқада ёлғиз ўтирганига ўкинди. Бийлардан биронтаси кириб келса, кўзлари олдини тўсиб турган парда очилиб, олам чарақлаб кетадигандай эшикка қаради. Хизматкорлардан биронтаси кирса олиб кетар ва вазиятни тушунар деган умидда, чойини ичмай, остонага суриб кўйди. Уй эгаси учун бундай ҳаракатлар жуда ноқулай эди, шунга қарамай, у шуни қилишга мажбур бўлди. Меҳмонларнинг зардаси қайнаб кетди.

— Қари кўппак, фойда-зиёнингизни ажратолмайдиган бўлиб қолганга ўхшайсиз-а?

— Қадрли меҳмонларим. Ўз уйимда нима десаларинг ҳам чидашга мажбурман.

— Чидайсиз ҳам! — деб меҳмонбоши зарда билан ўрнидан турди. Шериклари ҳам сакраб туришди. Ирискул бий хафа бўлмади. У меҳмондўстлик одатини бузмай, оҳиста қақдини ростлади. Ичи ёнаётганига қарамай, жилмайишга ҳаракат қилди, жаҳли чиққанини сездирмай, хизматкорларни чақириб, меҳмонларни отга миндирди.

Меҳмонлар бу сафарлари энди нима билан тугашини айтишмади, Ирискул бий ҳам сўрамади. Индамай ажралишди. Ҳар кимнинг дарди ичида эди.

* * *

Хизматкорларига сир бой бермай, меҳмонлари жўнаб кетгунча ўзини дадилликка олиб турган Ирискул бий, улар кетишлари билан ўтовга кириб, ўзини кўрпачага ташлади. Юзгубан йиқилди. Униг чехрасидан, овозидан қандай кайфиятда юрганини фақат ақлли хотини Ойчўлпон сезган эди. У бийнинг орқасидан ўтовга кириб ёшлигидагидай эрининг бош томонига чўккалади-да, сочларини силаб, тасалли берди.

— Элингиз бор, нега бундай қиласиз, бегим?

Овул бийлари кечадан бери тарқалишмаган эди. Меҳмонларнинг жўнаб кетишганини кўриб, тўс-тўполон билан эшикка келишди.

— Сарқит борми, Ойчўлпон янга? — деб ичкарига ёпирилиб киришди.

Ирискул бийнинг ёшлигида ҳам, ҳатто бундан икки-уч йил бурун ҳам бийлар бундай бемалол гапириб, ўтовига ҳам бундай бемалол кириша олмас эди. Бундай андишасизлик Ирискул бийга ҳам, заифасига ҳам илгари ғалати кўринар эди, энди ўрганиб кетишган.

— Сизларсиз овқат ўтадим, қайнилари, — деб Ойчўлпон она ўтовдан чиқиб кетди. Ирискул бийнинг мияси говлаб, қулоғи шанғиллаб, ҳали ҳам ўзига келолганича йўқ эди, шундай бўлса ҳам, чидолмай бошини кўтарди.

— Қирғийни кўриб, ўзларингни панага урган эдиларинг, энди қирғий кетганини кўриб, яна чиқдиларингми, чумчуқлар!

— Шунақа деб олдини олмасангиз ҳам сирингиз маълум, — деди Бойқўчқор бий.

— Агар биз билан гаплаштирмақчи бўлганингизда, бизни ҳам чақиртирмасмидингиз, бий? — деди Шомурод бий.

— Сиз кетингизда биздек одамлар борлигини яшириб, элни сотиб юбормоқчисиз, — деди Алиф Қорабой Қора баҳодир.

Ирискул бийнинг айтадиган гапи икки кўзидан ёш бўлиб чиқиб, қуруқшаб ётган юзи, соқолидан оқиб, кўксига томчилади. Бийлар жим бўлиб қолишди. Қора ўтов тоmidан тош ёғилиб, ҳаммани босиб қолгандай, ҳаво етишмай, нафас қисилди, лекин ўтириш давом этди.

6

Айғара бий ўзининг меҳнатсеварлиги, кичик феъллиги, одамжонлиги учун эл орасида обрў қозонган, бий номини хондан эмас, халқидан олган эди. Уришжанжалларни адолат юзасидан ҳал қилиб юргани учун ҳам ҳамма уни «Айғара бий» деб юборган. Одамлар унинг камсуқумлиги, меҳмонга борса, жой танламаслигини ҳам унинг фазилати деб билишарди. Жунғорлар уруши даврида у ёш йигит эди. Акасининг молҳолларига қарашиб, чўпонлар, подачилар, карвонлари билан бирга бир идишдан овқат ичишганди. Акаси жунғорлар билан урушда ўлиб, унинг бор дунёсига ўзи эга бўлиб қолди, лекин шунда ҳам бир идишдан бирга овқат ичишган одамларини унутмади. Уларнинг ҳар бирига мол бермаса ҳам қиз олиб берди, уй солдириб бермаса ҳам, оч-яланғоч қолдирмади, ўзини юқори тутмади. Яйловдаги молларининг олдига борса, чўпону подачиларнинг ёнида бўлади, қишда улар билан бирга пўстакка ўралиб, ёзда сомоннинг устида ётаверади. Шу одатлари учун бўлса керак, уни ҳамма уруғлари, эшигидагилар яхши кўришади.

Айғара бий бeфapзaнд эди, кўпларнинг дуосини олса ҳам, биттагина қиз кўрди. Шу қизи Оқбийдай. Унга бундай исм қўйишининг ҳам сабаби бор.

Уроққа тушишган кун кетидан қатиқ олиб келган хотинини далада дард тутиб қолди. Шундай қилиб қизи далада туғилди. Унинг исмини Оқбийдай қўйишди. Бунинг сирини ҳар ким ҳар хил таърифлайди. Қизалоқ пойқадамли туғилди. Ўша йили хирмон ҳар қачонгидан ҳам катта бўлди. Ўшандан бери бий, ўрим бошланишида қизини чақиртиради, ўримни Оқбийдай бошлаб берарди. Бу йил чақиртиришининг ҳам боиси шу, ўримни бошлаб берса бўлди, хоҳласа эртасига, хоҳласа бир ҳафтадан кейин жўнатиб юборади. Куруқ эмас, унга атаб тайёрлатиб қўйган ўтовини бериб жўнатади.

Айғара бий қизи билан куёвини кўриб, ичи ачишиб кетди. Буларга нима бўлдийкин? Иккаласининг ҳам эти суягига ёпишиб қолибди. Жағ суяклари чиқиб турибди. Икки юзи олмадай қип-қизил бўлиб юрадиган Оқбийдай қовурилган буғдойдай қовжираб қолибди, қорачадан келган, новча Омонлиқ пишган бўғдой бошоғидай сарғайиб кетибди.

Юраги туздай ачишиб кетган ота фарзандларига нима бўлганини сўрашга уялиб, Оқбийдайнинг онаси орқали сўраттирди.

Уларга нима бўларди? Ҳеч гап бўлгани йўқ. Касал ҳам эмас, ҳаммаси йўқчиликдан. Омонлиқ ўртаҳол, янги рўзғор бошлиғи бўлгандан кейин Эшниеъ охуннинг эшигида юрди. Оқбийдай бўлса беканинг тегирмонини тортди, келисини туйди. Уйда қолган Олмагул-чи? У ҳам чўп бўлиб кетди. Эртадан қора кечгача акаси билан янгасининг кетида юриб, ўтин терди. Энди уйда ёлғиз қолишга кўрқиб, Бектемирларникига кетган бўлса, сал-пал дам олиб юргандир. Ҳар бир янги оилалик бўлганларнинг дастлабки қадами шундай бошланади. Охунга қанчалик ҳалол хизмат қилсанг, уйингга кетишга шунчалик тезроқ жавоб тегади. Шундан кейин кимга ёлланаман десанг, ёлланаверасан, қаерга бораман десанг, бораверасан. Улар охундан нимани ўрганишади? Ёшлар, янги қўшилганлар қандай юриш-туриши, бир-бирининг раъйига қараши, иззат-ҳурмат қилиши, иноқ турмуш кечириш тўғрисида панд-насихат эшитишади, вассалом.

Оқбийдай онасининг саволига жавобан ана шуларни ҳикоя қилиб, озиб-тўзиб кетишганининг сабабини тушунтирди.

— Бунинг устига, янги қовушганлар, бегим, дастлабки йил озишади-ку, — деб она эрининг ёшлигини эсига солиб юпатди.

Оқбийдаининг келганидан бутун овул хабар топиб, тонг отиши билан овул ўртасида деҳқонларнинг қувноқ кўшиқлари жаранглади. Бу ҳосил кўшиғи, ишга чорлаш кўшиғи эди.

Айғара бий азонда қизи билан куёвини эргаштириб, буғдой даласига қараб йўл олди. Уларнинг кетларидан хурсанд ва шодон деҳқонлар жўнашди.

Сариқ денгиздай бўлиб, чайқалиб ётган буғдойзорни кўрган Омонлиқ ҳам, Оқбийдай ҳам бутун чарчаган, қийналганларини унутишди. Далага яқинлашишган сари одимлари тезлашди. Оқбийдай илгариги ода-тига кўра, севимли кўшиғини айтиб, иш бошлаб юборди:

Қаршимда турар баланд қоя,

баланд қоя!

Зар кокилли оқ буғдойим, қўйнингни оч!

Чайқалиб тош!

Донингни соч!!!

У энгашиб, чап қўли билан буғдойни ушлаб, ўнг қўли билан ўроқ солганда, далада қатор бўлиб турган деҳқонлар ҳам:

Зар кокилли оқ буғдойим, қўйнингни оч!

Чайқалиб тош!

Донингни соч!!!

деб куйлашиб, ўроққа тушиб кетишди.

Юракларни тўлқинлатиб жаранлаган кўшиққа жўр бўлгандай, майин шабада эсди, олтин ранг пайкаллар жонланди, бир-бирини қувлаётган денгиз тўлқинидай чайқалди, кўкни ларзага солаётган кўшиққа ҳамоҳанг бўлиб, шитирлади. Ҳамма ёқда ўроқ бошланди.

Пешинга яқин Мирзабек келиб, Омонлиқни мол яйловига олиб кетди. Оқбийдай отаси билан далада қолди. Улар шу билан эртасига учрашишди. Биринчи кун келиб тушишган оталарининг ўтовиди эмас, атайлаб ўзларига атаб тайёрлаб қўйилган, бугунгина тикилган янги ўтовда учрашишди. Икковлари учрашишди.

Омонлиқ ўз қулоғи, ўз кўзига ишонмай, далага чиқди. Ўтов Айғара бийнинг ўтовидан ўн-ўн беш қадам нарига, кун ботар томонга тикилибди. Бу ўтов ўрнида илгари қамиш хужра бўларди, ичига сузма халталар

илиб күйиларди, ҳозир моллар яйловда бўлганидан сузма қилинмасди. У кўп нарсаларни эслади. Шу ўтов ўрнидаги қамиш хужрага яшириниб кириб, синглиси Олмагул билан сузма халтага қўл тиқиб, қанча-қанчасини ялаб қочишган... Энди-чи?.. Энди бутунлай бошқача. У ҳамма-ҳаммасини, «яланг оёқ юрт кезганлари»ни эслаб, ўзига аталган оқ кигизли ўтовга қувонч билан қаради, у эсини танигандан бери иккинчи марта ана шундай қувонди. Биринчи марта тол шохидан ўтов ясаб беришганда шундай қувонган эди. Мана энди иккинчи марта қувоняпти. У ичкарига кирди. Қозон-товоқ, ўчоққа жой йўқ. Ҳамма ёғига кигиз тўшалган. У Оқбийдайни эҳтирос билан бағрига босди, улар қўшилган дастлабки кечада ана шундай эҳтирос жўш урганди...

— Миннатдорман, миннатдорман, жонгинам, — деб шивирлади. Кимдан миннатдорлиги ўзидан бўлакка қоронғи. Оқбийдай бари бир тушуниб турибди, у шундай оқибат қилган одамдан миннатдор. Мамандан ҳам миннатдор, Оқбийдайни бўшатди-да, яна бағрига тортиб, кўнглига туккан гапини айтди.

— Мамандан миннатдорман, эй худоё худовандо, ота-онам кўра олмаган умрни ҳам Маманга кўшиб бер! Оқбийдайим, кумушим, асло ранжима, сени менга ишониб берган отангдан миннатдорман, сени тукқан онангдан миннатдорман, элингдан миннатдорман.

Оқбийдай унинг тўлқинланиб, изтироб билан гапирётганидан хижолат бўлиб, лабини лабига босди. Ташқарида биров йўталди. Улар нари-нари ўтиришди. Ўтовга Мирзабек кирди.

— Кўшиқчи керакми, куёв?

Омонлиқ Оқбийдайга қаради. У «керак» дегандай имлади.

Кечқурун айтганлари ҳозир бўлди. Бутун тобин уруғи биргалашиб куйлади.

Эртасига кечқурун Мирзабек овулининг уч йигити билан бирга Омонлиқни Седет керейнинг овулига бошлаб кетди.

7

Мурод шайхнинг жиловдори Сайдулла дев ёшига номуносиб қувноқлик билан:

— Шайх ҳазратлари, улуғ шайхим, Айғара бий бериб юборибди, — деб бир отар кўйни ҳайдаб, кўрасига киргизди. Шайх қаршилиқ қилмади. Ўша куни бир

жуфт кўйни сўйиб, яқин-йироқдаги мансабдорларини зиёфат қилди. Зиёфатга келганларга Айғара бийнинг очик кўнгиллиги, икки эл ўртасида бемалол бордикелди бошланишига шу қозоқ бий сабаб бўлганини мамнунлик билан таърифлади. Хуллас, қанча мақтов, яхши сўзларни билса, ҳаммасини айтиб, Айғара бийни камсуқум, улуғ одам сифатида тасвирлади. Қорақалпоқларнинг Сирдарёнинг қуйи оқимида қўниб қолишида ҳам Айғара бий ва уруғлари сабабчи бўлганини ҳам тўпланганларнинг эсига солиб қўйди. Зиёфатдан сўнг ҳаммалари гурра туришиб, Айғара бийнинг ҳурмати учун унинг зурриёти элга келин бўлиб келган бўлса ҳам катта одамнинг қизи бўлгани учун Оқбийдайни кўргани боришди. Отаси тайёр қилиб бериб юборган ўтов ёғочларини чайла ёнига тўплатиб, кигизларини устига ташлатиб қўйган Оқбийдай ичкарида қайнсингилиси билан чой ичиб ўтирарди. Ташқаридан одамларнинг гала-ғовурини эшитиб, уйга одамлар келаётганини тушунди-да, шоша-пиша ташқарига чиқиб, ҳаммаларини икки букилиб, таъзим билан кутиб олди...

— Омонлик қани? — деб сўради овулдошларидан бири.

— Отамларникида қолдилар, қайнағажон. Отам буғдой хирмонини кўтариб олгунича қарашадилар.

— Бўлмаса, ўзинг нега шошилдинг, келин? Сен ҳам тура турганинда, бирга қайтардиларинг.

— Келинни хижолат қилманглар, — деб олдинроқ келиб, гапларини эшитиб кетган Сайдулла дев Оқбийдайнинг ўрнига жавоб қилди. — Айғара бий кетавер, қизим, дебди.

— Яхши қилибди, — деди кимдир унинг ишини маъқуллаб. — Унга қиз бўлса, бизга келин... келин бўлса ҳам анақа-мунақалардан эмас.

Отасиникида атиги бир ҳафтагина меҳмон бўлган бўлса ҳам, Оқбийдайнинг юзларига қизил югуриб, ранги анча ўзига келиб, очилиб кетибди. Ёшроқлари унинг сулувлигига дош беролмай, титроқ босиб, кетларига чекинишди. Келиннинг юзига тик қарашга уялган ёши катта қайнағалар Айғара бийнинг хизмати учун, Мурод шайхни сийлаб элликта қўй ҳайдатиб юборгани учун миннатдорчилик изҳор қилгани келишганини айтишди.

— Ўзларингга энди бермадимми? — деди енгилтакроқ бир киши.

— Мана бу ўтовни беришди, қайнағажон.

— Ўтовни Маман бий келгандан кейин тиклар эканмиз, акам шундай деб тайинлаб юборибди, — деб гапга Олмагул аралашди. Бу қизнинг гапини инобатга олмай юрган одамлар унинг бийрон гапидан анграйиб қолишди. Олмагул гапида давом этди. — Ҳа, янгамга ҳам, менга ҳам шу маъқул. Нега маъқул бўлмасин ахир! Бизни одам қилган Маман бий. Ҳаммамизни ҳам хурсанд қилиб кетган Маман бий эмасми? Ҳа, ўша. Ҳа, олиб келган қўйларинг қани, дейсизми? Йўқ. Акам олмабди. Маман бий келса, қўйлик ҳам бўлармиз.

Ҳамма нарса ойнадек равшан, ҳамма ишлар жойида бўлса ҳам, Омонлиқнинг келмаганига Мурод шайх бир оз хафа бўлди. Бу гапни ҳеч кимга оғзидан чиқармаган бўлса ҳам, «хотини шаддот, ўзи таги кўрмаганича бор, сир олдирди. Қайтиб келавериши лозим эди», деб ўйлаб қўйди ичида. Шундай деб кўнглидан ўтказган бўлса ҳам, эртаси куни Эсим бий билан Давлатбой бийни чақириб, яхшилаб зиёфат қилди. Айғара бийнинг одамгарчилигини яна бир карра кулоқларига қуйиб юборди. Шайхнинг таклифига битта Ирискул бий келмай қолди, холос. У таклиф қилиб борган одамга тайинли жавоб ҳам қилиб юбормабди. Ирискул деса совуқлиги ошадиган шайхнинг кўнгли унинг шу сафарги муомаласидан муз бўлди.

Ушандан кейин орадан бир ойдан ортиқроқ вақт ўтди. Ёзнинг сўнгги ойи ҳам оёқлаб қолди. Омонлиқдан ҳамон дарак йўқ. Сабаби номаълум. Мурод шайх ҳайрон. У кунда ўйлайди, сабабини тушунмайди. Мана бугун ҳам бармоғини тишлаб, ўйлаб ўтирибди. Остонада пайдо бўлган ёшгина йигит унинг хаёлини бўлди. Шайх унинг саломига алик олишни ҳам унутиб, «ҳа», деди. Йигит бошқатдан салом берди. Нима хизмат билан келганини айтди. Табақли уруғидан экан. Тўйга айтиб келибди.

Табақли уруғи ўзи кичкинагина. Бор-йўғи ўттиз хонадони бор. Оз бўлгани учун ҳам рус подшоси номига ёзилган шартномага қўшилмади, тўғрироғи, уларга қўшилишлар деб бирон киши индамади.

Энди шу табақли уруғининг оқсоқоли Юсуф ўғил кўрибди. Ўғлининг исмини юрт умид билан йўлига кўз тикиб ўтирган Маманнинг ҳурмати учун Маман деб қўйибди. Тўй ана шу янги туғилган фарзанд шарафига экан.

Бу Маман Петербургга кетгандан бери туғилган учинчи Маман. Булардан ташқари туғилиб, исми Ма-

ман қўйилганлари ҳам бордиру, лекин шулардан икки-тасини ҳамма биледи: оталари ўзларига тўқ бўлганлари учун катта тўй қилиб берган. Табақлида берилётган тўй учинчи туғилган бола шарофати билан. Бунда даб-дабали тўйга бормаслик сира ҳам мумкин эмас. Мурод шайх жиловдори билан Избосар Баҳодир ҳамда Али бийни олиб, йўлга тушди.

Табақли уруғи оз бўлгани учунми, ҳаммалари бир отанинг фарзандидай аҳил, меҳмондўст. Илгари кўпчиликни ташкил қилган бу уруғ кейинроқ камайиб кетган, меҳмондўстликни эса бутун эл шу уруғдан ўрганган дейишади...

Мурод шайхни бутун овул кутаётган экан, бир тўда болани туя ўрқачидай баланд қум устига чиқариб, йўлларини пойлатиб қўйишган экан. Болаларнинг гапи билан уруғнинг ўттизга яқин йигити кутиб олгани югурди, ҳар отни уч-тўрттаси жиловлади. Эгаларининг оёқларини ерга текизмай, кўтариб олишди.

Қадимги тўйларнинг таомили бўйича Мурод шайхнинг ўрни тўй эгасининг катта ўтовда бўлиши лозим эди. У билан фақат бошқа уруғларнинг бош бийларигина бирга ўтиришлари мумкин эди. Ирискул бий билан шайх аразлашиб юришганидан беҳабар Юсуф бий жойни қадимги таомил бўйича тайёрлатган эди. Шайх бийлар ўтирган хонага киргизилди. Бошқа бийлар олдинроқ келиб ўтиришган эди. Шайх кириб келаётганини кўриб бийлар ўрнилардан туришди. Фақат Ирискул бий турмай, шайхга ёнидан жой бермоқчи бўлиб ўтирган ерида сал қимирлагандай бўлди.

Шайх билан Ирискул бий орасидан ола мушук ўтиб, элга номаълум сабаблар туфайли тиртайиб қолишганини тушунмаган бийлар нима гап ўзи дегандай, бир-бирларига қарашди. Бир-биридан аразлаб юрган бу икки йўлбарснинг ўзи ҳам буни пайқаган бўлса керак. Иккаласи ҳам сир бой бермасликка ҳаракат қилди.

Шайх ўтовда ўтирганлар билан ҳол-аҳвол сўрашиб чиққандан кейин Ирискул бийга ўтирилди.

— Соғ-саломат юрибсизми, азизим? Элингиз, оғани, қариндошларингиз омонми? Экин-текинларингиз жойидами, мол-жонингиз яхшими?

Шахсан ўзига қаратилган саволларига жавоб бермаслик одобдан эмаслигини тушунган Ирискул бий ноилож қолди. Гарчи, шайхнинг юзига қараб бўлмаса ҳам, ишқилиб, саволларига жавоб берди. Кўнгли учун

ўз навбатида ундан ҳам ҳол-аҳвол сўраган бўлди. Рус подшосидан қандай хат хабар борлигини суриштирди.

Ирисқул бий гарчи ўзини босиқ тутгани билан, унинг алланимадан қаттиқ хафа эканлиги сезилиб турарди. Шайх буни сизди. Ўзи ҳам хафа эди. Лекин у «азизим» деб ичида бурқсиётган аланга тутунини сиртига чиқармади. Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолди. Агар сал имони сузлик қилгудай бўлса, ичидагиси гул этиб сиртига урарди-ю, шунинг учунми, ичи ёнаётганига чидаб, «азизим» сўзини таъкидлаб, тагдор қилиб айтди. Бийнинг кейинги саволи кўнгил учун берилганини сезган бўлса ҳам «азизим»ни яна бир синаб кўриш учун шундай деб жавоб берди:

— Рус подшоси хусусида сиз қанчалик хабардор бўлсангиз, мен ҳам ўшанчалик хабардорман, азизим.

Шундан кейин ҳам уларнинг гаплари қовушиб кетавермади. Иккалалари ҳам «фалончи ўтиришни бузди» деган маломатга қолмаслик учун иложи борича ўзларини босишга ҳаракат қилишди. Лекин тил учиди қилинаётган бу муомаланинг нафи на ўзларига, на бошқаларга тегди, ўртадаги совуқликни ҳамма сизди. Икки мўйсафиднинг тунд кайфиятлари бир парча қора булут бўлиб, ҳаво алмашиб турадиган туйнукни тўсиб қолгандай, ўтовда нафас олиш оғирлашди.

Сочлари қоп-қора бўлса ҳам, соқоли оппоқ Давлатбой бий қалпоғини олиб, бошини қашиди. У бу қилигим билан одамларнинг диққатини ўзимга тортиб, бирон ҳазил-мутуйибага сабабчи бўлармиканман, деб ўйлаган эди, жўраси Убайдулла бийнинг ўрни билиниб қолди.

— Ҳурматли шайх ҳазратлари, — деб гап бошлади у. — Қанчалик рост эканини билмайману, аммо бир гап қулоғимга чалиниб қолди. — Давлатбой бий йилтироқ бошига ёпишиб турадиган қалпоғини олиб ёнига қўйдиди, ичидан дўпписини олиб кийди. — Балки асоссиз гапдир. Бироқ элда тарқалган гап бўлгани учун шуни айтсам, айбга буюрмайсиз.

Ўтирганларда қизиқиш, жонланиш пайдо бўлди. Ҳатто Эсим бий «айт, айт», деб қистади. Ирисқул бий билан шайхнинг кўзлари ҳам Давлатбой бийга тикилди.

— Рус подшосининг Оренбургдаги вакили Абулхайрхон билан гижирлашиб қолганми ёки хоннинг кўп шумлигини ёқтирмаганми, билмайман, ҳарқалай хонни хафа қилибди. Хон аравасини аста-секин тортиб

бораверса бўларди-ку. Бизнинг мусулмонлар қаноатсиз халқ. Ҳаммани босиб олсам, ҳамма товонимни яласин дейди. Абулхайрхон ёқтирмайдиган Ўрта юзнинг оқсоқол-бийлари Оренбургга борган экан, мирза Неплюевдан «уларни менга бўйсиндириб бер», дебди. Занғар бўлмасанг шунақа дейсанми? Кўра-била туриб Ўрта юз оқсоқол бийларини тутиб, азоблаб, Абулхайрхонга бўйсундириб бериб Неплюев жинни бўлибдими? Абулхайрхоннинг илтимосини эътиборга олмабди. Шусиз ҳам жаҳли бурнининг учида турадиган хон қаҳри келиб, ўрис подшоҳи билан Кичик юз ўртасидаги қурила бошлаган кўприкни ёқиб ташлаш пайига тушибди. Иложини тополмабди. Шундай қилиб гаровга топширган ўгли Хўжааҳматни Чингиз деган ўғлига алмаштириб олмоқчи бўлибди. Мирза Неплюев бунга ҳам унамабди. Шундан кейин хон мирза Неплюевдан бира-тўла қўлини ювиб қўлтиғига урганмиш.

Бурунги асосий душмани Нодиршоҳга одам юбориб, яна ярашмоқчи эканини айтибди. Ота душмани жунғорларнинг қонли ёстиғига қовоқ бошини кўйиш нияти-да, хонга қизини беришга ваъда қилибди.

Бу янгилик бийлар гарданидаги юкни енгиллатмади, аксинча оғир тош баттар эзиб юборди.

Ўтовга лаблари дўрдоқ, тикандек ўсиқ мўйловлари худди оғзига темир қанот жўжа тишлаб олгандай бир йигит кирди. Бу йигит ўтовга бесабаб кирмасди. Ё меҳмонларнинг кайфиятини билиш учун, ё эса мунозаранинг нима билан тугашига қизиқиб, ҳеч бўлмаганда бирон қизиқ гап айтиб одамларни кулдириш учун кирар эди. Унинг кулгили гаплари ҳозир зарур эди. Мунозарадан чарчаган одамлар унинг мўйловининг қимирлашига қараб, ўзларини кулгига ҳозирладилар.

— Шайх ота, Омонлиқ келибди, сизни кўрмоқчи экан, — деди.

— Ҳа-ҳа, — деб кулди Эсим бий кулдирмоқчи бўлса керак, деб ўйлаб.

— Қайнатаси ёбилларга бош бий қилиб юборган бўлса ажаб эмас, — деб хахолаб кулди Ирискул бий. Давлатбой бийнинг ҳам юзларига кулги югурди, бироқ шайхнинг қовоғи солинганини кўриб, индамай кўя қолди.

— Кира қолсин! — деди шайх ўзини уларнинг кесатикларини эшитмаганга солиб.

Омонлиқ ўтовга кириб, ҳаммага бир-бир таъзим қилиб чиқди-да, эшик олдида тиз чўкди. Шайх унинг юзидан бирон нимани билмоқчи бўлгандай тикилди. Анча тўлишибди, лекин, йўл азобидан бўлса керак, кўзлари киртайиб, ранги бир оз синиқибди, юзлари сўлгин.

— Тинчликми, ўғлим?

— Ҳозирча тинчлик, тақсир.

— Ундай бўлса нега бунчалик ҳовлиқмасанг? Айғара бий отанг соғ-саломатми?

— Соғ-саломат, шайх ота, ҳаммаларингизга салом айтиб юбордилар. — Омонлиқ чуқур-чуқур нафас олар, гапиришга ҳам ҳоли йўқ эди. — Шайх ота, бий оғалар, мен сизларга нохуш хабар олиб келдим. Тўйда айтмоқчи эмасдим. Лекин Айғара бий отам: «Ҳеч қаерда айланишма, уйингга ҳам бурилма, тўғри шайх отангга бориб айт», деб тайинлаган эдилар. Шунинг учун айтишга мажбурман. Тўрт кўз тугал бўлиб ўтирган экансизлар. Айтиб қўя қолай.

— Мунча чўзасан? — деб юборди Эсим бий чидамай.

— Рост, улуғлар. Рост! — Омонлиқнинг кўзлари ёшланиб, тили калимага келмай, икки елкаси билан нафас олди. — Абулхайрхон элимизни талаш ниятида эмиш...

— Абулхайр юртимизни таламоқчи!!!

Ўргаларига ўлакса келтириб ташлангандай, ҳаммалари бир сапчиб тушиб, кўзлари хоналаридан чиқиб кетаёзди. Мурод шайх газабидан Омонлиқни гажиб ташлагундай бўлиб, оғзидан тупук сачратиб қичқирди:

— Нима дединг? Бунга сенга ким айтди?

— Анғара бий отам айтиб юборди.

— Оғзингга шамол, итвачча!

— Ёлғон гапирма, лаънати!

— Бўлмаган гап!

— Топиб келган гапини қаранг, кўрнамакнинг...

Ҳар ким оғзига келган гапни айтиб, Омонлиққа дакки берарди. Гапга аралашмай, без бўлиб ўтирган Ирискул бий ҳам тилга кирди:

— Бунча ўдағайламасаларинг, биродарлар? Омонат гапни олиб келган бу бечорада нима гуноҳ? Ма, болам, бир пиёла чой ич. Нима гаплигини бир бошдан гапириб бер!

Омонлиқ совуб қолган чойдан бир ҳўплаб, ҳикоясини бошлади:

— Хотиним билан бирга отамизникага борганимизда яйловда тўкинчилик вақтлар эди. Бизни жуда иззат-хурмат қилишди. Қайнағам Мирзабек бий билан бирга отамизнинг мол яйловларига бордик. Овулларини айландик. Баҳорда тўйимизга келиб, элимизнинг тузини ичиб кетганлар бизни навбатма-навбат меҳмонга чақирди. Давлатбой бий отам билан Убайдулла бий отам Мирзабек ва Седет керейлар билан қудалашамиз, деб ваъдалашган экан. Кузда келишади, деб уруғаймоқлари билан хурсанд бўлиб, кутиб ўтиришган экан. Мени кўриб йигит-яланглари, қиз-жувонлари кўп нарсани сўраб-суриштиришди. Тўй-маъракаларида тўрга олишиб, меҳмон қилишди. Зиёфатлардан бўшамай қолдим, шунинг учун ҳам келинингиз овулга қайтаётганида мен ҳам кетаман, деб туриб олишга уялдим. Иззат-хурмат қилаётган одамлар олдида кўрнамаклик қилгим келмади. Келинингиз ҳам «мен овулимизга қайтай, сиз кейинроқ борарсиз», деди. Шу сабаб бўлди-ю, мен қолдим. Қолганимга отам тугул, бутун тобин аҳли хурсанд бўлди. «Шошма, чироғим, яна бир оз юра тур, ўғилсиз отанг ўзига келсин, кўнгил яраси битсин», дейишди. Шундай қилиб, буғдой хирмонини кўтаришга қарашиб юравердим. Яқинда овул бирдан ўзгариб қолди. Йигитлари қоча бошлади. Отамни хон чақиртирган эди, бир ҳафтадан сўнг озиб-тўзиб, бир ҳолатда бўлиб қайтиб келди. Ҳамма безовта бўлиб, нима гаплигини суриштирди. Отам ҳеч нарса демади. Кечаси ёлғиз ўзимни хузурига чақиртирди. Чақиртиришга чақиртирди-ю, лекин гапиролмай, йиғлаб юборди. «Болам, яхшиликнинг умри қисқа экан, кўз тегди», деди. Ортиқ гапиришга ҳоли келмади, худди безгак тутган одамдай қалтирайди, кўзлари жавдирайди. Кейин яна: «Ўғлим, қалби нопок одамнинг нияти холис бўлмайди. Қийшиқ дарахтнинг сояси қийшиқ бўлар экан. Абулхайрхон азалдан ичи қора нияти ёмон эди. Ичи қоралигига, қинғирлигига борди. Маман бийга: «Отингни тортиброқ ҳайда, чанг ютасан», деган эдим. Қулоқ солмади. Отини қамчилайверди. Оқ подшо хузурига кетди. «Энди айтганимни қиламан. Қорақалпоққа чанг ютдираман», деб хон роса кўпирди, чироғим. Бизни чақиртиришдан мақсади, навкар солмоқчи экан. «Биздан юз навкар сўради», деди. Мирзабекни бош қилиб берасан дебди. Отам бечора чидолмай, «қорақалпоқларда нима гуноҳ бор, иноқ бўлиб яшасак бўлмайдами», деган экан, «юртни айнитяпсан, сот-

қин», деб отамни керагага боғлатиб, роса савалатибди. Седет керейни ҳам роса қийнаб, юз навкарни бўйнига қўйибди. Бечора отам йиглаб-йиглаб, шуларни гапириб берди. Менга «кечалаб овулингга қайт, юртингга борганингда шайх отангга, бийларга хоннинг бу шум ниятини етказ, ўзлари бир иложини топишар», деб кечаси мени ўзи кузатиб қўйди. «Абулхайрнинг бизга чанг ютдирмоқчи бўлганининг сабаби нима», деб сўраган эдим. Абулхайр оқ подшонинг вакилидан хафа бўлган эмиш. «Димоғи шишиб кетган хон ҳаммани бурнидан сим ўтказиб, бир қамчи билан ҳайдагиси келади. Ўзидан бўлак чўпон борлигини билмайди, нодон. Энди чидамай исанинг ўчини мусадан олади», деди отам. «Кимда-ким шафқат сўраса, ёмғирда қолган йўловчидай, русларнинг оёғи тагига йиқилса, сира шафқат қилмайман, бирма-бир қиличдан ўтказаман», деб юртга солиқ солибди. Айғара отам шуларни хафа бўлиб гапириб, «болам, хоннинг дарғазаб бўлишининг яна бир сабаби бор. Қорақалпоқлар сулҳ шартнома тузса, солиқни рус хонига тўлашади. Хон қайнаб турган қозонидагини қандай тўксин? Еб турган ошини ким бировга бергиси келади? Улуғларга бориб шуларни айт», деди.

— Давлатбой бий, Абулхайрхон тўғрисида айтган бояги гапинг тўғри чиқди, — деди Эсим бий.

— Одамнинг пасти бир ерга кетса, совуқ хабар топиб қайтади, — деди хизматдагилардан бири хафа бўлиб.

Омонлиқ ерга қараб ўтирарди. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Овқат олдидан қўл чайдиргани кирган хизматкор йигит, меҳмонларнинг ҳайкалдай серрайиб ўтиришларини кўриб, областа билан дастшўни ушлаганича пойғаҳда ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Руслар билан «ярашамиз» деб балога қолдик, — деб ўкинди шайх. — Йўқ, йўқ, азизларим. Фарзанд отасига қараб ўсади. Ундай демоқчи эмасман.

Қуёш ботиб, хона ичи гира-шира бўлди. Давлатбой бий кўзларини ишқалаб, шайхга қаради.

— Шайх ҳазратлари, бу гапга кўнглим ишонмаяпти. Наҳотки, куни кеча қиз бериб, қиз олиб, бир дастурхон атрофида ўтирган одамлар бугунга келиб бир-бирига найза санчса-я, сира ақлга тўғри келмайди. Бу шунчаки миш-миш бўлса керак.

— Шайх ҳазратлари, бий оталар, — деди Омонлиқ ерга қараганича. — Менинг ҳам худодан ўтинчим шу.

Мен олиб келган хабар илойим ёлгон бўлиб чиқсин. Ёлгон гапирди деб, дарахтга оссаларинг, ўлсам — армоним йўқ. Айғара отамнинг бир гаплари ёдимдан кўтарилибди. «Бориб айт, болам, найзани найза синдиради. Ҳозирлик кўринглар», деб тайинловдилар.

Шайх ичига чироқ ёқса ёримасди. Бу хабар олдида Ирискул бий иккови ўртасидаги гина-кудурат туя оёғидаги кумурсқадай ҳам эмасди.

— Азизим Ирискул, сиз нима дейсиз? Наҳотки икки халқ ўртасида тортилган дўстлик ипи узиладиган бўлган бўлса?

Гапнинг бошиданоқ Абулхайрхоннинг ҳузуридан келдик, деб келиб кетган уч отлиқнинг хатти-ҳаракатлари, гаплари ёдига тушган, бўлиб ўтган гапларни ақл тарозисида тортиб ўтирган Ирискул бий бошини чайқади.

— Балки узилмас. Айғара бий олдини олиб, бизга билдириб қўйди, шунинг ўзи дўстлик кўпригининг бузилмаслигига ҳаракат қилишаётганини кўрсатади.

Бу кўнгилсиз хабардан одамларнинг кўзини парда босгандай бир-бирлари билан ишлари ҳам бўлмайд қолди, улар қил устида тургандай эди. Қўл ювдиргани кирган йигитдан кейин ўтовга кирган тўйбоши Юсуфнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, кирган ерида чўкка тушганича, қимирламай ўтирарди. Мурод шайх ҳаммадан ҳам ўшанга ачинарди.

— Азизларим, номард ажалидан олдин ўлади. Отабоболаримизда бўлмаган номардлик бизга қаердан ёпишди. Қани, Юсуфбой, эсанкирамай, тўй-томошангни қилавер. Азизлар, бошларингни кўтаринглар!

Тўй эгаси ҳам Мурод шайхдан шуни кутаётган эди. «Куллуқ, шайх ҳазратлари», дея қўл қовуштириб, Юсуфбой ўтовдан чиқиб кетди.

Таомлар тортилиб бўлгач, жарчи ўтовма-ўтов юриб, хабар қилаётгани эшитилди.

— Чавандоз бўлсанг — яйловга, кўчқоринг бўлса — майдонга, полвонинг бўлса — кураш жойига чиқавер!..

8

Овулнинг бир тўп отлиқлари орасида битта Мурод шайх гапириб келяпти.

— ...Ўчоғингдаги ўтинг ўчмасин десанг, кўри борида ҳаракатингни қил. Ўтёқар аввалги ҳовурига ишониб

ўтираверса, оловни ўчириб қўяди. Ўчиб қолган оловни бошқатдан ёндириш анча қийин бўлади. Шунинг учун кўри ўчмасдан ўтин ташлаб турган маъкул. Дўстлик ҳам ана шунақа. Одамлар, халқлар ўртасидаги дўстлик кўри икки томоннинг юрак ўчоғида сақланади. Бир томондаги кўр ўчиб қолса, иккинчи томонга оғир келади. Инсонликнинг биринчи нишонаси шуки, энг аввал ўз юрагингдаги кўрнинг совуб қолмаслигига ҳаракат қилишинг керак. Тушундингми, Омонлик? Ҳурматли биродаримиз Айғара бийнинг элида қолиб кетармикансан, деб кўрққан эдим. Қайтиб келганинг яхши бўлди. Лекин, бари бир, йигит кишининг ватани иккита бўлади. Бири ўз юрти бўлса, иккинчиси қайната юрти. Айғара бийни хафа қилмай, тез-тез бориб тур. Избосар Баҳодир, Али бий, ёбиликларнинг отта минадиган паҳлавонлари, Омонлик олиб келган хабар яхши хабар эмас. Эл бошига яна оғир кунлар тушадиганга ўхшайди. Олдини олишнинг иложи борми? Яхшилаб ўйлаб кўринглар.

— Айғара бий «найзани найза синдиради», деб тўғри айтибди, шайх ҳазратлари, — деди Избосар баҳодир. — Отнинг ҳовурини от босади. Бу сафар ғафлатда қолсак, айб ўзимизда бўлади. Ирискул бийларнинг нима деб кетганини билсак бўладими, тақсир?

— Унда сир кўп, очигини айтолмайди, аммо юраги тозалигига ишонаман. Овулига бориб, йигитлари билан гаплашади. Давлатбой бий билан Эсим бий ҳам шундай қилишади.

Мурод шайхнинг кўзи ўтови олдида турган янги аравага тушди.

— Уни қаранглар, азизларим, Маманлар келишганга ўхшайдими?

Шайхнинг қувноқ овози ҳамманинг диққатини ўша аравага тортди. Улар аравани кўришга, қандай аравалигини билишга шошилишди.

Арава мирза Неплюевга қарашли экан. Мурод шайхнинг катта ўғли Ҳелвет шайхни Оренбургга олиб кетиш учун юборишибди.

Эртасига бутун ёби уруғи Ҳелвет шайхни Оренбургга кузатди. Бу чақириқнинг яхшиликкалигини ҳам, ёмонликкалигини ҳам билолмай, уйда ҳайрон бўлиб ётган шайхни кўнғиротликлар томонидан келган Ойтувғон ясовул қаттиқ ташвишга солиб қўйди.

— Шайх ҳазратлари, агар худо бир десангиз, Ирискул бийнинг ўлигини қайтариб берар экансиз.

— Нима деяпсан? Нима гап ўзи?

Ойтувгон ясовул сира ёлғиз юрмасди, бўлар-бўлмасга жаҳли ҳам чиқмасди, шайхнинг тушунолмай, «нима деяпсан?» деганига ишонмади.

— Шайх ҳазратлари, агар пир бўлсангиз, ҳамма қорақалпоқларга бир хил муносабатда бўлинг. Икки ўртада ўт ёқманг.

— Бу қандай тухмат, азизим?!

Ойтувгон ясовул Ирискул бийнинг қачон, қандай бедарак йўқолганини тушунтириб ўтирмади. Ҳар қанча захрини сочгани билан, бир иш чиқара олишга кўзи етмагач:

— Агар элим, бирлик, қон-қардошлик, тинчлик бўлсин десангиз, бир ўйлаб кўрарсиз, ҳурматли шайх. Яхшилаб ўйланг, ухламай ўйланг, — деди-да, отига қамчи босиб кетди.

Шайх ҳеч нарсага тушунолмай, бошини чангаллаганича қолди. Ирискул бийга нима бўлибди? Қаёққа кетганикин? Бола эмаски, адашиб қолса ё шохли мол бўлсаки, биров етаклаб кетса, кўй бўлсаки, ўғирлаб кетса. Йўқ, у бедарак кетадиган одам эмас. Замонга нима бўляпти ўзи?..

Шайх чарчаб, ёнбошлади.

Ўтов тепасидан учиб ўтаётган турналарнинг «қурр-қурр»и эшитилди.

— Эй елдишим даврон, яна бир ёзимни олиб кетдинг, — деди шайх хўрсиниб ва ташқарига қараб қичқирди: — Ҳой, ким бор, бориб Сайдулла девни чақириб келинглар. Отларни тайёрласин. Эртага Янгикентга — Ғойибхоннинг олдига борамиз.

9

Паскалтак тоғи этагида бир тўда бола тоғ такаларидай бир-бирларини қувлашиб, ўйнаб юришарди. Уларнинг шарақлаб кулишлари, ўзаро сўкишишлари Омонлиқнинг қулоғига жуда ёқимли эшитилди. У қора гунонни ўша ёққа бурди.

— Қаранглар, отлиқ келяпти.

Бежавотир ёйилиб ўйнаб юрган тоғ такалари хавфли йиртқични кўргандай, отлиққа ҳурпайиб қарашди ва подадай бир ерга тўпланишди.

Омонлиқ латтадай бўшашиб, кўзлари шилпиқланиб, шалвиллаб келарди. Болаларнинг ҳадиксираб туришганини кўриб, бир оз кўнгли кўтарилдими, дадил-

ланди, икки елкасини кўтариб, кўзларини енги билан артди. Болаларнинг тепасига бостириб бораверди.

— Омонлиқ оғамиз-ку!

Бу Бектемирнинг овози эди. Болалар ҳалиям чўчиётганлари сабабли турган ерларидан кўзгалишмади.

— Ҳа, Бектемир, нега ҳурпайишиб турибсизлар? — деди Омонлиқ.

Болалар сал бўшашиб, тўплари билан Омонлиқнинг ёнига келиб саломлашишди.

Омонлиқ отидан тушди. Болалардан бири отни етаклаб, нарироқдаги ўтлоққа арқонлаб келди.

Яланг оёқ, яланг бош, сочлари ўсган, афт-башаралари кир-чир, болдирлари қорақарғанинг оёғидай қоп-қора, кийимлари жулдур болалар далада ўсадиган хушбўй гулдай кўнглини кўтардим, Омонлиқнинг чеҳраси булут остидан чиққан ойдай ёришиб кетди. У Бектемирнинг бошини силаб:

— Қалайсан, лочиним? — деди.

— Қорнимиз тўқ, тинмай учиб юрибмиз, — деди Бектемир.

Болалар орасида Омонлиқ танимайдиган олти-етти-та бола пайдо бўлибди. Улардан биттаси дўсти Оллоёрга жуда ўхшаб кетар экан, ўша болага қараб анқайиб қолди. Чиндан ҳам Оллоёрнинг худди ўзи: бурни ялпоқ, кўзлари қисик, боши отнинг калласидай, қулоқлари отқулоқдай, оёқлари кир-чир, қоп-қора, нақ моладай. Оллоёр тирилиб келибди деса бўлади. Фақат фарқи шуки, бўйи Оллоёрникидан тикроқ, озғин. «Кўпдан бери кўрмаган эдим, ўзгариб, бўйга тортган бўлса ажаб эмас», деб кўнглидан ўтказди Омонлиқ. Унинг кўнглидан кечаётган гапларни Бектемир фаҳмлади.

— Омонлиқ оға, Оллоёрга ўхшатдингизми? Тўғри, худди ўзгинаси. Ўзига айтсанг, ишонмайди.

— Исминг нима? — деб сўради Омонлиқ.

— Кўнглимжой.

— Бизларга қўшилганига кўнгли жойида, — деб ҳазилга олди Бектемир.

— Сизларга келиб қўшилганимга ҳам кўнглим жойида, исмим ҳам Кўнглимжой.

— Қайси уруғдансан?

— Қайси уруғданлигини ёдда сақлаш уйи бугунларнинг, қорни тўқларнинг иши. Биз оч, етим-есирлар уруғидан бўламиз.

Омонлиқ савол берганидан афсусланди, Бектемирнинг бошига қўйиб турган кафтини туртиб юборган эди,

бир тутам сочи юлиниб кетай деди. Бундан бир неча йил муқаддам бийларнинг ўтиришларидан бирида: «Уруғимни билмайман», деб жавоб бергани эсига тушди-да, Кўнглимжойнинг наштадли жавобидан қизил гулдай қизариб, узиб олингандай сўлди-қолди. Унинг авзойи ўзгарганини ҳамма пайқади. Кўнглимжой Омонлиқнинг изза бўлганидан хижолат тортиб:

— Омонлиқ жўра, мен сен тўғрингда эшитганман, — деб гап бошлади. — Мен Бектемирларнинг ёнига томоша учун келганим йўқ, ютқазганим учун келдим.

— Нимадан ютқаздинг?

Кўнглимжойдан бурун Бектемирнинг ёнида турган бўйи бир қарич, қорни қаппайган, кўзи қийиқ қора бола жавоб берди:

— Ўйиннинг хили кўпайиб кетди, Омонлиқ оға. Югуришдан ютдик. Сиз кетганингиздан кейин, Оллоёр ўлгандан кейин кучимиз камайиб қолди. Муштлашишдан ютқазамиз. Бирон томондан зўр бўлиш керак-да. Қочсак етолмайдиган, қувсак, қочиб кетолмайдиган бўлиб қолдик. Кейин югуришдан мусобақалашдик.

— Қора қўнғиз, сен ҳам югурасанми?

— Учаман!

— Ҳа қора қўнғиз тезак юмалатади, тополмаса — учади, — деди Кўнглимжой.

Ҳаммалари дув кулиб юборишди.

Омонлиқ ҳам кулди.

— Жуда яхши. Қани Кўнглимжой, сен буларнинг ичида энг каттаси экансан, қандай янгиликлар бор?

Кўнглимжой шерикларига бир-бир қараб олди, оғзини силади, кейин тилини чиқариб, бурнининг тешиklarини ялади. Унинг бу қилиғи ҳам ҳаммани кулдирди.

— Омонлиқ жўра, қанақа янгиликлар бўларди? Кеча қовун ўғирликка борувдик...

У гап бошлаши билан болалар яна кулишди. Омонлиқ эшитмагани учун Кўнглимжой жиддий давом этди.

— Йўлда қорақулоқ улиса бўладими. Қорақулоқ йўлбарснинг жарчи — хотини эканини ўзинг ҳам биласан. Бектемир бирам ялинадики... Нима деб ялинади, деб сўрагин. «Жўралар, жон жўралар, ёлғизман, ўрталарингда юра қолай», дейди қалтираб, Бошқалар отадан олтита эканми? Олтита бўлганда ҳам, кимнинг йўлбарсга ем бўлгиси келарди?

Ҳаммалари яна дув этиб кулишди, кулгиларидан кенг дала, атроф жаранглаб кетди.

Омонлиқ кўпдан бери бундай ҳузур қилиб кулмаган эди. Кўлини Кўнглимжойнинг елкасига ташлаб, кўзларидан ёш чиққунча кулди. Кулиб бўлишгач, уларни уйига таклиф қилди. Болаларнинг бирига қора ғунонни етаклатиб, тала-тўполон билан йўлга тушишди.

— Сайдулла девнинг эчки сотиб олганини эшитдиларингми?

Кўнглимжой чўзиб сўраганига ҳаммалари ҳайрон бўлиб «йўқ, йўқ», дейишди.

— Билмасаларинг эшитинглар. Сайдулла дев катта ўғли Бекдулла сўйлоқ билан Янгикент бозорига тушиб, елини катта бир эчки сотиб олибди. Елин бўлганда ҳам қандай елин денг, ерга тегармиш. Шохлари ҳам узун, «маа» деганда дир-дир титраб тураркан, бошқа эчки кўрса яқинига йўлашга қўрқадиган баҳайбат эчки экан. Орага даллол тушиб, кичикроқ бир улоқчанинг пулига сотиб олибди. Бекдулла сўйлоқ уйига кела-келгунча режа тузиб, энди бу эчки туғса, улоқларини ўзи боқадиган, сутини укаларига берадиган бўлиб келаверибди. Эчкини эшигининг олдига боғлаётганида онаси чиқиб қолибди. «Ие, ўғлим, така олгунча эчки олсанг бўлмасмиди?» деб сўрабди. Шунда Бекдулла: «Така бўлса бўлсин, болаларга сут берсин» дебди.

Болалар кулишмади.

— Шунда онаси, отанг сенга бекорга сўйлоқ лақабини қўймаган экан, деб хафа бўлибди. Ҳой, нега кулмайсизлар?

Болалар шу гапдан кейин яна дув этиб кулиб юборишди. Нимага кулишаётганини ҳеч қайсилари билишмаса ҳам, лекин ҳаммалари кулишди, ҳар ким ўз тушунганича кулди.

Омонлиқнинг сўлгин чехраси ёришиб, ўзини қушдай енгил ҳис этди. Оламнинг бепоёнлигига энди ишонч ҳосил қилгандай, олис-олисларга кўз югуртирди, Бектемирни елкасидан кучоқлаб олди.

— Омонлиқ оға, озиб кетибсиз, тобингиз бўлмади-ми? — деб сўради Бектемир.

— Касал бўлганга ўхшаяпманми?

Бектемир жавоб бергунча бўлмай, Кўнглимжой савол берди:

— Шайх отамизнинг «руслар билан ярашамиз деб, бошимиз балога қолди» деганлари ростми?

— Шундай дебдиларми? — Омонлиқ ўзини билмаганга солгани билан бу гап отлиқдан олдин етиб кел-

ганига ҳайрон қолди. Кўнглимжойдан суриштириб ўтирмади.

Халқнинг кайфиятини бузиб, ўртага нифоқ соладиган бу гапнинг нима учун шамолдан ҳам тез ҳамма ёққа тарқалиб кетганини билишга ҳар қанча ақл югуртирса ҳам тушуна олмади. «Оқ подшо ниятимизни тушуниб, Маманни ёнига ўтқазиб, халқимизнинг орзу-умидлари, тилагига яхшилаб қулоқ солса, кўнгилдагидай бўлар эди-да», деб дилидан ўтказди у.

Кўнглимжой яна бир қизиқ воқеани ҳикоя қилишга тушди...

Аслида, Маманбий оқ подшо билан сичқон-мушук ўйнаб юрганини шўрлик етимлар билишмасди.

10

Кўнғирот уруғлари ўртасида дув-дув гап:

— Ирискул хон ўлдирилганмиш.

— Бир чуқурга кўмилганмиш.

— Ҳаммаси ёбиларнинг иши.

— Мурод шайх билан аразлашиш — бу дунё билан хайрлашиш деган гап.

— Тинчлик бузилди...

Юрт оғзида асосан шу хилдаги миш-мишлар юради. Битгаси гап бошласа бўлди, қолганлари ўлимтик кўрган қарғадай, йўқ ердан етиб келиб, кўшиб чатади. Шамол тўплаб келган булутдай уюлишиб, бирпас миш-миш қилишади-да, яна қашқир қувган кўйлардай ҳар тарафга тарқаб кетишади. Ҳақиқатда эса, Ирискул бийнинг қандай йўқолганини ҳеч ким аниқ билмайди. Ҳамманинг гапи тахмин. Ойчўлпон онанинг гапига қараганда, кечқурун кийиниб, пиёда чиқиб кетган экан. Илгарилари қаёққа кетаётганини айтмас экан, бу сафар худо кўнглига солибми, «овулнинг мол-ҳолидан хабар олиб келаман», дебди. Бор гап шу. Бошқа тайинли гап йўқ. Умр бўйи орқасидан чақириб бориб ўрганишмагани учун уйдагилар бу сафар ҳам бепарво ётаверишган.

Ҳаво ҳам одамларнинг кайфиятидай ўзгарувчан бўлиб қолди. Кутилмаганда жала қуяди. Ирискул бий тўғрисида гап топиб келганлар сўзларини тугатмагунларича асло тарқашмайди. Сувдан тортиб олиб, суяб кўйилган бир боғ ҳўл пичандай, суяниб туришгани-туришган.

Ойтувгон ясовул қайтиб келди, одамлар ясовул Мурод шайх билан қандай гаплашганини, бир-бирларига нималар дейишганини, кейин қандай хулосага келганини ўз оғзидан эшитайлик, деб тўпланишганда яна ёмғир қуйиб юборди. Бироқ тўпланганлар тарқалишмади. Ойтувгон ясовул оддан тушмай ҳаммасини гапириб берди, гапининг охирида:

— Шайх ўзини билмаганга олиб, анқовсирашида бир гап бор, — деди.

Одамлар шовқин-сурон кўтаришди.

— Хонимизнинг ўчини оламиз.

— Ёбиликлар бизни алдашди.

— Илму ҳикмат билан алдашди.

— Қонга қон, жонга жон!..

Шамол кучайганда ёмғир челақлаб қуяётгандай, шатир-шутур қилиб ёғади, шамол тинганда эса бир текис шивалаб туради. Лекин бу ҳеч кимга таъсир қилмади. Бойқўчқор бий отини олға қараб қамчилади.

— Ўразан ботирнинг кеки ҳали ҳам бор экан-да, — деб қолди одамлар орасида турган Алиф Қорабой Қора баҳодир.

Дев қоматли бу баҳодир олдида гапиришга негадир юраги бетламайдиган Бойқўчқор бий яна отини қамчилаб, олдинга сурди.

— Дўстларим, пайқармидиларинг? Қўнғиротнинг хони кейинги вақтларда камгап бўлиб қолган эди. Бу одам агар бировдан хафа бўлса, бировдан хавфсираса шундай қиларди. У ёбиликлардан — Мурод шайхдан хавфсирар экан. Табақлиларнинг тўйини баҳона қилиб, устомон шайх жондан азиз йўлбарсимизни қўлга туширди.

— Йўқ қилди десанг-чи, — деди бир овоз.

— Йўқ қилди. Бунда табақлиларнинг қўли бор. Булар ўзлари иблислардан. Шунинг учун шундай катта уруғдан бор-йўғи ўттиз хонадон қолган-да. Шуларни қуритиш керак.

— Сабр қилайлик-чи, Бойқўчқор бий, — деди Суюндиқ бий. Челақлаб қуяётган ёмғирдан кийимлари шалаббо бўлиб баданига ёпишиб қолган бу кичкинагина бийнинг дўриллаган овози ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Суюндиқ бий узангига тираниб, қадини ростлади, қамчисини кўтарди. — Кулоқ солинглар, қўнғиротнинг мардлари. Ирисқул хонимиз сабр-тоқатли бўлганни яхши кўрарди. Ҳар ишнинг охирига қара-

ган яхши. Мен Янгикентга бориб, Гойибхон билан маслаҳатлашиб келай.

Бели ўқ-ёйдай букилган, жулдур чопонли, қалин соқолли бир қария отларнинг оёқлари орасидан «халойиқ, халойиқ», деб бошидан қалпоғини олиб чиқди.

— Суюндиқ бий маъқул гап айтди. Иложи бўлса, чивинни ҳам ўлдирманглар, озор берманглар!

— Бахтиқора, букри, сенга гапни ким қўйибди? Ёбилиқларнинг қора отлиғи уриб кетганда сен эмасми-динг Ирискул бийга бориб йиғлаган?

Ёмғир пасайиб, кун ботиш томон ёриша бошлади.

— Майли, Суюндиқ бий, — деди Бойқўчқор бий. — Борадиган бўлсангиз ҳозир боринг. Мен ҳам бораман. Кийим-бошимиз йўлда қурир.

Суюндиқ бий уч-тўрт отлиқ билан ажралиб чиқди. Улар шу кетганларича тўртинчи куни қайтиб келишди.

Бу сафар ҳам улар ўша аввалги жойда — Суюндиқ бий овулининг орқасидаги туя ўркачидай баланд қум тепа устида тўпланишди.

Ўша кунги ёмғирдан сўнг ҳаво очилиб, қум аллақачон қуриб қолган эди. Енгилгина эсиб турган изғирин қумни учириб келиб бийларга урарди. Бунақага ўрганиб қолган одамлар парво қилмай, кўзлари, оғизларини артиб, янгилликни эшитишга ошиқар эдилар.

Суюндиқ бий гапириш учун энди оғиз жуфтлаган ҳам эдики, кўзи шайхнинг оқ отига тушиб қолди.

— Ҳовлиқманглар, шайхнинг ўзи келяпти... — деди у.

Ҳамма ўша томонга ўгирилди.

Мурод шайх беш отлиқ билан шу томонга қараб келарди. Хавотирланиб келишяпти. Қўнғиротликлар қимир этишмади. Ҳар ким ўзича баҳсга тайёрланди.

Мурод шайх уларни узоқдан кўрганидаёқ ёмон ният билан тўпланишганини пайқади. Шерикларига «бўлар бўлмасга қизишиб кетманглар», деб тайинлади ва тўпланиб турганларга узоқдан салом берди. Суюндиқ бий тўпдан ажралиб келиб саломлашди.

— Ирискул бийдан қандай хабар бор?

Шайх Суюндиқ бийдан сўраган бўлса ҳам тўпланиб турганлардан биттаси писанда қилди:

— Хабарни сиздан эшитамиз.

— Майли, ундай бўлса, гапимга қулоқ солинглар, азизларим, — деб гап бошлади шайх. — Бийнинг сирли йўқолишида Абулхайрхоннинг қўли бормикин, деб гумон қиялпман.

Шайхнинг қандай далил келтиришини кутиб, ҳамма унинг оғзига тикилди. Шайх Айғара бийдан қандай кўнгилсиз хабар келганини, шунда Ирискул бий нима деганини, Кичик юзнинг иккиюзлама хонидан қандай ранжиб жўнаб кетганини ҳикоя қилиб берди. Шу тўғрида Ғойибхоннинг ҳузурига маслаҳатлашгани бориб, тайинли бир жавоб ололмай қайтганига афсусланди.

— Тушунолмай қолдим, азизларим, хонларда жумбоқ кўпайиб кетяпти, — деди гапининг охирида.

— Бекорчи гап, — деди ёш бийлардан бири. — Ўзингиз жумбоқ одамсиз. Гапингизнинг маъносига ақл югуртириб кўрилса, бир қозоқ сўймоқчи бўлса, иккинчи қозоқ тирилтирмоқчи. Бундай жумбоқ гапингизга ким ишонади?

— Сиз бу гапларни Айғара бийнинг обрўсини ошириш учун гапиряпсиз! Аслида бизни тобинликларга сотмоқчисиз, — деди иккинчи отлиқ.

Бу гаплар ёши улуғ бийларга ҳам маъқул тушяпти шекилли биронтаси ҳам ёш бийларнинг оғзига урмади. Шайх хафа бўлди.

— Азизларим, балиқ бошидан сасийди, деган гап бор, — деди у қаттиқ афсусланиб. — Мен кўнғиротликларни жамики қорақалпоқларга бош бўлар, деб ўйлаган эди. Сасимаган бўлсаларинг ҳам, мадда олиб қолган экансизлар. Бунинг сабаби нима?

— Катта кетдингиз, — деб Бойкўчқор бий қизишиб олдинга чиқди. — Ёбиларнинг қўлтиғига кириб бошман дейиш кўнғиротликлар учун ҳақорат. Ундан кўра, Ирискул хон қаерда, бизга шунни айтдинг?

— Ирискул хонни биргалашиб қидирамиз, азизларим. Лекин бир-бирининг айтганига юриш, қўлтиғига тикилиш эмас!

Шайх ҳар сўзини таъкидлаб, чертиб-чертиб гапирди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Пайдан фойдаланган Алиф Қорабой Қора баҳодир қоп-қора мўйловини икки томонга бураб, ўз фикрини айтди:

— Шайх ҳазратлари маъқул гап айтдилар, — деди у. — Ёбиларга эргашмаймиз деганимиз билан, масалан, мен Маман бийдай бўла олмайман. Ирискул хоннинг бир сафар: «Менга олтмиш ёшда битган ақл ҳозир Маманда бор», дегани эсларингдами? Маманга эргаш, ёбиликларга эргаш, деган сўз эмас. Ақлсизга оға бўлгандан кўра ақлининг оловини ёққан афзал.

— Сотқин!

— Итнинг боласи!

— Ўз иззатини билмаган кучук!

— Бас қил! Ёбилиқларнинг ақли билан қорамиқнинг дони бўлгунча, ўз ақлимиз билан буғдойнинг сомони бўлганимиз афзал, — деди бийлар ичидан бир хириллаган овоз.

— Эҳ, азизларим, сасиманглар! Қорақалпоқнинг ўти гуриллаб ёнсин десаларинг, ўтин тўплашдан эринманглар.

Ёш Эсенгелди отининг узангисига тиралиб, қичқирди.

— Эшитдиларингми, ўтин ташинглар деяпти. Ёбилиқларнинг ўтинини ташитмоқчи.

— Эй кўзи очилмаган кучук! — деди шайх унга ўқрайиб қараб.

Отлиқларнинг тўпи бузилиб, олағовур бошланди.

— Шайх ҳазратлари, обрўйингиз борида қайтинг, — деди Суюндиқ бий. Шайх Суюндиқ бийдан буни кутмаган эди, унга ўқрайиб қаради, ажинлари тиришиб, чакка томирлари бўртиб кетди.

— Бўйи калтанинг ақли калта, азизим.

— Нима десангиз, ўзингиз биласиз, кўнғирот — кўнғирот, ёби-ёби, — деди Суюндиқ бий совуққонлик билан.

— Тузоғингизга илинтиролмайсиз.

— Ҳой, махлуқлар, — деб қичқирди шайх. — Фафлатда қолманглар, душман найзасига найза тайёрланглар. Найзани найза синдиради. Жамики қорақалпоқ бир ўтов. Ўтовни ҳимоя қилишга тайёрланинглар! Библиб кўйинг, ёдингизда бўлсин, ҳар уруғ шу ўтовнинг бир қаноти. Бир қаноти синган ўтов бузилади. Сизлар бўлсангиз, ўтовнинг тўрдаги қанотисиз. Тўрдаги қанот бўлмаса, ўтовнинг эшиги иккита бўлиб қолади. Икки эшикли ўтовда жон сақлаш, бола асраш кўйни бўрига топшириб кўйишдай гап.

Шайх шундай деди-да жаҳли чиқиб отлиқлари билан кетиб қолди.

Кўнғирот бийлари типирчилаб қолишди. Бири бирини айблаб, сўкиб, сира бир фикрга келишолмасди. Охири тўпдагилардан бири Суюндиқ бий Ғойибхондан қандай хабар топиб келганини эшитайлик, деди. Ҳамма шу заҳоти жим бўлиб қолишди.

— Хон билан гаплашиб келдик, дўстлар, — деди Суюндиқ бий салмоқлаб. — Биздан олдин Мурод шайх, Давлатбой бий, Эсим бий, ҳатто Юсуф бийлар

ҳам хонга бориб учрашган экан. Нима тўғрисида гаплашиб кетишганини билолмадик. Бироқ Ирискулхоннинг йўқолишида Ғойибхон ёбилıklarдан шубҳаланаётган экан. Одамнинг оласи ичида, деди хон. Лекин кўнгли сезади. «Ёбилıklarнинг нияти аслида ёмон эди», деди. Хон бўлак ҳеч нарса демади.

— Хон шу гапи билан бизга, кўнғиротликларга шама қилиб қўйибди, — деб Бойқўчқор бий қўшиб қўйди.

— Шунақа бўлса керак. Ирискул хоннинг йўқолганини хон биздан эшитди. Биздан олдин борганлар айтишмаган экан. Шунга қараганда, ёбилıklarда бир бало борлиги рост, боя шайхнинг ўзи айтгандай, тўрдаги қанотдан бўлак ҳаммасини ўзларига қайтариб олишибди. Ғойибхоннинг гапига қараганда, Айғара бий душман эмиш. Энг аввал бизга аскар тўплатиб, Абулхайрхоннинг олдига бормоқчи. «Қорақалпоқлар сизга ҳужум қилишга тайёрланяпти», — деб хабар қилмоқчи. Ғойибхоннинг калласи кичик бўлса ҳам биздақалардан қирқтасининг ақли бор.

Қум юзини ялаб эсаётган шамол кучайиб, кўз очиргани қўймасди. Оғзи очилиб турганлар лабларини сийпалади, баъзилари лабларини ялаб, тишларини гижирлатиб, ўзи билан ўзи бўлиб қолганди. Ҳеч ким индамади. Отлар учиб келиб, ёпишаётган сўналарга чидмай тепсинарди. Сукунат узоққа чўзилди.

Ёшлар чидашолмади.

— Сизлар нима десаларинг — шу, — деди Эсенгелди.

— Кўнғирот хони учун ўч олишга тайёрмиз!

— Йигитлар, тўхтанглар! — деди Алиф Қорабой Қора баҳодир қиличини ҳавода ўйнатиб. — Шайхнинг гапларида жон бор. Ҳар ким ўз қанотини деб қилич силкитгани билан кучли бўлавермайди. Табақлилар ҳам бир қанот. Улар синишса, ўтовимизнинг бир томони ўпирилади.

— Сен қўрқоқсан!

— Сен ақдан озиб қолибсан, — деб жеркиб берди уни Ойтувғон ясовул. — Бунинг гапини қаранг. Сен Ҳурадан ботир учун ўч олишларидан қўрқиб, уларнинг ноғораларига ўйнамоқчига ўхшайсан. Йигитлар, Ҳелвет шайх Оренбургга нимага чақирилганини биласизларми?

— Ғойибхон бундан ҳам беҳабар, — деди бир овоз.

— Бунда ҳам бир сир бор, — деди Бойқўчқор бий гердайиб. — Нима сир бор дейсизми? Ирискул бийни

ўлдириб, мукофот олгани кетдими, деб гумонсираяпман. Гойиб хон очиқ айтмаган гап шу бўлса керак.

— Бойкўчқор бий, қачондан бери сиз Ирискул хоннинг ёнини оладиган бўлиб қолдингиз?

Бойкўчқор бий ёнида турган Алиф Қорабой Қора баҳодирга ўқрайиб қараб қўйди.

— Ирискул хон бизни хато йўлга бошлаган вақтларида уни ёмон кўрганимни яширмайман.

— Ўлгандан кейин тўғри йўлга тушиб қолибдими?

Баъзи тоифадаги одамлар бошига иш тушганда гапга тушунадиган бўлади. Боядан бери баҳсни жимгина кузатиб турган Суяндиқ бий отига ирғиб минди-да, қамчисини кўтарди.

— Халойиқ, қулоқ солинглар! Шайх айтган ўтов тўғрисида ким ўйламайди. Ҳаммамиз ҳам ўйлаймиз. Лекин ҳукмини юргизадиган ўтов ҳам бор, унга қарам ўтов ҳам бор. Энди экин-тикинни тезроқ йиғиб олиб, ерга кўминглар. Найзаларни соплатиб, қиличларни қайранглар, отларни яхшилаб боқинглар. Ёбиларни орқаваротдан сўкиб юриш ҳам кўрқоқлик. Энди бўлар-бўлмас гап туфайли уришиб, ярашиб юрмаймиз. Бир кечада босиб, Ирискул хоннинг хуни учун қонларини дарё қилиб оқизамиз. Агар бошқа маслаҳат бўлмаса, тарқалинглар. Кимда-ким шу аҳдимизни бузса, отабобларимизнинг арвоҳи урсин. Омин!

— Омин!

— Омин!

* * *

Шу куни хитой уруғининг бийлари, оқсоқоллари Давлатбой бийнинг ўтовига маслаҳатга тўпланишди. Бош бий сўнгги кунларда юз берган кўнгилсиз воқеаларни баён қилиб, бийлар, баҳодирларнинг фикрларини бирма-бир эшитди. Кейин ҳаммаларига алоҳида-алоҳида топшириқ берди.

— Қора бий билан Мойли бий, сизлар экин-тикиннинг эсон-омон йиғиштириб олиниб, кўмилишига кўз-қулоқ бўлинглар. Ташқи душман билан уришишга ҳам, ички душман билан уришишга ҳам озиқ-овқат заҳираси керак. Жиянбой баҳодир билан Қаллибек баҳодир, сизлар йиғитларни от минишга ўргатасиз, телпак кийган ҳар бир инсон навкар бўлади.

Ўша куни табақли уруғида ҳам шундай йиғилиш бўлиб ўтди. Юсуф бий худди жала қуядиган булутдай қовоғини солиб, Ғойибхон ҳузурда бўлганларини, Мурод шайх билан маслаҳатлашганини айтиб, гапини шундай яқунлади:

— Ғойибхон менга хуфя баъзи гапларни айтди. Аҳвол чатоққа ўхшайди. Минглаб қўнғиротликларнинг ҳужумига ўттиз хонадонли табақдилар қарши туришга мажбурмиз. Уруғимиз йўқ бўлиб кетмаслиги лозим. Оғзига қошиқ олиб боришга қодир банда борки, ўзини навкарман деб ҳисобласин. Маъқулми?.. Маъқул демасликка иложимиз йўқ...

Жалойирнинг бийи Эсим бий ҳам Янгикентдан келгандан кейин, уруғларини тўплаб, юрт бошига тушган хавф-хатарни маълум қилди.

— Айғара бийнинг берган хабарига қараганда, Абулхайр яна бир балони бошламоқчига ўхшайди. Ғойибхоннинг ўзимга айтган гапига қараганда, кенагаслар гафлат уйқусидан уйғонишган эмиш. Бизга ҳужум қилиш нияти бор эмиш. Бундан ҳам ёмони, кўчиб кетган манғитлар ҳам бош кўтариб қолишганмиш. Улар чеккароқ ерга бориб олиб, куч тўплашаётганмиш. «Жалойирларни манғит қиламиз», деган эмиш Убайдулла бий. Бунга нима дейсизлар?

- Лаънат деймиз!
- Кимга?
- Ғойибхонга!
- Абулхайрхонга!
- Убайдулла бийга!..

Кўпчилик кенагасликларнинг ҳам, ҳатто ёби, қўнғиротликларнинг ҳам номига лаънат ёғдирди.

Ҳамма юрагидагини тўкиб бўлгандан кейин, Эсим бий яна шундай деди:

— Бу балодан қутулиш чорасини ўйлаб кўринглар. Учинчи кун бизникида тўпланиб, ҳаммасини ҳал қиламиз.

Ҳеч нарсадан беҳабар, беғам юрган Нурали бий чиндан ҳам гафлат уйқусидан уйғонган эди. Уни тинимсиз говғалар, ҳар хил миш-миш гаплар уйғотди. Пастки

лаби бўлмагани учун унинг гапини фақат ўғли Тўхтапўлатгина тушунади. Айтадиган гапини ўғлига тайинлаб, ўзи отга минди. Афғ-башарасини илгаригидай ўраб-чирмамади. Овул орасидан «Ҳа, ҳа!»лаб, қамчисини ўйнатиб, от чоптириб ўтди. Қамчисини ҳавода ўйнатгани «тўпланинглар» дегани эди. Кенагасликларнинг эр-каклари бий уйига қараб оқиб, бир зумда тўпланишди. Отасининг номидан ўғли Тўхтапўлат гапирди.

— Қутурган жалойирликлар бизнинг тинчимизни бузишмоқчи. Кечаси Ғойибхондан одам келиб кетди. «Эҳтиёт бўлинглар, яхшиси уларни ўзларинг тунанглар», деб тайинлаб кетди. Ғойибхон ўзларингга маълум, биз кенагасларни яхши кўради. «Ўзини ўзи ҳимоя қилгандан кўра, ҳужум қилган яхши», дедилар отам. Гап шу!

Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Бу жимжитликка Нурали бий тоқат қилолмади. «Ҳа-ҳа!» деб бақириб, қамчисини боши тепасида бир неча марта айлантирди, кейин отини ниқтаб, ўзи олдинга энгашиб, худди ҳозир ёв бостириб келаётгандай, қамчисини ҳавода ўйнатаверди. Жунғорлар билан бўлган жангда донг чиқарган атоқли бийларининг бу кулгили қилиқларини кўриб, овулдошларнинг унга раҳмлари келиб кетди.

— Тушундик, бийимиз, — деди тўпланганлар орасидан биров.

Нурали бий хурсанд бўлиб, баҳри дили очилиб кетди. Шундан кейин Тўхтапўлат яна отасининг гапларини эсга солиб, мол-ҳол, дон-дунни эҳтиёт қилиш лозимлигини тайинлади. Ҳар бир кенагасликка ташқарига кўз-қулоқ бўлиб, жалойирликларнинг фитнасидан хабардор бўлиб туришни, бирон кор-ҳол юз берадиган бўлса, олдини олиш лозимлигини тайинлади. Кўпчилик ҳар хил фикр айтгани билан, охири Нурали бий маслаҳатини маъқуллаб тарқалишди.

* * *

Ёбилекларнинг мажлиси ётиғлиқ билан ўтди, бир-бирларининг гапларини қўлаб-қувватлашди.

— Азизларим, яхшиликни кутмасдан олдин ёмонликни ўйламаганмиз. Ёмон кунга ҳозирлик кўриб юринглар. Шундай хавф бор. Абулхайрхондан хавфимиз бор. Кейинроқ ўзимиз ҳам қилмишимиздан кулиб юрармизу, ҳозирча кўнғиротликларга бир оз ён босиб, улар билан тил бириктирмасак бўлмайди. Агар улар

урушамиз дейишса ҳам сизлар қурол кўтарманглар. Оладиганини олсин. Урса ҳам индаманглар. Шу бугундан эътиборан нима қилиб бўлса ҳам Ирисқул бийни топиш керак. Калхат кўтариб кетган бўлса, суяги тоғ оралигида қолади. Излайлик.

* * *

Мурод шайхнинг бу маслаҳати ҳаммага маъқул тушди. Бийлар, баҳодирлар синчиклаб излаш мақсадида дала, тоғларни бўлишиб олишди. Избосар баҳодирга эса, ҳеч кимга билдирмай, эпчил-эпчил йигитлардан навқар тўплаш топширилди.

Ёбиллик йигитлар кенгашга тўпланишганда Омонлиқ ҳам бор эди. Избосар баҳодир уни ҳаммадан кейин олиб қолиб, алоҳида топшириқ берди. Омонлиқ ўша топшириққа мувофиқ Кўнглимжойларни тўплади. Бу сафар у фақат Кўнглимжойларнигина эмас, кўни-кўшни овуллардаги Кўнглимжойларнинг сўзига кирадиган барча етим-есирларни тўплашди. Ёлғиз қўзисини сўйиб, ош берди. Қоринларини тўйдиргандан кейин, ўзи гап бошлади. Эл устида пайдо бўлган хавф-хатарни ҳикоя қилиб, лозим бўлиб қолса, таёқ билан бўлса ҳам юрт душманига қарши курашишлари кераклигини тайинлади.

Болалар аввалига Омонлиқнинг гапларини жуда қизиқсиниб тинглашди, кейин шунчаки бир ҳикоя эшиттаётгандай, бепарво ўтираверишди. Кўнглимжой ўрнидан туриб, бўз кўйлагини кўтарди-да қорнини қиртқирт қашиди.

— Омонлиқ, мен ҳам гапирмоқчиман, — деди у.

— Гапира қол.

— Ҳўш, сизлар нега говурлашяпсиз? — деди у болаларга қараб. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзидан қулиб ўрганиб қолган болалар жим бўлиб қолишди. Ўзларича қизиқ ўйинга шайланиб, кулмоқчи бўлишди. Кўнглимжой қорнини қашиб туриб, давом этди: — Қани, ўйлаб кўринглар-чи, кимки биринчи бўлиб топса, мени чертади. Топмасаларинг, мен сизларни чертаман. Пашша қушми ё ҳайвонми? Билиб кўйинглар, мен қор пашшани айтяпман.

Болалар ҳар тарафдан қичқира бошлашди:

— Қуш!

— Ҳайвон!

Кўнглимжой бошларидан қалпоқларини олишни

талаб қилди. Болалар қоидани бузмай, дарҳол бошларидан қалпоқларини олишди. Кўнглимжой айланиб юриб, бошларига биттадан чертиб чиқди.

— Энди менинг гапимга қулоқ солинглар, — деди яна жойига бориб. — Пашша — одам. Сабабими? Сабаби шу. Одамзодда қушнинг ҳам, ҳайвоннинг ҳам одатлари бор. Кўзларингни ола-кула қилиб, ҳайрон бўляпсизларми, бефаҳмлар! Қора пашшанинг одамга ўхшашлигининг сабаби шуки, у ҳам одам ейдиган овқатни ейди. Ҳайвонга ўхшашлиги шундаки, ташландиқ, ҳаром-хариш нарсаларга ҳам кўниб еяверади. Оч қолсак, бизлар ҳам еяверамиз. Ана шу томонлари билан одам қора пашшага ўхшайди. Ҳамма эмас, албатта, ўзидан бир поғона паст бахти қароларнинг тақдирини билмаган одам қора пашшага ўхшайди. Рост.

— Астаффирулло!

— Гапниям топади-да, — дейишди болалар ҳайрон бўлишиб.

— Энди, чумчуқ қочди ўйнаймиз. Ким бошлайди? Шошманглар, ўзим бошлаб бера қолай. Биздан бир чумчуқ қочди...

Ҳамма бир овоздан сўради:

— Ўзи қанақа?

— Ҳар бир қулоғи қирқ тешик.

— Нечта ўғли, нечта қизи бор?

Одатга айланиб кетган бу савол кўпчиликнинг овози билан жаранглаб эшитилди.

— Битта хотини, битта синглиси, битта оти, битта тикилмаган ўтови бор.

— Мана шу уй! — деб болалар топишмоқни дарров ечишди.

Болалар навбатма-навбат топишмоқ айтиб, ўйнашди. Бошқа уйлар ҳақида ҳам гап кетди.

Омонлиқ уларнинг ўйинларига диққат билан қулоқ солган эди, ҳали-вери мақсадга кўчадиганга ўхшашмасди, охири чидолмади.

— Кўнглимжой, боя мен юртимизнинг тақдири тўғрисида гап бошлаган эдим. Гапни бошқа томонга буриб юбордиларинг.

— Ие, шунақами? — деди Кўнглимжой кесатиб. — Душман бостириб келгудек бўлса, сен хотинингни, манови тикилмаган ўтовингни кўриқлайсан. Бизлар-чи? Сизларни! Йўқол! Бизга бари бир. Келган душманнинг отига ўт ўриб берсак ҳам кунимиз ўтади. Ё ҳозирги тўйдирганинг учун кўриқлайликми? Ундай бўлса, май-

ли. Болалар, эртаги овқат вақтигача Омонлиқнинг ни-
ма иши бўлса, қарашамиз, ҳақимизни беролмаса, кета-
миз. Қани, Омонлиқ, қандай ишинг бўлса, айт. Ўтинга
бориб келайликми? Ўзингни опичлайликми? Ўтовинг-
ни тикишайликми? Хотинингнинг оёқларини уқалаб
кўяйликми?

Омонлиқ гап тополмай, икки чаккасини чангаллади.
— Кечирасизлар, майли, кетаверинглар, — деди.

Болалар уст-бошларидаги чангни қоқишди-да,
Омонлиқнинг чайласи атрофида чанг кўтариб, тапира-
тупур қилиб тарқалишди.

11

Ҳамма ёқ нотинч, одамларнинг асаблари бузилган
эди. Кўшининг кўшнидан, уруғнинг уруғдан, элнинг
элдан хавфсираши ҳаммани ҳадиксиратиб қўйганди.
Одамлар ўз фикрларига ўзлари қарши чиқиб гапирса,
унинг гапини тўғрилайдиган, гапинг номаъқул дейди-
ган одам топилмасди. Лекин ҳамма уззукун Маманни
гапирарди!

— Маман келса, олам гулистон!

Ўксиган кўнгилар кўтарилгандай бўларди, тўплан-
ганлар ё ҳангомалашаётганлар орасида шу гап тилга
олинса, ҳамманинг чеҳрасидаги қайғу, ташвиш кўлан-
каси тарқалиб, юзлари ёришади, кўзлари рвшанлаша-
ди, лабларига кулги югуриб, тишларининг оқи кўри-
нарди. Ёгингарчиликдан қочгандай ҳамма уйига, ё да-
лага, ё ўтинга, ким қандай иш билан кетаётган бўлса,
шу ёққа қараб югуришарди. Шошилиб, хурсанд бўлиб
югуришарди.

Шартномада Маманнинг қайтарилиши илтимос
қилинган ақраб ойи ҳам етиб келди. Аммо Мамандан
ҳамон дарак йўқ. Одамлар ташвишга тушиб қолишди.
Ҳар ким ҳар хил фикрга борар, шубҳаси ортар эди.

Шундай кунларнинг бирида Оренбургдан Мурод
шайхнинг ўғли Ҳелвет шайх қайтиб келди. Неплюев
уни ўзининг янги аравасида жуда дабдаба билан жўна-
тибди. Оқ подшонинг фармонига мувофиқ тархон но-
мини олиб қайтибди. Бу юртни яна қувонтирди. Оқ
подшо ҳузурига кетган Маманнинг халқ умидини оқ-
лаб келишига ҳам одамларда ишонч ортди. Чунки
Ҳелвет шайх фақат тархон номинигина олиб қайтмай,
Маман бийлар тўғрисида хабар ҳам толиб келган эди.

— Улар Петербургда — подшо саройига омон-эсон

етиб боришибди. Подшо хоним Елизавета Петровна уларни қабул қилишга ваъда берибди. Шунга навбат кутиб туришган эмиш. Буни оқ подшонинг топшириғи билан Оренбургга келган сарой аҳдларидан бири хабар қилибди. Менга тархон номини бериш тўғрисидаги фармонни ҳам ўша киши олиб келган эди, — деди Хелвет.

— Оқ подшони ўзи тўғри йўлга бошласин!

— Эй худо, Маманни юртига соғ-саломат етказ!..

Хелветнинг ҳикоясини эшитган бойлар, бийлар, ўтёқарлар хурсанд бўлишди, хаёлан узоқда йилтираган умид учкунини кўргандай бўлиб тарқалишди.

Мурод шайх Избосар баҳодирни олиб қолиб, дилига туғиб юрган гапини очди.

— Азизим, Абулхайрхон бизни таги юмшоқ қудуққа итариб юбормаса керак? Йўқ, азизим, бунга кўнглим ишонмайди. Тўплаган навкарларингни тарқатиб юборганинг маъқул. Нега дейсанми? Ахир, Абулхайрхон рус подшосига қарам хон. Биз ҳам русларнинг душмани эмасмиз. Рус подшосининг шарофатли бир этаги бизга ҳам паноҳ бўладиган бўлиб турибди. Ҳа, ҳа, пешананг-ни тириштира азизим. Агар Абулхайрхон бизга кўз олайтирадиган бўлса, рус подшоси уни янчиб ташлайди. Ишонавер. Ахир Маманларнинг хатга битилганлардан ташқари ҳам айтадиган гаплари кўп. Оқ подшо аҳмоқ эмас, агар эси бўлса кичик халққа малоллик келтирмайди. Пайғамбар ҳам жабркашлар тарафида. Подшо эса подадан олдин чанг чиқаришни истамайди. Шунинг учун ҳам бизнинг навкар тайёрлаб, хавф-хатар олдини олмоқчи бўлганимизни ҳеч ким билмасин. Бир англашилмовчилик бўлса керак, Абулхайрхон ичи қора одам бўлгани билан хон. Тушунади. Навкар тайёрлаганимизни эшитиб қолгудек бўлса, биздан олдинроқ бош кўтариб қолади. Боя аллаким ҳам шундай деб, тўғри айтган экан. Кўнғиротликлардан эди шекилли, майли, ҳайтовур, қорақалпоқдан чиққан ақл. Нега бунча ўйланиб қолдинг? Абулхайрхон ҳужум қилиб қолиши мумкин деб ўйлайсанми? Ахир улар билан биз шамол титратган қўш япроқмизку. Борди-ю, ўшандай бўлиб, Абулхайрхон бостириб келиб қолганда ҳам кучимиз етармиди? Айғара бийда ичи қоралик йўқ. Ақлли бий. Абулхайрхон унга ёмонлик қилармиди? Ёмонлик қилмаса керак. Нима бўлганда ҳам, зурриёти, зоти бир, бир қозоқнинг фарзандлари, алашнинг авлоди. Бошингни чайқама, баҳо-

дир. Аммо гапинг маъқул, ҳозирги замонда иккиюзли бўлмаган одам қолмаган. Бошлиқ бўлсанг, иккиюзли бўлмай иложинг йўқ. Шундай қилмасанг, кунинг ўтмайди. Бир юзинг халққа қараса, бир юзинг амалдорларга қарайди. Шунинг учун ҳам Абулхайрхон Айғара бий айтгандай, «қайнаб турган қозон сувга ташланмасин» деб туриб олса, бизнинг кучимиз нимага етарди? Йўқ. Ёбиллар нима қила олишарди? Ундан кўра, сен навкарларингни тарқатиб юбора қол. Абулхайрхон қилар ишни қилиб қўйиб, рус подшосига: «Қорақалпоқлар мушт кўтармоқчи бўлишди, шунинг учун олдини олиб, мен мушт кўтардим» деса, биз нима деймиз? Ёби уруғи бутун қорақалпоқларнинг бахтини қора қилди. Сабр косасини ҳеч ким чайқалтиролмади, азизим, навкарларнинг ҳузурига бориб, уларни уй-уйига жўнатиб юборайлик.

— Кўнғиротликлар бостириб келиб қолишса нима қиламиз, шайх ҳазратлари?

Боядан бери гапларини индамай тинглаб турган баҳодирнинг бу саволи шайхни ўйлатиб қўйди.

Шайх кафтини ажин босган пешонасига тираб, қаърига тортган кўзларини юмди. Избосар баҳодир уни хафа қилмоқчи эмас эди, гапини ҳам сира қайтариб ўрганмаган эди, шунинг учун ҳам кўнглини кўтармоқчи бўлди.

— Кўп ташвиш тортаверманг, шайх ҳазратлари. Кўнғиротликлар босқинчилик қилгудек бўлишса, оладиганларини олишар. Биз уларга қўл кўтармаймиз. Боламиз йиғлайдиган бўлса, ичи ачийдиган жигармизку, улар тушунишар. Тушунишмаса, сиз ўйлаганингиздай, чидам билан тушунтирамиз. Жуда бўлмаса, бошимизни эгиб бориб тушунтирамиз.

Мурод шайх пешанасидан қўлини олиб, ичи ловиллаб ёниб кетаётгандай, чуқур хўрсиниб қўйди.

— Азизим, кўнглим нотинч... Найзачи бўла туриб қўли қалтираган навкар душманига банди бўлади.

Шайхнинг ҳар бир гапини чуқур ўйлаб кўрадиган Избосар баҳодир унинг бу гапини бемаъниликка йўйди.

— Шайх ҳазратлари, ҳаммаси сиз айтганингиздай бўлади, — деб ўрнидан турди.

Уша куни ҳар қачонгидан қаттиқ, довулли қаҳратон совуқ бошланди. Қўшларнинг қамишини кўтариб, тўрт томонидан боғлаб қўйилган туйнуқларни юлқиб, ҳилпиратаётган довулдан худога нолиш қилаётган шайх

овул четида от чоптириб келаётган отлиқларни кўриб қолди. Улар ёби уруғининг навкар йигитлари эдилар. Тарқатиб юборганига ачиниб, нима дейишини билмай, ҳайрон бўлиб турган шайхнинг оппоқ салласини шамол учуриб кетди. Шайх «астоғфирулло!» деб энгашганида, бояги икки отлиқ етиб келди. Булар тумоқларини бостириб кийиб олган қозоқ йигитлари экан. Отлиқлардан бири ўзини отдан ташлаб, шайхнинг салласини олдида, бағрига босиб ўзига берди.

— Мана, шайх ҳазратлари, олинг.

Совуқ отлиқларнинг ҳам, шайхнинг ҳам кўзларини ёшлантириб юборган эди. Улар бир-бирларини таниёлмаётгандай кўзларини уқалашиб, кейин саломлашишди. Бири Айғара бийнинг, иккинчиси Седет кереининг чопари экан. Отдан тушгани бошлиғи экан. Улар келишларининг сабабини шоша-пиша айтишди. Бийлари юборишибди. Абулхайрхоннинг ёмон нияти ростга чиқибди. Улар бундан ташқари яна бир муҳим хабар топиб келишибди: Ирискул бий тирик экан. Айғара бий кўрибди. Абулхайрхон олдириб кетган экан. Қўғирчоқ Ғойибхоннинг найранглари сезилиб қолганидан кейин уни ўғирлатиб кетган экан. У аввал қўнғиротликлар билан ёбиликларни бир-бирига гижгижлатиб, хўроздай уриштирмоқчи, иккала уруғнинг силласи қуриганда икки уруғни айтганига осонгина қўндирмоқчи бўлганини ҳеч кимдан яширмабди. Ирискул бий хоннинг бу разил ниятига қўшилмабди.

— Ирискул бий чиндан ҳам тирик эканми? — деб қайтариб сўради шайх.

— Тирик, шайх ҳазратлари, тирик — деб Айғара бийнинг чопари жавоб берди. — Ўз кўзим билан кўрдим. Улуғ бийимиз мол бериб бўшаттириб олмоқчи бўлган эди, хон бўшатмади. Ирискул бий озиб кетибди. Чамаси, хон анча қийнаган. Бийимиз шунақа деб ўйлаяпти. «Аввалига жуда катта ваъдалар берган. Кўндира олмай чиғириқдан ўтказган. Баракалла ўша азаматга, қийин-қистовларга чидаган. Ўз элимнинг ярмини сарсон-саргардон қилгунча бир кўлимни кесиб ташлайман, дебди. Айғара бий: «қорақалпоқлар тотув, чидамли халқ, улардан ҳар қанча ўрганса бўлади», деб жуда мақтади.

Мурод шайх бу хабарни тезроқ қўнғиротликларга етказишни ўйлаб, зудлик билан битта отлиқ жўнатмоқчи бўлиб турди-да, кейин «келишмайди, ўзим боришим керак», деб пичирлади.

Куз оёқлаб қолганди. Лекин қаҳратон қишнинг ўзгинаси. Қаттиқ совуқ. Азонга яқин майда қор ёға бошлади. Лекин қор десанг, қорга ўхшамайди. Аччиқ совуққа чидамай, осмон оқ кипригини тўкиб юбораётганга ўхшайди.

Кунчиқиш пайтида қаттиқ шамол турди, ер юзини олачалпоқ қоплаган қор чанг-тўзонга қўшилиб учиб кетди, тупроқ аралаш қорнинг қаердан ёғаётганини билиб бўлмайди, кўз очирмайди.

Кўнғирот уруғининг ёбиликларга қарши тайёрлаган навкарларини кўздан кечириш учун яширин чақирилган Ғойибхон ҳавонинг авзойи ўзгаргани учун ниятини кейинроқ амалга оширмоқчи бўлди-ю, яна ўйланиб қолди: юртнинг ихлоси қайтмасин, хон бир сўзли одам экан, десин. Овулга қайтишгани маъқул.

Уни кузатиш учун барча бийлар, юртнинг обрўли одамлари аллақачон тайёр бўлишиб, тўпланиб туришарди. Шамол ёпқиларини кўтариб-ёпиб, биқинига шапшап ураётганига чидамаган асов отлар ўйноқларди. Ўртада турган Ғойибхон қамчи туган қўлини пуфлади.

— Биз кетамиз, кўнғирот бийлари. Кечаги гап — гап. Навкарларининг тайёргарлиги дуруст. Билмаган эканмиз. Эсенгелди Мамандан ҳам чапдастроқ йигит экан. Барча қорақалпоқларга Эсенгелди оға бўлади. Ёшлар, кўнғирот ёшлари, бу гапнинг мағзини чақинглар. Яна айтаман. Бутун қорақалпоқ элида сизларга душман ҳам, сизларга тиш қайраган ҳам ёбиликлар. Илм-ҳикматлари кўп бўлгани учун алдаб-авраб, сўнг хиёнат қилиш ниятлари йўқ эмас...

— Абулхайрхоннинг таҳдиди тўғрисида индамай кетяпсиз.

Совуқдан жунжикиб, хоннинг гапига диққат билан қулоқ солиб турганлар бу саволни ким берганини пайқамай қолишди. Бироқ ўша одам ҳаммаларининг ҳам дилларидаги саволни бергани учун жонланишиб, «тўғри, хон ҳазратлари, бунга сиз нима дейсиз», дейишди.

— Ҳозир дунёда энг кучли хон Абулхайрхон. Унга тил тегизиш, гумонсираш, ишонмаслик — осмондаги қуёшга ишонмаслик билан баробар. Қуёш булут остида қолса ҳам — қуёш. Биз кетдик, — деди Ғойибхон.

Отаси билан бирга юрганда сира кайфи бузилмайдиган, гапга аралашмайдиган Убайдулла султон-

нинг бурун катаклари керилиб, пешанаси тиришди, қошлари чимирилди, лаблари пир-пир учди. Буни Алиф Қорабой Қора баҳодир пайқади. Гапирмоқчи бўляпти шекилли, деб ўйлади. Бироқ Убайдулла султон гапиришга улгурмади. Хон отига қамчи босди, тўп иккига ажралиб, хонга йўл берди, бийлар уларни анча ергача кузатиб боришди.

Қор эртасига ҳам тўхтамади. Шамол ҳам пасаймади. Ердан қор аралаш чангни супуриб, тинмай увиллайди. Лекин бу кўнғирот бийларини йўлдан қайтаролмади. Улар азонда яна тўпланишиб, ўзаро маслаҳатлашишди.

— Фойибхон ақлли гап айтди, ёдингизда тутинг. Куёш булут тагида қолса ҳам — куёш, — деди Суюндиқ.

— Бундай гапни бошқа одам айта олмайдими, ота?

— Ҳой, Эсенгелди кучук, сендан ҳам телба-гескари гаплар чиқадиган бўлиб қолибдими, оғзингни юм!

Эсенгелди шерикларига бир қараб қўйди-ю, индамади. Шериклари унинг гапини маъқуллаб, мийиқларида кулиб қўйишди.

Алиф Қорабой Қора баҳодир қамчисини кўтариб.

— Халойиқ, кулоқ солинглар, — деди. Суюндиқ бий узангига тиралиб турган эди, ўрнига ўтирди. Бойқўчқор бий ўғли билан шерикларидан мамнун бўлиб, ўша томонга қараб турган эди. Алиф Қорабой Қора баҳодир бирон янги гап айтмоқчими деб, ўша томонга ўгирилди. Ҳамма унинг оғзига тикилди. — Хон кетди. Довул турғизиб кетди. Тупроқ билан қорни қориштириб кетди. Биз қолдик.

— Каромати бўлмаса, хон бўлармиди, — деди оломон орасидан биттаси.

— Каромати бўлмаса, хон бўлмайди. Лекин мен унинг кароматини айтаётганим йўқ. Буни тушунинглар. Унинг гапи билан ёбиликларнинг устига бостириб бориб тала-тўполоғ қиладиган бўлсак, ўнг қўлимиз билан чап қўлимизни кесган бўлмаймизми?

— Қора баҳодир, сен ҳамиша шундай қиласан!

— Бузуқи!

— Сотқин!..

Одамларнинг шовқини босилгунча, Қора баҳодир индамади. Ҳар ким ҳар томондан гапириб, узиб оларди.

— Майли, — деди охири Қора баҳодир. — Ундай бўлса, бугундай қулай кун йўқ. Ҳамма ёғи тўзиб ўтир-

ган ёбиликлар устига бостириб бориб, уларни тит-пит қилайлик. Мен ўзим бошчилик қиламан. Қани, навкарлар, тайёрмисизлар?

— Тайёрмиз!!

Бойқўчқор бий савол-жавобдан қаноат ҳосил қилиб, энди бир нарса демоқчи бўлиб, қаддини ростлаганида, кунботиш тарафдан энкайиб, отини елдириб келаётган қўш отликқа кўзи тушиб қолди.

— Анавилар кимлар?

Қор аралаш тўзонда от елдириб келаётганлар Мурод шайх билан жиловдори Сайдулла дев экан. Уларни ҳеч ким танимади. Терлаб, ҳамма ёғига қор аралаш лой ёпишган оқ от қорайиб кетган эди. Улар яқинлашиб келишмагунча, ҳеч ким турган еридан жилмади. Шайх отликларга қўшилиб, енги билан юз-кўзини артиб, салом берганидан кейингина танишди. Лекин бу сафар бийларнинг биронтаси ҳам отидан тушмади. Шайх бийларнинг ниятлари бузуқлигини пайқади.

— Азизларим, мен сизларга Ирискул бий тўғрисида хабар топиб келдим.

Отликлар ҳанг-манг бўлиб, бир-бирларига қарашди.

— Ҳа, ҳа, азизларим, Ирискул бийни Абулхайрхон ўғирлатиб кетган экан. Сизларни ёбиликларга қарши гижгижлатиш ниятида қилган экан бу ишни.

Шайх қанчалик куйиб-пишиб, хафа бўлиб гапирмасин, унинг гапига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди. Шундай бўлса ҳам Мурод шайх шаштидан тушмади. Айғара бий билан Седет керейдан чопарлар келиб, шу хабарни етказиб кетишганини гапириб берди.

— Мой айниса, туз сепилади, шайх ҳазратлари, — деди оломон орасидан бир овоз. — Айтинг, туз айниса нима солинади, тақсир?

— Бундай ночор аҳволга дуч келмаган эдим, азизларим.

— Мақсадингизни очиқ айтинг, шайх!

— Сизларнинг олдингизга келдим, азизларим, ақлсиз йигитларга ўхшаб бир-биримиз билан талашиб-тортишиб юрмайлик.

— Янги гап айтдилар-ку, тақсирим!

— Ёв келса, бизнинг ҳам жонимиз бор-ку.

— Қашқир келганда ҳар ит ўз ялоғи тепасида ирил-ламаса, ялоғидан айрилиб қолади, азизларим.

— Қачон бундай илмоқли гапларингизни кўясиз, шайх ҳазратлари?

— Фаҳм-фаросатли одамга гапим илмоқли бўлиб туюлса, бир қозонга тушган каллаларнинг тақдири бир бўлишини тушуниб олиши осонроқ бўлади.

— Йигитлар, нега энди тили қисик одамдай гап эшитиб ўтирибмиз, ушланглар шайхни! — деди Бойкўчқор бий. Буйруққа маҳтал бўлиб турган йигитлар шайх билан жиловдорини дув ўраб олишди.

— Тўхтанглар! — деди шайх ғазаб билан бошидан салласини олиб. — Аввал эшитинглар, ақлсиз азизлар! Айтган гапларим тўғри чиққан вақтда бир-бирларинг-ни айблаб ўтирманглар. Эски саватдай титилманглар. Ўнг қўл ҳам, чап қўл ҳам ўз қўлларинг эканини ўйлаб кўринглар.

— Эсенгелди, шайхни боғламанглар, фақат қуршаб олинглар, — деб буюрди Суюндиқ бий.

Эсенгелди беш-олтита тенгқурлари билан шайхни ўраб олди. Шу орада оломон орасида кимдир шайхни ортиқ гапиртирмаслик керак, деб қолди.

— Амрингизни икки қилмайман, азизларим, қани, қаерга олиб бормоқчи бўлсаларинг, бошланглар!

— Йигитлар! Навкарлар! Найза тутган азаматлар! — деб Қора баҳодир отлиқлар орасини айланиб чиқди-да, Суюндиқ бий олдида тўхтади. — Тайёрмиз, бийим.

— Ёнимга келинглар, — деди Суюндиқ бий кичик уруғ бийларини қатор тизиб, ўзи ўртада юриб, йўл бошлади. Отлар кетма-кет юриб кетди. Банди қилинган Мурод шайх оломон орасида бошини қуйи солиб, салласи чувалиб, соқолидан сув томчилаб борарди. Кўзлари остидаги салқи ажинлари шишиб кетгандай эди. Шайхга кўмаклашаман деб бирга келган Сайдулла девнинг икки қўли орқасига қайрилиб боғланганди.

— Шайхим, Абулхайрхоннинг кароматими бу? — деди у.

— Илоҳим, дўзахга тушсин, лаънати! — деди бошини сарак-сарак қилиб шайх.

— Тақсир, қовоқбош хон қочиб кетмаганмикан?

— Ким дединг?

— Шайхнинг овозидан мийиғида кулаётганини сезган дев хурсанд бўлиб тушунтирди.

— Ғойибхон-чи, тақсир? Ҳамма уни қовоқбош дейди.

— Бу ўша қовоқбошнинг найранги, — деди шайх аста. — Иложимиз қанча, агар юртимизга бошчилик қилиш учун биронта ақли бош топилмаса.

— Нони биздан, дастурхони бошқадан бўладиган кунлардан қачон қутиламиз, тақсир? Китобдан қарамадингизми?

— Худойи таоло тотувликни улашганда, бизнинг халқимизга бермаган экан. Бирлиги йўқ халқнинг дастурхони ҳамаша талон-талон бўлади, дастурхони йўқ халқ эса, бахтсиз бўлади.

— Гаплашманг, шайх! — деган буйруқ эшитилди қўнғиротликлар орасидан.

Шайх индамади. Бутун қорақалпоқ элининг машхур одамани банди қилиб, ҳайдаб бориш ҳуқуқи берилганидан мағрурланган ёш йигитлар отларида гердайиб ўтиришар, димоғлари чоғ эди. Бир-бирларига қараб илжайиб қўйишарди. Уларнинг бошлиғи Эсенгелди ҳеч нарсага парво қилмай, шайхнинг ўнг томонидан найзасини тутиб қовоғини солганча борарди. Қўнғиротнинг бор отлиқ йигитлари ёби уруғини қиличдан ўтказиш учун кетишаётганди.

* * *

Ғойибхоннинг тўнғич ўғли Убайдулла султон кейинги вақтларда ақли кириб, баъзи нарсаларни ўйлайдиган бўлиб қолганди. Айниқса, отасининг кўп буйруқлари, юртга берган маслаҳатларидан сира қаноатланмасди. Лекин отасининг ҳузурига келадиган бийлар ҳам, баҳодирлар ҳам, туппа-тузук ақлли одамлар ҳам отаси нима деса «хўп, маъқул» деб кетаверганлари учун ё мен янглишяпманми, деб ўйларди. «Балки хон отам ақлли одамдир, у тутаётган йўлни мен тушунмаётгандирман», деб қаршилиқ қилгиси келган вақтларда ҳам индамай кўя қоларди. Қўнғиротликларнинг ёбиликларни чопишга тайёрлаган навкарларини кўриб, уларни гижгижлаб қайтган отасига нисбатан қалбида норозилик пайдо бўлиб, кечаси билан ухлолмай чиқди. Уруғларни уруштириш ит уриштириш эмас-ку. Уруғ бийлари бир ерга тўпланиб, хоннинг айтганларини муҳокама қилгудек бўлишса, хон уларнинг олдиларида нима деган одам бўлади? Ўт тушган буғдойзор қаттиқ шамол турса ҳар томонга тўзиб кетади, вассалом. Балки янглишаётгандир. Эсини танибдики, отасининг иши шу. Бошқалар тушунмайди, деб ўйлармикан? Нима бўлганда ҳам отаси. Айтиб кўриш керак.

Убайдулла султон ўрnidан ҳар кунгидан барвақт туриб, отасининг олдига саломга кирди. Ғойибхон сак-

совул чўғида исиниб, тарвуздай қорнини қирг-қирт қашиб, чой ичаётганди. Ўғлининг кўнгилсиз гап билан кириб келаётганини пайқаб:

— Тўхта, — деди ўғли бўсагадан ичкарига бир қаддам қўйиши билан. — Кўзларинг нега қизил? Ёмон туш кўрдингми? Ё яна қиз олгинг келиб қолдими? Тўхта, ростини айт!

Убайдулла султон довдираб қолди.

— Овга чиқайлик, демоқчи эдим.

— Ўтир!

Улар чошгоҳга яқин тўрт киши бўлиб овга отланишди.

Улар Янгикентнинг кунботаридаги қамишзордан чиқиб келаётган Давлатбой бийга дуч келишди. Йигирматача йигити билан аллақасдан от чопиб келаётган экан. Йигитларини навкарликка ўргатиб юрган бўлса керак, деб кўнглидан ўтказди Ғойибхон. Кўнглидан ўтган гапни ундан сўради.

— Яхши куннинг ёмони ҳам бор, хон ҳазрати олийлари, — деди Давлатбой бий қисқа қилиб.

— Яхши қиласан, Давлатбой бий, мангитларнинг сизларга қарши кўз олайтириб юришганини айтиб қўймоқчи эдим. Эҳтиёт бўлган яхши. Жалойирликлар ҳам хитойларни чайнамай ютиш ҳаракатида юришибди.

— Раҳмат, хон ҳазрати олийлари. Буни олдин ҳам айтган эдингиз, — деди Давлатбой бий.

Убайдулла султон бу икки одам бири хон, иккинчиси ундан хафа бўлган бий, лекин иккаласи ҳам ўпирилиб кетай деб турган жар ёқасида, етмаса ҳам бир-бирига қўл узатишиб туришибди, деб ўйлаб қўйди. Айниқса, хон турган жар тезроқ қулаб кетадиганга ўхшайди.

— Ота, кетайлик, — деди тоқати тоқ бўлиб султон.

Убайдулла султоннинг пешанаси тиришиб, бир кўнгилсизлик юз беришини сезганини Давлатбой бий фаҳмлади. У истехзо билан кулиб, писанда қилди.

— Султон, сўқирни етаклаш — кетидан келаётганларни адаштирамаслик учун яхши.

Бу гапни хон эшитмади. Убайдулла султон Давлатбой бийнинг гапига хафа бўлиш ўрнига миннатдорчилик билдирди.

— Биздан хафа бўлманг, бий.

Давлатбой бийларнинг қораси кўринмай кетгандан кейин Убайдулла султон отининг жиловини тортиб, отасидан сўради.

— Ота, сиз кеча кўнғиротликларга айтган гапингизни боя ёбиликларга ҳам айтувдингиз. Бугун хитойликларга ҳам шу тақлидда гап қилдингиз. Янглишмадингизми?

Ғойибхон кулди. Эски, вайрона уйдан вайронага ўтса қувонадиган бойўғли сингари шарақлаб кулди. Ҳавонинг совуқлигини ҳам унутиб, тожли тумоғини кўтариб чаккасини қашиб-қашиб кулди.

— Ғўрсан, ўғлим, жуда ғўрсан! — деди.

— Ёбиликлар жабр кўришса ҳам сизнинг олдингизга келишади, кўнғиротликлар жабр кўришса ҳам сизнинг олдингизга келишади. Ўргимчакнинг домига илинган чивиндай бўлиб қолманглар, деб кўрқаманда, ота.

— Нима дединг? Ўргимчак доми... Чивин!... Лаънати, кўрнамак! Сени онанг ёмон. Ҳозир тилингни кесиб ташлайми? Отдан туш, дарров кечирим сўра!

Убайдулла султон бир зум иккиланиб турди-да, отдан тушди. Бироқ кечирим сўрашга тили бормади. Одати бўйича мунғайиб тураверди.

— Бўлди, отингга мин, — деди хон. — Лекин билиб қўй. Ит боқиш осон эмас. Ҳам тўйдириш керак, ҳам уриштириб, қопағон қилиб қўйиш керак. Ит семирса, эгасини қопади.

— Ўзингиз итларни бекорга акиллайдиган қилма, дер эдингизку, ота.

— Бу гап овчи итларга, ўзимизнинг итларимизга тааллуқли. Билиб қўй, ўла-ўлгунингча ёдингда тут, одам ҳам бамисоли ит бўлади. Халққа бошчилик қилиш — бир пода ит боққандан ҳам қийин.

— Мен кета қолай, ота.

— Қаёққа?

— Кўнғиротликларни ниятидан қайтараман. Ёбиликларнинг овулига бораман.

— Нодон! — хон тупурди, шилқиллатиб бурнини тортди.

Йигитча кўнглига туғиб олган гап унга тинчлик бермади. Ўжарлиги тутди, отасининг гапи қулоғига чивин финғиллаганчалик ҳам кирмади. У отининг бошини орқага бурди. Ғойибхон унинг кетига бурилганини кўрган бўлса ҳам, кетиб қолишига ишонмай, йўлида кетаверди. Убайдулла султон аввалига аста-секин юрди, отасидан узоқлашган сайин, бояги фикр миясида ғувиллайверди. Убайдулла султон бирдан отига қамчи босди. Қамчи еб ўрганмаган бедов кийикдай сакраб

кўздан ғойиб бўлди. Ғойибхон ёнидаги икки чопари билан олдинга юришини ҳам, қайтишини ҳам билмай қолди.

* * *

Довул аста-секин пасайди, осмонни булут қоплади. Баъзан қуёш йилт этиб кўринадида, яна булут орасига кириб яширинади. Ҳозир ҳам бир зумда осмонни булут қоплаб, қор учқунлай бошлади. Лекин ҳавонинг ўзгариши кўнғирот отлиқларининг руҳига таъсир қила олмади, улар йўлдан қолишмади.

Мурод шайхнинг дарди ичида эди. Бўйин умуртқаси узилиб кетгудай бошини қуйи солиб кетаётганди. Ер тагидан Эсенгелдига қараб, бир нарса демоқчи бўларди-ю, яна қандайдир хаёлга бориб индамасди.

— Ёв!!!

Худди отларининг думларидан тортилгандай, ҳамма таққа тўхтади. Бу совуқ хабарни эшитиб, Мурод шайх ҳам бошини кўтарди. Қўлини пешанасига қўйди.

— Тоғ-ку! — деди.

Иккала сўз ҳам бир хилда эшитилди. Чиндан ҳам узоқда аста-аста сурилиб келаётган бир бўлак тоғ кўринди. Ҳамма ўшанга қаради. Гўё қабрлари устига ёғочлар қадалган мазор билан силжиб келаётганга ўхшайди. Шайх чидолмади.

— Ёв босиб келяпти, азизларим, ёв! — деб қичқирди.

Олдинма-кейин кетаётган юзлаб отлиқлар бир ерга тўпланишди.

— Йигитлар, — деди шайх қаддини ростлаб. — Ёв бостириб келаётганда гина-кудуратларни унутиб, бир ёқадан бош чиқаришимиз керак. Суюндиқ бий, Бойқўчқор бий, Қора баҳодир, Ойтувғон ясовул... — шайх барча бошлиқларнинг номларини бирма-бир тилга олди. — Бу келаётганлар ўтовнинг душмани. Бир оз сабр қилиб, орқага чекиниб туринглар.

— Жуда кўпчилик-ку!

— Шунчалик ҳам душман бўладими?

— Эй худо, ўзинг раҳнамо бўл!

— Улар билан бир ўзим беллашаман!

— Азаматларим! — деди Суюндиқ бий. Унинг йўғон овозини эшитиб, чавандозлар ғуж бўлишди. Суюндиқ бий одатига кўра узангига таяниб, қаддини ростлади. — Биродарлар, бепарво бўлдик, ғафлатда қолдик. Энди

бор кучимиз билан ўтов номусини сақлашимиз керак. Нима дейсизлар?!

Мурод шайх ишнинг шунчалик чаппасига айланиб кетишини ўйламаган эди. У қувончдан терисига сигмай кетса-да, уларнинг ниятига эътироз бўлмади. Умидвор бўлиб бўйнини чўзди.

— Бошланг, элимизни оёқости қилдириб қўймаймиз!

— Хиёнат қилиб ўлган йигит кўмилмасин!

— Азизларим, тез ҳаракат қиладиган фурсат келди. Эсенгелди болам, шерикларинг билан дарҳол изларингга қайтинглар. Элга, бутун элга хабар қилинглар. Танида жони бор одам ватанини ҳимоя қилишга чиқсин. Маман келгунча душманни қайтариб турайлик. Душман мушук бўлиб кўрингани билан аслида сичқон. Юртга бориб шундай де! Отингни бошини қўй, шунқорим, тез!

Мурод шайх чидолмай, жиловни қўлига олганига ҳеч ким эътибор ҳам бермади, қаршилиқ ҳам кўрсатмади.

— Отингни қўй, болам, отингни қўй, — деди Суюндиқ бий ҳам.

— Қани, йигитлар, ҳайданглар, пиримизнинг сўзи ерда қолмасин! — деди Эсенгелди. У йигитлари билан тўпдан ажралиб чиқди-да, тасир-тусур қилиб елиб кетди. Унинг эпчиллиги Мурод шайхга ёқди.

— Душманга дуч келсанг, аяма, кимни душман деб билсанг, калласини олиб кетавер! — деб қичқирди кетидан.

— Ўғлим, мен ҳам душман билан урушга кетдим! Рози бўл! Насиҳатларим ёдингда бўлсин. Урга чопсанг, эҳтиёт бўлиб чоп! — деб қичқирди кетидан отаси Бойқўчқор бий.

— Ҳой Бойқўчқор бий, ундай дема, ўғлинг ақли, ўзи тушунади, — деди шайх унга қараб. Эсенгелдилар эса бу орада анча узоқлашиб кетишган эди.

— Азиз йигитлар, эл-халқига фойдаси тегмаган азамат — эл кўнмаган чўл билан баробар. Вақт ганимат. Парвардигор ёр бўлсин! Юрт учун бўлган жангда ҳалок бўлиш — қаҳрамонлик, азизларим. Қани, отларингни ҳайданглар, ёвнинг олдидан кесиб чиқамиз!

Найза-яроқ билан қуролланиб, шай бўлиб турган отликларга дуч келамиз деб ўйламаган душман тўдаси тўхтади. Тумоғи қозондай келадиغان бир отлик олдинга чиқиб қичқирди:

— Ҳой, сизлар кимсизлар?

— Эл эгаларимиз, — деб жавоб берди шайх.

Душман отлиқларининг бошлиғи ёнидаги йигитга қараб:

— Анавини унини ўчириб қўй! — деди. Ўша заҳоти узун сопли найза шайхнинг тепасидан шув этиб ўтиб, ҳеч кимга зиён етказмай, ерга санчилди.

— Азизларим, такрорланглар: биз ҳеч кимга унимизни ўчиртириб қўймаймиз.

— Ўчиртириб қўймаймиз!

— Ўчиртириб қўймаймиз!

— Ўлсак ўламизки, таслим бўлмаймиз!

Шу орада Убайдулла султоннинг овози эшитилди:

— Суюндиқ бий, Бойкўчқор бий, ёбиликларнинг устига юришни тўхтатинглар! Тўхтатинглар!

— Қулоқ солманглар, азизларим! — деди шайх унинг нима демоқчилигини тушунмай.

Сабри тутаган ёв отлиқлари кўйни кўриб қолган қашқир галасидай ёпирилди. Ҳамма ёқ тўс-тўполон бўлиб кетди.

Нима бўлаётганини тушунолмай турган Убайдулла султон шайхни кўриб, олдига чопди:

— Шайх ота, қўнғиротликларда айб йўқ!

— Қўйсанг-чи, азизим. Душманни қир, кейин гап-лашамиз!

Убайдулла султон қўнғиротликларнинг ҳаракатини кўриб, ўшаларга қўшилди. Ёвга қарши от сурди, бироқ орадан сал вақт ўтар-ўтмас, икки оёғи узангида бўлса ҳам боши отнинг чотида кетаётгани кўриниб қолди. Убайдулла султонни қирга олиб қочган аргумоқни қўлдан чиқармаслик учун душманнинг сиртмоқ ушлаган уч отлиғи қийқириб, кетидан қувлаб кетди.

Бошқаларнинг улар билан иши бўлмади. Мурод шайхнинг юртга руҳ, куч бағишловчи овози эшитилди.

— Ҳовлиқманглар, азизларим. Буларнинг ҳаммаси ҳам ёв эмас! Ёв эмас! Тобин йигитлари билан кереяларга найза санчманглар!..

Кимни ким отдан қўлатаётганини билиб бўлмасди. Найзаларнинг учлари, қиличлар ялт-юлт қиларди. Қочаётган ҳам, қувлаётган ҳам «Худо, худо!» дерди. От туёқларидан отилаётган қор, тупроқ йиқилаётганларнинг бўрклари билан бирга ерга тўп-тўп этиб тўшарди.

Мурод шайхнинг қўлида ҳам найза пайдо бўлди. Улоққа ўрганган оқ оти қора терга ботиб кетибди.

Шайх ҳайқирарди, эҳтиёткорлик билан чошиб найза силтарди.

Душман кўп. Лекин уларнинг орасидан Мирзабек билан Седет керейнинг йигитлари найза силтамай, ўзларининг тўплари билан фақат шовқин-сурон кўтариб юришгани учун ҳисобсиз навкарга қарши юзтача отлиқ кечгача бардош бериб, душманни олға силжишга қўймади.

* * *

Беш отлиқни бошлаб, ёв босганини уруғларга тезроқ хабар қилиш учун кетаётган Эсенгелди от устида энтикиб йўлдошларидан сўради:

— Шайхнинг донолигига ишондиларингми энди?

— Ишондик. Ёв босишини олдиндан билиб юрган экан-да.

— Чиндан ҳам жуда доно одам!

— Донолигига шак келтириб бўлмайди, — деди Эсенгелди отининг сағрисиغا қамчи босиб. — Қовоқбош хон жуда ғаламис экан. Шайх уни бекорга «қўғирчоқ хон» деб айтмас экан. Хон бизни аллади. Ёмон аллади. Хўрлади. Нега орқада қоляпсизлар, чуқ денглар!

— То адашим ўлмагунча тинчлик бўлмайди, — деди Қора баҳодирнинг ўғли Ғойиб баҳодир. Эсенгелди гўё ақли ҳозир киргандай, отининг жиловини сал тортиб, қаради.

— Ғойиб, нима дединг?

— Ғойибхонни ўлдириш керак!

— Ҳов анави тепаликда итларини эргаштириб юрган отлиқ ўша эмасми? — деди йигитлардан бири.

— Ўша!

— Қани, кетдик! Ўлдирамиз. Бу ишимиз учун шайх бизни роса дуо қилади. Қаранглар, ўзлари уч киши экан. Сизлар шерикларига ташланинглар. Мен хонга найза ураман. Мени ўзи, мергансан, деб мақтаб юради. Мақтайдиган бўлса, биратўла мақтаб қўя қолсин.

Уларда бундай куч, бундай журъат қаердан пайдо бўлди, ўзларининг ҳам ақллари ҳайрон, бироқ буни ўйлашга ҳозир вақтлари ҳам йўқ эди. Уруғнинг олдига қўйган мақсадлари чаппасига айланиб кетганига, элни огоҳлантирмай ёв босганига фақат Ғойибхон айбдор, деб тушунган йигитлар, тўғри хонга қараб юришди. Ўғли сўзига кирмай кетиб қолганидан хафа бўлиб тур-

ган хон отликларни кўриб, шошиб қолди, бироқ Эсенгелдилар эканини билиб, ўзини босиб олди ва узоқдан ўшқирди:

— Ҳой, қўнғиротнинг кучуклари, мунча ҳовлиқмасаларинг?

Эсенгелди узоқдан пойлаб туриб, узун сопли найзасини хонга қараб улоқтирди. Найза хоннинг қулоқ-чаккасига қадалиб, отдан қулатди. Тили калимага келмай, қора қонига беланди. Эсенгелдининг йигитлари қочишга чоғланиб турган хон маҳрамларига қарчиғайдай ташланишди. Эсенгелди шу маҳалгача ҳам хоннинг афт-башарасини дуруст кўрмаган эди. Унинг ўлим олдида калта оёқ-қўлларини қимирлатгани демаса, айрон тўлатилган мешдан сира фарқи йўқ эди. Эсенгелдининг унга бўлган нафрати борган сари ошиб борарди. У хоннинг чаккасидаги найзани суғурди-да, қорнига санчди. Шумлик қилиб, ўзларига қазиб юрган чуқурга ўзи йиқилиши мумкинлигини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган хоннинг тарвуздай қорни пучайиб, оёқ-қўли тўрт тарафга ёзилди, от бостан бақадай ялпайди-қолди.

— Тирик қолмасин, ўлдиришлар!

У ёқ-бу ёғи ўйлаб кўрилмаган бу буйруқ ёшларни қутуртириб юборди. Олдиларида қум тўла қопдай чўзилиб ётган мурдаларни тепиб кўришди. Кейин имилламасдан яна отларига минишди-да, тасир-тусур қилиб жўнашди. Анча ергача кетларидан эргашиб югурган хоннинг итлари, узоқ чополмай, йўл-йўлакай чўнқайиб, ўтириб қолаверди.

13

Душманига сир олдирган элга худо ҳам тескари қаради. Қутурган довул кўз очирмайди, йўналишини ўзгартириб туради: гоҳ орқадан уради, гоҳ олдиндан, яна бирдан орқадан... Довул бечора одамларнинг бекитган томони қолиб, пана қилинмаган томонидан уради. Хуллас, айлангириб уряпти. Мисоли ёв. Ёв қўл келаётган қорли бўрон қаёқдан эсса ҳам, қандай эсса ҳам, овуллар устидан бир садони олиб ўтарди:

— Одамлар! Маман келади... Мисли кўрилмаган ёрдам олиб келади... Сабр қилишлар... Ёв мушук бўлиб кўрингани билан аслида сичқон...

Бу садони ҳар бир уруғ ўзича талқин қиларди. Давлатбой бий хитой уруғида телпак кийган ёш-қарини

отга миндирди. Юсуф бой табақлиларнинг қошиқ тута оладиганини оёққа турғазди. Эсим бий ҳам эркак зоти борки, ҳаммасини душманга қарши чиқарди. Кенагасликларнинг Нурали бийи овулини отлиқ айланиб, «ҳа-ҳа»лаб, йигитларини тўплади, уларни кетидан эргаштириб, ёвга қарши отланди. Ёбиларнинг тайёргарлик кўрган Избосар баҳодири яқинда тарқатиб юборган навкарларини бир кечада яна тўплади.

Бутун эл оёққа турди. Овуллардан овулларга, уйлардан уйларга, одамлардан одамларга етган катта умид садосиданми, ё бўлмаса, итларнинг бўри келганда ўз-ўзидан бирлашиб кетадиган одатлари одамларга ҳам хос бўлганиданми, ишқилиб, куни кеча бир-бирини кўролмай, ғажиб ташлашга тайёр турган одамлар бир зумда гина-кудуратни унутиб, душманга қарши кўксини қалқон қилиб чиқишди. Душман сиқуви олдида худонинг марҳамати — жала ҳам ҳеч гап бўлмай қолди. Бутун халқ ғазабга келди. Ким бел, ким болта, ким паншаха, ким чўқмор, ким таёқ кўтариб, ёвга қарши чиқди. Душман кўплиги, пухта ҳозирлик кўриб, яхши қурооланганидан уни қайтариш қийин бўлди. Энди бўрон ердан қор аралаш чанг эмас, қон сачратарди, овуллардан овулларга садо эмас, тутун ҳайдарди, тўда-тўда мол, фарёд урган аёл, бола-чақаларни ҳайдарди.

Яхши қурооланмаган халойиқ душман сиқувиға бардош беролмай, тарқалишди. Бироқ навкарликка тайёрланган отлиқлар кетларига қайтишмади. Бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, бир-бирларини мақтаб, урушни давом этдиришди... Уйлар ёнди, қишлоқлар ўт ичида қолди, бир-бирига туташиб кетган аланга қишнинг узоқ, қоронғи тунларида олис-олис ерларгача ёритиб, жангу жадал на кечаси, на кундузи тинди. Бир уруғ иккинчисидан хавфсираб, дон-дуни, асбоб-анжомини яшириб улгурган элнинг кампирлари, аёл-болалари душман отлари олдиға солиниб, найзаларининг учига илинганда ҳам азобларга чидашди, аммо ҳеч ким лафзидан қайтмади.

Босқинчилик давом этаверди.

Ағдар-тўнтар бўлиб кетган овуллар, тўп-тўп одамлар, қасир-қусур қилиб солишаётган отлиқлар орасини ёриб, Мурад шайх ҳам юрарди. Малла чопонининг этаги лоп-лоп қилиб, бошидаги салласини бир учи от думидай ҳилпираб, тинимсиз қичқирарди:

— Ватандошлар, кўрқманглар!.. Йиғлаётган бола овозига қулоқ солинглар... Йиғлаётган шўрлик қорақал-

поқнинг боласи. Ҳар бир очилмай сўлган гўдак учун, ҳар бир томчи кўёши учун душмандан ўч олинглар. Найза билан уринглар, отдан ағдаринглар, қараб турманглар, тош улоқтиринглар!..

Шайх отини қуюндай елдириб, душман ҳайдаб кетаётган молларни олдидан чиқди.

— Молларга найза санчинглар, душманга берманглар!..

Шайх айланиб ўтган ерда жанг кескинлашди. У одамлар бирлашганидан хурсанд бўлса ҳам, аммо халқ озлигидан пушаймон еб, пешанасига урарди.

Душман отлиқларининг бир тўдасини қувлаб келаётган Эсенгелдиларни кўриб: «Яшанглар, худо мадаккор бўлсин, болаларим, уринглар, аяманглар!» — деб биргалашиб душманни қувиб кетди. Душман отлиқлари ёниб турган кўҳна қишлоққа яқинлашиб, ёнгин орасидан ўтиб кетиш ниятида ўзларини ўтга уришди, аммо олдиларида эски ертўла бор экан, уч отлиқ кетма-кет умбалоқ ошиб кетди.

— Ҳа-ҳа-ҳа!..

Мурод шайхнинг кулгиси ёш йигитларни ғайратлантириб юборди. Эсенгелди қайтиб келиб:

— Ота, бир янгиликни айттайми? — деди.

— Айт, болам, қисқа қилиб айт.

— Қовоқбош хонни ўлдирдим.

— Нима дединг?

— Ғойибхонни ўлдирдим.

— Ишонмайман!

— Рост, шайх ота, рост! — деб шериклари Эсенгелдининг гапини тасдиқлашди.

— Чакки қилибсан, болам. Хонсиз эл — боши йўқ танадай гап. Биз бу ишларни ким учун қиляпмиз! Бош учун! Элнинг боши учун!

Ғазаби қайнаб юрган шайх нима деётганини билмай, пешанасига урди.

— Вой, кўрмаганининг авлоди, нега қаққайиб турибсан, йўқол кўзимдан, йўқол! Ёв ёқадан олиб турганда этакдан олган ит!

Шайхдан раҳмат эшитаман деб келган Эсенгелдининг юраги орқасига тортиб кетди, йўлдошларига қараб, «юринглар», деди.

Шайх ёлғиз туриб қолди.

Ерда ярадор бўлиб ётган Суюндиқ бийнинг Эсенгелдиларга қараб бақирган йўғон овози эшитилди.

— Йигитлар, олға! Юрт ор-номуси хавф остида турганда, менинг олдимда тўхтаманглар. Бир ўзим эл бўлолмайман. Қўлни совутманглар, олға! Кўп жабр-жафо чеккан халқим учун олға! Жангда мардларча ўлиш — жаннатий иш. Фақат мендан рози бўлсаларинг, бас. Шайхни кўрсаларинг айтинглар, мен янглишган эканман. Сизларни адаштирган ҳам мен. Эл бирлигини бузманглар! Шайх рози бўлсин! Ирискул хон..

Чарчаб турган шайх сағрисида тер томчилаётган отини қамчилаб, овоз келган томонга бурилди. Қўнғиротликларнинг Алиф Қорабой Қора баҳодири бошчилик қилаётган йигитлари шайхга парво қилмай, олдинда кетаётган ёв отлиқларни қувиб кетишди.

Ҳозиргина душман навкарлари тўпланиб турган ерда қадалган найзанинг сопи кўринди. Шайх ўша ерга борди. Оёқ-қўли сал-пал қимирлаётган Суюндиқ бийни кўрди. Унинг кўзлари юмуқ. Бий қайтиб қимирламади. Душман шошиб қолиб ё найзани суғуриб ололмаган, ё вужуди кичкина бий азобларга чидаган, кўкраги, бурнидан қон оқиб ётибди.

— Мурод шайх, йигитларингизни огоҳлантинг, жангни бўшаштиришмасин, душманнинг кучи анча камайиб қолди, — деди таниш овоз орқадан. Бу Айғара бийнинг иниси Мирзабек бийнинг овози эди. Уни кўриб шайх йиғлаб юбораёзди.

— Худо мартабангни улуғ қилсин! Худо қувват берсин сизларга!..

Мирзабек беш-олти отлиқ навкарини олиб, Қора баҳодирлар билан найзалашаётган душман отлиқлари орқасидан найза урди. Шайх буни кўриб хурсанд бўлди. Суюндиқ бийга санчилган найзани шартта суғуриб олди-да, бошқа томонга, Давлатбой бийнинг яйдоқ кўк бўзини қувиб кетаётган отлиқнинг кетидан от қўйди.

Ёвнинг кўпчилик навкарлари бу урушда ғалаба қилиш ниятида эмас, балки кўпроқ ўлжа тушириш илнжида эканлиги ҳаммага аён эди. Мирзабек бий айтганидай, душман отлиқлари чиндан ҳам сийраклашиб бораётганга ўхшарди. Мол, дон, майда-чуйда нарсаларни ўмарган душман навкарлари совуққа, эл қаршилигига чидолмай, зим ғойиб бўлаётган эди.

Мурод шайх бояги отлиқни энг ёвуз душман фаҳмлаб, кетидан қуваверди. У бўлса, орқасидан одам қувиб келаётганидан беҳабар, тагига битта кигизни бостириб олганича, тумоғининг қулоғини ҳилпиратиб ол-

ди-орқасига қарамай кетаётганди. Душман оти ҳам, Давлатбой бийнинг оти ҳам чарчаган эди. Оралари яқин қолди. Мурод шайх мўлжаллаб, душманга найза отди, найза нишонга тегди, баҳайбат отлиқнинг тумоғи учиб кетди, кейин ўзи ҳам нарироққа бориб гурс этиб йиқилди, найза сопининг қарс этиб сингани эшитилди. Давлатбой бийнинг оти юз берган воқеани тушунгандай, бирдан орқасига қайрилиб кишнади. «Ҳа, жонивор, жонивор», дея шайх отни етаклаб изига қайтди. Бир тепалик тагида агнаб ётган Давлатбой бийга дуч келди. Бий елкасидан қилич еган экан. Тишларини гижирлатиб ўрнидан турмоқчи бўларди-ю, яна муккасидан йиқиларди. Соқол-мўйлови тупроқ, малла тўни қонга бўялиб, қип-қизариб кетибди. Қўлларини ерга тираб, соқоли кўкрагига босилиб турган бий бошини кўтаролмаса ҳам ер остидан қараб шайх-ни таниди.

— Келдингизми, шайхим. Йиғламанг, ҳақимга дуо қилинг, тақсир. Эл бирлигини бузиб юрган киши қовоқбош Ғойибхон экан. Сал-пал ақлим етган эди-ю, то тагига етмагунимча сизларга айтмаган эдим. Ундан эҳтиёт бўлинглар. Бизнинг хитойлар қорақалпоқ ўтовининг бир мустаҳкам қаноти. Тирик қолсангиз, шунини авлодимга етказинг, тақсир. Маманга ҳам шундай денг...

Энг қадрдон кишиларининг ўлимини кўриш шайхга осон эмас эди. Упкаси тўлиб, Давлатбой бийга Ғойибхоннинг ўлдирилганини айтолмай қолди. Бий иягини кўкрагига тираганича, ёнбошига шилқ этиб тушди.

Ўлигини кўмишга, ҳатто юзини ёпиб қўйишга ҳам вақт йўқ эди. Шайх яна жангга кириб кетди.

* * *

Ҳамма ёқда аза. «Она», «ота»лаган, бирон жигарининг отини чақириб йиғлаган, дод-фарёд кўтарган овозлардан қулоқ қоматга келарди. Бу қайғули овозларга молларнинг маъраши, қўй-қўзиларнинг «ба»лаши, йилқиларнинг кишнани, туяларнинг бўзлаши қўшилиб, уни яна ҳам даҳшатлироқ қилиб юборганди. Бунинг устига, қорли бўрон ҳам увилларди. Совуқдан оёқ-қўли ёрилган, қонталаш югуриб юрган болалар билан ерда сулайиб йиқилган қари-қартангларнинг оҳ-фарёдлари Сирдарё ёқаларида ер-кўкни ларзага кел-

тирса ҳам, ҳеч ёққа эшитилмасди. Дов-дарахтлар ўсган ерида қулади, махлуқлар туғилган, ёйилган ерларида ер тишлади...

Дод-фарёд тўхтамади. Ёв сийраклашган ерларда отликларнинг одамларга таскин бериб қичқирган овозлари эшитиларди:

— Баракалла, жабрдийдалар, яна бир оз чиданглар. Маман қайтиб келибди, деган хабар бор. Душман ҳам сийраклашиб қолди.

Урушнинг биринчи кунидан бошлаб тиним билмаган ёби уруғининг йигитлари Избосар баҳодир бошчилигида ёв билан қаттиқ олишди. Қўнғирот овулларида бўлган қаттиқ жангларда уларнинг кўплари ҳалок бўлишди, бироқ бўш келишмади.

— Қўнғирот фарзандлари кўзидан чиққан ёш — юрак қонимизнинг томчисидир!

Бундай юрак сўзларини кутмаган қўнғирот уруғининг ҳар бир одами қорақалпоқча гапирган отлиқни кўрса, олқишларди, ҳар бирига узоқ умр, ғайрат тилаб чувиллашарди, аллакимларнинг номини тилга олиб, қарғашарди.

Жанг ёби уруғининг устига кўчди. Овул орқасидаги тоғдан ёпирилиб келаётган душман ҳеч нарсани аямасдан, оёқости қилиб кетаётганди. Қибла томондаги ёлғиз туп эманнинг тагида ҳам ҳисобсиз отлиқлар кўринди. Улар иккига бўлиниб, бир томондагилари қочиб, иккинчи томондагиларни қувиб уришарди. Избосар баҳодирнинг навкарлари отлиқлар билан қиличбозлик, найзабозлик қиларди. Душманнинг бир тўда отлиғи бирдан орқага қочди. Уларнинг чекинганини кўриб, бошқа отлиқлар ҳам чекина бошлашди. Избосар баҳодир аввал қочган оқ отлиқнинг орқасидан қувлаб бориб, найза билан қулатди.

Қочаётганлар Седет керейнинг йигитлари эди. Улар атайлаб орқага чекиниб, Абулхайрхоннинг содиқ навкарларига зарба бермоқчи эдилар. Қибла томонда жанг қилаётганлар орасидан чиқиб келаётган Мурод шайх керей йигитларини таниб, жонҳолатда: «Избосар, кўзингни оч» деб қичқирди. Бироқ огоҳлантиришнинг фойдаси бўлмади, вақт ўтган эди. Избосар баҳодирнинг бегуноҳ, жўртгага қочиб кетаётган одамга найза урганини узоқдан кўриб қолган керей отлиқлари ғазабланишди. Ёпирилиб келишиб, Избосар баҳодирга ҳар томондан найза санчиб, осмонга кўтаришди. Ўндан ортиқ найза учида билтанглаётган

Избосар баҳодир жон аччиғида, «Йигитлар, йигитлар!» деб қичқирарди.

Уруш яна қизиб кетди. Энди дўстни ҳам, душманни ҳам ажратиб бўлмасди. Ким кимни найзалаётганини ҳеч ким билмасди.

Иккала тараф ҳам бир-бирининг гапига қулоқ солмади, урди, қирди, отдан йиқитди, бўйнига чилвир солиб судради...

Душман босиб келаётганди. Қорақалпоқлар орқага чекинишди. Қонга бўялган баҳодирни кўриб, Омонлиқ отдан тушди, яқиндаги чайлага олиб кириб ётқизди. Чайла ҳам омонат эди, на эшиги на туйнути бор. Избосар баҳодир ҳадеб: «Бор, Омонлиқ, жанга бор, ёбилар қиличининг кучини кўрсатиб қўй. Ўразан ботирнинг қиличи бекор турмасин, бор!» дерди. Омонлиқ чидаёлмади, баҳодирни ёлғиз ташлаб кетишга кўзи қиймади. Ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Бора қол, Омонлиқ. Агар мени ҳурмат қилсанг, бор! Ўразан ботирнинг ҳурмати учун бор. Шайхнинг айтганини қилинглар, ўл деса, ўлинглар! Маман бийга айт, мен ёлғиз ёбининггина эмас, бутун қорақалпоқ халқининг фарзанди бўлиб жон беряпман.

Омонлиқ ирғиб отига минди-да, ёлғиз эман тагида бир-бири билан олишаётган тўда томонга чошиб кетди.

Қочиб юрган бир душман навқари Избосар баҳодирни овозидан таниб, югуриб келди-да, чайлани тепиб йиқитди.

Тепасига душман келганини пайқаган баҳодир бор кучини тўплаб ёвга ҳамла қилиш ниятида устунга осилган эди, ҳоли келмай, шилқ этиб йиқилди. Отлиқ душман хахолаб кулди.

— Баҳодир, бу чайла кимники?

— Ўзимизники, — деди Избосар баҳодир ҳолдан тойиб қолган бўлса ҳам сир бой бергиси келмай.

— Ҳой, баҳодир, мен сени танийман. Битта тепкига чидамаган чайлани уйим бор деб юрибсанми?

— Кулма, одамни хўрлама. Йиғлаганингда сенинг ҳам оғзинг қийшаяди! — деди баҳодир.

Избосар баҳодир шундай деди-ю, ҳолдан кетиб кўзлари тинди, кейин нима бўлганини билмади. Ким билан гаплашиб, кимга сир айтаётганини ҳам фаҳмламади...

«Агар ўлишимни билганимда, шу чайлага ҳам бекорга меҳнат қилмасдим... Йўқ, йўқ... Одамлар, бу дунёда уруш-жанжалнинг кераги йўқ! Барибир ўласан... Бу

дунёнинг лаззати йўқ... Шунинг учун бир кун яшасанг ҳам лаззат изла, урма, ўлдирма, олма... берма... Сен бировни ўлдирсанг, биров сени... Бу дунё — бебақо дунё...»

Унинг нафаси шу тариқа сўнди. Душман отлиги Избосар баҳодирни ақл-хушдан айрилиб, тизгинни қўлдан беради, деб ўйламаган эди. Чунки уруш бошлангандан бери у билан кўп юзлашиб, бўш келмаганини, руҳи тушмаганини, куч-қудратини кўрган эди. Шундай баҳодирнинг бу дунёдан кўз юмаётган чоғида алаҳдаб гапирган гаплари унга қаттиқ таъсир қилди. Боши эгилиб, тумоғи кўзига тушди. Беихтиёр такрорлади: «Йўқ, йўқ, одамлар, бу дунёда уруш-жанжалнинг кераги йўқ. Бу дунёнинг лаззати йўқ. Бари бир ўласан!.. Сен бировни ўлдирсанг, бошқаси сени ўлдиради...»

У шундай хаёл билан овулдан чиқай деб қолганди. Орқасига ўгирилди, аёл кишини олдига ўнгариб, чолиб келаётган отлиққа кўзи тушди. Аёл ҳалеб ялинарди.

— Оғажон, мени ташлаб кетинг. Мен аёлман. Сизга керак эмасман. Мени жуфтимдан айирманг...

Избосар баҳодирнинг гапини такрорлаб келаётган навкар унинг қозоқ қизи эканлигини билиб, хушига келди, кетидан қувлаб етиб, отлиқни найза билан қулатдида, қизни ерга туширди.

— Нима қилиб юрибсан бу ёқларда?

Бу Оқбийдай эди. У индамади. Шу орада аввалги отлиқнинг шериги етиб келиб Оқбийдайни қутқарган отлиқнинг бошига уриб сулайтирди-да, қизни олдига ўнгариб, олиб қочди. «Бари бир ўласан. Сен мени ўлдирсанг, биров сени...» деди бошига гурзи еб қулаган душман навқари. Қозоқ қизининг зорли ноласини эшитиб унинг юрак-бағри қон бўлиб кетди:

Қарағай бўлса қамчинимнинг дастаси синмасмиди?

Мен йигит бўлсам сира ёвларга бош эгмасмидим?

Не гуноҳим бор эди қиз яратдинг, эй худо,

Мен йигит бўлсам элимга ёрдамим тегмасмиди?

Оқбийдайнинг овози бора-бора эшитилмай қолди. Унинг овози бошқа қайғули овоз билан алмашинди.

— Ёвузларнинг дастидан дод! Одамлар, янгамни олиб қочишди, ёрдам беринглар!..

Бу фарёд уриб келаётган Олмагул эди. Унинг яланг оёқлари қорни ҳам, тошни ҳам, тиканни ҳам сезмасди, икки товонидан қон оқиб, онасини қашқир олиб қоч-

ган кўзидай бўзлаб келарди. Орқаси билан битта қора сочлари ёйилиб, кўзларини ёш қоплаганидан ҳар қандамда бир қоқилиб, йиғлаб келарди.

Қор устида юмалаб ётган навқар юраги гурс-гурс уриб: «Эҳ, адолатсиз дунё!..» деди афсусланиб. У зор қақшаб йиғлаб келаётган қизнинг олдидан чиқмоқчи бўлиб ўмганини кўтарди, аммо қаддини тиклолмай, юзтубан йиқилди...

* * *

Эсенгелдининг бир одати — бировдан эшитган яхши гапини ҳам, ёмон гапини ҳам сира эсидан чиқармай, ичида қайта-қайта такрорлаб, маъносини чаққунча бош қотириб юраверарди. Бу одатни унга отаси ўргатган, Мурод шайхнинг қўлида тарбияланиб юрганида эса қулоғига қуйиб олган.

— Сенга айтилган гапга сира бепарқ қарама, яхшилаб ўйлаб, ақл тарозисида торт, маъзини чақ, пахтага ўраб отилган тош бўлмасин тагин!

Шундай оқилона маслаҳат бериб юрган Мурод шайхнинг: «Йўқол... Душман ёқадан олиб турган пайтда этакка ёпишган ит...», деб койиб бергани Ғойибхонни ўлдирганим учун яхши гап эшитаман деб хаёл қилган Эсенгелдига қаттиқ ботди. Аъзойи бадани ловиллаб ёниб кетгандай бўлди. Эсенгелдининг авзойини тушунган жўралари оловга мой сепмаслик мақсадида ҳеч нима дейишмади, қайси томонга бошласа кетаверишди.

Хафа бўлиб, фигони фалакка чиққан Эсенгелди отаси Бойқўчқор бийни излаб кетди. Отаси насиҳат қилиб, рози-ризалик тилашиб қолган эди. Бу тўс-тўполон, қиличвозлик, найзавозликларда соғ-саломат юрган бўлса яхши-я, агар борди-ю, бир кор-ҳол юз берган бўлсами, душман эмас, пирининг ҳам ёқасидан олиб, Мурод шайхнинг этагига осилгани-осилган. Бу дунёда яшашнинг кераги бўлгани билан, иложи топилмай қолади.

Эсенгелди отасини уч кун излади. Ўзини Мурод шайхдан олиб қочиб юриб излади. Шу юришида қанчадан-қанча найзалашаётган отличларни бир-биридан ажратиб, қанчадан-қанча одамни ўлимдан қутқариб қолди. Унга Юсуф бийнинг хатти-ҳаракати ёқиб қолди. Овозидан, от устида ўтиришидан танимаса таниш қийин эди. Душман навкарларидан бирини йиқитиб, кийимларини кийиб олибди. Шунинг учун ҳам душман

отлиқларининг орасига бемалол кириб, бир барзанги отлиқнинг бўйнига чилвир ташлаб, судраб кетди. Оти ҳам чопқир, эпчил экан, кетидан қувган душман отлиқлари бир баланд тепалик ёки чуқурлик олдига келганда ҳаммасини алдаб, бирдан кетига қайтди, душман отлиқлари ё чуқурликка қулайди ё қоқилиб, бир-бирининг устига умбалоқ ошади. Эсенгелдилар Юсуф бийнинг хатти-ҳаракатига қизиқишиб, куни билан кетидан юришди.

— Ё табақалиларнинг пири! — деб қичқиради-ю, бир зумда кўздан ғойиб бўлиб, яна бир тўда душман отлиқларининг тумшуғи тагида пайдо бўлиб қолади. Мана энди қўлга тушди деганинда кетидан тушганларнинг тўс-тўполонини чиқаради-да, пешонасининг терини артиб чиқиб келаверади.

— Озчиликнинг ҳийласи шунақа бўлади, — дейди кулиб Эсенгелдиларга.

Юсуф бийнинг жасорати, эпчилиги Эсенгелдиларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Улар ҳам Юсуф бий сингари ҳаракат қилишмоқчи бўлишган эди, удалай олишмади. Ўзларига ўхшаб, отлари ҳам чаққон бўлиши керак экан. Аввалдан тайёрланмаганлари учун битта йигитидан ажралди. Яна олдинга қараб кетди.

Бир ерда улар ҳайрон бўлиб тўхтаб қолишди. Қарашса, бир тўда пиёда эгасиз ўтовларга кириб, енгилепи кўрпа-тўшакларни кучоқлаб, қочиб кетишяпти.

— Уни қаранглар, юртимизни шилиб кетишмоқчи экан. Энди пиёдалари келишибди, — деди Эсенгелди жўраларига. Бироқ пиёдалар унчалик кўп эмас эди. Ҳар қайсисига олти-еттитадан тўғри келса ҳам, бўш келмаслигига ишонган йигитлар уларнинг устларига от қўйишди. Пиёдалар қочиб, қўралар, ўтовларнинг панасига яширина бошлашди. Ўлган отнинг хом гўштини бўлиб, орқалаб кетаётган уч пиёда яширинолмай қолди. Алиф Қорабой Қора баҳодирнинг ўғли Ғойиб баҳодир орқаларидан етиб бориб:

— Ташланглар! — деб қичқирди.

Уч йигит, гангиб қолиб, орқаларидаги гўштни ерга ташлашди.

— Ие, сен Бекмурод етиммасмисан?

Бекмурод индамади. Ўз одамлари эканликларини билган қочоқлар бир-бирини чақириб қўра, ўтовлар орқасидан чиқиб келишди. Душман қувлаб, эгасиз, қаровсиз қолган овулларда яшириниб ётган каламушлардай ҳамма ёқни изғиб, кўрпа-тўшак жамлаб, яра-

ланган молларни сўйиб еб юрган бу ўғри пиёдалар Кўнглимжойлар эди. Болаларнинг юзларига қон югуриб, туппа-тузук бўлиб қолишибди. Оёқ-қўллари чаққон, эпчил.

— Булар душман эмас, Эсенгелдилар-ку, — деди Кўнглимжой ҳадиксираб турган болаларга. — Юринглар. Балки булар ҳам қорниларини тўйғазиб олишмоқчидир. Эсенгелди, ўтовга киринглар... Гўштнинг ҳисоби йўқ. Ҳа, рост. Ишонмаяпсизларми? Саситиб қўймасак, келаси қишга ҳам етади. Кўмиб ташляпмиз.

— Ўзларинг кимсизлар? — деди Эсенгелди.

— Танимаяпти, — деди Кўнглимжой бошини чайқаб, кулиб. — Семириб кетибмизми? Ё этик кийиб олганимизга танимай турибсизларми? — дея у чарм этиклик оёғини кўтарди. — Ҳар қайсимизда иккита-учтадан этигимиз бор. Ким ўлса, этиги бизники.

— Ким ўлса?

— Нима аҳамияти бор? Жирканмайдиган одамнинг кийими бўлса бўлди-да.

— Душман бўлса ҳам-а?

Кўнглимжой кўнглидаги гапни айтиб қўя қолди.

— Бизга бари бир.

— Вой лаънати-ей, — деб Эсенгелди Кўнглимжойнинг устига от солди, устма-уст қамчилади. Болалар тум-гарақай қочишди. Йигитлар кетларидан қувлашиб, қувиб етганларини қамчи билан роса савалашди.

Ортиқ улар билан гаплашиб ўтиришмади.

— Булардан юртга сира фойда йўқ, — деди Эсенгелди отлиқ жўралари яна бир ерга тўпланиб, йўлга тушишгандан кейин.

Етимлар бундан ортиқ нима қила олишарди? Улар юрт йигити ҳисобланишмаса, ҳеч ким ҳолинг нима кечяпти, деб сўрамаса, улар кимни кўриқлашади? Қандай кўриқлашади? Нима учун кўриқлашади? — деган савол ҳеч қайсисининг хаёлига келмасди.

— Гўрсўхта дегани шулар бўлса керак-да, — деб қўйди Ғойиб.

Улар овул оралаб чопиб кетишди. Отлиқлар кўринмаса, қайрилишмади. Чунки ўтовлари хонавайрон бўлиб, кўчала сарсон-саргардон бўлиб қолган қари-қартанг кампирларни кўриш оғир эди. Ҳар қанча бағри-тош инсон ҳам ўз одамларини шу аҳволда кўргандан кейин қайрилиб қараши, кўнглини кўтариб бирон нарса дейиши, ё бўлмаса, юкини кўтаришиб, бир ердан иккинчи ерга кўчириб қўйиши лозим эди.

Кўнғиротнинг бир тўда отлиқлари Кенагас овулининг ичида уришиб юрганда топиб келган Эсенгелди отасини узоқдан таниди. Мовут чопони оппоқ қорга беланиб, кўнғир қашқасининг устида энгашиб, бир душман отлиғи билан тақимлашиб кетаётган экан. Эсенгелди отига қамчи босди. Бойқўчқор бийнинг орқасидан ёрдам келаётганини сезган рақиб уни қўйиб юборди. Бундай бўлишини кутмаган Бойқўчқор бий от устидан худди қалпоқдай учиб кетди. Кўнғир қашқа қочди. Эсенгелди отга ҳам, душманга ҳам қарамади. Отасининг тепасига бориб, ирғиб отдан тушди. Бойқўчқор бийнинг тагига атайин тўшалгандай, туркмани бир гилам ётибди. Ранги кўзни олади. Қип-қизил гуллик катта гилам. Эсенгелди отасининг бояги душман билан бекорга олишмаганини тушунди. Энгашиб, отасининг юзига тикилди. Отасининг жағи тушиб кетибди. Пастки жағи қулоғининг тагига бориб қолибди.

— Ёрдам берингла! — деб қичқирди Эсенгелди.

Уч-тўрт отлиқ етиб келди. Ойтувғон ясовул отидан ирғиб тушиб, Бойқўчқор бийнинг бошини тиззасига олди. Икки қўли билан бийнинг чакагини қисиб, «устидан ур», деди Эсенгелдига. Эсенгелди яхшилаб уролмади. Ойтувғон ясовулнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ҳа, ношуд! Кўш қўллаб урмайсанми! Қоч, нари тур! Қани, сен ур-чи, — деб у от устида ўтирган бир йигитни чақирди. Жондўс бийнинг ўғли Султонгелди отдан тушди. У Ойтувғон ясовул айтгандай, қаддини ростлаб, мўлжаллаб туриб бир мушт туширди.

Бийнинг бир тишлам нондай тили узилиб, бир одим нарига тушди, оғзидан қоп-қора қон оқди, аммо жағи жойига тушди. Эсенгелди отасининг жағи ўрнига тушганидан қувонибми ёки эси оғиб қолганиданми, тупроққа беланган қип-қизил тилни қўлига олди.

Бойқўчқор бий алланималар деб гўлдиради, кейин оёқ-қўлини чўзиб узилди. Эсенгелди чидолмай, бир Ойтувғон ясовулга, бир Султонгелдига қаради.

— Оллонинг иродаси, — деди Ойтувғон ясовул кўзларига ёш олиб. — Ҳар иш худонинг амри билан бўлади. Раҳматлик отангнинг сенга айтадиган гаплари бор эди. Ўша гапларни айтолмай қолганга афсусланди чамамда.

— Нима деган эди?! — деб сўради алам билан Эсенгелди.

— Бечора зийрак одам эди. Шундай бўлишига ақли етган экан. Фурсатини топса мени чақириб, «тирик қолсанг, ўғлимга айт», деб тайинлаган эди.

— Кўп йиғламсирамай гапирсангиз-чи, ясовул!

— Раҳматликнинг жони жаннатда бўлсин. Жуда ақлли одам эди. Ҳамиша эртани ўйларди. Барча кўнғиротликларнинг ҳақиқий жонкуяри эди. Чинори эди. Худо ўзи қайиштирди уни. Энди, Эсенгелди болам, отангнинг васиятига содиқ бўл. Бутун кўнғиротликларга содиқ бўл.

Ўртада чўзилиб ётган ўликнинг ҳурмати учун ўзларини тутишди, бўлмаса бир Эсенгелди эмас, бошқаларнинг ҳам ичлари пишиб, эзмаланаётган ясовулнинг башарасига тарсаки қўйишдан тойишмасди. Ойтувгон ясовул гапнинг пўсткалласини айтиб қўя қолмай яна Бойкўчқор бийни таърифлаб кетди.

— Ҳақиқий кўнғирот эди. Содиқ эди. Суюндиқ бийнинг ўлганини эшитиб, барча кўнғиротликларнинг тизгинини қўлига олувди. Душманга бўш келмайдиган мард эди. Манави гиламни душман қўлида кўрди-ю, чидаб туrolмади. Бундай қимматбаҳо нарсани кўрабила туриб, душманга бериб юбориш одамгарчиликдан эмас, деди. Жуда ақлли одам эди. Кўнғирот қорақалпоқнинг катта уруғи, ҳаммасига бош бўлиши керак, дер эди. Мурод шайхнинг ўтов ҳақидаги гапидан кейин, кўнғирот шу ўтовнинг ҳам тўри, ҳам суюнчиғи, дегувчи эди.

Эсенгелдининг кўзларидан ёш оқиб кетди. Қонга бўялиб ётган гиламнинг бир четини отасининг юзига ёпди.

— Эсенгелди чироғим, кулоқ сол. Фойибхонни ўлдирганингни эшитиб, бармоғини тишлаб қолди. Энди ҳар кимнинг гапига кириб, осмонга тупурмасин, деди. Осмонга тупурса, бетига қайтиб тушади, деди. Энди эл бузилди, элнинг боши йўқ. Қарқара ҳам кўлнинг файзи кетмасидан бурунроқ учиб кетади, энди кўчайлик, деди. Юртимиз — ҳозир файзи кетган кўлга ўхшаб қолди, элни бошлаб кўчсин, деди. Маманнинг келишини кутмасин, деди. Кўчмаса қирилади, ёбилар қириб ташлайди, деди.

— Қаёққа кўчамиз?

— Бий доно эди. Қаёққа кўчишни ҳам айтди. Сирдарёнинг юқори оқимида жунғорлар бор, қуйи оқимида кўчса, ёбиларнинг Маманига ёрдам берадиган орқадоллари бор, орқага кўчса, Абулхайр бор. Қиблага кўчсин, деди. Хоразмнинг ичкарасига қараб кўчсин, деди. Бу ғавғонинг охири нима билан тугар экан, деб ўтирмасин, деди. Ўзи бош бўлиб кўчмоқчи эди, мана энди...

— Ўзингиз бунга нима дейсиз, ясовул?

— Кўчайлик: Абулхайрнинг одамлари ҳаммамизни қириб ташламасидан бурунроқ кўчайлик.

— Кўчайлик, — деди Эсенгелди.

Қора баҳодирнинг ўғли Ғойибдан бўлак ҳаммалари бир оғиздан «кўчайлик», «бугундан бошлаб кўчайлик», дейишди.

Шундан кейин улар узоқ туришмади. Бойкўчқор бийни гиламга ўраб, ётган ерига кўмиб, худди ўлик этакларидан тортиб қоладигандай, шошилишч отларига минишди. Ён-верларида нима бўлаётганига ҳам қарамай, тизилишиб, овулга қараб йўл олишди. Йўлда учраган одамларга доврўқ солиб кетаверишди.

— Бу ерлардан кўчамиз, тирикларингда кўчинглар!

Улардан ажралиб қолган Ғойиб баҳодир бу хабарни отасига етказиб, маслаҳатлашиш учун тепалик орқасида давом этаётган жанг майдонига қараб кетди.

* * *

Совуқ хуружга минган сайин Абулхайр навкарларининг ҳам тинкаси қуриб, мол-дунё орттирганлари овулларига қайта бошлади.

Айғара бий қаттиқ огоҳлантириб юборган тобин уруғи йигитлари ваъдани бузишмади. Улар қорақалпоқларга ёрдам бериш ҳаракатида эди. Ҳозир улар мол ҳайдаб кетаётганларнинг олдиларидан тўсиб чиқиб, молларни олиб қолишади. Керейнинг йигитлари бир оз ваъдани бузишди. Избосар баҳодирнинг қилмишидан кейин бир оз аччиғланишган бўлса ҳам, кейин яна дўстлашиб кетишди. Яна қадимгидай бир-бирлари билан апоқ-чапоқ эди. Бугун Мирзабек бий билан Седет керей учрашиб қолишди. Абулхайрнинг бошқа навкарларига билдирмай бир ният билан келган икки уруғнинг лашкарбошилари от устида саломлашиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашди.

— Мирзабек, йигитларингдан хато бўлмадимми?

— Хато бўлганлар бор. Қариндош қорақалпоқ ерини, элини деб ўн беш лочиним учолмай қолди.

— Бизнинг йигитлардан йигирматаси нобуд бўлди.

Шу савол-жавобдан кейин иккаласи ҳам чуқур нафас олиб, бир зум жим қолишди.

— Хафа бўлма, Седет. Энди бу бечораларнинг молларига тегишмаса бас.

— Бир тўда йигитларнинг «кўчамиз», «кўчайлик», деб қичқириб кетишаётганини эшитиб қолдим.

— Бечоралар нима қилишсин. Қийин. Жуда қийин уларга. Абулхайрхон кўз олайтирадиган бўлса, биз ҳам кўчамиз.

— Анави молларни ҳайдаб кетаётганлар ким? — деб Седет керей қирқ-элликка яқин молни ҳайдаб кетаётган отлиқларни қамчиси билан кўрсатди. Кечаси билан қор ёғиб, эрталаб қуёш чарақлаб кетгани учун, узоқни кўриш қийин эди. Мирзабек қўлини пешонасига тутди.

— Йигитлар, сизлар ҳам қаранглар, кимлар экан? Эҳ, йигитлар, бизнинг Айғара бийимизнинг бир гапи бор. Камбағалнинг кийимини йиртиш — ургандан ёмон. Шу томонига эҳтиёт бўлиш лозим. Бу овулларда ҳеч вақо қолмади. Танидиларингми, кимлар экан? Жағалбойлининг отлиқларига ўхшайди. Қани, ҳайданглар!

Пинагини бузмай, молларни ҳайдаб кетаётганларнинг орқаларидан етиб боришди.

— Орқага қайтинглар, молларни қайтаринглар!

Мирзабекнинг ғазабли буйруғи мол ҳайдаб кетаётганларни таққа тўхташга мажбур қилди.

— Бўлишамиз, — деди йигитлардан бири.

Седет керей танийдиган бир йигит шеригининг қулоғига алланима деб шивирлаган эди, жўраларига қарамай қочиб қолишди. Уларнинг кетларидан бошқалари ҳам тумтарақай қочишди.

— Кўрқоқлар! — деб Мирзабек хахолаб кулиб юборди. Ҳаммалари кулишди. Мирзабекнинг уч-тўрт отлиғи молларнинг олдидан чиқиб, қайириб келишди.

Уларни кўриб, Ойтувғон ясовулларнинг кайфи учи кетди. Улар олдинда кетаётган Мирзабекларни душман деб ўйлаб, киши билмас жўнаб қолмоқчи эди, Мирзабек чақирди.

— Орқага қайтинглар, молларингни олиб кетинглар!

— Тобиннинг йигитлари-ку. Қудаларимиз-ку, — деб шивирлади Ойтувғон ясовул. — Эсенгелди, ҳали бундан баттарига дуч келармиз. Бу молларни мен ҳайдаб кета турай. Лозим топсанг, менга ҳам берарсан, хоҳламанг ҳаммаси сеники.

— Биз ҳам шерикмиз, — деб кўйди Султонгелди.

— Ҳайда, — деди Эсенгелди қисқа қилиб. Ойтувғон ясовул ёш бийдан буйруқ олиши билан молларни қибла томонга ҳайдаб, юлғунзорга кириб кетди.

Эсенгелдилар тўхтаб Мирзабекларга миннатдорчилик билдиришди, кейин яна йўлларида давом этишди.

Мурод шайхга аллаким Ҳелветдан кичик икки ўғли душман қўлида ҳалок бўлганини хабар қилди.

— Оҳ! — деб чуқур хўрсинди шайх. Тиззалари титраб, тинкаси қуриди. Икки букилиб, аранг уйга етиб келди. Ёв отлиқлари ўтови атрофида гизгизлашиб, ўтов ичига зиён етказолмабди. Аммо икки дилбандининг бўйнига чилвир боғлаб судратиб, ўликларини ўтовининг ёнига ташлаб кетишибди. Хотини ўғилларининг жасади тепасида йиғлаб ўтирарди. Шайхнинг кенг пешонаси тиришиб кетди.

— Ўтовдан чиқишмаганда, бу кўргилик йўқ эди, — деди хотини. Шайх индамади. Ўтовига суюниб, икки муштини чаккасига тираганича букчайиб ўтириб қолди. Салласи эри билан уришган хотиннинг рўмолидай, бир томонга оғиб кетганди. Қимирламайди. Нафас олгани билинмайди. Шу пайт эшик олдига бир отлиқ келиб тўхтади. Ҳаракати ножўя кўринади. У шайхнинг ўтиришини кўриб, отидан тушган ерида ҳайрон бўлиб туриб қолди. Тили калимага келмади. Шайх унинг келганини пайқаган бўлса ҳам, бошини кўтармади. Ҳозир ёв келиб, бошини олиб кетса ҳам қимирламайдиганга ўхшарди, келган одам чидолмади.

— Улуғ шайхимиз, улуғ шайхимиз...

— Гапиравер, — деди шайх бошини кўтармай.

— Шайх ҳазратлари, эл кўчяпти. Қўнғиротликларнинг кўчи йўлга чиқди.

Шайх бошини кўтармади. Индамади ҳам. Юракбагри эзилиб ўтирган одам учун бу хабар унчалик оғир туюлмадими, ё юртга келган аза дедими, индамади. Келган одам бир жойда қоққан қозикдай турди-турди-да, тоқат қилолмай, яна бояги гапини такрорлади.

— Шайх ҳазратлари, юрт кўчяпти. Қўнғиротликларнинг кўчи йўлга чиқди.

— Ҳелвет борми?

— Кўрмадим, тақсир.

Шайх қаттиқ хўрсинди. Ёнида турган қумғонни кўтариб, муздай сувдан симирди. Куннинг совуқлигига қарамай, пешонасидан мунчоқ-мунчоқ тер оқиб, ўрнидан турди.

— Аввало, бахтиқаро отимни олиб кел! Ҳой, кампир, сен болаларнинг юзини ёп. Ўрнингдан тур. Юртга келган азани бир ўзинг гарданингга олиб, ҳа-

деб йиғлайверма. Ундан кўра, буларни кўмиш чорасини қил, — деди шайх ва оёқларини зўр-базўр судраб босиб, оти томон юрди. Хабарчининг ёрдами билан бир амаллаб отига минди. Бор аламини оқ отдан олмоқчи бўлгандай, жон-жаҳди билан унга қамчи босди. Қамчи еб ўрганмаган жонивор қулоқларини динг қилиб, елиб кетди.

Кўнғирот уруғи кўчибди. Биров эшакда, биров хўкизда, биров сигирда, биров пиёда юкни орқалаб боряпти. Болаларни етаклаганлар ҳассаларига таянишиб, тугунча кўтарган букри кампирлар, қари-қартанглар йўлга сизмай тўзиб кетишяпти. Ҳамманинг кўзида ёш, ҳамманинг чеҳрасида қайғу. Оқ-воҳ қилиб кетаётган бу одамларнинг оғир қисматига ачиниб, бутун борлиқ йиғлаётгандай эди. Қорли бўрон қутуриб, мўрт гиёҳларни қаср-қуср синдирадди, олисдаги тоғтошларда увилларди, қумларни тўзитарди.

Бу оқ-фарёдларга бузоғидан айрилган сигирларнинг маъраши, кўзисидан айрилган қўйларнинг «ба»лаши, қулунини йўқотган бияларнинг кишнаши, онасиз қолган бўталарнинг бўзлаши кўшилиб, ер-кўкни ларзага келтирадди.

Шайхнинг назарида бутун жони бор махлуқот йиғлаётгандай эди. Худонинг иродасисиз куёшнинг бетини булут ҳам қопламайди, деган ақида билан яшаб келган шайх «ҳозир куёш ҳам бу дунё ҳасратларини кўришга номус қилиб, булут орқасига яширишиб олди», деб ўйларди. Кўзларига ёш қуйилиб, шу турган ерида отининг тўртгала оёғи ерга кириб кетгандай бўшашиб кетди. Жунғорлар билан бўлган урушдан кейин юртнинг олди, боши оққан томонга кўчиб, худди мана шундай ғам-ҳасрат тагида қолган эди. Ҳозирги бошларига тушган ғам-кулфат ўшандан сира қолишмайди. Қайтага, ундан ҳам чуқурроқ, ундан ҳам оғирроқ. Шайхнинг боши ҳам бўлди. Тили калимага келмай қолди.

Кўчиб кетаётганлар бошига бориб, охири ўтиб бўлгунча бир оғиз ҳам гапирмай турган эгасини кўтаришга бели чидамаган оқ от гандираклаб, оёқларини йиғиштириб ётиб олди.

— Кўзёши оғир, бечора оқ бўз ҳайвон бўлса ҳам уни кўтаролмади, — деди шайх куйиниб.

Шайхни чақириб келган отлиқ:

— Шайх ҳазратлари, ахир бу инсофсизлик эмасми? — деди.

Бу гапни у нима ҳақида ё ким ҳақида гапираётгани шайхнинг шуурига етиб бормади. У ётиб олган отининг олдида қимир этмай турарди.

Қулоғига мунгли нола чалинди:

Бобомнинг, бувимнинг ёшлиги ўтган, —
Туркистон тупроғи, энди алвидо!
Кўзимдан ёш тўқар, дилни қон этар
Она-Юрт фироғи!
Энди алвидо!

Оламни ларзага келтирган бу мунгли нола секин-аста узоқлашиб борар эди. Яна ўшандай қайғули овоз эшитилди. Шайх ўша томонга ўгирилди. Сирдарё бўйлаб юқорига кўчиб кетаётганларнинг қораси кўринди. Қаёққа? Жунғорлар тарафигами? Хитойгами? Бухорогами? Ё Ҳиндистон, Афғон элларигами? Шайх ич-ичидан йиғлаб, худога нола қиялпими ёки ўша мунгли овозга ўзича жўр бўлялпими, билиб бўлмасди, ҳарқалай, лаблари қимирларди, буришган юзидаги ажинлар гоҳ ёзилиб, гоҳ йиғилади. Нурсиз кўзлари тагида шабнамдай томчи ялтирайди.

— Ишқилиб, тушим бўлсин-да, тушим, — деб пичирлаган шайхнинг бу гапи ёнида турган чопарига ҳам таъсир қилди. Оти ҳам, ўзи ҳам йиқилди. Шайх ҳам чидолмади. Шамол йиқитган теракдай, оқ бўз отининг устига гуп этиб қулади.

Шайх шу йиқилганича эртасига эрталаб кўзини очди. Оти нарироқда ўтлаб юрарди. Шайх кеча кўрган-кечирганларини эслолмади. Мияси карахт эди. Туши эканини ҳам, ўнги эканини ҳам ажратолмай, кечаги сурув ўтган йўлга қаради. Худди қўйни бўғизлаб, судраб кетгандай, қор устига, изларга қон томган, суркалган. Қон томчиларига қарашга, қонли излардан юришга кекса юраги бардош беролмади, у оти томонга юрди.

Ҳелветга кўзи тушди. У отасини излаб келиб, нима дейишини билолмай турган экан. Шайхнинг соқоли титраб, кўзига ёш келди.

— Кетдик, болам. Яна кўчманчилик бошланди. Тўхтатолмадим, тўхтатишга кучим етмади. Энди эртага нима бўлишини худо биледи.

Шу орада Эсим бий ҳам пайдо бўлди.

— Қариб қолдик, Эсим бий, — деди шайх йиғламсираб. — Олтмиш минг хонадонни жунғорлар панжасидан омон олиб чиққанда, бунчалик ҳолдан тоймаган эдим. Қарибмиз. Мадор қолмабди. Эл яна тўзиди. Кўнғи-

ротликлар кўчди. Энди кенагасларнинг ҳам бир қисми кўчса керак.

— Мен уларнинг олдиларидан чиқиб қайтармоқчи бўлдим, кулоқ солишмади, тақсир, — деди Эсим бий.

— Ҳа, гапга кулоқ солишмайди, — деди шайх хафа бўлиб. — Қандай кўндирасан уларни? Бошпана қани уларга? — деб Мурод шайх болалардай ўкраб йиғлаб юборди. Эсим бий ҳам йиғлади. Икки қариянинг ажинларидан юмалаб оқаётган ёшни кўриб, Хелвет ҳам йиғлаб юборди. Йиғидан бошлари фувиллаб, олам гир-гир айланди. Кўз олдилари қоронғилашиб, учаловлари ҳам йўл тополмай, ўтириб қолишди.

Дод-фарёд чека-чека ранги сомондай сарғайган Олмагул келиб қолди.

— Отажонлар, акажонимни тополмаяпман. Излаб юрибман. Янгамни ёв олиб кетди!.. — Уст-боши жулдур, кўзлари йиғлайвериб қип-қизариб кетган, юзи сира ювилмагандай: юзини ювган кўзёшларига чанг-чунг кўниб, чаплашиб кетган. Фақат тим қора кўзлари чақнаб, садафдан оппоқ, текис тишлари йилтираб кўринади. Яланг оёқлари қор устида дилдирайди... — Отажонлар, янгамни ёв олиб қочди!..

— Ёв олиб қочди! — Мурод шайх товонини илон чаққандай, ирғиб ўрнидан туриб кетди. — Қачон олиб қочди?

— Уч кун бўлди, ота. Акамни тополмадим. Ўликлар орасидан ҳам қидирдим, тополмадим. Йўқ! Янгажон, янгажоним — онам, акажон...

— Ўзимиз топамиз, уйингга бор! — жеркиб берди Хелвет.

Қиз уйига қайтиб кетмади. Совуқдан дилдираганча: «Акажон, янгажон, қаёқдасиз...» деб қичқирганича яна қаёққадир чопиб кетди.

Шайх елкасидан сирғалиб тушиб кетаётган малла чопонини сал кўтариб ўранди-да, отланди.

Бошқалар ҳам отларига минишди.

Йўлда ҳалигача душман билан олишиб юрган бир тўп навкарларга дуч келишди. Булар Алиф Қорабой Қора баҳодир бошчилигидаги кўнғирот йигитлари эди. Улар овулларининг кўчганидан беҳабар бўлишса керак, жон-жаҳдлари билан найзалашаётган эди.

— Эй парвардигор, шер йигитларимга ўзинг мадад бер! — деб қичқириб, шайх ўзини ўша тўдага урди. Хелвет ҳам, Эсим бий ҳам ур-сурга аралашиб кетди. Душманнинг уч отлиғи ортиқ экан. Булар қўшилиш-

гандан кейин, яккама-якка найзалаша бошлашди. Шайхнинг овозини эшитган кўнғирот йигитлари «урҳор» деб, яна ҳам шиддатлироқ жанг қила бошлашди. Шиддатли найзавозлик бир чойнак чой ичилгунча вақт давом этди.

Душман енгишига кўзи етмай энди чекина бошлаган пайтда Алиф Қорабой баҳодирнинг бўйнига сиртмоқ тушди. У судралиб кетаётиб: «Рози бўлинглар... бизнинг кўнғиротликлар кўчишмайди. Маман бийга салом айтинглар...» деб қичқирди.

Ҳаммалари уни қутқаришга интилгани билан фойдаси бўлмади. Қувиб бориб, энди етай дейишганда, душман навқари сиртмоқни шартта кесди, оти ниҳоятда учқур экан, қуёндай сакраб бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Алиф Қорабой Қора баҳодир аллақачон жон таслим қилган экан...

Қора баҳодирни кўмиб улгурмасларидан, орқа томондан ўнга яқин отлик қуюндек учиб келиб қолди. Ҳаммалари отларига қараб югуришди. Ҳайриятки, булар душман эмас, кенагас йигитлари экан. Олдинда ҳолдан тойган Нурали бий келарди. У аллакимни судраб келяпти. Етовдаги от ҳозиргина Қора баҳодирни судраб қочган душман навқарининг оти, сиртмоқдаги киши эса ўша отнинг эгаси эканини дарров танишди. Нурали бий билан келган йигитларнинг сонига қарабоқ уларнинг кўпи қурбон берганини тушунган шайх «бошқалар қани?» деб суриштирмади.

— Энг ашаддийсини тутибсизлар-ку, — деди шайх бирдан дадилланиб.

Бошқаларнинг ҳам руҳи кўтарилди. Ёшлар яна битта-яримта ёв кўринармикин дегандай, узоқ-узоқларга назар ташлашди.

15

Совуқ кундан-кунга зўрайаптими, пасайаптими, ҳеч ким аҳамият бермай қўйган эди. Ёв билан бўлаётган уруш кунда бўладиган воқеадай, одамлар бунга ҳам кўникиб қолишди. Элнинг бир чеккада бузилиб, кўча бошлагани қолганларга ёмон таъсир қилиб, ёвга қаршилиқ кўрсатишдан ҳафсалалари пир бўлиб қолди. Бундан фойдаланган ёв навқарлари олганини олиб олмаганини далада қолдириб, қайтиб кетди.

Юрт елкасидаги оғир тош олиб ташлангандай, бир оз енгил тортди. Лекин, бари бир, душман оёғи теккан

ерда хароб бўлмаган нарса, юраги яраланиб, тилка-пора бўлмаган одам йўқ эди. «Оҳ-вой» тинмасди. Урушда ярадор бўлганлар уйида озиқ-овқати йўқлигидан, иссиқ бошпана, жон сақлагундай бостирма етишмаганлигидан ҳар куни ўлиб турарди. Кўзёшлар ҳамма-ни чарчатди, овуллар жимжит бўлиб қолди.

Сўнги жангда Мурод шайх бир ёнбошидан енгил яраланган эди. Уйига қайтиб, икки ўлини кўмгунча сир бой бермади, чидади. Душман қайтиб кетиб, эл тинчиганига ишонч ҳосил қилгач, яраси газак олиб, ётиб қолди.

Ёш йигитларнинг кўпчилиги қаерда юргани ҳали номаълум. Уларнинг сўнги ёв отличларини чегарадан нари қувлаб кетишганини билишмасди. Қариялар хавотирланиб, безовта бўла бошлашди. Ёшлар қайтиб келишмаса, элнинг қулоғи битиб, тили кесилгани, кўзи кўр бўлиб, танидан жони чиққани бўлади. Ўзларининг завқу шавқлари билан ғам-ташвишларини унуттирадиган шу ёшлар. Бироқ четдан кузатилса, овулларни жимжит, деб ҳам бўлмасди. Шовқин-сурон, қийқирик, ҳатто кулгилар ҳам бўлиб турарди. Бу ҳаракатлар тунда шам ёқилгандай, ҳамманинг диққатини ўзига тортарди, ҳамма улардан нафратланарди. Бу шовқин-сурон, қийқирик, кулгилар Кўнглимжойларники эди.

Жаҳди тезроқ қариялардан бири бориб, улардан бе-маъни кулгиларини тўхтатишни илтимос қилди.

— Йўлингдан қолма, — деб кўрслик қилди Кўнглимжой келган одамга. — Бизлар йиғига ҳўп тўйганмиз. Дийдамиз қотиб кетган. Кўзимиздан ёш чиқмайди.

Ўжар, ҳеч кимнинг сўзини қулоғига олмайдиган жўра бошларидан кўрққанлариданми, гапларига астойдил ишонганлариданми, ё бўлмаса, чиндан ҳам, ёшлиқларидан бери йиғлайвериб, дийдалари қотиб бағрилари тош бўлиб кетганиданми, ҳамма етимлар унинг гапини гап деб шовқин-сурон, кулгиларини қилаверишди. Юрт устидан учган қушларгина уларни кўриб, нималардир деб «жиқ-жиқ» лашади. Қарғалар қағиллашади. Кечаси эса қорақулоқ, чиябўрилар овулнинг ёнгинасида увиллайдиган бўлиб қолди. У ер-бу ерлардан озиқ-овқат ўғирлаб, қорни тўйиб юрган беташвиш етимларнинг шовқин-суронига бу ваҳший ҳайвонларнинг тундаги улишлари қўшилса, бир ғалати овоз пайдо бўларди...

Душманнинг сўнги отличларини қувиб кетган йигитлар ичида Омонлиқ ҳам бор эди. Улар кечаси қайтиб келаётишиб овул ичидан эшитилаётган ўйин-кулгини,

ҳеч қандай сабабсиз хурсандчиликни эшитиб, ҳайрон бўлиб тўхташди. Ҳаммалари ҳанг-манг эди. Биронгта-сининг хаёлига жўяли фикр келмасди.

— Бошқа овулдан чиқиб қолибмиз, — деди йигитлардан бири.

— Қани, қулоқ солайлик-чи, — деди Омонлиқ. — Тўхта, тўхта, йўқ, йигитлар, адашмабмиз. Бу Кўнглимжойнинг овози.

— У ким ўзи?

Омонлиқнинг «етимлар» дейишга тили бормади, улар тўғрисида ёмон гап айтишга кўнгли бўлмади.

— Уша ёққа борайлик, — деди.

Минг қилганда ҳам ёшлар — ёшлар-да, улар ўша ўйин-қулги бўлаётган томонга бурилишди. Етимлар бежавотир ўйнаб ўтиришарди. Кутилмаганда устларига бостириб келиб қолган бир тўда отлиқларни кўриб, болалар бута тагига яширинишди.

— Чиқаверинглар, душман эмасмиз, — деб қичқирди Омонлиқ.

Кўнглимжой унинг овозини таниб: «Чиқаверинглар, кўрқманглар, Омонлиқ келибди», деди. Пастак юлғунларнинг тагидан икки-учтадан бола чиқиб келди. Кўнглимжой олдинга ўтди.

— Омонлиқ, сизларни биз душманми деб ўйлабмиз.

— Душман бўлса, киши қочар эканми?

Бу саволни берган Қора баҳодирнинг ўгли Ғойиб эканини билмай, Кўнглимжой:

— Албатта қочади-да, — деди — Ахир улар бизнинг қип-қизил етим эканлигимизни кечаси қаёқдан билсин? Билмайди. Ҳаммамизни қириб кетади.

— Ювиндихўрлар, — деди Ғойиб зардаси қайнаб.

Бундай ҳақоратли гапларни эшитавериб қулоқлари кар бўлиб кетганиданми, болаларнинг ҳеч қайсиси хафа бўлмади. Кўнглимжой бепарволик билан:

— Омонлиқ, эшитдингми, севгилигингни ёв олиб кетди, — деди.

Бу гапни эшитиб, Омонлиқнинг қоронғида чехраси қандай ўзгариб кетганини, юрагига қандай ўчмас алам тушганини бошқалар пайқамай қолди. Омонлиқ аламига чидамай, Кўнглимжойнинг устига от суриб, қамчиси билан бир туширди. Кўнглимжой орқасига тисарилиб, бутазорга кириб кетди. Шериклари ҳам буларнинг авзойилари бузилганини кўриб, тумтарақай қочишди. Худди сувга чўккан тошдай, қоронғилик кўйнига кириб, кўздан ғойиб бўлишди.

Ҳориб-чарчаган отликлар уй-уйларига тарқалишди. Омонлиқ ўз чайласига етолмади. Аъзойи бадани бўшашиб, юргани мадори қолмади. Бу урушга нима мақсадда киргани, кимни қўриқлаб, ким учун одам ўлдирганини ўйлаб, юрак-бағри эзилди. Кўзлари хиралашди. Қора ғуноннинг жиловини қўйиб юборди. Неча кунлардан бери тиним билмаган, ҳориб-чарчаган жонивор эгасининг қандай кайфиятда келаётганидан беҳабар, ўзи билан ўзи бўлиб, қалпоқдай тепаликка дуч келиб қолса, қоқилиб ўмбалоқ ошиб кетадиган ҳолатда эди. Чайланинг ўнг ёнбошида қаққайиб турган қозик ёнига келиб тўхтади. Омонлиқ уни боғламади, устига ёпинчигини ҳам ёпмади, сурат бўлиб ичкарига кирди. Тун ярмидан оғиб, ой туққан эди. Ўчоқнинг ёнида тиззасини қучоқлаганча ухлаб қолган синглисига кўзи тушди. Олмагул бечора устига ҳеч нарса ёпинмабди ҳам. Йиғлаб-йиғлаб, ухлаб қолган бўлса керак. Омонлиқ ўчоқда чала ёниб, бурқсиб ётган юлғуннинг тагини ковлаб, пуфлаб ёндириб юборди-да, Олмагулни уйғотди.

— Янганг қани?

— Акажон!..

Олмагул бирдан ўзини Омонлиқнинг бўйнига отиб осилиб олди. Унинг овози тун сукунاتини бузган қўнғироқдай жаранглаб, олис-олисларда «Акажон!..» деган акс садо такрорланди. Омонлиқ синглисининг қўлини бўйнидан олиб ташламай шу ўтиришда озгина мизғиди. Тонг отиши билан Омонлиқ ўрнидан турди.

— Олмагул, ўзингни бардам тут, мен янгангни излашга кетдим, — деди.

Олмагулнинг кучи яна кўзига етди. У оёқларини базўр кўтариб босаётган қора ғунон устида овулдан чиқиб узоқлашиб кетаётган акасининг кетидан қараб, чайлага суянганича йиғлаб қолди.

* * *

Мурод шайх бир ҳафтадан кейин ўзига келди. Ўрнидан туриб, кийинди. Қайғу-ҳасратга кўмилган элини бир айланиб чиқишга қарор қилди. У ҳаётдан умидини узиб, бу дунёнинг ташвиш, ғамларидан безор бўлган жигарбандларига тасалли бермоқчи эди.

«Оч бўлсанг, иккинчи онангни эм. Иккинчи онанг — меҳнат...»

«Инсон дунёга келгандан кейин бир кун ўлади. Ўлимдан қочиб кутулиб бўлмайди. Ўлганларга имон, қолганларга тўзим берсин...»

«Эл номуси учун курашда ўлиш — бахт. У дунёда жонинг жаннатда бўлади...»

«Ўлган жигарларинг у дунёда роҳат кўрса, сен бу дунёда бахтингни излаб топ...»

Ўлганнинг кетидан ҳамма ўлиб кетаверса, бу дунёда одам зоти қолармиди. Жигарларинг кўз олдингда оламдан ўтиб, эртами, индинми паймонанг тўлишига кўзинг етиб турган бўлса ҳам, яшагинг келар экан. Бу дунёда одамларда қаноат йўқ, ҳеч ким ҳеч қачон тўймайди. Тирикчилик деб уринасан, тирикчилик деб уринишнинг ўзи ўзинга ўлим ахтаришдир. Бироқ одам боласини ақли шуларга етганида, у нима қилган бўларди? Бир-бирини талаб, бир-бирини қирармиди. Ҳар кун ўлим борлигини билса ҳам, одам ўз ўлимига ҳеч қачон ишонмайди, ишонган куни — ўлгани. Шунинг учун ҳам биров бир кун, биров бир ҳафта, биров ундан кўпроқ ҳасрат чекиб, кўксини зах ерга бериб ётгани билан, кўзларига ўлим кўринди дегунча, ўридан туриб кетади. Бошига таёқ теккан илондай тўлғана-тўлғана яна тирикчилигига тушиб кетади. Омон қолганлар тўпланишиб, бузилган уйлари яна тиклашади. Яна илгаригидай мўрисидадан тутун чиқади.

Шундай қилиб, бу ёруғ дунё ташвишлари яна шовқин-сурон билан бошланиб кетди.

Мурод шайх Олмагулга берган ваъдасини унутган эди. Чайласининг ёнидан ўтиб кетаётиб, Айғара бий бериб юборган ўтов ёғочлари кул бўлиб ётганини кўрди. Бирдан раҳми келиб, қичқирди.

— Омонлиқ!

Ҳеч ким жавоб бермади. Яна чақирганида бошига эски тўн ёпинган Олмагул чиқди.

— Акам йўқ, ота. Янгамни излаб кетди.

— Янгамни?! Ҳа...

Қизнинг совуқдан қип-қизариб кетган озғин оёқлари титрарди. У отини орқага буриб кетаётган шайхнинг кетидан зорланиб, қичқириб қолди:

— Отажон, акамни олиб келиб беринг, янгамни топдириб беринг... Барака топинг...

Мурод шайх уйининг олдида йигирматача қорамол, олтмиш-етмиштacha қўйни тўплаб турган отлиқларни кўрди. Уларни кийимларидан таниди.

— Ассалому алайкўм!

Отлиқлар шайхнинг саломига алик олишди. Бери Айғара бийнинг, иккинчиси Седет керейнинг олдидан келишганини айтиб, ўзларини таништиришди.

— Бизнинг элимиз ҳам Абулхайрхоннинг турткисини еди, — деб Айғара бийнинг олдидан келган отлиқ шикоят қилди. — Оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўрасиз. Хафа бўлмайсиз. Айғара бий шундай деди.

— Шундай, тақсир, — деди Седет керейнинг ҳам одами. — Бизнинг юртимизда ҳам ҳеч вақо қолмади. Ёш бийимиз: «Мен қўй юбордим демайман, кўнгил сўраб юбордим», деди, олинг буларни.

Шайх эшигидаги хизматкорларини чақириб, олиб келинган молларни қўрага қаматди. Отлиқларни тушириб, ўтовига олиб кирди. Ҳар бирига «азизим» деб, «қуда-қуда» деб, меҳмон қилди. «Қуда-қуда» деб кўп такрорлагани учунми, меҳмонларини кузатганидан кейин, ўзи ҳам ўйланиб қолди: «Қуда дейман. Айғара бий қуда бўлмасидан олдин ҳам шунақа эди. Қийин аҳволга тушиб қолганинга ҳеч нарчасини аямайди. Кечаги урушда унинг йигитлари бўлмаганда, элимиз биратўла пати юлинган товукдай бўлиб қолар эди. Барака топсин!»

Шайх Эсим бийни чақиртириб, Омонлиқ тўғрисида, унинг келинчаги тўғрисида гап бошлади. Маман бий ихлос қўйган йигитни юртга қайтариш, ёлғиз ўзинигина эмас, жуфти ҳалоли билан қайтариш лозимлигини маслаҳатлашди. Нима бўлганда ҳам Омонлиқ шу элнинг йигити, унинг уйи бузилса, янгигина тикланган бир уйнинг бузилгани, борди-ю, ўлиб кетса, яна бир қалпоқни довул учиргани билан баробар. Бу оддий қалпоқ эмас, у билан бирга Маман бий яхши кўрган бир йигитнинг боши ҳам бирга кетади. Икки элни қон-қариндош қилиб турган Айғара бийнинг ҳам ихлоси қайтади. Бу жуда ёмон.. Улар шуларни гаплашиб, узоқ ўтиришди.

— Айғара бий бу сафар молларни қизи учун юборган бўлса керак, — деди охирида Эсим бий. — Ўзи боргани билан Абулхайрхон қизини бердирмайди. Нима бўлганда ҳам келин бизники.

— Бу жуда оғир масала бўлди, — деди шайх хўрсиниб.

— Душманга молини олдириш, қизини олдириш, асир тушиш қадимдан бор. Зўрники тегирмон юргизади. Хотинини олдириш — йигитга ҳам, бошлиққа ҳам ўлим.

Эсим бийнинг гапи шайхга оғир ботди шекилли, одатда секин кўтарадиган бошини шартта кўтариб, бийга ўқрайди. Лекин нима дейишини билмай, яна ерга қаради.

— Душман қўлига тушган аёл яна бошқа бировга хотин бўлишига ҳамманинг ҳам ақли етади. Олиб келганимиздан кейин Омонлиқ «туф» деб, тескари қараб кетмасмикин?

Хелвет тархоннинг бу фикри ҳаммаларига маъқул тушгандай бўлди.

— Омонлиқнинг ўзи излаб кетибди, болам, — деди Мурод шайх бир оз ўйланиб тургандан кейин. — Гап ёлғиз келиндагина эмас. Гап ҳурматли Айғара бийда. Айғара бийнинг ишончини йўқотсак, икки ўртадаги оқибат ҳам йўқолади, азизларим.

Шундан кейин яна орага жимлик чўкди. Ҳамма бошини қуйи солиб, ўйланиб қолди.

— Омонлиқ юз ўгирса ўгирар, келинни топсак, яна биронта ғарибга берармиз, — деди шайх. — Лекин гап шундаки, Абулхайрхон уни бизга бердирармикин?

Хелвет гапга аралашди. У Маман бийлар кетишаётганда Қозон, Уфа тарафларга ўтиб кетган Бухоро савдогарларининг қайтадиган вақти бўлганини айтиб, ўшаларнинг карвонбошиларига ялиниб кўриш кераклигини маслаҳат берди.

— Ҳа, шайх ҳазратлари, олиб келиш мумкин бўлса, ўшалар олиб келиб беришади, — деб унинг маслаҳатини маъқуллади Эсим бий. — Абулхайрхон рус подшошининг қўли остига ўтишдан олдин Ўрта юз билан Катта юзни ўзига қаратиб олиш мақсадида Бухоро амиридан ёрдамга бир туя тилло олган, деган гап бор. Бир ялоқдан овқат ичадиган итлар ириллашишса ҳам, энг аввал қоринларини тўйғазиш пайида бўлишади. Менимча, келишишса керак.

Шу орада ташқарида юрган хизматкорлардан бири чегарадан узун карвон кириб келаётганини хабар қилди.

— Бечора келиннинг элимизда нон-насибаси бор экан, — деб шайх дик этиб турди. Бошқалар ҳам кўзгалди.

Карвонбоши соқоли кўксига тушган, дўнг пешонасини ажин қоплаган, қошлари ўсиқ, кўзлари қаърига тортган, қуш бурун, тўни устидан кийган ола чопонини ташламайдиган, салласи қозондай, дилкаш киши экан. Карвонбоши сафарга кетаётганда тўй устидан чиқиб

қолиб, бож пулидан қутулган эди. Бундан олти ой бурун бутун халқи хурсандчилик, ўйин-кулги билан ҳаёт кечираётган бу юрт эндиликда харобага айланганини, баъзи қишлоқлари ҳали ҳам тутаб ётганини кўриб ҳайрон қолган савдогарлар пусиб ётган душманга ем бўлмасак яхши эди, деб хавотирланиб келишаётган эди. Ўтган сафар енгилгина шамолдан ҳилпиллаб турган ҳар бир шох, ҳар бир гиёҳ уларга оқ йўл тилаб қолаётгандай туюлган эди, ҳозир эса, сал шамолга ҳам бардош беролмай қилтираб, эгилиб, улардан хайр сўраётганга ўшарди. Карвонбошининг юраги орқасига тортиб кетганди. Икки кўзи атрофни кезарди. Икки-уч отлиқ билан рўпарасидан келаётган Мурад шайхни кўриб, тўхтади.

Шайх анча наридан салом берди ва биринчи бўлиб отдан тушди.

Карвонбоши туясидан тушди.

Улар салом-алик қилишиб, бир зум хаёлга чўмиб қолишди. Бир оздан кейин шайх Маман бийнинг ҳалигача ҳам келмаганини айтиб, «унинг тўғрисида бирон хабар эшитмадингизми», деб сўради. Карвонбоши кўли билан кўзини ишқади, эл бошига тушган мусибатни кўриб, хафа бўлганини айтди. Шайх бирон нарса сўраятмикин, деган хаёлда ўттиз аршин чит бермоқчи бўлиб, кетидан иккинчи туяни етаклаб келаётган карвонга:

— Тошмат, туягни чўктир, — деди.

Карвонбошининг бу одамгарчилигига шайх «олло зиёда қилсин» деб миннатдорчилик билдирди, кейин шошилмай мақсадга кўчди. У Абулхайрхоннинг кўлига тушган бир келинчагини олиб келиб беришга ёрдам қилишни сўрамоқчи эканини айтди. Гап орасида Абулхайрхон билан Бухоро амири ўртасида қадимдан яхши борди-келди борлигини ёдига солиб қўйди.

Карвонбоши соқолини сийпалаб, бир зумгина ўйланиб турди-да:

— Ўша тилло берилганда мен бор эдим, — деди.

— Тақсир, бизнинг шу келинимизни юртимизга қайтариб олиб келиб берсангиз, худога минг қатла шукур қилиб, ҳаққингизга дуо қилган бўлар эдик, — деди шайх кўлини кўксига қўйиб. — Яқин орада Маман ҳам келиб қолса керак. Рус подшосидан навкар олиб келса, биз ҳам қараб турмасмиз. Қаддимизни ростлаб олсак, қийин кунларимизда ёрдам берганларни эсимиздан чиқармаймиз.

— Унда бизнинг совғамиз нима бўлади?

Шайх карвонбошининг бир нарса олмай қўймаслигини тушунди.

— Келинимизни келтириб бериб, юзимизни ёруғ қилсангиз, яхшилигингизни унутмаймиз, азизларим, — деди.

— Ишонамиз. Бошга — бош, деб карвонбоши туяларини овулга чўктириб, карвонларига дам олишга рухсат берди, ёнига уч йигитини олиб, Абулхайрхоннинг ҳузурига кетди.

16

Омонлиқ тўғри қайнатасига бориб бор воқеани айтмоқчи бўлди-ю, уялди. Кап-катта йигит қайнатасининг юртига йиғлаб борса, уят бўлмайми? Орага совқчилик тушиб, қизини қайтариб олиб кетган бўлса, кечирим сўраб борса, бошқа гап эди. Қизингизни ёв олиб кетди, уни келтириб беринг, деб боришга юзи қандай чидайди?

У Айғара бий овули у ёқда турсин, ҳатто Седет керей овулидан ҳам айланиб ўтиб кетишга қарор қилди. Шу овулларнинг биронта одамига кўринмай, Абулхайрхон овулига бориш учун анча олисдан айланиб ўтиш лозим эди. У шундай қилди. Кўп кунлик жангларда ҳориб, озиб кетган қора ғунонни ҳар ер-ҳар ерда тўйдириб, қор остида қолиб кетган ўтлардан едириб кетаверди...

Бу атрофларда қишда бўрон кўп бўлади. Шундай бўронли кунларда адашиб кетиш ҳам ҳеч гап эмас. Борди-ю адашсанг, жонингдан умидингни узавер. Шунинг учун бирон дарахт тагига ё ўнгирга кириб, беркинганинг маъқул. Агар ўнгирга ўтин олиб кириб олсанг, ҳамма ёғингни қор босиб кетса ҳам совқотмайсан. Ўт ёқиб, исиниб ўтирасан, бўрон тингандан кейин яна йўлингга кетаверасан. Омонлиқ ҳали кўп юришини билгани учун, йўлда олов ёқиб исинарман деб, ёнига икки чақмоқ тош солиб олган эди.

У олдин орқага қараб юрди, кейин кунботарга бурилди. Чунки йўл ёқасига Тобин, Керей уруғлари кўнишган бўлиб, кун чиқиш томондан айланиб ўтиш учун анча кун юриш керак эди. Қишда чорва моллари кенг адирни паналашади. Бу молларнинг ёйилиши учун кунгай тўқайлар, ўркач-ўркач қум бағирлари ҳамда тоғ этаклари бор.

Кунботиш томонда от сағрисидай кўринадиган пас-таккина тоғ ястаниб ётибди. Орқа томони бепоён дала. Ундан нарисси, анча юрилгач, бошқа тоғлар сароб мисол элас-элас кўринади.

Омонлиқ ниятини овулдошларидан сир тутиб, уларнинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қилди. Назарида, бири бўлмаса бири юрт қирилиб ётган бир пайтда худди хотин зоти топилмайдигандай, душман олиб қочган хотинингнинг орқасидан йиғлаб кетяпсанми, деб юзига соладигандай эди. Ўзига қолса, Омонлиқ одамларнинг бунақа гапларига парво қилмас эди-я, аммо «Оқбийдай, Оқбийдайим» деб ураётган пок, беғубор қалбига бирор кимсанинг наштар санчишини истамас эди.

У Қўнғирот овуллариинг эски қишлови орқасидан, қалин чангалзорлар орасидан худди ўлжа қидирган қашқирдай ўзи ёлғиз кетиб борарди. Қамчи кўтармайдиган жонивор қора ғунон эгаси оёғини сал қимтиса бас, бир маромда йўрғалаб кетаверарди.

Омонлиқ шошмасди. Панароқ жой дуч келса, отига дам бериб, ўт ёқарди, нон иситиб еб оларди. Яна йўлга тушарди. Ҳазан ботир совға қилган қурол-яроғ бўйнида. Баъзан йўл-йўлакай куён қувлайди, етиб олгудай бўлса, яна отига дам беради, куён гўштини пишириб, тамадди қилади. Кечга томон эртароқ отдан тушиб, отига хашак йиғади, жингилларни синдириб, ўзига ётиш учун пана жой қилади, ўт ёқиб, чўғларини ёйиб кўмади-да, илиқ ерга бағрини бериб, ором олади.

Бир вақт олисда, саробдай жимирлаб кўринаётган тоғ этагида учиб юрган қузғунга кўзи тушди. Қузғун бекорга учмайди. Афтидан, ўлжа устида айланяпти. Балки, ўлжаси кийикдир. Ҳар ҳолда қузғундан илгарироқ бориб, йўлга озиқ ҳозирлаши керак. Қузғун пастига шўнғиди, наридаги бир туп тўранғилга ташланди-ю, қўнолмади ёки ўлжасига кучи етмади, яна осмонга кўтарилиб, тўранғилнинг тепасида айлана бошлади. Омонлиқ қузғун ўзини тикка уролмайдиган ерда яшириниб ётган ов борлигига энди шубҳа қилмасди. Бундай кезларда овнинг яқинига бориб, найза билан уриб олиш жуда осон. Қушнинг ўткир панжаларидан кўрққан махлуқнинг кўзлари бу пайтда осмонда, қушда бўлади, орқасидан бориб қолган одамни сезмайди. Омонлиқ қузғун учган томонга бурилди. Яқинига бориб, синчиклаб қаради, ҳеч нарса кўринмади. Яна яқинроқ борди. Отининг туёғи бирор чўпни чирс этка-

зиб синдирса ҳам норози. У отини ниҳоятда авайлаб, аста ҳайдар эди. Қора бир нарсага кўзи тушди. Боши кўринмайди. Омонлиқ ўликми деб ўйлади. Тўхтади. Ниманинг мурдаси? Ҳар эҳтимолга қарши найзасини шайлаб, қиличини яланғочлади. Ётган нарса қимир этмасди. Омонлиқ мурдага яна ҳам яқинроқ борди. Одамнинг оёқларига ўхшатди. «Э-ҳа, битта-яримта со-вуқ қотиб ўлиб қолган экан-да, нима бўлса ҳам кўмиб кетай», деган хаёлда отидан тушди, олдига борди. Гав-да юзгубан ётарди. Омонлиқ унинг елкасига қўл теги-зиб кўрган эди, қимирламади. Тошдай қотиб ётибди. Юзини ўгириб қаради, қаради-ю, тахта бўлиб қолди. Соқол-мўйлови ўсиб кетган, қулоқлари шишган, бур-нининг усти сидирилган, юзларида оққан қон қизил ипдай қотиб қолибди. Пешонаси чангал билан тирнал-гандай. Кўзлари юмуқ. Қош-киприклари, соқол-мўйловлари қор. Фақат бурун катаклари кўринади холос.

Омонлиқнинг эси оғиб қолганди. Гўё ўлик тоқ эмас, жуфт бўлгандай. Орадан қанча вақт ўтгани но-маълум, ниҳоят Омонлиқнинг тили тугилиб:

— Маман!.. — дея олди зўрға.

У шундай деб қотиб қолган тананинг бошини ерга қўйди-да, бурнига қулоғини тутди. Нафас оляпти. «Ё олло!» Омонлиқ шоша-пиша Маманнинг бетига қор суриб, ишқай бошлади. Баданини уқалади. Гулхан ёқ-ди. Жой тайёрлаб, Маманни судраб келиб ётқизди. Яна баданини қор билан ишқалай бошлади. Ўзи ҳам қора терга тушиб кетди...

Маманни отга миндириб олиб кетишнинг иложи йўқ эди. Боши-кети кўринмайдиган бу далада қани энди бир тирик жон кўринса. Нима бўлганда ҳам уни ишқалайвериш керак. Бошқа чора йўқ. Кечга томон Маманга жон кирди. Оёқ-қўлини қимирлатди. Очлик-данми ё ташналиқданми, лаблари пўст ташлаб, шишиб кетибди. Омонлиқ оғзида қорни эритиб, Маманнинг лабларига томизди. Маман лабларини қимтиб ютин-гандай бўлди. Омонлиқ нон чайнаб оғзига солди. Би-роқ уни ҳали олиб кетиб бўлмасди. У атрофдан ўтин териб келиб, ўтни ўчирмади.

Омонлиқ қўлидан келганини қилди. Маман аста-секин ўзига кела бошлади. Оғриқдан пешонасини ти-риштириб, нимадир демоқчи бўлган эди, лекин тили оғзига сигмай, бир нималар деб гулдиради. Нима де-моқчи бўлаётганини Омонлиқ тушунмади.

Иккинчи кун Маман кўзларини очди, нурсиз кўзларини очди!.. Кейин гапирди. Маман гапирди!

— Ин-соф-сизлар! Мен тўрт... тўрт... қорақалпоқнинг у-ми-ди-ман! Умидман! Кетинглар! Йўқолинглар! Пў...лат! У...мид... — деб гўлдиради. — Йў...қол? Йўқол! Умидни йўқ қилолмайсиз... Бу умид қоғози... Бермайман... Халқимнинг умидини елга совурмайман... Ўлдир, ўлдир... бермайман... Ёвузлар, ноинсофлар!

Маманнинг кўзлари очиқ бўлса ҳам Омонлиқни кўрмасди. Унинг қанақа умид ҳақида гапираётгани Омонлиққа қоронғи эди. Омонлиқ, Маман мени кўриб турибди, деган хаёл билан:

— Маман, Маман оға! Мен Омонлиқман, Омонлиқ, — деди.

Маманнинг кўзи ўтмади. «Йўқол, ноинсоф! Халқимнинг умидини йўқ қилишга ҳақларинг йўқ!..» деди яна у.

Омонлиқ узоқ ўйланиб ўтирмади. Маманни қора гунонга бир амаллаб ўтқазиб, боғлади... Отни етаклаб, йўлга тушди...

17

Бухоролик карвонбоши узоқ кутдириб қўймади. Оқбийдайни олиб келиб, Мурод шайхга топширди. Шошилинич йўлга чиқиши лозимлигини айтиб, шайхнинг ваъдасини эсига солди.

Шайх қордай оппоқ бошини қашлашга мажбур бўлди. Карвонбоши дағдаға қилишга ўтди.

— Шайх, нега хаёл суриб қолдингиз? Сиз учун йўлдан қолдим. Сизни деб қозоқнинг обрўли бийларига ўн аршин чит сарфладим. Билдингизми? Амиримга бир қиз совға қилмасангиз, мени дорга гирифтор қиласиз. Яхшиликка ёмонлик бўлмасин, тақсир.

Мурод шайхни пешонаси тиришиб, ўғли Ҳелвет билан хизматкорларига буюрди:

— Ҳозир бориб, етимлардан ўнта қиз олиб келинглар, хоҳлаганини бериб юбормасак бўлмайди.

Пешиндан кейин олди ўн саккизга, кети ўн учга кирган ўн қиз ҳозир қилинди. Карвонбоши жуда чапани одам экан. Сочлари ёйилган, ярим яланғоч етимларни бир-бир кўздан кечириб, биронтасини ҳам хоҳламади.

— Булар ичида амиримизнинг канизларига соч таровчиликка ҳам ярайдигани йўқ, — деди карвонбоши.

Мурод шайх уялиб кетганидан, суякларигача сир-қиради.

— Ювиб-тараса, қорнини тўйғазиб, яхшилаб кийинтирилса...

Карвонбоши бош чайқади.

Шайхнинг хўрлиги келди, иззат-нафси оғриди. Эрталабки нонуштага ёби уруғининг вояга етган ўнта қизини ювинтириб, кийинтириб кўрикка олиб келишни топширди.

Карвонбоши бу сафар қаноат ҳосил қилди. Қадди-басти самбитдеккина, икки юзи қип-қизил, писта даҳан, ҳайдар кокиллик ўн уч яшар Олмагулга ишора қилди. Бошқа қизлар уйларига қайтарилди.

Олмагул ёлғиз қолганидан кейин, бўрининг олдига боғланган кўзидай типирчилаб қолди, тим қора кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш оқизиб дам шайхга, дам Эсим бийга, дам Ҳелветга, дам карвонбошига жавдиради.

— Мен ҳам кета қолай, ота, рухсат бера қолинг, амаки, — деб ялинди.

Унга ҳали Оқибийдайни кўрсатишмаган эди. Омонлиқ келгандан кейин, энди олмайман деб қоладими, деган хаёл билан, шайх уни бошқа ўтовида сақлаётган эди. Омонлиқ бурун жийирадиган бўлса, овулдошларидан биронтасига никоҳлаб бериш керак. Бу урф-одатларига ҳам тўғри келади. Айғара бий ҳам хафа бўлмайди. Қизини қайтариб юбориб, таҳқирламаса бўлди. Қиз деган борган ерида қум-тош бўлиши керак. Қайтиб келган қиз хонадоннигина эмас, бутун овулни номусга қўяди. Есир ҳам шундай бўлади. Энг ёмони, есирнинг уйига қайтиб кетгани. Овул ўртасида бировдан бировга ўтказган маъқул.

Олмагулнинг зор қақшаб: «Ота, амаки», деб ялинишига ҳеч ким қулоқ солмади. Шайх уни уйига олиб бориб, овқатлантирди. Карвонбошида унга яраша кийимлар ҳам бор экан, олиб келиб берди. Олмагулни яхшилаб кийинтиришди. Қиз буларнинг нияти ёмонлигини тушуниб, йиғлади-сиқтади, ялинди-ёлворди. Лекин қизнинг оҳ-зорига ким ҳам қулоқ соларди? Ҳатто жўнаб кетаётган маҳалида ҳам сўнгги марта янғаси билан учраштириш, хайр-хўш қилдириш биронта эркакнинг хаёлига келмади.

Карвонбоши барча карвонларига, туяларига юкларини ортишни буюрди. Олмагулни шайхнинг ўзи етаклаб чиқди.

Қиз шайхнинг юзига ёшли кўзларини тикиб, «Ота, отажон...» дейди-ю, кўнглидаги гапни айтолмайди, киприklarини пирпиратади. Марварид доналари каби йилтираган ёш томчилари икки юзидан ёқасига оқади. Бироқ бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Қиз туяга ми-наётганда тол новдасидай эгилиб, ўкириб юборди.

— Шайх ота, мени жўнатаётганингизни сабаби бордир, сўрасам айтмайсиз. Менинг бирдан-бир тилагим, ёлғизгина жигаримга сингиллик саломимни етказинг. Меҳрибон янгамга салом айтинг. Акам мени излайдиган бўлса, топиш йўлини айтай. Акажоним мени чанг кўтарилиб ётган сўқмоқдан юриб изласа, тополмайди. Мен юриб ўтган сўқмоқ кўзёшимдан нам бўлиб кетади. Нам сўқмоқни кўрса, Олмагул шу йўлдан юриб ўтган экан, десин. Ҳали кўзёшлари шимилиб кетмабди, десин. Қидирсин!

Қиз бошқа ҳеч нарса демади, итоаткорлик билан туяга минди.

Мурод шайх қиз ҳали ёш, бунчалик ғамгин, чуқур маънода гапирари деб ўйламаган эди. У қовурғаси қайишиб, «Маман бийга жуфти ҳалол бўлишга арзийдиган қиз экан, эсизгина, қўлдан кетди-да», деб афсусланиб қолди. Шундай бўлса ҳам тўхтатмай, карвонбошининг қўлига топширди.

Қиз ортиқ бир нарса демай, дадиллик билан туяга ўзи минди, шайх унинг кўзидан шашқатор бўлиб ёш оқаётганини кўриб турган бўлса ҳам, уни юпатиб жўнатгудек гап тополмади. Карвонбошига қараб:

— Йўлингизни берсин! — деди овози қалтираб.

Карвон жойидан қўзғалиб, йўлга тушгандан кейин қизнинг охири, аламли сўзлари эшитилди:

— Хайр энди, юртим! Болалигим, хайр! Акажоним, хайр энди! Янгажоним, хайр энди! Хайр энди, Туркистоним!..

Қизга орқадан жавоб бўлмади.

Карвонбоши Оқбийдайни олиб келгунча Мурод Шайх тинчиёлмай, дам ололмаган эди. Бунинг устига юз туянинг ем-хашаги шуларга тушган эди. Қадимгидай йигит-яланг кўп эмас, обрўли бийлар йўқ. Борлари ҳам юракларини олдириб қўйишган. Ҳамма ишга ўзи аралашиб юради. Шайх карвонларни кузатиб, дам олгани ётди. Бироқ норасида Олмагулнинг «хайр, шайх ота!» дегани миясига ўрнашиб олиб, уйқу бермади.

Шайх уч кун қимирламай ётди. Бироқ бегуноҳ бир қизнинг «хайр, шайх ота!» деган овозидан бир неча

марта уйғониб кетди. Боши карахт, зилдай. Ётаверишдан зерикиб, ташқарига чиққан эди, «Маман... Омонлиқ... Маман!» деган қувончли овозларни эшитди. Оғзи очилганича, ҳанг-манг бўлиб қолди. Қулогига бутун коинот: «Маман, Маман, Маман...» деб шивирлаётгандай эди.

Эшикнинг олдида уч-тўрт йигит Маманни қўлтигидан кўтариб, отдан тушираётган эди. «Чирогим, азизим...» деб, шайх уларнинг олдиларига шошилди. Икки йигит икки қўлтигидан суяб, зўрға оёғида турган Маман шайхни кўриб: «Ота, отажон!» деб унга қараб интилди. Шайх Маманни бағрига босди. Икковлари гўё бир тан, бир жон бўлиб кетишган эди. Йигитлар уларни бир-бирларидан ажратмай, барабар кўтаришди.

Омонлиқ Маманни ётқизишга жой тайёрлатиш учун ўтовга кирган эди, қидириб юргани Оқбийдайни кўрди. Омонлиқнинг севинганидан тили танглайига ёпишиб, қоққан қозикдай қотиб қолди. Оқбийдайда илгариги жўшқинлик, илгариги илтифот йўқ эди. Омонлиқни кўриб, ўрнидан турган бўлса ҳам, унга қараб талпинмади, орқага тисарилиб, қирғай кўрган чумчуқдай бурчакка тикилди.

Омонлиқ тушлигига ҳам, ўнглигига ҳам тушунолмай, ҳадеб кўзларини юмиб очарди...

— Сен Оқбийдай эмасмисан?! Гапирсанг-чи! — деди чидамай Омонлиқ ва югуриб бориб кучоқлади. — Қаердан пайдо бўлиб қолдинг, жонгинам? Мен сени қидириб юрувдим. Маманни топдим. Қувончим кўша бўлди. Бошимга яна бахт қуши қўнди. Нега индамайсан, Оқбийдайим? Кучоқла мени, қаттиқ кучоқла. Жонгинам... Сени Абулхайрнинг бутун бойлигига, хонлигига, ҳатто юртига ҳам алмашмайман! Гапирсанг-чи, жоним! Гапир... Мен учун бебаҳо, яккаю ягона, севгилигим!..

Оқбийдай на кўзларидан ёш чиқарди, на ўкраб йиғлади, на қаттиқ кучоқлади. Бироқ Омонлиқ буни сезмади, кучоқлаганича ерга ўтқазди.

— Ўтир, жонгинам, мен ҳозир келаман. Маманни ётқизиб келаман.

Омонлиқ шошилиб чиқиб кетди. Шайх Маманни ҳалигача ҳам кучоғидан қўймаган экан. Иккаласи ҳам ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Ҳеч нарса дейишмайди. Маман бўлган воқеани сезиб турарди. У сўрамади, Мурод шайх ҳам ҳеч нарса демади, йиғлай-йиғлай қотиб қол-

ган кўзларидан ёш чиқмасди, оғзи ҳам қақраб кетганди. Улар аллавақтгача шу алфозда ўтиришди.

Маманни ўринга ётқизишди, уйга ўт ёқилди.

Маманнинг кўзлари уйқуга кетди.

— Тинчгина ухласин, ота. Кейин гаплашарсиз. Сира ухламади. Оқбийдай қаёқдан келиб қолди, ота? Олмагул келмадими? — деди Омонлиқ.

Шайх Омонлиққа, аввалига Олмагул тўғрисидаги гапни айтмай кўя қолмоқчи бўлди-ю, тагин уйга борганидан кейин билиб, йиғлаганидан кўра ҳозир била қолсин деб, бор гапни айтишга қарор қилди.

— Синглинг йўқ, болам, — деди.

Омонлиқнинг юзи бўздай оқариб кетди.

— Сабабини суриштирма, болам, ночорларни худо фақат бировнинг эшиги учун яратган экан, мен юбордим, — деди шайх.

Омонлиқ йиғламоқчи бўлган эди, кўзига ёш келмади, гапирай деган эди, овози ҳам чиқмади.

— Ҳелвет, Омонлиқни келин билан бирга уйига олиб бориб қўй, — деди шайх ўғлига қараб.

— Тақсир, бахт косаси азалдан ярим қилиб яратилган экан-да. Мен сира тугал хурсандчилик кўрмадим. Ўша ярим хурсандчилигим ҳам, мана энди, кўзёши билан алмашинибди, — деб Омонлиқ афсус билан бошини чайқаб, хонадан чиқиб кетди.

— Ярим бўлса ҳам, хурсандчиликнинг бориға шукур қил, — деб қолди Мурод шайх орқасидан.

* * *

Оқбийдай хафа.

Омонлиқ хафа.

Иккаласи ҳам бир-бирининг кўнглини кўтаришга, дардини енгиллатишга, ҳаракат қиларди. Бир-бирларини тушунишмайди. Иккаласи икки томонда бошқа-бошқа ётарди. Иккаласининг ҳам хаёли ўз ташвиши, ўз ғамғусаси билан банд. Оқбийдай эрига содиқ қоллолмагани учун куяди. Уруш вақтида у зўрлик билан олиб кетилди, бир лашкарбошига уч кун хотин бўлди. Ноиложликдан эрининг кўзига чўп солгани учун ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлган эди. Лекин иложини қилолмади. Бўйнига солган рўмолини тортиб олиб, қўлини орқасига қайириб боғлаб қўйишди. Шундан кейин Оқбийдайнинг ўзини сира ёлғиз қолдиришмади. Доим ёнида одам бўлди.

Бухоро савдогарларининг карвонбошиси уни олиб келаётганида нима учун, қаерга кетаётганини билмасди. Йўлда карвонбошининг ўз шериклари билан ўзбекчалаб гаплашган гапларидан «мен сотилган эканман», деган хаёлга борди. Кейин билса, сотилмаган экан. Энди унинг бировга қараши, эрига кулиб боқиши мумкин эмас. Ахир, қандай кулиб қарасин? Кулги юракдан чиқади, юракка доғ тушса, кулгининг тамом бўлгани!.. Оқбийдай шуларни ўйлаб, хаёли чарх уради. Битгаю битга йўл — ўлиш. Омонлиқнинг «севгилим... мен учун сен бебахосан, яккаю яғонасан...» дегани юракбағрини ўртаб юборяпти. Бечора эри кошки билса?.. Лекин у, бари бир, ёмонликни раво кўрмайди. Кўнгли жуда соф, тоза одам. Душман нечук зиён-заҳматсиз қўйиб юборибди, деб ўйлармикан-а? Наҳотки? Душман наҳотки душманлигини қилмаса-я? Эҳ, бечора бегим... Ундан кўра ҳозир ўрнидан туриб урса, урса... Аямай урса... Ўз қўли билан ўлдирса!.. Шунда гуноҳидан пок бўлармиди?!

Омонлиқ бу гаплардан беҳабар, бу дунёдан нолиб ётарди. Етимликда ўсиб, энди оғзим ошга етди деганда, бурни қонаб, бахт косасининг чайқалгани нимаси?.. Ҳозир у Мурод шайхга айтган гапини ичида такрорлади: «Нима учун хурсандчилик сира бутун бўлмайди? Доим яримта, доим яримта. Худонинг қаҳри ҳам меҳри каби шунчалик қаттиқми? Намунча ҳаддидан ошаркин-а? Ёлғизгина жигари кўз олдида юрса-ю, тўрт мучали бут бўлса ҳам ҳаддидан ошмасди. Фақат қаноатнигина бутун бериб қўйган худонинг бисотида хурсандчилик ҳам бормикин? Бахти шундай ҳам ярим эди, энди унинг ярмини ҳам олиб қўйибди. Худо ҳамма нарсага қодир экан-да...» Омонлиқ шуларни ўйлаб, ичидан эзилади, яхши ниятлар қилади, эслайди. Фақат яхшилиқни ўйлайди. Қандай қилиб ўзини юпатса-ю, севгилисининг кўнглини олса? Буни ўзи ҳам билмайди... Нима бўлса ҳам эркак-да! Ёнида аёл тўлганиб ётганда эркакнинг тўнкадай бўлиб ётавериши ярашмайди. Омонлиқ бошини кўтарди. Хотинига ялинди:

— Оқбийдайим, кўтар бошингни!

Оқбийдай истар-истамас бошини кўтарди. Кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетибди. Омонлиққа тик қаролмай, юзини ўгирди.

— Ундай қилма, жонгинам! Иккаламиз шундай ётаверадиган бўлсак, бизни юпатадиган одам йўқ. Олмагул бўлса, кетган. Тур, белингни боғла.

Оқбийдай Олмагулнинг қаёққа кетганини, нима сабабдан кетганини, ким юборганини билмас эди. Бу оламдан воз кечган одамга буларни билишнинг нима кераги бор? Сўраганда ҳам, сўрамаганда ҳам, барибир, кўнгли юпанмайди, эрига яхшилик қилолмайди. Кўзини қоронғилиқ босган одам ўзини қаерга уриб олса ҳам барибир эмасми? Авваллари роса кўзёши тўкди, энди ёш ҳам чиқмай қолди. Бир қўлига суяниб туриб ўтирди. Чакка томирлари бўртиб, чўпдай бўлиб озиб кетганини, пастки лаби тарам-тарам ёрилиб ётганини Омонлиқ энди кўрди.

— Жонгинам, тобинг бўлмадимми?

— ...

— Мени соғинмадингми?

— ...

Оқбийдайдан садо чиқмади. Омонлиқнинг хаёлига ҳар хил гаплар келди. Ғойибхоннинг бир вақтлар: «Маманнинг исқирт божаси...» дегани эсига тушиб кетди.

— Маманни соғиндингми?

• — Маманни бир мен эмас, бутун юрт соғинган.

— Гапирсанг-чи, жоним...

Оқбийдай яна жим бўлиб қолди. Омонлиқ уни кучоқламоқчи бўлиб, ёнига яқинлашган эди. Оқбийдай унинг кўнглидагини пайқаб, дир-дир титраб, орқага тисарилди. Бурчакка қочди. Омонлиқ ҳайрон бўлиб қолди.

— Юрт азоб-уқубатда қолгани учунми?.. Отанг берган ўтов ёниб кул бўлгани учунми? Олмагул йўқолганигами?.. Айт, гапир, гўзалим, ё менинг қашшоқлигимга шундай қиляпсанми?.. Йўқ, Оқбийдай, сен буларни ўйлама, ўйнаб-кулай, яхши кунларга етай деб ният қил! Биласанми, мен доим ширин орзуларга бериламан, ўша орзуларимни ўйлайман. Неғалигини ўзим ҳам билмайман. Лекин ўшандай кун келишини кутаман. Сен ҳам шундай қил. Одам эртани ўйласа, дунёда яшагиси келаверади...

Тешик мешнинг тиқини олингандай, Оқбийдайнинг кўзларидан ёш куйилди. Ўпкасини босолмай, ўкраб-ўкраб йиғлади. Омонлиқнинг ҳам кўнгли бузилиб кетди.

— Йиғлама, жонгинам.

— Мен йиғламасам, сен йиғлайсан... Мен орзу қилиб бўлдим, бегим... Ҳозир суратимгина одам, холос. Бошимни рўйирост кўтариб юролмасам, бегуноҳ ерни босиб, ҳаром қилсам, яшаб ҳам нима қиламан. Мени

олиб келишнинг кераги йўқ эди. Мен келмаслигим керак эди, билмай келиб қолдим. Отам доимо хотин йигитнинг умр йўлдоши, суянган тоғи дер эди. Суянган тоғнинг бошида қор бўлса, бир кун эмас-бир кун этаги сел бўлади, бегим. Сен суянган тоғ тепасида қор пайдо бўлди. Нимасини яшираман, бегим, мен душман қўлида бегонага хотин бўлдим.

Омонлиқ аъзойи бадани титраб, тура солиб хотинини бир тепди. Бусиз ҳам ранг-рўйи заъфарон бўлиб, териси бориб суягига ёпишган дала гули сўлий бошлаган эди. Бир тепкидан хазондай учиб, йиғлашга ҳам ҳоли келмай, ияги титраб, ётиб қолди. Кўзёшлари яна қуриб қолди.

— Ур, ур, теп, бегим, аяма! — деди гужанак бўлиб. — Сенинг тепкинг силагандай гап, зинҳор аяма! Таёқ олиб келиб беришга мадорим йўқ, яна теп, яна теп, бегим, яна ур! Ҳеч бўлмаса, гуноҳимни енгиллатиб ўлай!

Оёқларини зўр-базўр босиб турган Омонлиқ мадори қуриб, хотинининг оёқ томонига йиқилди. Кучи етганича қўли билан урди, урди...

— Ҳай, ҳай, жоним ҳузур қияпти, қаттикроқ ур, бегим, бегим... бегим... — Оқбийдаининг овози эшитилмай қолди. Омонлиқ ўртаниб тўлғанди, ингради. Ҳолсизланиб алланималар деб шивирлаётган хотинини ортиқ урмади. Икки чаккасини чангаллаб:

— Эй худо, сўқир бандангни ўзинг кечир! — деб ёнига йиқилди. Омонлиқ батамом ҳолдан тойган эди. Шу ётганича кечга томон ўзига келди. Оқбийдайга қаради. Унинг кўзлари очиқ эди. Очиқ кўзларидан тинмай ёш оқарди. У хотинига диққат билан, сўнгги марта кўраётгандай астойдил тикилиб қаради. У ҳеч қачон хотинига бундай тикилмаган эди. Қоқ суяк бўлиб қолган хотинини энди кўргандай бўлди. Тим қора сочлари орасида оқ толалар пайдо бўлибди. Ўн етти ёшида сочлари оқариб ўтирса-я! Омонлиқнинг хотинига раҳми келиб кетди.

— Кел, жонгинам, мен сени кечирдим. Шуни билиб қўй, айб менда, ўзимда! Гапимга ишон, тур! Гулни яхши кўрган одам, тиканига чидайди, гўзалим, бошингни кўтар. Азалдан худо ўзи дунёни шундай яратган. Бол ўрнига оғу, кулги ўрнига кўзёши. Тура қол. Ўтинаман, бўлиб ўтган ишни сира ёдингга олма, менинг ҳам эсимга солма. Ёмон кунларни унут, Олмагулни ҳам эслатма.

Оқбийдай дир-дир титраб ўрнидан турди, бироқ оёқларини босолмай, гандираклаб ўчоққа йиқилди.

Омонлиқ уни қўлтиғидан олиб келиб, чайла деворига суянтириб қўйди.

Ташқаридан гаплашиб келаётган Кўнглимжойларнинг овози эшитилди.

— Ҳозир Омонлиқдан сўраймиз. Бир кўзининг қорачиғидан айрилган, бир кўзи соғ. Соғ кўзини ҳам баъзан оқ парда қоплаб олади. Лекин, барибир, жонли махлуққа раҳм-шафқат қилади...

Кўникиб қолган, ҳазил-кулгилари билан доимо чайлани бошларига кўтарадиган дўстларининг овозларини таниб, эр-хотин жой-жойига ўтирди. Оқбийдай йиғлаганини билдирмаслик учун, кўзёшларини кенг енгилар билан артди.

Салдан кейин Кўнглимжойлар кириб келишди. Бектемир қўлидаги бир парча тузланган гўштни Оқбийдайга узатади.

— Ёзилишиб ўтириб, бир шўрва ичайлик деб келяпмиз, янга.

Оқбийдай ерга суяниб ўрнидан турди.

— Ўтин кўтаргудек ҳолим йўқ, иним. Ёрдамлашиб юбора қол.

— Ие, Омонлиқ, бу қанақаси? Пиёла ювганмисизлар. Ё хотининг урдими? Ҳа, Оқбийдай?! Мен шуни билганим учун ҳам уйланмай юрибман-да. Ё хотининг сени уради, ё сен хотинингни урасан, ишқилиб, бир бало бўлмай иложи йўқ... Ҳа, ўтовингиз ёниб кетганига биргалашиб йиғладиларингми? Аввало, оила қурмаслик керак эди. Бойиган одам қизганчиқ бўлади...

— Ундан кўра кўчада айтиб келаётган гапингни таомласанг-чи, Кўнглимжой, — деди Омонлиқ зўр-базўр жилмайиб.

— Э-ҳа, жуда қизиқ гап. Фақат ақлли йигитларгина менинг гапимни маъқуллашади.

— Кўп кўпиртираверма...

— Майли, кўпиртирмай гапира қолай... — деб Кўнглимжой олдинроққа сурилди. — Оқбийдай, жигар, шундай шўрва пиширки, чаккамизга уриб-уриб ичайлик.

— Унақа бўлса, бемаза қилиб пишираман, — дея Оқбийдай ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди.

— Унда Бектемирнинг чаккасига уриб ичамиз.

Болалар гур этиб кулиб юборишди. Чайладан хошлик кўтарилгандай бўлди.

— Бектемир, сен оловни ёқавер. Омонлиқ, биз бир нарса устида тортишиб қолдик. Мен худонинг кўзи бор десам, мановилар ишонишмайди. Сен нима дейсан? Кўзи борми, йўқми?

— Бор. Йўқ бўлса, биров йиглаб, биров кулармиди? — деди Омонлиқ нимага шама қилинаётганини тушунмай.

— Мана бу дононинг гапи. Мана бу зумрашалар худонинг кўзини кўрмадик дейишади. Кунда кўриб юришибди-ку. Сен Омонлиқ, бир ўйлаб кўргин-а. Мен худонинг кўзини топдим. Ия, сенинг ҳам мўйловинг қимирлади-ку. Кулмоқчимисан? Ҳозир айтсам, ақлинг бўлса, қойил қоласан. Намунча ичинг пишмаса? Айтмай бир куйдирайми сизларни? Худонинг кўзи иккита. Бир кўзи сўл, бир кўзи ярақлаб турибди. Қани, топчи. Сизларга нима девдим, жим, нега имлашасизлар? Яхши, ўзим айтиб бера қолай. Худонинг соғ кўзи — кун, нур сочса кўзи — ой. Агар иккала кўзи юмилса, бизларга яхши бўларди. Жинни бўлиб қолибди деб, кўзингни олайтирма, ўғирлик қилишимизга яхши бўларди, деяпман.

— Мастмисизлар...

— Ҳа, мастмиз. Баҳоргача муртимизни болта кесмайди.

— Ундан кейин-чи?

— Яна ёғингарчилик бошланади...

— Бойўғли! — деди Омонлиқ зардаси қайнаб.

Бу сўзнинг маъносини Кўнглимжойга тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Йигитнинг юрагига ханжар қадалгандай бўлди, юзига қайғу кўланка ташлади, сокинлик чўзилган сари санчилган ханжарни суғуриб олиш ўрнига биров уни у ён-бу ёнга бураётганга ўхшарди. Тор пешонаси тиришди, қовоғи уюлиб, қисик кўзларини юмди, узатиб ўтирган кир оёқларини тошбақадай тагига тортди.

Бир ўчоққа ўтин ташлаб, бир Кўнглимжойга қараб ўтирган Бектемирга жон кирди.

— Ҳа, Кўнглимжой, ўргимчак домига илинган пашшадай, қанотларинг қимирламай қолдими?

— Тур, оловни ўзим ёқаман.

Кўнглимжой ўчоқ тепасига бориб, Бектемирни нари сурди. Бектемир тиржайиб, бориб кўрпачага ўтирди.

Ўз айбидан ўзи хижолат бўлиб ўтирган одамга яна дакки бериш, уйимдан чиқиб кет дегандай бўлмасин,

деган хаёл билан, Омонлиқ аввалги гапни давом эттирди:

— Худони асраб турган кўзлар ҳам борлигини биласизларми?

Болалар ханг-манг бўлиб қолишди.

— Худони асраб турган одамларнинг кўзлари. Қандай дейсизларми? Одамларнинг кўзи — осмондаги юлдузлар. Ўғирлик қилганингни ўшалар кўрса, худонинг ўзи кўргандан ҳам ёмон. Охират азоби бор...

— Ўғирлик қилишга мажбур қиладиганлар ҳам ўша одамларнинг ўзлари... — деди Кўнглимжой.

Ҳамма жимжит бўлиб қолди.

Қозондаги шўрванинг милдир-милдир қайнаши эшитилиб турарди. Оч болалар бўйнилари чўзиб қозонга қараб-қараб қўйишарди. Кўнглимжой хонага чўккан жимликни ҳам, елкасидаги оғирликни ҳам кўтариб ташлаш йўлини топди.

— Оқбийдай, қозоннинг қопқоғини ёпиб қўймансанг, манавиларнинг авзойи чатоқ, тағин битта-яримтаси қозонга тушиб кетиб, бирга пишавермасин...

Болалар кулишиб, ўзларини қозондан нари олишди...

18

Маманнинг бадани илигандан кейин ҳам анчагача гапиролмай ётди. Овулдагилар ташвишга тушиб қолди. Ҳар куни одамлар Маманнинг ҳузурига келишар, кўнги сўрашар, бирон янгилик эшитиб қолармиканми, деб умид қилишарди... Маман қимирласа, улар ҳам қимирлаб, кўзларини ундан узишмасди. Маман эса ҳамон алаҳларди. Куйиб-пишиб, кимларгадир ўшқирарди: «...умид қоғози... халқимнинг умид қоғози бу... ишончли одамлар берган... кўлингни тегизсанг, кўр бўласан... кўр...»

Ниҳоят Маман кўзини очди. Унга термилиб ўтирганлар севинишиб, бир-бирларига қарашди. Маман эса атрофидагиларни таниёлмади, кўзларини катта-катта очиб, ҳаммага бир-бир тикилди. Унинг кўзларида жабр-жафо эмас, балки ғазаб-нафрат ёнарди. Одамлар унинг нафратли кўзларидан чўчиб, ўзларини орқароққа олишди. Маман лабларини қимирлатди. Ҳаммалари қулоқларини тутишди. Лекин нима деганини тушуниб бўлмади. Мурод шайх заранг косага сув қуйиб, Маман бийнинг оғзига тутди. Маман сувни шундай

ютоқиб ичдики, одамларнинг назарида у товоқни ҳам қўшиб ичиб юборадигандай эди. Йўқ. Маман ундай қилмади. Сувга қонгандан кейин, яна шилқ этиб тушди. Боши тақ этиб сандиққа тегди. Ҳаммалари унга ачиниб кетишди, лекин илож қанча? У боши оғриганини ҳам сезмай, яна босинқирай бошлади.

«Мен бутун қорақалпоқ элининг умидиман... Тегманглар!.. Мени ўлдирсаларинг ҳам, умид қоғозига тегманглар. Танамни чўқиган қаргалар ҳам олиб бориб беради элимга...»

Маманнинг узук-юлуқ гаплари ҳамманинг кўнглига гулгула солиб қўйди. Уй ичида бўлаётган гангир-гунгур гаплар ўтов керагасини суриб кенгайтиргандай, гўё тоғ акс садо бераётгандай, зилзила бўлаётгандай туюлди. Кечқурунги изғирин бу ўтовдаги гапни манзилдан манзилга, адирдан адирларга, элдан элларга олиб кетди. Мурод шайх Маманнинг бошини тиззасига олди.

— Эсингни йиғ, болам. Халқинг келиб, бошингда турибди.

Маман яна сув сўради. Шайх яна бир коса сув тутди. Маман юзини сувга тегизиб, қушдай силкинди, кейин уйқудан янги уйғонган одамдай, атрофга аланглади, ўз халқи орасида эканига ишонч ҳосил қилди. Энди йўлга кирган боладай чайқалиб ўрнидан турдида, Мурод шайхнинг оёғига йиқилиб, этагидан ўпди.

— Шайх ота, мени кечиринг, айтинг, халойиқ ҳам мени кечирсин.

Ёш бийнинг бундай йиғлаганини сира кўрмаган одамлар унга қўшилиб, унсиз йиғлашди.

— Ўрнингдан тур, бий болам, — деди шайх. — Элга бошлиқ бўлган одам кўзи билан эмас, қалби билан йиғлайди. Тур ўрнингдан, атрофингда халқинг ўтирибди.

Маман бий аста ўрнидан туриб, атрофидагиларга қайта-қайта таъзим қилди.

— Халойиқ, ёр-биродарлар, эл бошига тушган мушибатдан хабардорман. Лекин вақтида етиб келолмадим. Кечиринглар. Душман қўлига тушиб қолдим...

Маман халқи топширган вазифани адо этиб қайтаётган эди. Петербургга эсон-омон етиб борди. Россия подшоси Елизавета Петровна ҳузурда бўлиб, унга арз-ҳолини билдирди. Подшонинг ўз оғзидан, энди қорақалпоқлар рус подшолиги билан иттифоқдош бўлади, қорақалпоқнинг фарзанди йиғлагани ўз фар-

зандимизнинг йиғлагани, деган ишончли ваъдасини олди. Шундан кейин у подшога Фойибхоннинг топширигини, яъни қорақалпоқларни бир ерга тўплаш ва чегарани кенгайтириш ҳақидаги илтимосини айтди. Елизавета Петровна бу илтимосни келгусида қаноатлантиришга ҳаракат қилишни айтди, чегарани кенгайтириш хусусига келганда, кулиб қўя қолди, бошқа ҳеч нима демади. Маман ҳам бу ҳақда қайтиб оғиз очмади. У қорақалпоқларга ортиқча солиқ солмаслик масаласини ўртага ташлаганди, Елизавета Петровна, «буни элингизнинг сабот-матонати ҳал қилади» деб бу масалани ҳам очик қолдирди. Ҳар ҳолда умид қилиб борган масаласи ҳал бўлди. Қорақалпоқлар рус подшолиги билан ҳуда-беҳуда урушмайдиган бўлди. Рус подшоси унга ўз ваъдасини тасдиқловчи ёрлик топширди. Маманга мукофот тарзида битта соябонли арава инъом этди. Қайтишда Дмитрий Гладишев билан Мансур тилмоч ва бошқалар унга ҳамроҳ бўлишди. Йўлда ҳамроҳлардан баъзилари касал бўлиб қайтиб кетишди, қолганлари Оренбургга эсон-омон етиб келишди. Кейин Дмитрий Гладишев Кичик юз хонлигига борадиган бўлиб қолди. Маман эса ўз ҳамроҳлари билан овулига қараб йўл олди. Улар шошилинич қайтишаётганди. Петербургдан айланиб юриб келиб чарчаганларига қарамай, кечасию кундузи йўлда эди. Қўш отлиқ соябонлик арава йўлда шақир-шукур қилиб, қорни гирчиллатиб келаётганида қоронғида тўсатдан олдиларидан бир тўп отлиқ чиқиб қолди. Улар ҳеч нимани суриштирмасдан бири аравадан отларни бўшатди, бошқалари соябонни очиб, найза ўқталиб, ўтирганларга туш деб ўдагайлашди.

— Йигитлар, бу арава оқ подшоники, — деди Маман шундай десам қўйиб юборишармикин деган умидда.

— Биламиз, Маман бий, шунинг учун ҳам тушасан, — деб бақирди улардан биттаси.

— Подшонинг аравасига хўжайинлик қилишга ҳаққинг йўқ. Кучинг бўлса, кўрсат, бўлмаса аравадан туш, — деб қичқирди иккинчиси.

— Ади-бади айтишиб ўтирасанми, найза билан тушир, вассалом, — деб орқа томондан биттаси найза санчди. Найза Пўлат ясовулнинг биқинига қадалди, ясовул бир оҳ, дедию, йиқилди. Маман чаққонлик билан биттасининг қўлидан найзасини юлиб олди-да, аравадан сакраб тушди. Касал бўлиб келаётган Соғиндик баҳодир ҳам биттасини кучоқлаб, аравадан йиқил-

ди. Найзавозлик бошланди, ammo бундан наф бўлмади. Пўлат ясовул шу ерда жон берди. Соғиндиқ баҳодир биттасига ёпишганича тамом бўлди. Маман бий газабланди, бўш келмасликка ҳаракат қилди, бироқ кўпчиликка бас келиш қийин эди. У ҳам босқинчиларнинг таёғидан йиқилди.

Подшо берган ёрлик ички кўйлагига тикилган эди. Қароқчилар аравани остин-устун қилиб, ёрликни топишолмади. Кейин Маманга дағдаға қилишди.

— Йўқ! — деди Маман қисқа.

Қароқчилар ишонишмади.

— Бермасанг, ўласан!

— Ўлмайман, ўлмайман! Сизнинг ўлдиришга, менинг ўлишга ҳақим йўқ! Умид қоғози... бу халқимнинг умид қоғози. Буни оқ подшо берди. Унга кўл тегизсаларинг, кўр бўласизлар, маллавоилар адабингизни беришади... дўстларимиз тинч кўймайди сизларни...

— Довюрак эканми! — деди қароқчилардан бири истехзоли кулиб.

Тонг ёришиб, одамни одамдан ажратадиган пайтда, Маман ўша «довюрак эканми», деган одамни таниб қолди! У ҳу анавинда молларни ҳайдаб кетган отлиқлардан бири эди.

— Ўз уясини талаган қашқирлар! — деди Маман титраб. Қора отлиқ хафа бўлиш ўрнига қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Доно, ҳов ўшандаги гапинг эсингдами?

— Ўшанда тулки бўлиб, думингни қисиб кетганинг эсингдами? — деди Маман ҳам бўш келмай.

— Доно бий, бўйнингда арқон, оёғингда қопқон бўлагуриб, ўжарлик қилишинг ярашмайди. Ютқаздинг, доно бий. Кўзёшига ер чидаш беролмай, ўпирилади, деган эдинг. Элингнинг кўзёши у ёқда турсин, қони дарё бўлиб оқди. Ер ўпирилмади.

— Эй нодон, кўр каламуш!

Қора отлиқ аламига чидамай боғлоғлик ётган Маманнинг оғзига тепди. Маманнинг курак тиши синди, оғзи қонга тўлди.

Қароқчилар Маманни юмалатиб тепиб, уст-бошини ечинтириб, ёрликни топиб олишди.

Аравага ўт кўйиб юборишди.

— Ахир сизлар ҳам ўз юртларингнинг азаматларисиз-ку. Менинг шўрлик элимнинг умидига тегманглар. Ўзимни ўлдиришлару, ammo шартномага тегманглар. Ўзим билан қолдиришлар...

Қароқчиларга гап таъсир қилмас эди. Улар шошилич отларига минишиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Маман қанча вақт ётганини билмайди. Бир оз кўзи илинибди. Танаси музлаб қолган бўлса ҳам, ҳали сезишга қодир эди. У аста-аста судралиб олдинга интилди. Ундан кейин нима бўлганини билмайди. Омонлиқ уни қаердан топиб олганини ҳам билмайди. У бу воқеаларни кўрққанидан эмас, эслашга номус қилгани учун тилга олмоқчи эмасди. Аммо на чора, айтишга мажбур...

— Мен тортган жабр-жафолар сизлар кўрган мусибатларнинг учкунича ҳам келмайди, Қадрдонларим, мени кечиринглар, — деб яна таъзим қилди уларга Маман бий. — Мана, бошингни кесамиз десаларинг, тайёрман. Кучсизлик қилиб, оқ подшо имзолаган шартномани кўлдан бериб қўйдим. Умид қоғозидан айрилдим.. — Маман бошини этганича тураверди. — Халқ умиди ҳеч қачон йўқолмайди, бунга имоним комил, — деб яна такрорлади у. — Айтинглари-чи, элу юртим, халқимнинг умидини йўқ қилиш мумкинми, ахир?

Тўпланганлар лом-мим дейишмади.

— Йўқ, халқ умидини пучга чиқариб бўлмайди. Ўлмайди, — деди Омонлиқ. — Қоғоз йўқолса ҳам подшо лафзидан қайтмас ахир?!

Маман бийга сал жон киргандай бўлиб, қаддини ростлади. Тўпланганларни бирма-бир кўздан кечирди. Уларнинг ораларида кўпчилик кўринмасди, улар куни кечагина бўлиб ўтган машъум жангда ҳалок бўлганини фаҳмлаб, Маман хўрсиниб қўйди. Кейин у сиз нима дейсиз дегандай, шайхга қаради. Шайх одамларга сир бой бергиси келмай, ўзини дадилликка олди.

— Гапи бўлмаса — тил, карвони бўлмаса — йўл хароб бўлар экан, азизларим, кўп қайғураверманглар. Ер осмондан нима тушса, шуни кўтаришга яратилган.

Шундан кейин шайх афсусланиб баъзиларнинг бошпана излаб Хоразмга, баъзиларнинг юқори Жунгорга, баъзиларнинг Хитойга, баъзи бировларнинг эса Бухоро томонларга кўчиб кетганини гапириб берди.

— Ғойибхонни ўлдирмаслик керак эди. Ҳаммаси бебош қолганимиздан бўлди, — деди у гапининг охирида.

Оталари жангда қазо қилган ёш бийлар билан кекса бийлар шайхнинг гапидан нуқсон тополмай, бош эгишди.

— Эсенгелди эс-хушли йигитлардан эди. Кетиб қолибди-да, — деб афсусланди Маман. — Тақсир, билишимча, у қадамини ўйлаб босадиганлардан эди, бир сабаби бўлса керак.

— Майли, энди ўкинишнинг фойдаси йўқ, аслини олганда, хонсиз ўтган кунларимиз ҳам булутсиз кунлардек бўлди-ку, — деб қўйди кекса бийлардан бири.

— Кўкрагимизга шамол тегиб, анча эркин нафас олиб юрибмиз, — деб Эсим бий ҳам кекса бийнинг гапини маъқуллади. Мурод шайх ўзига қарши айтилган фикрлардан жаҳли чиқмаган бўлса ҳам, оғир хўрсиниб қўйди.

— Балки шундайдир, азизларим. Менга ҳам осон. Бироқ лекини ҳам бор-да. Бошлиқсиз оломон бамисоли чўпонсиз пода бўлади.

Уй ичига яна сукунат чўмди. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди. Одамларнинг маржон-маржон терга ботиб, қийналиб ўтиришганини кўрган шайх эшикни бир оз қиялатиб қўйишни айтди. Ташқаридан изиллаб кирган муздай шамол ёзилиб ўтирганларни бир оз ўраниб-чирманишга мажбур қилди. «Бир қарорга келолмай тарқалишмасак эди», деб гумонсирай бошлаган бийлар, Маман бийдан бирон ақлли маслаҳат чиқармикан, деган умидда унга тикилишди. Совуқ шамол кириб тетиклашган Маман юрт ундан бирон маънилик маслаҳат беришини кутиб ўтирганини тушунди.

— Қадрдонлар, мен рус подшосининг пойтахтидек гўзал шаҳар кўрган эмасман. Улардан кўп нарсаларни ўргансак бўлар экан, халқни халқ қиладиган илм-ҳикмати, билими бор экан. Шу важдан Петербургга болаларимиздан юбориб ўқиттирсак, деган фикр билан қайтган эдим... Бари... бари... Йўқ, қайғурманглар. Мен бир халқ бошқа халқдан ортиқ ё кам бўлмайди, деб эшитган эдим. Оз бўлсак ҳам, оламга кучимизни кўрсатамиз. Сал эс-хушимизни йиғиб олайлик, куч тўплайлик.

Одамлар бирин-кетин ўринларидан туриб, тарқала бошлашди. Маман бий билан Мурод шайх кенгашиб, фурсатни қўлдан бой бермай, излар босилиб кетмасидан шартномани қидиришга жазм этишди.

Овуллардан овулларга жарчилар чопишди.

— Кимнинг оти бўлса, кимнинг юрагида элига муҳаббати бўлса, Маман бийнинг ҳузурига келсин. «Катта умид қоғози» изланади. Шартноманинг шартли номи шундай...

«Катта умид қоғози» ҳақидаги хабарни эшитган йигитлар гуррос-гуррос келаверди. Улар тўп-тўп бўлишиб, «Катта умид қоғози»ни излаб кетишди.

19

Қадрли ўқувчим, шундай қилиб, 1743 йилдаги Абулхайроннинг босқинчилик уруши 1723 йилдаги «Оқтобон уруши» номи билан оламга машҳур бўлган жунғорлар урушидан сира ҳам кам бўлмади. Қорақалпоқ эли яна ҳар томонга тўзиб кетди. Биров ўз ихтиёри билан, биров ноиложликдан жунғорлар билан хитойлар тарафга, баъзилар Афғон элига, Бухоро томонга, халқнинг яна бир бўлаги Хоразм ёқларга қараб кўчиб кетди. Халқнинг учдан бир бўлаги ўтирган ерида турғун бўлиб қолди. Улардан ҳар бирининг тақдири ҳақида ҳикоя қилиш сизга ўкинчдан бўлак ҳеч нарса бермайди. Ундан кўра сизга Маман бий кўнгил кўйган хонадоннинг аъзоси Олмагул ҳақида ҳикоя қила қолай. Сотилган бўлса ҳам қорни тўқларга сотилди. Қорни тўқлик — қайғуси йўқлик. Ғам-ташвиш тез қаритади. Балки Олмагулнинг бошидан кечирганлари девона бўлиб кетганларнинг тақдиридан енгилроқ бўлар. Бунинг устига қочганнинг оти қочоқ, девонанинг номи девона, тақдирдош...

Бухоро амирининг карвонбошиси ҳар сафар амирга совға олиб бориб ўрганган. Совғаси новдадаккина сулув қизлар. Амир турли халқларнинг қизларини иси бошқа гул деб суяди. Сахийлик билан карвонбошининг елкасига чопон ташлайди.

Карвонбоши ўлжасидан хурсанд: қадди-қомати келишган бир қизни олиб кетяпти. Ювинтириб, янги либослар кийдирилса, нақ парининг ўзгинаси.

— Тошмат! — деди у овози титраб. — Амир бу сафар қанақа чопон кийгизаркин?

— Нима учун?

— Хомқалла!

— Кийдирмайди, — деди Тошмат. — Биз сафарга чиқишимиздан олдин юртимизга паноҳ излаб борган қорақалпоқларнинг ўн икки яшар бир қизини саройга олдирган эди-ку.

Карвонбошининг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди.

Чиндан ҳам шундай бўлган эди. Бир марта гул узган боғидан яна гул олиб борса, сарпо кийиш у ёқда турсин, амирнинг ғазабига дучор бўлиб қолиши мум-

кин. Шунинг учун карвонбошининг хаёлидан бу гунчанинг исини ўзим ҳидлай қолай деган фикр ўтди.

Олмагул олдинда кетаётган туя устидаги кажавада эди. Жаҳд устидан ўзини туянинг устидан ташлаб юбормасин деган хаёлда кажава ёнига қўллари боғлаб қўйилган эди. У юртидан жўнаганда роса йиғлади, йиғлайвергани билан кўзёши адо бўлмади, янги очилган булоқдай, кўзидан ёш оқаверди. Икки юзи қипқизил. Аввалига қўлларини бўшатишга ҳаракат қилиб кўрди, иложини қилолмади, шундан кейин кучи яна йиғига етди, охири чарчаб ухлаб қолди. Карвонбоши билан Тошмат гаплашганда, у уйқуда эди. Карвонбоши нияти бузилиб, қизнинг ёнига ўтирди-да, юзларини силади. Қўлини аста кўкрагига олиб борди. Олмагул чўчиб, «вой, ота!» деб қичқириб юборди-да, кўзини очди.

Карвонбоши шу ёшга етиб «ота» деган сўзни эшитмаган эди, эти жунжикиб, чўчиб тушди. «Бу гулни ўзим ҳидлай қолай», деган нияти саробга айланиб, жун босган қўллари қалтиради, кажавадан тушиб кетай деди.

— Қўрқма, қизим! — деди жонҳолатда.

Нега «қизим» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Бу гапни айтиб қўйгандан кейин, ноилож бояги фикридан қайтди. Қўлини қиздан олиб, кўзлари ўлик мушукнинг кўзларидай, бақрайиб қолди.

— Ота, раҳмингиз келсин, ҳали ҳам бўлса, ташлаб кетинг, элимни топиб бора оламан, — деб ёлборишга тушди Олмагул. — Барака топинг, ота, ташлаб кетинг. Менга ўхшаган қизингиз бордир ахир. Илоҳи бахтли бўлсин, имонингизни берсин. Ҳар куни ҳақингизга дуо қиламан, ота. Худога минг қатла шукур қилиб, худодан сизга имон тилайман. Отажон, агар қизингиз бўлса мени ҳам ўшандай кўриб, раҳм қилинг, ташлаб кетинг...

Карвонбоши нима дейишини билмай қолди. Қовоқлари уйилди. Кажаванинг орқа тешигини очиб, қизил кумни қоқ ёриб келаётган карвонга назар ташлади. Юздан ортиқ туяси ипга тизилган мунчоқдай бир-бирига эргашиб, салмоқлаб одимлаб келарди. Карвонбоши хаёлга чўмди: шунча туяга ортилган юкдан қанча фойда чиқаркин? Фойда унга тегмайди. Ҳаммаси амирнинг тубсиз хазинасига тушади. Шунча кечаларни бедор ўтказиб, татарлар билан бошқирларнинг юртида бир танга учун кекирдагини чўзиб, талашиб-тор-

тишганларидан унинг ҳамёни қаппаймайди. Бухорога қайтиши билан амирнинг қўлига қарайди. Амир муруват қилсагина хазинани тўлдираётган бу одам елкасига битта чопон ташлайди, бўлмаса йўқ. Ўша чопонни ўзи сотиб олса бўлмайдими? Қанча фойда келганини тўрт девор ичида ўтирган амир қаёқдан биледи? Энди бу қизни амирга олиб боришдан фойда йўқ. Яна бу қиз тушмагур уни «ота» деб қўйди. Ўзи ҳам ўйламай-нетмай «қизим» деб юборди. Энди зино қилиш гуноҳ. Ўзининг ўртанча қизи бу қиздан икки ҳисса катта. Йўқ. Бундай ёвузлик, юзсизлик фақат амирларга, хонларга хос. Халқ уларни кечиради. Биз эса уларга олиб келиб беришга мажбурмиз. Худонинг ердаги сояси амир, хон, подшолар бандаларига нима қилишса ҳам ҳақлари бор. Биз бўлсак, оми одамлармиз. Омилардан хизмат талаб қилинади. Бу қизнинг илтимосини бажо келтириш керак! Ҳозир шу ерларда қолдириб кетса, адашиб ўлади. Йўлни тополмайди, қарға-қузғунларгами ё оч қашқирларгами ем бўлади. «Бу шўрликнинг уволига қолмайин, меҳнатим ҳам зое кетмасин. Бирон фойда кўрмасам, қандай савдогар бўлдим», деб ўзига-ўзи савол бериб, карвонбоши қиз томонга ўтирилди.

— Қизим, кўп йиғлайверма, илтимосингни бажо келтираман.

— Минг яшанг, ота. Уруғ-аймоғингиз билан дард кўрманг. Худо марҳаматидан дариг тутмасин. Болаларингизнинг орзусини кўринг. Чўрингиз бўлайин, ота...

«Чўрингиз бўлайин, — ичида такрорлади карвонбоши. — Қиз тўғри айтади. Сотиб юборсам худо олдида ҳам осий бўлмайман. Ахир унга меҳнатим сингли. Меҳнатим эвазига олганман уни. Энди чўрим сифатида сотаман...»

— Қизим, мен сени амиримизга бермайман, — деб карвонбоши қизнинг кўнглини кўтарган бўлди. — У золим. Ўтган сафар сотиб олиб бориб берган қизим ўлди. Қийналиб ўлди. Сенга ўхшаб, гулдаккина қиз эди.

У қизга далда бераман деб, даҳшатли воқеани ҳикоя қилаётганини пайқамас эди. Карвонбоши гапираркан Олмагул дир-дир титрарди. Бироқ ўша золимнинг қўлига тушмаслигидан севиниб, карвонбошининг оёғига бошини қўйди.

— Раҳмингиз келсин, отажон.

— Тур ўрнингдан, — деди карвонбоши. — Қўлингни ечиб қўй.

Карвонбоши қизнинг қўли боғланган қил чилвирни пичоғи билан кесди. Олмагулнинг кўзлари чақнади, кўзёшлари ювган юзлари гул-гул яшнаб, қорақалпоқ саҳросида тонгда очиладиган оппоқ лолага ўхшаб кетди. Олмагул карвонбошининг оёқларини кучоқлаб, маҳсисидан ўпди.

— Минг яшанг, отажон. Ўғил-қизларингизнинг роҳатини кўринг, бой бўлинг...

Карвон йўлида давом этди. Қиз ҳам тушириб қолдирилмади. Карвон Амударёнинг бўйига етгандагина тўхтади. Туялар чўкдирилди.

Карвонлар чодир қуриб, дам олиш ҳаракатига тушишди.

— Сен йиғлаб овозингни чиқарма, — деб тайинлади карвонбоши Олмагулга. — Кўзёшингни инобатга олдим. Сени Хива хонига олиб бориб бераман. У бизнинг амиримиздан дурустроқ. Ёш, чиройли йигит. Худойи таоло ёш хоннинг кўнглига раҳм солса, сени ўз элигга қайтариб юборади. Яқин қолди. Шердали бий бошчилигидаги беш юз уйлик манғитлар шу хоннинг қўли остида яшайди. Менга яхши таниш, қўлимда ўсган. Саройга олиб бориб қўй, деб тайинлайман.

— Минг раҳмат, отажон, — деб хурсанд бўлиб кетди Олмагул. — Шердали бий дедингизми? Шердали бийнинг номини эшитгандайман. Илоҳим умрингиз узоқ бўлсин. То ўла-ўлгунимча жойнамоз тепасида сизнинг дуойижонингизни қиламан.

Карвонбоши карвонларига сизлар дам олаверинглар деди-да, ёнига Тошмат билан уч йигитни олиб, Олмагулни Хива хонига сотиш учун дарёнинг нариги бетига ўтди.

Ўлжа қиздан карвонларнинг кўпчилиги хабардор эди. Лекин шунга қарамай, карвонбошининг кўзига ҳозир фақат қиз эвазига оладиган пули кўринарди. Бу-хорога борганимиздан кейин, бу гап амирнинг қулоғига етиб қолиши мумкин, деб ўйламади ҳам.

— Йигитлар, — деб шивирлади у йўлда шерикларига. — Бу қизни Элбарс хоннинг довдир ўғлига сотамиз. Юртимизга қайтганимиздан кейин битта-яримгаларинг оғизларингдан гуллаб қўядиган бўлсаларинг, нақ оёқларингни осмондан келтираман.

— Хўп бўлади, бегим, — дейишди шериклари.

Хон саройининг барча дарвозалари берк экан. Киришнинг сира иложини топишолмагандан кейин карвонбоши дарвозабонга дағдаға қилди:

— Ҳой, дарвозани оч. Биз Бухородан хонга совға олиб келяпмиз.

Дарвозабон дарвозани очиб, қўлда ойболтаси билан таъзим қилди, физиллаб ичкарига кириб, яна қайтиб келди-да:

— Хон ҳазратларининг ҳозир сизлар билан гаплашишга вақтлари йўқ экан, — деди.

— Ундай бўлса, кириб айтинг, совғага қиз олиб келганмиз. Қорақалпоқ саҳросининг ҳали ҳеч ким искаммаган бир гунча доласини олиб келдим. Бир назар солиб, сийловимизни берсалар, кетамиз.

Дарвозабон яна ичкарига кириб кетиб, бир пиёла чой ичилгудек муддатдан кейин зар ёқали камзул кийган бир одам билан қайтиб чиқди. Зар ёқали камзул кийган бу одам хоннинг ҳам ақли, ҳам хазинаси — бош вазир эди. Унинг чақчайган қип-қизил кўзлари Олмагулга тушиши билан бир ютиниб қўйди.

— Эвазига нима сўрайсиз?

— Элбарс хоннинг ўғли Абулғози Муҳаммадхон отасига ўхшаб ҳотамтойлик қилар деган умид билан келганмиз. Йўқса, ўз амиримизга олиб кетамиз.

— Лаган, — деди вазир ўйлаб ўтирмай.

Дарвозабон югуриб кетиб, бир лаган тўла танга олиб келди. Карвонбоши қизни бунчалик катта пулга сотаман, деб ўйламаган эди.

— Қиз шунчалик чиройликмиди? — деб сўради у қайтиб келаётганларида шерикларидан.

— Бундай сулув қизлар дунёга бир марта келади, — деди Тошмат. Бошқалар ҳам «ажойиб қиз экан» деб, танглайларини тақиллатиб қўйишди.

Карвонбошининг ичига гулгула тушиб, аъзойи баданини титроқ босди. Уни қизга ачингани ё бу сулув ўзига ҳам ёқиб қолганидан эмас, балки қўлига тушган тенги йўқ гўзални сотиб қўйганини амир эшитса, ҳолим нима кечади, деб қўрққанидан титроқ босган эди. Лекин сир бой бермади. Дарёдан ўтганларидан кейин, шерикларини тўхтатиб, ҳеч кимга оғизларидан чиқармасликларини яна қаттиқ тайинлади-да, олган пулининг қоқ ярмини учовига бўлиб берди.

* * *

Хоразмда Шерғози хондан кейин энг ношуд энг укувсиз хон Элбарс хон бўлди. У ишни хонликни кенгайтиришдан бошлади. Ороллик ўзбекларни бирлаш-

тирди. Жунгорлар босқинчилигидан кейин паноҳ излаб, сурила-сурила Орол бўйига келиб қолган қорақалпоқларни қўлга олди. Кейин Шердали бийни ўлдириб, бутун уругни фуқаролигига ўтказди. Қўшни хонликларга тез-тез хужум қилиб, зулмини ўтказиб турди. Бу Эрон шоҳи Нодир шоҳни ташвишга солиб қўйди. 1740 йилда бостириб келиб, ўн икки йилдан бери хонлик қилиб келаётган Элбарс хонни ўлдирди. Урушда анча кучсизланиб қолган Нодир шоҳ бу ерда узоқ ҳукмдорлик қилолмади. Рус подшосининг ёрдами билан хонлик қозоқларнинг қўлига ўтди. Кичик юзга Абулхайр хон бўлди. Лекин Нодир шоҳ таъсиридаги маҳаллий халқ орасида норозилик кучайиб, Абулхайр бир йилга ҳам чидамай тахтни ташлаб қочди. Абулхайрнинг ўғли Нурали Нодир шоҳ томонидан қўйилган Муҳаммад Тоҳирхонни ўлдириб, бир йил хонлик қилди. Бу ҳам узоққа бормади, русларнинг таъсиридан қўрққан Нодир шоҳ Хоразм хонлигининг жиловини ўз қўлида сақлаб туриш мақсадида Элбарс хоннинг довдир ўғли Абулғози Муҳаммадни хон қилиб кўтарди. Бу худди занжир каби орқама-орқа келаётган маҳаллий хонлар мақсадига зид келмади. Йигирма беш яшар хон Абулғози Муҳаммаднинг бўйи туюдай бўлгани билан ақли қисқалигидан ҳамма фойдаланди. Сарой аҳли қўлидан келганча даврон сурди. Нодир шоҳ истаганича иш тутди.

Ёш хоннинг отаси Элбарсхон ўта хотинбоз одам эди. Ўғли Абулғози унинг урушишдан мақсади — шу хотинбозлик деб тушунарди. Негаки, ҳар урушдан кейин сарой ҳарами янгидан-янги қизлар билан тўларди.

«Дунёнинг лаззати — ўн гулидан бир гули очилмаган қизни кучишда», — деб кекса хон бош вазирига мақтаниб ўтирганини кўп марта эшитган шаҳзода ҳам хонликни худди шу тарзда бошлади.

— Сулув қизлар учун хазинани аяган одам менинг душманам, — деб таъкидлаб қўйди у ҳам бош вазирига.

Бош вазир Олмагулни кўрганида сира ўйлаб ўтирмай, бир лаган танга бериб юборганининг боиси ҳам шу эди. Агар Бухоро савдогари қизни бермай кетса, бунга ҳеч ким ачинмайди. Бироқ хон шундай гўзални қўлдан чиқариб юборганини эшитиб қолгудек бўлса, вазирнинг кун битгани, дорга осилади.

Олмагул карвонбошидан ичида хурсанд бўлиб, хайрлашаётганда аста «рахмат» деб, кўзи намланган бўлса ҳам, оламга келиб кўрмаган хон саройига кир-

ганда ўзини беҳиштга кираётгандай сизди. Қани энди, шу беҳиштдагиларнинг кўнглига худо раҳм солиб, уни юртига қайтаришса, акаси, янгасини топиб беришса!

Қиз вазирнинг кетидан эргашиб келаётиб икки ёнига аланглади, назарида боғ ичига шўнғиб кетаётганга ўхшади. Вазир чурқ этмасди. Олмагул ундан яхшилиқ кутиб, орқасидан бирон нарса дермикин, деган умидда борарди. Вазир қоронғи даҳлиз билан келиб, бир нақшинкор эшикнинг олдида тўхтади. Қизга «кир» деб ишора қилди. Қиз тушунмади. Ҳайрон бўлиб, вазирнинг юзига қаради.

— Кир, киравер, — деди вазир.

Қиз эшикнинг зулфини ушлаб турди-да, очишга журъат қилолмади. Назарида эшикни очса, орқасида дўзах ўти ловиллаб тургандай эди. Вазир тоқати тоқ бўлиб, эшикни итариб очди-да, қизни яна «кир» деб имлади. Қиз кўрққанидан кўзларини бақрайтириб яна вазирга қаради. Вазир хонга аталган қизга қўл теккизишга ҳақи бўлмагани учун уни итариб киргизолмади, Олмагул буни билмай, «менга ҳар қанча ўқрайиб қарамасин, зўрлаб киргизишга оталик меҳри йўл бермаяпти, юмшаб қолса керак», деб ўйлаб, қимирламай тураверди. Шу орада ичкаридан бошига оппоқ салла ўраган, оқ чопонлик, соқол-мўйлови қирилган, кампирдаҳан, бели букур бир одам чиқди. Олмагул уни аввалига кампирми деб ўйлади. Бу одам хоннинг ҳарам оғаси эди. Ҳарам оғаси енгини тушириб, қизнинг билагидан ушлади-да уни зўрлаб ичкарига бошлади.

Ичкарида ҳеч ким йўқ эди, ҳарам оғаси билан иккови ёлғиз қолди. Олмагул ҳанг-манг бўлиб теварак-атрофига аланглади. Хона ичи турли жиҳозларга тўла, қип-қизил гиламлар, чўғдай полослар. Қиз буларни кўриб анграйиб қолди. Ўзининг қаерга келиб қолганини билолмай, туши ё ўнги эканини ажратолмай турганида ҳарам оғаси иккинчи эшикдан тоғора билан обдаста олиб кириб, унга «ювинасан» деб ишора қилди. Эркак одам у ёқда турсин, аёллар олдида ҳам бутунлай ечинмаган қизга бу ўлим билан баробардай туюлиб, аъзойи бадани титради. Қизнинг қимирламай турганини кўрган ҳарам оғаси келиб қизнинг тугмаларини ечди. Қиз ҳуши бошидан учиб, лол бўлиб турарди. Қизнинг кўйлагини ечдиргандан кейин ҳарам оғаси атрофида айланиб, келишган қадди-қоматига суқланиб қараркан:

— Еч! — деб лозимига ишора қилди.

Қизнинг эси чиқиб кетганди. Ҳарам оғаси «мени ўз онангдек кўр, уялма, жим тур, норасидам, жим тур» деб қиз атрофида парвона бўларди, ҳадеб пиқиллаб куларди. Қиз йиғлаб юборди. Ҳарам оғаси қиз устидан илиқ сув куйди. Бечора қиз уят-номусдан ўзига келолмас, атрофида парвона бўлиб, учиб-қўниб юрган чолни кўрмас эди. Илиқ сув қизнинг танасини яйратди, қўллари беихтиёр ҳаракатга келиб, оппоқ баданидан ўрмалаб тушаётган сувни нозик қўллари билан сидира бошлади. Гоҳида ўзидан ўзи уялиб, сийнасининг учига беихтиёр қўли тегиб кетса қитиғи келиб, бир сакраб, ҳингир-ҳингир кулади. Ҳарам оғаси бўлса, сувни яна ҳам кўпроқ куйиб, кўз очиргани кўймасди. Қизнинг назарида бу сув биров қуяётган сув эмас, беҳиштнинг суви бўлиб туюларди.

Қиз бўлаётган бу ҳодисаларга тушунолмаб, устидан куйилаётган сув тамом бўлган бўлса ҳам, катта мис тоғорада кўзини юмиб ўтираверди. Жимжитликдан фойдаланиб кўзини очди, қараса, ёнида аёлларнинг хилма-хил кийими турибди. Лабларига кулги югурди. Ҳарам оғаси қиз бу ерни алақандай илоҳий жойга ўхшатаётганини тушунди-да:

— Бу ер беҳишт, сен хурсан! Ҳур бўлдинг энди, — деди шивирлаб. Қиз ишонди. Карвонбоши ёмонлаган Бухоро амиридан қутулиб, беҳиштга келиб қолганидан хурсанд. «Ишқилиб тушим бўлмасин-да, тушим, беҳиштдан мени қувлама, худо. Гуноҳим йўқ, сира гуноҳ иш қилган эмасман», дея дилида илтижо қилди қиз.

Ҳарам оғаси лип этиб эшикдан чиқди-да, ташқарисидан занжирлаб куйди. Қиз шоҳи-ипак либосларга ўралиб, ёнбошига куйилган оппоқ пар ёстиққа бошини куйди. Йиғлай-йиғлай чарчаган қиз, ҳеч нарсадан хавотир олмай, уйқуга кетди. Момиқ тўшақда бир кечаю-бир кундуз ухлади. Ўзи уйғонмагунча уни ҳеч ким безовта қилмади. Кекса ҳарам оғаси ора-сира хабар олиб, уйқудаги гўзални суқланиб томоша қиларди. Бундай паривашни биринчи бор кўриб турганини айтиб, хондан суюнчи олмоқчи ҳам бўлди-ю, бироқ беадаблик бўлмасин деб, ўзини тийди.

Қиз эртасига тушда уйғонди. Ҳовлиқиб уйғонди. У худди нафаси қисилаётгандай эди. Хона ҳавоси етишмаётгандай ирғиб туриб ўзини эшикка урди, эшик очилмади. Узунчоқ деразага югурди. Боғ ичидаги ҳовуз бўйида сайр қилиб юрган бир тўда қизларга кўзи тушди. Энди у чиндан ҳам беҳиштга келиб қолганига ишонди.

Яна ҳарам оғаси пайдо бўлди.

— Сулув бўлиш — бахт, ҳи-ҳи-ҳи... Гўзал бўлганга не етсин, ҳи-ҳи-ҳи... Мен нега сендай кўркам эмасман, ҳи-ҳи-ҳи — деб яна қизнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб томоша қилди.

Қиз яна ҳайрон бўлиб қолди. «Сулув бўлиш — бахт», деган гапларни дилида такрорлади у.

— Хон дунёга келиб, сендай сулувни кўрган эмас. Сарв қоматинг, ҳе-ҳе, тим қора сочларинг, жон олғувчи кўзларинг, олмадеккина сийналаринг, ҳе-ҳе...

Қиз баданимни биров кўриб турибдими деб хавфсираб, чўкка тушиб олди.

— Кабутарга ўхшаб ўтиришинг, ҳе-ҳе...

Қиз уни кўрмай, атрофига аланглади. Бир вақт кўзи ҳарам оғасига тушди. Юраги қинига сиғмай, уриб кетди. Икки қўли билан кўзларини яшириб энгашиб ўтирди.

— Йиғлаши ҳам жуда чиройли-я! Ҳи-ҳи-ҳи...

Олмагул боши айланиб, пар ёстиққа йиқилди.

Эшик очилгандай бўлди. Қиз бошини кўтарди. Аъзойи баданини жун босган, маймундай бадбашара, девдай бир одамни кўриб, «вой онажон!» деб эшикка қараб югурди. Эшик ёпилди. Хонага кириб келган бу маймун сифат одам Абулғози хоннинг ўзи эди. Асов қизнинг «вой онажон!» деб чинқирган овозидан ҳузур қилди шекилли, хахолаб қулди. Унинг бу кулишини қиз итнинг акиллашига ўхшатди. Хоннинг ўсиқ қора мўйловлари орасида сап-сарик сўйлоқ тишлари кўринган-да, қиз «мени ейдиган баломи» деб қўрқиб, деворга суянди.

— Бува, чол бува, қаёқда қолдингиз?

Ҳарам оғасининг «ҳи-ҳи-ҳи»лаган кулгиси эшитилди.

Қиз пастки лабини тишлади.

— Исминг нима? — деб сўради хон кулгидан тўхтаб.

Қизнинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлиб турган эди. Хон ётиғи билан берган саволга жавоб бермасликни ўзига эп кўрмай, исмини айтди.

— Олмагул?! Ҳа-ҳа-ҳа! Уйда бир сиқим уни йўқ одам қизининг исмини Майдабика деб кўяр экан. Турар жойининг тайини йўқ қорақалпоқ элида олма гули қандай қилиб сенга исм бўлиб қолган экан?

Қиз хоннинг тагдор гапига тушунмадими ё исмидан кулганига ори келдими:

— Бизнинг элимизда ҳам олма бор, — деди.

— Олма бор... Ҳа-ҳа. Олма ҳам қаерда ўсишини билмайди. Тилсиз, ақлсиз емиш. Йўқ, қиз! Сен у исми кўй. Олмагул исми сенга ярашмайди. Бугундан бошлаб сенинг исминг Майдабика!

У нимага бунақа деяётганини қиз тушунмади.

— Менинг исминми Майдабика дедингизми? Йўқ-йўқ, исмим Олмагул дедим-ку! Отам-онам, қариндош-уруғларим мени Олмагул деб чақирарди, юртимдагиларнинг ҳаммаси шундай дейишарди, — деб йиғламосиради қиз.

Хон яна хахолаб қолди.

— Кўп эркаланаверма, саҳройи қиз. Эркалашнинг маънисини билмасанг ҳам керак. Йиғлаганинг, ёнимга кел деганингми? — деб қизнинг ёнига яқин борди хон. Қиз орқага тисарилди, лекин девор тўсиб қолди. Кўзини юмиб-очгунича Олмагулнинг ойдаи юзига девқомат ёш хоннинг тикандаи мўйлови санчилди. Туянинг пайпоғи тагида қолган чумчуқдай Олмагулнинг чирқиллаб, «бува чол бува!» деб қичқирганини эшитадиган қулоқ бўлмади...

Олмагул ҳушидан кетди.

Ўша куни чирқираб йиғлаб, хонга хотин бўлди...

20

Подшо имзолаган шартнома худди бир ерга тушиб ётгандай. Маман бий Мурод шайхни ҳам ўз ҳолига қўймай, йигитларни йиғиб, теварак-атрофни қидириб келиш учун жўнади. Йигитлар анча кун излашди. Улар айланмаган тўқай, бархан, текисликлар қолмади. Қуён қувлаган овчилардай, ҳар туп бутани туртиб, тагини кўздан кечиришди. Йўлларида учраган битта-яримта саёқ ўғри ё тўғрими, барибир гумон қилиб тинтишди, қамчилашди. Лекин ҳеч қандаи натижа чиқмади.

Ёрликни топиб келтириб элини хурсанд қилиш умиди билан йўлга чиққан йигит ҳафсаласи пир бўлиб қолди. У юртидан анча олислаб кетган эди. Мана энди етолмай, силласи қуриб келяпти. Маман Петербургда кўрганларини, рус халқининг томошабоғларини, кийган кийимлари, юриш-туришлари, қурол-яроғ ишлайдиган устахоналарини эслаб бармоғини тишлади. «Нега биз руслардан орқадамиз?...» Маманнинг хаёллари алғов-далғов бўлиб кетди. Қорақалпоқ халқининг пешанаси шўр экан, унинг келажаги нима бўлади? Шу

йўсинда бу халқ йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Ишонадиган нимаси ҳам қолди? Энди яна бир довулга учраса, хирмони бутунлай елга учади. Эй, шўр пешана халқ! Нима қилса кўчиб кетганларни қайтариб келади ё бу ерда қолганларни кетларидан кўчириб олиб бориб бирлаштиради? Қандай қилса, улар бирлашади? Бирлаштириб бўлармикан? Амалга ошмайдиган иш. Хоразмни яқин дейлик, Хитойга кетганларни қандай қайтариб бўлади? Бухоро, Афғонистонга кетганлар қайтиб келишармикан? Азалдан дуо кетиб, тариқдай сочилган шўрлик халқим. Бунга ким айбдор? Хонми? Эсенгелди Ғойибхонни шунинг учун ўлдирганмикан? Йўқ-йўқ, шайх тўғри айтди, «хонни ўлдирмаслик керак эди. Ҳаммаси бошсизликдан бўлди. Бошсиз оломон бамисоли чўпонсиз пода». Агар халқ ўз хонини ўзи ўлдирмаганда, бунақа ҳар томонга сочилиб кетмас эди. Эсенгелди ҳам хонни ўлдирди, ҳам халқини бошлаб, бошқа томонга кўчиб кетиб, бирликни бузди. Ҳа, у элнинг тўзғиб кетишига бош бўлди. Бунга кимнинг ақли етмайди? Қорақалпоқ бийи қорақалпоқларни тўзғитишга бош бўлиши керакми ё бирлаштиришга? Ҳа, бирлаштиришга бош бўлиши керак. Ҳой Маман сен нималар деяпсан? Хитойга, Жунгорлар тарафга, Бухоро, Афғонистон томонларга сочилиб кетганларга ҳам шу Эсенгелди айбдорми? Ҳа-да, албатта ўша айбдор. Чунки хон халқнинг боши. Бош кетгандан кейин тана қаёққа қараб оғмайди дейсиз? Бу эл албатта бирлашиши керак. Рус подшосидан ваъдасини олдик, энди ёвга қарши куч тўплаши лозим. Бир халқ иккинчи халқдан кучли, ортиқ бўлиши мумкинмас. Нега биз ҳам бошқа халқларга ўхшаб ўтроқлашмаймиз? Нега шаҳарлар барпо этмаймиз? Нега қалъалар қурмаймиз. Разм солган кишига дунё жуда кенг. Оламда турли-туман халқлар ҳам кўп экан. Руслар, украинлар, Ҳиндистон, Миср, Рум, Хитой, Туркия... Бу халқларнинг ҳаммасидан ўрганишимиз, ўрганганларимизни эл бахт-саодати йўлига хизмат қилдиришимиз лозим. Биз бўлсак, бир жойда кўним топмай, санқиганимиз-санқиган. Бу дунё ким учун бевафо? Фақат бир-бири билан келишолмайдиган қорақалпоқлар учун, албатта!..

Хоннинг ўлдирилиши маъқул иш бўлган. Юртга бош бўлгани билан, бош ўрнида қовоқ кўтариб юрган эди. Юрт унга қовоқбош деган лақабни бекорга бермаган. Бундан баттар бўлсин, лаънати! Халқнинг халқдан ортиқлик ери йўқ экан, демак, айб ёвдан мағлуб бў-

либ, сочилиб кетган халқнинг ўзида. Халқда нима гуноҳ? Айб хонда. Баттар бўлсин, лаънати! Ҳали ҳам кеч эмас, халқни бир жойга тўплаш лозим. Бунинг учун замоннинг қаёққа қараб кетаётганини билиш керак. Замон қаёққа қараб кетяпти? Илм-ҳикмат томонга. Илм-ҳикмат кимда? Бир ёқадан бош чиқарган халқларда. Қўли узатган ерига етади. Бошқа мамлакатлардан одам чақиртириб боласини ўқитади, ўз фарзандларини бошқа юртларга юборади. Улардан ўрганиш керак. Албатта ўрганиш керак. Бизда нима бор? Ҳеч нарса. Ҳатто устидаги кийимлари ҳам ўзиники эмас. Кўйлаги нўғайларники, лозими ҳиндларники, пешмати бошқирларники, пешматининг гули украинларники, тўни қозоқларники. Ёвмутларга нимаси ўхшайди? Қайсарлиги. Одати-чи? Одати ўзиники. Қалпоғи-чи? У ҳам ўзиники. Илм-урфони-чи? Ўзбекларники. Ҳайдар кокили-чи? Туркманлар билан арабларники. Нимаси бор бу шўрлик элнинг? Ҳеч нарсаси. Бошида аза-ю, табиатида беқарорлик бор, холос. Нафсиламбирини айтганда, бунга ким айбдор? Қорақалпоқ фарзандлари кимдан кам? Одам ҳамма ерда ҳам одам. Элни кучлилар қаторига кўтариш лозим. Элнинг кўзини очиш, уни қон қақшатганлардан ўч олиш лозим эмасми? Албатта ўч олиш лозим. Болангни йиғлатганнинг боласини йиғлатмасанг, кўзингдан ёш кетмайди. Биз халқимизнинг бошқа халқлардан кам эмаслигини кўрсатиб қўйишимиз керак. Куч билан бўлса ҳам кўрсатиб қўйишимиз лозим. Ўзгаларнинг боласини йиғлатиш қанақа бўлишини билиб қўйишин!..

Маман бий шундай худбин хаёллар билан бўлиб, тишини ғижирлатиб, отига қаттиқ қамчи босганини сезмай қолди. Анча жойга боргандан кейингина ўзига келиб, отининг жиловини тортди. Хаёлига келган фикрларни дўстлари билан ўртоқлашмоқчи бўлди.

Маманнинг кетидан келаётган ўн отлиқ унинг бу хаёлларидан беҳабар эди. Улар азбаройи чарчаганларидан қалпоқлари бурниларига тушиб, мудраб келишарди.

Маман уларни кутиб, кетига ўгирилган эди, юраги орқасига тортиб кетди. Оти устида ҳайкалдай қотиб қолди. Оқ подшонинг ёлғондакам ваъдалари битилган қоғозни топиш учун йиғилган йигитлар шуми? Шу ҳам куч бўлдими? Шу қурол-аслаҳасиз, ўнтагина одамга суяниб бўладими? Туман отлиқ лашкари бор Соҳибқирон Амир Темурга, Жалолиддин Мангубердига одам-

ларнинг ҳаваси келмайдими, ахир? Шу ўн отлиқдан ёв кўрқадими, шулар билан ўч олиб бўладими? Бу ожиз навкарлар билан Ғойибхон ҳам нима қила оларди? Номига хон бўлиб юрган экан-да. Бечора-ей, шу сафардан қайтиб келгач, уни одамлар қанча гап қилишмади. Қизиқ, у қандай одам эди? Ориқмиди, семизмиди, ақллимиди, ақлсизмиди? Серзардамиди ё мўминмиди? Йўқ, унда дид йўқ эди. «Хонсиз ўтган кунларимиз булутсиз кундай ўтяпти», деб ким айтди? Чиндан ҳам шундайми? Атоқли Эсим бийгача кўйлагининг ёқасини ечиб, енгил нафас олди... Майли, менинг саҳройи халқим мана шундай озодликда ҳам яшаб кўрсин. Йўқ-йўқ, элга бир бошлиқ керак. Кўйларга бошчилик қиладиган кўчқор керак. Йилқини уюргудай айғир керак. Кичик юзнинг хони-чи?

Йўқ, энди Абулхайрхоннинг олдига борсак, бизни ўз тилида сўзлашга мажбур қилади. Яна русларга мурожат қиладиган бўлсак, шундай ҳам ўчакишиб турган хон бизни биратўла қириб ташлайди. Борди-ю бир кечада Эдилга қараб кўчсак нима қилади? Эҳ, нодон Маман, болаларча хаёл қиласан. Бир кечада кўчгундай элинг борми? Кўчадиган кўчинг, от-уловинг қани? Энг муҳими, халқинг бир одамнинг айтганига юрадими? Бирлик борми?!

Омонлиқ Маманнинг хаёл суриб келаётганини сезди. Хаёлларига халал бермаслик мақсади-да, унинг ёнида индамай келаверди.

— Омонлиқ, — деди Маман бирдан. — Душман бостириб келган кунлар Кўнглимжойлар қандай ёрдам беришди?

— Тўкилганни ялашди, таланганни талашди.

Маман бошини чайқаб, лабини тишлади... «Халқ халқдан ботир» деган гап кимдан чиққан эди? Болотников шундай девмиди? Петербургда сарой донишмандлари айтишувдими? Бу гапни эшитган вақтида унга жуда қаттиқ таъсир қилган эди. Энди-чи? Уруғнинг казо-казолари бир-бирини гажиса, яланг оёқлари йиқилганнинг бошига тепса, шу ҳам халқу, шу ҳам одамийликми? «Тўкилганини ялайди, таланганни таллайди», бу пешанаси шўр халқ. Йўқ, халқининг номи халқ. Халқ кўпчилик... Айб Ғойибхонда. У халқни бирлаштиролмади. Хоннинг қорни тарвуздай эмасмиди? Ҳа-ҳа, тарвуздай эди. Фақат ўз қорни тўйгани билан мағрурланиб, халқни бирлаштиришга ҳаракат қилмади, аксинча, бир-бирига гиж-гижлаб қўйди. У хон эмас,

бир кўғирчоқ эди. «Қорақалпоқ йигитлари кимдан кам?» Мана шу ўн отлиқ халқни қаёққа ҳам олиб бора олар эди? Ҳеч қаёққа. Йўқ, Омонлиққа ўхшаб, Кўнглимжойлар ҳам отта минишлари лозим. Шунда тўқилганни ялаб, йиқилганни тепишмайди. «Ҳа, ҳа...» деди ўзича. Бу фикр хаёлига қаёқдан келганини билмай, ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди.

— Омонлиқ, Кўнглимжойлар неча киши?

Омонлиқ Маманнинг саволига тушунмай, жилмайди.

— Юртимизда шунақалар қанча?

— Беш-олти минг чиқиб қолар.

— Уларни отта миндирсак қандай бўларкин?

— Жуда яхши бўлади, хурсанд бўлишади.

— Душманга қарши курашишармикан?

— Албатта, бийим. Кимнинг тагидаги отидан айрилгиси келади, дейсиз. Уларга от қани?

— Уларга от қани дейсанми? — Маман Омонлиқнинг саволини беихтиёр қайтариб, кулиб юборди. Қанчадан бери гаплашмай келаётган йигитлар жонланишди. Тақимлари билан қисиб, отни қамчилаб, юганларини силкитиб, узангиларини шиқирлатиб, ҳаммалари Маманга етиб, йўртиб кетишди. Маман йўлда нималарни ўйлаганини, нега кулганини уларга айтмади. Овулга яқинлашиб, ҳаммаларини уй-уйларига тарқатиб юборди-да, Омонлиқ билан бирга Кўнглимжойларникига қараб кетди.

Бектемирни қоровул қилиб, ҳаммалари ухлаб ётишган экан.

— Куппа-кундузи бу қанақа уйку? — деди Маман кўзларини уқалаб, талмовсираб ўрnidан тураётган Кўнглимжойга.

— Худодан беркиниб ўтирибмиз, — деди Кўнглимжой керишиб.

— Ўғирлик қиласизларми?

— Бошқа нима ишимиз ҳам бор, бийимиз?

— Ночор одамларнинг иши бу, юртимиз ҳам ночор бўлиб қолди, — деб Маман отдан тушди. — Ма... Бектемир, отни боғла. Кўнглимжой, сизлар билан суҳбатлашайлик деб келяпмиз. Ичкарига киринглар.

Уйқудан энди уйғонган болалар, бирон ўғирлигимизнинг изидан келишибдими, деб кўрқиб туришган эди, кўнгиллари жойига тушиб, дув ичкарига киришди. Чайлаларининг ичи ҳар хил кигизлар, олачаларга тўла, ҳаммасини ерга солиб қўйишибди.

Маман ҳайрон бўлиб, остонада тўхтаб қолди.

— Юрт тўзиб кетди десак, сизлар бойиб кетибсизларми?

Болаларнинг дамлари ичларига тушиб кетди.

— Бунинг ўрнига от, яроқ топганларингда юртни кўрирдиларинг.

Кўнглимжой Омонлиққа қараб, «нима демоқчи» дегандай кўзини қисди. Омонлиқ ўзини пайқамаганга олди.

— Йигитлар, ўтиринглар, бир очиқчасига гаплашиб олайлик. Отлиқ бўлишнинг йўлини ўйлайлик.

Тахлаб қўйилган кигизлар ҳам ёзилиб, ҳаммалари ўртадаги ўчоқни гир айланиб ўтиришди.

21

Қишда бўлиб ўтган уруш Айғара бий билан Седет керей овуллариининг ҳам осудалигини бузди. Тобинлар билан керейларнинг хайрихоҳликларини пайқаган Абулхайрнинг кўп навкарлари йўл-йўлакай олганини олди, олмаганини ағдар-тўнтар қилиб кетди. Фақат узоқ қишловлардаги молларгина омон қолди. Шунда ҳам улар қони аралаш қорақалпоқлардан юз ўгиришмади. Омон қолган молларидан бериб юбориб, бир оз узилган белларига дармон бўлсин, дейишди. Ахир, тенг еганни тангри суйибди, деган гап бор халқда. Ҳамма бузилган, синган, ағдар-тўнтар бўлган уй-жой, нарсаларни ёзгача қайта тиклаш ҳаракатида бўлди. Баъзи овуллар қишловларини ташлаб, яйловларга кўчиб чиқиб, омонат ўтовлар тикишди. Гумроҳликлари сабабли қадрдон бўлиб қолган кўни-кўшнилари билан борди-келдини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлишди. Ҳаммадан ҳам кунлар илиши билан ўғри кўпайиб кетганидан кўпроқ ташвишга тушиб қолишганди. Ночорроқ чўпонлар кўлига топширилса, подачи ҳам қайтмайди, моллар ҳам ер ютгандай йўқ бўлади-кетди. Айниқса, йилқичиларнинг тинчи йўқолди. Кечаси биттасининг кўзи илинса бас, худди қашқирдай пайт пойлаб ётган босмачи йўқ ердан пайдо бўлиб, битта чопқирини миниб қочади. Уни қувлашса, зумда инидан чиққан кумурсқадай бир тўда шериклари, бошқа отларни миниб қочишади. Шунинг учун, кейинги вақтда, битта-яримта отдан айрилсак ҳам майли деб, босмачини қувламайдиган бўлишди.

Бу туновчилар кимлар? Бу саволга чўпонлар ҳам, подачилар ҳам, йилқичилар ҳам бир хил жавоб беришарди.

— Қорақалпоқлар!

Бу жавобга Айғара бий билан Седет керей сира ишонишмасди. Бундай бўлиши мумкин эмас.

Бироқ ўғрилик тўхтамади. Бийларнинг одамлари шикоят қилиб келаверишди. Ўғри қорақалпоқларнинг бу қилмишига чидолмаган Седет керей, уларнинг бошлиқлари олдига бориб хижолат қилгандан кўра, Айғара бий билан маслаҳатлашишни маъкул топди.

Меҳмондўст Айғара бий одатига кўра, Седет керейга пешвоз чиқиб, отини жиловидан олди, ёш бийнинг чеҳрасига, ҳамроҳларининг авзойига қараб, уларнинг нима мақсадда келаётганини тушунди. Бироқ ундан олдин ўзи гап бошламади. Бундай қилса, ўз оулининг арзини айтиб, йиелаб келганнинг олдидан ўкраб чиққан бўлади. Унда икки уругни жўр овоз қилиб, қорақалпоқларга қарши норозилик ўтини олдиради. Шунинг учун ҳам дамани ичига ютиб, Седет керейнинг ўзи гап бошлашини кутди. Ёш бий ҳам унақа ҳовлиқма одамлардан эмасди, у ҳам асосий мақсадга кўчишга шошилмади, ҳол-аҳвол сўрашиб, қадимгидай шакаргуфторлик қилиб ўтираверди. Баъзи-баъзида тенгқури Мирзабек билан ҳазил-мутойиба қилишиб, қизиқ гаплардан гапириб, ўртадаги ноқулайликни кўтариб юборишга ҳаракат қилди.

Гап Абулхайрхон устида борарди.

— Қорақалпоқлардан босиб олган қора молининг ўзи йигирма мингдан ортиқ экан, — деди Айғара бий тамшаниб. — Билмадим, бу нима қилгани. Қуда-анда бўлган эл эдик.

— Хонимиз оёғи куйган товукдай питирлаб қолди. Энди тухуми қистаса, кимдан ёрдам сўраркин?

Седет керей ўзини ҳаяжонга солиб юрган бу саволни ўртага ташлаб, тулки тери тумоғи тагидан кўриниб турган бетартиб ўсиқ сочини текислади, қийиқ кўзларини олдида чой қуюғлиқ турган пиёлага қадаб, ўйлаиб қолди. Айғара бий у ўз ўйлаганларини айтаётган бўлса керак, деган хаёлда, жавоб беришга шошилмади. Мирзабек доно бийлардан гап ўргангиси келиб, диққат билан қулоқ солиб, жим ўтирарди.

Ўт ёқувчи одам кириб, ташқарида бир йилқичи иккита от ўғрисини ушлаб келаётганини хабар қилди.

Ўғриларнинг кимлигини олдиндан билгандек, Айғара бий уларнинг кимлигини суриштирмади.

— Ертўлага қамаб қўйинглар, — деди.

— Қорақалпоқларми? — деб сўради Седет керейнинг шерикларидан бири.

— Худди шундай.

Айғара бийнинг пешонаси тиришди.

— Яқинда ҳам иккитасини тутиб, қўйиб юбордик. Бечоралар нима қилишсин? Бу тулки замоннинг кетидан қувиб етиш учун този бўлишаётган бўлса керак. Етказадими шу замон? Етказмайди, Седет, етказмайди. Эшитишимга қараганда, улар барча оч-яланғочларга эрк бериб, дуч келган одамларни талайверинглар, деб рухсат беришганмиш. Ҳар ким ўзи минадиган от топсин, деб буйруқ берганмиш доно Маман бий.

— Шундай бўлса...

Айғара бий Седет керейга гапининг давомини айтишга йўл бермай, яна ўзи илиб кетди.

— Шундай бўлса, биз билан нима иши бор демоқчимисан? Шошиб қолган ўрдак олди билан ҳам, кети билан ҳам сузаверади. Нима қилишсин бечоралар? Аскар тўплашмоқчи экан. Элини бир ерга йиғмоқчи. Шўринг қурғурлар хонсиз-бошсиз бўлиб қолишди. Эсенгелди деган бир жувонмарг хонни ўлдириб, уруғини кўчириб олиб кетибди. Седет, чироғим, келганинг жуда яхши бўлди. Доно Маман бий жуда хўрланиб қайтибди деб эшитдим. Оқ подшодан олган ёрлиғини Абулхайрнинг туновчиларига олдириб қўйиб, ўзи ўлар ҳолатда юртига етиб олганмиш. Бориб ҳол-аҳвол сўраб келолмадик. Биласанми, одам довдираб қолганда кўлмак ҳам кўзига денгиз бўлиб кўринади. Кичик юз юртини талагани учун ҳамма қозоқлар уларнинг кўзларига бало бўлиб кўринишади. Яланг оёқ етимлари мана бу тобин, мана бу керей ё бўлмаса жағалбойлик адайлар экан, тегмайлик, мана буниси эса, Абулхайрхонники экан, шуни боса қолайлик, деб ажратиб ўтирармиди? Номи қозоқ борки, кўзларига душман бўлиб кўринади. Иккаламиз биргалашиб юртларига борайлик, иложи бўлса, навкарларига ўн-ўн бештадан от берайлик.

Бу кенг феъллик билан айтилган гап ҳаммаларининг юракларида шафқат ҳиссини уйғотди. Айғара бийга нисбатан катта эҳтиром пайдо бўлди, одамлар эркин нафас олишди. Кексалар бошларини чайқлашиб, Айғара бийнинг гапларини маъқуллашди. Бу гап Седет

керейга ҳам маъқул тушди. Кўзлари чарақлаб ҳозиргина тутиб келтирилган ўғриларни бўшатиб юбора қолинглар, деб илтимос қилгиси ҳам келди.

Айғара бий унинг кўнглидан ўтаётганларни кўзидан уқиб олди. Ўғриларни олиб киришни буюрди.

Кўллари орқасига боғланган, томирлари бўртиб кетган икки йигитни олиб киришди. Шалпанг кулоқ, кулча юз, қисик кўз, кир оёқлари моладай келадиган олдиндаги йигит ўн саккиз-йигирма ёшларда, иккинчиси ҳали ўн икки-ўн учдан ошмаган эди. Кичиги чарчаган, оч бўлса керак, шеригининг орқасига сочлари ўсиқ бошини суяб, ерга қараб турибди.

— Нима қилиб юрибсизлар?

Седет керей ёшлик қилиб, Айғара бийдан олдин савол бериб қўйган бўлса ҳам, кекса бий хафа бўлмади.

— Айтинглар ахир, нима қилиб юрибсизлар? — деб ёш бийнинг саволини қайтарди у ҳам.

— От керак.

Ўладиган ҳўкиз болтадан тоймас деганларидай, боланинг тўғри сўзлиги бийларга ёқиб қолди.

— Исминг нима, катта ўғри?

— Исминим Кўнглимжой. Бизлар ўғри эмасмиз. Ўғирлаётган бўлсак, ўз молларимизни ўғирлаб юрибмиз. Сизларнинг зўрлик билан олиб келганларингни бошқатдан ўғирлаб кетяпмиз.

Бийлар бир-бирларига маъноли қарашиб олишди.

— Ҳар қайсинисига биттадан от бер, — деди Айғара бий бир чеккада деворга суяниб турган йилқичига. — Кўнглимжой, овулингга бориб айт, келаси пайшанба кун шайхни зиёрат қилгани борамиз. Седет билан Айғара бий келишар экан, де.

Кутилмаган бу воқеа ҳаммани ҳайрон қолдирди. Кўнглимжой ўз кулоқларига ўзи ишонмай, чигиртка кўрган товукдай бўйнини чўзиб, Айғара бийга ажабланиб қаради, ёнида турган боланинг ҳам чеҳраси очилиб, Кўнглимжойга ер тагидан жилмайиб қўйди.

Уларни олиб чиқиб кетишди.

* * *

Маманнинг ўйлаб-ўйлаб, охири етимларнинг ўтовига боргани ҳам ёмон бўлмади. «Қорақалпоқ йигитлари кимдан кам? Бостириб келганларнинг устига бостириб бориш керак. Билиб қўйишсин, бир халқнинг ик-

кинчи халқдан кам эмаслигига ишонч ҳосил қилишсин!..» Унинг бу мулоҳазалари, руҳлантирувчи гаплари болаларга куч бахш этди. Кўнглимжой ҳам хурсанд бўлиб:

— Рухсат берсангиз, от топиб минамиз, — деди.

Бошқа болалар ҳам чувиллашиб унинг гапини маъқуллашди. Яқиндагина бировни таламанглар, ўғирлик қилманглар деб насиҳат қилиб кетган Омонлик ҳам бу сафар фикридан қайтди. У кулимсираб, Маманнинг гапларини қувватлади, ҳар гапида бошини қимирлатди.

— Сизларнинг бир нарсангизга ҳам ишонаман, ҳам қувонаман, — деди Маман мамнун жилмайиб. — Сизларнинг уруғ-пуруғ билан ишларинг йўқ. Уруғ қиз олинаётганда суриштирилмаса, бошқа вақтда унинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими, ҳаммамиз ҳам аза қалпоғини кийган ота-боболаримизнинг авлодларимиз, — деди.

Уйма-уй юриб хайр сўраб юришганда, қорин тўйгазиш учун ўзига тўқ хонадонларнинг ишларини қилиб юришганда, қорни тўқлар уруғини сўраб, билмай қолишганда қулоқларини бураб, койишганда кўнгли чилчил бўлиб юрадиган болаларга доно бийнинг гапи мойдай ёқди.

— Рост айтасиз, бий оға. Бошимиздаги қалпоғимиз йиртилгани билан, доғи юрагимизда турибди, — дейишди улар.

Уй-дастгоҳликларнинг кўпчилиги кўраси билан ўтови орасида молининг тезагини тозалаш, ё бўлмаса, бир парча ерга бир ҳовуч уруғ сочишдан бўлак нарсага фаҳм-фаросати етмаслигини Маман яхши тушунарди, шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилигига ишончсизлик билан қарарди. Қушдай эркин, овулма-овул кезиб, одамларнинг маънилик, маънисиз гапларига анқайиб юрадиган бу етимларнинг идрокларига ҳозир қойил қолди. Кўп яшагандан кўп кезганнинг кўпроқ билишига илгаригидан ҳам қаттиқроқ ишонч ҳосил қилди. Улар билан бирга ўтириб, қотган гўштларидан овқат қилдириб еб, эл бошига тушаётган хавфни яхшилаб тушунтирди. Петербургда, қайтишида йўлда кўрганларини таърифлади. Ҳикоясининг орасида Петербургдаги Петро-Павловск тош кўрғони ҳақида ҳам эслаб, у ерга ваъдасини бажармаган, ўз халқига хиёнат қилган одамларни қамаб, аёвсиз жазолашларини ҳам таъкидлади. Болалар Петро-Павловск кўрғони ҳақидаги гап-

ни нафасларини ичларига ютиб, даҳшатга тушиб эшитишди. Улар Маман бий ҳам Янгикент атрофигами ё Бородинлар қамалган унгурда тош қўрғон қурдиради-ми деган ҳадикда кўзларини пирпиратиб унга қараб ўтиришарди.

— Қўрқинчлими? — деб сўради Маман уларнинг кўнгилларидан ўтаётган гапларни тушунгандай.

Доно бийнинг гапларидан юрагига гулгула тушган болалар «яхши» ё «ёмон» дейиш ўрнига илжайишиб қўя қолишди. Маман қайтиб бу тўғрида гап очмади. Гап очмагани билан, болаларнинг юракларида аллақандай шубҳа пайдо бўлди. Маман гапирса, ҳар сўзини донолик деб қабул қилиб, баъзан анқайиб, баъзан бир кўзғалиб қўйиб эшитиб ўтирган болаларга энди унинг гаплари тош бўлиб бота бошлади. Шундан кейин улар ҳар бир кесакни турган еридан бекорга кўзғатмасликка, узоқ овуллардан, иложи борича узоқроқ овуллардан от ўғирлаб мўмай ўлжа туширишса, топганларини қийналиб қолган хонадонлар билан бўлишишга, ҳозирги бор тузлаб олган гўштлирини кўп болалик оилаларга ўз ихтиёрлари билан шу бугуноқ бўлиб беришга қарор қилишди.

Маман эртасига шу тўғрида Мурод шайх билан маслаҳатлашган эди, у бир оз норози бўлди. Айниқса, уни норози қилган нарса, ҳаммани ўғирликка ўргатиш эди.

— Бошқа иложимиз йўқ, ота, — деди Маман. — Бу тулки замонда қашқир бўлишга ҳаракат қилмасанг, кун кўриб бўлмайдиганга ўхшайди.

Шайх ўз фикрида қолди, бироқ тортишиб ҳам ўтирмади. Шундай қилиб, Маман барча ёшларга ўғирлик қилиб бўлса ҳам от топиб, минишларига рухсат берди.

Эл хонсиз қолиб, бутунлай сочилиб кетмаслиги учун, шайх билан Маман маслаҳатлашиб ўша куниеқ Хелвет тархон, Эсим бийга ўхшаган кадхудо ёши улугларни тўплаб элни айланиб чиқишга, кимлар кўчганини, кимлар қолганини, кимлар ўлиб — кимлар тирик эканини аниқлаш учун чиқиб кетишди. Ўлган бийларнинг ўрнларига болалари бўлса, болаларини, болалари бўлмаса, овулдошлари хоҳлаган одамларини бий қилиб тайинлашди. Қўнғиротликларнинг кўчмай қолган уруғлари тепасида илгариги бийлари қолишди. Бедарак кетган Ирискул бийнинг ўрнига ўғли Тўракулни, Суюндик бийнинг ўрнига иниси Шомуродни кўтаришди. Энг катта бийлардан Давлатбой бий ўлиmidан кейин зарбага учраган хитой уруғининг ҳам баъзилари Сир-

дарёнинг юқорисига қараб, баъзилари Эсенгелдиларнинг кетларидан Хоразм томонга кўчишибди. Лекин кўпчилиги жойларидан кўзгалмабди. Уларнинг бийлари ҳам ўз жойларида қолдирилди. Давлатбой бийнинг ўрнига Курбонбой исмли ўгли вояга етгунча, уруққа бошчилик қилиб турсин деб, хотини Шарифага фотиҳа берилди. Кенагасларнинг кўчмай қолганларига бошчилик қилиш Нурали бийнинг ўгли Тўхтапўлатга топширилди. Ҳамма уруғлар ичида сермеҳмон, аҳили табақли уруғи бўлиб чиқди. Ўтган урушда қоқ ярми йўқолиб, ўн беш хонадон омон қолибди, бу уруғ ҳам ҳеч қаерга силжимабди. Уруғнинг кексалари эл бирлигни бузмаймиз деб, урушда қазо қилган Юсуф бийнинг ўрнига эмизиклик ўгли Маманни бий деб кўтаришни талаб қилишди. Жалойирликларнинг Эсим бийидан бошқаларининг ўрни ҳам шундай тўлдирилди. Ёбилликларнинг дом-дараксиз кетган Алий бийининг зурёди бўлмагани учун бу уруғга Маман бийнинг таклифи билан Омонлик бий қилиб тайинланди.

Ҳаёт учун кураш, адоватлар тўхтамади. Илгаригидан ҳам баттар давом этди. Етимларнинг, ёшларнинг бошқа томонларга биргалашиб ўғирликка бориб туришларига бошчилик қилиш ҳар уруғнинг бийига топширилди. Ҳаммасига раҳбарлик қилиш Маманнинг зиммасига юкланди. Маман бунга рози бўлди. Баъзи кечалари ёнига икки-уч йигитни олиб, узоқ овулларга, Ўрта юз томонларга бориб, ёлғиз-ярим отлиқларни, йўловчиларни тунашда қатнашди.

Лекин, ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, ишлари юришиб кетмади. Бироқ илож қанча, сабр қилишдан бошқа чора йўқ. Қозоқ далаларида булардан бошқа ўғри, саёқлар ҳам кўп. Баъзилар топганларини ўзларидан зўрларига олдириб, икки бармоғини бурнига тикиб, бўш қайтиб келишарди, баъзилари тугилиб, бир мучасидан айрилиб, майиб, баъзилари жонларидан жудо бўлишарди. Бироқ уларни ўз ниятларидан ҳеч нарса қайтара олмасди. Маман бийнинг «тулки замонда қашқир бўлишга ҳаракат қилмасанг, кун йўқ!» деган гапи ҳаммаларига қўлланма бўлиб, ҳеч кимнинг тулки олдида товуқ бўлгиси келмасди, иложи борича қашқир бўлишга ҳаракат қилишарди.

Шу тариқа, катта, шафқатсиз урушдан кейин пайдо бўлган тушкунлик кайфиятига барҳам берилди. Овулларда шовқин-сурон эшитиладиган бўлиб қолди. Ташқаридан қулоқ солган одамга биров биров билан ури-

шаётгандай эмас, балки ёзилишиб, хушчақчақлик қилишаётганга ўхшарди... Тўпланиб, қиладиган ишларини эркин ўтиришиб маслаҳатлашишар, бир-бирларининг қилмишларини мақтаб, завқ қилиб кулишишарди...

Тунги босқинчиликдан ҳеч нарса қўлга туширолмай, бўш қайтаётгани учун диққат бўлиб келаётган Маманнинг олдидан Кўнглимжой чиқиб қолди. Тагида чипор от. Эгар-жабдуғи шай. Ёнида келаётган ўн икки яшар Бўрибойнинг тагида ҳам қари тўриқ от. Кўнглимжойнинг оғзи қулоғида. У Маманни кўриб, узоқдан қичқирди:

— Маман оға, ҳов Маман оға!

Уйқудан қолган Маманнинг кўзлари катта очилди.

— Ҳа, йўл бўлсин!

— Омин! Мени лавашанг деб ўйлашади-я, Маман оға. Лавашанг дейдиганларга ўчакишиб, манави Бўрибойни эргаштириб олдим. Ростини айтиш керак, бу боланинг оти бўри бўлгани билан шериги — оғаси бўрилиқ қилди. Қозоқнинг икки азаматини бир ўзим отдан йиқитиб боғладим. Энди мени Алпомиш ё Қоплон деяверинг. Қани Маман оға, ўз оғзингиз билан айтинг-чи, Алпомиш дейсизми, Қоплон дейсизми?..

— Алпомиш!.. — деди Маман жилмайиб.

— Ана, Бўрибой, сенга айтувдим-ку, менда Алпомишнинг кучи бор деб! — Кўнглимжой шундай дея ёнида қари тўриқнинг устида жилмайиб келаётган боланинг биқинига қамчи билан туртиб қўйди. Бола сарғиш тишларини кўрсатиб тиржайди-ю, индамади.

Маман Кўнглимжойнинг кулги учун мақтанаётганини пайқайди-ю, ичида бор гапини билиш мақсадида отини бурди.

— Ҳайда, Алпомиш, Бектемирнинг топиб келган отини бориб кўрамиз.

— Ҳайда! — деб Кўнглимжой ҳам хурсанд шеригининг отига қамчи босди. — Маман оға, ростини айтсам, Айгара бий дарёдай кенг феълик одам экан. Йигитлари тутиб олишувди. Бўшатдириб, от миндириб юборди...

— Қани энди ҳамма қозоқлар шунақа бўлса!

* * *

Омонлиқ ёбининг бир кичикроқ овулига бий қилиб тайинланди. Омонлиқ бий!.. Омонлиқ бу номга дам ишонади, дам ишонмайди. Ҳамма ҳайрон. Яқингинада

бўйнига тўрва осиб, тиланчилик қилиб юрган бола, бугун отга миниб, бийлик даражасига етганига ўзи ҳам ҳайрон. У хурсандчилигини Оқбийдайга айтолмади, ишонмайди деб ўйлади. Ким билади, балки тушидир. Ўзи ҳам ишонмай, хаёл суриб, оёқларини чалиштириб, чалқанча ётарди. Чайласининг мўркони тепасидан сузиб ўтиб турган оқ булутларга қараб, ёш болаларга ўхшаб, чўп чайнаб ётарди. Хотини унинг кундагидан бошқачароқ кайфиятини сезиб, хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмасдан, сал бўйинини чўзиб унга қаради, эри оғзида чўп билан жилмайиб ётарди.

— Бегим, эгачимдан хабар йўқми?

Омонлиқ унга Олмагул тўгрисида сира эслатмасликни тайинлаб қўйган бўлса ҳам, ҳозир чидолмади. Бечора нима қилсин, соғинган. Энг яқин сирдоши эди. У «янга» сўзини шундай нозик, шундай майин айтардики, Оқбийдайнинг назарида «янга» эмас, «опа» деяётгандай бўлиб эшитилар, бу вужудига ҳузур бағишлар эди. Омонлиқ йўғида иккови бир-бирига эш эди, улар дунёда йўқ нарсаларни орзу қилишиб қумрилардай чуғурлашиб, гаплашиб ўтиришарди. Бош ювишиб, бир-бирларининг сочларини ўришарди, бир-бирларига ойна бўлишарди. Энди ўша дилкаши йўқ. Бунинг устига, Оқбийдайнинг кўнгли яра. Яра бўлганда ҳам ҳеч ким ҳеч қачон даволлолмайдиган яра... Шўрлик шуларни эслаб эзилади, қийналади, юраги зардобга тўлиб, баъзан ҳеч ким йўғида ўзига ўзи пичоқ уриб, ё осилиб ўлгиси келади. Бироқ жони ширинлигиданми, ё бўлмаса Омонлиқнинг чин муҳаббатини кўзи қиймайди-ми, сира ўзини ўлдиролмайди. «Бол учун заҳар, кулги учун кўзёши яралган... Гулни суйган одам тиканига ҳам чидайди»... Омонлиқнинг шу гапларини дилида қайта-қайта такрорлаб, ўзига-ўзи таскин берса ҳам, кўнгли, барибир, маслаҳатгўй излайди. Ўша маслаҳатгўй қани? Қайнсинглиси ёш эди, лекин ёш бўлса ҳам ақлли эди, баъзан Оқбийдай унинг гапларига қулоқ солиб туриб, «худди кўпни кўрган кампирлардай доно», деб ҳайрон қоларди. Қани энди шу юраги зардобга тўлганда қайнсинглиси билан тўйиб-тўйиб дардлашса, юрагининг патосини оқизса... ўйлай-ўйлай, бармоғини тишлай-тишлай, юрагини патос босиб кетди, мадда йиғилиб қолди. Лекин бировга билдирмайди. Ичига солган сари, дарди кемириб, чўп бўлиб кетяпти. Омонлиқ унинг озиб кетаётганини кўрса ҳам ноилож.

Хафа қилмасликка ҳаракат қилади. Ётса, тур демайди, турса, ўтир демайди. Кечаси билан қўлини бошига ёстиқ қилиб, унинг кўзидан оққан ёш юзларини ювса ҳам, «йиғлама, гўзалим» дейиш ўрнига, иккинчи қўли билан унинг ипак сочларини силайди...

Хотинининг берган саволи Омонлиқни ўзига келтирди. Тишлаб ётган чўпини туфлаб ташлаб, туриб ўтирди.

— Хабар йўқ, гўзалим, — деди.

Ўз дардини ҳам, Олмагулни ҳам эсига солмаслик тўғрисида эрига ваъда берган бўлса ҳам, эрининг кайфияти ўзгарганини кўриб, дир-дир титраб кетди. Омонлиқ ўзини сал гуноҳкор сезса, дир-дир титрайдиган хотинининг бу одатига нима ҳам дея оларди? «Вой, жонгинам, вой», дер эди, холос. Бу сафар унинг қалтирашига аҳамият бермади. Хотиржам ўтириб, кутилмаганда бошига бахт куши кўниб, бий бўлганини айтди.

— Бий?! — Оқбийдаининг чеҳрасида табассум намён бўлган бўлса ҳам, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. — Муборак бўлсин, бегим!

Бийликка етишганидан хурсанд бўлса ҳам, кетида юрадиган ёлғизгина сингисининг бу бахтни кўриб, бирга қувона олмагани учун ичи туздай ачишиб кетди. Олмагул кўз олдидан нари кетмасди. Лекин у ҳам буни сездирмасликка ҳаракат қиларди. Оқбийдай пайқаб қолса, яна эзилади. Омонлиқ ташқарига чиққиси, худонинг кўзи — қуёшга тикилгиси келмай, кечгача игна еган итдай уйда тўлғаниб ётди. Унинг индамай ётиши Оқбийдайни турли хаёлларга олиб борди. Бироқ кўнглига нима гаплар келганини, нималарни ўйлаганини сўрашга ботинолмай, ётар олдида дилига тутиб қўйган гапини айтди.

— Бегим, отамнинг битта гаплари бор эди. Йигитнинг ёнбошлайдиган ёстиғи ҳам, суянадиган девори ҳам, отга соладиган эгари ҳам хотини бўлади. Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотини. Хотин йигитнинг бир умрлик йўлдошигина эмас, фахрланиб юрадиган суянган тоғи ҳам. Суянган тоғининг бошида муз пайдо бўлса, ёмон бўлади. Бир кун эмас-бир кун муз эрийди, этагини сел олади. Суянган тоғининг тепасида муз пайдо бўлди. Олдини ол, ўтинаман, бегим. Бахтинг очилсин, худо рози бўлса, мен рози, бошингга даврон келганда бир қизни ола қол, бегим.

Оқбийдайнинг кўзларидан ёш чиқмади, бироқ лабларининг қони қочиб, оқариб кетди. Эсга тушса, юрак безовталаниб, чакка томирлари бўртиб кетадиган бу ҳодиса яна эсга олинганидан хафа бўлса ҳам, лекин Омонлиққа аввалгидек таъсир қилмади. Хотини гапирётганда унинг гапларини қандай осойишталик билан эшитиб ўтирган бўлса, ўшандай босиқлик билан гапни тамомлади:

— Нега бир гапни икки марта айттиряпсан, жонгинам? Ёмон кунларни унутайлик, дедим-ку сенга? Кўп сиқилаверма. Тақдиримга аллақачон тан бериб кўйганман.

Бу суҳбат уларни бу кун икки ўринга ажратмади. Қадимгисидай бирга ётишди, қадимгидай бир-бирларининг билаklarини ёстиқ қилиб, сочларини силашди. Бир арқоннинг икки толасидай эшилишди...

Эртасига ҳаётлари яна одатдагидай бошланди... Етимларга, отсизларга топшириқ берилиб, ҳар ким ўзига от топиш ташвишига тушганда, Омонлиқ бу ишга ҳаммадан ҳам қаттиқ қирғишиб кетди.

Ўтган кеча Бектемирни отлиқ қилганидан хурсанд. Омонлиқ Оқбийдайнинг ёнида чордона қуриб, терлаб-пишиб чой ичиб ўтирганида, ташқаридан Маманнинг овози эшитилди.

— Омонлиқ бий, уйдамансан?

— Уйдаман, оға.

Омонлиқ терини ҳам артмай, ўқдай отилиб ташқарига чиқди.

— Ҳозирлик кўринглар, меҳмон келадиган бўлди.

— Ким экан, оға?

— Шайх отам билан маслаҳатлашиб, меҳмонларни сизларникига тушуришга қарор қилдик. Пайшанба кунни Айғара бийлар келишади.

Оқ рўмолини ёпиниб, Оқбийдай чиқди. Маман бийга салом берди.

— Улуғ бий, отдан тушинг, чанқоқ бости ичинг.

Маманнинг Оқбийдайни кўрмаганига анча бўлган эди. Унинг озиб кетганини кўриб, «сен золим йигит экансан-ку» дегандай Омонлиққа хўмрайиб қаради-да, Оқбийдайга ўтирилди.

— Чанқоқ бостингни олиб чиқа қол, синглим.

Оқбийдай чопқиллаб чайлага кириб, заранг косада чалоп олиб чиқди.

Олмагул ҳушига келганда Абулғозихон аллақачон чиқиб кетганди. Юз берган воқеага эндигина тушуниб, Олмагул бирдан ўкраб йиғлаб юборди. Унинг овозидан хона деворлари дарз кетишига оз қолди, агар унинг овози ҳарам оғаси қарайдиган кўздай тешиқдан чиқиб турмаганида, бу кучли йиғидан девор паҳсалари нураб тушиши турган гап эди.

Ҳарам оғаси оғзини очиб, ичаги узилиб, қотиб-қотиб кулиб турарди. Унинг бигиздай ингичка бармоқларини бириктириб турган кафти ёзилиб кетса, Олмагулни йиғидан тўхтатиш мумкин. У қон-қуши тозаланган қориндай бужмайиб-тиржайиб бош чайқайди, терлаб-пишиб кулади. Назарида кулгиси манави қоп-қора деворнинг устунига ўхшайди. Олмагул кўзига ёш тўлиб, устун борлигини пайқамади. Дами ичига тушиб, ҳингир-ҳингир кулиб турганини ҳам кўрмади. Йиғлайверди. Қора сочларини ёйиб, икки бетини юлиб йиғлади, ўрнидан туришга ҳоли келмай, бошини пар ёстиққа уриб-уриб йиғлади, пешонасига муштлай-муштлай йиғлади, шундай кунга дучор қилган Бухоро савдогарларини қарғаб йиғлади. Худонинг номини айтиб, нола қилиб йиғлади, бахти қаро бўлиб яратилганига йиғлади, ҳамма-ҳаммасига йиғлади, тинмай йиғлади...

Ҳарам оғаси ошхонага кириб, заранг косага шўрва қуйиб чиқди.

— Хонимча, шўрва ичинг, ёзиласиз.

Ҳали йиғиси босилмаган қиз:

— Олиб кет, йўқол! — деб қичқирди.

Ҳарам оғаси косани тепасига қўйиб:

— Майли, уялсанг ёлғиз ўтириб ича қол, — деди.

Олмагул заранг косани қўлига олиб, чиқиб кетаётган ҳарам оғасининг орқасидан улоқтирди. Коса эшикка бориб, тақ этиб тегди. Ҳарам оғаси узун бўз қўйлагининг этагини кўтариб, ялт этиб орқасига ўтирилди.

— Ие, ие, энди хон эшитиб қолмасин, одамлар эшитиб қолишмасин. Майли, мен айтмайман, тилимни тияман!.. — Ҳарам оғаси жаврай-жаврай, қоқ бўлинган коса синиқларини йиғиб этагига солди. Палосга сингмай, филқиллаб турган шўрвани кўриб, юзтубан ётди...

— Ие, хонимча, энди тамом бўлдинг... — деб тили билан палосни ялади... — Мен ҳам тамом бўлдим, —

деб яна ялади. — Иккаламиз ҳам тамом бўлдик, кел, сен ҳам яла, — деб эмаклаб юриб, шўрва тўкилган ерларнинг ҳаммасини ялаб чиқди. Олмагул унга қарамди, қараганида тўнқайиб палосни ялаб юрган ҳарам оғасининг ҳаракатларини кўриб қилган бўлармиди. Ҳарам оғаси мушукдай сакраб, ҳамма ёқни чинни-чироқ қилиб ялади, шўрва кўпроқ тўкилган ерларни эринмай сўрди.

— Ана, энди хонга ўзинг ҳам айтма...

Қиз унинг гапларини эшитмади. Кучи икки кўзига етиб, уч кун овқат емади. Бироқ бу ўжарлик узоққа чўзилмади. Ҳарам оғаси яна туллаклик қилди.

— Кул, хурсанд бўл, хонимча, хонга биринчи марта этагини кўтартирган қизга дўзах ўти ҳаром бўлади.

Ҳарам оғаси ҳар куни келиб ҳақкадай шақиллаб, шу гапини минг маротаба қайтаргандир. Қиз охири унга ишондим, ишқилиб, тинчиди. Овқат ичди.

Бир ҳафтадан кейин боққа олиб чиқишди. Чароғон оламга эндигина чиққан одамдай, тўйиб-тўйиб нафас олди. Шундан кейин ҳар кун боққа чиқиб бир дарахтнинг соясида ўтирарди-да, теварак-атрофни томоша қиларди, қулоқ соларди. Баъзида хон саройидагилар ўлиб қолгандай жимжит бўлиб қолишарди, баъзида итга ўхшаб улишарди. Сира тушунолмасди. Уни кузатиб юрган ҳарам оғаси осмондан тушгандай, тўсатдан ёнида пайдо бўлиб, гапга солди.

— Бугун шовқин-сурон йўқлигига ҳайрон бўляпсанми? Ҳайрон бўлсанг бўла қол, хон йўқ. Хон йўғида шунақа ҳамма ёқ жимжит бўлади...

Кўнглидан ўтган нарсани дарров тушуниб, жавоб бераётгани учунми, Олмагул ҳарам оғасига ўрганди. Лекин, бари бир гаплашмасди. Диққинафас бўлиб, сўлий бошлади. Узилган гулдай, сўлий бошлади.

Кайвони канизлардан бири Олмагулга разм солиб юрган эди, ҳарам оғасининг нари кетганини кўриб, унинг ёнига келди. Тажрибасиз норасиданинг чеҳраси заъфарон бўлиб қолганини кўриб, шошиб-пишиб ақл ўргатди.

— Вой, шўрлик синглим! Бунақа ўйлайверсанг озиб-тўзиб кетасан-ку. Мен бу хоннинг отаси вақтида келганман. Худо аёлларнинг зор-фарёдини эшитганида, бу саройга яшин тушган бўларди. Ундан кўра тақдирингга тан бериб юравер. Сулув экансан, хонга ёқасан. Ҳуснинг борида хоннинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб, уни қўлга олишга ҳаракат қил. Бўлмаса, иложинг қанча?

Худойим тақдирингни азалдан шундай қилиб яратган. Баданингни иссиғи кетса, шунга ҳам зор бўласан.

Бу маслаҳат асов юракни жиловлади, тавба қилдирди, Олмагул хонасига қайтиб кирганидан кейин «иложинг қанча? Худо тақдирингни шундай яратган...» деб ўзига-ўзи тасалли берди, шаштидан қайтди.

Хон кирса, унга ёқишга ҳаракат қилди. Бироқ унга нима қилса ёқишини, уни қандай ийдиришини билмасди. Фақат хон кирди дегунча осмондан узилиб тушган гулдай оёғининг тагига йиқилиб, унга ёқишга ҳаракат қилади, садафдек тишларини кўрсатади. Хонга бу маъқул тушса керак, қора пўстак ёпиштирилгандай ўсиқ мўйловлари тагидаги қизил-кўкиш лабларини дўрдайтиб: «Майдабика, кайфиятинг жойидами?» деб сўрайди. Олмагул хоннинг олдинги гапларини унутиб, Майдабика бошқа канизакнинг исми бўлса керак, деб ўйлади. Хон хурсанд бўлиб турган паллада: «Хон ҳазратлари, мен Майдабика эмасман, мен Олмагулман», деди. Хон қаҳ-қаҳ уриб кулди: «Сен Майдабикасан. Қорақалпоқлар яшаган ерларда олма гули бўлмайди демовдимми? Шу гапни унутсанг — халқингни ҳурмат қилганинг, унутмасанг — ўз халқингни масхараланинг бўлади».

Хон кирган заҳоти иккита ёстиқ кўйдириб, пар тўшакка чалқанча ётиб олади-да, узун оёқларини Олмагулга қараб узатади. Бу «оёғимни уқала» дегани. Олмагулда ихтиёр йўқ. Катта-катта, сержун болдирларни ноилож уқалайди. Хонга бу ёқади. Кейин аъзойи баданини уқалашни буюради. Нимжонгина қизалоқнинг бармоқлари унга қандай ҳузур бағишлаши номаълум, бироқ унинг олдида ўликка ўхшаб ётиб, мушукдай «хур-хур» қилиб ухлайди. Уйғониб, Олмагулнинг калтагина сочларидан тортади, «қўйсангизчи, раҳмингиз келсин...» дейишига қарамай, ёстиққа босади.

Бора-бора хоннинг унга қизиқиши камайди, камдан-кам кирадиган бўлиб қолди. Аста-секин кўникиб келаётган қизни бу ажаблантирди. «Нима бўлди экан?»

Боққа чиққанида ўтган сафарги кайвони канизни кўриб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашди. Кейин гапнинг рости айтди.

— Ундай бўлса, яна бир шўринг қурғурни олиб келишибди, — деди каниз.

— Энди бизни нима қилади?

— Ҳали ҳам яхши кўрадимми? Чарх-дук бергани йўқми?

— Киргани — яхши кўргани бўлса керак, чарх-дук бергани йўқ.

— Ундай бўлса, гамингни е, синглим. Мен отасидан алданганман. Бу ҳам отасига тортган. Нега алдандинг дегин. Мени бировга сарқит деб бермоқчи эди, ёшлик қилиб, «истамайман, сизни кўриб юраман», дебман. «Майли», деб қолдирди. Қани энди бир ойда бир кўринса, бошимни чангаллаганимча қолавердим. Кўрган-билганим пахта, чарх-дук бўлиб қолди. Агар хоннинг кўнглига худо раҳм солиб, «сени бировга бераман» деса, «ўзингиз биласиз» де. Хоннинг хотини бўлиб, юрагинг сиқилиб юргандан кўра, бир яланғочга тегиб, молхонада ётган афзалроқ, синглим.

Канизак тўғри айтдими, ё кундошлик қилиб, ичиқоралик қиялпими? Олмагул маслаҳатлашгани бошқа одам топмади, чуқур хаёлга ботиб юраверди.

Бир куни хон кирганида таваккал қилиб:

— Хон ҳазратлари, мен сизни узоқ кўрмасам, соғиниб қоламан, — деди.

Хон овози бўғилган итдай, хириллаб кулди.

— Эркакни соғинаётган бўлсанг, бировга бера қолай.

Олмагул канизакнинг маслаҳатини эслади, бироқ «хўп» ҳам, «йўқ» ҳам деёлмади.

— Сен жун ёстиқ, иссиққина мушук эдинг, баъзи-баъзида бағримга босиб турарман. Шунинг учун сенга раҳм қиламан, — деб хон ҳар сафаргидай ечиниби, ҳамма ёғини уқалатди. — Ё кетгинг келялпими? Унда бизнинг бир отбоқаримиз бор. Сенинг уруғингдан, қорақалпоқ. Ўшанга берайми?

Қиз қалбида аллақандай умид учқуни йилт этгандай бўлди.

— Хон ҳазратлари, «пишт» десангиз ҳам, донхонага қувсангиз ҳам ўзингиз биласиз.

Хон бошқа севгиликларидан бундай гапни эшитмагани учунми, ё бу нозиккина қизни кўзи қиймаганиданми, яна ёстиққа босиб:

— Ҳозирча юравер-чи, — деди.

Олмагулнинг юрагида йилт этган умид учқунига совуқ сув сепилгандай бўлди-ю, хонга сездирмади.

Хон ўша чиқиб кетганича қайтиб кирмади. Орадан бир ой, икки ой ҳам ўтди. Қизни зерикиб қолди деб ўйлаган ҳарам оғаси:

— Хурсанд бўлиб юравер, хонимча, хон эл олишга кетди, — деди.

«Эл олишга» деб, қиз ичидан хўрсинди.

— Эли оз эканми?

Ҳарам оғаси: «Вой, нодон хонимча, вой нодон хонимча-ей» деб, Олмагулнинг олдида ўмбалоқ ошиб ўйнади. Боши билан ўмбалоқ ошди. Бўз иштонининг боғичидан ушлаб, бўйнидаги арқони узилган бузоқдай, унинг ичида югуриб ўйнади. Олмагул бунга тушунмади, ичаги узилгандай бўлиб кулди. Бу Олмагулнинг биринчи кулиши эди. Шунинг учунми, энди ҳарам оғаси ҳар хонага кирганида илгаригидай йўргалаб кирмайди, боши билан ўмбалоқ ошиб, шамол юмалатган қамғоқдай юмалаб киради, ҳар сафар бир хунар чиқариб киради. Баъзан тушовланган эшакдай сакраб киради, баъзида эса бир оёғини бўйнига осиб, ҳакка бўлиб киради. Хуллас, Олмагулни кулдиришга уринади. Бора-бора унинг бу қилиқлари ҳам қизни кулдиролмай қўйди. Ёлғиз қолган вақтларида хон айтган отбоқарни излаб кўрсаммикан, деб ўйлаб, таниш канизакдан суриштирган эди, у бунақа отбоқар тўғрисида эшитмаганини айтди.

— Мен ҳам ўзинга ўхшаб бир қозиқ атрофида айланиб юрган тушовли байталман, — деди у.

Олмагулнинг юраги ўртаниб, бирдан алғов-далғов бўлиб кетди. Туғишган жигари, янгаси кўз олдидан нари кетмай қолди. Илгарилар ҳам уларни кўп ўйлаб, кўп йиғлар эди. Тушига киришса, кечаси билан йиғлаб, эрталаб қовоқлари шишиб чиқарди. Ёлғиз бошига тушган қайғу баъзи-баъзида уларни униттирарди. Бироқ ёлғиз қолди дегунча Омонлиқ билан Оқибийдай кўз олдидан нари кетмасди. Эшик очилди дегунча, негадир акаси қидириб кириб келаётгандай бўлади, ялт этиб эшикка ўтирилса, яна ўша ҳарам оғасининг остонада жилпанглаб турганини кўрарди. Иссиқ чой ичиб юборгандай, бурнини жийирарди.

Келганидан бери неча кун, неча баҳорни кўрди, ҳисобидан янглишиб кетди. Гулга бурканган олма новдасига суяниб ўтириб, мунгли куйлади:

Оға юрган йўллариингни супурай сочим билан,
Чанги чиқса сув сепай кўздаги ёшим билан.

Боғни маскан этган турли қушлар қиз атрофига учиб келиб, унинг мунгли ноласига ўз тилларида «оғажон» деб сайраб, жўр бўлишди. Булбул билан басмабасга чумчуқлар, қалдирғочлар сайради. Зор-гирёнига дош беролмай, олма гуллари учиб тушиб, ерга бош қўйди. Рўпарасидаги шохга қўнган аллақандай бир

куш унинг диққатини бўлди. Бундай кушлар Туркистонда фақат баҳордагина пайдо бўларди. Олмагул хоннинг боғида бу кушни энди кўриб тургани учун хайрон бўлиб қолди. Бу куш қаёқдан келди? Шохдан шохга учиб-қўниб юрибди. Худди шундай сариқ кушнинг ёби овули кун ботишидаги якка туп эманга қўниб, худди ҳозиргидай шохдан шохга учиб юрганини неча марта кўрган. Олмагул кушни ушламоқчи бўлди. Сариқ куш пир этиб учиб юқори шохга қўнди.

Баъзан шундай айрилиқ чоғларида каптар қанотига саломнома ёзиб жўнатишлари ҳақидаги эртақларни эшитган эди. Балки бу куш Туркистондан менга саломнома олиб келган бўлса-я, деб гумон қилди. Куш чиндан ҳам ўзини шубҳали тутарди. Ўзича қосид хат ташувчи каптарга ўхшарди. Бир нималар деб, куйиб-пишиб сайрарди.

— Тушунмаяпман, жоним, яқинроқ келиб сайра, — деди Олмагул ялиниб.

Сариқ куш унинг гапини тушунгандай, шохдан шохга сакраб, пастлай бошлади. Қиз икки қўлини кўксига қўйиб, эшиттириб ёлборди.

— Мендан Туркистон элига саломнома етказ, жоним, оғажонимга, янгамга салом де. Шайхимизга салом айт. Оғажонимнинг суянган тоғи Маман бийга ҳам салом айт...

Сариқ куш аланарсадан ҳуркиб, пир этиб учиб кетди. Олмагулнинг айтадиган гаплари ҳали кўп эди. Яна учиб келса керак деб, Олмагул уни узоқ кутди. Сариқ куш қайтиб кўринмади. Учган томонига кўз тика-тика, қизнинг кўзлари толди. Бўйни қотиб, базўр ўрнидан турди. Ҳарам девори тепасида сариқ ошқовоқдай сариқ тумоқ кўринди. Унинг жонли одам эканига ҳам, ё ёғочга кийдирилган кўриқчи эканига ҳам тушунолмай, қиз унга тикилиб қолди.

— Хонимча, овозингдан билдим, қорақалпоқ экансан-ку, — деди тумоқли одам. Қиз бошқа бировнинг кўриб қолишидан қўрқиб, ён-верига аланглади.

— Сиз ким бўласиз? — сўради у.

— Мен ҳам қорақалпоқман.

— Нима иш қиласиз?

— Хоннинг отбоқариман.

— Нега ўзингизни кўрсатмайсиз?

— Мен сени ёруғдан кўриб турибман. Ёш экансан. Сулувсан. Мени кўргинг келаётган бўлса, яқинроқ кел, бўйим етмайди.

Олмагул яна атрофга аланглаб, деворга яқинлашди. Кўзлари нурсиз, ёноқлари ошқовоқнинг палагидай, бужмайган соқоли, мўйловига оқ ораланган бир кимсани чала-чулпа кўриб қолди. Кекса отбоқарнинг гаплашмай, нари кетаётганига ҳайрон бўлиб, орқасига ўтирилса, ҳарам оғаси келаётган экан.

— Хонимча, энди бўлди, бугун хон келади, — деди-да, ҳарам оғаси қизни етаклаб олиб кетди.

Олмагулнинг дили равшанлашгандай бўлди. Нимадан? Бунга ўзи ҳам тушунмайди. Балки ўз элининг сариқ қушини кўриб, ундан юртига салом айтиб юборгани учундир, балки кекса отбоқарни кўргани учундир, ё бўлмаса, «хон келади» деган хабар эшитганидандир. Ҳар қалай, дили равшан...

23

«...Бир дарёни ёқалаб кўнган икки халқ тўннинг икки ёқасига ўхшайди. Бу ёқалар биридан бири узун ё қисқа бўлса, бунақа тўннинг қизиги ҳам, нафи ҳам йўқ. Бир дарёдан сув ичганлар гўё бир товоқдан овқат еган ота-онанинг фарзандларидай, бир-бирига меҳрибон, бир-бирига беғараз бўлиши керак...»

Қозоқларнинг катта бийлари билан қорақалпоқ бийлари ўртасида шу тақлид гап бўлди. Улар обдан маслаҳатлашиб, гапни бир ерга қўйиб тарқалишди.

Уларни Омонлиқниқида меҳмон қилишнинг сабаби бор эди. Чунки Омонлиқ — Айғара бийнинг куёви. Бунинг устига меҳмонларга унинг туриш-турмушини кўрсатиш лозим эди. Ҳурматли бийлар бу сафар адай уруғининг бир оқ кўнгил бийини ҳам бирга олиб келишибди. У баъзи қозоқ бойлари, бийларига ўхшаб кеккаймаган экан. Мезбонларнинг кам-кўстидан кулмади. Қорақалпоқ бийларининг навқар йиғиш ҳақидаги режаларига дўстона маслаҳатлар берди.

— Тўғри, бу замонда бировни қўрқитгудай кучинг бўлсин, — деб Айғара бий яна уч от ҳадя қилган эди, Седет керей билан адайлик бий ҳам ундан қолишмай, иккитадан от ваёда қилиб кетишди. Шу кундан этиборан халқ орасида:

— Огоҳ бўлинглар, номи қозоқ бўлса, ёв деб ўйламанглар! Тобин, керей, адай овулларида йиғлаган бола кўрсанглар, кўзёшини тилларинг билан ялаб қуритинглар. Маъраган молининг олдига хашак ташлашдан эринманглар, — деган овоза тарқалди.

Лекин бу билан олдинги таловчиликлар тўхтамади. Тўп-тўп бўлишиб, элдан бир неча кунлик олис ерларга кетиб, илгаригидай йўловчиларни талашди. От тўплашди, куч тўплашди, ўтган-кетганга қўл узатиб, қотган нон йиғишди, хуллас, эллари учун, ўзлари учун тирикчилик тадоригини кўришди.

Кундан-кунга куч кўпая бошлади. Ўтгиз-қирқталаб от йиғилди. Уларга бақувват йигитлардан танлаб миндиришди. Маман раҳбарлигида оталари ҳам эшитмаган ерларга ҳужум қилиб туришди.

Мана, улар навбатдаги ҳужумдан қайтиб келишяпти. Кенг далани чангитиб от етаклаб, олдиларига бешолтита қорамолни солиб, ўндан ортиқ йигит олдиларига қўй ўнгариб, хурсанд қайтишмоқда.

Узоқда икки отлиқ кўринди.

— Ўлжа! — деб қичқирди улардан бири. Маман қўлини пешонасига тутиб, отлиқларга тикилди.

— Кўрдингизми, отларининг юки бор. Қочишолмайди. Омонлиқ бий, чоп! — деди Маман.

Омонлиқ билан яна уч отлиқ тўдасидан ажралиб чиқди. Маманлар ҳам ўша томонга юришди. Отлиқлар томондан пақ этган милтиқ овози эшитилди. Кенг дала янграб кетди. Маман таққа тўхтаб, Омонлиққа эргашиб кетган учта йигитнинг биттаси отдан думалаб тушганини кўрди.

— Босинглар! — деди йигитларига Маман. Йигитлар ўнгариб олган қўйларини таппа-таппа ташлаб, милтиқ отган икки отлиққа қараб югуришди. Ўқ етгудай масофага бориб, отларининг тизгинини тортишди-да, номаълум отлиқларни ўраб олишди. Жонлари қил устида эди. Ҳаммаси ҳам ҳадиксираб, милтиқ оғзи кимга қаратилганикин, деб тикилиб бораверишди. Бир милтиқ Маманнинг кўксига қаратилган эди. Маман довдирамасдан олға бошлайверди. Йўловчиларнинг иккови ҳам ўқ узишга шайланиб, милтиқларни ўқталиб турарди. Яқинлаштириб отишмоқчи. Шу пайт улардан бири:

— Тўхтанглар, энди ким бир қадам олдинга босадиган бўлса, отилади! — деб қичқирди.

Қорақалпоқча-русчани аралаштириб гапирган бу одамнинг овози Маманга танишдай туюлди.

— Бородин оғамисан?

— Маман?!

— Йигитлар, отдан тушинглар! — деб Маман отдан сакраб тушди-да, Кузьма Бородин томон югурди. Бо-

риб уни қучоқлаб олди. Қутилмаган ажойиб учрашувни қаранг-а. Патак соқолли Кузьма Бородин Маманнинг кенг елкасига гурс-гурс уради.

— Катта йигит бўлиб кетибсан, қашқир! Ҳақиқий қашқир бўлибсан. Хўш, йўл бўлсин?

— Тулки овлаб юрибмиз, Бородин оға.

— Тузук, тузук. Шундай қилмасанг, тулкининг думи узун бўлади, ушлатмайди, — деб Бородин оти билан йиқилган йигитнинг ётиб-ётиб энди кийимининг чангини қоқиб келаётганини кўрди-да, ўша йигитга бурилиб кулди. — Қув экан, ёғин тингандан кейин туриб келяпти. Мен фақат отини отган эдим.

Йигитлар кулишди.

— Қани, Маман бий, овулингга бошла. Отларимиз жуда ҳориган, юкларини енгиллатсанглар яхши бўларди.

Маман отдан йиқилган йигитга ўлиб қолган отининг эгар-жабдугини яйдоқ отларнинг биттасига уришни буюриб, ўзи Кузьма Бородиннинг оти устидаги юкни туширишга ёрдамлашмоқчи бўлди. Бироқ қўзғата олмади. Бородин кулди.

— Оғир эканми?

— Бу нима ўзи, оға?

— Сизларга ҳадя. Ажал нишонаси.

Икки кигизга ўраб боғланган бу юк милтиқ, ўқ-дори эди. Маман ҳажми, оғирлигини чамалаб:

— Умримиз бўйи бу қарздан узила олармиканмиз? — деди. — Бебаҳо бўлса керак?

— Бу текинга. Талай кўз ёшларнинг тўкилишига сабаб бўлса ҳам сизлар учун олиб келдим. Эл-юртингиз бошига мусибат тушди, деб эшитдим, иним.

Маман хурсанд бўлиб кетганидан тиз чўкиб, Кузьма Бородинни ўпмоқчи эди, у Маманнинг елкасидан ушлаб турғазди.

— Қўй, бундай қилма, иним, мен бу ерга этигимни ўптиргани келганим йўқ. Дўстлигимни билдиргани келдим. Мана, эликта милтиқ, биттадан олинглар, — деди.

Йигитлардан кўпчилиги милтиқ овозини эшитган бўлишса ҳам, уни қўлларида ушлаб кўришмаган эди. Ҳар қайсиси биттадан милтиқ олиб, уни пешоналарига тегизишди. Тагин битта-яримтасига тегиб кетмасин деб чўчишиб, оғзини осмонга қаратишди. Тепкисини босиб кўришди.

Кузьма Бородиннинг ёнидаги ҳамроҳи ўзига ўхшаган абжир одам экан. Бородин уни йигитлар билан

таништирди, милтиқ билан муомала қилишни билмай турган йигитларнинг руҳини кўтариш учун «қандай ушлашни, қандай отишни ўзим ўргатиб қўяман», деди.

Улар бир лаҳзада апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Ўлжа олинган молларни овулга ҳайдаб бориш учун беш-олтита отликни қолдириб, ўзлари овул томон юришди. Кузьма Бородин йўл-йўлакай ҳамма янгиликларни суриштирди. Аслида, камгап Маман худди оғасига мурожат қилгандай эгилиб, Петербургга катта умидлар билан борганини, кетганда элининг таланганини, боши оққан томонларга сочилиб кетганини, Абулхайр хон шумлик қилиб, Қўнғиротнинг атоқли бийи Ирискулни ўғирлатиб олиб кетганини, жанг пайтида ҳам анчагина бийларни банди қилиб кетганини, ҳозир уларнинг қаерда, қандай аҳволда эканидан беҳабарлигини, бир неча бор уларни излаб борганини ва ҳеч қандай натижа чиқара олмаганини ҳикоя қилиб берди.

Кузьма Бородин унинг гапини бўлмайдин тинглаб, Маманга тасалли бера бошлади. Бўлар иш бўлди, энди ич-этини еб, ўзини ҳадеб койийверишдан фойда йўқлигини айтиб, мард бўл, йигитларингни ҳам мардликка ўргат, деб тайинлади. Петербургда подшо ҳузурига борганини маъқуллади. Ҳалига қадар ёрдам беролмаётганининг сабабини турклар билан урушда руслар чарчаб қолгани билан изоҳлади. Тилёғламалик қилди.

— Шу вақтгача ёрдам келмаган бўлса, мен олиб келган мана бу нарсаларни русларнинг ёрдами деб қабул эт, иним. Бедарак кетганлар хусусида ҳам гап ема. Сенинг куч тўплаётганингни эшитса, хоннинг ўзиёқ қайтариб юборди, — деди.

Маман рус подшосининг кўнгилдагидай қабул қилиб, ҳалигача ёрдам қўлини чўзмаётганидан хафа бўлиб юрган эди. Кузьма Бородиннинг гапи унга эриш туюлди. Лекин сир бой бермади.

Шу куни кечқурун овулларга чопарлар юборилди. «Рус подшосидан ёрдам келди. Кузьма Бородин келди», деб жар солинди.

Қорақалпоқ даштида «Руслардан ёрдам келди» деган хабар кучли шамол тезлигида қулоқдан-қулоққа етди. Шу билан бирга Кузьма Бородинни кўриб таниганлар орасидан «ўша бизнинг қўлимизда банди бўлиб ётган Бородин бизни алдаб, ҳаммамизни қириб кетгани келибди», деган шов-шув ҳам тарқалди. Кучли шамол шов-шувни босиб, ваҳимали душман ҳақидаги миш-мишни олисларга учириб кетди. Яна овулларга

чопарлар юборилди, қурол-яроқнинг номини эшитган сара йигитлар оти бор-йўғига қарамай, навкар бўлиш учун оқиб кела бошлади.

Кузьма Бородин билан Маман йигитларни бир сўзликка ўргатиш йўлини ўйлашди. Шундай қарорга келишди. Улар ҳар бир йигитдан «йигитлик шаъни нимада?» деб сўрашади. Йигитлар бу саволга: «йигитлик шаъни — эл ғамини ейишда!» деб жавоб беришлари лозим.

Шундай қилинди ҳам...

Бир ой ичида отлиқ, пиёда навкарларнинг сони юзга етди. Улар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга йигирма бештадан милтиқ тақсим қилинди. Қолганларига эса эски найза, қилич, болта, чўқмор тарқатилди. Кузьма Бородиннинг раҳбарлигида ҳали ҳеч ким қўрмаган, аммо ҳамма орзу қиладиган ҳарбий машқ ўргатила бошланди.

Бородиндан қолган қадимги эски босқон бекор ётган эди. Бородин билан келган одам уни ишга солди, ёнига ўнга яқин дам босадиган, болга урадиган йигитларни олди. Улар чўян, қўрғошин эритиб, учига қўрғошин-чўян солиб эшилган қамчилар ўришди. Шундай қилиб, ёшларни қизиқтирадиган иш бошланиб кетди. Маман Бородин билан келишиб, Айғара бийнинг ваъдасига биноан Мирзабекни олиб келди. У душманга олисдан зарба беришнинг устаси экан. Учи қўрғошинли, чўянли қамчиларни ишлатиш усулларни ўргатди.

Бородин ҳар куни саҳарлаб навкарларини машққа олиб чиқиб кетар экан, уларни мардликка яна бир саволига жавоб беришни одат тусига киритди.

— Урушда навкарнинг ёстиғи нима?

— Урушда навкарнинг ёстиғи — душмани. Ёстиқсиз, ўлган йигит эркак эмас!

Бу ҳарбий машқларнинг оқибати нимага олиб боради, нима билан тугалланади, буни ҳеч ким ўйламас эди. Одамлар хурсанд, бир-бирларини кўрганда ҳазил-мутойиба қилишар, ким қандай милтиқ отишини, ким отда қандай ўтириб, қандай найза уришини, кимнинг қандай қамчи силташини ўзаро муҳокама қилишар эди. Маманнинг мовий кўзли хотин подшо олдига бориб, ундан ёрдам олиб-келганига одамлар энди ишонишди.

Овул орасини тўзғитиб чопган ўз отлиқларни, бир-бирларини қувиб югуришган чаққон пиёдаларни кўришганда:

— Ана шартноманинг кучи, — деб хурсанд бўлиб қўйишарди овулдошлар.

Кузьма Бородиннинг бемор хотини, майда-чуйда болалари қолган эди. Олти ойдан кейин у юртига қайтадиган бўлди Қайтмаса бўлмайди. Бородиннинг бирга келган шериги аввал-бошданоқ қайтиб келмасликка ваъда бериб келган экан, у қолди, Бородин қайтди. Бироқ у ёлғиз қайтмади. Бирон шаҳарда ўқишига ёрдам берарсиз деб, ўн икки яшар Бўрибойни қўшиб юборишди. Бўрибой қари тўриғини ёш кўк дўнонга алмаштириб, бу ажойиб ақлли одамга ҳамроҳ бўлганига қувона-қувона жўнаб кетди.

Бородинларни кузатиш тантанаси Маманларни кузатгандагидан кам бўлмади. Уларни кузатишга бутун эл чиқди.

24

Кузьма Бородин билан келган устанинг исми Владимир эди. Бунга кекса шайхнинг тили келмай, «Бектемир уста» дерди. Шу-шу унинг номи Бектемир уста бўлиб кетди. У жуда меҳнаткаш одам экан, эртадан қора кечгача устахонада тақ-тақ, жанг-жунг товуши тинмас эди. Устахона зиёратхонага айланиб кетди. Келиб-кетувчиларнинг кети узилмасди.

Халқ сочилиб кетиб, ўз тенгқурларининг кўпчилигидан айрилган шайх жуда мунғайиб қолган эди. Баъзи-баъзида битта-яримта кекса билан гаплашиб қолса, ёшларга эшиттирмай, астагина:

— Одам ўз тенгқури билан одам экан, тенгқуринг бўлмагач, сен ҳам нариги дунёга тезроқ кетишга ошиқар экансан, — деб ҳасрат қилиб қўярди.

Кузьма Бородинлар келиб халқ қўлига қурол тушгач, шайх ҳам жонланиб қолди. Энди у ўлимни ҳам унутганди. Эрталабки нонуштасини наридан-бери қилиб, қари оқ бўз отига минади-да, устахонага келади. Эрталабдан то оқшомгача йигитларга далда бериб, ўтиргани-ўтирган. Баъзан Владимирнинг пешонасидан оққан терларни салласининг учи билан артиб: «касбингдан барака топ, хоҳлаган қизингни айт, олиб бераман», дейди. Буни эшитган йигитлар руҳланиб кулишади, «кўп ўйланаверма, қорақалпоққа куёв бўла қол, уста» дейишади. Қора терга ботган Владимирнинг юзига кулги югуради, сўйлоқ тишлари йилтираб кўринадида: «озгина иш кўрсатай, кейин қиз қидираман», дейди.

Навкарликка олинган йигитларнинг кучи билан Қувон дарё бўйига экилган зиротнинг ҳосили мўл бўлди. Эл-юрт тўйиб қолди...

Яраларнинг ўрни битиб, кам-қўстлар тўлиб, ёшларнинг ўйин-кулгиларига илхом берилди. Илгарилари бекитиб, бир-бирларидан хижолат бўлиб юрадиган ёшлар энди бемалол, тортинмай ўйин-кулги қила бошлашди. Қўшиқ айтиб, кулишди. Кечқурунлари болалар бойлоғдан ечилган бузоқдай чопқиллашиб, кўчаларни тўлдиришди.

Бироқ бу хурсандчиликнинг охири хайрли бўлмади.

Баҳорда, Мурод шайх устани уйига меҳмонга таклиф қилган эди. Кечаси Владимир йўқолиб қолди. Эл устига яна булут пайдо бўлди. Навкарлар билан овул атрофида машқ қилиб юрган Маманга хабар борди, теварак-атрофга отлиқ одамлар қидириб кетди. Маманлар кечга томон Владимирни ўғирлаб қочган кўш қора отлиқни тутиб, иккаласини битта арқонга боғлаб, судраб келди. Бироқ на фойда? Изларидан қувиб келишаётганини пайқаган қароқчилар Владимирни бўғиб ўлдиришган экан. Улар бундан уч йил бурун жалойирликларнинг подачисини боғлаб, молини ҳайдаб кетишаётганда элининг баланд-пастини кўришга отланган Маманга дуч келиб қолган икки каллакесар экан. Владимирнинг ўлими учун одамларга жазолаш эрки берилди. Биров қулоғини кесди, биров тилини, яна биров кўзини ўйиб, бошқаси оёқ-қўлини болта билан чопди. Каллакесарлар жонлари чиққунча нима азоб беришса ҳам чидашди, аммо кимнинг топшириғи билан келишганини айтишмади. Буюртмачилар топилмади.

Мурод шайх уйига келиб ётиб қолган ҳурматли меҳмонининг йўқолганидан қаттиқ хафа бўлиб, ҳадеб пешанасига урарди. Бироқ бу билан неча кундан бери қўрага қамалган таначадай ўзларини у ёқ-бу ёққа урган одамларнинг шубҳаси камаймади. Шу важданми, ё бўлмаса, бошқа сабаби ҳам борми, ишқилиб, бир кун азонда:

— Мурод шайх ўз кўзларига ўзи игна санчиб оқизибди, — деган совуқ хабар тарқалди.

Одамлар бу гапни эшитиб ҳайрон қолишди. Нима учун бундай қилди? Шайх ҳеч кимга ҳеч нарса айтмади, ҳатто ўз ўғли Хелветга, Маманга ҳам ҳеч нарса демади. Маман бийнинг жаҳли чиқди. У ишлари юришмаётганини Абулхайрхондан кўрди, ҳатто ғазаби кўзиб Абулхайрхон лашкарларига ҳужум қилмоқчи

бўлди, йигитларини отлангирди. Мурод шайх бу гаплардан огоҳ бўлиб навкарларга мурожаат қилди:

— Ўз кўзёшимиз қуримай туриб, бошқанинг кўзёшини оқизиш инсофдан эмас, болаларим. Нима учун хужум қиласиз? Кичик юзнинг бизга, бизни эса кичик юзга қарши хужум қилишимиз учун бирон сабаб борми? Туркийларга биз дўстмиз, дедик, улар ҳам бизга дўстмиз дейишди. Шу тўғрими? — деди у. — Қозоқлар билан қонқардошмиз, бир денгизнинг ёқасида яшаймиз. Абулхайрхон кийган тўннинг икки ёқасимиз. Сабр қилинлар, биз номардлик қилмайлик, дўстлигимиз барқарор бўлсин.

Йигитлар бу гапдан кейин ўйланиб қолишди. Маман ҳам бу гапга кўнишга мажбур бўлди. Бироқ у газабдан тушмади, овулларга одам қўйиб, кўз-қулоқ бўлиб юрди.

Эл-юрт тақдири бамисоли гоҳ тошиб, гоҳ пасайиб турган Сирдарёнинг лойқа сувига ўхшарди. Баъзан қизиб турган темирни совуқ сувга ботиргандай қайнайди. Баъзан эса оғир болға зарбидан атрофга учкундай сачрайди. Замон беқарор бўлиб қолди, на иссиғини ва на совуғини билиб бўларди...

Ёзга келиб, мусибатлар унутилди, одамларнинг кўнглида умид учкунлари чақнади. Ўтган жангда бедарак йўқолганларнинг ҳаммаси Абулхайрхон асирлигида экан. Тирик қолганларини қайтаришди. Ёз чинакам ёз бўлди, элга кун кулиб боқди, кутилмаганда хон томондан эркинлик берилди. Йиғилган оёқлар узатилди, бедарак кетганлар келиб, элни хушнуд қилди. Ҳаммадан ҳам ҳайрон қоларлиси шу эдики, Ирисқул бий омон келди.

Ирисқул бийнинг чеҳраси кузги япроқдай сарғайиб, икки бетининг қизили кетиб, озиб-тўзибди. Бироқ феъл-атвори ўзгармабди. Шохи қайрилмабди.

— Хоннинг бир югурдаги келиб, «руслар билан иттифоқчи бўлганларинг учун хонимиз бўшатишлар, деб фармон берди», деди. Шу гапга одам ишонадими? Менимча, Абулхайрхон бекорга бўшатмаган, бирон нарсадан қўрққан, — деди қандай бўшатишганини ўтирганларга ҳикоя қилиб. Юртларига Бородинлар келишганини, сўнгги янгиликларни эшитганидан кейин:

— Қорақалпоқ навкарининг ғайрат камарини белига астойдил боғлаганидан чўчиган бўлса керак, — деган қарорга келди.

Илгари камгап бий жуда сўзамол бўлиб кетибди. Қандай қилиб душман панжасига илинганини ҳикоя қилиб берди. Юсуф бойнинг тўйидан келган куни кечаси овулни ёлғиз айланиб келгани чиққанида, кўлан-кадай икки одам пайдо бўлиб, оғзини беркитиб, ҳеч кимга билдирмай уни қопга солибди. Ундан кейинги кўрган мусибатларини айтишга тил ожизлик қилади. Хоннинг бийга қўйган талаби: ёби уруғининг устига бостириб бориш, кенагасларни талаш, хитойларга Эсенгелдини бий қилиб кўтариш...

— Бундан хон нима наф кўрарди, дейсизми? — давом этди у. — Кўп нарсаларни кўзда тутган экан. Яъни ўзимизни ўзимизга талатиб, заифлашиб қолган пайтимизда битта-битталаб мажақлаб, айтганига кўндирмоқчи экан. Ҳаммасига тушундим. «Душманнинг сиртида бўлгунча ичида бўл», деган гап бор. Хон хизматида бизга хайрихоҳ тобин уруғидан бир йигит бор экан. Хон овулига олиб боришгач менга ўша йигит қоровуллик қилди. У йигит менга хоннинг ёвуз ниятларини шипшитиб қўйди, — деди Ирискул бий қозоқ йигитлари орасида ҳам ҳақиқий дўстлари борлигидан фахрланиб. Бийга овқат беришни ман этганларида чўнтагига пишган гўшт солиб келган баъзи бир хон қоровулларини эслаб, «мендан қайтмаса худодан қайтсин», деб қўйди. Тобинлик йигит бийни қочириб юбормоқчи ҳам бўлибди-ю, лекин бий қочса, йигитнинг бошига тушадиган қора кунни кўз олдига келтириб, қочишга рози бўлмабди.

Бийнинг ҳикоясини эшитиб ўтирган овулдошлари:

— Қочавериш керак эди, — дейишди.

— Бировга тонг отсину, бировга кун ботсинми? Ўзим озод бўлиб, бўлмай дедим, — деди Ирискул бий.

Бандиликдан тирик қайтган бийлар ўз ўрниларини эгаллашди. Алий бийнинг бийлиги ўзига қайтарилди. Омонлиқ навкарлигича қолди. Ирискул бий эса ўзи йўқлигида ўғли Тўракул бийлик вазифасини бажариб турганини эшитиб. «Ўғли борнинг ўрни бор», деганлари шу бўлса керак-да, деб хурсанд бўлди-ю, аммо ўғлининг лапашанглигини ўйлаб, «шўрлик халқ, ёғочга таъзим қил деса ҳам таъзим қилаверади», деб лабини тишлади. Аммо бу хаёлини ҳеч кимга сездирмасликка тиришиб, лабини ялаган бўлиб, кемтик тишлари билан қимтиб қўйди. Ҳар ишни замирига қараб баҳолаб ўргангани учун ҳам ҳеч нарса демади. Келганлар Мурод шайх, ўз кўзига ўзи игна санчиб оқизгани ҳақидаги хабарни эши-

тиб, унга ачиништи. «Шунча жангу жадалларда қадди букилмаган, бутун эл-юртга раҳнамо бўлиб, унинг туғи даражасига кўтарилган бу зотни шунчаликка боришга нима мажбур қилди экан? Нима муддаоси бор экан? Ё ақлдан озиб қолдимикан? Ё сотқинлик қилмоқчи бўлдимикан? Ҳийла билан устани меҳмонга қақриб, қилари ишини қилиб қўйгандан кейин, сири очилиб қолишидан кўрққанмикан? Ўз гуноҳидан ўзи пушаймон бўлганмикан? Эл нафратидан кўрқиб, ўзини-ўзи жазоладимикан? Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ахир халқ жаҳл устида тутиб олиб, тавба-тазаррусига қарамай кўзини ўя бошласа, ким ажабланади? Халқимиз ёвга бас келолмаса ҳам бир-бирини жазолашга жуда уста. Қорақалпоқнинг мижозини ҳеч ким шайхчалик яхши билмайди. Албатта шундай бўлса керак...»

Ирискул бий худди шу фикрда эди. У Мурод шайхни кўргани бормади. Кунларнинг бирида ташқарига чиқиб турган эди, шайхнинг ўзи ҳеч қандай дабдабасиз эшиги олдига келиб отдан тушди. Жиловдори Сайдулла дев илгаридай шайхнинг кетидан юрмай энди олдинда қамчисининг бир учини ушлатиб бошлаб келаверди. Шайхнинг оппоқ қилиб ўраб юрадиган салласи кир бўлиб, бир чеккасига оғиб кетибди. Шайхни кўрса узоқдан саломлашадиган кекса бий индамай тураверди. Сайдулла дев Ирискул турганидан шайхни огоҳ қилиш мақсадида бийга биринчи бўлиб салом берди. Ирискул бий алик олиб, шайхга қўл чўзди. Шунча вақт кўришмаганидан шайх сал ҳаяжонланса ҳам Ирискул бийнинг илгаригидек эҳтироми сезилмасди. Унинг уйга марҳамат деган сўзидан совуққина қабул қилганини тушуниб олиш қийин эмас эди. Шайх бунга эътибор бермади. Ён томонга тўшаб қўйилган оқ кигизга чўккалади. Ҳол-аҳвол сўрашди. Ирискул бий бу сафар очилиб гаплашмади. Шайхнинг кўзлари ногирон бўлса ҳам, Ирискул бийнинг рўйхуш бермаётганини, унчалик илтифот кўрсатмаётганини қалбан ҳис қилган эди. Бир лаҳза индамай ўтирди. Охири чидай олмай:

— Азизим Ирискул бий, — деди олдидаги пиёласини пайпаслаб излаб. — Ўзгариб кетибсан. Мен ҳам ўзгардим. Мана, пиёламни тополмай ўтирибман.

— Ўзингизга жабр қилибсиз, тақсирим.

— Келганинг яхши бўлди. Бўлмаса, қўп гапларни ичимда олиб кетган бўлардим. Энди сенга айтай. Менинг ҳаёт йўлим ўзингга аён. Бутун ақлимни, кучим-

ни, моғам қалпоғини кийиб, «қорақалпоқ» деб аталган оломонни эл қилишга сарфладим. Бу дунё аччиқ айронга тўла чирик меш экан. Бир ёғини тикиб қўйсанг, иккинчи томони тешилади. Замон менга боқмади. Охири шу бўлдики, уйимдаги азиз меҳмоним ўғирланди, эл-юрт олдида масхара бўлдим. Одамлар менга ишонмай қўйишди. Менда айб йўқ эди, на чора? Бу дунёнинг телба-тескари ишлари голиб чиқди. Тўйиб кетдим. Зино, ўғирлик, ғарликка тўла бу дунёдан бездим. Кўрмай ҳам, куймай ҳам дедим. Энди мени Сайдулла дев етаклаб юрибди. Мана, сен ҳам кексайиб қолдинг. Мурод шайх бу ёруғ дунёдан воз кечибди, деган сўзни ёшлар эшитса, уларнинг ҳам руҳи тушиб кетмасин, деб айтаётганим йўқ бу гапни. Ҳамма ҳам бу дунёнинг лаззати билан заҳматини ўз кўзи билан кўрсин. Шунинг учун сендан илтимос, бор гапни сен билгину бошқалар билмай қўя қолсин.

Ирискул ўзининг гумонларидан хижолат бўлиб пастки лабини тишлади, азбаройи қаттиқ тишлаганидан лабида тишларининг чуқур излари қолди...

Мурод шайх одатдагидай Ирискул бийникида ётиб қолиб азонда уйига қайтиб келган эди. Кечкурун қудуққа йиқилиб ўлганлиги ҳақида хабар тарқалди...

— Эй, бевафо дунё! Минг яхши ишлар қилиб юрганинг билан рисоладагидай ўлим насиб қилмас эканда, — деб оҳ урди Ирискул бий.

* * *

Омонлиқ бийликдан бўшаганини Оқбийдайга айтолмай, ичи тарс ёрилиб кетай деб ўтирарди.

Оқбийдай унинг нимадандир хафа бўлиб юрганини пайқаб, типирчилаб қолганди. Охири чидамади. «Душман кўлида шаънига доғ туширганим яна ёдига тушганмикан» деган хаёл билан ташқаридан юлғун хивич олиб келиб ёнига қўйди, елкасини очди.

— Ур, бегим, сал хафачилигинг тарқалсин. Менинг ҳам гуноҳим енгиллашсин!

Омонлиқ қуруқ юлғунни кўлига олиб, уришга шайланди-ю, кейин юлғунни қарсиллатиб синдирдида, ўчоққа ташлади.

— Бегим, биласанми, сен шу уйнинг қуёшисан. Юзингни булут қопласа, уйингни қоронғилик босади...

Омонлиқ жавоб бериш ўрнига чуқур нафас олиб, хўрсиниб, хотинига ёстиқ олиб бер ҳам демасдан,

бошпанасиз юрган вақтлардагидай, бошини қўлига қўйиб ётди.

Оқбийдай эрининг нимадан хафалигини эртасига уйига келган кампирлардан билди. Шундан кейин эрига айтмоқчи бўлиб юрган гапини айтиб, унинг кўнглини кўтарди.

— Хўрсинма, бегим. Онамнинг менга қилган бир насиҳати бор. Одам ўзининг бугун қандай узангида турганини билишни истаса, кечаги узангисиз кунни кўз олдига келтириши керак... Бегим, худо кўп кўрма-са, яқинда фарзандлик бўламиз.

Омонлиқ севиниб кетганидан сўз тополмай, хотинини бағрига тортиб оҳиста кучоқлади: пешонасидан, икки юзидан чўлп-чўлп ўпди.

Тонг паллада «Мурод шайх ўзини қудуққа ташлаб ўлибди» деган хабарни эшитиб, иккаласи ҳам худди ўринларидан илон чаққандай, ирғиб туриб кетишди, фарёд уриб йиғлаб, шайхникига қараб югуришди. Шайхнинг ўлимига йиғламаган жон зоти йўқдай эди.

Ҳар томондан одамлар гуррос-гуррос келаётганди.

Эшик олдидаги кели устида ўтирган Маманнинг икки қўли пешонасига тиралганди. У ўкраб-ўкраб йиғларди. Унинг бунақа йиғлаганини сира кўрмаган Омонлиқнинг кўнгли вайрон бўлиб кетди. Оқбийдай ҳам йиғлади. Уларнинг йиғилари кўкни титратаётган дод-фарёдга қўшилиб кетди...

25

Олмагулнинг қувончи узоққа чўзилмади. Хонни кўриши билан, қашқирни кўрган кўзидай, ҳарам оғасининг пинжига тикилди. Бироқ на чора? Хон хахолаб, ҳарам оғаси ҳиҳилаб кулди.

— Нозингдан! Сенинг бошқалардан устунлигинг шу нозингда, — дея хон сержун қўлларини чўзиб, Олмагулни ўзига тортди-да, ҳарам оғасининг қулоғига чирт этиб чертди. Ҳарам оғаси бир ўмбалоқ ошиб, хонни кулдирди ва хонадан чиқиб кетди.

Чарчаб келганми ё кулавериб тинкаси қуридимми, ишқилиб хон қора терга тушиб, ўликдай чўзилди-да, Олмагулга:

— Қани, оёқ-қўлимни уқалаб қўй-чи, — деди.

Олмагул қаддини тиклади.

— Ҳамма ёғимни уқала.

Хоннинг хоҳиши бажо келтирилди...

Хон чошгоҳда чиқиб кетди. Туни билан мижжа қоқмай чиққан Олмагул энди мизғиб олмоқчи бўлиб, ёстиққа бош кўйган эди, ҳарам оғаси янги чарх билан бир кучоқ пахта олиб кирди.

— Мана, хонимча, сенга эрмак топиб келдим. Йигириб ўтирасан.

Қизнинг юраги шув этиб кетди. «Мана энди менинг ҳам кўрган-билганим пахта билан чарх бўладиган бўлди...» Олмагулнинг гумони тўғри чиқди. Хон ҳафтадами, ойдами бир кирса киради, кирмаса ундан хабар олгудек одам ҳам йўқ. Эшигини ҳарам оғасидан бўлак ҳеч ким очиб, ёпмайди. Қиладиган иши кечгача пилта босиш, ярим қоронғи тўрт девор ичида қамалиб, чарх йигирув, оҳ-воҳ чекиш, хўрсиниш... бўлди.

Бу осон эмас эди юраги сиқилиб ҳеч ерга сиғмай қолди. Ҳадеб ақаси, янғаси кўз олдига келаверди... Баъзи-баъзида ҳарам оғасининг рухсати билан боққа чиққудек бўлса, кўзлари жавдираб, отбоқарни излаб, девор томонга тикилади. У ҳам ер қаърига кириб кетгандай кўринмайди. Кўринмайди... Деворнинг ёригини суваб қўйишибди. Девор устида у ёқдан-бу ёққа учиб юрган чумчуқлар ўтиришибди... Полапонларини эргаштириб, учиб юрган чумчуқлар унинг тинкасини қуриштиди. Юртимга бориб салом айт, деган чумчугига ўхшаш чумчуқлар ҳам беҳисоб... учиб юрибди... «Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам, сариқ чумчуқ юртимга саломимни олиб кетди, деб умид қилиб юрганим яхши», деб кейин боққа чиқишни ҳам тарк этди.

Шу тариқа тўрт баҳор ўтди. Олмагул балоғатга етди. Энди кўнгли вақтихушлик қиладиган бўлиб, эркакни қўмсай бошлади. Лекин аксига олгандай хон онда сонда бир кўриниш бериб қўйишини ҳисобга олмаганда, киришни тўхтатган эди. Бети лагандай ҳарам оғасидан бўлак эркак зоти кўринмайди.

Кўзлари тиниб, чархга бошини тираб, хаёл суриб ўтирган Олмагул ҳарам оғасининг «Майдабика» деган овозидан бир чўчиб тушди, дарров яна ишга киришди.

— Тўхта, Майдабика, сен озод бўладиган бўлдинг.

Олмагул қулоқларига ишонмай, ҳарам оғасининг оёқларига йиқилди.

— Қайтариб айтинг, отажон.

— Сен озод бўлдинг.

— Хон мени сотдими? Ё бировга инъом қилдими?

— У ёғини билмадим. Қани тур, кетимдан юр.

Улар олдинма-кетин юришиб, боғнинг бошқа томонидаги бир эшикдан киришди. Бетига рўмолини тортиб, озгин қўли билан тўсиб турган Олмагул зимдан қараб уч кишини кўрди. Улардан бири Олмагулни бир лаган тангага сотиб олиб қолган вазир эди. Устига ўша башанг кийими, ўзгартирмабди. Иккинчиси мовий кўз, қош-сочлари сап-сарик қирқ-қирқ беш ёшлардаги киши эди. Афгидан карвонбоши бўлса керак. Учунчиси ўша маллавоёга ўхшаб кийинган қора кўз, қора соч, қора қошли ўн олти-ўн еттилар чамасидаги ёш йигит — рус савдогарларининг тилмочи Бўрибой Қорақалпоқов — Туркистондан Кузьма Бородин эргаштириб кетган Бўрибой эди.

Кузьма Бородиннинг уйида бир йил юрганидан кейин бир бой танишининг ёрдами билан Москвадаги гимназиялардан бирига ўқишга кирган эди. Исми ўзгармай қолгану, аммо ота-онасидан жуда ёш етим қолганлиги учун, ўқишга ёзилгани борганида отасининг номини билолмай «мен қорақалпоқ боласиман» деявергани учун фамилияси Қорақалпоқов бўлиб кетган.

Олмагул кўз қири билан Бўрибой Қорақалпоқовга тикилди, кўзига иссиқ кўрингани билан уларнинг ҳеч қайсисини танимади, ҳеч қайсиларига хоннинг туфлаган тупугини муносиб кўрмади. «Балки чўриликка сотиб олмоқчидир» деган хаёл билан юзини кўрсатмай тураверди.

Бўрибой Қорақалпоқов карвонбоши билан рус тилида нималарнидир гаплашиб олиб, қиз томон ўгирилди.

— Исминг нима?

Олмагул тўрт йилдан бери ўзининг ҳақиқий исмини эшитмаганлигидан, хон қўйган исмга ўрганиб кетган эди.

— Майдабика, — деди аста йиғламсираб.

— Йиғлама, йиғлама, Майдабика. Юртингга қайтишни истайсанми?

— Истайман. Ҳозироқ кетаман. Сиз ўзингиз кимсиз? Юртимдан олиб кетишгандан бери қорақалпоқ тилида гапирган одамни учратмадим. Эшитишимга қараганда бир қорақалпоқ отбоқар бормиш. Лекин ўзини кўрмадим.

Бўрибой Қорақалпоқов эшитганларининг ҳаммасини карвонбошисига тушунтириши лозим эди. Қизнинг жавобини тушунтирганида карвонбоши: «Ого, молодец, живая», деди.

— Ана, Майдабика, хўжайиним сени мақтаяпти. Чаққон, тиришқоқ қиз экан, деяпти, — деди. Шундан кейин у қисқача қилиб ўзини таништирди. Кузьма Бородиннинг номини эшитганда қиз бошини кўтариб ёш тўла кўзлари чақнаб, Бўрибой Қорақалпоқовга қаради.

— Нега ҳайрон бўласан? Танийсанми? — деб сўради Бўрибой.

Буларнинг суҳбатлари вазирга ёқмади, у дам карвонбошига, дам Бўрибой Қорақалпоқовга қараб, қизга тикилди:

— Хонимча, уят бўлади, кўп гапираверма, — деди.

Олмагулнинг тили танглайига ёпишди, кўзларидан чиққан ёш икки бетини ювиб, серрайиб қолди. Шундан кейин Бўрибой Қорақалпоқовнинг саволларига рўмолининг учини тишлаб, «ҳа», «йўқ» дейишдан нарига ўтмади.

— Ким билан қайтади? — деб сўради карвонбоши Бўрибой Қорақалпоқовдан.

— Ҳозир ўзи айтган отбоқарни чақириб, гаплашиб кўрсак қандай бўларкин?

Карвонбоши вазирдан отбоқарни чақиритишни илтимос қилди. Ўз фикри, тутган йўлида қаттиқ турадиган вазир рус карвонбошисининг илтимосига қаршилиқ қилмади. Отбоқарни чақириб келган одам юбориб:

— Хонимча кетаверсин, — деди.

— Мана энди юртинга қайтасан, қизим, — деб рус савдогари ўрнидан туриб, Олмагулнинг бошини силади. — Жуда чечан қиз экансан. Менинг ҳам сендай қизим бор. Исми Мария. Сен ҳам Мариясан. Бўрибой, Марияга бу озодлик рус подшоси билан қорақалпоқнинг бош бийи Маман бий ўртасидаги музокаранинг натижаси эканини тушунтир. Бориб, Маман бийга биздан салом айтсин. Подшонинг ўзи, лашкари келгани билан, Россия фуқароси подшосининг лафзини ўринлатишади, юрган ерларида ўринлатиб юришган экан, десин борганда.

«Маман бий» деган номни эшитиши билан Олмагулнинг кулоқлари динг бўлиб, шу исмнинг қайта-қайта тилга олинишини истаб, оғзи очилиб қолди. Бўрибой Қорақалпоқовнинг тушунтиришларидан кейин қиз аъзойи бадани бўшашиб, рус савдогарининг оёғига йиқилди.

— Бир умрга, у дунёда ҳам қизимсан денг, ўрис ота. Бўрибой, сиз айтинг, Маман бий соғ-саломат қайтганми? Менинг акамни танимайсизми?

Қизнинг нималар деётганини тушунмаса ҳам, оёғига йиқилганига раҳми келиб, бошини силаб, ўрнидан турғазди.

— Майли, бора қол, қизим.

Бўрибой қизнинг саволларига қисқа-қисқа жавоб бериб, бундан уч йил бурун соғ-саломат эди, деди. Қизнинг оғзида тишлаб турган рўмоли тушиб кетиб, юзи очилиб қолди. У озгин эди, шундай бўлса ҳам хонанинг ичи ўн тўрт кунлик ой чиққандай ёришиб кетди. Вазир шу вақтга қадар қизга яхшилаб разм солмаганига ачиниб ютиниб қўйди. Бу аҳволнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини сезган Бўрибой Қорақалпоқов қизни шоширди.

— Хафа бўлма, чиқиб тура тур! Сени ҳозир отбоқага топширамиз. Биз Ҳинд элига кетяпмиз. Қайтишда кириб ўтамиз. Агар куздан кечиксак, унда ўзларинг кетаверасизлар.

* * *

Олмагул бир мартагина кўриб, қайтиб учратмаган сариқ тумоқли одам Худоёр отбоқар эди. Отбоқар деган лақаб унга шу хон саройида берилган бўлиб, илгари уни Худоёр йилқичи дейишар эди.

Худоёр йилқичи Олмагулнинг отаси Дониёр йилқичининг туғишган иниси. Оға-ини ўртасида икки ёшгина фарқ бор, аслида эса, иккалалари худди эгизакдай бир-бирларига ўхшаш эдилар. Худоёр ҳам баланд бўйли, озгин қорачадан келган киши, бироқ соч-соқоли ориқ эчки юнгига ўхшайди, қорасидан оқи кўпроқ, узун кир бўйнининг томирлари бўртиб турибди. Бесўнақай кафтлари бир оз кичрайган эди. Худоёр ҳали ҳам уйланмаганди. Сирдарёнинг юқорисида оға-ини манғит уругидан бир бойнинг йилқисини боқишарди. Ака-ука топганларини жамлашди, эплаб-сеплашиб бойга ялинишди, акаси Дониёрни манғитларнинг бир қизига уйлантириб қўйди. Шундан кейин орадан кўп вақт ўтмай, оламга машҳур Жунғорлар уруши бошланиб кетди. Бу урушдан кейин халқ «оқтобон кўчиши» аталиб, ҳар томонга бўлиниб кетганда, Худоёр ўз хўжайинининг йилқисини олиб қочди. Дониёр дўст биродарлари билан бирга Сирдарёни ёқалаб кўчди. Шундан кейин ака-укалар бир-бирларидан хабар эшитишмади. Қидирайлик дейишса, бир-бирларининг қай томонга кўчишганини билишмади. Жунғор тарафга

қочдими — жигарини топиш учун умр бўйи излаши лозим эди. Бунинг устига, улар юртга таниқли бой ё ўтроқ, уй-жойлик одамлар эмаски, дарров суриштириб топиб олса. Дуч келган тўқайда, тоғ ораларида, қум барханлари орасида йилқи боқиб, ўтлоқма-ўтлоқ юрадиган одамларни топиш осонми: Шу сабабдан улар бир-бирларини яна кўришдан умид узиб, эсга тушган пайтларда, дастурхон устида бир-бирларини дуо қилиб, у дунёда дийдор кўришишни худодан илтижо қилиб юришарди.

Худоёр йилқичи билан бирга кетган манғитлар Амударёнинг қуйи томонига, денгизга қуйиладиган ерига келиб жойлашди. Овул қайтадан қаддини ростлаб, энди ўзига кела бошлаганида ҳозирги Хива хонининг отаси Элбарсхон лашкар тортиб бориб, овулни босди, «Бўйсунмаймиз» деган йигитларнинг оёқ-қўлларини боғлатиб, дарёга улоқтирди-да, манғитларнинг бош бийи Шердали бийнинг бошини танасидан жудо қилиб, овулни бошлиқсиз қолдирди. Кўл этагида ёйилиб юрган моллари, йилқиларини хон хазинасига олиб кетди. Мана шу Худоёр отбоқар ўшанда ўзи боқиб юрган йилқиларни мажбуран Хивага ҳайдаб келди. Хон амалдорлари уни, йилқиларни ҳайдаб қочиб кетишидан кўрқиб, сарой отбоқарларига ёрдамчи қилиб олишди. Шундай қилиб, Худоёр қочиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Бироқ ҳалол меҳнати, йилқиларнинг тилини яхши билиши билан обрўга эришди. У боққан бедовлардан қора қашқа ёвмути туркманларнинг тўйидаги бир пойгада бош совринни олиб, Хива хонининг доврўғини яна бир босқич кўтарди. Ўшанда Элбарс хон уни ҳузурига чақиртириб:

— Баракалла, отбоқар, сенга сарқит бериб, хотинли қилиб қўяман, — деган эди.

Ёлғиз ўзининг топгани ҳеч нарсага етмаслигини билгани учун хотин олишни ҳам ўйламай қўйган эди. Бироқ хоннинг ваъдаси сўниб қолган юрагида умид пайдо қилди. Хоннинг сарқити нима эканини билмас эди, бошқа отбоқарлардан суриштириб билиб олди.

— Хоннинг одати — саройга олиб келинган банди қизларни икки-уч йилдан ортиқ хотин қилмай, яхши кўрган одамига инъом қилади. Хоннинг назарига тушдинг, бахтли экансан, йигит, — дейишди бошқа йигитлар. Бироқ орадан кўп вақт ўтмади. Элбарс хон ўлиб кетди. Саройда талай ўзгаришлар рўй берди. Бироқ отбоқарлар ўша ҳолича қолаверди. Ундан кейинги

хонлар бундай ваъда қилишмади ҳам. Отбоқарнинг юрагида йилг этган умид учқуни яна сўнди. Саройга бир қорақалпоқ қизи олиб келинганини эшитганда, у билан тиллашгиси, сирлашгиси, ўз юртдан билганларини суриштиргиси келди. Сарик тумоғини кийиб олиб, хон боғининг ташқи деворини ёқалаб ёриқлардан мўралаб юришининг ҳам сабаби шу эди. Охири бир ёриқдан уни кўрди, озгина гаплашди ҳам. Шундан кейин йўл беркилиб қолди, қайтиб кўролмади, хабарини ҳам билолмади.

Кутилмаганда вазир чақиртириб қолди. Бу чақирик бир томондан уни кўрқитиб ҳам юборди. Ахир вазир бекорга чақиртирмайди-да. Ё тортиқ беради, ё жазолайди. Тортиқ беради деса, кейинги вақтларда бирон мақтовга сазовар иш қилгани ҳам йўқ, қора қашқа ёвмутидан бошқа пойгада ютадиган от пайдо бўлмапти. «Балки бирон гуноҳим бордир, биров орқаворатдан чаққандир, — деб гумонсиради. — Балки ўғли отасининг ваъдасига вафодорлик қилиб, мендай тулга сарқитини берса ажаб эмас. Қорақалпоқ қизини тўрт йил хотин қилди. Бу катга муддат. Шуни сарқит қилаётганмикан? У жуда ёш-ку...» «Олиб кет» деса, «худо зиёда қилсин, хотин олишдан ўтганман» дейман...».

Вазирнинг меҳмонхонаси олдида офтобга юзини тутиб, деворга суюниб ўтирган ҳарам оғаси билан Олмагулни кўрди. Ўзини танимаганга солиб, ўтиб кетди.

Одатига кўра, остонадан ҳатлаб ўтиши билан эмак-лаб, пешонасини ҳар ерга бир уриб келаётган Худоёр отбоқарни кўриб, Бўрибой Қорақалпоқовнинг юраги ачишиб кетди. «Ўрнингдан тур» демайсизми, дегандай хўжайинига қаради. Бу томонларнинг қанчадан-қанча хонлари, одамларини кўравериб кўзи пишиб кетган рус савдогари бунга эътибор бермади. Худоёр отбоқар тегишли жойга келиб, пешонасини ерга қўйиб ётди.

— Қани, Худоёр отбоқар, бошингни кўтар-чи, — деди вазир узун соқол-мўйловини сийпаб. — Ўрусия элидан келган тўра сизни, ўз юртинга қайтишни истайдими, деб сўраяпти. Биз қайтишни истамайди, дедик. Ўзингиз нима дейсиз? Бўрибой тилмоч, менинг Худоёр отбоқарга нима деганимни тўранга тушунтир.

Рус савдогари вазирнинг саволини айбга санамади, «жуда тўғри», деди.

Худоёр отбоқар юртига қайтишни кўпдан бери орзу қиларди. Нури сўна бошлаган кўзлари ёшланиб, нима деб жавоб беришини билмади. «Балки бу гапларни ме-

ни синаш учун айтаётгандир. Кетаман десам, Хивадан норозимисан деб, кейин калламни олиб ташласа-я...»

— Гапиринг, — деб қистади вазир.

— У томонлама мени соғинадиган бирон меҳрибоним, туғишганим-жигарим йўқ, улуғ вазири.

Вазир гердайиб, мийиғида кулиб қўйди.

Бўрибой Қорақалпоқов чидамади.

— Тиши синган тўнғиз! — деб юборди у.

Ёш йигитнинг койиши эмас, соф қорақалпоқ тилида айтилган гапи Худоёр отбоқарнинг юрагига наштаздай қадалиб, ўртада аллақандай бир сир борлигини фаҳмлади. Бироқ айтган гапидан қайтишининг энди иложи йўқ эди.

— Майли, юртимга қайтмайман десанг, шу ернинг тупроғини ялаб юравер. Бироқ хон саройига тушган бир қиз бор экан. Тўрамиз хунини тўлаб, уни озод қилди. Шу қизнинг тақдирини сенга топширамыз. Аммо уни ўз йўлингга сола кўрма. Биз келгунимизча олиб турасан, — деб унга айтган гапларининг ҳаммасини Бўрибой тўрасига тушунтирди.

— Бизнинг йўлимиз машаққатли йўл, мабодо куздан кечиксак, булар сарғайиб ўтираверишмасин, — деди рус савдогари. Бўрибой ҳам тўранинг гапларини вазирга тушунтириб, уларни юртларига жўнатишга ёрдам беришини сўради. Вазир индамади, фақат «маъқул» дегандай бош чайқаб қўйди.

Худоёр отбоқар рухсат олиб ташқарига чиққанида, Олмагул билан ҳарам оғаси ҳали ҳам бояги ерда ўтиришарди. Ҳарам оғаси уни кўриши билан ирғиб ўрнидан турди-да, қизнинг ингичка биллагидан ушлаб келиб, Худоёр отбоқарга тутқазди, ҳиҳилаб кулди.

— Хонимча, мендан рози бўл. Ҳе-хе-хе... Жуда мос тушдиларинг, бир-бирларингга муносибсизлар. Жуда ярашасизлар, ҳе-хе...

Худоёр отбоқарга ҳам, Олмагулга ҳам бу воқеа тушдай туюлиб, етаклашиб кетишди. Олмагулнинг елкасини босиб ётган оғир юк олиб ташлангандай енгил тортиб, чаққон одимларди. Хон саройининг дарвозасидан ташқарига ҳатлашлари билан олам кўзларига кенг кўринди, ҳаво ҳам ниҳоятда тоза, мусаффо туюлиб, тўйиб-тўйиб нафас олишди.

— Уҳ, — деди Олмагул. Шу билан бор ғам-ҳасратини дарвозанинг ичкарасида қолдиргандай, кетига қарамасдан, Худоёр отбоқарнинг ёнида илдам-илдам юриб кетди.

Кичик юз хонлиги тепасига бостириб келган булут қорақалпоқ овуллари устидан сел бўлиб ўтади. Беғам-беташивиш, осуда йиллар узоққа чўзилмади. Яна хавф-хатар, яна бос-бос, яна душманлик. Кичик юзнинг нотинч бўлаверишига Абулхайрхоннинг ўзи сабабчи. Қурт излаган олатўғоноқдай беқарор, у шохдан бу шохга сакрайди. На тиними бор, на қаноати. Тахтидан, мартабасидан ажралиб қолишидан кўрқади. Унинг типирчилаши ҳам ана шундан. Айниқса, Ўрта юздан ҳадиғи катта. Русларга хушомад қилиб, кафилликка ўғлини бериб, подшосига солиқ тўлаб туришдан мақсади ҳам барча қозоқ юзлари тепасидан ҳукмини юритишдир. Бироқ иш ўйлаганича бўлиб чиқмади. Иван Неплюев унинг айтганига юрмади. Орь қалъасидаги Ўрта юзнинг Ботир, Барах исмли султонларини унга бўйсундириб бермади. Гаровга топширган ўғли Хўжааҳмадни Чингис исмли ўғли билан алмаштираман деганида, илтимосини бажармади. Шулар сабаб бўлдию, Абулхайрхоннинг Иван Неплюевдан ихлоси қайтди, Рус подшолигидан ҳафсалари пир бўлди. Энди у таянчини Нодир шохдан излаб қолди. Бундан кўрган фойдаси шу бўлдики, Хоразмга юриш қилиб, ўғли Нурали бир оз муддат Хивага хон бўлди. Ярадор қашқирдай, ҳар тешикка бош тиқишдан уялмади. Элининг ота душмани жунғор хонига қизини бериб, қариндош бўлиб олди. Ҳар тарафга томир ёйганига ишониб, тева-рак-атрофидагиларга зулмини ўтказди. Лашкар юбориб, ёни-веридагиларни талатди. Бироқ бу билан мартабаси ошмади. Ўрта юзнинг қудрати орта бошлади. Абулхайрхоннинг душмани — Ўрта юз уруғидан чиққан Ботир султоннинг Ғойиб деган ўғли Хоразмга хон бўлиб кетди. Бу унинг умидларини пучга чиқарди, ҳафсаласини пир қилди. Ҳар томондан тумшугига туртки еган, шохи сина бошлаган хон аввалги қўл беришган дўстига қайта бош эгишга, улуғ Россия тарафга яна сажда қилишга мажбур бўлди.

1748 йил Орь шаҳрига рус подшолигидан вакил келиб, Абулхайрхон билан Неплюевларни яраштирди. Кафилга топширган ўғлини бошқа ўғлига алмаштириб олди. Бу келишувдан кейин бир ой ўтар-ўтмас Абулхайрнинг яна кучайиб кетишидан кўрққан Ўрта юзнинг Барах султони билан Ботир султони анча-мунча лашкар тўплаб Кичик юзга қарши урушга отланди. Улар урушга

пухта тайёрланган эди. Кичик юз хонлиги хавф остида қолди. Кичик юз қозоқларининг атоқли бийлари яширин суратда Янгикентга маслаҳатга тўпланди. Бу маслаҳатга Ирисқул бий билан Маман бий ҳам чақиртирилган эди. Асирликда соғлиги ёмонлашиб, ҳалигача ўзига келолмаган кекса бий йиғилишга боролмади. Бу вақтда Маман бий қум ичида отлиқ йигитлари билан машқ ўтказиб юрган эди. Ирисқул бий уни чақиртириб келди:

— Ўғлим, иккаламизнинг номимиздан Янгикентга бориб келасан, — деб тайинлади.

Маман бий кекса бийнинг гапини қайтармади. Ўша куниёқ Янгикентга отланди.

Одатга кўра, ҳар бир иш бирон қария билан маслаҳатлашиб қилингани маъқул. Шунинг учун ҳам Мурод шайх ўлгандан кейин элнинг ёши катта — мўғтабар кишиси Ирисқул бий бўлиб қолди. Маман қозоқ бийларининг кенгашида бўлиб ўтган гапларни оқизмай-томизмай гапириб бериш учун Мурод шайхнинг ўғли Хелвет тархонни ёнига олиб, Ирисқул бийнинг уйига келди. Бели букилиб қолган кекса бий ёстиққа ёнбошлаб ётиб Маманнинг гапларига диққат билан қулоқ солди.

... Абулхайрхон илгариги важоҳатидан тушиб атрофдаги бийлари билан маслаҳатлашиб, олисдаги овулларга чопарлар юборибди. Абулхайрхоннинг Ирисқул бийнинг тутқунликдан бўшатмоқчи бўлган, оч қолмасин деб нон келтириб бериб юрган бир ясовули тобин уруғига юборилибди. Овулларида тўпланишнинг иложини топишолмагач, улар маслаҳат учун Янгикентга тўпланишибди. Қозоқ бийларининг олдида ёлғиз бир масала турарди.

— Кичик юз хонлигини сақлаб қолиш керакми ё йўқми?

— Керак!

— Ундай бўлса, Абулхайр ёрдам сўраяпти. Барах султон билан Ботир султонга қарши урушга чақиряпти.

Кичик юз хонлигини сақлаб қолиш хусусида ҳам-малари бир фикрга келишган бўлса ҳам, «Абулхайрга ёрдам» деган сўз ҳаммаларини бош қашлашга мажбур қилди. Бироқ бош қашиган билан мушкул осонлашмайди. Барах султон билан Ботир султонга қарам бўлиб қолишса, Кичик юзнинг адойи тамом бўлгани. Бийлар бунинг мағизини чақиб, урушга чиқишга бел боғлашди.

Яйловга молларини ёйишиб, Кичик юзнинг аччиқ-чучугини бирга тотишган, бир яйловда мол боқишган, бир дарёдан сув ичишган қорақалпоқ эли нима қилади?

Бийлар Маманнинг оғзига қарашди.

Айғара бий ачинарли аҳволда эди. Начора? Уруш бўлса, унга ҳам осон бўлмайди. Ўрта юзнинг қўли баланд келиб қолгудек бўлса, даставвал шундай бийларнинг бўйнига сиртмоқ солади, ҳамма ёқни остин-устун қилади. Шунинг учун ҳам ҳозир у Маманнинг кўзларига умид билан тикилиб ўтирарди. «Икки кўзни бири-бирига ёв қилган худо, — кўнглидан ўтказди Маман хўрсиниб. — Биз буларга суянамиз десак, қозоқ қозоқни қирмоқчи. Сирнинг юқорисидан то қуйи томонига-ча чўзилган катта хонлик эди. Агар шундай бўлаверса, улар ҳам бизга ўхшаб, ҳар томонга тўзиб кетиб, озайиб қолишади-ку...» Маман анчагача индаёлмай ўтирди.

Қозоқ бийлари унинг нега бунчалик сукут сақлаб қолганининг сабабини тушунишарди. Яқингинада Абулхайрнинг газабига учраб, майдаланиб, тарқалиб кетган эл бугунги кунга келиб қандай қилиб, қайси юрак билан ёрдам берсин? Ёмонлиқ қилганга яхшилик қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун мард юракли йигитлар бўлиши керак.

— Маман болам, бу осон савдо эмас, кўп хаёл сураверма, элинг, йигитларинг, Ирискул бий билан маслаҳатлашиб кўр, — деди Айғара бий...

Маман бий Ирискул бийга шуларни ҳикоя қилиб берди-да, қозоқ бийларига ёрдам берамиз деб, таваккал қилиб, эл номидан ваъда бериб келганини айтди.

— Нима қилай, бий ота. Ўзингиз биладиган дўстларимиз куйиб, кул бўлай деб турибди. Энг муҳими, Кичик юз-русларнинг дўсти. Дўстимизнинг дўсти бўлган эл билан дўст бўлмасак, дўстимиз бошига чивин кўнганда елпимасак бўладими? Билиб турибман. Осон эмас. Абулхайр туфайли пайдо бўлган ярамиз ҳали битиб улгурганича йўқ. Йигитлар ҳам норози бўлишди. Кеча бизни талаган эди десак, Ўрта юзга ёрдам берган бўламиз. Душмандан дўст излаган одам дўстини душман қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Мен буни Абулхайрхон тажрибасида кўрдим. Бир қарасанг русларга, бир қарасанг Эрон шоҳига, бир қарасанг Жунғор хонига қўл берди. Бироқ биронтаси билан ҳам ҳақиқий дўст бўлолмади. Охири шу бўлдики, душмани кўпайиб кетди. Бизга қилганларини орқага ташлайлик, дўстликни жойига қўяйлик деб ўйладим, бий ота.

Билакларининг томирлари бўртиб турган Ирискул бий ёстиққа ёнбошлаганича қўлига таяниб ётарди. У узоқ ўйланиб қолди. Маман бий ҳам уни шоширмади. Майли, яхшилаб ўйласин. Балки дилимдаги гапни топиб айтар деб, индамай чой ҳўплаб ўтираверди.

— Ўғли, Кичик юзга ёрдам беринглар, деб рус подшоси буюрса бошқа гап эди. Унда дўстнинг сўзини ерда қолдириб бўлмас эди.

— Ота, ёрдам бер деса, ким бош тортарди. Ҳар ким ёмон бўлса, худодан топсин. Биз холис бўлганимиз яхши. Ҳисобли дўст ажралмас, деганлар.

Маман бий бу гапларни йўлда Ҳелвет тархонга атайлаб айтмаган эди. У бу гапларга қулоқ солиб ўтириб, йигитнинг барча ҳаракатларидан ҳайрон қолди. Ўзига тархон унвонини берган подшога ён босди, лекин Абулхайрхонга ёрдам бериш ҳақидаги гапларни эшитганда бир сакраб тушди.

— Маман бий, Абулхайрхондан қарзимиз йўқ-ку! — деди.

— Ҳурматли тархон, ундай деманг. Одам одамдан ўла-ўлгунча қарздор. Тушунган одамнинг одамдан қарзи тамом бўлмайди. Одам одам билан одам...

Кўзларини юмиб, хаёл денгизига чўмган, қордай оппоқ бошини сийпаб ётган кекса бий ниҳоят бошини кўтарди.

— Майли, болам, ҳар ким ёмон бўлса, худодан топсин. Йигитларинг кўнишса — бас.

Ҳелвет тархон индаёлмай қолди.

* * *

Кум орасида йигитларни аскарлик машқларига ўргатиш ишлари Кузьма Бородин кетгандан кейин ҳам тўхтамади. Навкарларга машқ ўргатишни энди Маман ўз зиммасига олганди. У машқларни илгаригидан ҳам жонлангириб юборди. Улар Қизилқум этагида чодир қуриб ётиб юришганди. Ҳар куни азондан йигитларни икки гуруҳга бўлиб от чоптиради, пиёда югуртиради, кумнинг устида кураш туширади. Ҳар ерга қоровул боғлатиб, от устида туриб найза урдиради, югуриб бораётиб қилич солдиради, чўқмор урдиради. Хуллас, навкарларга тиним бермайди. Бўшангларни, уддалай олмаётганларни оч қолдириб, отининг устига тескари миндириб, эгарга танғиб боғлатади, шу тақлид овулни айлантиради. Авваллари бу тартибга кўникиш қийин бўлди, жанжал ҳам

чикди. Барибир, охири ҳаммалари шунга кўникиб ҳам кетишди. Бироқ уларнинг озиқлари йўлларида эди. Ўзлари билан ўзлари бўлиб кетишди.

Маман бий Янгикентга, қозоқ бийларининг кенгашига чақиртирилганида, ўрнига Шомурод бийни қолдириб кетган эди.

Суюндиқ бийнинг туғишган иниси Шомурод бий Мамандан ўн ёш катта бўлиб хийла шум одам эди. Акаси тириклигида дов-давлатидан ичи тўлмай куйиниб юрарди. Бироқ ичидаги дардини ҳеч кимга айтмасди. Суюндиқ бий ўлгандан кейин унинг душман панжасидан омон қолган мол-мулки у ёқда турсин, бошчилик қилиб келган уруғи ҳам қўл остига ўтганда буларнинг ҳаммаси унга кам бўлиб кўринди. Унда кўчмай қолган барча кўнғирот уруғига бошчилик қилиш иштиёқи туғилди. У Ирискул бийнинг ўғли Тўрақулнинг фаросатсизлигидан фойдаланиб, ўз ноғорасига ўйнатиш режасини тузиб қўйган эди. Ирискул бийнинг қайтиб келиши унинг барча режаларини бузиб юборди. Ичи куйганича қолаверди. Юрт тартибга тушиб бутун эл Маманни ҳурмат қилгани сабабли, ноилож мураса қилиб юрди, лекин асил ниятидан кечмаган эди. Маман Янгикентга кетиб, бошчилик қилиб туриш ҳуқуқи ўз қўлига ўтганда, йигитларга қараб:

— Мен сизларни қийнамайман. Бемалол дам олаверинглар, — деди.

Йигитларнинг кутгани ҳам мана шу эди. Ҳаммалари отларига тушов уриб, яйловга қўйиб юборишди. Баъзилар қум устига чўзилди, баъзилар ошиқ ўйнашга тушди. Кўнглимжой бир тўп йигитни олдига чақириб, қизиқ ҳикоя бошлади. Шомурод бийнинг ўзи Тўрақулни эргаштириб кийик овлашга кетди. Тўрақул мерганликда йўқроқ эди. Олдидан қочган кийикка ўқ узганида Шомурод бий ҳам ўқ узди, кийик ағнаб тушди.

— Йигитсан-да, Тўрақул йигитсан! — деб қўйди.

Тўрақул отасининг ўрнига бий лақабини олиб, отга мингани билан отаси келгандан кейин амалдан тушган эди. Лекин у бунга асло парво қилмасди. Ирискул бий унинг кўп қилиқларидан хафа бўлиб, холи қолишганда койирди, ҳатто бир-икки тарсаки урарди ҳам. Ота эмасми, минг қилганда унга раҳми келади. Насихат қилиб, яна чиқариб юборади. Туядай бўй бергунча нинадай ақл берса бўлмасмиди. Тўрақул ташқарига чиқди дегунча, ота насихатларини унутади. Агар ўша куни Шомурод бий билан учрашса борми, дарров унинг

гапларига лаққа тушиб, отасига қарши фикрларга ҳам бора бошлайди.

Отга минса лаллайиб ўтиришини, курашса йиқилишини, тўнглигини демаса, кўнгли тўғри йигит. Ўқ узганда ўқни кўпроқ зое кетказадиган ҳам шу Тўрақул эди. Шунинг учун ҳам Маманни хуноб қилиб, кўп гап эшитади.

У ҳозир ҳам узган ўқи кийикка текканига ишонмай, ҳайрон бўлиб қолди. Кейин хурсанд бўлиб:

— Рости билан меникими? — деб сўради Шомурод бийдан.

— Чиндан сеники.

— Ундай бўлса...

— Кўнглингдаги гапни тушундим, Тўрақул. Маман бий сени хафа қияпти. Биласанми, унинг сендан ҳадиги бор. Чунки сен кўнғирот хонининг ўғлисан. Сени ақлли деса, сени мерган деса, юрт сенга эргашади.

— Маман бий айтадиган гапларни дадам ҳам айтади-ку.

— Оғзидан она сути кетмаган болакай, сен тушунмайсан. Отанг банди бўлиб ётган кезларида мияси айниб қолган. Сени ҳадеб койий беришининг сабаби ҳам шунда. Отанг қайтиб келмасидан олдин қандай юрганнинг эсингдами? Энди-чи?.. Яхши, бу гапларни қўяйлик. Ундан кўра кийингини сўй.

Тўрақул отдан тушиб кийикни сўйди, эгар қошига боғлади.

Шомурод бий овдан қайтишда унинг қулоғига гап куйди. Кўнғирот уруғининг чириб бораётганига афсусланди. Унинг чириб кетмаслиги учун туз кераклигини айтди. У шу фикр хаёлига келиб қолганидан ичида хурсанд бўлди.

— Тўрақул, элнинг тузлуғи — бийлари. Сен ҳам эл учун бир солим тузсан. Кўнғиротни чиритма, бириктир. Сендан умидимиз катта.

Тўрақул от устидан Шомурод бийга болалар сингари мўлтиллаб қаради. У Шомурод бийнинг тескари қараб гапириб келаётганини кўрдида, ижирғанди.

— Айтинг, нима қилай, ахир?

Шомурод бий ёнбошига бир уриб, хахолаб кулди. Унинг бу кулгиси Тўрақулга тегиб кетди.

— Нега куласиз?

— Янги йўлга тушган кимса, кўнғиротнинг мендай бир йигитидан маслаҳат сўрагани учун хурсанд бўлиб куляпман. Тўрақул бий, мана энди тушундинг. Кўнғи-

рот йигитларининг жилови ёбиликларда. Ҳозир ким атоқли? Ёбиликлар. Эл-юрт кимни мақтайди? Ёбиликларни. Сенинг мияси айниб қолган отанг ким билан маслаҳатлашади? Ёбиликлар билан. Шу кунларда эл раҳнамоси Маман бўлиб қолди. Хўш, ёбиликларнинг ўзлари кимлар? Катта қипчоқ уругининг бир қумалоғи. Шумлик қилиб қипчоқларни ерга уриб юборишди. Қўнғиротликларнинг ҳам обрўсини тўкди. Бунақада қўнғирот уруғи унутилиб, йўқ бўлиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Шомурод бий, кўп гапираверманг. Мен нима қилишим керак, шуни айтинг. Маслаҳат беринг.

— Ундай бўлса, кечқурун беш-олтита қўнғирот йигитини олиб, четроққа чиқасан.

Тўрақулнинг отасини ҳурмат қиладиган, ўзига гард юқтирмайдиган йигитлардан беш эмас, ўнтаси унга эргашди. Улар алоҳида гулхан ёқишди. Тўрақулнинг кийиги пиширилди. Шомурод бийнинг ўзи гапирмади, фақат Тўрақулнинг хилватда айтадиган гапи борлигини писанда қилиб, гапиришига йўл очиб берди. Тўрақул Шомурод бийнинг йўлда ўргатгани бўйича йигитларга ёбиликлардан ажралиш лозимлигини қўнғирот уруғи бошқалар устидан устун туриши лозимлигини тўтиқушдай такрорлади. Кечадан бери Мамансиз эркин дам олиб қолган йигитлар, энди шундай бўлар экан деб, унинг гапларига диққат билан қулоқ солишди. Тўрақулнинг узук-юлуқ гапларида Шомурод бийнинг ҳам болалик чоғларида оталари ёқиб юрадиган ўтнинг учқунлари сал-пал йилт-йилт этгандай бўлди.

Бу ҳангома эртасига яна такрорланди. Бу сафар гурунгда йигитлар кечагидан ҳам кўпроқ қатнашди. Учинчи кун эса қўнғирот уруғидан навкарликка олинган етимлар ҳам бу йиғинга таклиф қилинди.

— Бу Маман бийга нисбатан сотқинлик эмасми? — деди Бекмурод.

Йигитлар худди уйқудан уйғонгандай, бир-бирларига қарашди. Тўрақул довдираб қолди. Шомурод бий пинагини бузмади. У шошмасдан гапирди, Бекмурод билан Қўнғимжойни танимагани учун ёби уруғидан бўлса керак, деб ўйлади-да, Бекмуродни қўнғирот уруғи номига доғ туширишда айблади ва Тўрақул номидан бир дарра уришни буюрди. Тўрақул ҳам ўйлаб-нетиб ўтирмай:

— Урилсин! — деди. Ҳеч ким қимирламади. Ўз буйруғини ўзи бажарди. Ҳамма жим қолди.

— Бу маслаҳатни ташқарига олиб чиққаннинг тили кесилсин, — деди Шомурод бий. Тўракул яна тўтиқуш бўлиб сайраб кетди. Шундан кейин, ҳамма, истасамаса ўша қасамни такрорлашга мажбур қилинди...

Маман бий икки ҳафтадан кейин Омонлиқ билан бирга қайтди. У навқарлар орасига нифоқ тушиб, худди баҳорги муздай парчалана бошлаган пайтда етиб келди. У йигитларга бир нима бўлганини дарров сизди. Қўнғирот йигитларининг авзойи бўлакча, бошлиқлари қайтиб келганини била туриб, тўпланишмади ҳам. Маман ҳеч кимдан шубҳаланмасликка, сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Уларни бир ерга тўплаб, Янги-кентга ўзининг нима учун таклиф қилинганини, у ердан қандай фикрда қайтганини гапириб берди. Шомурод бий кутилмаганда ўртага гап қистирди.

— Энди келиб-келиб душманимизга ёрдам берамизми? Бизга қолса, бир-бирининг гўштини емайди-ми!

Маман бий бошини чайқади. Йигитлар ҳам жонланишди.

— Маман оға, бу ноинсофлик эмасми? — деб юборди Қўнғимжой. Шомурод бий унинг Маман бийга бунчалик тик гапиришини кутмаган эди, Тўракулнинг биқинига туртиб қўйди.

— Бормаймиз! Борадиган бўлсанг, бир ўзинг кетавер, — деб қаддини ростлади у. — Қани, қўнғирот йигитлари, ўрниларингдан туринглар! — Ҳамма қимир этмай ўтирган эди, Шомурод бий биринчи бўлиб ўрнидан турди. Шундан кейин йигитлар ҳар ер-ҳар ердан битта-битта тура бошлашди. Тўракул ўтирганларга қўлини бигиз қилди. — Ҳа, нима, сен қўнғиротлик эмасмисан?.. — деб ўшқирди. Қолганлар ҳам ноилож аста-секин ўринларидан туришди.

— Маман бий, сен узоқни кўрадиган одам эдинг. Қалбингда чироқ бор эди, ўша чироқ ўчибди, — деди Шомурод бий. — Қалб чироғи ўчган одамга, оқни — оқ, қорани-қора деб ишонтириш қийин.

Бу гапдан кейин қўнғирот йигитлари жонланиб кетишди.

— Сиз сотқинсиз, — деди уларнинг орасидан биттаси.

Маман бий Ирискул бийдан шубҳаланди. Ирискул бийнинг «йигитларинг кўнса бас», деганини эслади. Фифоғи ошиб:

— Эҳ қари йўлбарс! — деди.

У бу гапни кимга қарата айтганини тушунган тушунди, тушунмаган суриштириб ўтирмади.

— Қани, Тўрақул, айт-чи, сен халқингни севасанми? — деди Маман ўрнидан туриб.

— Мен ўз уругимни севаман.

— Эҳ, халқини танимаган занғар!

— Бундай деб отасига тил тегизма, — деб Шомурод бий унинг ёнини олди. Маман бий ўзини оқлаб ўтирмади.

— Йигитлар, Кузьма Бородиннинг ўз халқини суйган одам, бошқа халқларни ҳурмат қилади, деган гапни унутдиларингми?

— Бородинингни уйингга олиб бор, бизга ўзи ҳам, сўзи ҳам керак эмас!

Тўрақулнинг бу қадар қизишиб, Маман бийга бетга чопарлик қилишини кутмаган баъзи йигитлар ҳайрон қолишди. Унинг ёнгинасида турган Шомурод бий, бошқаларга эшитдирмай, «дуруст, дуруст» деб, уни баттар гижгижларди.

— Тўрақул, йигитлар, — деди Маман. — Милтиқларингни кўздан кечиринглар. Ўқлари жойидами? Қамчи ва қиличларинг тайёрми, дамани кўздан кечиринглар.

Аскарбошининг вақт-вақти билан такрорлаб турадиган буйруғига ҳаммалари ўрганиб қолишган эди. Маманнинг гапи икки бўлмади. Ҳамма, ҳатто Тўрақул ҳам, милтиқ, қурол-аслаҳаларини кўздан кечирди.

Буйруғи сўзсиз бажарилганидан Маман хурсанд бўлди.

— Хўш, нимани пайқадиларинг?

— Ҳеч нарса! — деди Тўрақул жиддий.

— Қайтадан қаранглар, унда ўрис Кузьма Бородиннинг қўл излари бор.

Тушунганлар жим туришарди, тушунмаганлар эса, елкаларини учириб, ҳайрон бўлишди.

— Қурол берган, куч берган халқнинг дўстини ҳимоя қилмай бўладими?

— Маман бий, одамларнинг бошини айлантирма, — деб Тўрақул милтигини елкасига осди. — Қани, кўнғирот йигитлари, отларинглар. Етар! Энди бизнинг ёбликлар билан ишимиз йўқ. — Баъзи йигитларнинг тўпдан ажралиб чиқа бошлаганини кўриб, Тўрақул яна ҳам дадилланди. — Қани, Маман бий, мард бўлсанг майдонга чиқ! Ё кўнғирот турсин, ё ёби.

Тўпланиб турганлар шоша-пиша отга минишди. Маман бийнинг уруғлар орасидаги низоларни йўқота-

ман деган нияти пучга чиққан эди. У қўнғиротликларга эргашмаган йигитлар томон ўтирилди. Улар ҳам иккиланиб қолган эди.

— Маман бий, обрўйим кетмасин десанг, Тўрақулга жавоб бер, — деди улардан бири. Маман бийнинг газаби қайнаб кетди. У отга миниб:

— Тўрақул, тўхта! — деб қичқирди.

Шомурод бий Тўрақулнинг қулоғига «тўхта, ваъданга вафо қил, қўнғиротнинг арслони», деб шивирлади.

Тўрақул отининг бошини орқага буриб, милтигини отишга шайлади. Унинг нишонга аниқ уришини сезиб, Маман бий зудлик билан найзасини отди. Тўрақулнинг милтиғи қўлидан учиб кетди, ўзи ҳам отдан гуп этиб йиқилди.

Қўнғирот йигитлари худди ўлимтик кўрган қузғундай, дарҳол унинг атрофига тўпланишди. Маманнинг мақсади уни ўлдириш эмас, қўлидаги қуролини тушириб юбориш эди. Мўлжалдан сал адашибди. Найза Тўрақулнинг кўксига бориб қадалибди. Маман бий ичидан ўкиниб, лабини тишлади. Найзасини суғуриб олмоқчи бўлиб, унинг дастасидан энди ушлаган ҳам эдики, Тўрақулнинг қичқириви эшитилди:

— Тугинлар!

Маман бий йигитларга ўқрайиб қараган эди, ҳаммалари орқага тисарилишди. Шомурод бий мени гумдон қилмасин дегандай, ўзини йигитларнинг орқасига олди. Маман худди курашга тушмоқчи бўлаётган полвондай, билакларини шимариб, турганларга қаради:

— Яна ким бор?!

Ҳеч ким ўртага чиқмади. Маман илондай тўлғаниб ётган Тўрақулнинг тепасига бориб, унга тикилди. Унинг лаблари ёрилиб, ўликнинг акси уриб қолган эди. Маман найзани икки қўллаб ушлаб, тортиб олди. Қон отилиб чиқди. Тўрақул бир тўлғонди-ю жим бўлиб қолди. Маман қора терга тушиб кетди. У Тўрақулни худди ёш болани кўтаргандай даст кўтариб, оти томон юраркан:

— От! — деди Омонлиққа кўзи тушиб.

Тўрақулни отининг олдига ўнгариб, жировини қўйиб юборди. Аста-секин кетаётиб, йигитларга буюрди: — Кетимдан юринлар, Ирискул бийникига борамиз.

Энди катта жанжал бўлиши турган гап эди. Буни ҳамма сезиб турарди. Уларнинг баъзилари имлашса ҳам, индашмади. Йигитлар унинг орқасидан эргашиди, Қўнғирот йигитлари ҳам йўлга тушишди.

Ирискул бийнинг овулига яқинлашиб қолишганда, Маман бий тўхтаб отидан тушди-да, ўрнига Омонлиқни миндирди, ўзи Омонлиқнинг отига миниб, тез юриб кетди. Ирискул бий офтобга кўрпача ташлатиб, катта тоғорачада қатиқ ичиб ўтирарди. У узоқда тўдалашиб келаётган юзга яқин отлиқни кўриб, қошиғини кўйди-да, кўлини пешонасига тутди. Отлардан баъзилари кўзига таниш кўринди, яна бамайлихотир қатиғини ичишга тутинди. Маман бий бошқалардан олдинроқ етиб келиб, отдан тушмай, Ирискул бийга салом берди. Унинг овозидан гангиб қолганини пайқаган Ирискул бий чийга суяниб:

— Ўелим, овозинг титрапти. Нима, йигитларинг кўнмадими? — деб сўради.

— Ота, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи бўлиб келдим.

— Хўш?

— Ёғ айниса туз сепилади, туз айниса, иложи нима?

Шу орада кўнғирот йигитлари ҳам етиб келган эди. Ирискул бий уларни кўрмай, бир лаҳзагина бошини қуйи солиб, ўйланиб турди-да:

— Қайси халқнинг тузи айниса, насибаси тугагани, — деди.

— Ундай бўлса, халқимизнинг туз-насибаси узилмасин, деб ёлғиз ўғлингиз Тўракулни ўлдириб келдим, ота!

— Нима?

Кекса бийнинг наърасидан ҳамма турган ерида қолиб қолди. Гўё ер юзида ҳаракат тўхтаб қолгандай, ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Шамол эсмади, гиёҳ қилт этмади, отлар кишнамади, ер тепишмади, қуш учмади, ҳатто одамларнинг нафас олиши ҳам эшитилмасди. Бўйин умуртқаси чўрт сингандай, ерга қараб қолган кекса бийнинг буйруғини кутиб, ҳаммалари лол. Кўнғирот йигитлари унинг амрини кутиб туришар, бос деса бас, Маманни тутиб олиб, қийма-қийма қилишга тайёр турар эдилар. Бу оғир дамда Ирискул бийнинг бутун кўрган-кечирганлари бир-бир кўз олдидан ўтди... У Маман бийнинг ақли, зийраклигини, халқи учун жонини фидо қилиб юрганини, илгари ўзининг «менга олтмиш ёшимда келган ақл унга йигирма ёшида келди» деганини эслади. Ўзини қўлга олиб, ўрнидан турди. Кўзларини енгил билан артди.

— Йигитлар, яқинроқ келинглар!.. Бошлиқ — элининг қули, қул эгасига ҳалол хизмат қиламан деб

чайқалиб кетса, уни суяш керак бўлади. Агар хато қилса, уни тузатиш ота-боболаримиздан қолган удум. Халқимизнинг туз-насибаси тугамасин. Мен Маманни кечирдим! Кичик юзнинг душманига қарши урушга отланинглари!

Ота учун фарзанди қотилини кечириш осон гап эмас. Ирисқул бий ҳар сўзини лўнда-лўнда қилиб гапирётган бўлса ҳам, гандираклар, ўтовга суяниб қолди.

Маман бийнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Отдан сакраб тушиб, Ирисқул бийнинг оёғига йиқилди.

— Отахон, рози бўлинг, мингдан-минг раҳмат!..

Тўрт-беш йигит Тўрақулнинг жасадини ўтовга олиб кирди.

Сафар олдидан бир кун дам олишлари учун навкарларга уйларига рухсат берилди.

* * *

Омонлиқ ўғил кўрган эди. У ўғлига қандай исм қўйишни Маман бий билан маслаҳатлашди. У Омонлиқнинг хурсанд бўлиб кетганини кўриб, «Яхшилик» деган эди. Шу бўлди-ю, ўғлининг исми Яхшилик бўлди. Эр-хотинга бу исм жуда маъқул тушди: Омонлиқ. Яхшилик.

Оқбийдай ҳамиша асирда бўлган кунларини эслаб, юраги эзиларди, кўринган одамдан юзини яшириб, озиб борарди. Омонлиқ ҳар қанча насиҳат қилмасин, бари-бир нафи йўқ эди. Баъзида фарзанд кўришини эслаб, эсон-омон қутилиб олсам, ҳаммасини унутарман, деб ўйларди. Унутиш қайда? Тушларида алаҳлаб чиқади. Энди у ўзини норасидаси Яхшиликнинг олдида гуноҳкордай сезади. У ўғлига ҳам тузукроқ тикилиб қаролмайди. Назарида, у ҳам худди «Она, сен гуноҳкорсан» деб юзига солаётгандай. Уни виждони тинмай қийнади. Лекин ўғлини ёлғиз қолдирмасди, нима иш қилса ҳам, ўғлини қўлидан қўймасди.

Бугун аскарый машқларидан бир кунгинага бўшаб, кечкурун уйга қайтган Омонлиқ ташқаридан «Оқбийдай, Яхшилик» деб чақириб, кулиб кириб келди. Ҳамма ёқ ёғ томса ялагудай. Қозонда овқат қайнаб турибди. Омонлиқ ҳайрон бўлди.

— Менинг келишимни қаёқдан била қолдинг, жонгинам?

— Билиш шартми, бегим? Хотин ҳамиша эрининг гамини ейиши керак.

Омонлиқ Оқбийдайнинг бағридаги Яхшиликни қўлига олди. Чақалоқ ҳали уйқуда. Тушида ҳам онасини эмяптими, лабларини қимтиб, тамшанади. У ўғлига тикилиб, худди рози-ризалик тилашаётган одамдай қаради. Ўғлини кўриб, худди ўзини ойнада кўргандай бўлади. Кулоқларди катта, бўйни узун, қора бола бўлади. Омонлиқ ўғлининг қисиб турган муштини ёзиб, ўз кафтига солиштирди. Ўхшайди! Унинг ҳорғин чеҳрасига табассум ёйилди. Оқбийдай барча хатти-ҳаракатларини кузатиб ўтирар, кайфиятини билишга ҳаракат қилар эди. Уларнинг қаёққа отланишаётганини овулда юрган миш-мишлардан эшитиб, билган бўлса ҳам, эрининг ўғлига тикилиб қарашидан шубҳага тушиб, анигини ўз оғиздан эшитмоқчи бўлди.

— Тинчликми, бегим?

— Хамирингни ийлайвер!

Кўнгли бўш Оқбийдайнинг кўзларидан ёш қуйлиб, хамирига тома бошлади, бироқ индамади. Юрагига гулгула тушиб, нимадандир хавфсирарди.

Омонлиқ тўғриси айтмади, кечаси ҳам айтмади. Азонда отини эгарлаб келиб, Яхшиликни қўлига олди, чўлп-чўлп ўпди. Одатда, у ўғлини бунчалик эркалайвермасди. Ҳозир ўзини тутиши энди қайтиб келмайдиган одамнинг хатти-ҳаракатига ўхшарди.

— Бегим, Абулхайр хон душман эмасми? Қиличи синган қонхўрга қилччи бериб, яна кучайтириб қўйиш қандай бўларкин? Яраланган бўйнини яна қиличга тутиб бериш ярамасмикан, бегим?

— Нималар деяпсан ўзинг?

— Урушга кетаётганингни айтяпман. Қўрқаман, бегим.

— Гапингни қисқа қил!

Оқбийдай қайтиб оғзини очмасликка ҳаракат қилди. Омонлиқ сафарга отланди.

— Бегим, сафаринг бехатар бўлсин. Худо ёр бўлсин!

Омонлиқда кейинги пайтларда янги бир одат пайдо бўлган эди. Отига ирғиб минарди-да, бир қамчи босиб, елиб кетарди.

— Йўлимни тўсма, қоч! — деб отига қамчи силтаган эди, узангининг учи бошини қўйиб турган хотинининг пешонасига тегди, Оқбийдайнинг пешонасидан қон чиқиб кетди. У йиғламади, пешонасидан оқаётган қонни ҳам артмади. Бироқ беихтиёр кўзларидан чиққан ёшлари қонга аралашиб, бетини ювиб туша бошлади. У Маман бий бошчилигида овулдан тўда-тўда

бўлиб чиқиб кетаётган отликларга бориб қўшилган эри кўздан ғойиб бўлгунча турган еридан қимирламади. Оқ рўмолининг попугига қўшилиб, майда қилиб ўрилган сочлари шамолда ҳилпираганича, боласини кучоқлаб тураверди.

Отасининг кетганини эндигина пайқагандай, Яхшилиқ бирдан чинқириб йиғлади.

— Йиғлама, ўғлим, йиғлама, отанг албатта келади... Ишқилиб, соғ-саломат яна дийдор кўришайлик, — деб Оқбийдай ёқасига қайта-қайта туфлаб, яна узоқларга термилди.

27

Худоёр отбоқарнинг саройда хизматкорлик қилиб орттирган дунёси тўрт девори бор бир хароба уй эди. Уни ҳам қашқа ёвмути пойгада ғолиб чиқиб келганидан кейин хон ином этган эди. Ўртада ўт ёқилади. Ойнак ўрни туйнук. Қишда сомон тиқиб кўяди, ёзда шамол кириб туради. Шифтда ҳам туйнук бор, тутун ўша ердан чиқиб кетади. Булутли кунларда уйнинг ичи қоп-қоронғи бўлиб кетади. Очиқ кунлари кўзи ўрганган одам уйнинг қаерида нима турганини аниқ кўради. Бисотида битта эски сандиғи бор. Шалоғи чиққанидан кейин хон саройидан чиқариб ташланган эски сандиқни Худоёр уйига олиб кириб, устига эски қора кигизи билан авра-астари бўз йиртиқ кўрпасини йиғиб кўядиган қилганди. Этиги билан кийим-бошларини ёстиқ қиларди. Битта кумғони, дўппидеккина қозони бор. Мабодо битта-яримта келиб қолса керак бўлади деб, ёғоч товоқ, тош косани иккитадан қилиб қўйган. Чойнаги йўқ, чойни кумғонни ўзида дамлайди. Совуқ кунлари туйнукни бекитиб олов ёққанидан уйнинг тўрт девори билан шифти қозон куясидай қоп-қора бўлиб кетган. Ҳатто шифтдаги ёғочларнинг рангини ҳам, тўғри ёки қийшиқлигини ҳам билиш қийин эди. Қалдирғоч уялари ҳам билинмай, ҳамма ёғини ис босиб, теп-текис бўлиб кетган. Васса борми, йўқми, билиш қийин, қоп-қора қурум билан текис қилиб суваб қўйилганга ўхшайди. Шунинг учун бўлса керак, отбоқарнинг кўзлари ҳам қип-қизил. Олмағул кўрмаган эди. Унинг биринчи кўрган ери — хон саройи эди. У ерда ҳамма нарса жой-жойида эди. У бу ерда шифтдаги қора куяларнинг қандай қилиб тўкилиб кетмаётганига ҳайрон бўлиб, шифтга бир қараб қўйди, Худоёр отбо-

қар сандиқ устидан олиб ёзган қора кигизнинг бир чеккасига ўтирди. Оёғидаги эски чарм кавушини ечмади. Худоёр отбоқар унга у-бу деб ўтирмади. Қумғонни ўчоққа қўйиб, ўт ёқди, чой дамлади.

— Тортинма, қизим, ол, чой ич.

Олмагул худди шу гапни эшитишга интиқ бўлиб турган эканми, унинг заъфарондай юзи бирдан яшнаб кетди. Туйнукдан нур тушаётгандай, назарида уй ичи ёришиб кетгандай бўлди. Кавушини ечиб, ўрнашиброқ ўтирди-да:

— Ота, чойни мен қуя қолай, — деди.

Ёшлигида онасидан бошқа аёл қўлидан чой ичмаган кекса отбоқарнинг қўли дир-дир титраб, қумғонни қизнинг олдига қўйди.

Икковлари индамай чой ичишди. Кейин бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашди. Олмагул бошидан кечирганларини гапириб берди. Акаси Омонлиқдан Худоёр деган амакиси борлигини эшитганини айтганида, Худоёр отбоқар бақрайиб қолди, нурсиз кўзларининг оқи пахтадай оқариб, тили калимага келмади. Анчадан кейин ўкраб йиғлаб юборди.

— Ундай бўлса, туғишган жигарим экансан, жигарим! Эй худо, ўзингга шукур, худо...

Юраги қувончдан гуп-гуп уриб кетган Олмагул йиғламади. Қайтага кўнгли бўш жигарини овутишга тушди.

— Йиғламанг, Худоёр амаки, — деди у. — Сиз йиғлайдиган бўлсангиз, унда мен нима қилишим керак? Йиғламанг. Фарзанд кўзёшини артиш отадан лозим. Йиғламанг. Шукур қилинг.

Қизнинг дадил гаплари отбоқарнинг кўзёшларини тўхтатди. У икки кўзини енглари билан артди.

— Ундай бўлса, йиғламаганим бўлсин, чироғим. Бу ерда орттирган бир оғайним бор эди. Чақириб келай, бизнинг бу қувончимизга шерик бўлсин.

Худоёр отбоқарнинг орттирган энг ишончли дўсти шу қалъанинг боғбони Матёқуб исмли бир одам эди. Қўшни туришарди. Ёзда қўйлак киймай, яланғоч баданига қайиш боғлаб юрадиган меҳнаткаш киши. У дарров келди. Ирғиб ўрнидан турган Олмагулнинг қаддиқоматини кўриб, «бемалол ўтираверинг» деб, кигизга чордана қурди.

Қизгин суҳбат бошланди. Аввалига Олмагулни гапиртириб, қорақалпоқ элини суриштирди. Матёқуб саройбон у ёқларни кўрмаган бўлса ҳам, Худоёр отбоқар-

дан анча нарсаларни эшитган эди. Мурод шайх, Ўразан ботир, ёш Маман бийлар ҳақидаги қизнинг беш йил бурунги гапларини жуда қизиқиб, ихлос билан тинглади. Худоёр отбоқар қизнинг озод бўлгани, Абулғози Муҳаммад хоннинг «донишманди» кўғирчоқ вазирнинг бунга қандай рози бўлганини эшитганда, Матёқуб саройбон танглайини тақиллатиб, бош чайқади.

— Дўпписи тор келгандан кейин осонгина рози бўлган-да, — деди.

Кўплаб бозорчиларга хизмат қилиб, кўпчиликнинг ҳикоясини эшитиб юрадиган саройбон ҳамма гапдан хабардор экан. Айтгандай, кўп ўтмай, сарой остун-устун бўлиб кетди. Абулғози Муҳаммад тахтдан қулади. Кўчама-кўча жарчилар юриб, қозоқлардан Ўрта юзнинг хони Ботир султоннинг ўғли Ғойибнинг хон бўлганини маълум қилди.

Қаъда янгича тартиб ўрнатилди. Кириш-чиқиш қаттиқ назорат остига олинди. Олдинги арава қаёқдан юрган бўлса, кейинги арава ҳам ўша йўлдан юради. Ғойибхон ҳам жуда шухратпараст экан. Орадан кўп вақт ўтмаёқ баҳорда тўй бериб, пойгага от қўшираман, яхши бедов танлатдираман деб, Худоёр отбоқарни чақиртирди. Тўйга туркман, Дашти қипчоқ тарафлардан, Бухоро томонлардан отлар келишини айтиб, агар пойгада оти голиб чиқмаса, янги хоннинг душмани ҳисобланиб, отбоқарнинг калласи олинишини эълон қилди.

Бу хабар Олмагулни қувонтирмади. Маман келганини эслаган эди, назарида қорақалпоқ элида кесак устида нон бўлгандай, ажойиб яхши кунлар бошланиб кетгандай туюлаверди. Олмагул кўнглига келган бу гапни Худоёр отбоқарга бир неча марта айтди.

— Ҳа, ҳа, Худоёр амаки, рус кишининг айтганлари, кўрсатган меҳр-оқибатига қараганда шундай бўлса керак, — дерди ҳар сафар.

Улар кузни кутишди. Бўрибой Қорақалпоқлардан дарак бўлмади. Қиш ҳам ўтди. Ҳамон улардан дарак йўқ эди. Баҳорда улар ўйлай-ўйлай, Матёқуб боғбон билан маслаҳат қилишди.

У ўйлаб туриб, шундай маслаҳат берди:

— Қуш уясига учади, ҳайвон уюрига ошиқади, одам элига интилади, Худоёр жўра. Тушунаман. Кетаверинглар. Ёрдамим керак бўлса, аямайман. Амунинг қуйи томонида бир тўп кўнғирот уруғи бор дейишади. Ушаларни топсаларинг — элатларингни топганларинг.

Бироқ, қандай кетишади? Янги хоннинг фармониға мувофиқ кетларидан қувишса нима бўлади? Улар шу ҳақда жуда кўп бош қотиришди. Ниҳоят, югурик қашқа ёвмутға миниб қочишни маъқул кўришди. Бир кечада анча йўлни босиб қўяди, ҳеч ким қувиб етолмайди.

Улар шунга келишишди. Саройбон йўл озиғи тайёрлаб берди. Шундай қилиб, илиқ баҳор кунларининг бирида Худоёр отбоқар бошқа отбоқарларға сездирмай қора қашқа ёвмутини етаклаб чиқди. Матёқуб боғбон билан қучоқлашиб хайрлашиб, Олмагулни орқасига мингаштирди. Ўзининг ўн йилдан ортиқ яшаган кулбасига сўнги марта қараб:

— Хайр, азадор Хива, хайр энди хароба бошпанам. Худо сафаримизни беҳатар қилсин, — деди-да, отининг сағрисиға қамчи босди. Қора қашқа ёвмути устидагиларнинг оғирлигини писанд қилмай, ўйноқлаб олдинга сапчиди.

Кеч кириб қолган эди. Қатқалоқда ёвмут оёқларини тақиллатиб қалъадан узоқлашиб бормоқда. Кекса отбоқар ҳам, қиз ҳам дилларида худога илтижо қилиб, қайта-қайта дуо ўқиб кетишаётганди.

Отбоқар ўқтин-ўқтин орқасига қараб қўярди. Олмагул унинг белидан маҳкам қучоқлаб олганди. Қизилга бўялган бўз иштонининг почаси йиғилиб чарм кавуши оёғининг учида зўрға илиниб турарди. Худоёр отининг бир меъёрда юриб кетаётганиға қаноат қилмай, бир қамчи урган эди, қизнинг битта оёғидаги кавуши тушиб кетди. Олга ташланган ҳар қадамни бахт деб тушунган қиз «кавушим тушиб қолди» демади. Иккинчи оёғидаги кавушининг ҳам тушиб қолишидан қўрқиб, уни қўлиға олволди.

Тун ярмидан оққанда ҳам Худоёр отбоқар шошилиб, отни қамчиларди. Ҳар қамчилаганида, қамчи учи қизнинг оёғиға шилт-шилт тегарди. Бироқ қиз индамасди, фақат «эй худо, ишқилиб юртимға омон-эсон етказ» деб қамчи тилган оёғини сал кўтариб, қонини артарди.

Тонг ёриша бошлади. Амударё эса ҳали узоқ. Улар Амударёдан қандай ўтишларини ўйлашмаган экан, етиб келишганда билишди. Дарға ўтказиб қўядими, ё иккалалари отнинг думидан ушлаб, сузиб ўтишадими, ўйлаб ўйларига етишолмади. Бу яқин ўртада дарға йўқ. Сув юзини муз қоплаган.

— Шамол йўналишиға қараб кетсак, эл яқин, — деди отбоқар. У мабодо орқаларидан қувиб келишаётган

бўлса, йўлни чалғитмоқчи эди. Анави ёқда, хўжа элининг ёнида Амударё тораяди, ўша ердан сузиб ўтармиз, ё бирон қайиқчи топармиз, деб ўйлади.

Тонг отди. Муздай шабада эсди. Куёш чиқди.

— Амаки, орқамизда чанг кўриняпти, — деди қиз.

Отбоқарнинг тинкаси қуриб, отдан йиқилиб тушишига оз қолди. Зўрға кетига ўгирилиб қараган эди, чиндан ҳам аллакимлар қувиб келаётганга ўхшарди. У қора қашқанинг бошини тўқайга бурди-да, олди-орқасига қарамай, қамчилади. От бор кучи билан елиб кетди. Бироқ от аллақачон чарчаб қолган эди. Юриши секинлашди. Шундай бўлса ҳам отбоқар билан қиз умидсизланмади. Пастак тўранғиллар, юлғунлар, чангаллар кийимларини илиб йиртиб, оёқларини тирнаб қонатса ҳам парво қилишмасди. Гаплашишмасди.

— Чирогим, белимдан маҳкам ушла, — дерди отбоқар.

Қалин тўқай ичи билан Амударёни ёқалаб, Хўжа элига яқинлашиб қолишганида, кутилмаганда бир ялангликка дуч келишди, бу ёмон бўлди. Икки отлик олдиларидан келиб чиқди.

— Меҳрибоним, тамом бўлдик. Агар тирик қолсанг, юртимга салом айт. Бахтинг очилиб, пешонанг ярақласа менга худойи қилиб, Қуръон ўқитиб юбор. Борди-ю, тирик қолиб адашсанг, куёшга қараб юравер... — деди отбоқар.

Қиз унга жавоб беришга улгурмади. Қувиб келаётганлардан бири — совут кийган мўйловлиси кела солиб, отбоқарни найзага илди-да, юқори кўтарди. Бечора қария найзанинг учида билтанглаб, «вой, синглим, элим...» деб улгурди, холос. Мўйловдор уни балиқдай билтанглатиб, дарёга улоқтириб юборди. Кекса отбоқар сувга шалоп этиб тушди-да, ўша заҳоти кўздан ғойиб бўлди. Дам ўтмай чўккан ерида қон пайдо бўлди. Ошқовоқдай сариқ тумоғи қон аралаш сувда қалқиб оқиб кетди. Бу воқеа Олмагулни ақл-хушидан айирди, у ҳам отдан йиқилди. Қувиб келганлардан иккинчиси унга найзасини санчмади, сопи билан орқасига бир урди. Қиз сувдан ҳозиргина олиниб, қирғоққа ташланган балиқдай бир сапчиб, ер тишлади. Оғзи-бурнидан қоп-қора қон оқди.

Совутли киши худди отбоқар сувдан қайтиб чиқадигандай, анчагача қараб туриб, кейин изига қайтди. Энди қизга найза санчмоқчи бўлиб ўқталаётган эди, иккинчиси қайтарди.

— Тегма. Бирини сувга ташлаб балиқларнинг дуосини олдик. Бунисини қирда қолдириб, қарға-қузғунларнинг дуосини олайлик. Қара, тишлари тилини кесибди. Анави қоп-қора нарса тилининг учи эмасми? Барибир ўлади. Қани, кетдик!

Совутли киши қора қашқа ёвмутини етаклади.

Уларнинг қоралари ўчиши билан Олмагулнинг тепасида бир тўп қарға пайдо бўлди...

28

Кескин тус олган жанг садолари Кичик юз устида янграрди... Одамлар бир-бирларини ғажишарди... Худо қирингни олса, душман сирингни олар экан. Бироқ султон йигитларининг ҳужумига Абулхайрнинг навкарлари чидаш беролмади. Кичик юзнинг пода-пода моллари, сурув-сурув қўйлари ҳайдалиб кетаётганда, Абулхайрнинг йигитлари душманнинг адабини бериш у ёқда турсин, ўз жонларини қутқариш учун хон чодирига тикилишди.

Хон қўш ўркакчи катта туя устида урушни кузатиб турарди. Навкарлари енгилиб, чекинаётганини кўрган хон овози борича қичқирди:

— Шунқорларим, орангизда мен турибман, отларингни қамчиланглар! Душманга қарши олға! Уринглар, қиринглар! Барахнинг навкарларига найза санчинглар! Қилич солинглар! Қочманглар!..

Хоннинг овози ўткир эди. От туёқларининг гурсиллаши қийқириқларни босиб, ҳаммага эшитилди. Қочиб келаётган навкарлар отларининг бошини тортиб, турган ерларида тўхтаб қолишди. Кетларига қайтиб, етиб келиб қолган душманларига қилич солиб, қалқон тутишди, найза санчишди...

Жанг яна қизиб кетди. Ўрта юзнинг аскарлари инидан кумурсқадай босиб, олдиларини кесиб чиққан навкарларга аёвсиз қилич силташар, найза уришар, рақибларидан баъзиларини отларидан ағдаришар эди. Хон ёлғиз ўзи туя устида, мулозимлари ерда эди. Хон нима деса, шунга ишониб, қувонса қувониб, бақирса бақириб, дўқ қилса дўқ қилиб туришарди. Хон жўрттага уларни туяга миндирмай, урушнинг боришини кўрсатмай, нима бўлаётганини уларга ўзи айтиб турганди. Нима бўлганда ҳам уларнинг руҳларини туширгиси келмай, навкарларининг ёлиб келишига ишонишини қайта-қайта такрорларди. Таъмагир бийлар туяларга

миниb, ўзлари кузатишга ботинишолмади. Хоннинг оғ-зидан «ғолиб келишяпти» деган гап тез-тез эшитилиб турган бўлса, ҳам мулозимлари, бой-боёнлари қўллари баланд келаётганига унча ишонишолмасди. Жанг майдонидаги шовқин-сурон қулоқларига аниқ-таниқ келиб турибди. Хон, охири чидолмай, туя устида деп-сина бошлади. Кўзлари олазарак бўлиб, аллақачқдан ёрдам кутарди. Баъзан осмонга қарайди, тепасидаги шамол билан сурилиб бораётган қора булутнинг ёғиб юборишидан кўрқибми, ё бўлмаса, булут остидан кўёш ярқ этиб, кутилмаганда ҳамма ёқ чароғон бўлиб кети-шидан умидвор бўлибми, дам хурсанд бўлади, дам муштини туғиб ғудранади.

— Баракалла, азаматлар! Ҳар бирингизга биттадан душман боши сийлов! Босинглар! Чопинглар! Бийла-рим, кичик юзнинг мардлари! Ҳар бир навқарга сарпо ҳозирлансин! Ана, бизникилар савалаяпти, ёвни қир-япти...

Хон чекинмагани учун ҳеч ким чекинмади. Ҳар одимда қон тўкиларди. Эгасиз отлар, қалпоқдай учган навқарлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Отлиқ от усти-дагига ҳужум қилади...

Хон ўнг тарафидан ёпирилиб келаётган отлиқларни кўрди. Юраги шув этиб кетди. Ичида: «Бизни қуршаб олган экан», деди. Синчиклаб қараб, олдинда келаёт-ган Айғара бий билан Седет керейни таниди. Қолган отлиқларга ҳам синчиклаб тикилди. Учинчи отлиқ Ма-ман бий эди. Хоннинг аъзойи бадани титраб кетди. Хон, ана, қасос олгани келяпти. Ёв ёқадан олганда, ит почадан олади. Кучимиз камлигидан фойдаланиб, ис-канжага олишмоқчи, деб кўнглидан ўтказди.

— Бийлар, — деб ерда турган бийларга қаради у. — Қаранглар-чи, анови келаётганлар кимлар?

— Бизга ёрдам! — деб чувиллашди улар.

— Хон ҳазратлари, бизни кечиринг, — деди бийлардан бири. — Сизнинг номингиздан қорақалпоқ-лардан ёрдам сўраган эдик.

— Борди-ю, ёрдам бўлмаса нима қиласан, нодон! — деб жеркиб берди уни хон.

— Хавотирланманг, хон ҳазратлари, — деди яна ўша бий. — Ўглингиз Нурали билан маслаҳатлашган эдик.

Хон индамади. Икки юзга яқин отлиғи билан ке-лаётган Маман бийни бошлаб келган Айғара бий Абулхайрга қисқа салом бериб:

— Юртини хонавайрон қилган бўлсангиз ҳам, Маман бий бизга дўстлик қўлини чўзди. Душманга қарши жангга киришга рухсат этинг, — деди.

Абулхайр хон хижолатданми ё севинганиданми ҳушидан кетиб, ўзини тутолмай йиқилди. Хон ўмбалоқ ошиб тушиши мумкин эди-ю, туя оёқларига суяниб турган бийлар уни ушлаб қолишди. Улардан бири хоннинг юзига сув сепди. Хон шошиб-пишиб кўзини очди. Яна туяга минди, ҳовлиқиб деди:

— Айғара бий, айт, қорақалпоқ мардлари мени кечиришсин!

— Айтганмиз, хон ҳазратлари!

— Маман бийнинг хотин подшодан олган ёрлиғи менда, жангдан ғалаба билан қайтишса, хуш-хурсандчилик билан қайтариб бераман, — деди хон.

Хон жон сақлаб қолиш, ҳозирги танг аҳволдан чиқиб олиш учун ноилож шундай ваъда берган эди. Бунга ҳеч ким эътибор қилмади.

— Йигитлар, дўстлар учун қон тўкиш — савоб, — деди Маман бий ўз навкарларига қараб. — Қани, йигитлар, олға!

Навкарлар орасидан Кўнглимжойнинг: «Хон, итга суяк ташладим деб ўйлама», деган овози эшитилди. Йигитлар гур этиб кулиб юборишди.

Маман ёв устига қараб от қўйди. Орқасидан йигитлари ҳам қуюндай учишди. Ёрдам етиб келганини кўрган Кичик юз йигитларига жон кирди. Уруш қайтадан қизиб кетди. Милтиқлар ишга тушди. Эгасиз қолган отлар кўпайди.

Ёв зарба еб, орқага чекинди. Айғара бий билан Седет керейга қарашли йигитлар Маман бийнинг отлиқлари билан аралашиб, ёв қувиб кетди.

Хон бу манзарани кўриб жуда хурсанд бўлди.

— Туяларингизга миниб қаранглар! — деб буюрди у ердагиларга. Бийлар шоша-пиша ҳар туяга уч-тўрттадан миниб олишиб, душман навкарларининг қочишини томоша қилишди.

— Халқ халқдан ботир, деганлари мана шу, хон ҳазратлари, — деди хон билан ёнма-ён туяда турган бийлардан бири. — Икки ўртадаги адоватни шундай оғир кунларимизда юзимизга солмай, ёрдамга келган қорақалпоқ бийларига минг раҳмат. Бунинг учун зийрак Айғара бий билан Седет керейни ҳар қанча сийла-сангиз арзийди. Сиз кўзларига санчган игналарни ус-

талиқ билан ола билган қозоқ бийларига таъзим қилсангиз арзийди, хон ҳазратлари.

Хон ўзини бу гапларни эшитмаганга солиб, қўлини пешонасига соябон қилганича тураверди. Хонни гап билан узиб олаётган бий хонга қарамасдан душман навкарларини тириқтириб қувиб кетаётган қорақалпоқ навкарларини кузатаётган эди.

Улар қорақалпоқ йигитларининг жасоратига маҳлиё бўлиб, орқа томондан от чоптириб келаётган йигитларни пайқамай қолишди. Ногаҳон бийлардан бири уларни кўриб қолиб:

— Анави отлиқлар ким? — деган эди, ҳаммалари шошиб қолишди. Юраксизлари туяларидан сакраб тушиб, қирғай кўрган чумчуқдай ўзларини юлғунларнинг панасига олишди.

Бу келаётган Барах султоннинг мингта отлиқ лашкари эди. Уларни кўриб, юраги орқасига тортиб кетган бўлса ҳам, Абулхайрхон атрофида турганларга сир бой бермаслик учун қочмади, қўлига туғни олди.

Душман отлиқлари Абулхайрхонни қуршаб олди, хон билан бирга норларидан тушмаган бийлар ҳам қуршовда қолишди.

— Абулхайрхон, туғингни ташла!

Абулхайр чурқ этмади.

Буйруқ иккинчи марта такрорланди.

Абулхайр яна индамади.

— Охирги марта буюраман, Абулхайр, туғингни ўз қўлинг билан тушир!

— Хоннинг туғи — унинг боши, туширилмайди! — деди Абулхайрхон жиддий.

— Йигитлар, найзага илинглар!

Абулхайрхон туғини бағрига босиши билан йигирма ўттиз найза унга қадалди. Хон оёқлари типирлаб: «йигитлар, туғ ҳали ўрнида, йиқилганича йўқ», деб кичқирди-ю, ўша заҳоти жон таслим қилди...

Абулхайрхоннинг жасади Барах султонининг оёғи тагига ташланди. Султон Барах бошини кесиб, от тўрвага соламан дегунча, Абулхайрнинг панасига ўтиб қолган бийлардан баъзилари ҳам найза учига илиниб, бир боғ пичандай оёқлари билтанглаб қолди, қирғоққа ташланган балиқдай, ўзини у ёқ-бу ёққа ура бошлади.

— Жонибек тархон, анави бебош отлиқларни бос, аяма!

Султон барахниннг буйруғи билан Жонибек тархон бошчилигидаги беш юзга яқин отлиқ лашкардан ажралиб чиқиб, қорақалпоқлар устига ёпирилди.

Жонибек тархон билан Маман бий бир-бирларини танимас эдилар. Улар хон овулидан уч кунлик йўл наридаги бир сойда учрашишди.

Маман бийнинг қуролланган отлиқларини кўриб, Жонибек тархон йигитларига «тўхтанглар!» деб буйруқ берди ва бир хилда оқ от минган икки йигитни Маман бий томонга элчи қилиб юборди.

— Ўтетилев тархон, — деди Жонибек тархон оқ отлиқларнинг бирига, — қорақалпоқларга айтинг, қурол-яроқларига ишонишмасин, таслим бўлишсин. Агар буйруғимини қабул қилишмаса, қорақалпоқ бўлиб туғилганига пушаймон ейди. Агар Абулхайрга ишонаётган бўлса, унинг калласи Барах султоннинг от тўрвасида, эгарининг қошида илиғлиқ турибди, денглар.

Айғара бий билан Седет керей ҳали ҳам Маман бий йигитлари билан бирга эди. Улар рўпараларидан чиққан беҳисоб отлиқни кўриб, тўхтаб қолишди. Душман ниятини тахмин қилиб, йигитларининг озлигини сездирмай, қайси томондан қандай ҳужум қилишни ўйлаб турган бийлар оқ байроқ кўтариб келаётган икки отлиқни кўриб, бир оз сабр қилишга мажбур бўлишди.

— Қани, эшитайлик-чи, ниятлари яхши бўлса, битишармиз, — деди Айғара бий.

Оқ отда оқ байроқ кўтариб келаётган элчилар қатор турган Айғара бий, Седет керей, Маман бийларнинг рўпараларига келиб, ўн қадамча нарида тўхташди ва Жонибек тархон нима деган бўлса, Ўтетилев тархон шуни айтди.

«Қорақалпоқ бўлиб туғилганингизга пушаймон ейсиз!..» деган наштадли гапдан Маман бийнинг тепа сочлари тик бўлиб кетди.

— Кўпчилик бўлганига ишонмасин, — деди у.

— Жонибек тархоннинг бу гапи ўлими олдидан алаҳлаши бўлса керак. — Айғара бий Маман бийнинг кўнглини кўтарди.

— Ўйланмай берилган буйруқ — беҳуда қон тўкишдан бўлак нарса эмас. Жанг майдони белгилансин! — деди Седет керей ҳам қизишиб.

— Ҳой, қозоқнинг сотқин қузғунлари! — деди Ўтетилев тархон. — Сенларга яна нима керак? Йиеласа, қорақалпоқнинг боласи йиғлайди, ўлса шулар ўлади.

Барах султоннинг амрини икки қиладиган сиздай беномуслардан қозоқ халқи кулмайдими?

— Қозоқ халқи сизга ўхшаш одамгарчиликдан чиққан, виждонини йўқотган имонсизлардан кулади, — деди Айғара бий. — Сиз бутун Кичик юз қозоқларининг молларини ҳайдаб, болаларини зор қақшатиб кетиш учун келгансиз. Шуми қозоқнинг қозоққа дўстлиги?

Элчиларнинг кечикканидан шубҳаландими ё уларга ишонмадими, дам ўтмай кўк отини ўйнатиб, Жонибек тархоннинг ўзи ҳам келиб қолди. Йигирма қадамча нарида тўхтаб, элчиларини ёнига чақирди. У дам олишга кетган Барах султондан Абулхайр хоннинг калласини сўраб олиб келган экан, у найзанинг учига илиб кўрсатди-да:

— Мана бунга нима дейсизлар? — деди кибр билан.

— Ҳали шошилманг, Жонибек тархон. Ўзингизнинг каллангиз ҳам ҳадемай тўрвага тушиб қолса, ажаб эмас, — деб қичқирди Маман.

— Маман бий ҳаммамизнинг дилимиздагини айтди, — дейишди Айғара бий билан Седет керей ҳам.

— Сизларнинг ҳам каллаларингни тўрвага солсам, Жонибек номимни бошқа кўяман, — деганича Жонибек тархон кўк ёл бедовини жадаллик билан кетига буриб, елиб кетди.

Орадан сал вақт ўтмай, у ҳисобсиз отлиқлар билан қайтиб келди. Жанг яна қизиди. Бир-бирларини аяшмади. Кичик юзнинг зарба еган лашқари яна ўзини ўнглаб олди. Дам Кичик юзнинг, дам Ўрта юзнинг кўли баланд келади. Жанг кечаю кундуз давом этди... Кичик юз халқи ҳар қанақа қийинчиликка чидаб, орномусини қўлдан бермади. Етти яшаридан етмиш яшаригача жанг қилди...

Барах султоннинг лашқарлари жангга яхши ҳозирлик кўрган эди. Улар ғолиб келишди-ю, бироқ Кичик юзни батамом бўйсундира олишмади. Босиб олган ерларига Эрали деган одамни хон кўтаришди. Уруш тўхтади. Кичик юзнинг ярми — таслим бўлмаган томонига Абулхайр хоннинг ўғли Нурали хон қилиб кўтарилди.

Шундай қилиб, Кичик юзда иккита хон пайдо бўлди.

Айғара бийлар, Седет керейлар, Маман бийлар Нурали хоннинг ҳузурига қутлуғ бўлсинга боришди ва марҳум отаси Абулхайрнинг ваъдасини эслатишди. Ишонч қоғози — шартномани беришни илтимос қилишди.

— Ҳар ким ўзича хонлик қилади, менинг ваъдам энди бошланади, — деб жавоб берди Нурали.

Маман бий аламига чидолмай, бош бармоғини тишлаб, тирноғи билан бирга қон туплади. Бироқ буни ҳеч ким пайқамади. Буни фақат Омонлиқ сезган эди. «Бечора, адашганини энди тушунди. Бегуноҳ каллаларнинг уволига қолди. Мана энди қўлида «қатта умид қоғози» ҳам йўқ, йигитлари ҳам тугал эмас. Қийин...»

Нурали хоннинг бу жавобини эшитган қорақалпоқ йигитлари ўртасида норозилик бошланди. Улар ҳатто бошлиқлари Маманни кутмай, кетмоқчи ҳам бўлишди. Омонлиқ уларга насиҳат қилди.

— Йигитлар, ўз бармоғини ўзи тишлаб узиб олган йигитнинг ярасига туз сепмайлик; бир оз сабр қилайлик, — деди.

Йигитларнинг руҳи тушиб кетганини пайқаган Айғара бий билан Седет керей уларнинг олдиларига бориб, қўлларини кўксиларига кўйиб, бош эгишди.

— Авф этинглар, йигитлар. Катта арава қаёққа юрса, кичиги ҳам ўша ёққа юришини билмабмиз. Яхшиликларингиз худодан қайтсин. Кунимиз битиб ўлсак — бир чуқурда, тирик бўлсак — бир тепада бўламиз, қорақалпоқ азаматлар. Менинг бу гапларимни саҳройи, содда қозоқнинг юрак сўзлари деб билинглар. Ёрлиқни бераман, деб сизларни алдаган бўлсак, кечиринглар. Сизларга бошимизни берамиз...

Айғара бийнинг бу гаплари баъзи тош юракларни ҳам эритиб юборди.

Қорақалпоқ йигитлари ўзаро кўз уриштириб маслаҳатлашишиб:

— Кечирдик, — дейишди.

— Қардошлик ёрдамларинг билан Кичик юзни ярим хонлик даражасида бўлса ҳам олиб қолдиларинг. Худога минг қатла шукур. Чиқмаган жондан умид. Таннимизда жонимиз бор экан, қурашамиз ҳали.

Яхши гап — жон озиғи. Йигитлар меҳнатлари қадрланиб, қозоқларнинг атоқли бийи миннатдорчилик билдирганига хурсанд бўлиб кетишди.

Маман бий тишлаб олган бармоғини оқ латта билан танғиб, орқароқда турган эди.

Айғара бийнинг илиқ гапларидан кейин йигитлари бир оз юмшашганини кўриб, олдинга чиқди:

— Айғара ота, ҳали қўлдан қуролни қўядиган вақт келганича йўқ, — деди.

— Шому саҳар хавф-хатарда юришимизга ким айбдор? — деб сўради Седет керей.

Айғара бий шошилиб жавоб берди:

— Ҳаммага яхшилиқни бирдай раво кўрмаган тақдири азал айбдор!

— Бундан кимга қандай наф бор экан? — деб сўради биров. Бу саволга ҳаммадан олдин Кўнглимжой жавоб берди.

— Шунинг учун ҳам бу дунё бевафо. Агар вафодор бўлганида фоний — ўткинчи бўлмас эди...

— Майли, йигитлар, бу гаплардан фойда йўқ. Тарқалишайлик, — деди Айғара бий. — Абулхайрхоннинг ўғли Нурали хон бизни яна бир алдайдиган бўлса, унда нималарга қодирлигимизни кўрсатиб қўямиз.

— Ҳа, кўрсатиб қўямиз, — деб Седет керей ҳам унинг гапини маъқуллади.

Ҳамма тарқалди.

Айғара бий, Седет керейлар ҳам ўз йигитлари билан овулларига тарқалишди.

Маман бий шартномани ололмагани учун хафа бўлса ҳам, йигитлари оз бўлишига қарамай катта лашкарга бўш келмаганидан хурсанд бўлганини яширмади...

— Йигитлар, мардонавор олишдинглар. Ҳайбатингиздан чўчиб, Жонибек тархон лабини тишлаганини ўз кўзим билан кўрдим. Энди ҳар тарафга сочилиб кетган қорақалпоқларни йиғайлик.

Маманнинг бу таклифига йигитлар қаршилик кўрсатишмади. Ҳатто доим менсимай юрадиган Шомурод бий ҳам «маъқул» деди.

Шуҳрат инсоннинг душмани. Шуҳрат кетидан қувиб Абулхайрхон барах султонларга қадар ҳам қанчадан-қанча одамларнинг бошлари таналаридан жудо бўлди. Шубҳасиз, шуҳрат ўз-ўзидан келмайди. Абулхайрхон шуҳратини тортиб олиш учун Барах султонлар қанчадан қанча бошларни кесишди, қонлар тўкишди, ўзлари ҳам пати юлинган товукдай бўлиб қолишди. Яна пат чиқариб, асли ҳолига қайтиш учун кўп вақт керак.

Қорақалпоқ бийлари шулар тўғрисида ҳангомалашар экан, душман энди ҳали-вери ҳужум қилолмайди, деган фикрга келишди. Бунинг устига, баҳор тақалиб қолди. Экин-тикин ҳаммани кутиб турибди. Маман бий маслаҳатлашиб олиш учун катта-кичик бийларни тўплаб, Ирисқул бийнинг уйига борди. Маслаҳат узоқ давом этди. Улар эл-юртнинг келажакини ўйлашди. Аввало, Маман бийнинг ҳар тарафга сочилиб кетган қорақалпоқ овуллари кўчириб ке-

лиш ҳақидаги таклифи муҳокама қилинди. Бу хусусда ҳар бир бийнинг фикри тингланди. Эҳтимол, баъзилар кўнгилларидаги гапни очиқ-ёриқ айтишмагандир, аммо кўпчилиكنинг фикри бир жойдан чиқди. Чор атропога чопарлар юборишга қарор қилинди. Хоразм томонидаги қорақалпоқлар билан бориб гаплашиб келишни Ирисқул бий ўз зиммасига олди. У жиловдорликка Алиф Қорабой Қора баҳодирнинг ўғли Ғойиб баҳодирни сўради. Бухоро томонга Эсим бий бош бўлиб борадиган бўлди. Сирдарёнинг юқорисига жунгорлар қўли остидаги қорақалпоқлар ҳузурига Ҳелвет тархон боришга розилик берди.

Юртга бошчилик қилиб туриш Маманга топширилди. Ҳозирги шароитда юртнинг бошида тadbирли йигитлардан бири турмаса бўлмайди, деган таклифни ўртага Ирисқул бий ташлади:

— Экин-тикиннинг вақти келди. Қувон дарёдан ариқ қазиб, сув чиқармаса бўлмайди. Бунинг устига, саҳрода нима кўп, ярадор қашқир кўп... — деди у.

... Навкарлар тақдири хусусидаги гап жуда чўзилди. Баъзи бировлар навкарларни бутунлай тарқатиб юбориш керак деса, баъзилар қарши чиқишди. Баъзилар эса бола-чақаси бор йигитларигагина жавоб бериш керак, тирикчиликларидан қолишмасин, дейишди. Ҳатто Ирисқул бий ҳам тайинли бир гап айтолмай, Маманга қаради.

— Фикрингиз мутлақо тўғри, қадрдонларим, — деди Маман бий. Унинг овози дўриллаб, мўйловлари қалин тортиб қолган эди. У мўйловини силади. — Пашша анқовнинг оғзини пойлайди, деган гап бор. Мабодо очилган оғизга пашша қўнса, кўнгилни айнитишини биласиз. Шунинг учун эллик навкарни қолдирайлик, бошқалари, майли, тарқатилсин. Экин-тикин ишларидан қолишмасин.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди.

Эртасига навкарларнинг бошпанаси борлари уй-уйларига тарқатилди. Тагига от тушиб, етимликдан навкар бўлганларнинг кўпчилиги қўлларига белкурак олиб ариқ қазишга, баҳорги экин-тикинга ҳозирлик кўришга киришишди. Элни ярадор қашқирлардан кўриқлаш учун етимлар, бий ва бой болаларидан эллик отлиқ навкар ажратилиб соқчиликка қолдирилди.

Эллик навкарнинг турадиган жойи Янгикент бўлинсин, деган қарорга келишди.

Омонлиқнинг қайтиб келиш-келмасидан юраги пўкиллаб юрган Оқбийдай баттар озиб кетган эди. Унинг қора от устида кулиб келаётганини кўриб, олдига қушдай учиб борди.

— Соғиндингми, бегим, мен соғиндим!

Омонлиқ отдан тушиб хотинини қучоқлади, катта қўллари билан елкасини силаб, мўйловларини юзига босди.

— Энди бу ёғига тинчлик бўлармикан, бегим?

— Осмондан қурбақа ёғилади, десанг ёғади, азизим, тинчлик бўлади, десанг бўлади, жоним. Яхшилик қалай? Ие, пешонангга нима қилди?

Кетар чоғида узанги теккани ёдидан кўтарилган бўлса керак, бироқ Оқбийдай эсига солмади.

— Юлғун шохи тилиб кетди, бегим, — деб қўя қолди.

— Эҳтиёт бўлиб юрмайсанми, — деди у хотинининг олдига тушиб, чайласи томон юрар экан. — Яхшилик қани?

— Ҳозиргина ухловди, бегим. Ухлаганда ўтин ёрай деб, ташқарига чиқувдим. Қарасам, сен келяпсан! Сен!..

Гирдикапалак бўлиб юрган хотинининг ҳаракатлари унинг меҳрини товлаб юборди. У «хўп ажойиб хотиним бор-да», деб кўнглидан ўтказди.

Омонлиқ ичкарига кириши билан отасининг оёқ товушини сезгандай, Яхшилик чўчиб ўйғонди. Эр-хотин баравар тепасига энгашишди. Баравар ёнига ўтириб, оёқ-қўлини ўйнатиб ётган боланинг бир қўлидан отаси, бир қўлидан онаси ушлади-да, чўлп-чўлп ўпишди. Ўғлини ўпган сайин Оқбийдаининг лаблари титраб, кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш думаларди. Омонлиқ ҳам қувонч ёшларида ҳузур қилаётгандай, бирон нима демади.

Эртасига Омонлиқ овул эркаклари билан Қувон дарёдан сув оладиган янги ариқни қазिशга кетиш учун ҳозирлик кўрди. Қани энди ишлаш учун асбоб топилса! Юртда асбоб етишмайди. Омонлиқ отда айланиб, ялиниб-ёлвориб қўнғиротликлардан қирғишдеккина битта кетмон билан бел топиб келди.

Эрининг хатти-ҳаракатларини кузатиб, юзидан ичидагини уқиб оладиган Оқбийдай унинг хурсандлигини кўриб Олмагулни эслади. «Аттанг, бу дунё мири кам икки экан. Оила аъзоларимиз тугал бўлганида

эди... Бечора терисига сизмай кетар эди...» Аммо у ичидагини эрига айтмади...

Яхшиликни чеккага ётқизиб, кучоқлашиб ухлаб ётган эр-хотинни тонг палласида Маманнинг овози уйғотди.

— Одамлар, туринглар! Кун чиқиб кетди!

Кун чиққандан кейин турган одам, худо ризқ улашганда кеч қолади деган ривоятга кўра, овул аҳолисини жарчи қичқириб уйғотарди. Бугун Маманни ўзи уйғотиб юрибди. Эр-хотин апил-тапил ўрниларидан туришди. Дарров ишларига тутинишди. Омонлик белкуракни тақимига босди-да, от устида туриб ўғлини эркалаб, қазишга жўнади. Оқбийдай унга-бунга айланишиб, уй ишини тамомлагунича кун чиқди. Яхшиликни рўмолига ўраб, орқасига танғиди-да, тонгги куёшда ялтираётган кетмонини олиб, ер чопишга кетди...

29

Омонлик билан Оқбийдайни ғамга ботириб кетган Олмагул Амударёнинг Хўжа эли тарафидаги қирғоғида, йиқилган ерида қимир этмай икки кун ётгандан кейин кўзини очди. Оғзи-бурнидан келган лахта-лахта қонни чўқийётган қарғаларнинг дув этиб учганини кўриб, кўрқиб кетди, нима бўлганини эслаб улгурмай, яна хушидан кетди. Орадан неча кун ўтганини билмайди, бир кун чошгоҳда сал ўзига келди. Ерга қўлини тираб, ўрнидан турди. Теварак-атрофига қаради. Тўқайни қоқ ёриб ўтган дарё бўйидаги кенг ялангликда ётибди. Ма-жолсизгина бориб, жимирлаб оқаётган сувга қаради. Оқиб кетаётган шоҳлари бесўнақай тўранғилни кўриб кўрқиб кетди: Худоёр амакиси ёдига тушди. Юзини беркитди. Унинг сўнгги насиҳати қулоғида жаранглади: «Меҳрибоним, тамом бўлди... Тирик қолиб, адашсанг, куёшга қараб юравер...»

У эндигина йўлга кирган боладек, қалт-қалт титраб, куёшдан кўзини олмай, юриб кетди... Тўранғилларга урилди, чангалларга тутилди, тўнгалларга қоқилди, йиқилди-сурилди, бироқ куёшга қараб юраверди...

Азонда кун чиқар томонга, пешинда қиблага, тушдан кейин кун ботарга қараб юраверди, юраверди... Қаноти синган қушдай бошини суқийшга паноҳ топмай, тинмай юраверди, юраверди...

1750 йилгача баъзи-баъзида юз берадиган майда-чуйда ўғирликларни ҳисобга олмаганда, айтарлик кўнгилсиз воқеа рўй бермади. Айниқса, шу йилнинг тўрт-тала фасли ҳам тинчлик билан ўтди. Дарёдан чиқарилган ариқ сувга тўлиб оқди, экин экканлар мўл ҳосил кўтарди.

Маман бий олдинги кулранг отини ўзгартирди. Мурод шайх минадиган оқ бўз от наслидан бир от минди. У шу отига миниб, овулларни кезарди, гоҳ деҳқонлар орасига, гоҳ чорвадорлар орасига борарди.

У айниқса Жонибек тархондан ҳадиксирарди. Буни одамларга очиқ айтиб, уларнинг руҳларини туширишни истамасди. Сал бўш вақт топса Янгикентга чопарди. Гойибхоннинг илгариги масканида турган навкарларидан хабар олиб, уларни руҳлантирар, ҳушёр туриш лозимлигини қайта-қайта уқтирар эди. Ҳар борганида навкарларига шу саволни берарди:

— Эл учун нима хавфли?

Бундан олдин навкарлар бир оғиздан «очлик хавфли» деб жавоб беришарди, энди «билдирмай бостириб келган ёв хавфли» дейдиган бўлишди.

Маман бий улардан бугун ҳам шу жавобни олди. Бироқ Жонибек тархондан ҳадиги борлигини ортиқ яшириб туrolмади.

— Ёдингиздами, йигитлар, ўтган сафарги урушда Жонибек тархон нима деганди? «Агар сизларни қириб ташлаб тинчимасам, номимни бошқа қўяман!» деган эди. Қозоқнинг ўжар султони бир кун эмас бир кун албатта бостириб келади, — деди у навкарларига.

Бу навкарларга Шомурод бий бошчилик қиларди. У Маман бийни ёмон кўрса ҳам, унга очиқ қарши гапиролмасди, чунки навкарларига ишонмасди. Айниқса, Кўнглимжой, Бектемирлардан кўрқарди. «Ялонгоёқдан чиққанлар худога сифинишмаса ҳам Маманга сифинишади», деб фикрларди ичида. Аммо аччиқ ўйларини ичига ютиб, ташида Маманнинг гапини тўтиқушдай такрорларди. Маманнинг саволларига навкарларидан олдин жавоб беришга ҳаракат қиларди.

Улар Жонибекнинг яна ҳужум қилиб қолиш хавфи борлигини муҳокама қилиб, навбатдаги машқларни ўтказиш мақсадида Янгикентдан чиқиб келишаётганда, рўпараларидан келаётган Ирискул бийга дуч келиб қолишди. Кекса бий яна ҳам озиб кетибди. Оти ҳам жуда

чарчаган. Бироқ қария ўзини хурсанд кўрсатишга ҳаракат қилди. Кўл қовуштириб келаётган Маманга от устидан туриб, қўлини узатди.

— Йигитлар, ҳамма-ҳаммаларингга Хоразмдаги қорақалпоқлардан салом, — деди у.

Қора баҳодир ўгли Ғойиб баҳодир узоқ сафардан чарчаб келаётганига қарамасдан, отидан ирғиб тушиб, йигитлар билан бирма-бир кучоқлашиб чиқди. Улар бугунги машқни қолдириб, Янгикентга қайтиб киришди, қалъада қолган навкарлар чой, чанқоқ бости, овқат олиб келишди...

... Ирискул бий Ғойиб баҳодир билан Хоразм хонлиги қўли остида, илгари Сирдарё, Янгидарё ёқалаб макон қурган қорақалпоқ овулларининг кўпчилигида бўлишди. Эсенгелди бий Шердали бий уруғлари билан ёнма-ён ўрнашган экан. Жойлашган ерлари ҳам қулай. Уч томони денгиз, дарё, бир томонигина қуруқлик. Душман йилнинг тўрттала фаслида ҳам хавфли эмас. Қуруқлик томонга пистирма қурдириб, навкар қўйишса, душман бостириб келолмайди. Фақат қишда хавфли экан. Ирискул бийга уларнинг маконлари маъқул тушди, бироқ Эсенгелдида ҳам, қарияларда ҳам юз берган ўзгариш ёқмади. Улар ҳозирги турган ерларидан силжиш у ёқда турсин, хоразмликларнинг либосларини кийишга ўргана бошлашибди. Кўпчилик мотам қалпоғи ўрнига хоразмча телпак кийиб олибди. Тилларида ҳам хоразм тилига мойиллик бор. Бийга буларнинг ҳаммаси жўрттага қилинаётгандай бўлиб туюлди. Шундай бўлса ҳам у Эсенгелдини Сир бўйига кўчишга, ўз халқи билан бирлашишга даъват этди.

— Кўчмаймиз, Ирискул ота, — деди Эсенгелди бий қатъий. — Осмонга тупура-тупура юзимизни қора қилиб бўлдик. Мен Хивага бормоқчиман, одамларимиз учун бошпана сўрайман.

— Хива хони башарангга тупураман деса, юзингни ювиб тутасанми? — деди Ирискул бий тагдор қилиб.

— Осмонга тупурмасликка қасам ичган одам нима қилишини ўзи билади.

Ирискул бий унга кўп насиҳат қилди, ҳеч бўлмаса юртларини ёв босса, ёрдам бериб туришни илтимос қилди. Бироқ Эсенгелдидан бирон жўяли гап чиқмади.

Ирискул бий Янгидарё бўйларига жойлашган Убайдулла бий овулида ҳам бир неча кун меҳмон бўлди. У ёлғиз ўгли Ўринбой учун қалъа қурдирибди. Убайдулла бий Ғойибхоннинг ўлганидан хурсанд экан.

Абулхайрхоннинг ўлганини эшитиб, яна ҳам хурсанд бўлибди. У ҳозирги жойидан кўзғолмоқчи эмаслигини айтиб, зарурат туғилган тақдирда ёрдамини аямаслигини, агар Эсенгелди бий айтганига юрмаса, Шердали бийдан қолган манғитларни тўплаб ёвга қарши навкар юборишга ваъда қилди.

Ирискул бий Хоразмда кўрган-билганларини бир оз юмшатиб гапириб берди. Эсенгелди бий айтган аччиқ гапларини билдирмай кўя қолди.

Ғойиб баҳодир ёшлиқ қилиб, Ирискул бийнинг ҳамма гапларини очиқ айтмаганига ҳайрон бўлди, ҳатто бий йигитларнинг кўнглини кўтариш учун уларни мақтаброқ, Хоразмдаги қорақалпоқларнинг бермоқчи бўлган ёрдамини бўрттириброқ гапираётганини кўриб, мен ҳам буларни хурсанд қилай деб, орага гап қистирди.

— Улар кўним топган жойлар бизга ўхшаш ғариб-ғураболарга жуда қулай экан, — деди у.

— Кўп валдирайверма, — деб жеркиб берди уни Ирискул бий. — Ўлмай туриб элдан юз ўтирган номардларнинг кетидан кўчиш, сув кўрмай этик ечган, ёв кўрмай отдан ўзини ташлаган ҳезалакнинг иши!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Шомурод бий Ғойиб баҳодирга қараб, кейин гаплашармиз, деган маънода ишора қилди. Ирискул бий ҳар гапини ўйлаб, далда берадиган гапларни айтди. Бироқ Эсенгелдининг гапини эл йўлбошчиларидан яшириш уларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириш билан баравар деган хаёлда кечкурун Маман бий билан Шомуродни холироқ ерга чақириб олиб, бор гапни очиқ айтди.

— Эсенгелди ўзгариб кетибди. Унга ишониб бўлмайди, — деди у.

Маман бий дарғазаб бўлиб, бошини чайқади, мўйловини силаб, бир неча марта кўзғалиб қўйди.

— Осмонга тупуриш, осмонга тупуриш!..

Шомурод бий эса уялмай-нетмай:

— Бир ҳисобда Эсенгелдининг гапида ҳам жон бор, — деди.

Ирискул бий унга еб юборгудай бўлиб ўқрайди, Маман бий ҳам кўзлари билан тешиб юборгудай бўлиб тикилди. Шомурод бий парво қилмади, эътироз ҳам билдирмади. Худди ваъдалашиб қўйгандай, эртасига Эсим бий ҳам пайдо бўлди. Бухоро тарафдаги қорақалпоқлар ҳам кўлларида келган ёрдамларини аямасликларини, аммо кўним топган жойларидан кўчиш ниятлари йўқ эканлигини айтишибди.

Бу хабар уларнинг қайтиб келишларидан умидвор бўлиб юрган йигитларнинг руҳларини кўтаргани билан қозонга солинмаган овқатдан таъма қилиш билан ба-равар эди.

Шомурод бий одамларни бир ёқадан бош чиқартириш ўрнига, қишга бориб, низо кўзгатди. У Қўнғиротликларнинг қилмишини маъқуллади, Эсенгелдини орқаворатдан сотиб юрганлар билан жанжал чиқарди.

— Маманнинг гапига қулоқ солмаймиз, — деди у.

Шўри қуриган бекорчихўжани ҳам қўш қўллаб уради деганларидай, ўртада чиққан низо бости-бости қилиб улгурмасларидан яна халқнинг тинчи бузилди... Тонгга яқин Янгикентни душманнинг уч минг навқари қуршаб олди. Булар Жонибек тархоннинг йигитлари эди. Юрт бошига яна мусибат тушди. Қалъа теварак-атрофидаги халқни тўплайман дегунча, Шомурод бий навқарларини душманга қарши чиқариш ўрнига, қалъадан яширин чиқиб, ўзига қарашли уруғни кўчира бошлади. Ирисқул бий бундай хиёнатга чидолмади. Фойиб баҳодирни ёнига чақириб, ҳамманинг кўзи олдида Шомурод бийни оёқ-қўлидан боғлаб олиб келишни, уруш тамом бўлгунча дарвозага боғлаб қўйишни буюрди.

Фойиб баҳодир ёш бўлгани учун бунини удадалай олмайди деб, буйруқни Маман бийнинг ўзи бажарди: Шомурод бий Янгикент дарвозасига танғиб ташланди.

Ҳамма Ирисқул бий бошчилигида жангга отланди.

— Ҳой, Жонибек тархон, тўхта, гаплашайлик, — деб қичқирди Ирисқул бий, кейин Маманга юзланди: — Ўғлим Маман, сенга насиҳатим шуки, борди-ю, бу сафар жангда енгилсаларинг, енгилдик деб руҳларинг тушмасин. Одамларни Ҳоразмга — Эсенгелди томонга олиб кет. Ҳозир бундан бошқа иложимиз йўқ. Ҳаммаларинг бир жойда бўлганларинг яхши. Шунда халқимиз бир-бирига бутун қўшилган бўлади. Биз хоразмликлардан ёмонлик кўрмадик. Улар берган ватан номимизни чиқарди, бизни тобеликдан қутқарди. Кўрага бўри йўлатмаган чўпонни халқ яхши чўпон дейди. Молига мол қўшган чўпонни эса доно чўпон деб атайди. Бизнинг замонамизда доно бўлиш анча оғир, яхши чўпон бўлишга ҳаракат қил, ўғлим. Бошингга ҳар қанча мусибат тушса ҳам, одамларнинг тўзғиб кетишларига йўл қўйма, халқингни ўзинг бирлаштиргин, дўстни дўстга қўш, болам. Баъзида юртингга тирикдан ўлик фойдалироқ. Мен ўз қўнғиротликларим олдида қадрсизман, мени беқадр қилганлар ўз оғайниларим, ту-

ғишганларим бўлди. Мабодо куним битиб, бандаликни бажо келгирсам, кўплар ачинишади, тобутим кетидан бутун кўнғирот эргашади. Агар паймонам тўлса, кўнғирот элини хабардор қил. Ғойиб баҳодирни чопар этиб юборгин...

Шу орада улар душманга яқинлашиб қолишди. Мингта отлиқни бошлаб келган саркардалардан бири Жонибек тархон эди, у қари тўриқ отини йўртдириб келаётган Ирискул бийни кўриб, узоқдан қичқирди:

— Ҳой, кекса кўчқор, бизга Маманнинг бошини кесиб олиб келсанг, сенга атаган совға-саломларимиз бор...

Ирискул бийнинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди. У отининг юришини бўшаштирмай, Жонибек тархонга найза улоқтирди. Унинг мўлжали хато кетмади. Олдинда турган икки отлиқдан бири қулади. Бироқ бу Ўтетилев тархон эди. Жонибек тархон йигитларига қийқувлаб, олға ташланди, кўк арғумоғида учиб келиб, Ирискул бийни отига ўнгариб олди.

Жанг қизиб кетди...

Маман бий аллақачон Омонлиқ билан уч йигитни ёби, хитой, кенагас, жалойир овулларига хабар қилгани жўнатган эди. Ғойиб баҳодирга қичқирди:

— Чоп, кўнғиротликларга хабар қил!

Ғойиб баҳодирнинг миқтигина тўриқ оти қулоғини чимириб бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Жангнинг учинчи куни бутун юрт оёққа турди. Хитойларни бошлаб, Давлатбой бийнинг хотини Шарифа келди. Ирискул бий айтгандай катта бийларнинг қадрига энди етишдимми, ишқилиб, жами кўнғиротликлар жангга чиқди. Баъзиларининг қўлида таёқ, баъзиларида болта, баъзи бировлари эса бел кўтариб олишган... Кўнғирот уруғининг юлғунлари ҳам душман кўзига найза бўлиб қадалди...

Бир ҳафтага қолмай душман орқага чекинди.

Қорақалпоқлар ғолиб чиқди.

Хуружга кирган эл учун бу кутилмаган ғалаба бўлди.

Шомурод бийнинг қўли ечилди.

Энди душман ҳали-вери ҳужум қила олмаслигига кўзи етган Маман бий фурсатдан фойдаланиб, Оренбургга бориб, оқ подшо имзоланган шартнома хусусида Иван Неплюев билан маслаҳатлашиб келмоқчи бўлди. У баҳор келса ёзда, ёзда эса кузда борарман деб, бир йилни ўтказди. Иннанкейин, кетиб қолсам эл ора-

си бузиладими ё бийлар ўзаро жанжал чиқаришадими, деб хавотирланганидан ҳам элини ташлаб кетолмади. Агар 1743 йилги даҳшатли воқеалар яна такрорланса, халқ биратўла тарқаб, ном-нишони қолмаслиги ҳам мумкин эди. Маманнинг шундай фикрга келишининг сабаби бор. Жонибек тархон мағлуб бўлганидан бир йил кейин жунғор қорақалпоқлари орасидан зўрға қочиб қутулган Ҳелвет тархон қўйидаги хабарни олиб келди: Жунғор хонлиги қўли остидаги қорақалпоқлар қўйи қорақалпоқларнинг аҳволини эшитиб, қаттиқ азият чеккан бўлишса ҳам, ёрдам бера олмаймиз, яхшиси бизни қийнаманглар, сизлардан ажралганимизга йигирма саккиз йил бўлди. Тилимиз ҳам, урф-одатларимиз ҳам жунғорча бўлиб кетган. Энди биздан умид қилманглар, дейишибди. Ҳелвет тархон уларни инсофга чақирмоқчи бўлиб яна у-бу деган экан, бошлиқларининг жаҳли чиқиб, уни олти ой ертўлага қамаб қўйибди, қайтиб насихатгўйлигимни қилмайман, деган ваъдасини олишгандан кейингина бўшатиб юборишибди. Шундан кейин жунғор тарафга кўчиб кетган қорақалпоқларнинг тақдири билан, уларнинг қиёққа кетиб, қаерда ўтроқлашиб қолганлари билан қизиқувчилар камайиб қолди. Энди фақат Бухоро билан Хоразм томонга кўчиб кетган қорақалпоқлар билан борди-келди қиладиган бўлишди. Оралари узоқ бўлса ҳам, тўп-тўп отлиқлар келиб, элга кўз олайтирганларга даҳшат солиб туришарди. Аҳён-аҳёнда четдан бўлган хужумларга қарши, айниқса Янгидарё бўйидаги қорақалпоқлар кўкракларини қалқон қилиб, ўзларининг ота маконларини қўйи қорақалпоқлар билан биргаликда ҳимоя қилишарди.

Айгара бий, Седет керей, адай уруғлари ҳам қорақалпоқ халқи бошига иш тушганда белларини маҳкам боғлашиб, мол-жон билан ёрдам бериб туришди. Сирдарё, Қувон дарё бўйларида яна тинч-осуда ҳаёт бошланди. Бу тинчлик 1762 йилгача давом этди...

1762 йилнинг кузи эрта тушди. Кунлар бирдан совиб кетди. Одамлар қиш ғамини эрта еб қўйган бўлишса ҳам, бу совуқ ҳаммани шошириб қўйди. Эрта-лаб чиққан кўёш юзини кечга томон қора туман қоплади. Мисли кўрилмаган довул турди. Даладаги далада, йўлдаги йўлда, уйдаги уйда қолди. Янгикентга ўт кетди. Беҳабар қолган навкарларнинг баъзилари ётган ерларидан туролмай, устларидан том босиб қолди. Буларнинг ҳаммаси бемаврид турган довулнинг касофати

эди. Бу довул — Ўрта юзнинг султони Абилайнинг ваҳимаси эди. Куёш юзини қоплаган туман ҳам унинг йигирма минглик лашкари эди.

Душман тирноғигача қуролланган, бунинг устига, тўсатдан бостириб келган бўлса ҳам, Маман ўзини йўқотиб қўймади, бутун эл-юртни оёққа турғазмоқчи бўлиб, тутун ичида қуюндай учди. Бир пайт тутун ичида уни бир таниш отлиқ тўхтатди. Бу Айғара бийнинг чопари эди. У тутунда кўзларини пирпиратиб тез-тез гапирди.

— Маман бий, бу кучга бардош бериш қийин. Улар кеча Айғара бийни ўлдиришди. Мени сенинг олдинга Мирзабек бий юборди. Иложини топиб, халқига бошпана топсин, кўчсин деди. Бизларни ҳам кўчиришди. Седет овуллари ҳам кўча бошлади. Адайлар ҳам, алимлар ҳам кўчиш ҳаракатида. Бутун Кичик юз халқининг пайтавасига қурт тушиб қолган. Вақт ғанимат, Маман бий. Мен ҳам одамларимизни кўчиришга кетяпман.

Маман бий худди туш кўрган одамдай анграйиб, турган ерида қотиб қолди. Бир вақт эсини йиғиб, бўз отига қамчи босди. Овул орасида қуюндай учиб, овози борича қичқирди.

— Дўстларим, жигарларим, кўчинлар! Орол денгизини ёқалаб, Хоразмга кўчинлар. Ўз қадрдонларимизни қора тортиб кўчинлар!

Маман бийнинг овози момақалди роқдек гулдираб овулдан овулга эшитилди. Бутун халқ ўтовини йиғиб, молларини олдига солиб йўлга чиқди.

Душман лашкарлари етиб келди. Йиғилган ўтовлар ёндирилди, моллар эса Ўрта юз томонга қараб ҳайдалди. Молларни узоқроқ олиб кетиб улгурмаганларнинг ҳаммаси икки қўлини бурнига тиқиб қолаверди. Халқ яна дод-фарёдга тушди. Отасини чақирган боланинг, онасини излаган қизнинг, «фарзандим!» деб оҳ урган ота билан онанинг, хуллас, катта-кичикнинг оҳ-ноалари бир-бирига қўшилиб, катта мусибат бошланди. От дупури ичида аянчли инграганлар, видолашганлар, рози-ризолик тилашганларнинг оҳ-зорлари ҳар қандай юракни ҳам сел қилиб юборарди.

Маман бий тутун, олов орасини ёриб, бир жойда кўринса, кўз очиб юмгунча бошқа жойда пайдо бўларди.

— Рози бўл, меҳрибоним!

— Қора ер бўлган бошпанам, хайр энди!

— Алвидо, жондан азиз ота юртим! — деган нидолар узлуксиз эшитилиб, дам ўтмай шамол билан ҳамма

ёққа тарқалар эди. Бу атрофда қайгули оҳ-нолаларга жўр бўлмаган бирон жон зоти қолмади.

Тоғлар бағри тилка-пора бўлмагани билан, қайгуга ботди, тинмай ёғиб турган қор кўчманчиларни қийнайди, йўлларини беркитади. Япроқлари тўкилиб, шипшийдан бўлиб қолган ўсимликлар довулга дош беролмай эгилди, «бизга ўхшаб яланғоч қолган бўлсаларинг ҳам, баҳорда яна кийинасизлар» дегандай шивирлашди, қайгуга бардош беролмай синишди.

Кўҳна осмон ҳам қорақалпоқ халқининг бошига тушган бу мусибатга чидолмай, тинимсиз йиғлади. Ёш ўрнига оқ киприклари япроқ-япроқ бўлиб тўкилаверди.

1743 йилнинг кузида бутун халқнинг юрагидан чиққан оҳ-зор Сирдарё ва Амударё бўйларида тинмай эшитилиб турди.

Бобом йигит даврин сурган бағрингда,
Бувим ёшлигини кўрган, Туркистон.
Қанча эл йиғлади фироқларингда,
Алвидо! Алвидо, эй ота макон!

Эшакка, ҳўкизга минганлар, юкини орқалаган пиёдалар турна қатор бўлиб ўтаётган бу далаларда қушлар, ҳатто оёқ остида синаётган хас-чўплар ҳам шу мунгли кўшиқни такрорлаб, «хайр энди» деяётгандай эди. Очлик, касаллик, кексаликдан етиб юролмай, йўлда ўлиб қолаётганлар бу ёруғ дунё билан хайрлашув кўшиғини мангу айтиб қолаётгандай эди. Ғам-ҳасратнинг охири йўқ...

Абилай хонга яқин бойлар кўчиб келишиб, эл ташлаб кетган қишловларга мол ҳайдашди, эгасиз қолган кўраларга ҳўжайинлик қилишди.

Маман бий оқ бўз отидан тушмади. У неча-неча тунларни уйқусиз ўтказиб юборилганини ҳам билмасди. Ўрта юзнинг мол-ҳолли бийлари эгаллаб олган қишловлар бўйлаб елиб-югурарди, халқини изларди. Улар эса ўзларининг иссиққина қишловларидан қувиб чиқарилганди. Чет жойлардаги чайлалар билан ярми ёниб кетган қишловларда қолган майиблар, кўп болаликлар, қари-қартанлар кўзга чалинарди, холос. Ҳасасини иягига тираган бир чол уни тўхтатаиб:

— Маман, неча ёшга кирдинг, ўғлим? — деб сўради.

Маман аввалига бу чолга ҳайрон бўлиб қаради-да, кейин таниб қолди. Етим Оллоёрни отнинг думига боғлатиб юбориб, бийдай далада ёлғиз турганида олдиға

бориб, «узоқ умр кўришга ҳаракат қил, дуо ол» деб насиҳат қилган Сайдулла дев экан. Энди қадди ёйдай букилиб, ҳассага таяниб қолибди.

— Нима демоқчи бўлаётганимни тушундингми, болам? Бу бевафо дунёда менга ўхшаб етмиш йил яшашни орзу қилма, демоқчи эдим, болам...

— Болаларингиз қани?

— Кўчиб кетишди. Катта ўғлим мени опичиб олиб кетмоқчи эди, ўрнимга невараларимни орқалатиб юбордим. Мурод шайх нега кўр бўлиб қолганини, нега ўлганини биласанми? Бу дунёдан батамом безди. Ер юзидаги адолатсизликларни кўришга тоқати қолмаганидан кейин, бу дунёни тарк этди. Мен ҳам бу дунёни тарк этишга аҳд қилдим. Нега ўйланиб қолдинг? Тўхтама, бу дунёнинг қизиги йўқ, бор, отингни қамчила, буларни кейин тушунасан... — дея Сайдулла дев ярми қулаган эски чайла томон бурилди.

Маман яна отини елдириб кетди...

31

Йиллар ўтди... Омонликнинг ўғли Яхшилик ўн тўрт ёшга кирди. Рўзғор ташвишлари анча камайиб, тинчиб қолганларига қарамай, шиш, ички дард нозик Оқбийдайни йиқитди. Кечалари кўзи илинмасди. Тинмай йўталарди.

Энди уйнинг бутун ташвиши ўн тўрт яшар ўғли Яхшиликнинг бўйнига тушди. Ўтин териб келиш, сув ташиш, онасига тегирмон тортиб бериш, кели туйиш, отга ўт ўриш...

Экин-тикинни йиғиш вақтида Омонлик Янгикентга тез-тез қатнаб турарди, навкарларга озиқ-овқат олиб борарди-ю, хотинининг касалмандлиги сабабли ётиб қолмасди. Элатларини ёв босган куни у Янгикентда ётиб қолган эди. Улар ётган ерга ўт қўйилиб, ҳамма ичкарида қолганда, унинг омади келиб, қоп-қора тутун босиб ётган қалъа эшигини бир амаллаб топиб ташқарига эсон-омон чиқиб олганлар ичида у ҳам бор эди. Ташқарига чиққанида қайт қилиб ўтирган Бектемирга кўзи тушди. Кўнглимжой ҳам чиқиб қолармикан, деб кутган эди, ундан дарак бўлмади, шу орада ёниб турган том босиб қолди. Кўнглимжой ичкарида қолиб кетди.

— Худо, бизни кулгидан жудо қилдинг! — деб хўрсинди у ва ҳеч ким билан хабарлашмай, овулига қараб

от кўйди. Йўлда қичқириб югуриб юрган Маман бийнинг овозини эшитиб, отини қаттиқроқ қамчиллади. Уйига етиб келса (қайнотаси ўтган йили янги ўтов тикдириб берган эди), эшиги олдидаги ўтин устида тўрт нотаниш эркак ўтирибди. Омонлиқнинг юраги шув этиб кетди. Шунда ҳам сир бой бермай, отдан тушган эди, ўтин устида ўтирганлардан бири ирғиб туриб келиб, отининг тизгинидан ушлади, бошқа иккитаси найза ўқталиб, у билан бирга ичкарига кирди.

— Қани, қозоқ қизи, мана, куёв ҳам келди. Одамгарчилик ҳам шунчалик бўлар. Кўтар энди юкингни! — Пичоқ тутган тўртинчи йигит Омонлиқни туртди. — Йўл озиғингни олвол-да, туёғингни шиқиллат! Нега аланглайсан? Қариндошимизни олиб қолмаймиз. Эргаштириб кетавер. Биздан сенга ҳада. — Худди шу пайт ташқарида отини олиб қолган йигитнинг овози эшитилди.

— Мунча имиллайсанлар? Келяпти!

Омонлиқ ташқаридан ёрдам келяптими, деб умид қилган эди, ичкарига кирган уч йигитнинг ҳовлиқмай, бемалол туришганини кўриб, ёрдам эмаслигини тушунди: «ўлжани бир-бирларидан қизғанишяпти шекилли», деб кўнглидан ўтказди.

Йигитлардан бири найзасининг учи билан ўринни ағдарди, иккинчиси кераганинг бошидаги саночни олиб, Оқбийдаининг бўйнига илиб кўйди.

— Бўшатишлар уйни!

— Ўзларинг бўшатишлар! — деб қаршилик кўрсатди Омонлиқ. Унинг чакка томирлари бўртиб, соқол-мўйлови тикрайди. Оқбийдай ишнинг чаппасига айланиб кетишидан кўрқиб, эрининг оёғига йиқилди.

— Ундай қилма, бегим, ёлғизгина ўғлинг етим қолмасин, бегим! Яхшилик, қўлимдан торт, болам. Оғалар, куёвингиздан хафа бўлманглар, биз кетамиз.

Қуроли ганим уларнинг ялиниб-ёлворишларига қарамади. Ота-бола қўлларига илинган нарсани олиб, ночор, бетоб Оқбийдайни ўртага олиб суяб, уйдан чиқишди. Улар ҳам бориб, сочилиб кетаётган оломонга кўшилишди...

Кўчманчиларнинг кўпчилигидан буларнинг аҳволлари дурустроқ эди. Аввалига йўллари анча унди. Оқбийдай эрига ҳам, ўғлига ҳам оғирлигини туширмай, ўзи юришга ҳаракат қилди. Қор тиззадан келарди. Улар йўл ёқалаб дам олиб ўтирганларнинг кўпларини босиб ўтиб кетишди.

Овулидан узоқлашиб, узоқ йўл юриб чарчаб келаётган халқ бир ерга тўпланди. Ҳатто ўлганлар ҳам бор. Бора-бора уларнинг сони яна кўпайди. Баъзи чақалоқлар ўлиб бўлган онасининг сийнасига ёпишиб ётарди. Ҳар ер-ҳар ерда яланг оёқ югуриб, олдинга ўтиб олган болалар кетларидан келаётганларга қўл узатиб, садақа тилашади.

Дастлабки кунларда одамлар садақа сўраб, қўл чўзиб турган болаларнинг кафтларига бир қисм сўк, ё бир бурда нон солиб кетишарди. Кейин ўзларининг ҳам аҳволлари ночорлашиб бораётганини кўришгач, ҳаммалари кўзларини юмиб ўтиб кетаверадиган бўлишди...

Озиқ-овқат тугаб қолди. Кўзлари чуқур тушиб, оёқларидан мадор кетди. Бош-кеги кўринмайдиган ялангликка етишганда, ниҳоятда ҳолдан тойдилар. Бу ялангликнинг ҳар ер-ҳар ерига чодирлар қурилганди. Баъзиларидан тутун ҳам чиқиб турарди. Чодирларнинг атрофида боғлоғлиқ моллар ҳам кўринади, чўкиб ётган туялар ҳам бор.

«Булар олдинроқ кўчган уддабурон бойлар бўлса керак», деб ўйлади Омонлиқ. Уларнинг ёнида тўхтамай, йўлида давом этди. Очлик устига, шамол кўз очирмайди. Овқатлари охирлаб қолгандан кейин, ҳарна ўғлимга бўлсин, деб туз тотмай келаётган Оқбийдай бирдан қулади, ҳатто ўқчиб-ўқчиб қон қусди. Омонлиқ мўлжаллаган ерига етолмай қолишларидан кўрқиб, Оқбийдайни даст кўтариб олди-да, олдинга юрди. Йўл бўйида бир ерга тўпланиб нон еб ўтирган уч одамни кўриб, Оқбийдай тамшанди, эрининг қулоғига шивирлади:

— Тўхта... бегим... дамингни ол.

Омонлиқ ўтирди. Яхшилик ҳам ўтирди. Ота-бола бояги нон еб ўтирганларга қарамасликка ҳаракат қилди. Ҳалигилар сув ўрнига қор ошалаб, яна йўлга тушишганини кўриб, Оқбийдай эрига қўлини узатиб, шивирлади.

— Тура қолайлик, бегим, анавилардан орқада қолмайлик.

— Уларга етиб юролмасак керак, азизим.

— Вой, бегим, тушунсанг-чи? Биронтаси янги еганини ташласа ер эдик...

Омонлиқнинг кўзларидан беихтиёр ёш чиқиб кетди... Йўл чеккасидаги тепаликка Оқбийдайни ётқизиб, оёғи тагидаги қорни тозалади-да, ерни очди. Шу ат-

рофдан катта юлгун синдириб келиб, пана қилди. Ўғлига оқбошдан юлдириб, тўшак қилди, ўртага олов ёқди. Олиб келган қозончани осди, қор солиб, сув қайнатди. Ҳам очликдан, ҳам совуқдан, ҳам касалдан қовжираб кетган аёл оловга яқинроқ ётиб, бир оз исингандай бўлди. Лабларида қотиб қолган қон ивиб, ўзига-ўзи «шўрва» деди.

Шўрва қани?

Омонлиқ юлгун тагидан аста чиқди, унинг кўзи учтўрт қадам наридаги оқбош тагида пусиб турган оппоқ куёнга тушди. Тутмоқчи бўлиб, «бисмилло» дейиши билан куён ғойиб бўлди. У орқага қайтди, кечга томон муштдай гўшт кўтариб келди.

Оқбийдаининг кўзи илинган экан. Ўғли олов ёқиб, ёнида ўтирибди.

Омонлиқ гўштни қозонга солиб, Оқбийдаининг бош томонига ўтиб ўтирди-да, оқара бошлаган ипакдай сочларини авайлаб силай бошлади...

Азонда Омонлиқ ўглини йўлга чиқариб, ўтган-кетганлардан садақа сўрашни тайинлади-да, яна хотинининг ёнига кирди. Кечаги шўрвадан озгина қолган эди, иситиб хотинига ичирди.

— Бегим, сизлар кетаверинглар, — деди Оқбийдай инграб. — Энди одам бўлишимга кўзим етмай қолди. Тўхтаб қолсаларинг, овулдошларимиздан ажралиб қоласизлар, деб кўрқаман.

— Ундай дема, азизим. Тузалиб кетасан, манзил ҳам яқин қолди.

Оқбийдай ўзича «манзил ҳам яқин қолди», деб ичида такрорлаб қўйди. Бироқ эрининг қандай манзил ҳақида гапирётганини тушунмади. Қайтиб гапирмади, индамай ётаверди.

Омонлиқ ҳам йўлга чиқди. Кун бир оз исибди. Мол етаклаган одамлар ўтди. Уларни кўриб, Омонлиқ ичида хурсанд бўлиб: «Элда бўлса, оғзинг тегати» дея кўнглидан ўтказди.

Бир тўда болалар ичидан ўғли Яхшилиқни топди. Йўл бўйида қатор турган болалар ичида у ҳам кўлини чўзиб, тиланчилик қиляпти. Ўғли унга ҳаммасидан гавдали, кучли, ақлли туюлди. Ўзининг болалиги ёдига тушиб, кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Э худо, умр бўйи бошимизни тиланчилик қилишдан чиқармадинг, — деди у нолиб.

Узоқда икки туялик кўринди. Туя устида болалари билан бир аёл ўтирибди. Туяларни эшак минган бир

одам етаклаб келяпти. Туялар орқасидан ўнтача сигир кўринади. Уларни кўрган болалар:

— Ҳой, олдинга ўтма! — дейишиб, бир-бирларини орқага итаришди.

— Тортишманглар! — деди Омонлиқ уларнинг олдларига яқин бориб.

— Қўйсанг-чи, соқолинг тўкилгур, — деди унга болалардан бири. — Бизни алдаб, садақани ўзинг олмоқчисан-а!

Омонлиқ болага ҳеч нима демади, ўглининг бошини бағрига босиб, болаларнинг орқасида турди.

— Йўл бўлсин, мирза!

— Кўп яшанг!..

— Болаларингиз биздақа бўлмасин...

Ҳаммалари ҳар нарса деб чувиллай бошлашди. Бойнинг туя устида ўтирган боласи музлаган бир иликни кемириб келаётган эди. Қўл чўзиб турганлар ўртасига улоқтириб юборди. Оч болалар бир-бирларини итаришиб, суякка ёпирилишди.

— Ҳой қария, нега сен оч итингни ушлаб турибсан? — деди эшак минган бой Омонлиққа қараб. — Итингни қўйиб юборсанг, ҳаммасидан зўр чиқишига ишонмаяпсанми? Қўйиб юбор, сипогарчилик қилиб очидан ўлмасин тагин.

Соч-соқоли ўсиб кетган Омонлиқ ёши қирққа етиб «қария» деган сўзни биринчи эшитиши эди. Хафа бўлмади. Хафа бўлишни ўйламади ҳам.

— Эй, саховатли бой, аёлим ўлим тўшагида ётибди. Ёрдам беринг, — деди.

— Болангни сот, — деди бой.

Омонлиқ нима дейишини билмай бақрайиб қолди.

— Тушунсанг-чи, қария! Уч кундан кейин боланг оёғида туролмай қолади. Ташланган суякка ўзларингни урмаганларингдан диёнатли одамлар эканликларингни кўриб турибман. Бўлмаса, битта қорнини деб хизматкор бўламан деганлар кўп, — деб бой яна йўлида давом этди.

Омонлиқ билан ўғли бир-бирларига қараб, ҳайрон бўлиб қолишди.

— Дада, сиз уларни танийсизми? — деди Яхшилик.

Омонлиқ «йўқ», дегандай бош чайқади.

— Унақа бўлса мени сотинг. Онам омон қолсин, — деди бола.

Омонлиқ нима қилишини билмай, бирдан ўкраб юборди. Яхшилик бошидаги мотам қалпоғини қўлига олиб, бойнинг орқасидан қичқирди.

— Ҳой, шафоатли одам, тўхтаг!

Бой тўхтади.

— Дада, югуринг, шундан қолсангиз, онам ўлади, — деди Яхшилик отасига ўгирилиб.

Омонлиқ ҳеч нарсани ўйламай бойнинг кетидан югурди.

— Мана энди ўзингга келибсан, — деди бой. — Ёш кўринадан, хотин омон қолса яна туғиб бераверади. Давлат бериш эса худонинг иши. Болангнинг эвазига нима сўрайсан?

— Бола сотиб кўрмаганман...

— Анави буқани бир кўйнинг сони билан бир ботмон тариққа олдим, — деб бой орқасидан ўн сигирни ҳайдаб келаётган давангирдай йигитни кўрсатди. — Ҳа, майли, сенинг ақли боланг учун бир кўйнинг нимтаси билан ўн сер¹ ун бераман.

Қанча нарса берса ҳам, боласи учун оз эди, лекин Омонлиқ кўп савдолашмади, бойнинг кетиб қолишидан кўрқди. «Шундан қолсак, бу сарсонгарчиликда учаламизнинг ҳам ўлиб кетишимиз аниқ, ҳеч бўлмаса кўзимизнинг оқу қораси шу болам тирик қолсин», деб хаёлидан ўтказди-да:

— Майлингиз. Исмингиз нима, айтиб кетинг ахир... — деди.

— Шартим шу, номимни айтмайман, ҳеч қачон болангни қидириб бормайсан ҳам.

Омонлиқ бойнинг бу шартига нима деб жавоб беришини билмай, орқасида турган ўғлига қаради. Яхшилик ҳамма гапни эшитиб турган эди. «Онамни бир кўриб чиқай» деб, чайлага югуриб кетди.

«Онасига айтиб кўйиб, уни хафа қилиб ўтирмаса эди деб гумонсиради Омонлиқ. Яхшилик узоқ турмади. Дарров қайтиб келди. Боланинг кайфи бузилмаган эди. Омонлиқ ҳайрон бўлиб қолди. «Биздан қутулганига хурсандмикин-а?»

Отасининг кўнглидан ўтганларни тушунгандай, ёнига келиб, қулоғига шивирлади:

— Дада, онам тузалиб кетади. Кетаётганимни айтмадим. Йўлга чиқиб, топганимни олиб келиб тураман,

¹ С е р — ботмоннинг тўртдан бир қисмига тенг. Ботмон Чимбойда 22 кг., Қўнғиротда — 40 кг. дир.

дедим. «Топармон-тутармон бўлган боламдан ўргилай», деб мени ўпди, хурсанд бўлди. Тезда тузалиб кетадиганга ўхшайди. Мени топиб оларсиз.

Омонлиқ индамай, маъқуллаб бош чайқади.

— Ма, ўзинг тўйиб ол, бола, — деб туя устида ўтирган аёл Яхшиликка битта зоғора кулча ташлади. Яхшилик зоғорани илиб олиб, отасининг қўлтиғига тикди. «Онамга олиб боринг», деди.

Бой иккинчи туяни чўктириб тугунини ечди. Ҳаммаси қотган сур гўшт, йўл озиғи экан. Омонлиққа ваъда қилганини бериб, туяни турғизди-да, Яхшиликка буюрди:

— Туяни торт!

Яхшилик туянинг олдига ўтди.

Омонлиқ ўғлини пешанасидан чўлп-чўлп ўпди-да:

— Орқанга қарама, худо омадингни берсин, болам, — деб кўзёшларини сидириб орқасига қайтди.

Ўғлининг ҳам икки юзини ёш ювиб кетаётган эди, у отасининг насиҳатини қулоғига олиб, кетига қарамади. Туяни етаклаб кетаётди:

— Дада, онамни эҳтиёт қилинг, ишқилиб соғайиб кетсин, — деб қичқирди.

Омонлиқ ҳам шу кетишида қайтиб орқасига ўғирилмади. Чайласига қайтди. Гўшт билан унни яшириб, ичкарига кирди.

Оқбийдай эшикка қараб ётарди.

— Келдингми, бегим? — деди.

— Тузукмисан, азизим?

— Тузукман. Яхшилигимиз бинойидек бизнинг ғамимизни ейдиган бўлибди.

— Мана, сенга бериб юборди, — деб Омонлиқ қўйнидаги зоғора нонни олиб унга узатди. Оқбийдай муздай зоғорани пешанасига суриб, қўйнига тиқиб қўйди.

— Е, — деди Омонлиқ.

— Ўзига иситиб бераман, бегим.

— Ўзи тўйди. Бу ортгани.

Оқбийдай нондан бир тишламини оғзига солди-да, қолганини эрига узатди.

— Сен егин, бегим.

Омонлиқ ҳам бир тишлам синдириб оғзига солди.

Ноннинг қолгани ейлмади. Она яна олиб, қўйнига тиқиб қўйди. Кўзини юмди. Омонлиқ уйғотмади. Кечки овқатнинг ғамини еди. Яшириб қўйган гўштидан бир овқатлик олиб келиб, қозонга солди.

Шўрва тайёр бўлди. Оқбийдай кўзини очмади. Ярим кечаси «Яхшилик...» деб ғўлдиради. Омонлиқ оғзи билан лабларига шўрвадан томизди. Тамшангандай бўлди-ю ютмади. Кўзларини катта-катта очиб, бир нарсани сўрамоқчи бўлди. Омонлиқ ташвишга тушиб қолди. Нима қилишини билмай, шоша-пиша хотинининг бошини тиззасига олди.

Оқбийдай шу ётишда уч кунгача кўзини очмади. Аъзойи бадани дам алангада ёнарди, дам муздек бўлиб қоларди. Тўртинчи кун тонг палласида Оқбийдай оламдан кўз юмди.

Омонлиқ пешонасига қарс-қарс уриб, орқасига қулади. Аллавақтдан кейин ўзига келиб, чайладан чиқди. Қум теланинг устига чиқиб кичқирди:

— Ях-ши-лик!.. ҳо, Ях-ши-лик!!!

Тоғ-тош, бепоён дала, қор босган қум «Ях-ши-лик! Ях-ши-лик!» деб акс садо берди.

У яна чақирди, теварак-атрофида яна акс садо янгради. Ўғлини кўй гўштига сотиб юборгани бирдан эсига тушди-да, кўмиб қўйган гўштни орқалаб йўлга тушди. Йўл бўйи «Ях-ши-лик!!! Яхшилик!!!» деб қичқириб борарди.

Бир тўда йигитлар билан жулдур кийимли одамлар йўлда очликдан тиришиб ўтиришарди. Бир қўйнинг нимтасини орқалаб бақириб келаётган Омонлиқни кўриб:

— Анави овсарни тутинглар! — деди улардан бири.

Очликдан сулайиб ўтирганлар қўлларига таяниб ўрниларидан туришди, Омонлиқ яқинлашиши билан уни таппа босишди.

Омонлиқ гўшtdан ажралди, бироқ «Ях-ши-лик!» деб қичқириб югуриб кетаверди. Хом гўштга тўйиб олган йигитлардан бири Яхшилик Омонлиқнинг ўғлининг номи эканини билмай, орқасидан:

— Ҳой! Қайт кетингга! Яхшилик у дунёда! — деди.

Бу гап шерикларига ҳам ёқиб қолди шекилли, улар ҳам шу гапни қайтаришди:

— Яхшилик у дунёда!

Омонлиқ кетига қайтди. Энди ҳаллослаганича:

— Оқбийдай! — деб қичқириб келарди.

Гўштни тортиб олиб, жон кирган йигитлар хахолаб кулишди.

— Анови жинни-пинни бўлганми, арпага ёлчи-майдиган одам, оқ буғдой излагани нимаси? — деди улардан бири.

Омонлиқ уларнинг кулгиларига аҳамият бермай, юлгун чайласига ўтиб кетди. «Бу овсарнинг яна бирон нарсаси борга ўхшайди», деб ўйлаган йигитлар унинг кетидан эргашишди.

Ўлик хотинининг тепасида ҳўнг-ҳўнг йиглаб ўтирганини кўриб, ҳаммалари ҳайрон бўлиб қолишди.

Омонлиқ кўзёшини артиб ўрнидан турди. Яхшилик берган зоғора кулча онасининг қўйнидан тушиб кетганди. Омонлиқ нонни яна унинг қўйнига яшириб қўйди. Бояги босқинчилар ҳам нонга тегишмади.

Тўпидан адашган битта-яримтанинг борини тортиб олиб, еб кунини ўтказиб юрган бу ялангоёқларнинг бошлиғи Бектемир эди. Янгикентда ўт ичида қолиб кетганида соғлиги бир оз ёмонлашган эди. Бунинг устига очликдан Омонлиқни танимаган эди. Ҳозиргина оч қоринга еган гўшти оғирлик қилиб, қорни оғриб ётиб қолган эди. Бир амаллаб туриб, оғайниларининг кетидан етиб келди. Юлгун чайла ичидаги оқбош устида ўлиб ётган Оқбийдаининг тепасида ёғочдай қотиб турган Омонлиқни энди таниди. Икки қўли билан ўртани ёриб, ҳаммани орқага итарди. Ўликнинг устига йиқилди. Анчадан кейин ўзига келди. Индаёлмай, бир зум ияги титраб турди-да, кейин қалтироқ овоз билан эшитилар-эшитилмас деди:

— Омонлиқ, Омонлиқ, сенмисан бу? Йиғлама! Учган уянгга қайтиб келдинг, бошла бизни, бошла...

Омонлиқ унинг қоп-қора бетига қовоғини солиб қаради-да, кетига тисарилди... Аллақандай куч уни кўчманчилар кетидан етаклади, бир оз юргандан кейин энди эсига келгандай, кетига қайтиб бориб, юлгун чайлани бузди. Оқбийдаини ётган ерига кўмди.

Пешинга бориб, ҳамманинг олдига тушди-да, Хоразм томонга қараб йўлга равона бўлди. Шериклари қўл ушлашиб, баъзан узилган занжирдай кейинда қолиб гандираклаб боришарди...

* * *

Кўчманчиларнинг олди худди чанқаган подадай, Хоразм томонларга Амударёнинг қуйилишига — Орол денгизи ёқаларига юкларини ташлашиб, ўлмасликнинг гамини ейишиб, музни ўйиб, балиқ овига тутинишганда, уларнинг кети ҳали Сирдарё бўйидан узилмаган эди. Маман бий сўнгги кўчгача, қиш чиққунча ташлаб кетмай, оқ бўз отини қора терга ботириб, овулма-овул

югурди. Ташлаб кетилган қишловларга ёв бийлари кўчиб келиб, ўрнашиб олаётганини кўриб юраги ачишадди. Уларни отининг думига боғлатиб, судратгиси келадди. На чора? Халқи хавф остида. Қадрдон ота юртини тарк этиб кетгани баъзиларнинг кўзи қиймасди. Шунинг учун айрим ерларда жой таллашиб, муштлашишлар ҳам бўлиб турарди.

Сайдулла девга ўхшаган қари-қартанлар, беморлар, кўп болаликлар қолиб кетди. Қаҳратон совуқда уларни қўзғатиш — ўликни гўридан чиқариб, руҳига озор беришдай гап.

Ниҳоят, Маман бий кўчиб кетаётганларга дурустроқ жой топиш ниятида олға қараб от қўйди. Қувон дарёга етмаёқ юраги қон бўлди. Кети кўринмай, турна қатор тизилиб кетаётган халқи ҳали ҳам юрагини ҳовучлаб кетяпти, йиғлаб-сиқтаб кетяпти. Ҳар қадамда ёлбориб ёрдам сўраб, қўл чўзган оталар, оналар, болалар, беморлар... Ҳаммаларига раҳми келади, ҳаммаларига ёрдам қилсам дейди, бироқ қайси бирининг бошини силаб, қай бирига ёрдам берсин, ноилож кўзини юмиб, қулоғини қар қилиб, ҳаммасининг ёнидан от чоптириб ўтиб кетади.

Янгидарёга яқинлашганда, йўл четига эшакларини боғлаб чодир ёнида кўрпага ўраниб ўтирган етти одамга дуч келди. Уларнинг авзойлари бузуқлигини сезган бўлса ҳам, Маман отини тўхтатди. Улар уст-бошлари жулдур-жулдур, оёқларига йиртиқ кўрпа ўраб олишганди. Қора соқолли барваста бир йигит Маманнинг отини жиловидан ушлади. Қизарган кўзларини йиринг босган бу одам от устидаги киши кимлигини билиш учун унга тикилди.

— Ҳа, Маман биймисан? Сен бизга кераксан. Халқнинг хундори! Туш отдан! Жонинг омонлигида туш!

Бу барзанги Сайдулла девнинг ўғли Бекдулла қора соқол эди. Маман ўйлаб ўтирмай отдан тушди. Бекдулла қора соқол уни таниган бўлса ҳам, ўзини танимаганга олди, соқол-мўйловлари титрарди, кўзлари чақнарди.

— Бу ёққа юр, — деди у юлғундан ясалган чайлани кўрсатиб. Кейин Маманнинг орқасига ифлос оёқлари билан бир тепди. Маман бий кетига қайрилиб қаради-ю, индамади. Чайлага киришди. Чайла ичида олти аёл билан ўн-ўн беш чоғлик бола ўртага ёқиб қўйилган гулханга ўзларини тутиб, сулайиб ётар эди. Ҳаммаси рамақижон. Маман бий бу манзарага чи-

долмай, ташқарига чиқди. Қараса, бояги етти йигитнинг учтаси оқ бўз отни аллақачон сўйиб бўлибди. Маманнинг қовоғидан қор ёғишини билган Бекдулла қора соқол оқ бўз отнинг нўхта, юганини унинг олдига келтириб қўйди.

— Хафа бўлмай қўя қол. Сен бизнинг бошлиғимизсан. Бошлиқ — халқнинг хизматкори. Хизматкор эгаси буюрганини қилади. Мана бу нўхтани ўзингга ур. Биз сени минамиз. Нега индамайсан? Нега қочмайсан? Биз кечирришни ҳам биламиз. Ҳой, йигитлар, тезлаштиринглар, — деб эшакнинг ёнида турган икки йигитга ўшқирди у. Улар эшакни ечиб олиб келишди. — Мин, Маман бий, тескари мин! Минмасанг, жонингдан умидингни узавер.

— Хўжайин буюргандан кейин иложим қанча? — деб Маман бий эшакка минди. Йигитларнинг сўзини икки қилмай, эшакка тескари минди. Бекдулла қора соқол Маман бийни оқ бўз отнинг югани ҳамда чилвири билан эшакнинг устига тангиб боғлади. Бекдулла ҳалиги йигитлардан бирига ишора қилган эди, йигит оқ бўз отнинг қони оқиб турган яримта сонини келтириб, Маманнинг ёнбошига боғлади.

Бекдулла қора соқол қўлидаги қон юқини Маманнинг мўйловига суртди-да бошини қиблага, Хоразм томонга бурди. Кейин қумғондай мушти билан эшакнинг сағрисига бир туширди.

— Бор, жўна! Ҳали ҳам биз инсофлимиз, шунинг учун ҳам оёғинг ердан тўрт энлик баланд турибди. Кўзимизга кўринма, йўқол!

Маман чурқ этмай кетди. Ён-верига қарамади. Қараса, ўзининг қай аҳволда кетаётганидан қатъи назар «Анови Маманни қара... томоша бўпти!.. Қизиқ!..» деб қўлини бигиз қилиб кулаётганларга кўзи тушади, сўкиш эшитади.

Унинг хўжайини — халқи. Халқи унга қандай жазони раво кўрса, у сабот билан чидаши керак. У ҳозир ҳам шу жазога рози бўлиб, кўк эшак устида тескари ўтирганича, қон йиғлаб кетяпти... Мабодо йўлда бирон раҳмдил одам учраб қолиб, уни ечмаса, ўзи ечолмайди. Борди-ю эшаги қоқилиб йиқилса, уни тургазиб қўйиш у ёқда турсин, ҳатто ўзи ҳам туролмайди. Қандай гуноҳ қилди экан, энди бу хатосини қандай қилиб тузатиши мумкин? Маман шуларни ўйлаб, сира ўйининг охирига етолмасди. Эшак бўлса ўз билгича гоҳ ўтлаб, гоҳ тўхтаб уни чайқалтириб борарди.

Иккинчи куни чошгоҳда отлиқ аёл бошлаб кетаётган кўчга дуч келди. Бу Давлатбой бийнинг заифаси Шарифа эди. У Маман бийни таниб отдан тушди, «Маманни ечинг», деб эркакларга буюрди.

— Ҳеч гап эмас, индаманглар, — деди Маман бий аста. — Мени ўз хўжайиним шундай қилди. Пешонамда бор экан.

Шарифа унинг хўжайиним деганда нимага ишора қилаётганини тушунди.

— Бир хўжайинингиз сизни боғлаган бўлса, иккинчи хўжайинингиз ечиб қўяди, арслон сифат, аммо чарчаган, доно бий!

Қиш оёқлаб, баҳор кириб қолгани учунми ё тўкилган қонли кўзёшларнинг наmidанми, йўллар лой бўлиб кетганди. Маман бий эшакка ўнг ўтириб, йўлида давом этди...

Балки, яна бирон куйган банда — «хўжайини» тўхтатиб, эшагини тортиб олиб, ўзини пиёда ҳайдар... У ҳаммасига рози. Қулоғига етган узун мўйловлари шамолда ҳилпираб, юзини яширган бий эшакда ҳамон илгарилаб кетяпти. Фақат олға, кўчманчиларнинг бошига, янги қўним жойга қараб кетяпти!..

Ҳимматли ўқувчим, энди сиз эл-юртнинг паноҳ топган янги жойига сафар қиласиз. Майли, улар бемалол ўрнашаверишсин, сиз эса бир зум дам олинг.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

1

Хива хони Ғойибхон (қозоқларнинг шекти уруғи Жадиге авлодидан Султон Ботирнинг ўғли) ички, ташқи ур-ур, сур-сурларга бардош беролмай, 1757 йилда тахтни ташлаб қочганидан кейин, ўрнига иниси Абдулла хон бўлиб қолган эди. Бироқ у ҳам бир йилгина даврон сурди, холос. Хонликка бухороликлар аралашди.

Хон саройида қўнғиротлик иноқларнинг сўзи ўтарди. Уларнинг зимдан олиб борган ишлари яна қозоқ хонларининг тахтга чиқишига ёрдам берди. Шундай қилиб, тахтга дам Абулхайрхоннинг авлодлари, дам уларнинг душманлари — шекти уруғидан Жадиге авлодлари чиқди, саройда «хон ўйини» бошланди.

Қорақалпоқларнинг сўнги, 1762 йилги Туркистондан кўчиш даври Хивадаги ана шу «хон ўйини» даврига тўғри келди. Шунинг учунми, улар билан ер талашувчилар ҳам бўлмади. Бошпанасидан айрилган эл чўллаган подадай ёпирилиб Амударёнинг қуйи тармоқларига, Орол денгизининг балиғи мўл қирғоқларига келиб жойлаша бошлади. Камбағал, ялангоёқ, етим-есирлар юklarини ташлаб, бевафо дунёнинг озгина бўлса ҳам лаззатини тортай деса, яна тинчлик бўлмади. Кетларидан эргашиб келаётганларнинг охири кўринмасди.

Бу жойларнинг Сирдарёдан фарқи шу эдики, Амударё шўх оқади. Ёйилиб оқадиган жойлари кўп. Қирғоғидаги тўранғиллар билан гиёҳларни томири билан кўпориб оқизиб, Орол денгизига бориб қуйилади. Бундан ташқари, атрофида кичик-кичик кўллар кўп. Дарёсида ҳам, кўлларида ҳам балиқ мўл. Яна бир фарқи шуки, кўллар, дарёлар тепасидан қушлар аримайди. Ўрдак, ғоз, оқ чағалайларнинг ғақ-ғақлаган товушларидан бошқа ҳеч нарса эшитилмайди. Атроф тўқайзор, бутазор. Тилсиз, қулоқсиз, гунг тепаликлар, қўлтиқлар, ороллар ва ярим ороллар, якка-ёлғиз одам кирса, ада-

шиб кетгудай тўқайлар. Шох-шаббалар худди тиланчи гадоларнинг қўлларидай чўзилган, тепалар эса худди қушлар титиб ташлаган қалпоқдай. Йўғонлиги иликдай келадиган жингиллар, қамишлар аралаш-қуралаш ўсиб ётибди. Бу жингиллар билан қамишларни мана мен деган одам ҳам синдира олмайди. Баъзан балиққа тўйиб олган бўз йигитлар зеркишса қизиқчилик учун қамиш синдиришади. Қамиш мўрт бўлади. Шарт этади, синади. Худди мол суягини тиззага уриб синдиргандай гап. Шунинг учун ҳам баъзан чайлаларни, капаларни одамлар қамишдан қуришади. Шундай қилиб, эл бир жойга тўпланишиб, қўниша бошлади.

Кўк ўзакниг икки бетига айниқса одам қалин жойлашди. «Кўк ўзак» деб аталишининг боиси шуки, суви кўм-кўк шишага ўхшайди, тиниқ. Жимирлаб секин оқади. Сербалиқ. Ёзда сув бўйида ўтириб, қишда осмондек мовий муз юзини қоплаган қорни сидириб ташлаб унга тикилган кишининг меҳри қонмайди, кўзи тўймайди. Баҳорда бўри қувлаган подадай, тўда-тўда катта балиқлар бир-бирини қувлашиб, ўйнаб ўтишади. Билган одамга йўли кўп. Ҳатто ёш бола ҳам тутаман деб аҳд қилса, қишда қармоқ билан, ёзда сув остига шўнғиб ҳам битта-иккита балиқни тутиб чиқиши мумкин.

Бу имкониятлар одамларни анча йўл-йўриққа, фаросатга ўргатди. Чапани одамларни бўғимига туширди, беморларни тузатди, кўзёшларини тийиб, яна одамларнинг чеҳраларида табассум пайдо қилди...

Мана шу «Кўк ўзак»да куни билан балиқ овлаб, устбоши сув, лой бўлиб кетган балиқчилар солларини четга олиб чиқишди. Овларини тенг бўлашиб, ҳар ким ўз улушини олиб, юлғунларга илиб қўйишди. Ҳаммалари хурсанд, бир-бирларига гап бермай, вағирлашиб қайтишмоқда.

— «Кўк ўзак»ни нимага ўхшатаётганимни айтайми? У бамисоли кўнглида кири йўқ болага ўхшайди.

— Кўнгли ойнадай, дегин... Нега деганда кўнглида нима борлигини яшириб ўтирмайди. Бағридаги балиқлар кўринмаганда, одамлар унинг атрофига қўнмасди.

— Тўғри!

— Ўзингиз ҳам эзма бўлиб қолибсиз.

— Ҳов анови сигир сузиб ўлдирган кўнғиротлик Ойтувғон ясовулнинг бевасини ким билади. Билмасаларинг билиб қўйинглар. Ободон жуда абжир аёл эмиш. Нуқул ўзига ўхшаган беваларни тўплаб балиқ овлармиш.

- Чавақлардан кўркмасмикан?
- Ҳаммалари дув кулиб юборишди.
- Қаерда экан?
- Нима, орқанг қичияптими? Бизлардан анча юқорида. Фойиб баҳодирнинг овулида эмиш.
- Аттанг, ўша овулнинг бўйдоғи бўлганимда эди.
- Бўйдоқ йигитларни кўрса, тутиб олиб ейди, дейишади.
- Ростдан-а?
- Йигитлар ейишмайди-да.
- Бай-бай-бай, менга дуч келсами, бир ўзим бештасини...
- Мақтанаверма! Чиранма ғоз, ҳунаринг оз.
- Туғиб қўйса нима қиларкин-а?
- Мен қаёқдан биламан, нима, мен аёлларга қоровулманми?
- Уни-муни қўйинглар, Маман бий нега уйланмайди, ё бирон нуқсони бормикан-а?
- Ҳамма бир зум жим бўлиб қолди.
- Балиқчиларни бошлаб келаётган Бекдулла қора соқол йигитларга қараб ўқрайди.
- Биз кўчиб келаётганимизда уни кўк эшакка тескари миндириб, танғиб юборувдик. Уни ким ечиб юборди? Давлатбой бийнинг беваси. Агар бирон нуқсони бўлса, бева аёл бўшатиб юборармиди уни? Сал фаҳм-фаросатни ишлатиш керак-да.
- Ҳозир Маман бий қаерда?
- Бошидан бахт куши учгандан кейин, жуфтагини ростлаб қолган-да.
- Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйловдим. Бунақа йигитларда юрак бўлмайди. Бир оч қолса, қайтиб қорним тўймайди, деб кўрқади.
- Яна иғво қиялпсизлар, — деб гапга аралашди Бекдулла қора соқол, — Маман бий унақа йигитлардан эмас. Қаерда бўлса ҳам, эл ғамини ўйлаб юрибди.
- Маман бий ақллироқми ё Эсенгелдими, ким биллади?
- Маман бий, — деб жавоб берди кўпчилик.
- Менимча, Эсенгелди бий ақлли, — деди ўртага савол ташлаган одам. — Яхшилаб қулоқ солинглар. Кўлнинг файзи кетмай, олдин учган қирғовул бўлиб шон-шухрат ортгирди. Унга эргашган халқ доғда қолмади. Узи ҳам уддабурон, кечадан бери овулида тўй. Маман нима? Орқасида эли йўқ, сўққабош.

— Нуробилла, сенинг гапинг тўғри, — деди йигитлардан яна бири. — Маман бий сайланган пайтда ақли эди, жилов қўлидан чиқди-ю ўзининг ҳам, бизнинг ҳам омадимиз юришмаяпти.

— Бу дунёда омад бир кетмасин, — деди Бекдулла қора соқол хўрсиниб. У шу гапни айтишга айтди-ю, Мурод шайх ҳақида ўз отаси Сайдулла девдан эшитганларини, кўчаётган пайтларида унинг видолашиб: «Хайр болам, мен бу дунёдан кўра у дунёга яқинроқ турибман, менинг ўрнимга набираларимни опичлаб кет...» деганини эслаб, бошини қуйи солди, оёқлари чалишиб кетди. У бошқа сўқмоққа ўтиб, ёр-биродарларининг гапларига қулоқ солмасликка ҳаракат қилиб катта-катта қадам ташлади. У шерикларидан ўзиб кетмоқчи эди, олдидан беш-олти йигит чиқиб қолди. Булар Омонлиқлар эди.

— Ҳа, йўл бўлсин, — деди Омонлиқ Бекдулла қора соқолнинг кайфиятини сезмай.

— Қаёқдан келяпсизлар?

— Тўйдан, — деб жавоб берди Бекмурод.

Унинг Омонлиқдан олдин жавоб бергани Бектемирга маъқул бўлмади, унга суйқанган бўлиб, тирсаги билан туртиб қўйди.

— Секинроқ, паловнинг ёғини оқизиб юбординг, — деб шивирлади Бекмурод ва халтаси билан ўзини орқароққа олди.

Эсенгелди янги ўтов тиккани учун ўтов тўйи қилаётганини Бекдуллалар ҳам эшитишган, лекин таклиф қилмагани учун боришмаган эди. Буларнинг юзсизлик қилиб, чақирмаса ҳам боришганини пайқади.

Балиқчилардан бири Омонлиқдан ўсмоқчилади:

— Таклиф қилингандирсиз, ахир?

— Қаёқда! — деди Омонлиқ тутақиб. — Бизни қайси саёқ итнинг кейинги оёғи деб ўйловдинг. Бордик. Тўйганимиз ғанимат.

— Беор кўппаклар, — деб тўнғиллади балиқчилардан биттаси.

Бу гап Омонлиққа қаттиқ ботди, лекин индамади. Бектемир унинг жавобини кутиб, анча жойгача индамай борди. Охири сабри чидамай, этагидан тортиб, секинроқ юр, деди.

Гап эшитиб, дашном еган Омонлиқнинг қадами секинлашди. Буни сезган Бекдулла қора соқол орқасига қайрилиб:

— Омонлиқ, юринглар, уйга борамиз. Эртага бир гап бўлар, мана бу балиқни бирга баҳам кўрайлик, — деди.

Сирдарё бўйида яшаган барча қорақалпоқларнинг муфтиси Мурод шайхга хизмат қилган одамнинг фарзанди бўлгани учунми, ё ўжарлиги, бир сўзлилигини билгани учунми, тенгқурлари унинг гапини сира икки қилишмас, нима деса хўп дейишарди. Шунинг учун ҳам барча бошлиқсиз кўчганлар унга эргашиб, «Кўк ўзак» бўйида бир овул пайдо қилишганди. Омонлиқлар булардан хабардор эди. Боролмайман дейишга сабаб тополмади. Биргалашиб Бекдулла қора соқолниқига қараб йўл олди.

Бекдулла қора соқол овулининг «Кўк ўзак» бўйига ўрнашган бошқа овуллардан фарқи бор эди. Уларда ер кам эди. Ҳамма чайлалар қамишдан тикланган. Иккинчи фарқи шуки, овул билан «Кўк ўзак» орасини эни қирқ-эллик одим келадиган қалин қамишзор тўсиб турарди.

Бу қалин қамишзор ўзгача ҳусн берарди. Шунинг учунми, ё бўлмаса, «Кўк ўзак»ка болаларни тушиб кетишдан сақлайдиган девор дебми, бу қамишзордан ҳеч ким битта қамиш узмайди. Бекдулланинг чайласи овулдошлариникига ўхшаб текисликка ўрнатилган бўлса ҳам атрофи бошқача қамиш билан юлғундан иборат эди. Чайла қўшнилариникидан сал каттароқ эди. Булардан ташқари, бошқа овуллардан энг катта фарқи шуки, бу овулда ёш болалар кўп. Тутун чиқадиган ҳар чайлада камида икки-учта бола бор. Бекдулланинг ҳам уч боласи бор. Ҳаммаси ҳам ёш, яланғоч. Онаси сал кўздан қочирса, ўйнаб кетиб, совуқда қолишарди. Шунинг учун олти ой қиш оналари уларни ташқарига чиқармайди. Ёз бўлиб, болалар анча яйраб қолишди. Ҳар куни отаси келганда оч полапондай оғзиларини очиб югуришарди. Бугун ҳам шундай қилишди: оталарининг олдига югуриб, бўйнига осилишди. Омонлиқни кўриб ётсираш ўрнига, чопқиллаб бориб, у билан ҳам кўришишди. Меҳмон, келди-кетдини кўравериб ўрганиб қолишган шекилли, оналарининг одатини қилиб:

— Ўтиринг тўрга чиқинг, — дейишди.

Бекдулла хурсанд бўлиб кетганидан, болаларининг бошини силади. Учаласининг қўлига биттадан чавақ тутқазди, қолганларини эса тозалаб, пишириш учун хотинига узатди. Меҳмонлар зеркиб қолишмасин деб, овқат пишай деб қолганида иккита қўшнисини чақириб чиқди.

Тағларида чий, чипта, ёнбошларида ичи тўпонга тўлатилган тери ёстиқлар бўлишига қарамай, чайла ичи жуда файзли эди. Улар ўчоқ атрофига ёнбошларди. Тунука чойнақдан чой ичишарди. Қозонга ташланган бир сиқим жўхори уни шўрвани жуда ширин қилиб юборганди. Ҳаммалари тамшаниб, янги жойларини, бу ерларнинг балиғини, шўрвани болдай қилиб пиширган Бекдулланинг хотинини мақтай-мақтай, терлаб-пишиб овқатланишди. Овқатдан сўнг ҳам, ҳангомалашиб ўтириб роса чойхўрлик қилишди. Гап ўтган кунлардан очилиб кетиб, Мурод шайх, Ирискул, Давлатбой, Суюндиқ, Бойқўчқор бийлар ҳамда Избосар, Ўразан ботирларни эслашди. Ҳар сафар уларнинг номлари тилга олинганда, ҳурматлари юзасидан қадрларини ростлаб, яна ёнбошларди. Болалар оналарининг пинжига кириб, ухлаб қолишди. Эркакларнинг ҳангомалари эса сира тамом бўлмасди.

Гап Маман бийга келиб тақалганда, улар кўпроқ шартномаю элчилик ҳангомаларини эслашди.

Бу ерларнинг ҳеч қаер билан боғланиши йўқлигини ўқиниб гапиришарди, хаёл яна уларни Сирдарё бўйларига олиб кетарди. Овуллардан турли-туман моллар олиб ўтадиган карвонларни эслашиб, Қошғар тарафдан яхши моллар кўпроқ келарди, деб мақташарди. Ўзларининг ўқ-яроғи билан навкарлари оз бўлса ҳам, душман устидан ғолиб келишганини эслашиб, ўша кунларини кўмсашар, оҳ-воҳ қилишар эди... Эл бошига кўнган бахт қушининг давр-давронини суролмай, кўчиб кетишга мажбур бўлишганини хотирлаб, аллакимлардан хафа бўлишарди. Улар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришиб, бу тарафлар душман бостириб келолмайдиган бир истеҳком эканини таъкидлаб, хурсанд ҳам бўлишарди. Гап яна Маманга келиб тақалди, Бекдулла уни йўлда кўк эшакка тескари миндириб юборганига афсусланди. Қўшниларидан бири уни юпатди:

— Хафа бўлма, Бекдулла. Маман бий кек сақлайдиган одамлардан эмас. Агар отини сўйиб емаганинда, манави болаларнинг бу ерга эсон-омон етиб келолмасди, — деб у онасининг пинжига кириб, беташвиш ухлаб ётган болаларга ишора қилди. — Булар бизнинг келажагимиз-ку. Маман шуларни тушунади. Барака топгур жуда яхши тушунади. Ахир у халқига хизмат қилиш учун туғилган арслон-ку! Қани энди ҳамманинг кўнгли Маманнинг кўнглидай пок бўлса.

— Ҳа, Маман ҳақиқатан ҳам доно йигит... Ҳали кўрасан, бирон ёқдан келиб қолади. Яна бирон яхши хабар билан келади. Ҳарқалай, бизга яхшилик келтиради...

Улар чой ичиб ўтиришиб, чой сотадиган савдогарларни ҳам эслашди. Савдогарлар ҳақидаги гаплар Бекдуллага ёқмади, у бошқа бир воқеани эслади.

— Йигитлар, савдогарларни мақтаяпсизлару, — деди ўкиниб. — Уларнинг туяларидаги моллар қидирса топиладиган нарсалар. Уларнинг кўплари бағритош одамлар. Ёдимга тушса, ҳозир ҳам тепа сочим тикка бўлиб, тишларим ғижирлаб кетади. — У ўз уйида ўтирганини ҳам унутиб, чўкка тушиб олди, чолдевордан битта қиёқ узиб оғзига солди-да, қирс-қирс синдирди. — Олмагулнинг қандай йиғлаб кетгани сира-сира кўз олдидан кетмайди.

— Менинг синглим Олмагулми? — деб Омонлик қаддини ростлаб ўтирди.

— Ҳа, сенинг синглинг, Омонлик, — деб бир хўрсиниб гапида давом этди Бекдулла. — Жуда ёш кетди. Ёш бўлса ҳам жуда ақли эди. Ўша ўн уч яшар қизнинг ақлига ҳатто Мурод шайх ҳам қойил қолган эди. Унинг ақлини Маман бийники билан тенглаштиргани ҳали эсимда. Қиз шундай саботли эканки, бегона юртга тортиқ бўлганини била туриб, на кўзига ёш олди, на шайх отага қаршилиқ қилди. Фақат: «акажонимга, янгамга салом денглар. Акажоним мени излар бўлса, йўлимни айтай. Чанг йўл билан юрса, мени тополмайди. Мени излар бўлса, лой йўллар билан юрсин, адашмай топади...» деди, холос.

— Лой йўллар билан юрсин?! Унда йўл бўйи бўзлаб кетган экан-да жигарим! — Омонлик икки чаккасини чангаллаб, беихтиёр тишларини ғижирлатди. Бекдулла ҳозир бу гапни айтиб, хато қилганини тушунди, бироқ энди кеч эди. Ўзи ҳам бошини қуйи солди.

Тонг бўзариб, чайла ичи ғира-шира бўлганда, ҳар ким ёнбошлаган ерида пинакка кетди. Бири хуррак отди, бири пишиллади.

Ўтган кунларини элашни хушламайдиган Омонликнинг кўзи олдидан бугун бутун ўтмиши бир-бир ўтиб, юрак-бағри эзилиб кетди. Азонгача ҳам кўзи илинмади. Бора-бора томи баланд қамиш чайла ҳам торлик қилиб, ташқарига чиқди. Пешанасига қўш қўлаб урдида чўккалаб қолди.

Учлари қирқиб қўйилгандай бир текис ўсган юлгунлар орасидан гоҳ боши, гоҳ кўкрагигача кўринаётган қорақалпоқли одам худди чуқур сувдан кечиб келаётгандай, аҳён-аҳёнда кўриниб қоларди.

Юлгунзор тугаб ялангликка чиққандан кейингина унинг отлиқ экани, оти тўриқлиги аён бўлди.

У аста отдан тушиб юкининг ёқ-бу ёғини кўздан кечирди. Отнинг устига кўндаланг ташланган қора қопнинг бир ерини юлгун илиб йиртибди. Йўловчи ердан бир тутам ўт юлиб олиб, қопнинг йиртилган ерига тиқиб қўйди, яна отига миниб, йўлига равона бўлди.

Тўриқ от кўм-кўк қамишзор орасида қора тўриқ отга ўхшаб йўл очиб кетяпти. Эгаси қора қопнинг тешигидан хавфсираб, қайта-қайта кўздан кечиради.

Бу отлиқ Маман бий эди. Ўша бедарак бўлиб кетганича, мана энди қайтиб келяпти...

У шу йили... кўчганларнинг охири йўлга чиққандан кейингина отланиб, кўп қийинчиликлар билан кўчманчиларнинг бошига етиб олди. Эсенгелдиннинг овулини топиб, унинг ўзи билан бирга юриб, ер танлади. Уларга «Кўк ўзак»нинг бўйи маъқул бўлди.

Уй-жойлик бўлиб олган Эсенгелди бий Маман бийга «ўшанда кўчмай, халқни қийнаб қўйдинг» дегандай, анча-мунча кесатди, ундан ўзини баланд олиб юрди. Буларнинг ҳаммаси Маман бийга оғир ботган бўлса ҳам, у ўзини тушунмаганга олди. Бу ҳали нима эмиш? Кўч-кўч вақтида йўл азобини чекканлар билан қариндош-уруғларидан, ота-оналаридан, фарзандларидан айрилганларнинг қанчадан-қанчаси уни очикдан-очик сўкди, қарғади, орқасидан тош улоқтирди. Маман ҳаммасига чидади. Чунки, сиркаси сув кўтармайдиган одамлар билан ҳозир талашиб-тортишиш ўринсиз эди. Шунинг учун ҳам қулоғига пахта тиққандай, чодирлар, чайлалар орасида тинмай от чоптириб, қалин юлгунзорнинг ҳар ер-ҳар ерига қўнган элнинг бегоналашиб кетмаслиги учун, қамишлар билан юлгунларнинг бошларини тугиб йўл очиб, бир-бирларини тополмай, адашиб қолганлар учун «Ўнг томонда Айирма...», «Кун ботиш тарафда Уч сой», «Қибла тараф Жалойир», «Фалончилар Кўк ўзак бўйида»... «Фалончилар қора жар томонда», «Қора жар қайси томонда дейсанми?.. Қибла тарафда!.. деб қичқариб, номи йўқ

жойларга ўзи ном қўйиб, баъзи жойларни олдинроқ келиб қолган Шердали бий уруғлари билан Эсенгелди бий уруғлари қўйган ном билан атаб, элнинг жарчиси бўлиб юрарди. Буларнинг устига юртни илдамроқ юришга ундаб, билагида ҳали кучи борларга чарчаб, ҳолдан тойганларга ёрдам беришни тайинлаб, илтимос қиларди. Ўрни келганда отдан тушиб, касалмандларга тоби қочиб қолганларга қамиш ўришиб, юлгун синдиришиб, чайла қўндириб олишга ёрдамлашар эди...

У янги маконга эсон-омон етиб олганларнинг ҳисобини олди. «Куйи қорақалпоқ» аталиб, Сирдарё бўйига жойлашган олтмиш минг хонадоннинг учдан биридан сал ортиқроғи эсон-омон етиб келибди. Эсенгелди билан маслаҳатлашганида, ундан:

— Буларнинг ҳаммаси бийларининг донолигидан, — деган таънани эшитди.

Нима қилсин, бармоғини тишлашдан бўлак иложи йўқ. Элни нима қилса эл бўлади, нима қилса, кўпаяди? У бунинг йўлини топиш мақсадида юртидан бош олиб кетди. Теварак-атрофларида кимлар яшашини билиши керак, мабодо қийналиб қоладиган бўлишса, ёрдам сўрашади. У шу мақсад билан Қўнғиротда бўлди... Хивага ҳам борди. Қайтишида Шаббозга тушиб ўтди... Қопдаги буғдойни ўша ердан олиб келяпти. Уни эктирмоқчи!

У тўғри Омонлиқларнинг чайласига қараб йўл олди. «Кўк ўзак» ёқасидаги тепачада ўсган қалин қамишлар орасига ўрнатилган чайлада Омонлиқ билан ўнта бўйдоқ йигит турарди. Ҳаммалари соғлом, бақувват йигитлар. Нима қилишса ҳам, шу буғдойни ерга сочишининг уддасидан чиқишади.

Ҳолдан тойган қора тўриқ от оёқларини зўр-базўр кўтариб босиб келаётган бўлса ҳам, очликка чидолмай, тўшини сийпалаётган қамишзорнинг энли япроқларини шитирлатиб узиб, курт-курт чайнади. Маман «Кўк ўзак» бўйида ўзи билан ўзи гаплашиб юрган бир аёлни кўриб, қулоқларини чимирган отини тўхтатди. Бўз гупписи дабдала бўлиб, қора жиякли қизил кўйлаги параш-параши, бошидаги локкиси бузилиб, қийшайиб кетган бу аёл ўзича алланималар деб гудурлаб, бир болтани осмонга отиб ўйнаб юрарди. Қайтиб тушиб, бирон еримни жароҳатлайди ҳам демайди. Юқорига қараб, болтани яна осмонга улоқтиради. Тушса, илиб олиб, яна отади. Юриш-туришидан унчалик жиннига ўхшамайди. Ўт орасига тушган болтани қидириб топиб

олади-да, ушлаб туриб, алланималар деб гудурлайди, кейин яна осмонга ирғитади...

Маман унинг нималар деётганини билмоқчи бўлиб, отидан тушди, яқинроқ бориб гапига қулоқ солди.

— Ҳа, аблаҳ, сени бир чопиб ўлдирай!..

Куйган аёл экан. Юртда бунақа куйганлар озми, қайси бирини юпатиб бўлади... Кетига қайта туриб ўйланди: юрса юраверсин. Шу юришда биратўла жинни бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Бирон нарса деб кўрай-чи, зора ўзига келиб қолса.

— Келинжон аблаҳлар болта отадиган ерда эмас. Бундай яқин жойда бўлса, уни одамлар аллақачон бурда-бурда қилиб ташлаган бўлишарди.

Аёл таққа тўхтади.

— Сен кимсан?!

Кулча юз, оппоққина келинчак экан. Ёши ҳам йигирманинг нари-берисида. Кўп йиғлаганиданми, уйқу-сизликданми, шахло кўзлари киртайиб, қовоқлари шишибди, ёноқ суяклари бўртиб қолибди.

Маман унинг саволига жавоб бериш ўрнига, ўзидан сўради.

— Исминг нима? Кимнинг келинисан?

— Исминг Боғдагул. «Табақли» уруғининг келининман. Табақли уруғи қирилиб кетганини биласанми? Бир ўзим қолдим. Шунинг учун ҳам болтам аблаҳга етмагунича тинмайман. Маман бийни топиб чопаман. Сенинг боланг борми?

Аёлнинг қўлидаги болта қуёшда ялтираб, ҳозирнинг ўзидаёқ юрагини тилка-пора қиладигандай, шу вақтгача ўйланмаганига энди пушаймон еди, ичидан зил кетди. Ўйлаб ўтирмай, ростини айтиб қўя қолди.

— Болам йўқ.

— Ундай бўлса, нега болта кўтариб чиқмайсан? Ҳа, сиз эркаклар ниманинг ҳам қадрига етардиларинг! Бефарзанд бўлсанг, отга минишингни нима кераги бор? Бу дунёда яшашнинг нима ҳожати бор?

— Эринг борми?

— Нима, кўнглимга қўл солиб кўрмоқчимисан? Яқинлаша кўрма менга, бағритош. Эрим, болам кеча кечқурун оламдан ўтди. Безгақдан ўлишди. Иккаласи баравар жон таслим қилди. Бу осонми? Нега анграясан? Мени жинни деб ўйладингми? Жинни эмасман. Сиз эркакларда ор йўқ, виждон йўқ. Ундан кўра сен ҳам болта олиб кел. Бугун бизнинг уруғимизни йўқ қилган аблаҳ, эртага сенинг уруғингни ҳам йўқ қилади.

Индинга яна бир уруфта кўзини олайтиради. Бора-бора пешонаси шўр қорақалпоқлар йўқ бўлиб кетади. Қўлингизни бурнилариингга тиқиб юраверинглар. Бор, жўна! Нега қимирламайсан? Ниятинг бузилиб турибдими? Агар бир қадам яқинлашадиган бўлсанг, шу болта билан бўйнингни узиб ташлайман. Бор, отингга мин! Агар Маман бийни кўрсанг, физиллатиб олиб кел. Аммо ўзинг ўлдирма. Болта билан бошини танасидан жудо қилиб, бир аламдан чиқай. Ундан кейин ўлсам, армоним йўқ. Ўзимни «Кўк ўзак»ка ташлайман.

— Уйинг қаерда?

— Жўна йўлингга!

— Уйингга олиб бориб кўяй, дамингни ол. Кейин Маман бийни топиб келаман.

— Бошқаларнинг пайдидан бўл. Кетасанми, йўқми? — деб Боғдагул унга қараб юрди.

Маман бий кетига тисарилди. Отини етаклаганича қамишзорга кириб кетаётиб «Бора-бора пешонаси шўр қорақалпоқлар йўқ бўлиб кетади...» деб ўзича такрорлади. Тинқаси қуриб, гандираклади-да, отининг бўйнидан кучоқлаб қолди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди.

— Ассалому алайкум, бий оға!

Маман бий секин орқасига ўтирилиб, Омонлиқ билан бир чайлада турадиган икки йигитни кўрди.

— Ваалайқўм ассалом. Йўл бўлсин?

Йигитлар бир-бирларига қараб, кулиб қўйишди.

Икки жағининг суяги туртиб чиққан ола кўз, ориқ йигит жавоб қилди.

— Маман оға, ичимиз пишиб кетди. Бояги келинчакка эсимиз оғиб чайласига кирсин деб, пойлаб юрган эдик. Сизни қувлаганини кўриб, умидимизни уздик.

— Беғам, бағритош бўлманглар. Омонлиқ қаерда?

— Бетоб ётибди.

— Қолганлар соғ-саломатми?

— Сиз кетганингиздан кейин икки йигитимиз ўлди. Қўнғирот томонга ўғирликка боришганда, мол эгаси тутиб олиб ўлдирибди. Вой-бўй, бий оға, соч-соқолингиз ўсиб кетибди-ку. Икки елкангизда бош эмас, бир боғлам жун турганга ўхшайди.

— Ҳа, йигитлар, бу бошнинг ичига ҳам жун тўлиб кетди. Юринглар, чайлаларингга борамиз.

Омонлиқ қаттиқ куйганидан ётиб қолган эди. Бекдулла қора соқолдан синглиси тўғрисидаги гапни

эшитганидан бери ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Орадан неча йил ўтиб кетган бўлса ҳам, назарида ўн уч яшар Олмагул ҳамон тинмай йиглаб кетаётганга ўхшарди.

Маман ичкарига кириб, чайланинг тирговучида осилиб турган қилични олиб (бу отаси Ўразан ботир Омонлиққа ҳадя қилган қилич эди), пешанасига теги-зиб, яна жойига илиб қўйди.

Кўзлари қип-қизариб кетган Омонлиқ билан кўри-шиб, юқорига чиқиб ўтирмоқчи бўлаётган эди, чайла ичига солинган полос уни ҳайрон қолдирди. Қамиш чийларнинг устига иккита оппоқ кигиз ёзилганди. Қаердан келганини ўзича чамалади. Турган гап, ўғир-лик нарса. Унинг нега ҳайратланиб турганини кўрган бояги йигитлардан бири дарров тушунди.

— Бий оға, ўтираверинг. Биз қўраларга ҳужум қила-диган қашқирлардан эмасмиз.

Маман индамай кигизга чиқди. Бояги аёлнинг гап-лари ҳамон қулоғида жаранглаб турарди... «Бора-бора пешонаси шўр қорақалпоқ халқи йўқ бўлиб кетади...»

— Бектимирлар қани?

— Кечқурун келишади.

— Омонлиқ, шамолладингми? Тумовлаганга ўх-шайсан, кўзларинг қип-қизил.

— Шунақага ўхшайди. Эсенгелди бий тўй берган эди, тўйда кечаси билан ўчоққа ўт ёқиб ўтиравериб-ман, олдимдан исиб, орқамдан кўлнинг салқин шаба-даси уриб, шамоллаган бўлсам керак.

— Қанақа тўй?

— Ўтов тикибди. Муҳаммад Амин иноқ деган одам тайёрлатиб бериб юборибди.

— Жуда яхши. Жуда соз. Мирзабек бийларни так-лиф қилдими?

— Кўрмадим.

Маманнинг қовоғи уйилиб, жаҳли чиқди-ю, лекин тез тарқади.

Қозонда гўшт бор экан. Йигитлардан бири иситиб, Маманнинг олдига келтириб қўйди.

Маман бий Омонлиқ билан қачондан бери ўртоқ, сирдош бўлса ҳам, унга сира сирини айтиб ўрганмаган эди. Боғдагул билан учрашганидан кейин пайдо бўлган фикри унга сира тинчлик бермади.

— Омонлиқ, — деди у айтишини ҳам, айтмасини ҳам билмай. — Сен Юсуфбой табақлининг келинини танирмидинг?

— Ўглини ҳам танир эдим. Сен Дашти қипчоқ тарафга кетган йилинг туғилган эди. Унинг ҳам исми Маман эди. Сўнгги уруш бошланган кезларда, шу хотинини олиб, тўй бераётган эди. Шу ёққа келиб ўғиллик бўлди. Бироқ бечоранинг омади юришмади. Кеча ўзи ҳам, ўғли ҳам бир кунда безгакдан ўлибди, деб эшитдим.

— Ўлиб бўлдик, Омонлиқ...

— Иложимиз қанча?!

— Юсуфбойнинг бева келини кўп нарсаларни ёдимга солди. Ёш бўлса ҳам она-да она! Элда бола оз. Бу элнинг эртаси йўқ, деган сўз. Шунинг учун барча бевалар ва тулларга бир-бирлари билан турмуш қуриб, уй-жойлик бўлишга, бола кўпайтиришига фармон берсаммикан, деб ўйлаяпман.

— Бунинг учун аввало ўзинг уйланишинг лозим. Мен эса кетаман, бошимни олиб кетаман.

— Қаёққа?

— Сўрама, оғайни. Қаёққа кетишимни ўзим ҳам билмайман. Ўғлимни излайманми, синглимни излайманми, ё тириклайин Оқбийдаининг ёнига кириб ётаманми... Билмайман. Бекдулла қора соқолдан Олмагулнинг нима деб кетганини эшитдим. Эшитдим, урагимга ўт тушди.

— Эркак киши бундай куйинадиган бўлса, аёллар нима қилишади, Омонлиқ? Юртимизда озмунча егим-есир борми? Тақдирингни ўшаларнинг тақдири билан солиштириб кўр. Шунда шунисига ҳам шукур қиласан.

— Хотиндан ҳам баттар бўлиб кетдим, бийим. Маслаҳат бер.

Маман бий бундай пайтларда маслаҳат бермасликни ўзига эп кўрмас эди. Унинг фикрича, довдираб қолган одамга маслаҳат бермай, билганингни қил деб, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, адашган одамга била туриб, йўл кўрсатмаслик билан баробар эди. Маман ерга қараб ўтирганича жуда босиқлик билан гапириб, бу элда бағри бутун одам йўқлигини, агар ҳар ким йўқотган одамини излаб кетадиган бўлса, бу ерларда насибаси узилмайдиган инсон қолмаслигини гапирди.

— Майлинг, Омонлиқ, — деди охирида. — Сен излаб кўр. Ўзингнинг айтишингга қараганда, ўғлинг шу атрофда бўлса керак. Йигит киши бирон ердан чиқади. Қидирадиган бўлсанг, Олмагулни қидириб кўр... «Акажоним лой йўллардан юриб изласин...» деб

кетган дейишади. Бу гапни эшитганда менинг ҳам юрак-бағрим эзилиб кетган. Лекин мен сенга айтмадим. У вақтларда сен ўзингга тинч эдинг...

* * *

Кечга томон Бектемирлар қайтиб келишди. У ёнига икки йигитни олиб, мол ўғирлаб келгани кетган эди, қуруқ қайтди. Ичкарида Маман бий ўтирганидан беҳабар, эшикдан жавраб кирди.

— Бу дунёнинг падарига минг лаънат! Бирон кун рўшонлик кўрмадик-а. Номимиз ўғри. Бу оламдан битта яхши гап эшитмай ўтиб кетадиганга ўхшаймиз. Энди калламни олсангиз ҳам, очимдан тиришиб ўлсам ҳам ўғирликка бормайман...

У Маман бийни кўрди-ю, ҳозирги гаплари учун уялиш ўрнига, кўпдан бери кўрмагани учун «бий оға!» деб қучоғини ёзиб, ўзини Маман бийга отди. Алламаҳалгача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Маман эртасига эрталаб қора қопнинг оғзини очиб:

— Мана, йигитлар, уруғлик буғдой олиб келдим, — деди. — Ҳисобини топиб, экиш керак.

Улар қўш ҳўкиз қани, омоч қани, бўйинтуруқ қани деб очикдан-очиқ сўрашмаса ҳам, бир-бирларига қараб ҳайрон бўлиб қолишди.

— Кўрқманглар, — деди Маман. — Ҳаммасини экмайсизлар. Кўнгилларингга нима келганини билиб турибман. Тўқайларда юриб, ёввойилашиб кетибсизлар. Меҳнатдан қочадиган бўлибсиз. Ярим ботмон эксаларинг ҳам катта гап. Қолганини Бекдулланикига олиб бораман. Менимча, улар омочни ўзлари тортиб бўлса ҳам экишади.

Бектемирлар буғдойнинг уйларида бошқа ёққа олиб кетилишини эшитиб оғринишди-ю, лекин индашолмади.

Маман уларнинг улушини олиб бериб, яна қопнинг оғзини бўғди, отига ортиб йўлга тушди.

— Ҳой ола кўз, — деди кечаги йигитларнинг биттасига қараб. — Сен Қора жарга, Эсим бийнинг овулига бориб кел. Эртага кечқурун Эсенгелди бийникига борсин. Мен ўша ерда бўламан. Бектемир, сизлар экинга жой танланглар. Тагин уруғлик буғдойни кўғирмоч қилиб еб қўйманглар.

...Бекдулла қора соқол Маман бийни очиқ чехра билан кутиб олди. Унинг уруғлик буғдой олиб келга-

нини эшитиб, боши осмонга етди. Болаларини чиқариб, овулдошларини хабарлатди.

— Йигитлар, — деди у овулдошларига хурсанд бўлиб қараб. — Бий бизга уруелик бугдой олиб келибди. Қани, мен билан бирга ким бўйнига бўйинтуруқ илиб, омоч тортади?

— Мен, — деди ғулабирдан келган, кўкраклари жундор бир йигит.

— Мен, — деб йигитлардан яна биттаси қаддини ростлади.

— Мен...

Маман бий буларга ярмини қолдириб, қолганини бошқа овулга элтиб бермоқчи эди. Уларнинг гайратини кўриб, бугдойнинг ҳаммасини шу ерда қолдирди. Шу ерда ётиб қолди. Азонда улар билан бирга туриб, бугдой эккани ер танлашди. Омоч-бўйинтуруққа ярайдиган ёғоч топишди. Тушдан кейин Эсенгелди бийнинг овулига қараб йўл олди.

Эсенгелди бий овулининг ўзига хошлиги шуки, ўтовлар, чайлалар орасида на бир туп қамиш, на бир туп юлғун, на бир туп тўранғил бор. Майдони кенг. Тўқай олисда. Теварак-атрофга назар ташласанг, овул худди қамишзор ўртасига жойлашгандай, ундан нарисси қалин тўқай...

Шу овулнинг қибла томонидан, Амударё тарафдан суви қуриб қолган кўл бўйидаги қамишзор йўл билан бир тўда отлиқлар келяпти. Булар, Эсенгелди бийга Муҳаммад Амин иноқ бериб юборган ўтовни келтириб, тўйнинг азиз меҳмони бўлган кўнғиротликларни кузатиб келаётган йигитлар: олдинда юзи зоғора нондай қип-қизил, соч-соқоли қоп-қора, қора қалпоқ кийган одам — Ғойиб баҳодир. Ёли узун қора отига онда-сонда бир қамчи босиб, беш-олти қадам олдинда келарди. Унинг кетидаги бепарво, қулоғини чимирган тўриқ отининг боши бошқа отларникидан бир газ олдинга чиқиб келаётган киши Эсенгелди бийнинг ўзи эди. У узун, қизғиш соқолига кўнган қамиш парини кўли билан сидириб ташлаб, тинмай гапирарди, шерикларини суҳбатга тортарди. У билан изма-из келаётган кўк отлиқ Эсенгелдилар билан олдинги кўч-кўчда келиб қолган кенагасликларнинг ҳозирги бийи Омонкул бий эди. У Эсенгелди бийдан тўлароқ бўлиб, кўсароқ эди, қора телпаги бир чаккасига қийшайганди, малла чопонининг этаги отининг бўксасини ёпиб, ҳангомага астойдил қулоқ солаётганди. Тўртинчи отлиқ

соқол-мўйлови сийраккина, бошқалардан ёшроқ, озгин, сариқ юз, кўзлари чақнаб турган йигит Давлатбой бийнинг ўғли Курбонбой бий эди. Унинг эгнида туя жунидан тўқилган чакмон, бошида кенг қора қалпоқ бор эди. У Эсенгелдиннинг тўйига кетаётганида онаси Шарифа тутунидан олиб, «отангнинг ҳиди уриб қолган қалпоқ, бошингдан қўйма» дегани учун, каттароқ бўлса ҳам кийиб олганди. Эсенгелди бийдан бошқаларни кига қараганда тагидаги тўриғи каттароқ бўлгани билан, ориқроқ, устидаги ёпиғи ҳам қора эчки жунидан тўқилган. У Эсенгелди бийнинг узундан-узоқ ҳикоясига баъзан қулоқ солиб, баъзан қулоқ солмай, кўл устидан дув-дув учаётган қирғовулларга, йўл бўйидан баъзан лип этиб ўтиб қочган бўрсиқлар билан шақалларга қарарди, хаёлида уларни қувиб, ўзича хурсанд бўлиб келарди.

— ...Хивадаги «хон ўйини»да қўли баландлар иноқ уруғлари. Илгари айтувдимми, йўқми, ёдимда йўқ, менга ўтов юборган Муҳаммад Амин иноқ Қўнғиротни жойлаштирган оролик ўзбеклардан хон саройида саркарда бўлган Умбой иноқнинг авлоди. Бунақа феъли кенг одам билан ошна тутинганимдан хурсандман. Бу ҳам худонинг марҳамати. Сезяпсизми, халқимиз камайиб кетяпти. Бир ерда абадий қўним топиб, ўсибулғайишимиз учун шундай ақлли одам билан яқин бўлиб қолганимиз — бизнинг бахтимиз. Муҳаммад Амин иноқнинг менга юрагини очиб айтишига қараганда, худо хоҳласа, хонлик тахтига ўтиради. Ана ўшанда сизларнинг Эсенгелдиларинг ҳақиқий Эсенгелди бўлади. Халқ яйраб қолади.

— Эсенгелди бий, Тубиршик султон (маълумотларда Табурчук Султон) афсонасини айтиб беринг, — деди Омонкул бий.

Эсенгелди бий шарақлаб кулди.

— Балосан, Омонкул бий. Тушундим, бир оз гапни чалғитмоқчи бўляпсан, майли... Бундан элик-олтмиш йил муқаддам Тубиршик султон деган ботир бобомиз бўлган. Хива хони бошига оғир кун тушганда, уни лашкари билан чақиртирган, душманини мағлуб этгандан кейин, унинг кучидан хавфсираб, ҳийла-макр билан ўлдиртириб юборган экан... Тўғри, Хива хонларининг ақл бовар қилмайдиган ишлари кўп. Муҳаммад Амин иноқ менга мана шундай ҳикояни айтиб берган эди. Бизлар кўчиб келган йилимиз Хива хони бундан хабар топиб қолибди. «Бориб қаранглар, қорақалпоқ-

лар бозордан нима харид қилаётган экан», деб кўнги-рот бозорига айғоқчиларини юборибди. Бошпана то-полмай сарсон-саргардон юрган оч-яланғоч одамларда нима бўларди. Устига кийим-бош, емакка ичак-чавоқ, туёқ олаверибди. Гаплашса ҳам нуқул оч-ориқлар би-лан гаплашибди. Айғоқчи буларнинг ҳаммасини хонга етказибди. Шунда хон: «Бу ҳеч нарсага ақли етмайди-ган, дидсиз, ориятсиз халқ экан, ҳозирча қорнини тўйғиза турсин, босиб олиш қочмас», дебди. Энди биз алданган Тубиршик султоннинг авлодлари, устомон-ликни Хива хонидан оширмасак бўлмайди. Омонкул бий, билиб қўй, ҳозир ўжарлар билан қайсарларнинг замони эмас. Пишиқ, пухта, айёр бўлсак, ютамыз. Жу-да очиқ кўнгилик бўлмайди. Ўжарлик қилиб осмонга тупурсанг, ўзингга қайтиб тушади, ўйламай қадам бос-санг, панд ейсан. Амин иноқ тахтга чиқса, тизгинни қўлига бериб, Оллоҳ деб елкасига осилсак, йиқил-маймиз. Уртада келишиб қўйган бир шартимиз бор. Қурбонбой иним, эшитиб келяпсанми? Отанг Давлат-бой бий жуда доно киши эди. Онангга тортсанг нима бўлишингни билмайману, лекин отангга тортсанг, омади юришган одам бўласан.

Ёш бийга бу гаплар қаттиқ таъсир қилди. Тақими-ни сал қисган эди, тўриги бир юлқиниб, Эсенгелди бийнинг кўнгири олдига ўтиб олди.

Улар кўлмак жойлардан чиқиб, «Кўк ўзак»ни ёқа-лаб юра бошлашди. Гангир-гунгур гаплашиб, кули-шиб, балиқ овлаётган йигитларнинг баъзилари уларга кўз қирларини ташлашди.

— Маман бий қаёқда? — деб бақирди балиқчилар-дан бири отликларнинг кетидан. Қурбонбой бий ёш-лик қилиб, Эсенгелдига ёқиш-ёқмасини билмай, жа-воб қилди.

— Маман бийни нима қиласизлар? Ичимизда Эсенгелди бий бор.

— Биз Маман бийни соғиндик!

— «Ҳорманглар» дейишга тили келмайдиган Эсен-гелди бий бизга керак эмас!

Эсенгелди бийнинг гапларига маҳлиё бўлиб, ўзла-рича ёзилиб келаётган отликлар ногаҳон ўрталарига яшин тушгандай ерга қарашди. Эсенгелди бий эса ўзи-ни йўқотиб қўймади.

— Бу халқни кўр десанг ҳам, гаранг десанг ҳам ўз халқинг, — деди.

У шундай деган бўлса ҳам, аллақандай бир кучдан

кўрққандай, бирдан юрагини ваҳм босиб, узангини кетма-кет ниқтади. Аста юриб келаётган от қадамини тезлатди.

Эсенгелди бийнинг кўпгина ҳикоялари замирида Маман бийнинг ишларига қарши қаратилган гап борлигини Омонкул бий бир бугун эмас, ҳамиша ҳам сезиб келарди, бироқ ўзини фаҳламаганга олиб, унинг «осмонга тупуриш» ҳақидаги фикрини ўзича амалга ошириш пайдан бўлгани учун ҳам индамас эди. Аммо Курбонбой бий чидолмасди.

— Эсенгелди оға, балки юрт Маман бийни чиндан ҳам соғингандир, — деди.

— Шунинг учун айтаман-да, иним. Унинг ўжарлиги халқимизнинг бошига бало бўлди. Руслар билан сичқон-мушук ўйнайман деб отани боладан, болани отадан айирди. Шунини тушунмай, шўринг курғур бу халқнинг Маман бий деб ўлиб-тирилганига ҳайронман. Кўчиб келишаётганда Бекдулла қора соқол уни тутиб олиб, кўк эшакка тескари миндириб, сазойи қилиб юборганида сенинг онангнинг раҳми келиб, ечиб юборган. — Эсенгелди бий энтикиб, тупугини ютди. — Йўлбарснинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам ов қилгани билан, урғочисининг диёнати, нафси бошқача бўлади. Курбонбой иним... Шўрлик Маман бийнинг ҳеч вақоси йўқ. Янгидарё бўйидаги Убайдулла бийнинг олдига бориб ялиниб, от тилаб олибди. Аввалги йиллари юртни оралаб, у ёқдан-бу ёққа роса чопиб кўрди. «Руслар, руслар» деб кекирдагини йиртиб, тишлари тушса ҳам тавбасига таянмади, шундай ҳам афтодаҳол халқнинг миясини айлантириб, яна «рус эли» «қурол-аслаҳа берган руслар», «катта умид қоғози» деб оқ чекса, ўпкаси кўринганига нима дейсан. Мана энди зимми ғойиб бўлди. Зимми ғойиб бўлмай нима қилсин, халқни ёрлақайдиган худо, ё хонмиди у, ахийри қуруқ бошини олиб қочишга мажбур бўлди. Кўнғиротга борганимда қорақалпоқларнинг бир бийи Шаббоз тарафларда қаландарлик қилиб юрибди, деб эшитдим. Агар шу гап рост бўлса, ўша одам Маман бий бўлса керак. Амин иноқнинг ҳикоясини эшитмай, халқининг номини иснодга қўйиб, ўз бошининг ғамини еб кетган одамни соғиндим, деб ўтирган юртни гаранг, ё сўқир демай бўладими, ахир? Одамларнинг қорни тўйса, дарров кўнгли ҳам юмшаб қолар экан. Яқингинада шуларнинг баъзилари Маманни олдиларига солиб қувлашган эди. Кетидан тош отишган эди. Мана энди уни соғинишган

эмиш... Яна бошини бир балога қўймоқчи шекилли бу халқ. Тўғриси айтсанг, миннат қилган бўласан, бу иссиққина бошпанани топган ким? Мен топганман, буни ўзларинг ҳам яхши биласизлар. Маман ким? Кўч-га эргашган бир дайди ит. Агар гапни ростини айтаман десанг, бир элнинг қаландар бийидан давлат кетди, деб ёмонлагандай бўласан. Кошки бу яхшиликларимни Маман тушунса...

Гойиб баҳодир олдинроқда келаётган бўлса ҳам ора-чора гапларга қулоқ соларди. У Эсенгелди бийнинг ёрдамида ҳозирги кўнган ерида ҳам Сирдарё бўйидаги уй-жойини тиклаб олгани билан Маман бий тўғрисида битта-яримтанинг номақбул гап тарқатишини хушламас эди. Маман бий тўғрисидаги кўнгилсиз гапга бар-ҳам бергиси келиб, отининг жиловидан тортди.

— Эсенгелди бий, қўшни қозоқлардан ҳеч бўлмаганда Мирзабек бийнинг чақирилмагани яхши бўлмадими, дейман-да.

— Мана, сизлар доим шунақа қилиб, менинг қичмаган жойимни қашийсизлар, — деб Эсенгелди бий овозини ҳам, гапининг оҳангини ҳам ўзгартирди. У юрт устидан ҳукмдорлик қилиб, зулмини ўтказиб келаётган ҳоким эмас, қийноққа тушган ёш боладай ўпка қилиб гапирди. — Элимизни тўзиб кетишга мажбур қилган қозоқларнинг чакмонга тушган ямоқдай, кетимиздан эргашиб келган ношуд одамлари ҳурматга лойиқ эмас. Уларда юрак борми. Булар бизни ҳали яна хўрлашади. Думини қисиб юрмай, шу қозоқларнинг кўзига яхши кўринаман деб, битта дарёни «қозоқ дарё» деб атаган Маман бийдан хафа бўлиб кетаман. Ҳа-ҳа, Маман бий ўйлаб топган нарсаларнинг ҳаммаси халқимиз пешонасига битган шўрдир...

— Эшитишимизга қараганда ҳам, баъзиларини ўзимиз ҳам кўзимиз билан кўрдик, ахир улар бизга озмунча ёрдам беришдими? Мирзабек бийларни, Седет керейларни қорақалпоқларга ёрдам бердинг деб, қорақалпоқлар билан тилларинг бир, деб уларни Эрали султон ўз юртларига сиғдирмай, қувгин қилганини ўзингиз ҳам мендан яхшироқ биласиз.

— Маман бий билан иккалангиз бошқа-бошқа ерда ўсган бўлсаларинг ҳам, барибир битта дарахтнинг мевасига ўхшайсизлар-а...

Кетидан келаётган ҳозирги бийлар ичидагина эмас, «Кўк ўзак»дан то Оқ ёмғиргача бўлган оралиқда истиқомат қиладиган одамлар ичида ҳам «тили заҳар» деб

ном чиқарган Эсенгелди бий ҳали оғзидаги гапини тугатмасиданоқ, Ғойиб баҳодирнинг отдан тушаётганини кўрди. Ҳайрон бўлиб олдига қараса, Маман бий кел-япти. У эсанкираб шерикларига қаради. Улар ҳам Маман бийни кўришлари билан Эсенгелдини унутиб, отларидан ирғиб-ирғиб туша бошлашди. Эсенгелди бийнинг қовоғи уйилди. Бироқ сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Шерикларининг пиёда юбориб, жиламайиб бориб Маман бий билан қўл олишаётганига қараб туриб, отидан тушмай, катта бийга ўзи ҳам салом берди.

Маман бийнинг овозидан ўпка-гинаси йўқлигини пайқаб, ўтовини қутлуғ бўлсин қилишга кетаётганини эшитганидан кейин, Эсенгелди бий олдинга тушиб, уйига йўл бошлади.

* * *

Эсенгелди бийнинг янги ўтови бу атрофдаги қора ўтовлардан, чайлалардан, ертўлалардан батамом ажралиб турарди. У эски кўримсиз ўтовлар ичида худди янги чиққан ойдай кўзга ташланарди. Атрофи кўкаламзор, боғ-роғ эди.

Ичкарида кенгаш кетаётганди. Эсенгелди бий куни билан бирга юрган йигитлардан ташқари Қўнғирот уруғининг яна тўрт-бешта катта бойларини ҳам таклиф қилган эди. Мажлисга ҳаммалари аралашиб, гап тегмаганлари бош чайқаб, кўпроқ Эсенгелди бийнинг гапини маъқуллаб ўтиришарди. Эсенгелди ўз уйи бўлгани учун ҳурмат сақлаб, меҳмонлардан пастроқда ўтирган бўлса ҳам, гап келганда навбатини бермасди.

Баҳсга сабаб бўлган масала — юртнинг эртаси, келажаги эди. Маман бийнинг эсига Боғдагул солган гап: «...бора-бора пешонаси шўр қорақалпоқ халқи йўқ бўлиб кетади...» Бунинг бир иложини топиш керак. Юртда бева ҳам, тул ҳам кўп, аммо болалар оз. Бирдан-бир йўл, ўша бевалар билан тулларни истаса-истамаса бир-бири билан қовушиши лозимлиги тўғрисида фармон бериш. Шунда халқ кўпайиши мумкин!..

Агар бу фикрни биринчи бўлиб Эсенгелди айтганида бошқа гап эди. Маман бий бошлагани учун фикрлар тўқнашиб, бир тўхтама келиш қийин бўлди.

Маман бий Эсенгелди бийнинг ўз уйида ўтирганига қарамай, сира гапдан қолмаётганига тегизиб, қўнғирот уруғининг хони Ирискул бийнинг ўлим олдидаги на-

сиҳатларини ҳамманинг эсига солиб ҳам кўрди. Бу ҳам ҳеч кимга таъсир қилмади.

Маман бийнинг бирон нуқсони бўлса керак, деб ўйлайдиганлардан биттаси унга қочириқ қилди:

— Ўзингиз ҳам хотин оласизми?

— Оламан. Табақли уруғининг бийи Юсуф бийнинг бева келинини оламан.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

Эсенгелди бийнинг қош-қовоғига қараб ўтирган Омонқул бий луқма ташлади.

— Ўзингиз хотин олмоқчи бўлганингиз учун ҳам ҳаммани шу йўлга солмоқчи экансиз-да?

Эсим бий билан Ғойиб баҳодирдан бошқа ҳамма дув кулиб юборди. Эсенгелди бий кула-кула кўзларидан оққан ёшни энги билан артиб:

— Инсон ўлиш учун туғилганини била туриб шак келтирдинг-а, Маман бий, — деди.

— Инсон ўсиб-униш учун дунёга келади, — деди унинг гапига эътироз билдириб Эсим бий. Бу гапга кўнғирот бийлари билан бойларининг энсаси қотиб кетди.

— Аргумоқларнинг пойгасига эшакни қўшиб нима қиласиз, Эсим бий. Эсенгелди бий санамасдан саккиз демайди. Хива ҳазратлари иноқларининг гапларига амал қилади, — деди улардан биттаси.

Шунга ўхшаш илмоқли гаплар давом этаверди. Даврадагилардан бири Маман бийни уялтирмоқчи бўлиб, нега Убайдулла бий берган отнинг ўрнига бир қирчанғи отни миниб юрганини сўраб, мот қилмоқчи бўлди.

Маман бий қизишмади, ўзини босди. У Убайдулла бий берган от ниҳоятда учқур чиққанини, унга Аваз бой деганнинг ёлғизгина ўғли ишқибоз бўлиб қолганини, отни ўша бойнинг ўғлига бериб, эвазига шу от билан уч ярим ботмон уруғлик олганини, шу баҳонада Аваз бой билан таниш бўлиб қолганини, зарурат туғилса, ёрдам қилишга ваъдасини олганини гапириб берди. Бу гап ҳам Эсенгелди бий тарафдорларининг кўнглини юмшатмади, аксинча, уларнинг мақтанишларига йўл очиб берди. Улар хон саройининг саркардаси иноқ авлоди билан ошна-оғайни бўлган Эсенгелди бийни узоқ мақташиб, бири олиб-бири қўйиб, роса кўпиртиришди. Маман бийнинг «фармон» бериш тўғрисидаги таклифи бир чеккада қолиб кетди. Ниҳоят, Маман бийнинг сабри тугади.

— Мана шу ўтовга маҳкам ёпишиб, ўлимтик кўрган кузғундай қанғиллашиб ўтиргунча, эл-юртнинг гамини ейиш, мана бу ўтов керагаларининг кўзидай беҳисоб қийинчиликларнинг олдини олиш зарур. Моладунё инсонга яхшилик келтирмайди. Атоқли Бойқўчқор бийимиз ҳам элни деб бир гилам кетидан чопиб тилини тишлаб ўлган. Яхши, гап тамом. Мен айбга буюрсаларингиз ҳам кетдим. — Маман бий шундай деди-да, жаҳл билан ўрнидан туриб, керагага илиб кўйган қамчисини олди. — Сизлар нима десаларинг деяверинглар, мен сизларсиз ҳам бевалар билан тулларни ишташса-ишташмаса бир-бирлари билан турмуш қуришга фармон бераман. Рози бўлмаганларни, қаршилик кўрсатганларни тўранғилга осаман. Агар эл-юртимизнинг келажагини ўйласангиз Хивагами, Бухорогами, Петербург ё Қозонгами бориб таҳсил олиб келиш учун болаларни тайёрланглар. Фармон амалга ошгандан кейин мен ўзим олиб кетаман. Бу маъқул бўлмаса, Эсенгелди бий, ўтовингиз билан мақтаниб ўтираверинг!

Эсим бий Маман бий билан бирга ўрнидан турди. Ғойиб баҳодир иккиланди, кейин ўрнидан туриб, у ҳам Маман бийлар билан эшик томон юрди. Қурбонбой бий ҳам сапчиб ўрнидан турган эди, ёнида ўтирганлардан бири этагидан тортди, йиқилаёзган Қурбонбой бий яна жойига ўтириб қолди. Бошқа биронта ҳам одам жойидан жилмади. Эсенгелди бий эса, бемаҳалда қаёққа борасиз, деб Маман бийларни йўлдан қайтармади ҳам.

Жаҳл устида кетаётган Маман бийни қандай юпатишни ўйлаб келаётган Эсим бий, анча юрганларидан кейин:

— Маман бий, хафа бўлма, — деди. — Сенда гуноҳ йўқ. Халқ ҳали сенга ишонади. Фармон беравер. Фармон бажо келтирилади... Мен «Қора жар»нинг қибла томонига ўтиб келган эдим, у томонларда экинбоп жойлар кўп экан.

— Қўл қовуштириб ўтиргандан кўра, ер ҳайдаш керак. Сиз Шаббозга борсангиз бўларди. Қўшниларибиз ёмон одамлар эмас. Ораларида яхшилари кўп. Аваз бойни топиб мени айтсангиз, сизга ёрдам беради. У кишига сиз тўғрингизда ҳам гапирган эдим.

— Маъқул, иним.

Маман бий тонг отар-отмас тўғри Омонлиқларнинг чайласига келди-да, ҳаммани уйғотди.

— Йигитлар, тулинглар. Эл-юртга менинг номимдан мана бу фармонни маълум қилинглар! «Элу халқим деган тул, элу халқим деган бева қайғусини унутиб, бир-бирига қўшилсин! Ўссин-кўпайсин! Кимдаким туллимича қоламан деса, кимда-ким бевалигимича қоламан деса, худодан қўрқсин. Бундайларни Маман бий қирқ дарра уришга ёки тўранғилга осишга ҳукм қилади», денглар. Бектемир, ўрнингдан тур, иккаламиз Боғдагулникига борамиз. Йигитлар, жар солганларингда Боғдагулнинг ўтови томонга ўтмай тулинглар, иш битгандан кейин борарсизлар. Омонлиқ, сен нима қиладиган бўлдинг?

— Мен йўлга чиқа қолай, бий оға.

— Йўлингни берсин. Бухоро тарафдаги қорақалпоқларга бу фармонни сен олиб борасан. Биз томонга кўчамиз деганларга, элимиздан элчи бўласан. Ўзга юртга бориб хон бўлгунча, ўз қавмида чўпон бўлган яхшироқ. Сен уларга шу гапнинг мағзини чақиб бер. Кўйнидан тўкилса кўнжига. Бошқа ёқларга кетиб қолган етим-есирларимиз қайтиб келса, тўлишганимиз бўлади. Олмагул битта-яримта билан турмуш куриб, болалик бўлган бўлса, болаларини ўзбек деб қолдириб кетма. Келишни истаса, куёвни ҳам ола кел. Элга эл қўшилса, давлат бўлади. Биласанми, Омонлиқ, сен бунақа латта бўлма. Юртининг сендақа йигитлари ҳозир дунёнинг тўрт бурчагини айланиб юришибди. Хивага борганимда турк подшолиги номидан Афғон элига бориб келаётган арман йигитларини учратдим. Чарчадим деб, бўшашадиган йигитлардан эмас. Сенинг нега тумшуғинг осилиб кетяпти? Бошингни кўтариб, оёқларингни илдам-илдам бос. Бухородаги қорақалпоқларга отаюртдан умидимизни узмаслигимизни айт. Элимизга эл қўшилиб, бирлашиб, бағримиз бутун бўлгандан кейин Хуросон подшосига элчи юборамиз, тинч-тотув яшаш йўллари қидириляпти, топилади де, ҳеч ким ҳаётдан умидини узмасин. Бектемир, бўлдингми? Чиқ, чойни Боғдагулникида ичамиз.

4

— Диққат! Диққат! Эшитмадим деманглар, Маман бий фармон қилди! Эшитмадим деманглар, Маман бий фармон қилди!.. Эл-халқим деган тул, эл-халқим деган бева қайғусини унутсин, бир-бири билан қўшилсин! Кимда ким туллимича қоламан деса, кимда-ким бева-

лигимча қоламан деса, худодан кўрқсин. Бош тортганларни Маман бий қирқ дарра урдиради, тўранғилга остиради!..

— Диққат! Диққат!...

Овул ўртасида шовқин солаётган жарчининг кимлигини билгиси келиб, Қурбонбой эшикни аста кўтариб, тошбақадай бўйинини чўзиб, ташқарига мўралади. Чайлага суяниб турган онасининг жарчининг хабарига диққат билан қулоқ солиб турганини кўриб, бошини аста тортди. Юнг, қамиш, қизил юлғун аралаштириб тўқилган оғир эшик шақ этиб ёпилганда, Шарифа ўглининг бошини кўриб қолди. «Ўғлим ёмон хаёлга бормаса эди» деган фикр билан уйга кирди. Қурбонбой ўзини ҳеч нарса эшитмаганга олиб, катта пар ёстиққа бошини қўйиб чалқанча ётган эди.

«Диққат, диққат!..» — Қулоққа элас-элас чалиниб, узоқлашиб бораётган бу овозга Шарифа яна қулоқ солиб турди-да, кейин ўғлидан:

— Қурбонбойжон, эшитдингми, бу қандай фармон экан? — деб сўради.

Эсенгелди бийнинг кечаги урғочи йўлбарс билан эркак йўлбарс ўртасидаги тафовут ҳақидаги гапини эслаб, Қурбонбой онасидан гумонсиради. «Эрга тегса се-винармикан ё йўқми?». У бу хаёлимни онам пайқаб қолмаса гўрга эди, деган истиҳола билан бошини кўтарди.

— Эшитдим, ойи. Шу фармон туфайли Маман бий Эсенгелди бийдан хафа бўлиб кетиб қолди. Катта бий ахир айтганини қилибди-да.

— Қари бўйдоқнинг ўзи нима қилмоқчи экан?

Шарифа бу саволни беришга бериб қўйди-ю, ўглининг кўнглидагини сезиб қолишидан кўрқиб, жавоби билан унча қизиқмагандай, ўчоқдаги оловни ковтай бошлади. Қурбонбой онасининг саволини жавобсиз қолдира олмади.

— Табақли уруғидан Юсуф бойнинг ўгли анави кунни ўлган эди-ку. Ушанинг бевасига уйланармиш.

Шарифа ўзининг Маман бийга кўнгли борлигини ўғлига сездирмай, шу вақтгача пинҳон тутиб келган бўлса ҳам, ҳозир ажин боса бошлаган юзлари бўзариб, нимадир малол келган одамдай, кўзлари сузилиб бир нуқтага тикилиб қолди.

— Майли, олсин, — деди ниҳоят. Унинг овози титраб кетди. Норозилигини яшириш мақсадида гапни чўзди. — Ҳайронман, болам. Шу икки бийнинг гапи

гапига сира қовушмади-қовушмади-да. Ўзи-ку Эсенгелди бийнинг орқасидан эргашиб келди, шундай бўлгандан кейин ўшанинг айтганини қила қолса бўлмайди?

Эсенгелди бийнинг янги ўтовини муборак бўлсин қилиб боришганда бўлган тортишувни Қурбонбой Эсенгелди бий айтганидек «Эркак йўлбарс» бўлиб, билдирмоқчи эмасди, ҳозир бор воқеани онасига айтиб, маслаҳатлашгиси келди.

— Ойи, ўйлаб кўриб, менга тушунтириб берсангиз. Иккала бийнинг кўчқордай олишишганини ўз кўзим билан кўрдим. Маман бий жаҳли чиқиб, кетиб қолди. Унга фақат кекса Эсим бийгина эргашди. Бировнинг тузини ичиб ўтириб, қандай қилиб юзига оёқ тираб бўлади? Ўша заҳоти бирга туриб кетишга уялиб, мен ҳам ўтириб қолдим. Ҳеч ким қимирламади. Эсенгелди бий Маман бийдан қаттиқ хафа бўлди. «Тишсиз қирчанғи ҳали ҳам учқур бўлгиси келади. Хон бўлиб фармон бермоқчи. Юрт бор-йўғидан айрилди, ҳеч қизиқадиган ери қолмади, бу ёққа келгандан кейин, энди бежавотирман, душман бостириб келмайди, ҳеч ким таҳдид қилмайди, ўзим хонман деб юрган бўлса керак. Ота-бобоси хон ўтмаган одам хонликни қандай эпласин?» — деди. «Доно бийнинг ақли ўтмаслашиб қолибди, шу кетишида кетаверса, қоқилиши ҳеч гап эмас», — деди. Унинг гаплари ўтирганларнинг ҳаммасига маъқул тушди. Гойиб баҳодир билан иккаламиз бу гапга аралашмай, индамай ўтиравердик. Бошқалар Эсенгелди бийнинг гапини маъқуллаб, «Маман бий муз устида йўртиб кетаётган наслсиз отга ўхшаб қолди. Ўзича фармон беришга журъат қилолмаса керак», дейишган эди. Лекин Маман бий жуда ўжар, бир сўзлик одамга ўхшайди. Ҳаммаларининг гапларини чип-пакка чиқарибди. Қайтишда Бекдулла қора соқолнинг овули тарафдан келаётган эдим. Бор эркаклари ер ағдариш билан овора. Бекдулла қора соқол билан яна бир киши — дадамнинг жиловдори Умар ота ўғли Нуробилла билан ҳўкиз ўрнига кунда судрашиб, ер ҳайдашяпти. Ҳорма — бор бўл қилишгандан кейин, «нима қиялпсизлар», деб сўрасам, «буғдай экамиз. Маман бий уруғлик буғдой олиб келиб берди», дейишди.

— Уруғлик буғдойни қаердан олибди?

— Шуни айтаман-да, ойи. Яхши отини битта қирчанғи отга алмаштириб, фойдасига буғдой олибди. Яхши одамлар билан қўшни бўлибмиз, деб хурсанд

бўлиб юрибди. Шу катта бийни тушунолмай ҳайронман. Ўзи зўрға топиб келган уч ярим ботмон бугдойни Бекдулла қора соқолларга экинлар, деб текинга бериб кетибди.

— Унда, Маман бий яна томир ёймоқчи бўлибдида. Боғдагулга уйланмоқчи бўлаётгани ростми? — Шарифа чидолмай, яна сўраганидан хижолат бўлди, — Қурбонбойжон шу бийларнинг майдалашиб, кўпроқ ўзини ўйлайдиган бўлиб кетяптими дейман-да, — деди гапни бошқа ёққа буриб.

Онасининг гапни чалғитишга ҳаракат қилиб, яқингинада яхши кўриб, мақтаб юрган Маман бийни ҳозир ёмонлаб ўтирганидан гумонсираб, нима дейишини билмай қолди. Шарифа индамай ўтираверишдан ўзини ноқулай сезиб, ўрнидан турди. Қирқ бешларга кириб қолган аёл қаддини ростлади-да, қизларга хос назокат билан юриб, эшикдан чиқди.

Қурбонбой онасининг кетидан ёстиққа ёнбошлаб, бевалар, туллар тўғрисида ўйлай бошлади. «Афтидан, бевалар, туллар ҳам анча андишали бўладиганга ўхшайди. Шуларга ён босиб, фармон берган одамни ақли ўтмаслашиб қолган деб бўладими?» Ёш бий жиддий масалалар устида биринчи марта бош қотираётган эди. Ташқаридан онасининг овозини эшитиб, кулоқ солди.

— Ободон, кел, келавер!

— Келяпман, Шарифа опа. Сизнинг олдингизга келяпман...

Ободон нимадандир ҳовлиққан, энтикиб-энтикиб гапирарди.

— Чопиб келдингми, дейман, терлаб кетибсан? Юр, ўтовга кириб гаплашайлик. Қурбонбойжон, отинг ўтини еб бўлибди.

Қурбонбой онасининг бу аёл билан яширин гапи борлигини тушуниб, керагадан ўроқни олди. Ободон билан саломлашиб бўлмай ҳам, улар Қурбонбой чиққан эшикнинг иккинчи томонидан ичкарига кириб кетишди.

— Гапир, Ободон.

Чиптанинг бир чеккасига омонатгина ўтирган аёл пешонасининг терини енги билан сидириб, ўримга кўшилмай, пешонасига тушиб турган сочини икки томонга айирди.

— Шарифа опа, катта бийнинг фармонини эшитдингизми?

— Қанақа фармон? — деди Шарифа жўрттага.

— Бизга ўхшаган бевалар қанақа тул ё бўйдоқни танлаб, эрга тегса, ҳақи бормиш... Хотин киши қирққа кирганда қирчиллармиш...

— Қирқ бешга кирсанг ҳам ҳовуринг босилмас экан, синглим. Нима бало, кўз остинга олиб юрганнинг бормиди?

— Бор эди-да. Фармон ҳам чиқди. Лекин мен кўз остимга олиб юрган одам, хоҳламаса ҳам, зўрлаб бир аёлни олибди.

— Замона ҳозир асов отга ўхшайди, синглим. Сиртмоқ ташласанг, қочади. Оёғига йиқилсанг, янчиб ўтади. Ноилож юраверасан. Фармонни эшитиб, сўна бошлаган умидим йилт этган эди, энди эшитмаганга олиб, ўзимни-ўзим юпатиб ўтирибман. Танлаганингни мен танийманми?

— Танийсиз. Уни ҳамма танийди. Катта бий эди.

— Маман бийми?

— Ундан бўлак ҳам катта бий борми? Табақли уруғидаги адашининг бевасини олибди. Ҳайронман, Шарифа опа, унинг нимасига қизиқибдийкин. Ёшлигига қизиққандир. Бошига тушган зиғирча мусибатни кўтаролмай, иблиста болта улоқтириб, жинни бўлиб юрган аёл катта бийнинг қадрига етармикин?

Оловга мой сепилгандай, Шарифанинг аъзойи бадани лов этиб ёниб кетди. Бий билан Боғдагулни ёмонлагани учун Ободондан хурсанд бўлса ҳам, унинг ҳам яхши кўришини ўйлаб:

— Сен ҳам яхши кўрар экансан-да, — деб хўрсиниб қўйди.

— Ҳа, Шарифа опа, Боғдагул уни яхши кўрмасди. Қайтага болта олиб юрган. Шу эркак зотининг авлиёсига ҳам кулиб қарамаслик керак экан. Кулсанг, кулмайди. Кулмасанг, кулиб орқангдан қолмайди. Эркак зоти ўлгидай хира бўлар экан.

— Ободон, мен-ку олдимда вояга етиб қолган ўғлим борлиги учун индаёлмай турибман. Бўлмаса, бешолти хотинни эргаштириб бориб, шу бийга хотин олдирган одамни юлардим.

Шарифа бу гапи билан тафтига сув сепиб, бир оз енгил тортган бўлса ҳам, қизиқ устида Ободонга сир олдириб қўйишига сал қолди.

Хафа бўлиб ўтирган Ободоннинг олдига Ғойиб баҳодир келиб, бирон тулга турмушга чиқишни маслаҳат берди. Аёл индамай ўтиргани учун рози экан деб Бекмурод етимни бошлаб келди. Бекмурод қўнғирот уру-

гидан бўлиб, Омонлиқлар билан битта чайлада яшарди, ҳали уйланмаган бўйдоқ эди. Гойиб баҳодир кўнгирот уруғининг бевасини ётга бергиси келмаётганини айтиб, «агар фармонни ҳам, мени ҳам ҳурмат қиладиган бўлсанг, шу йигитга тег», деб маслаҳат берди. Ободон Бекмуродни ёшлигидан яхши биларди. Бекмурод ўлгидай дангаса эди. Шунинг учун ҳам «бўлмайти, баҳодир», деб чўрт кесиб қўя қолди. Баҳодир хафа бўлиб чиқиб кетди. Уша куни Маман бийнинг фармони иккинчи марта такрорланди.... Бу Ободонга яна туртки бўлди. Шундан кейин чидолмай, Шарифанинг олдига маслаҳатга келган эди. Яхши кўрган бийидан ўч олиш тўғрисидаги маслаҳатлари унга жуда маъқул тушди. Айтмоқчи бўлиб келган гаплари ҳам эсидан чиқди. Ювила-ювила чурук бўлиб қолган, йиртилган бўз кўйлаги билан чангитиб, ўрнидан турди.

Қурбонбой кирди.

— Ойи, бояги аёлнинг кўйлаги ҳилпираб, йўлни чангитиб кетяпти-я.

Шарифа ўғлининг гапидан пиқ этиб кулди:

— Ўзи шунақа хотин, ўғлим. Ҳали шамоли бундан ҳам кучаяди...

5

Тонг отарда қалин қамишларнинг атрофга эгилган энли баргларидаги шудринг тагига чак-чак томиб, ажойиб манзара кашф этганди. Жон зоти уйғона бошлаганди.

«Кўк ўзак» бўйидаги овул ҳали ширин уйқуда эди. Ана, ниҳоят ўтовлардан бирининг туйнуги очилди. Бу туйнук «Кўк ўзак» бўйига тикилган катта оқ чий ўтовнинг туйнуги эди. Худди шуни кутиб тургандай, бошқа чайла, ўтовлардан ҳам тутун кўтарилди бошлади.

Туйнугини биринчи бўлиб очган оқ чий ўтовда иссиққина тўшагидан ноз билан сирғалиб тушган Боғдагул керишиб, эскаб, кўрпасини текислаб кўйди-да, ўчоққа олов ёқиш ҳаракатига тушди. Кечаси тайёрлаб қўйган бир қисм қамишни икки буклаб, оёғи билан шитир-шитир эзди-да, ўчоқни ковлаб, иссиқ кулга босди. Ўт ола қолмади. Пуфлади. Кечаси шошилиб кўмиб қўйилган от тезаги кулга айланиб қолибди. Нинининг кўзидай чўғдан олов олдириш қийин бўлиб, роса пуфлади.

Маман бий уйланди, у умрида биринчи марта хотини билан тонг оттирди. У аллақачон излаб топиши лозим бўлган ҳаёт лаззатини энди топгандай, ўзида йўқ хурсанд эди. Ярим белигача устини очиб, кўкрагини ёстиққа бериб, икки қўлини чаккасига тираганича, Боғдагулга қараб ётарди. Шўх кўзлари еб қўйгудек бўлиб, одатдагидан чақнаб турарди. Ўчоқдан тўзиб, Боғдагулнинг бетига ёпишаётган совуқ кул ҳам унга ярашаётгандай, кўзлари кулиб турарди, аммо индамасди.

Бу ёш келинчак бундан уч кун муқаддам «катта бийга тегмайман», деб оёғини тираб туриб олган эди... Маман бий эргаштириб келган Бектемирни одам деб гапига қулоқ солиш у ёқда турсин, ҳатто қўни-қўшнилари, овулдошлари тўпланиб келиб насиҳат қилиб, кўндиришга ҳаракат қилишса ҳам, ҳеч кимни яқинига йўлатмаган эди. «Керак эмас, керак эмас!» деб қулоғини беркитиб асов тойдай ер тепиниб, озмунча жаҳли чиқувдими. Нима қилганда ҳам кўпчилик — кўпчилик экан-да, ахийри кўндиришди. Аниқ ваъдасини олишолмаган бўлишса ҳам, иккаласини бир нави келиштириб, кеча кечкурун бир ўринга ётқизиб чиқиб кетишди... Мана, ўша асов той аллақачон қўлга ўргатилган отдай ёввош тортди қолди. Бунинг сири нимада?

Маман ҳаёл суриб ётганида, Боғдагулнинг ўти гул этиб, қош-кўзини куйдирай деди. Жувон ўрнидан туриб, эрига ўгирилди. Кўзи кўзига тушиб, бир жилмайди-да, эрининг бошдан-оёқ разм солиб ётганини сезди, келиб, ўсиқ соч-қошларидан силаб, «унақа қарама, бий, уялама» дегандай, бошини ёстиғига босди. Маман бий қаршилиқ кўрсатмади. Аксинча, ҳузур қилиб, мийиғида кулиб, унинг нозик қўлига қаради. Пешонасини ёстиққа қўйиб, ўтнинг гувиллаб ёнишига қулоқ солиб ётди.

— Диққат, диққат!.. Маман бийнинг фармони...

Маман бошини кўтарди. Чехрасида ҳали ҳам табасум ўйнаб турарди.

Тонг азондан қичқириб ўтган жарчининг овози Боғдагулнинг ҳам диққатини ўзига тортди. У нима гап экан деб, охиригача қулоқ солиб турди-да, «сенинг фармонингми, мактанчоқ!» деб, эрига тўлин ойдай кулиб боқди. Энди Маман бий уялди. У худди ёш боладай, бошини ёстиқнинг тагига яширди.

— Катта бий (у Маман бийни шундай деб атарди, ҳозир ҳам шундай деб чақирди), нега кўзингни яширасан?

Маман шартта бошини кўтарди.

— Эшитдингми? Бу сенинг маслаҳатингдан кейин пайдо бўлган фармон. Нега ҳайрон бўласан? Сен билан «Кўк ўзак» бўйида учрашиб қолганимда мени танимай айтган гапларинг ёдингдами? Битта уруғ у ёқда турсин, халқимизнинг йўқ бўлиб кетишидан хавотирланиб айтган гапларинг эсингдами?

Боғдагул ўзини дадил тутиб, олислаб кетаётган овозга яна қулоқ солди: «...эл-халқим деган бўйдоқ хотин олсин... Эл-халқим... деган бева эрга тегсин...»

— Ўзинг хотин олмоқчи бўлганинг учун ўйлаб топган ҳийланг бўлмасин тагин.

— Нима деб ўйласанг, ўйлайвер. Бугун мен ўзимни энди йигирма бешга киргандай ҳис этипман.

Боғдагул ноз билан ўрнидан туриб, майин овозда «кўйсанг-чи», деганича ташқарига чиқиб кетди.

Маман ўрнидан туришга эриниб, бугун ҳаво қанақа бўларкин, деган хаёл билан туйнукка тикилди.

Боғдагулнинг аввалги эри анча пишиқ, режали йигит эди. Юрт кўч-кўчга тушганда қаерда бўлсанг ҳам ёзда ўз соябонинг, қишда бошпананг бўлсин деб, икки-уч сигирга кўшиб, ўз отига шу чайланинг тиргович, арқон, кигизларини ортиб келган эди. Сирдарё бўйида туришганда бунинг номи ўтов эди. Гардиши олиб келинмагани учун чайла қилиб ўрнатилди. Ташқаридан қараганда бошқа чайлалардан кўркам кўрингани билан пастроқ бўлиб қолган эди. Ҳозир Маманнинг назарида баланддаги парча-парча булутлар худди чайла устини сийпаб ўтаётгандай, чайла чўзилгандай туюлди.

— Катта бий, — деб чақирди ташқарида Боғдагул. Унинг овозида ортиқча ваҳима сезилмаган бўлса ҳам, бирон нарса юз берганга ўхшарди. Маман ирғиб ўрнидан туриб, кўйлагини кийиб улгурмасидан Боғдагулнинг ўзи ичкарига кирди. — Оғриб қолибдим дейман, бий, отинг ётибди.

Аёл ўзини ҳар қанча босиқ тутишга ҳаракат қилмасин, Маманнинг юраги шув этиб, бир кориҳол бўлганини сизди. Шоша-пиша кийиниб, от боғланган қўрага чиқди. Оти тўрттала оёғини узатганича қорни дўм-бира бўлиб ўлиб ётибди, бўғзидан оққан қон қотиб қопти.

Бошқалар отларининг оёғига кишан уриб, эҳтиёт қилишса ҳам, Маман отини сира тушовламас эди. У ҳайрон бўлиб қолди. Ўғирлаб кетишса ҳам майли эди. Сўйиб кетишибди. Бу қандай гап! Маман «Эсенгелди-

нинг иши эмасмикин бу?» деган хаёлга борди-да, ўша заҳоти ўзини-ўзи койиб берди. «Сенинг ҳам ичинг қора бўлиб кетяптими? Бунақа пасткашликка борадиган йигит эмас у!.. Унда кимнинг иши бу?..» Елкасини қашиб, хаёл суриб, бошини қотириб ўтирмади.

— Боғдагул, ҳарқалай, бу душманнинг иши эмас. Пичоқ билан қон чиқариб, ҳалоллаб кетибди. Кўни-кўшниларга хабар қил, гўштини бўлашиб олишсин.

Фаҳм-фаросатда бир-биридан қолишмайдиган эр-хотин ичларидагини сиртларига чиқармади, бировни қаргаб, оҳ-воҳ қилишмади.

Отнинг гўштини бўлашаётган одамларнинг тепасида туриб, Маман ҳадеб: «Сизларнинг насибаларинг экан, ҳа, сизларга насиб қилган экан», дерди.

Биттаю битта отдан ажралиш уни минган одамнигина эмас, ўша хонадондагиларнинг ҳаммасини ҳам хафа қилади. Юриш қийинлашади. Маман бий қанчалик фаросатли бўлмасин, киши билмас шунчалик куйдики, чўпдай озиб, ярим умри қисқариб кетгандай бўлди. Шунинг учун:

— Боғдагул, мен Бекдулла қора соқолнинг овулига бориб келсаммикин? — деди у хотинига чошгоҳга яқин.

Унинг юраги сиқилиб, чайлага сигмай қолганини сезган Боғдагул дарров розилик берди.

— Бора қол, бор, катта бий. Балки, уларнинг олди-дан кўнглинг ёришиб қайтсанг ажаб эмас.

«Кўнглинг ёришиб қайтарсан», деб Маман кўнглидан ўтказди-да, мийиғида кулди. Кўзларини сузиб, хотинига миннатдорчилик билан нигоҳ ташлади. Боғдагул эрининг юзига тик қарамай, кафтига тупуриб, чопонининг этақларига ёпишган қамиш парларини сидирди, сариқ чарм этигининг кўнжига аллақаяқдан қон текканини кўриб, энгашиб, дарҳол латтани иссиқ сувга ҳўллаб, артиб қўйди. Ёқаларини текислаб, белбоғини тортиброқ боғлатди. Хотин ҳамиша ҳам кишига меҳрибон эканлигини эндигина тушунгандай, Маман унинг елкасини силаб, хайр дейиш ўрнига, бошини ирғаб, чиқиб кетди.

Бекдулла қора соқолнинг уйига кун оғиб қолганда етиб келди. Уларни уйларидан тополмади. Улар овулларининг қибла томонидаги суви тортилиб, тақир бўлиб қолган кўл яланглигида экан.

Каттадан-кичиккача ҳаммаси ишга ёпишганди. Биров ер ағдарса, биров омоч тортиб, ер ҳайдарди, биров

эса, ўт-ўланларни тўплаб, четга чиқариб ташларди. Ерининг қоқ ўртасида биров иккала этагини қайириб, уруғ сочиб юрарди. Унинг кетида, чопилган ерда бир тўда бола, арқонда бўшатишган улоқлардай хурсанд чопқиллашиб, осмонда қағиллашиб учиб юрган қарғаларнинг биттасини ҳам ерга қўндирмай, кесак отишарди. Даланинги қоқ ўртасида шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб ўсган бир тўп тўранғил бор экан. Унинг шохларига сув, айрон қовоқлар, хумчалар, тугунчалар илиб қўйишибди.

Сирдарёнинг қуйи томонида деҳқонларга биринчи бўлиб уруғни Мурод шайх сепиб берарди. Уруш бўлган вақтларни ҳисобга олмаганда, шайх сепган уруғ беҳато униб чиқарди. Бекдулла қора соқолнинг йиртиқ чакмони этагини қайириб, шайхга ўхшаб уруғ сепиб юришини кўриб, Маман, буғдой уруғини шуларга берганидан хурсанд бўлди.

— Азаматлар, уруққа барака, ҳорманглар!

— Бор бўлинг, катта бий.

— Қадамингизга ҳасанот, Маман бий.

Маман бий ҳаммани бир-бир кўздан кечириб, ўгли билан бўйинтуруқни бўйнига осиб, омов тортаётган Умар отанинг олдига борди. Салом берди. Бошидаги оппоқ сочига ўхшаб, кўкрак жунлари ҳам оқариб кетган қариянинг офтобдан қорайган яланғоч баданидан маржон-маржон тер оқарди, у энтика-энтика алик олди. Маманнинг унга раҳми келди.

— Қани, Умар ота, абзални мен илай-чи.

Қария чарчаганини ҳам унутиб, кемтик тишларини кўрсатиб тиржайди-да, абзални Маманнинг бўйнига кийгизди.

Маман бий ёнидаги миқти, кўзи чақчайган қора йигит билан олға интилганида, ерга қаттиқ ботиб турган омов кўзғалмади. Маман бий яна бир зўр бериб тортган эди, омов тиши ерни ағдара бошлади. Улар тўхтамай, тортиб кетишди.

— Ана, биродарлар, Маман бийга раҳмат денглар. Эл бошлиғи элнинг қули эканини яна бир карра кўрсатди, — деб, Бекдулла қора соқол офтобдан битта кўзини қисиб, кўпчиликка писанда қилди.

Катта бийни эл қатори меҳнат қилади, деб ўйламаганлар анграйиб қолишди, унинг астойдил ишлашини кўрганларидан кейин, бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар қабилда ишлаётганлар ҳам ғайратга киришди. Иш қизиб кетди...

Бир пайт, қамишзорнинг этагида ўнга яқин аёл кўринди. Битгаси бобоқ хўроздай хезланиб келяпти.

— Нуробилла, анавиларни қара, нақ еб кўйгудек келишяпти, — деди бир овоз.

Давлатбой бийнинг бир вақтлардаги жиловдори — Умар чолнинг ўгли Нуробилла бўйинтуруқни ёнидаги Маман бий томонга ағдариброқ, оёгининг учида туриб, келаётган аёлларга қаради. Маман ҳам ўша томонга ўгирилди.

— Олдинда кетаётган Ойтувғон ясовулнинг беваси эмасми?

Нуробилла кўзларига томган терни жули биллаги билан сидириб, яна синчиклаб қаради.

— Таниёлмаяпман, бий оға. Агар ўша аёл бўлса, Ободон оқболдир. Жуда ҳовлиқма, жанжалкаш аёл дейишади. Мени рўпара қила қолинг.

Аёллар Нуробилланинг овозини эшитишдими ё Маман бийни таниб қолишдими, буларга яқинлашишган сайин кўрага ҳайдалаётган эчкилардай ўзларини у ёқ-бу ёққа ташлаб, бир-бирларининг орқаларига яширина бошлашди.

Маман бий Нуробиллага:

— Сен ишингни қилавер, — деб, ўзи аёллар томон юрди. — Келинглар, келинчақлар, қадамларинг хайрли бўлсин!

Ободон кўлларини ёзиб, кетидаги шерикларини тўхтатди.

— Маман бий, сиз нега тўхтадингиз? Яқинроқ келаверинг!

Маман уларнинг аллақандай ёмон ният билан келишаётганини сезган бўлса ҳам, дадил қаршиларига юрди.

Ободон қирқдан ошиб қолган бўлса ҳам ҳали йигирма беш яшарлар билан хусн талашгудек, юзлари таранг, ёқимтой аёл экан. Кетида турганлари тухумдеккина ёш-ёш келинчақлар. Бошларидаги рўмоллари ёшларига номуносиб бўлса ҳам, кийимлари йиртиқ бу келинчақларнинг юзлари қип-қизил эди. Ичларида юзлари сўлиб, бевақт қариб қолганлари ҳам бор эди, улар ўзларини дугоналарининг орқаларига олиб туришарди.

Қовоғи солиқ, жаҳли чиққан Ободон Маман бийни икки қадам яқинлаштириб, аёлларга буюрди.

— Босинглар!

Маман уларнинг кучлари етмаслигига ишонгани учунми, қимирламай тураверди. Аёллар чивиндай дув

ёпишди. Ҳар ким ҳар томонидан тортқилаб, муштлаб, юлқий бошлаганида ҳам қизишмади, ҳеч қайсинисига мушт ўқталмади, илдизи маҳкам эмандай тураверди. Аёлларнинг кучи етмаётганини кўриб жаҳли чиққан Ободон Маманни бор кучи билан кучоқлаб, чалқанчасига йиқитди. Энди аёлларга қулай бўлди. Ҳеч қайсиниси аямасди: бири урарди, бири тишларди, бири чимчиларди. Маман бийнинг: «Нега? Сабаби нима? Нима учун?» деб қичқиргани зўрға эшитиларди, холос. Лекин унинг гапига қулоқ соладиган одам йўқ. Ҳаммаси бир-бир муштлаб, ичидагини тўкиб соларди: «Бизни хўрлайдиган фармон чиқарадиган сенмисан?», «Элни бошлайман деб ўтга ташлаган фаросатсиз», «Бизга бола туғдириб, халқингни кўпайтирмоқчимисан?», «Улар ҳам бизга ўхшаб ғариб бўлади», «Сен ифлос халқни хароб қиласан!», «Сен ўзинг хотин севасанми?», «Қорақалпоқнинг боласи кўпайсин десанг, шунақа қилиб юрарминг?», «Доно бўлганингда, кимни яхши кўришингни билардинг».

Маманнинг мияси ғовлаб кетди. Бироқ совуққонлик қилиб, индамай ётаверди.

Аёллар шафқат қилишмасди, баъзилари астойдил тишлай бошлашди. Энди Маман чидолмади, уларнинг бераҳм чангалларидан чиқишга ҳаракат қилди.

Ободон:

— Ахта қилиб қўяйин сени, — деб осила берган эди, Маман чидамай, бор кучи билан бир тепди. Бироқ аёллар ҳамма томонидан ушлаб туришгани учун, тепкиси қаттиқ тегмади. Қайтага, Ободон уни оёғидан ушлаб, чотига қўл чўзди. Агар шу маҳал Бекдулла қора соқол билан Нуробилла етиб келишмаганда, ёш хотин олган бийнинг ҳоли хароб бўлиши ҳеч гап эмасди. Нуробилла Ободонни кучоқлаб, орқага тортди.

Аёллар бўшашди. Маман тўрға илинган арслондай, бир тўлғаниб, устидаги аёлларни ҳар тарафга итқитиб юборди-да, ўрnidан турди. Юз-кўзининг қонини енги билан артиб, Ободонни қидирди. У Нуробилланинг кучли, кенг кучоғида типирлаб, оёғи ерга тегмай турарди.

— Қани, Ободон, муддаонгни айт-чи?! — деди Маман.

— Ҳа, аёллар, сизлар-чи? Нега индамай турибсизлар, гапиринглар! — деб ўшқирди уларга қараб Ободон.

— Бизлар сенинг фармонингга қаршимиз! — деб чувиллашди аёллар ва сузадиган такалардай, яна унга ҳамла қилишди. Маман ғазаб билан қичқирди.

— Қимирламаларинг!!!

Аллақандай куч аёлларни турган ерларида қоққан қозикдай қотириб қўйди.

— Маман бий, буйруғингни бекор қил, — деди орқа томондан эшитилган кучли овоз.

Ҳамма ялт этиб, Ўша томонга ўтирилди.

Орқа томонда тўрт отлиқ турарди. Нуробилла бўшашиб, кучоғидан Ободонни қўйиб юборди. Ободон бир юлқиб, аёлларнинг олдига борди-да, Маман бийга қўлини бигиз қилди:

— Ҳой, қари така, бемаъни бевангнинг гапига кириб, юртни ўйинчоқ қилма. Бу — беваларга шафқат қилганингми? Кераги йўқ. Хотинлар эрсиз ҳам ўтиб кетаверади.... — У ҳозир келган тўрт отлиқнинг бошлиғи Эссенгелди бийга ўтирилди. — Кўп эркалатверма манави беваросатни!

— Ҳой, хотин, оғзингни юм! Маман бий эркалайди ҳам, фармон ҳам бераверади!

Ишларини ташлаб, иккиланиб турган одамлар овоз келган томонга ўтирилишди. Сал нарида Бектемир билан олакўз йигит бошлаб келаётган беш бўйдоқни кўрди. Ҳаммасининг қўлида биттадан ола таёқ. Уришишга тайёр бўлиб келаётган йигитларни кўриб, ҳамма ҳайрон қолди. Ўзига ёрдам етиб келганидан хурсанд бўлган Маман ҳам ҳайрон эди. Шу бийдай далада бундай воқеа содир бўлишини қаёқдан билишибди?

Одамлар гангиб, кимнинг гапига қулоқ солишини билмай турганида, Маман бий тепаликка кўтарилди.

— Халойиқ, халқим десанглар, мен чиқарган фармондан бош тортманглар. Фойдасини кейин биласиз. Йигитлар, манави беҳаё Ободонга мен буюрган даррани уринглар!

Бектемирлар ем кўрган оч бургутдай, Ободонга ташланишди. Эссенгелдининг икки отлиғи уларга йўл бермай, олдиларини тўсишди.

— Йигитлар, буларни отдан ағдаринглар!

Бекдулла билан Нуробилла Маман бийнинг бу буйруғини ҳам бажо келтириш учун олдинга сакраб ўтишди-да, иккаласи икки отни жиловидан тутиб, эгаларини ерга йиқитишди. Йигитлардан яна бири Ободонни ушлаб, ўз рўмоли билан ўзини танғиб ташлади. Қўли етганлар савалашди.

Эсенгелди бий кўпчиликнинг авзойига қараб:

— Маман бий, бу бечораларнинг шунча кўрган азоблари каммиди! — деди.

Оёқ-қўли боғлоғлиқ Ободон овозининг борича қичқирди:

— Халойиқ, халқим, фаҳмсиздан фаҳмсиз туғилади! Тухуми кўпаймасдан бурун анави бераҳм Маман бийнинг оғзига тупроқ тиқинглар!

Ободон ҳамма гапани айтиб улгурмасидан, орқасига Бектемирнинг калтаги шилт этиб тушди. Бечора аёл сувдан чиқариб ташланган балиқдай, бир сакраб тушиб, яна ёнбошлаб ётиб қолди. Кўзларидан ёш тирқираб, вайсади.

— Шафқатсиз... хотин нималигини билмаган бефаросат!..

Лекин унинг гапларига ҳеч ким қулоқ солмасди... Тинкаси қуриб, ҳолдан кетган аёл узала тушиб ўртада ётарди. Бу манзарани кўриб бошқа аёллар, қашқир кўрган қўйлардай, бир-бирларининг пинжиларига тикилишарди.

— Яна ким қарши? — деб сўради Маман тепаликдан тушмай.

Аёллар ҳам, эркаклар ҳам жим эди. Маман «сен қаршимисан?» дегандай Эсенгелдига қаради. Кўнғир отига сувлиғини чайнатиб, жиловини тортиб турган бий, Маман бийнинг қарашига тоб беролмай, аста бурилиб, кетишни мўлжаллади.

— Тўхта, Эсенгелди бий! — деди Маман ғазаб билан.

— Ерда туриб, от устидаги арслонга даф қиламан демай, нима демоқчилигингни айтавер, — деди Эсенгелди бий.

Маман бий йигитларига имлаган эди, улар Эсенгелди бийнинг отини жиловидан туттишди.

— Ағдаринглар!

Эсенгелди бий отидан ағдарилди.

— Эсенгелди бий, қани айт-чи, сен фармонимга қаршимисан? Менинг отимни ким ўлдирди?

— Мен ўлдиртирдим! — деди Эсенгелди бий.

— Йигитлар, кетимдан судранглар бунни, — деб Маман бий турган тепалигидан тушиб, кенг, бийдай дала-нинг ўртасида қаққайиб турган ёлғиз тўранғил томон юрди. Эсенгелди бий билан унинг шерикларини икки-тадан йигит ўртага олишиб, тўранғил томон судрашди. Аёллар ҳам кўрққанларидан бармоқларини тишлашиб, аста уларнинг кетларидан эргашишди.

— Бекдулла, Эсенгелди бийнинг отидан чилвирини олиб кел-чи! Мана шу тўранғил дор бўлсин! Чилвирни эса дорга сиртмоқ қиламиз!

Эртаги куннинг умиди — буғдой уруғи сочилаётган ер устида учиб юрган қарға, чумчуқлар овозидан бўлак, тиқ этган овоз эшитилмасди. Ҳамманинг нафаси ичига тушиб кетганди. Битта Маман бийгина эркин ҳаракат қиларди. Дарахтга арқон тортаётганларга ёрдамлашиб, тўранғилнинг устига ўзи чиқди-да, мустаҳкам битта шохига сиртмоқни ўзи боғлаб, илмоқлик учини осилтириб қўйди. Кейин кўпчилик томонга ўтирилди. Кўзи Эсенгелди бийда эди. Эсенгелди бий кўрқиб қалтирамаса ҳам, бир оз бўшашганди. Шунда ҳам гапини бермасликка ҳаракат қилди.

— Қани, Маман бий, кимни осасан? Ос, тезроқ ос! Бироқ шу нарса ёдингда бўлсин, мен шу элни деб сен билан бирга жунғор элчисини ўлдирдим. Ғойибхонни ўлдирдим. Элни ёв ололмайдиган ерга кўчиртириб келдим. Билиб қўй. Қорақалпоқларда хон бўлган эмас. Хон бўлмагандан кейин дор ҳам бўлмайди. Сарсон-саргардон халқимиз энди шу ерга келиб қўним топганида, мўмин-қобил халқнинг ичида ўзингни арслон ҳис қилиб, кўп ҳаддингдан ошаверма! Анави дор қиламан деган дарахтингни кесиб ташла!

— Эсенгелди бий, мен сени ўз сўзингга содиқми-кансан, девдим. Осмонга туфламоқчи бўлиб, шамолга кўксингни қалқон қилганингни биламан. Лекин, сени осаман! Йигитлар, сиртмоқни бўйнига илинглар!

Эсенгелди бийни икки қўлтиғидан тутиб турган икки йигит бир оз чўчиб, икки қадам олдинга юрди. Ҳамма ҳаяжонда. Умар чол ҳовлиқиб келди-да, Маман бийнинг оёғига йиқилиб, ер ўпди.

— Бий болам, кечир уни! Қўй, эл яна ёвлашмасин! Сочимнинг оқини сийла, ёшимни сийла!..

Маман бий оёғи тагида ётган қариянинг чанг босган бошини силаб, елкасидан кўтарди-да, ёнига тургазди. У эсини таниганидан бери икки уруғ ўртасида давом этиб келаётган жанжалларнинг халқ бошига қандай мусибатларни солганини эслади. Жаҳл устида Жондўс бийни, Оллоёрни ўлдириб юбориб, кейин пуншаймон еб юрганларини эслади. Бирдан руҳи тушиб, кетига қайтди. Қария апил-тапил Эсенгелди бийнинг олдига югурди.

— Эсенгелди бий, катта бийдан кечирим сўра. Катта бий билан ўчакишма, халққа қийин бўлади. Кечир, де!

— Кечирсин...

Эсенгелди бийнинг йиғламсирагандай бўлиб эшитилган овози Маман бийнинг зардасини қайнатиб юборди. У орқасига ўгирилиб, қичқирди:

— Ҳой таги паст одам! — деди у ғазаб билан. — Нега кечирим сўрадинг?

Бошини қуйи солган Эсенгелди бий, овози сув тагидан чиқаётгандай, алланима деб минғирлади, тушуниб бўлмади.

— Эсимда, Эсенгелди бий, қилган яхши ишларингнинг ҳаммаси эсимда. Бу томонларга келиб ҳам ёмон одамларга қўшни бўлмабмиз. Лекин сен ишларингни миннат қилма! Сен ҳам юртнинг бир бошлиғисан. Бошлиқ халқнинг кули. Унинг мақтанишга ҳақи йўқ!.. Халққа тоза қалб билан астойдил хизмат қил. Агар менинг отимни ўлдиртирганинг рост бўлса, бўйнингга олганинг — мардлигинг. Бироқ сен бурнингни остидан нарини кўрмас экансан... Осмонга туфламайман деганингда кимнинг гамини ейсан? Ўз бошингнинг гами эмасмикан, деб кўрқаман... Йигитлар, бўшатишлар, отига миндириб қўйинглар!

Эсенгелди бий бир оғиз гапирмай отига минди. Шерикларига ҳам жавоб берилди. Жуфт-жуфт бўлиб, гердайиб келган отлиқлар, энди ҳозиргина энг азиз кишисини ерга қўйган одамлардай, бошларини ҳам қилиб, индамасдан кетишаётганди.

Улар қамишзорга кириб кўздан ғойиб бўлишганда ҳам оғиз очишмади. Бу оғир жимликка Эсенгелди бийнинг жиловдори ортиқ чидолмади. Отини жадаллаб, бийнинг ёнига борди.

— Бий оға, бу воқеани юрт эшитса, юзимиз шувит бўлиб қолмасмикан?

— Сен нега ҳадеб қисир эчкидай маърайсан? Мен ўз лафзимга содиқлик қилдим. Шамолга қарши тупурмадим. Хўш, таги паст деди, демоқчимисан? Деса деяверсин. Отам Бойқўчқор бийнинг битта гиламни деб ўлиб кетганини эшитган. Энди шуни юзимга соляпти. Бундан олдин юзимга солган. Аслини олганда, мен Бойқўчқор бийнинг боласи эмасман. Аслзода Жонгелди деган одамнинг фарзандиман. Шунинг учун ҳам исмим Эсенгелди. Ўша исмга монанд. Ҳа, асли зотим шунақа. Отам бечора «Оқтобон уруши» йили шахид бўлганлардан. Бойқўчқор бий мени асраб олган. Тагтугини суриштирадиган бўлсак, кимнинг насл-насаб юқорироқ экан? Султон бийнинг ҳам асл отаси Жон-

дўс бий эмас, Ҳожикелди деган одам, дейишади. «Оқ-тобон уруши» йили ҳамма ёқ айқаш-уйқаш бўлиб кетган. Бечора ота-оналаримиз ҳаммасини яшириб, қариндош-уруғларига куймасин, бир-бирларини камситишмасин деб, ҳаммасини яшириб келишган. Мен бу гапни Туркистондан кўчиб келаётганимизда бир кампирдан эшитган эдим. Майли, бу гап шу ерда қолсин. Фақат мен шу халқни нима қилишимни билмай қолдим. Маман деса ўлиб-тирилганига қарамайди. Майли, қўлидан келса, Маман халқни кўпайтирсин. Сизлар ҳам ёрдам беринглар. Бироқ менда ёбиликларнинг эмас, қўнғиротликларнинг қони бор. Ҳали сизлар Маманнинг беҳаё, беор бетига парда эмас, ниқоб кийгизганимнинг гувоҳи бўласизлар. Ишқилиб, Муҳаммад Амин иноқнинг иши юришсин... — У гапини охирига етказмай: — Отни қамчиланглар! — деди.

Отлиқлар бир-бирларига яқинлашиб, жуфт-жуфт бўлишди-да, қамишларни синдиришиб, йўлларида давом этишди. Улар тўппа-тўғри Эсенгелди бийнинг уйига келиб отдан тушишаётганда, бийнинг хотини чиқиб:

— Орқамиздаги бой ўғлимга исм қўйиб берсин деб сенга хабарчи юборган экан. Сени тополмай, ҳозиргина қайтиб кетди, — деди.

Бий ичкарига кирмасдан яна отига минди:

— Отланинглар, йигитлар, биратўла Султон бойни-кида дам оламиз, — деди.

* * *

...Эсенгелдилар кетишгандан кейин ҳам одамлар тарқашмади.

Ободон ўша ерда, тўранғилнинг тагида ҳамон боғлоғлиқ ётарди. Эсенгелдидан зўрлик билан олиб қолинган арқоннинг тугилган учи тўранғил шохидан осилиб, ўлимни эслатиб турарди. Тўпланганлар қашқирнинг рўпарасида турган қўйлардай хурпайиб туришарди. Баъзилари гангиб қолганди, баъзилари титрарди.

— Эсенгелди бий ўйланиб қолди, энди қаршилик қилмаса керак, — деди Маман бий дор арқонига ҳамманинг диққатини тортиш мақсадида юқорига қараб. Одамлар унинг овози сал юмшаганидан, амрини бекор қилиб, Эсенгелди бийнинг соғ-саломат қўйиб юборгандан кечирим сўраётгандай бўлаётганини сезишиб, бир оз бўшашди. Баъзилар қимирлашиб, чуқур нафас олишди. Айримлари сиртмоқдан кўзларини узмай,

юраклари гупиллаб турарди. Бий қаддини ростлаб, келинчақлар томон ўгирилди:

— Қани, келинчақлар, даъвогар бўлиб юрганлар, аввал сизларга навбат. Манави, йигитлардан ўзларингга эр танланглар!

Тим қора кўзлари чақнаган, нозиккина, кулча юзли бир келинчақ аёллар олдида титраб турарди. Рўмолини пешонасидан сал кўтариб, ибo билан деди:

— Бий оға, аёллар ичидагини айтоладиган бўлганда, Ободон опамиз бунақа бўлиб ётмас эди. Ихтиёр ўзингизда.

Аёллар бир-бирларини чимчилашиб, уялишиб, бир-бирларини олдинга итаришар, бир-бирларининг орқаларига яширинишар эдилар.

Маман бий мўйловини силаб қўйиб, йигитларга ўгирилди.

— Навбат сизларга!

Доим Бектемир билан бирга юрадиган олақўз, озгин йигит бояги нозик, кулча юз жувонга кўз қирини ташлаб, умидвор бўлиб турарди. Бу гап унга қўл келди.

— Бий оға, мен ҳозирги гапирган келинчақни хоҳлайман, — деди.

— Биз розимиз, — деб кулча юзли келинчақ, ялинтириб ўтирмай, аста тўдасидан ажралди.

— Мени аёлларнинг дадиллиги хурсанд қиляпти. Она довюрак бўлмаса, фарзанди ҳам довюрак бўлмайди. Фарзандларинг очиқ кўнгил, камтар бўлсин! Пешонанингиз ярқирасин, ували-жували бўлинглар! Қани, Нуробилла, сен кимни хоҳлайсан? — деди Маман бий.

Нуробилла сержун, йўғон оёқларини авайлаб босиб, узала тушиб ётган Ободонга кўз қирини ташлади-да, «менга шу бўла қолсин», дегандай Маманга қараб, фотиҳа беришини кутди.

Нуробиллага навбат берилганда аёллар орасидан кўзлари қисикроқ, қаримсикроқ бир аёл умид қилгандай, қимирлаб қўйган эди. Бий буни пайқаб қолиб, унинг ёнига борди-да, билагидан етаклаб келиб, Нуробиллага ушлатди.

— Манавинг боладан қолган бўлса, буниси туғади... Бахтларинг очилсин, бола-чақаларинг кўпайсин...

Жувон қаримсик кўрингани билан анча ёш экан. Нияти амалга ошгани учун чехрасига қон югуриб, кўзлари чақнаб очила бошлади. Бий ҳеч кимга билдирмай мийиғида кулиб қўйди, кейин яна жиддий тус олиб, йигитларга қаради.

— Бектемир, орқага ўт, қани, сен айт-чи, — деб бий навбатдаги яланг оёққа мурожаат қилди.

— Мен, анави оқ рўмоллигини...

— Бахтларинг очилсин, бола-чақаларинг кўпайсин! Қани, Бектемир, энди навбат сенга!..

Шу тариқа дор арқонининг тагида, бировнинг хоҳлаш-хоҳламаслигидан қатъи назар, туллар билан беваларни қовуштириш кечгача давом этди...

* * *

Кечга томон Бектемирни бирга олиб қайтган Маман бий унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб, елкасига кўлини кўйди.

— Бектемир, ҳали бевалар кўп. Ҳозирча бўйдоқлигингча юра турганинг тузук, — деди. — Айтмоқчи, боя бу ерга нега таёқ кўтариб келдиларинг?

— Овулларга фармонингизни етказганимизни айтишлик деб, уйингизга борган эдик. Эсенгелди бийларнинг сизни тополмай, Боғдагул янгамизга дўқ қилиб кетишаётганининг устидан чиқиб қолдик. Биз ҳам калтак олиб, кетларидан юравердик...

— Омонлиқ нима қилди?

— Бугун азонда кетди.

— Бечорага қийин. Э, иним, ҳозир кимга осон?.. У ҳам Бухородан синглисини топиб, бировга теккан бўлса, кувёвини, жиянлари билан бирга олиб келса, қандай яхши бўлар эди. Ҳарна одамларимиз кўпаярди!.. Сен ҳам беҳуда югуриб, кучингни зое кетказаверма. Қўш хотин олишга ҳозирлан. Яхши ётиб, яхши тур. Азонда кел, иним. Тўрт-бешта бўлиб, юртни айланамиз, фармонининг натижасини текшираамиз.

6

Жондўс бойнинг ўртанча ўғли Султонгелдини ҳамма «Султон», деявериб, охири «Султон» аталиб кетди. «Гелди»нинг ўрнига «бой» қўшилди. Негаки, у пишиқлик қилиб, Сирдарё бўйидан бир оз мол ҳайдаб келган эди. Бу ерга келгандан кейин ҳам ёмон бўлмади. Давлати ошди: моллари эгизак туғди, сувга тўр ташласа, истаганича балиқ илинди. Абжирликда, одамларнинг кўнглини топишда Эсенгелдичалик бўлмаса ҳам, лекин давлати ундан кам бўлмади. Фа-

қат уни хафа қилиб, бир оз қийнаган нарса акаси билан укасининг ўлими. Бироқ, киши ҳар қанча куйиб-ёнмасин, ғамни ахийри бир кун унутади. Ўлган одам, барибир, қайтиб келмайди. Ўлим баъзилар учун тез унутиладиган мусибат. Султон бой ҳам жигарларининг ўлимини унутди. Кетма-кет уч ўғил кўрди. Катта ўғлининг исмини отасининг исмига монанд қилиб Ойдўс қўйди. Ундан кейингилари турмади. Катта ўғли Ойдўс ўн икки ёшларга чиққанида туғилган бир ўғлини Эсенгелди бий «Энди тўхтасин» деб ирим қилиб, «Тўхтасин» деб атаган эди. «Тўхтасин» деб чақираверишгандан кейин туриб қолди. Шундай қилиб Тўхтасин бўлиб кетди.

Яқинда яна ўғилли бўлди. Хотиним сал дармонга кириб олсин деб, одам чақирмай юрган эди. Мўлжаллаган куни келди. Бугун у қўнғирот уруғининг анчагина улуғ бийларини таклиф қилган. Меҳмонлар орасида Ғойиб баҳодир, Омонқул бий, Қурбонбой бийлар ҳам бор. Ҳаммадан юқорида Эсенгелди бий. Ҳамма уни ҳурмат қилишидан хурсанд бўлганиданми ё бўлмаса, ҳеч кимга сир бой бергиси келмаганиданми, жуда мамнун кўринади.

Ияги ингичка, соқоли қизғиш Султон бой йўргакланган ўғлини келтириб, бир қамчи билан бирга Эсенгелди бийнинг қўлига берди.

— Қўнғиротнинг меҳр-оқибатли бийи, фарзандимизга исм қўйиб берсангиз.

Эсенгелди бий чеҳраси ёришиб, болани қўлига олди, юзига тикилди, анчадан кейин бошини кўтариб:

— Халойиқ, Султон бой, боланг одам бўладиган хилидан экан. Исмини жисмига монанд қилиб қўйсам кўз тегади. Исми «Миржиқ» бўла қолсин, — деди.

Ўтирганлар «маъқул, маъқул, болага кўз тегмасин», дейишди. Султон бой сариқ жун чакмонининг икки барини қайириб, Эсенгелди бийга таъзим қилди-да, боласини қайтариб олди. Меҳмонларга олов ёқиб ўтирган катта ўғли Ойдўсга:

— Ма, чирогим, уканг Миржиқни опасига олиб бориб бер, — деди.

Меҳмонлар тилларини ўргатиш мақсадида қайта-қайта «Миржиқ», «Миржиқ» дейишиб, мийиғларида кулиб қўйишди.

Эсенгелди бий бу исмнинг кўпчиликка маъқул бўлган, бўлмаганига унча эътибор бермади. Мўйловини силаб қўйиб, ёнидаги ёстиққа ёнбошлади. Мушукка

ўхшаб кўзини юмиб, бир зум жим ётди. Бироқ кўнгли алғов-далғов бўлгани учун, ичида ўйлади: «доим тўрға чиқиб ўрганган оёқларинг тўрни кўмсайди. Ҳали кўраман, Маман бий. Бу дунёда иккаламиздан биттамыз қолишимиз керак...» Ойдўс кириб, яна ўчоқ ёнига чўққайгандан кейин:

— Султон бой, болаларингни боболари бўлакча, мард одам эди, — деб гап бошлади. — Ҳа, йигитлар, ёш бўлсам ҳам, Жондўс отамни яхши эслайман. Ёбилıklarнинг қўлтиқларига тиқилиб, қорамуқнинг дониман, дегандан кўра ўз эркинг билан буғдойнинг сомони бўлган маъқулроқ, дейдиган одам эди. Мана шу Маман бийнинг отаси ҳам, ўзини ҳам шум деб, ёмон кўрар эди. Балони билар экан, бу пихини ёрган бой.

Султон бой болаларининг тарбиясига алоҳида аҳамият берар, уларнинг бераҳм, ночор бўлиб ўсмасликлари учун қўлидан келганича ҳаракат қилар эди. Уларни ёши катта бийлардан ақл ўрганишсин деб, уйига меҳмон келганда, бошқа хизматкорлари борлигига қарамай, оловни Ойдўсга ёқдириб, гапларига разм сол, дерди. Ўғлига ўзининг кимлигини ҳикоя қилмаса ҳам, отаси Жондўс бой ҳақида кўплаб қизиқ-қизиқ гапларни гапириб берганди. Аммо ўзлари билан Маман бий ораларидаги муносабатдан сира оғиз очмаганди. Аксинча, Маман бий яхши ишлари билан халқ орасида ном чиқаргани учун, ўғлимнинг фикри алғов-далғов бўлиб кетмасин деб, қарама-қарши фикр айтиш ўрнига: «Маман бий халқнинг ғамини еб, дунёнинг тўртта ла бурчагини кезди, рус подшоси билан мулоқатда бўлди, эртақдаги азим шаҳарларни кўрди»... дерди, унинг эл оғзига тушган ишларини маъқулларди. Шундан сўнг кичкина Ойдўсда Маман бийни кўриш, гаплашиш иштиёқи пайдо бўлиб, ҳатто уни тушида қанотли тулпор устида, учар гилам устида кўрадиган бўлган эди. Лекин ўзини сира кўрмаган эди. Эсенгелди бийнинг ҳозирги гапларидан боланинг кўзлари чақнаб, бир отасига, бир Эсенгелди бийга ҳайрон бўлиб қаради. Ўн тўрт яшар боланинг фикрини алғов-далғов қилиб юборгани бир Султон бойгагина эмас, ҳаммаларига ҳам малол келди.

Эсенгелди бий ўтирганларнинг кайфиятини дарров фаҳмлади.

— Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, — деб қаддини ростлади-да, ўз хатосини ўзи тузатишга ҳаракат қилди. — Маман бийнинг фармони жуда яхши ўйлаб

топилган фармон бўлди. Омонкул бий, овулларинг бунга қандай қараяпти?

— Яхши топилган фармон, Эсенгелди бий. Кўпчиликка бир нарса дейиш қийин. Лекин кўплар хурсанд.

— Ғойиб баҳодир, сен нима дейсан?

— Омонкул бий тўғри айтди. Кўпчиликка тараф йўқ. Фармонни қўллаш керак.

— Қурбонбой бий, сенинг уруғинг-чи?

— Бизнинг уруғимиз ҳам шундай...

Эсенгелди ҳаммадан сўраб, бир натижага келиб улгурмасиданоқ, ташқаридан бировнинг бақириги, Маман бийнинг номини қўшиб сўқиниши қулоққа чалинди. Эсенгелди уни дарров ичкарига чақиртирди.

Бошидаги қора қалпоғи ўзига жуда ярашган, ихчамгина, соқол-мўйлови текислаб қирқилган, икки бети қип-қизил ўрта ёшлардаги Собир сатанг деган одам кирди. У, икки елкаси кўтарилиб, оғир-оғир нафас оларди. Пешонасидаги терни энги билан сидириб, пойгакка солинган пўстак устига тиз чўкди.

— Бийлар, Эсенгелди бий, арз-дод қилиб келдим олдиларингга, — деди у кира солиб, йўл бўлсин дейишларини ҳам қутмасдан. — Бугун Маман бий овулимизга келувди. Пиёда. Кетида беш-олтита саёқлар ҳам эргашиб юришибди. Хотиним олти йилдан бери туғмайди. Хотинимдан «нега туғмайсан?» деб сўрашди. У «айб эримда бўлса керак», деди. Кўзимнинг олдида чайлага киргизиб юборди. Кетидан эргашиб юрган саёқлардан биттасини киргизиб юборди... Бир бало бўлди шекилли... Ҳа, ҳа... Ахир, шунақа қилиб кетишмасин-да...

Хонада ўтирганларнинг баъзилари мийиғларида қулиб қўйишди, баъзилари ҳайрон эди.

— Дада, мен Маман бийнинг олдига бораман, — деб Ойдўс ўтирган еридан сакраб турди. Отаси кетидан чиқиб алланималар деб насиҳат қилмоқчи эди, лекин бола отасига қарамай, қозикқа боғлаб қўйилган эгарсиз отга ирғиб миниб, ёлидан кучоқлаганича, қуюндай учиб кетди.

Собир сатангнинг овули отлиқ одамга икки пиёла чой ичгунчалик ерда эди. Ойдўс борганда, овул сув сепгандай жимжит эди. Четдаги қамиш чайла ёнидаги тўранғил тагида алланималар қилиб, уймалашиб юрган одамларни кўриб, отини ўша томонга бурди. У ерда уймалашаётган одамлар, тўранғилга осилган қора мўйловлик одамнинг ўлигини ечиш билан овора экан.

— Бунинг айби нима? — деб сўради Ойдўс отидан тушмай.

Учовларидан бири Ойдўсни таниб, йиғламсиради:

— Ҳали уйланмайман десанг, Маман бий сени ҳам шу кўйга солади, уқдингми?

— Маман бийнинг ўзи қаерда?

— «Қозоқ дарё» томонга қараб кетди.

Ойдўс отининг бошини кун чиқар томонга, «Қозоқ дарё»га қараб бурди, қамчи босиб, қамишзор орасида кўздан ғойиб бўлди.

* * *

Зиёфат тарқаб, ҳамма отлана бошлаганда Эсенгелди бий тўхтаб, Султон бой билан ёлғиз қолди. Қулоғига оғзини яқинлаштириб сўради:

— Ўғлинг қаёққа кетди?

— Маман бийни қидириб кетди...

— Сабаб?

— Сабаби шуки, Маман бийни яхши кўради.

— Отасининг хундорини-я?!

— Ундай деманг, ўтинаман.

— Нодон! Онанг бузуқлик қилиб, сени кўнғиротликдан туғмаган!

— ...

— Шуни билиб кўй, Султон бой! Мен иноқ билан яқинман. Маман бий Шаббоз фуқароларига ишонади. Менинг томиримда кўнғиротнинг қони гупуради. Маманнинг танасида ёбиларнинг қони. Ўғлингга эҳтиёт бўл, йўлдан адашмасин. Руслар томонига оғиб кетмасин!

— Халқ Маман бийни яхши кўради.

— Биладан. Шунинг учун ҳам уни бирйўла гумдон қилиб бўлмайди. Аввал отини ўлдириб, оёғидан айирдим, энди хотини орқали юрагини тилка-пора қилсам, тамом. Сен билан ўшандан кейин гаплашамиз. Қоним бошқа деб, ўзингни бир чеккага олмоқчимисан? Ёдингда бўлсин, томиримиз бир, кўнғиротликмиз, кўнғиротлик! Кўнғиротликнинг қони йўқ сенда, валати зино, балки бу гапимни етказарсан. Миянгни ишлат. Мен кетдим.

Султон бой мадори қуриб, меҳмонларини ҳам кузатишга ярамай чўкка тушиб ўтириб қолди.

Кекса Эсим бий беш эшаклик билан бундан бир неча йиллар илгари денгиздан «Қора жар»га қуя-қуя, ҳозир суви қуриб, ўт босиб кетган кўҳна ариқнинг ёқалаб келаётганди. У теварак-атрофга кўз ташлаб, шерикларига алланималарни тушунтираётиб, узоқда бир тўп пиёда, кетларидан елдек учиб келаётган яйдоқ отлиқни кўриб:

— Худойберган, қара-чи, нима гап экан? — деди.

Олдиндаги эшакда келаётган ола қалпоқлик, ола чопонининг устидан бўз белбоғ боғлаган одам яланг оёқларини ёғоч узангига тираб, Эсим бий кўрсатган томонга қаради-ю, ёлғиз отлиқдан бўлак ҳеч кимни кўрмаганини айтди.

— Пиёдаларнинг олдида келаётган Маман бийга ўхшайди. Тинчликмикан? — деб ташвишга тушди Эсим бий.

Худойберган эшагининг устида туриб қаради.

— Ҳа, кўрдим, Эсим бий. Ташвиш тортманг. Пиёдалар ўзлари келишяпти. Отлиқ ҳам. Қочиб келаётганлар билан қувиб келаётганга сира ўхшамайди.

— Кўзларим анча хира тортиб қолган. Кексалик энгиб кўйяпти.

Шу орада Маман бийлар буларга яқинлашиб қолди. Кетларидан келаётган ёлғиз отлиқ Ойдўс эди. У ҳам етиб келиб, сакраб отидан тушди.

Ҳаммалари бир-бирлари билан қучоқлашиб кетишди. Худойберган кийган кийимлари бўлакчалиги ё ўрта бўйлиги, ҳатто япалоқ юзлиги билан, кўзларини чақчайтириб, сал юқорига қараши билан ҳам шерикларидан фарқ қиларди. Ойдўс бегонасираб, ҳадеб ўшанга тикиларди. Қолганларининг диққати Эсим бий билан Маман бийда эди. Улар ота-боладай қучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб кетишди.

Эсим бий Маман бий тайинлаган Шаббоз овуллари бориб, ҳозир бу ёққа олиб келаётган йигитларини бирма-бир таништирди. Ҳаммалари жафокаш одамлар экан. Ўз ихтиёрлари билан келишаётган экан... Уларнинг бошлиқлари Худойберган ҳам уста, ҳам боғбон, ҳам ердан одам боласидан бўлагини кўкартира оладиган деҳқон эканини айтганда, Маман бий:

— Ажойиб элга қўшни бўлганмиз, келинлар, йигитлар, — деб ўзбек йигитларининг ҳар қайсисини бирма-бир қучоқлаб ўпди. — Ёрдам беринглар... Ўрга-

тинглар... Ўзларинг исинган кўрда бизларни ҳам иситинглар... Яхши ниятларимизга шерик бўлинглар. Биздан ҳам ўрганинглар...

— Маман бий, биз сизларга кўп нарса олиб келаётганимиз йўқ, — деб Худойберган ҳар эшакнинг устидаги ярим қоп уруғлик буғдой билан кўндаланг ташлаб қўйилган боғлам-боғлам пўстлоқларни хижолат бўлиб кўрсатди. — Лекин уруғлик буғдойнинг ҳар донасида, тўр тўқишга, арқон эшишга олиб келаётган пўстлоқларнинг ҳар толасида овулдошларимизнинг сизларга саломи бор.

— Ўла-ўлгунча миннатдормиз, оғайнилар. Қани, кетдик, — деб Маман бий кетига қайтиб, овулга бошлаётган эди, Эсим бий:

— Ҳозир бизникига бориб дам ола турайлик, сизлар йўлдан қолманглар, — деди.

Маман бий бир зум ўйланиб туриб, шерикларини кўздан кечирди. У Эсим бий келгунча унинг овулида фармоннинг бажарилаётгани ё бажарилмаётганини текшириб ўтирмай, «Қозоқ дарё» гача чўзилган овулларни айланмоқчи, шунақасига кўпдан бери кўрмаган, соғиниб қолган дўсти Мирзабекникига ўтмоқчи, у ерда бир кеча ётиб, кейин тўғри Янгидарё бўйидаги Убайдулла бийнинг элатига бормоқчи эди. Энди режасини ўзгартиришга тўғри келди.

— Бошланг бўлмаса, отахон, — деди Эсим бийга.

Ойдўс яланғоч отини Маман бийнинг рўпарасига кўндаланг қилди.

— Мининг, ота, сиз билан бирга юраман.

— Бий оға, танимаяпсиз чамамда, бу Султон бойнинг катта ўғли Ойдўс, — деди Бектемир.

— Отни отанг бериб юбордими? — деб сўради Маман бий.

— Ўзим олиб келдим, ота. Сизни излаб келаётгудим. Сизни эртақларни жуда кўп билади, дейишади. Эртақлари қизиқ дейишади. Уша эртақларингизни эшитмоқчиман. Шунинг учун келдим. Бугун Эсенгелди бий отамлар меҳмон бўлиб ўтиришибди. Укамга исм қўйишди. Сизни улар ҳам мақташди. Сизнинг фармонингизни амалга оширишга ёрдам бериш керак, дейишди.

Маман бийнинг кўзлари нурланиб, лаби лабига тегмай шошиб гапирётган Ойдўсни бошидан силади, оқ бўз кўйлагининг сал қийшайган қизил жиякли ёқасини тузатиб қўйди. Ёлғон гапирмаётганмикан деб, чақ-

наб турган қора кўзларига разм солди. Ойдўснинг ҳеч қандай шумлиги йўқлигини, чин кўнгилдан гапираётганини пайқади. «Кўп яша, ўғлим» деб, Маман бий яланғоч отга ирғиб минди. Эсим бийнинг овулига йўлни ўзи бошлади...

...Кечга томон бу овулга ҳар томондан одамлар чақиртирилди...

8

Чипта полослар ва сўкчак устидаги пахтаси оққан бўз кўрпа билан (буни Нуробилла иккала хотини билан бирга тўплади) эски ағдарма пўстиндан (бу Умар чолнинг ҳам қишлоқ кийими, ҳам кўрпаси) бошқа ҳеч нарса йўқ кенг чайлада, ўчоқ ёнида Умар чол билан икки келини чордона қуриб, пўстлоқдан арқон эшиб ўтиришарди. Қария келинларининг бошмалдоғига ўралган ипга қараб-қараб кўярди. Кичкина келиннинг аввал-бошдан тақдирига тан берганини билгани учун, ундан ташвиш тортмасди, аммо катта келини Ободон илгари баланд охурдан ем еб, фалакнинг гардиши билан бечораҳол бўлиб қолганини билса ҳам, ундан бир оз гумони бор эди. Кеча Нуробиллани Эсим бий овулига чақиртириб кетганларидан кейин катта келин ҳунар чиқариб, ётиб олмасмикан, деб ҳадиксираган эди, ундай бўлмади. Аксинча, ёш келиндан қолишмай, кафтига тупуриб-тупуриб пўстлоқни эшганидан қария иккаласига барабар етказиб беролмай шошиб қолди. У иккала келинидан ҳам хурсанд эди.

Пешинга яқин Нуробилла қайтиб келди. Орқасида ярим ботмонга яқин дон билан тўрт боғлам пўстлоғи бор. Орқасидаги юкини аста ерга қўйиб, сўкчакка суянди, пешонасининг терини сидирди.

— Яна қанақа ўлжа олиб келдинг, болам? — деди қария дон солинган қора қопни силаб. — Ие, буғдойми?

— Ҳа, ота, Эсим бий олиб келибди. Маман бий ҳам бор экан. Экинглар деди. Манави пўстлоқни тузоқ қилишга берди.

— Қаёқдан олибди?

— Шаббоз тарафдан олиб келибди. Бирга келган ўзбек деҳқонлари ҳам бор.

Иккала келин эрларининг ҳорғин юзларига тўймай тикилиб, хурсанд бўлаётганди. Умар чол гапни узоқ чўзмади.

— Уруғлик бугундан қолса, ёйилиб кетади. Зудлик билан экайлик. Қани, келинларим, арқонни йиғишти-ринглар, биттадан кўмач кўминглар, — деди чол.

Улар узоқ кутдиришмади.

Умар чолнинг ўзи омочни ушлади, бўйинтуруқ-нинг бир томонидан ўғли Нуробилла, иккинчи томо-нини кўш келини тортди. Кенг шудгорда иш бошлан-ди. Бундай манзара ҳеч кимни ҳайрон қолдирмас эди, аксинча, бундай уюшқоқлик баъзиларнинг ҳавасини келтирарди, ҳар ким ҳам шундай бўлишни орзу қи-лар эди.

— Умар ота, агар қийналиб қолмасангиз, булардан кейин омочни эр-хотин тортсак, майлими? — деди ян-гигина оила қурган эр-хотин келиб ва чеккада турган уруғлик бугдойни кўрсатди.

— Ерни тайёрлайверинглар, мен чарчасам Нуро-билла ёрдамлашиб юборар, — деб қария ўғлининг но-мидан ваъда берди.

— Кўш хотинлик одамга оғирлик қилмасмикан? — деб сўради биров тўсатдан.

Бу Эсенгелди бийнинг овози эди. Ҳаммалари ялт этиб, овоз келган томонга ўгирилишди. Ободон кўнғи-рот уруғининг беваси бўлганим учун менга тегизиб га-пирипти шекилли, деган гумон билан:

— Бизнинг норимизни кўш хотин тугул, тўрт хотин ҳам чарчатолмайди, — деди.

Нуробилла катта хотинининг жавобидан хурсанд бўлди. Кичик хотини қизил юзлари терга ботган гул-дай яшнаб бўйинтуруқ тагида қиқир-қиқир кулди.

Эсенгелди бий осмонга қараб тупурмасликка сўз берганидан бери бир кунда икки марта панд емаган эди. Ҳозир Ободоннинг жавобидан бугун иккинчи марта тилини тишлаб қолди. У азонда, уйдан чиқаёт-ганида, бундан уч кун бурун Султон бой билан очиқ гаплашиб унга айтган гаплари аъзойи баданидан совуқ тер чиқариб юборгани сабабли ҳам ўзини юпатиш, ҳам пайтини топиб кўпчилик ичида, гарчи тил учиди бўлса ҳам, Маман бийнинг мақташни ният қилиб чиққан эди. У «Султон бой барибир ҳеч кимга айтмайди, қони кўнғиротнинг тоза қонидан» деб, ўзини-ўзи юпатишга ҳаракат қилди.

Чунки Султон бойга катта гапириб қўйганидан, ўзи афсусланди.

Эсенгелди бий Қурбонбой бийнинг ҳам Маман бий тарафига ўтиб кетишидан кўрқарди. Шунинг

учун унинг раҳномаси — онаси Шарифа билан учрашишни ўйлади.

Шарифа билан холи учрашиб, шуларни гаплашди.

— Сиз фармонни қувватлайсизми?

— Маъқулласак, биз ҳам эр топишимиз керак бўлади.

— Ўзингиз нима дейсиз?

— Туғмайдиган бўлганимдан кейин ҳовлиқиб нима ҳам қилардим?

— Маман бий зунгларни одам санамайди.

— Зунг деганларга минг лаънат!

Эсенгелди бий нишонга урганидан хурсанд бўлиб, шарақлаб кулди. Бироқ қайтиб кетаётиб, Шарифанинг «минг лаънат» дегани ўзига қарата айтилгандай туюлди-да, лабини тишлаб қолди. «Лаънати хотин панд берди-ю!» дея кўнглидан ўтказди.

Эсенгелди бий Бекдулла қора соқолнинг овулига Маман бий йўғида бориб, ҳол-аҳволни ўз кўзи билан кўришга қизиқди. Чунки, Маман бий чиқарган фармонни биринчи қувватлаган овул шу, шу овулнинг кайфиятига қараб, бошқа овуллардаги муносабатга баҳо бериш мумкин.

Мана, ҳозир шудгорда учрашган Нуробиллага, аёлларига гап ташлаганининг сабаби, уларни гапга солиб, фармонга муносабатларини билиб олиш эди. Жавоб кўнгилдагидай бўлмаганидан кейин, тортишиб турмади-да:

— Нуробилла, мени Маман бийникига бошлаб бормайсанми? — деди.

— Хўп бўлади, бий оға, -- деб Нуробилла Эсенгелди бийнинг отини жиловидан олди.

Улар Боғдагулга чайласига яқин ерда дуч келишди. У ўтин майдалаётган экан.

— Маман бий уйдами?

Нуробилла ҳайрон бўлиб Эсенгелди бийнинг юзига қаради: «бийнинг уйда йўқлигини йўлда айтган эдим-ку...»

— Бийнинг ўзи бўлмаса, уйи бор, отдан тушинг, бий, — деди Боғдагул ишини тўхтатиб.

— Тушмай қўяй қолайлик. Мен Маман бийнинг фармонини амалга ошириб юрибман. Фармон берган одамнинг буйруғи ўзи учун ҳам вожиб бўлиши керак. Ҳамма иш бошидан пухта бўлгани яхши. Маман бий ё сендан сўрашга уялиб, ёдидан чиқариб юбормасин, деб келдим. Тугасанми, бий ҳам фарзанд кўришга қодирми?

— Бизнинг бийимиз ҳеч нарсани чала қилмайди, хотиржам бўлаверинг, бий.

— Ундай бўлса жуда соз. Ўз фармонига ўзи амал қилса бўлди. Бўпти, Нуробилла, сенга рухсат. Иккала хотинингга баравар қарайвер, — деб Эсенгелди бий отини бурди.

У бу уйга қандай ният билан келди-ю, нима учун индамай хурсанд бўлиб кетаверди? Нуробилла бунга тушунмади. Тушуниш учун бошини қотириб ҳам ўтирмади. Овулига қайтиб:

— Эсенгелди бий яхши ўйлабди. Катта бийнинг фармонини амалга ошириш учун ўзи бел боғлабди, деган хабарни тарқатди.

— Бошлиққа ёрдамчи ҳам керак-да, — деди Бекдулла қора соқол.

9

«Кўк ўзак» тарафдан Бухорога тўғри олиб борадиган йўлни ҳеч ким билмасди. Тирик ғойиб бўлган сингисини топиш умидида Омонлиқ тонг азондан таваккал қилиб йўлга тушди.

У сўқмоқ билан қуёшга қараб кетаверди.

Йўлида тоғларга дуч келмаса ҳам, гоҳ баланд қумлардан ўтишга тўғри келди. Қумдан ошиб ўтса, текислик, бироқ қалин ўсган юлғунлар, чирмашиб кетган чангалзорлар юришни қийинлаштирарди. Омонлиқ мушук ўтолмайдиган қалин қамишзорни ёриб, ёлғиз қашқир бўлиб кетаётганди.

Овулдан чиқишда уни кўрқитган нарса ҳам шу эди. Шунинг учун ҳам Амударёни ёқалаб кетаверишни маъқул кўрди. Бу бир томондан кишини чўллатмаса, иккинчи томондан мўлжални адаштирмасди.

Шу кунлари Омонлиқнинг толеига қуёнлар болалаб, қирғовуллар тухум қўйиб, жўжа чиқараётган палла эди. Оч қолмади. Дарё бўйидаги қалин қўғазор ё қамишзорлар орасида қирғовулларнинг уясига дуч келиб, тухум тўплайди ёки икки бармоғини лабига босиб, қуён бола бўлиб чийилласа, атрофини она қуёнлар босиб кетади. Битгасига тош отса, ўша ерда типирчилаб йиқилади.

Бўйнидаги Ўразан ботир берган эски қилич кунига яраётганди, нимаики тутса, ўша заҳоти сўярди. Энг муҳими, қиличи бор учун ҳеч нимадан ҳадиксирамасди, тап тортмасди, ёлғизлиги ҳам сезилмасди. Ёнида азамат йўлдоши бордай, қадамлари дадил эди.

У шу юришда кунлар эмас, ҳафталарни ўтказди, аммо қанча юрганининг ҳисобидан адашиб кетди. Ишқилиб, олдинга қараб одимлагани ҳисоб, кетаверди, кетаверди...

Омонлиқ кунлардан-бир кун фалокатга дуч келди. Йўлбарс уясининг олдидан чиқиб қолди. Она йўлбарс боласини қизганиб, ўзини Омонлиқнинг устига ташлади. Икки ўртада ҳаёт-мамот учун кураш бошланиб кетди. Бир-бирларини аяшмади. Йўлбарс Омонлиққа қиличини қинидан суғуришга фурсат бермади. Гоҳ ириллаб, гоҳ тирнаб, гоҳ тишларди. Омонлиқнинг юз-кўзи қон бўлиб кетди. Ҳар нима бўлганда ҳам одам — одам эмасми, бир иложини топиб, қиличини қинидан суғурди... Йўлбарснинг кекирдагига қилич солиб юборди. Йиртқич ҳайқириб, бўкириб, ёнбошига гуп этиб йиқилди. Омонлиқ ҳам йиқилди. Йўлбарс бирйўла тамом бўлган экан, олдинги икки оёғи орасига олиб йиқилган одамига ҳеч нарса қила олмади. Омонлиқ аллавақтдан кейин ўзига келди. Тирик қолганига шукур қилиб, гандираклаб ўрнидан турди. Дарё бўйига тушиб, афт-башарасидаги қонни ювди. Ўнг қулоғини йўлбарс юлиб олибди, сув тегиб, ўрни ачишиб кетди. Инграб, пешонасини тириштирди, кўйлагининг этагидан йиртиб, қулоқ-чаккасини танғиди-да, оёқларини судраб, яна йўлга тушди...

Амударё ёқалаб ўсган сийрак тўранғилзордан чиққанидан кейин овул кўринди.

— Э худо, ўзингга шукур, — деди Омонлиқ хурсанд бўлиб. У гандираклаб, энг чеккадаги пастак уйнинг эшиги олдида тўхтади. Сал шамол эсса, йиқилгудек эди. Аста овоз берди:

— Оллонинг шўрпешона бир бандасиман!..

Ичкаридан бир аёл билан ўн ёшлар чамасидаги бола чиқди. Нотаниш, афтодаҳол одамни кўриб иккаласи ҳам кўрқиб кетди, беихтиёр кетига тисарилди. Лекин юзига рўмол тортиб турган аёлнинг кўзлари Омонлиқнинг базўр оёқда турганини пайқади, югуриб бориб, кўлтигидан олди ва суяб ичкарига киргизди.

Аёл Бухоро амирининг хизматда юрган навкарнинг хотини экан. Омонлиқни тўрдаги кўрпачага ётқизиб, бошини қайтадан боғлади. Овқат қилиб ичириб, ухлатди. Омонлиқ эртасига куни билан қимирламай ётди. Кечаси ҳам ётиб қолди. Бироқ, индинига тонг отарга яқин аёл уни уйғотди.

— Биронта одамнинг кўзига кўринмай кетинг, азиз меҳмон.

Аёл овозидаги ҳадик, чуқур меҳр-оқибатни сезиб, Омонлиқ алланечук бўлиб кетди. Унинг ипакдек майин сочларини силагиси келиб, қўллари қалтиради, бироқ ўзини тийди. «Сенга яхшилик қилиб турган одамга озор бериш инсофдан эмас». У ўрнидан турди. Аёлга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, худди ўз уйидан ноилож чиқиб кетаётган одамдай, кетига маъюс қараб, остонадан базўр ҳатлади.

Гира-ширада ёлғиз кўланка яна кун чиқиш томонга — Бухоро шаҳрига қараб йўл олди.

Энди у дала-даштда ёлғиз ётиб қолмади, гиёҳлар орасида, панароқ жойларда ётиб, тупроқни уйиб ёстиқ қилди, тез-тез овулларга дуч кела бошлади, бирида тушлик қилса, бирида тунаб ўтди...

Ўзбек қишлоқлари лой деворли уйлари, катта-катта ҳовлилари, уй билан ҳовлилари атрофидаги гулзори, мевазори, экин-тикинлари билан ўз овулларидан фарқ қиларди... Буларни кўргач, хаёл уни ҳар томонга олиб қочди. Чивини, қурт-қумурсқаси кўп сассиқ сувли кўллар бўйидан шу томонларга кўчишганда қандай яхши бўларди! Буни Маман бий нечук билмай қолибди? «Йўқ-йўқ, жилови йўқ хаёлларим, мени қаёқларга етаклаяпсан? Элим энди кўчмасин, кўчсин деганларнинг тилига куйдирги чиқсин...»

Омонлиқ Бухоро шаҳрига чошгоҳда етиб келди. Шаҳарда уйлар жуда кўп, халқи ҳам қумурсқадай беҳисоб экан. Ҳар қадамда ақл бовар қилмайдиган осмон ўпар гумбазлар қад кўтарган, кўрганларнинг кўзи қамашадиган чиройли шаҳар экан. Оғзи очилиб юриб, нон сотиб ўтирганларнинг биттасидан хон саройини сўради. Ёнига келиб қолган бир новвой имлаб, сарой дарвозасини кўрсатди. Шунча йўлни пиёда босиб, Бухоро деб юраги узилиб келган йигит сарой дарвозасини кўриши билан беихтиёр титраб кетди. Бир зум туриб ўзини босиб олди-да, кейин аста дарвоза томон қараб юрди. Соч-соқоли ўсиб кетган, устидаги кийим-боши жулдур, бир қулоғи йўқ бегона юртлик одамга хон дарвозабонлари узоқдан «Тўхта!» деб буюришди ва кимлигини суриштиришди.

— Исми Омонлиқ, хоннинг қайнағасиман.

Дарвозабонлар ўзаро алланималар деб кулишди. Йўл бўйи ўзбек тилини эшитиб, анча тушуниб қолдим,

деб келаётган Омонлиқ уларнинг нима деб гаплашаётганини тушунолмади. Охири сабри чидамай:

— Мен қорақалпоқман! — деди.

— Қалпоқ! — деди дарвозабонлардан бири ҳайрон бўлиб.

— Қалпоқ эмас, қорақалпоқ! Бу ўзимнинг исмим эмас, халқимнинг номи!

Иккала дарвозабон яна қотиб-қотиб кулди.

Омонлиқ зардаси қайнаб, қўлини қиличига олиб борди-ю, ўзининг келгинди, ёлғизлигини эслаб, яна шайтонга хай берди. Шу орада ола чопонли, кавуш-маҳсили, салласи оқ, бойсифат бир киши олдида қоп орқалаб, бурни ерга теккудай бўлиб келаётган одам тўхтади:

— Қаёқнинг қорақалпоғисан? — деб сўради у Омонлиқдан оғир-оғир нафас олиб.

— Қуйи қорақалпоқ, — деди Омонлиқ.

— Кел, менга ёрдамлашиб юбор, — деди-да, бояги киши пешонасининг терини сидириб, елкасидаги қопини ерга қўйди. Ола чопонли бой ҳам олдинга ўтиб тўхтади. Қоп кўтарган одам, этаги билан оғзини артиб, бойга эшитдирмай деди:

— Ҳой шўрпешона, қорақалпоқман деб бақиргунча, шўрпешонаман, эшакман, деб қичқирсанг бўлмайдими? Мана, мен ҳам қорақалпоқман. Ҳозир кимман? Эшакман. Ана, қопнинг эгаси, иссиққа чидолмай, елпиниб турибди, мени эса ўзинг кўриб турибсан. Эшакдан ортиқ ё камлигим борми? Сен бирпас манави қопни кўтариш, мен дам олволай, кейин гаплашамиз.

Омонлиқ индамай бориб қопни кўтарди. Узоқ йўлдан чарчаб келган бўлса ҳам олдингидан кучлироқ экан, беданадай йўрғалаб, эринчоқлик билан лапанглаб кетаётган бойдан ҳам ўтиб кетди.

— Шошма! Шошма! — деди бой.

— Йўқ тақсир, шашпайман¹, оғзидан ушлаб кетяпман, — деди Омонлиқ.

Бой тушунмади, олдинги қорақалпоқ Омонлиқнинг «шошма» деган гапга тушунмаганини билмай, «ўзи ўлай деса ҳам, шўрлик қорақалпоқ тегишишни қўймайди», деб кўнглидан ўтказди-да, мийиғида кулиб кетидан:

— Секинроқ юравер, — деди.

Омонлиқ одимларини секинлатди.

¹ Ш а ш п а й м а н — сочмайман, тўкмайман. (мўҳар.)

Юкни бойнинг уйига элтиб бериб, тегишли ҳақларини олиб қайтишгандан кейин, қорақалпоқ ўзини Омонлиққа таништирди:

— Менинг исмим Қўсимбет. Бу ерда бухороликлар мени Қўшмат дейишади. Майли, нима дейишса, деяверсин. Биз юқори қорақалпоқларданмиз. Мингга яқинмиз. Ҳов анави саробга ўхшаб кўринган тоғни кўряпсанми? — деб Қўсимбет кўли билан кун ботиш тарафдаги тоғ чўққисини кўрсатди. — Биз ўша тоғнинг нариги томонида яшаймиз. Ҳар ким бола-чақа гамида кўлидан келганини қилади. Шаҳарга иш қидириб келамиз. Мана бугун, худо ярлақаб, насибамизни осонгина топдик. — У бойнинг бир қоп жўхорисини бозордан уйигача элтиб бериб, эвазига олган чой-чақасини кафтида ўйнаб, мақтанди. — Бу пул уч ўғлим, хотиним, ўзимга бир кунлик қўғирмочга етади. Нон қиламан десанг, етмайди албатта. Ҳўш, ўзинг бу ёқларда нима қилиб юрибсан?

— Сен ўзингни қорақалпоқман дединг, Қўсимбет. Тилинг ё қорақалпоқча эмас, ё ўзбекча эмас, — деди Омонлиқ.

— Сенинг эсинг йўққа ўхшайди-ку, — деб Қўсимбет хафа бўлди. — Хўжайиннинг тилида гаплашмасанг иш топилмайди-да, сени тушунсин деб, қорақалпоқча гапирганимга ҳам шукур қилсанг-чи.

— Ҳимм... — деб Омонлиқ сарой дарбозабонларининг у билан нега гаплашишмаганини энди тушунди.

— Ҳали овулга борганимизда кўрасан, — деди Қўсимбет. — Бола-чақаларимиз бухороча гаплашишади. Ахир, ажралиб, бу томонларга келиб қолганимизга қирқ йил бўлди. Мингга яқин қорақалпоқни шу атрофнинг халқига таққослаганда бир томчидай ҳам келмайди. Ўзларинг-чи? Ўзларинг ҳозир қаердасизлар? Бу томонларга қандай шамол учирди сени? Ё бўлмаса, хондан кўним жой сўраб келдингми?

Омонлиқ нима мақсадда келганини гапириб берди...

— Ҳа, — деб ажабланди Қўсимбет. — Агар ҳар ким ўз йўқотганини ахтараверса, битта ҳам қорақалпоқ уйда ўтирмаслиги керак. Сен каллаварам экансан.

— Йўқ, Қўсимбет, ундай дема, — деди Омонлиқ. — Ундан кўра, бу ернинг баланд-пастини билсанг, менга хон ҳузурига қандай киришнинг йўлини айт.

— Ундай бўлса, мен билан овулга юравер. Ўзинг тушуниб оласан.

— Қандай қилиб?

— Айтдим-ку, овулга бориб, бизниқида турасан. Биргалашиб ўйлаймиз. Қачон тилинг келишиб, дарвозабонлар билан гаплашадиган бўлсанг, уларга бир нима бериб кирасан, бўлмаса шу аҳволда саройга кирасан деб хомтама бўлмай қўя қол.

— Бошла овулингга, Қўсимбет!

* * *

Бу ердаги қорақалпоқлар ўтроқ бўлгани билан ҳаётлари қўйи қорақалпоқларнинг ҳаётидан унчалик фарқ қилмас экан. Омонлиқ уларнинг туриш-турмушлари билан яқиндан танишганидан кейин: «бегона итдай, ювиндига зор халқим», дея афсус чекди. Бироқ унинг қўлидан нима ҳам келарди? У бу ердагиларга Маман бийнинг топшириқларини, ўсиб-униш тўғрисидаги фармонини етказди.

— Кўпайган маъқул, — деди қариялардан бири.

Қариядан бўлак ҳеч ким бу фармонга ортиқча аҳамият бермади, ҳар ким ўз тирикчилиги ташвишида эди. Маман бийнинг фармонини амалга оширишга Омонлиқнинг ҳам фурсати йўқ эди. У дарвозадан ичкарига кириб, сингисидан дарак топиш пайига тушди. Тил ўрганиб ичкарига кириб гаплашишдан кўра дарбонларга қистириши осон экан. Нима кўп дарбон кўп. Омонэсон ўтишини ўйлаган одам учраган дарбонга бир нима бериши керак. Бусиз бир қадам ҳам юролмайсан. Олдинги ё қилич, ё найза, ё ойболта тўсаверади. Шунинг учун Омонлиқ аввал Қўйсимбетга эргашиб, кейин ўзи ишлаб юрди. Бечора бир зум тиним билмади. Нима иш дуч келса қилаверди: ҳаммоллик қилди, орқалаб ўтин сотди, сув ташиди, ҳожатхона тозаллади...

Оламга донғи кетган Бухоро ҳар томондан келган минглаб савдогарларни, неча юзлаб муллаваччаларни бағрига сиғдира олган кенг шаҳар бўлса ҳам, Омонлиқнинг назарида жуда торга ўхшарди. Қанча югуриб-елмасин, терлаб-пишмасин, сира унуми йўқ. Тўрт томони лой девору тепаси гир айлана ойнак, эшиксиз тош бостирма остидаги тушов-кишансиз отдай, эркин чопқиллагани, билан, сиқилмаган куни йўқ.

Келаси йил баҳоргача зўрға чидади.

... Бор топган-тутганини қўлтиғига қисиб, яна ўша дарвоза ёнига борди.

Дарвозанинг икки тарафида турган соқчилар уни яна тўхтатишди. Омонлиқ ялинмади, биттасига битта

тугунчани улоқтирди. Мушукдай бир сапчиб тугунни илиб олган соқчи, йўлига кўндаланг қилган узун сопли найзасини юқори кўтарди, иккинчиси найзасини кўтариш у ёқда турсин, учи билан Омонлиқнинг кўкрагига туртди. Инъом олган биринчи соқчи найзаси билан унинг найзасига бир урди. Найза соқчининг кўлидан тушиб кетди. Дарғазаб бўлган дарвозабон ерга сакраб тушиб, Омонлиқни орқага итарди ва ичкаридагиларга бермоқчи бўлган тугунчасига қараб кулимсиради:

— Нима ишинг бор эди? — деди ётиғи билан. Думини ликиллатаётган оч итдай ялтоқланаётган дарвозабонга Омонлиқ иккинчи тугунчани тутқазди. Дарвозабон жойига бориб турди... Иккаласи кўз қисиб, имлашгандан кейин Омонлиққа:

— Арзингни айт, гапир! — дейишди.

Омонлиқ қандай иш билан келганини айтди.

Дарвозабонлар ундан синглицининг кўриниши, белгиларини суриштиришди.

Омонлиқ нима дейишни билмай, бир зум ерга қараб ўйлаб турди-да:

— Исми Олмагул! Ўн уч яшар эди, ақлли, сочлари қалин эди... — деди.

Худди шу пайт дарвозага яқин ердан эшагини етаклаб келаётган одам Омонлиқнинг гапини эшитиб тўхтади.

— Ҳой, Тошмат, нега тўхтадинг? Йўлингдан қолма! — деб бақирди дарвозабонлардан бири.

Омонлиқ кетига ўгирилди. Оппоқ соқоли кўкрагига тушган бир қария эски чопонини судраб, уларга қараб турарди.

— Ҳой, қорақалпоқ, хон қабул қилмаса, менинг олдимга кел, анови уйнинг орқасидаги қудуқдан эшагимни суғориб тураман, — деди чол Омонлиққа.

Омонлиқ ҳайрон бўлиб қолди.

Шу орада дарвозабонлардан бири ичкарига югуриб кетиб, бир оздан кейин қайтиб чиқди-да:

— Хоннинг вақти йўқ. Вазир ҳам қабул қила олмайди. Сен қидириб юрган аёл бу атрофларга келмаган экан, — деди.

Омонлиқ ҳамон умидвор бўлиб, дарвозабонларга қараб турарди.

— Иш тамом, кетавер. Агар хонни кўриш ниятинг бўлса, пайшанба куни кел, шу дарвозадан овга чиқадди.

Омонлиқ нима қилишини билмай, ўйланиб турди-да, кейин «майли, пайшанба куни кела қолай» деб шивирлаб изига қайтди. Эшагини суғоришга кетган одамни топишга шошилиб, тез-тез одим отди.

Тошмат чол боя кетган йўли билан қайтиб келаётган экан. Омонлиқни кўриб, ўзи биринчи бўлиб салом берди.

— Ўғлим, дарвозабон билан гаплашаётганингни эшитиб, бир нарсани эслагандай бўлдим. Нима иш билан келганингни қисқа қилиб менга ҳам гапириб берчи, — деди у.

— Сизга айтганим билан нима фойда? Балки, хондан бўлак ҳеч ким билмаса керак. Мен Олмагул исмли синглимни қидириб келган эдим...

— Биладан, ўша синглингни олиб кетган карвонда мен ҳам бор эдим. Карвонбошимиз йўлда нияти бузилиб, у қизни Хоразм хонига сотиб юборди.

— Хоразм хонига сотиб юборди?

— Ҳа, болам, сотиб юборди. Бунинг ҳайрон бўладиган ери йўқ.

Омонлиқ ерга қаради.

Тошмат чол гапида давом этди.

— Карвонбошимиз молпараст одам эди, — деди Тошмат чол бир оз маъюс тортиб. — Иложимиз қанча? Бу дунёда молпарастлар кўп. Шу қизни сотган пулдан бермадинг деб, орамиздан бир марази чиқиб, Бухорога қайтганимиздан кейин бор воқеани хонга айтибди. Хон ҳаммамизни сўроқ қилди. Фазабланиб «билмайман» деганларнинг тили, қулоғини кесди, қолганларимизни ишдан ҳайдади. Карвонбошини дорга осди. Бир мен шўрлик тасодифон омон қолдим. Мана шунгаям йигирма йилдан ошди. Ўша жигарингни қидириб йўлга чиққан бўлсанг, мард экансан. Ҳали ҳам кўзинг тийрак, ақлинг зийрак бўлса, Хива хонининг саройидан топсанг керак. Ақлли қиз эди. Карвонбошимиз шу қизнинг уволига қолиб, худонинг қарғишига учради. Изла, топ, болам. Қидириб топмасанг, сен ҳам қарғишга учрайсан. Сени кўрганим менга ҳам яхши бўлди. Дилимдагини сенга айтиб, кўнглим тинчийдиган бўлди. Хайр, йўлингни берсин, болам!

Тошмат чол эшагини етаклаб, йўлига равона бўлди. Омонлиқ ундан бошқа ҳеч нарсани сўраб улгурмади. Турган ерида узоқ турди. Хаёлига ҳеч бир фикр келмасди, куннинг қайси томонга ботиб, қайси томондан чиқишини ҳам билмай қолганди. Мияси ғовлаб кет-

ганди. Бу нуроний чолга ишонишини ҳам, ишонмасини ҳам билмасди. «Ўша жигарингни қидириб йўлга чиққан бўлсанг, мард экансан?» Бу нима дегани? Кесатяптими ё чинимикин?..

У эшитганларининг ҳаммасини Қўсимбетга айтиб берди.

— Бундан йигирма йилча муқаддам чиндан ҳам бир карвонбоши осилган эди, — деди Қўсимбет. — Шундайгина сарой дарвозасига осилган эди. Уч кун осилиб турди. Нега осилганини аниқ билмадик. Ҳар ким ҳар хил гап тарқатганди. «Хонга тегишли ўлжа бир қизни сотган эмиш. Амирнинг душмани Хива хонига сотганмиш...» деган гап ҳам қулоғимизга чалинган эди.

Омонлиқнинг бу гапларга ишонмай иложи қолмади. У кетига қайтишга мажбур бўлди.

Бухорога келиб қолган қорақалпоқлар Омонлиққа ачинишди. Уни шунча йўлга қандай қилиб яна пиёда жўнатиб бўлади? Амударёнинг қуйи томони қаёқда-ю, Хоразм қайда? Улар ўйлашиб-ўйлашиб, ниҳоят, пул тўплашиб, бир эшак сотиб олиб, Омонлиқни миндиришди.

— Мана, қуйи қорақалпоқ элининг азамати, — деди овул кадхудоларидан бири эшак жиловини унга тутқазиб. — Бу сенга Бухоро қорақалпоқларидан совға. Бошқа иложимиз йўқ. Юртинга борсанг, бизларни унутма. Агар яхши кунлар келса, биз ҳам кўчиб борамиз. Ҳозирча ўзларинг яхшилаб ўрнаша беринглар. Бизлар кўзгалмай турайлик. Узоқ йўлга етгудек ҳолимиз йўқ. Уразан ботир жуда мард одам эди, ўгли отасига ўхшаган бўлса, бизларни ҳам қўшиб олар. Маман бийга салом де. Юртимизга келиб кетган Эсим бийга ҳам салом айт. Биз ҳам кўпайиш ҳаракатида бўламиз. Сизнинг фармонингиз биз учун ҳам фармон!..

— Яхшиликларингиз учун қуллуқ, азиз жигарбандларим, — деди Омонлиқ икки қўлини кўксига қўйиб. — Саломларингни юртимга албатта етказаман. Қўнғирот уруғидан Эсенгелди деган атоқли бийимиз ҳам бор. Унга ҳам салом айтаман. Ҳозирги дуруст бийларимиздан бири ўша. Ҳозирча Маман кетмаса, юртимиз қаддини анча ростлаб оладиганга ўхшайди. Бироқ, дўстларим, Маман юртимизда ўрнатган тартибга сизлар ҳам бўйинсунинглар, кўпайинглар, униб-ўсинглар. Қорақалпоқлар камайиб кетган. Маман бийнинг «кўпчиликда гап кўп» деган гапи бор.

Кўп бўлсак, ҳар ким ҳам ҳайиқади, — деб Маман бийнинг гапларини неча бор такрорлаган бўлса ҳам, яна таъкидлади.

— Сизларда нима бўлаётганини эшитсак, биз ҳам шуни қиламиз, бизга ишонаверинглар, — деб қолди ҳамма.

Омонлиқ улар билан бирма-бир хайрлашиб, энди Амударёнинг қибла ёқаси билан, Хоразм эли қайдасан, деб кўк эшагига хила босди...

10

Сўнги ойларда иши кўпайиб, овулма-овул кезиб юрган Маман бий бугун уйида эди. У чайласи туйнугидан кўринаётган узук-юлуқ оппоқ булутларга қараб, чипта устида икки кўлини бошининг остига қўйиб чалқанча ётарди. Икки кўзи осмонда бўлса ҳам, хаёли хотинида эди. Кечаси икки марта кўрпасини кўтариб ташлаб, «дадажон, аяжон» дея алланарсаларни гудранди. Фазаб билан алақимни қарғади. Нега бундай қилди экан? Бундан икки ой муқаддам хурсанд бўлиб, «Катта бий, фарзанд кўрадиган бўлдингиз», деган эдику. Мана энди ўша хурсандчилигидан ном-нишон йўқ. Нима бўлди экан? Кечаси сўраса бўлар эди, лекин хотинининг уйқусини бузиб, безовта қилгиси келмади. Сўрамади.

Боғдагул кечалари қандай аҳволга тушишини, кўрқиб уйғонганларини сезар эди. Бугун хотини кейинги бир ой ичида биринчи марта тинч ухлади. Бўлмаса, қоронғи тушди дегунча кўзидан уйқу қочарди. Ташқарида бирон нарса тиқ этгудек бўлса, сичқоннинг ини минг танга бўлар эди. Бундай бўлишининг сабаби, бир ой муқаддам ёмон бир воқеа юз берди. Бир нотаниш одам кечаси эшигини очиб кириб, бўғиб ўлдирмоқчи бўлди. Боғдагул ҳам қараб турмади, жонҳолатда у билан олишди. Кирган одам оч эканми ё нимжон эканми, ёш аёлга кучи етмай, охири қочиб қолди. Бироқ оқибати хунук бўлди. Боғдагулнинг ҳомиласига зиён етди. Боғдагул буни ҳеч кимга билдирмади. «Эл ғамида, элнинг келажаги ҳақида қайғуриб юрган эримнинг қулоғига етса, ишига путур етади, юмушини битирмай уйга қайтса, шаънига доғ тушади», деб айтмади... Кеча кечқурун ҳам айтмаган эди.

Ҳозир у қозон-товоқ тарафга оёқларини узатиб, арқон эшиб ўтирибди. Бу гапни билдириш хаёлида ҳам

йўқ. У соч-соқоли ўсиб кетган эрининг ҳорғин юзига аҳён-аҳёнда кўз қирини ташлар, ухлаган-ухламаганини билмоқчи бўлиб, ғоздай бўйинини чўзиб қарар, яна кафтини ҳўллаб, ишини қилар эди.

— Дўндиғим, озиб кетибсан. Ажинларинг кўпайибди... — деди бий ётган кўйи.

Боғдагулнинг озғин, рангпар юзига қон югуриб, ғалати бўлиб кетди.

— Шундай, ўзим... катта бий. Учган юлдуздан қўрқиб, бўйимдаги ҳомиладан айрилдим.

Бий хаёл денгизига ғарқ бўлди. Боғдагул бўлган воқеани яширгани келажакда кимга фойда, кимга зиён келтиришини билолмай ўйланиб қолди.

Худди шамол очгандай, эшик пардаси аста кўтарилди, ичкарига мушукдай пусиб кирган болани ҳеч ким кўрмади. Ичкарига кирган Ойдўс эди. У уйдаги-ларнинг қандай кайфиятда ўтиришганини пайқамай, остонани ҳатлаган ерида тўхтаб, қўл қовуштирди.

— Ассалому алайкум, бий ота!

Катта бий ўрнидан турмади, фақат бошини эшик томон бурди.

— Кел, болам, кел. Дўндиғим тур, ўрнингдан, Ойдўс келибди.

Боғдагул эрининг гапини икки қилмади. Оёғига арқон ипи ўралиб ўрнидан турди, этагидаги пўстлоқлар ерга тушди.

— Опа, ўтираверинг, — деди Ойдўс хижолат бўлиб. — Бий ота, мен сизни меҳмонга айтиб келдим. Эсенгелди бий ўғил кўрди. Ўғлига исм қўйдирмоқчи. Сизга қўйдирмоқчи бўлишди. Кўпчилик сизни келмайди, деди. Ким чақирса келар экан дейишди. Мен бориб чақириб келсам, келадилар, дедим.

Маман бий Ойдўснинг юпқа лабларини кўриш учун бетига тикилди, бироқ унинг ерга қараб гапираётганидан хафа бўлиб:

— Болам, одамнинг юзига қараб гапиришга одатлан, — деди ва эринчоқлик билан ўрнидан турди. — Майли, болам, ваъда қилган бўлсанг, бора қолай.

— Чиндан ҳам, мен келмасам бормасмидингиз, бий ота?

— Чарчаганман, болам. Азизим, отни олиб кел-чи.

Маман бий «Қозоқ дарё»дан кечаги келишида Мурод шайхнинг отига ўхшаш бўз от миниб келган эди. Мирзабек бий Кичик юз хонидан яширинча бориб, оғайниларини кўриб қайтаётганида шу отни олиб кел-

ган экан. Қорақалпоқнинг катта бийи яёв юрганига ачиниб унга инъом этибди.

Маман бий ташқарига чиққанида Боғдагул оқ бӯз отнинг тушовини ечиб, ёлини тараб турарди. Маман хотинига мамнун назар ташлаб, кўлидан отнинг жоловини олди, ирғиб минди.

Икки отлиқ Кўк ўзакни ёқалаб, сўқмоқ билан йўлга тушишди...

Амударё этагидаги тепаликлар орасига жойлашган қорақалпоқ овулларида баҳор нафаси кезарди. Ҳаво очиқ. Куёш чарақлаб турарди. Денгиз тарафдан майин, ёқимли шабада эсарди. Устки қатлами кўпчиган ердан буг кўтариларди.

Қамишзор тинчини бузиб келаётган от туёқларининг зарбиданми ё бўлмаса баҳор келиб жониворларни уйғотиб юборганиданми, ҳамма ёқ сирли шитирларди. Ойдўс болалиги тутиб, шу овозга қулоқ солмоқчи, ундан бирон нимани илғамоқчи бўлди-да, отини жоловидан тортиб тўхтатди. Чиндан ҳам, назарида, табиат ким учундир ёқимли бир куйни чертаётганга ўхшарди.

— Бий ота, теварак-атрофингизга бир қулоқ тунинг-а.

Олдинда кетаётган Маман бий ҳам тўхтаб, бола нима мақсадда отининг жоловидан тортганини тушунди.

— Бу баҳор таронаси, болам. Жамики мавжудоту махлуқот униб-ўсади, улғаяди. — Маман бий сўқмоқ чеккасида нинадай ниш ураётган майсаларни қамчисининг учи билан кўрсатди. — Мана буларни кўрдингми, Ойдўс болам? Бу кўкатлар кимдан миннатдор бўлиши керак?

Ойдўс катта бийнинг савол берганидан хурсанд бўлиб, бир зум ўйланиб турди-да, кейин жавоб берди:

— Томиридан, ер тагидаги илдизидан, бий ота.

— Тўғри, ўғлим. Томири бўлмаса, ўсолмас эди. Бироқ куёш чарақламаса, илдизлар ҳам қурийди. Шунинг учун бу ўт-ўланлар куёшдан ҳам миннатдор. Ишқилиб куёш ҳаминша бугунгидай чарақлаб турсин. Шунда ҳаёт яхши бўлади.

— Ҳаёт деганингиз нима, бий ота?

Маман бий ён-верига қаради. Соддароқ қилиб тушунтирмоқчи бўлиб, Ойдўсга ўгирилди. Унинг ёшлигини ўйлабми, қисқа жавоб берди.

— Ҳаёт — бу гоҳ юксакликка кўтарилиш, гоҳ чуқурга қулаш, гоҳ иссиқда куйиш, гоҳ совуқда тўнгиш. Мисол учун, отанг, сенга от қилиб миниб юр, деб таёқ

келтириб беради, сен ҳам ўз навбатингда отанга таяниб юринг деб, таёқ келтириб берасан. Ана шуни ҳаёт дейдилар. Катта бўлганингдан кейин ҳаммасини ўзинг тушуниб оласан, ўғлим.

Бийнинг гаплари Ойдўсни қитиқлаб қўйди. У пастки лабини ялаб, бийга яқин келди-да;

— Бий ота, элчиликка қачон бормоқчи бўляпсиз? — деб сўради.

Маман бийнинг кенг пешонаси тиришди, яраси янгилашиб, туз сепилгандай бўлди, кўзида ёш йилтилади. Маман бий Ойдўснинг бу саволи шунчаки бола-ларга хос синчқовлик эканини тушунарди. Бунинг сабаби бор эди. Ўтган йили ўз фармонининг қанчалик бажарилаётганини текшириш мақсадида пиёда Янгидарёгача овулларни айлангани чиққан катта бийга Ойдўс бир ой ҳамроҳ бўлган эди. Болажонли бийни Ойдўс жуда яхши кўриб қолди. Унга катта мамлакатлар ҳақида билган эртаклари, афсоналарини айтиб берди. Узининг Петербурғга боргани, аёл подшони кўргани, Нева, Эдил, Ёйиқ, Обь дарёлари, Қозон, Хива шаҳарлари ҳақидаги таассуротларини, кенг фикрлашга ўргатган пўлат иродали, довюрак Мангуберди ҳақида узундан-узун ҳикояларини айтиб бериб, бола-нинг оғзини очиб қўйган эди. Соҳибқирон Амир Темури ҳақида эшитганларини бир неча марта айтганди. Овсар Иван ҳақида латифалар гапирганди. Кичик юз қозоқлари билан руслар ўртасида дўстона муносабатни ўрнатмоқчи бўлган Абулхайрхон ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берганди. Шу-шу бўлди-ю, болага бу атрофдаги жойлар торлик қилиб қолди, хаёли денгиз, дарё, тўқай, ялангликлардан ўтиб, олисларда парвоз қиларди. Катта бий айтиб берган ҳикоя, этак, афсоналарнинг мазмуни тушларига кириб, ўзи ҳали кўрмаган халқ ҳақида ажойиб таассуротлар билан юрарди... Бироқ бола ҳозир катта бийнинг кўзидан чиққан қувонч ёшини кўрмади.

— Ойдўс болам, менга жуда оғир савол бердинг. Иш-қилиб, бир кун эмас, бир кун фаройиб мамлакатларга борамиз, ўғлим. Ҳозирча боришга йўл йўқ. Денгиздан ўтиб бўлмайди... Эҳ, болам, ҳаммасининг ҳам иложи топилар эди-я, лекин биз катталарда аҳиллик йўқ-да...

Маман бий катталар қаторига қўшиб, унча-мунча одамлар ечолмайдиган гапни ўртага ташлаётганидан хурсанд бўлиб кетган Ойдўс болалиги тутиб уялди-да, пастки лабини тишлади. Лекин яна савол берди:

— Ёши улуғларимиз нега шундай қилишади-я?..
Ундай бўлса, бизлар борамиз.

— Эй, ўғлим, ҳозирча ёши улуғларни тушунмай ҳам қўя қол. Ёшинг улғайганда ўзинг тушуниб оласан. Бориш масаласига келсак, сен албатта борасан. Торгинчоқ бўлмасанг, борасан.

Унча-мунча саволни беришга журъат қилолмайдиган бола, бора-бора дадилланди.

— Бий ота, сиз тўғрингизда эшитганимни сўрасам майлими?

— Сўрай бер, асло торгинма, болам.

— Сиз ўзимизнинг кийимимиздан сира нолиганмидингиз?

Катта бий ёш йигитнинг маъсум чеҳрасига ҳайрон бўлиб, худди биринчи марта кўриб тургандай, жиддий тикилди. Бола, саволимни эшитмай қолди деб ўйлади шекилли, яна сўради:

— Бий ота, Каъба яхшими, Қозон яхшими?

— Ўғлим, мен Каъбани кўрмаганман. Лекин Қозонни кўрганим учун Каъбани орзу қилмайман. Курол-аслаҳали, ғайратли эл биздақа халқ учун намуна бўлади. У томонга қанчадан-қанча халқларнинг савдогарлари бориб келади. Дунёда халқ ҳам кўп, тил ҳам, урф-одат ҳам кўп. Шу халқлар ичида энг ноаҳили биз бўламиз. Қўлимизнинг бармоқлари бир текисда қисилмайди. Шу сабабдан кўп бўлиниб кетдик. — Маман бий Ойдўсининг оғзи очилиб, отнинг туёғи бирор гиёҳни ғирч этиб ээса ҳам ёқмай, гапларига диққат билан қулоқ солиб келаётганини кўрди. — Кийимимизни сўраяпсанми? Ҳа, кийимимиздан нолиганим ҳам, халқнинг бир нарсага тез ўрганиб кетишидан хурсанд бўлганим ҳам эсимда йўқ. Мен оламни кўп кезмадим. Лекин элчиликка бир бориб келганимдаёқ, оламнинг ярмини айланиб келгандай бўлдим. Сабаби, хилма-хил халқлар, хилма-хил урф-одатлар, хилма-хил кийим-кечакларни кўрдим. Ахир шуларнинг ҳаммасидан ўрганиш, ҳаммаларининг хунарлари билан ошно бўлиш биздақа озчиликни ташкил этадиган халқ учун катта бахт бўларди... Ҳа, кийим ҳақида гапирувди, ўғлим. Халқимизнинг кўйлаги нўғойча, иштони ҳиндларники, чопони бошқирдларники, каштаси украинларники, чопон қозоқлардан ўрганиб тикилган. Қалпоғимизга келсак, у қора, мотамсифат бўлгани учун ўзимизники. Бу ёқларга олдинроқ келиб қолган Эсенгелдилар мотам қалпоқларини яширишиб, хоразмча телпак кийишни одат қилишибди.

— Бий ота, халқимиз ўзбеклардан нималарни ўрганганини айтмадингиз.

— Ўзбеклардан ўғлим, ҳунар, илм-ҳикмат ўрганса бўлади. Бироқ улар билан борди-келди қилиб ўрганганимиз — ўжарлик, бир сўзлилиқ...

— Бий ота, ота хундори дегани нима дегани?

Маман бий Ойдўснинг беғубор саволларига кўп нарсани билишга қизиқаётганлигига, ўзини астойдил яхши кўришига қараб туриб, бобоси воқеасини билмас керак, деб ўйларди. Ҳозирги саволи унинг кафиятини бузди.

— Бу гап қаёқдан чиқди? — деди ҳайрон қолиб.

— Онамдан эшитдим, бий ота, — деди бола катта бийнинг тоқатсизланганини сезмай. — Онам Эсенгелди бийнинг дадамга айтаётганини эшитиб қолибди. Бу гап бултур, мен сизни излаб уйдан чиқиб кетганимда бўлганди.

— Ассалому алайкум, бий оға!

Иккаласи гап билан овора бўлиб, қаерга келиб қолганини сезмай қолганди. Маман бий ялт этиб овоз келган томонга ўтирилди. Бекдулла қора соқолнинг экинзорига келиб қолишибди. Буғдойзорнинг бир чеккасида икки қўлини кўксига кўйиб салом берган Собир сатанг экан.

Маман бий кўк бахмал тўшалгандай ям-яшил буғдойзорга маҳлиё бўлиб, хурсандлигидан овози титраб деди:

— Собир, саломатмисан? Аҳволлар қалай, тинчлик-омонлиқми?

— Куллуқ, бий оға, соғ-саломатман. Манови буғдойга қоровуллик қиляпман. Сизни узоқдан таниб югуриб келяпман.

— Мендан хафа эмасмисан?

— Ҳаммаси ўтиб кетди. Сизга миннатдорчилик билдириб кўяй десам, қоровулликдан бўшолмай турган эдим, бий оға. Худо берди, хотиним оғир оёқли. Хотиним туғмаса, битта етим болани боқиб оламан деб юрувдим... Узимиздан тиниб қоладиганга ўхшаймиз.

Кўз олдида саёқ йигитлардан бирини сўкиб, қарғаниб кетган одамнинг ҳозирги миннатдорчилиги Маман бийда истеҳзоли кулги ўрнига шафқат туйғусини уйғотди.

— Раҳмат, Собир. Болалик бўлган кунинг хабар қил, яхши исм танлаб кўяман, — деди у.

Собир қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, букилганича туриб қолди.

Ойдўс бу гапларнинг маъносини тушунмади. Маман бийга бундай миннатдорчиликлар кўп билдиришларидан ҳайрон ҳам бўлмади.

— Жуда яхши одам эканми, бий ота? — деди фақат.

— Ҳа, болам, яхши одам.

— Бий ота, сиз нечта тилни биласиз?

— Ўз тилимдан ташқари рус тилини биламан.

— Эсенгелди бий қозоқ, ўзбек, туркман, қирғиз, нўғай тилларини билади дейишади.

— У тилар билан бизнинг тилимиз ҳандалакнинг турли тилими, болам. Беш-олти кун ичида аралашиб юрсанг, ўрганиб кетаверасан.

— Менинг ҳам кўп тилларни билгим келади.

— Унда ўқиш керак, болам. Ўқиш, билим олиш — халқнинг номини чиқаради. Ана шу ном, шуҳрат хусусида бугун Эсенгелди бийнинг уйида бош бийлар билан маслаҳатлашамиз.

— Қаёқда ўқиган яхши? Хивадами, Қозондами ё Истанбулдами?

— Юқорига йўл очилгунча яқинроқ ерда, Хивада ўқий турасизлар.

— Унда ўқийлик, бий ота.

— Сен билан бирга яна ким ўқимоқчи?

— Қобил деган жўрам бор. Яна анча болалар бор, бий ота.

— Мен Эсенгелди бийникидан чиққунимча жўраларингни тўплаб тур, хўпми?

— Яхши, бий ота...

11

Бозор кунни тонг азондан бош қашлашга вақт топмайдиغان саройбонлар ишлари роса кўпайиб кетганига қарамай, қуёш оғандан кейин бозорчилар қайта бошлашганидан қувонишиб, чаққон бўлиб қолишганди. Шаҳар чеккасидаги девори сархорлик карвонсаройнинг эгаси Матёкуб — эгнидаги қора, кир чопони устидан белига худди курашга тушадиган полвонлардай, бир парча бўзни боғлаб олганди, у оёғидаги катта чарм кавушини шалопплатиб, карвонсарой дарвозасига суянганича қайтиб кетаётган бозорчилардан қозик пули ундириб олаётганди. Отига, эшагига миниб кетаётиб қўлига бирон нарса ташлаб

ўтганларнинг орқасидан икки букилиб, соқолини сийпар, дуо қилар эди.

— Келиб туринг, бу сафар яхши хизмат қилолмадик, жигарим.

Намозгарга яқин, бозорчилар тарқалиб бўлаёзган паллада шу сарой олдида Омонлиқ пайдо бўлди, эшагидан тушиб, саройбонга салом берди ва тунашга рухсат сўради.

Матёқуб ўйланиб турмади. Эшаклининг бошидан-оёғигача разм солди: соч-соқоли ўсган, ўнг қулоғи йўқ, афт-башараси чанг, яланг оёқ. Йўловчининг роса ҳориганини фаҳмлаб, раҳми келди.

— Майли, туша қолинг.

— Касбингиздан камол топинг, ака!

— Сен бухороча гапирганинг билан қорақалпоққа ўхшайсан-ку?

— Топдингиз, ака, — деди Омонлиқ секингина ва эшагини етаклаб мезбон кўрсатган қозиққа боғлади.

Матёқуб саройбон кечки овқат маҳалида Омонлиқни бошқа меҳмонларидан ажратиб, чақириб олди. Ўзини таништирди. Хивага келадиган ҳамма қорақалпоқлар шу ерда тўхташларини айтди. Бундан икки бозор муқаддам Эсенгелди бий билан Маман бий деганларнинг қўниб ўтишганини хабар қилди. Узоқ йўл азобидан чарчаб, мудраётган йигит, бийларнинг номларини эшитиши билан худди устидан биров муздай сув қуйиб юборгандай, кўзларини катта-катта очди.

— Нега келишган экан? Саройбон ака, тушунтириб беринг. Эсенгелди бийнинг номини нега Маман бийникидан олдин тилга олдингиз?

Омонлиқ сўрашга сўради-ю, гапим уй эгасининг кўнглига қаттиқ ботмадимикан, деб кўрқиб кетди.

— Саройбон ака, кўнглингизга келмасин, элимизда Маман бийнинг номи олдин айтилар эди.

— Гапинг маъкул, меҳмон. Улар меникига келиб қўнишган куниеқ пайқаган эдим. Маман бий ҳаммаларидан удабурони, ақлиси экан. Эртаси куни улар хон қабулига боришганда, хон уни қабул қилмай Эсенгелди бийни қабул қилди.

— Нега энди?

— Аниғини билолмадим. Йўлдошларининг айтишларига қараганда, у русларга яқинроқ одам экан. Ўрисчани билармиш. Ўрис дини билан мусулмон дини ўт билан сув-ку... Ўт чиқиб кетмасин, деб кўрқигандир.

— Йўлдошлари ким экан?

— Мадрасада ўқитгани олиб келган болалари бор экан. Улардан ташқари, яна йигирмага яқин йигитларни олиб келишибди. Хунар ўрганишсин, дейишибди.

— Йигитлар ҳали ҳам шаҳардами?

— Мадрасадагилар шу ерда. Уларни Эсенгелди бийнинг ўзи Шерғози хоннинг мадрасасига топшириб кетди. Кўрсам бўладими, демоқчимисан? Иложи борми-йўқми, билмадим.

— Йигитлар-чи?

— Уларни Маман бий бошлаб кетган эди. Қул бозорида ҳар томонга тарқатиб юборибди.

— Қул бозорида сотилганлар яна уйларига қайтиб бориша олармикан?

— Қул бозорида чўрилар ҳам, хизматкорлар ҳам сотилаверади.

Омонлиқнинг кўнгли бир оз таскин топгани билан, хон Маман бийни қабул қилмаганидан ташвишга тушиб қолди. Чидолмади.

— Матёқуб оға, барака топинг, айтинг-чи, сизнингча Маман бий ақллими, Эсенгелди бийми?

— Маман бий ақллироқ кўринди. Бечора туни билан мишжа қоқмади. Мадрасага кетаётганларга: «Ўқиб, илм-ҳикматни ўрганинглар. Халқимизни халқ қилишнинг йўлини топинглар. Илм-ҳикматли одам халқининг номини оламга таратади. Астойдил ўқинглар. Шуни билиб қўйинг, ўқиш — игна билан қудуқ қазишдай гап. Сира эринманглар, чарчадим деманглар...» деб насиҳат қилди. Ўша йигитларга: «Бий йигитга етмиш хунар оз. Ҳеч бўлмаганда биттадан хунар ўрганмасаларинг, элимизга қайтиб борманглар. Иложи бўлса, битта-яримга ўзбек қизига уйланиб, уй-жойлик бўлиб қайтишга ҳаракат қилинглар...» деб ҳаммасига қайта-қайта тайинлади. Дастлаб Эсенгелди бий Маман бийнинг юзига қараб гапирарди. Хон хузурига кириб чиққандан кейин ўзгарди-қолди. Маман бийга димоғ билан муомала қилди. «Мен кетдим, қул бозорига боринг келаётган бўлса, сен қолавер», деб ўзи кетиб қолди.

Омонлиқ:

— Жуда ўжар одам, ўжар, — деди афсусланиб. Саройбон ҳам Омонлиқнинг гапини тасдиқлади.

— Бузуқи экан, — деди. — Мен қорақалпоқларни мўмин, қўй оғзидан чўп олмайдиган ювош халқ деб ўйлардим. Бундай деб ўйлашимнинг сабаби, қорақал-

поқлардан Худоёр отбоқар деган жўрам бор эди, ўша шундай ювош, камгап одам эди...

— Худоёр отбоқар дедингизми?

— Ҳа, меҳмон. Бечора жуда яхши одам эди. Ҳамма қорақалпоқлар Худоёр отбоқарга ўхшаса керак деб ўйлардим, — деб Худоёр отбоқар ҳақида кўрган-билганларини бир чеккадан гапириб берди. Унинг ҳикоясига қараганда, гап оламдан ўтган одам ҳақида кетаётганини тушунди. Шундай бўлса ҳам, Омонлиқ аниқлаб олмоқчи бўлди.

— Худоёр отбоқар ҳозир қаерда?

— Ўлган.

— Қаерга кўмилган?

— Асти сўрама, меҳмон, — деб Матёқуб саройбон оғир хўрсиниб қўйди. — У кишига худо бир омад берган эди-ю, яна кўп кўрди... — Матёқуб саройбон Худоёр отбоқар ҳақида ҳикоя қилишни соғиниб юрган одамдай, шошилмай ҳикоя қилиб, Бухоро савдогарлари Хива хонига сотиб кетган бир қизни рус савдогари билан бирга юрган Бўрибой Қорақалпоқ ўғли деган йигит хондан сўраб озод қилиб кетганини, ўша қиз Худоёр отбоқарнинг туғишган акасининг қизи бўлиб чиққанини, кейин улар хоннинг сеvimли отини миниб бир кечаси юртларига қочишганини, лекин изларидан хон одамлари етиб бориб, бирини ўлдириб, балиқлар есин деб сувга ташлашганини, иккинчисини ҳам ўлдириб, қарға-қузғунларга ем бўлсин деб йўлга ташлаб кетишганини ачина-ачина гапириб берди.

У фожиали воқеани ҳикоя қилар экан, Омонлиққа қандай таъсир қилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У йигит муштини пешонасига тираганча ҳайкалдай қотиб, рангги қув ўчиб кетганини кўриб, қўрқиб кетди.

— Сен уларни танирмидинг?

Омонлиқ жавоб бериш ўрнига анчагача қимирламай ўтирди. Алламаҳалда ўзига келиб, оғир хўрсинди.

— Танимайман, Матёқуб оға...

Бу жавобни ўйлаб бердими, ўйламай бердими, лекин нима сабабдандир енгил тортгандай, юрагидаги муз эригандай бўлди. Яна қайтарди:

— Танимайман, Матёқуб оға...

Омонлиқнинг юрак-бағри ўртаниб кетганини хўрсинишдан сезган, шунчаки ўзини-ўзи босиш учун «танимайман...» деганини тушунган саройбон бирпас индамай ўтирда-да, кейин ўрнидан турди.

— Чарчагансан, меҳмон, ётиб дамингни ол, — деди.

Азонда Омонлиққа солиб берган ўринни йигиш учун Матёқуб оғанинг ўзи кирди. Доим қотиб, чаккага ботиб ётадиган тери ёстиқ сувга ботириб олгандай, ҳўл бўлиб қолибди. Нима воқеа юз берганини кўнглидан ўтказди-ю, меҳмонга ҳеч нарса демади. У юз тавалло қилганига қарамай, эшагини етаклаётган Омонлиқнинг олдига борди.

— Ҳа, кетмоқчимисан, меҳмон?

— Кетаман, Матёқуб оға, кетаман.

Омонлиқнинг иккала кўзи қип-қизариб, рангги синиқиб кетганди, шу ҳолида йўлга чиқадиган бўлса, йиқилиб қолиши ҳеч гап эмасди.

— Қаёққа? — деб сўради саройбон.

— Қаёққа?! — Омонлиқ ўзига-ўзи савол бериб, ажабланди.

— Балки, сен ҳам бирон ҳунар ўрганиб кетсанг бўлармиди?

Бу маслаҳат Омонлиқни ҳушига келтиргандай бўлди.

— Қаердан иш топсам бўлади? — деди у эшагига ёпишган ҳасларини олиб ташлаётиб.

— Ичкарига кир, чой устида маслаҳатлашиб кўрамиз. Балки, ўзингни қул бозорига солиб кўрсангми-кан? Сендай йигитларга харидор кўп бўлади.

* * *

... Қул бозори бегим кунлари ҳам (гавжум) бўлар экан. Сотишга олиб келинган, оёқ-қўллари кишанланган қуллар қаторида Омонлиқ ҳам бақувват билакларини кўз-кўз қилиб кўк эшагининг биқинини артиб турарди.

Бир киши Омонлиқнинг атрофидан айланиб, эшагининг оғзини очиб, тишини кўрди, кейин ўзига бошдан-оёқ разм солди.

— Қандай ҳунаринг бор?

— Кучимдан бўлак ҳунарим йўқ, — деди Омонлиқ.

— Эшагинг ёш экан, ўзингнинг кучинг етадими?

— Ҳозирча кучим етади.

— Ундай бўлса, менга ёллана қол. Мен балиқ қовуриб сотаман.

— Балиқ қовуриш ҳам ҳунарми? — деди Омонлиқ.

— Ундай дема. Мен бу ҳунаримни хоннинг тахтига алмаштирмайман. Ахир, шикорга кетаётганида, хон-

нинг ўзи ҳам қовурдоқ хонамга кириб ўтади. Бу ҳунар ё ҳунар эмаслигини ҳали кўрасан. Балиқ қаёқдан келади, дейсанми? Қуйи қорақалпоқлар биз учун балиқ овлашади.

Омонлиқ балиқпазнинг пичингини тушунган бўлса ҳам у билан баҳслашмади. Ҳаммадан ҳам уни қизиқтирган нарса, қуйи қорақалпоқлардан балиқ олиниши эди... У дарров рози бўлди...

Балиқпаз Хивадан бир манзил йўлда, шаҳарга туташган уйлари пастак-пастак катта гузарда истиқомат қилар экан.

Балиқпаз Омонлиқни уйига олиб кириб, чой-пой ичирганидан кейин, уни ойнак ўрнига сомон тиқилган қоронғи бир хонага бошлаб кирди.

— Эшагинг билан бирга шу ҳужрада ётиб юрасан.

12

Эсенгелди бийнинг Хивадан чиққанда хурсандлигидан от қамчилашини кўрган киши, унинг бу ҳолатини тасвирлаб беришга ожизлик қиларди. Оти қанотли қушга, ўзи шу қуш қанотига сездирмай қўниб олган чивинга айланиб қолгандай, учди, елди. Бир ҳафталик йўлни неча кунда босиб ўтганини ўзи ҳам аниқ билмасди. Ҳаллослаганича уйига яқинлашиб шовқин солди.

— Бормисизлар, ким бор? Бийларга, қўнғиротнинг бек йигитларига хабар қилинглар! Ҳаммалари шу ерга тўпланишсин!

Қўнғир отини ўйноқлатиб жадал келаётган бийни кўрган овулдошлари, айниқса, лаганбардорлари унинг аниқ бирон топшириқ беришини кутмаёқ, яйдоқ отларига ирғиб-ирғиб минишди. Бир нарсадан ҳуркиб қочган қуёнлардай патирлашиб, ҳар тарафга тўзғиб кетишди.

Эсенгелди йўлдан чарчаб келгани учун эмас, қувончини ичига сиғдиролмаганидан, уйига кира солиб, ўзини кўрпачага ташлади. Бошига уч ёстиқ, иккала оёғи тагига биттадан ёстиқ қўйдириб, чалқанча ётди.

У келганларга шу ётишида қўлининг учини бериб, саломлашарди. Илгарилар бемалол келаверадиганлар ҳозир киришлари билан Хива тарафдан бир гап борлигина пайқашарди-да, остона ҳатлашлари билан тўхтаб, бий кўрсатган ерга омонатгина чўккалашар, қимирламай ўтиришар эди. Тегишли одамлар тўпланиб бўлиш-

гач, Эсенгелди томоқ қириб, кеккайиб ўрнидан туриб ўтирди.

— Юртнинг кадхудолари, сизларга Муҳаммад Амин иноқ салом айтиб юборди, — деб бошлади гапини у. — Биз бу ерда «фармон», «у-бу» деб, куруқ томоқ йиртиб, Маман бийнинг тузоғига илиниб, қилар ишимизни билмай, адашиб юрган эканмиз. Маман бий рус подшоси билан қозоқ хонининг айғоқчиси экан. У элимизни катта пул эвазига сотиб юборган экан. Нега кўзларингни жавдиратасизлар? Ишонмайсизларми? Бу гапни мен хон саройидан эшитиб келяпман. Мен ҳаммасини билиб келдим. Хивадагилар бизнинг ташвишимизни тортишяпти. Агар бизнинг тақдиримиз билан қизиқишмаганда, буларнинг ҳаммасини билишармиди?..

Бийнинг буйруғи билан тўпланганлар ҳеч нарсага тушунолмай, бир-бирларига жавдирашарди. Қалбида Маман бийга нисбатан муҳаббат, ҳурмати борлар ҳайрон бўлишиб, бу гапларнинг тагида нималар борлигини билишга ошиқишарди. Лекин Эсенгелди бий шошилмасди. Ўзини сиполикка олиб, томоқ қирди, йўталиб кўйди. Олдидаги совуб қолган чойни симирди. Яна томоқ қирди. Тўпланганларни гўё ўз болаларидай кўрган бўлиб, ҳаммаларининг юзларига бир-бир жилмайиб қараб, кўзини қисиб кўйди.

— Гап шунақа, кадхудолар, — деб яна чойдан ҳўплади. — Садаганг кетай Муҳаммад Амин иноқ мен билан анча сирлашди. Ичида гапи кўп экан. Орол бўйига жойлашган қорақалпоқларнинг тақдирига жони ачишиб, қовурғаси қайишадиган одам экан. Олиб борган болаларимиз, Султон бой, — Эсенгелди унга томон ўгирилди, — айниқса, Ойдўс маъқул бўлди. Мен олиб борганим учун ўз тенгқурлари билан бирга, мадрасага киргизиб кўйди. Маман бийни итга талатиб, шаҳардан қувлатмоқчи бўлган эди, мен кўймадим. Юртимизга эсон-омон қайтсин, ўзимиз танбеҳ берамиз, дедим. Ахир, айғоқчи бўлгандан кейин, юртимизни юрт қилармиди?.. Адашгани олдидагилар эмас, орқадагилар билиши рост экан. Бизнинг адашганимизни иноқлар ташқаридан туриб пайқаб юришар экан. Қалай, кадхудолар, ёмон элга қўшни бўлмаганмиз-а?

— Ҳа-да, Эсенгелди оға, ёмон элга қўшни бўлмаганмиз, — деди Ғойиб баҳодир, — Маман бий ҳам шундай деган эди. Ойдўсга Маман бийнинг ҳам эътиқоди баланд эди.

— Нима яхши гап гапирсак, Маман бийнинг номи билан боғлаб, ёмон ўргангансизлар, — деб Эсенгелди бийнинг бирдан жаҳди чиқиб кетди. — Етар энди. У худо эмас. Агар эл бўлишни, халқ бўлишни, яшашни истасангиз, бугундан эътиборан Амин иноқ нима деса, шуни қиласизлар. Хўп десаларинг ҳам айтаман, йўқ десаларинг ҳам айтаман. Бироқ, гапимнинг лекини бор.

— Кечирасиз бий оға. Маман бий қаёқда қолди? — деб сўради Қурбонбой бий.

— Олиб кетган йигитларини қул бозорга солиб қолди. Агар ўзи ҳам битта-яримтага қул бўлиб ёллаиб, бирон хунар ўрганиб қайтса, унда уни омон сақлаб қоламиз.

— Э бормисиз, тилингиз бирам ширин, гапларингиз бирам маъноли бўлиб кетганки! — деди баттар унинг димоғини шишириб Омонқул бий.

Эсенгелди бий мўйловларини сийлаб, тиржайди:

— Қулоқ сол, Омонқул бий, кадхудолар, қулоқ солинглар. — У яна мўйловини икки ёққа айириб, сийпаб қўйди. — Биз азалдан бир ёқадан бош чиқарган халқмиз. Амин иноқнинг яхши кунларга етишишига ёрдамлашиб юборсак, олам гулистон, еганларинг олдиларингда, емаганларинг кетларингда бўлади.

Хушxabарнинг кетини эшитишга ошиқаётган кадхудолардан бири Эсенгелди бийнинг гапни чўза берганига ортиқ тоқат қилолмади.

— Иноқнинг яхши кунларига етиши учун нима қилиш лозим экан?

— Жуда ўринли савол, кадхудолар, жуда ўринли. Хиванинг бир қисми туркман ёвмутларининг қўлида экан. Муҳаммад Амин иноқ шундан норози. Хонликни ёвмутлардан тозалаб олмақчи. Шунинг учун уларга қарши уруш очиш керак. Уруш учун навкар керак. «Қорақалпоқлар беш юз навкар берсин», деди. Мен хўп деб қайтдим.

Ҳаммасининг тилини биров суғуриб олгандай, ломим деёлмай ўтирарди. Бу аҳвол Эсенгелди бийни ҳайрон қолдирди, у яна ўзини ёстиққа ташлади, оёқларини ҳам ёстиққа қўйди.

— Ўйланглар, Муҳаммад Амин иноқ учун ўйланглар, — деди.

— Хивага қараб қийпанглаб кетсак, аввалги ваъдамизга хилоф бўлмасмикин? — деб ўтирганлардан бири орага чўккан сукунатни бузди.

— Қанақа ваъда? — деди Эсенгелди бий ялт этиб ўша томонга ўтирилар экан.

— Ўрусия эли билан тузилган шартнома нима бўлади? Янги оёққа турган улоқдай ҳар эчкининг елинига интилаверсак, тепки еб қолмасмиканмиз?

— Аслини олганда, биз Маман бий онасини ўлдирган ётим улоқлигимиз рост, — деб Эсенгелди бий қаддини ростлаб ўтирди. — Буни бутун Хива билар экан. Бутун Хива билгани — бутун олам билгани, деяверинг. Энди нима бўлса ҳам навкар тўплаб, эл бўлишнинг гамини енглар. Омонқул бий, маъқулми?

— Маъқул, Эсенгелди бий. Кўнғиротнинг сиздай доно бийи бошлаган йўлдан юрмасак, ҳолимиз хароб бўлишини биламиз. Мен, мана кўрасиз, уруғимга сўзимни ўтказа оламан, имкони кўтарган хонадонлардан биттадан навкар оламан.

— Сиз-чи, Фойиб баҳодир?

Фойиб баҳодир қора қалпоғини олиб, тақир бошини қашиди.

— Фойиб баҳодир Маманга ўхшайди, майли, ўйлаб кўрсин. Бутун Хитой уруғининг юк кўтарар нори, Қурбонбой бий, сен нима дейсан, ё онанг билан маслаҳатлашиб кўрасанми?

Кўпчиликнинг ичида «онанг билан маслаҳатлашиб кўрасанми», деган савол Қурбонбой бийнинг нафсониятига тегиб, беихтиёр ғурур билан жавоб берди:

— Маслаҳат солсангиз, биз ҳам жавоб қилишга қодирмиз.

— Фойиб баҳодир, Кўнғирот кенг юрт, бир этагини кўтаришиб юборарсан, деб ўйлайман. Нима дейсан?

— Эсенгелди бий, менимча, шу ўтирганлардан биронтаси ҳам сизнинг гапингизни икки қилмаса керак. Шундай бўлса ҳам муҳлат берсангиз яхши бўларди. Ҳар ким овули билан, йигитлари билан маслаҳатлашиб кўрса. Қачон десангиз элим учун жон садақа қилишга тайёрман.

Бу маслаҳат Эсенгелдига ҳам маъқул тушди. Ўтирганларни яна бир кўздан кечириб, кайфиятларини тушунганидан кейин, келаси пайшанбагача маслаҳатлашиб, аниқ бир қарорга келишни тайинлаб, уларга жавоб берди.

Бу ҳафта ичи овуллар тепасини қора булут қоплади. Ҳамманинг қовоғи солиниб, уч-тўрт одам тўпланган ерда ивир-шивир бўлаверди.

Маман бийнинг барча камчиликларини эслаб, унинг «айғоқчи»лигига ишонувчилар ҳам топилди. Айниқса, фармонни амалга ошириш пайтида дарахтга осилганлар, қирқ дарра еганларнинг яқинлари гапни катта қилишди. «Маман сотқин!.. Маман худобезори!.. Маман ҳалол-ҳаромни билмайдиган кофир...»

Юрт алғов-далғов бўлиб, Эсенгелди бийга ваъда берган бийлар бирлик учун нима қилишларини билмай, гаранг бўлиб турган бир вақтда Маман бий келиб қолди. Соч-соқоли ўсиб, йўл азобидан ҳориб, эндигина уйига етиб келган Маман бий кўргани келган ёр-дўстларидан Эсенгелди бий топиб келган янгиликни, бунинг натижасида овулда юз берган воқеаларни эшитди.

— Ҳа, Хиванинг шақаллари! — деди у фақат. Эсенгелди бий тўғрисида ёмон гап гапирса, оловга мой қуйгандай, эл ичида пайдо бўлган норозилик баттар кучайиб кетишини биларди. Шунинг учун у энг аввал Эсенгелди бийнинг ўзи билан юзма-юз учрашиб, гаплашиб келишга жазм қилди.

Эсенгелди бий ўтган сафар бийлар билан кадхудоларни тўплаб фикрини айтганида, ҳеч қайсилари қаршилик кўрсатмай тарқалишганига хурсанд бўлиб: «Хива кароматли шаҳар-да, номи айтилиши билан, юртим бўлиб қолди», деб кўнглидан ўтказган эди. Пайшанбагача уйдан чиқмай, келажагини ўйлаб, дам олиб ётган бий, Маман бийни ёнбошлаб ётган еридан турмай, совуққина қабул қилди. Унинг кейинги кунларда ўзгариб, яна янги қилиқ чиқарганини кўриб, ҳайрон бўлиб қолган Маман бий, остонадан ҳатлаган ерида қамчисини бир қўлидан иккинчи қўлига олиб тўхтаб қолди.

— Нега ағраясан, ўтир, — деди Эсенгелди бий.

— Ўрнингдан туриб ўтир!

— Ва-ҳа-ҳа-ҳа! Нимага бунчалик гердаясан, ўтирсанг-чи!

— Муҳаммад Амин иноққа қанақа ваъда бериб келдинг?

— Ҳа, ўтириб гаплаша олмайсанми? Майли, типпатик туриб эшит, жаҳлинг чиқса фирра кетингга ўгирилиб кетишинг осон бўлади. Муҳаммад Амин иноқнинг Хивани ёвмутлардан тозалаб олишига беш юз навкар берамиз.

— Кейин нима бўлади?

— Шундан кейин Хивадаги хон саройидан оролик ўзбекларни тўсиб турган тўсиқ олиб ташланади, йўл

очилади. Ўтирсанг-чи, биласанми, ороллик ўзбекларнинг биз билан қисмати бир. Бир денгиздан балиқ овлаймиз.

— Бу ёғини қўйиб тур. Муҳаммад Амин иноққа ёрдам бераман деб, туркманларни ўзимизга душман қилиб қўймаймизми?

— Худобезор одам, эшикнинг олдида серрайиб, ўрислик қилиб тургунча, элинг учун тиз чўк, суянчиқ тоғимизнинг канори деб, Кичик юзнинг ёвуз, ўжар хони Абулхайрга ёрдам бергизиб, халқни қириб юборганинг ёдингда бўлсин!

— Ёрдам берганимиз ёмон бўлмади, лекин Абулхайр алдади...

— Муҳаммад Амин иноқ алдамайди...

— Оқ ит, қора ит — бари бир ит!

— Нима дединг? Бу гапинг Амин иноқнинг қулоғига етмасдан чиқ бу ердан.

— Кўзингни ёғ босибди, Эсенгелди бий!

— Сенинг эса кўзинг кўр бўлиб қолган. Ўзингга раҳминг келса, астойдил элим-юртим десанг, бундан буён менинг айтганимдан чиқмайсан. Сўзимдан чиқсанг — чоҳга йиқиласан. Эндиги чоҳ чуқур бўлади. Ақлинг бўлса, тушунгандирсан. Мен сени хиваликларга ўлдиртирмадим...

— Ҳа, хомкалла! Елкангдаги бош эмас, қовоқ экан. Муҳаммад Амин иноқ қўйингни пуч ёнғоққа тўлатиб юборганига кўп ҳам мағрурланиб, меш қорнингни сийпайверма, вақти келиб дами чиқиб кетган пуфакдай пуччайиб қолишинг ҳеч гап эмас. Бировни дўст қиламиз деб, бошқа бир халқни душман қилиб нима қиламиз. Овора бўлма, халқ рози бўлмайди, беш юз навкар тўпланмайди.

— Ҳа-ҳа-ҳа, Маман бий! Халқ — ким! Халқ — мен! Сен тўтиқушсан! Халқ сенинг насл-насабингни ҳам, ниятингни ҳам энди фаҳмляпти. Мен билан тортишаверсанг, хароб бўласан. Ҳозир думингни қисиб, жўна, бундан кейин ўзингга эҳтиёт бўл!

Маман бий ҳозир бу одам билан тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини тушуниб, кетига ўгирилди, зарда билан эшикни ёпди.

Шу ўтовга қараб келаётган бир тўда отлиқнинг олдидан чиқди. Булар Омонкул бий, Қурбонбой бий ва Ғойиб баҳодирлар экан.

— Тўхтанглар! — деди Маман бий. — Бу ёққа нима иш билан келяписизлар?

Омонкул бий шерикларидан ажралиб, тўхтамай ўтиб кетди. Курбонбой бийнинг оғзи очилиб, иккиланаб қолди. Ғойиб баҳодир аниқ гаплашиб олиш мақсадида Маман бий томон бурилиб, салом берди...

13

Балиқпазнинг айтганлари рост чиқди. Қовурдоқхона доим гавжум, савдогарлар билан ўтган-кетганлар тўхтаб ўтишар, ҳатто, айрим шаҳарликлар атайлаб келиб, балиқ еб кетишар эди. Балиқпаз кўйни-кўнжи кумуш тангаларга тўлиб, омади юришган одам экан.

Омонлиқда сира тиним йўқ, тонг азондан қора кечгага ўчоқ олдида типпа-тик туриб, олов ёқади. Балиқпаз ора-сера, иссиқ бир парча қовурилган балиқ беради. Ейди.

Оч-етимлар билан гадоёлар кунларини шу ерда ўтказишарди. Улар эшик очилди дегунча, шу ерда ҳозир у нозир эди.

Афт-бошлари кир-чир тиланчи болалар дайди итлар билан таллашиб, ташландиқ суякларни кемиришарди. Омонлиқ ўз тирикчилигини уларники билан солиштириб, шукур қиларди.

У балиқпаз билан иш ҳақини келишмаган эди. Камгап, меҳнаткаш ўтёқар балиқпазга маъқул тушиб қолди. Баъзи-баъзида:

— Ҳой қорақалпоқ, биламан, сен билан иш ҳақингни шартлашмаганмиз. Кўнглинг тинч бўлсин. Мен бировларнинг ҳақини еб кетадиган номардлардан эмасман, — деб кўярди.

Омонлиқ яна ҳам тиришарди, ихлос билан ишлаб; чарчаганини ҳам унутарди. Юрти-элатини соғинганидан баъзи кечалари мижжа қоқмай чиқадиган бўлиб қолди. Агар шу кетишида кетаверса, териси суягига ёпишиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди... лекин бир куни кутилмаганда Бектемир келиб қолди!.. Бектемир устаси билан қаёқдандир аравада ёғоч олиб келаётган экан. Қовурдоқ ёйлик деб киришган экан. Бир-бирини соғинган йигитлар атрофларида кимлар борлигига эътибор бермай кучоқлашиб кўришишди. Балиқпаз сидқидилдан хизмат қиладиган хизматкорининг кўнглини ранжитмади.

— Овулдошинг бўлса, гаплашиб ол, ма, балиқ еб ўтириб суҳбатлашинглар. Ҳой, хумкалла, қани оловни энди сен ёқиб тур-чи, — деб балиқпаз ўчоқ олдида

суяк кемириб турган бир болага буюрди, Омонлиқ билан Бектемирларни ўргаларига уч-тўрт бўлак қовурилган балиқ олиб келиб қўйди.

Иккалалари нима деб гап бошлашларини билишмас, фақат бир-бирларига қараб жилмайишарди, холос.

— Биз шошиб турибмиз, сен қаёқларда юрибсан? — деб сўради бир оздан кейин Бектемир.

— Мен ўша кетганимча айланиб юриб, шу ёққа келдим... Олмагул ўлган экан... Ўзинг-чи? Эл-юртимиз омонми? Тезроқ гапир. Маман бий қаёқда?..

Бектемир бу ёқларга қандай келиб қолганини Матёқуб саройбондан эшитгандай ҳикоя қилиб берди. Омонлиқ эшитувдим демади. Унинг ўзини, тоза қорақалпоқ тилини соғиниб қолган эди.

— Гапиравер, хўш, шундай қилиб, кейин нима бўлди? — деб ўтирди.

— Шундай қилиб, Маман бий халқимизнинг эртасини ўйлаб, йигирма йигит билан бирга тўрт болани танлади. Болалар Эсенгелди бийнинг ёрдами билан Хивада мадрасага ўқишга киришди.

— Ўзи-чи?

— Ўзини ўрис табиат одам деб, хон ҳам, муллалар ҳам қабул қилишмабди.

— Кейин ўнтамизни қул бозорига солиб, шу атрофда қолдирди. Қолган ўн йигитни туркманлар томонга бошлаб кетди. Уларни ҳаммаларини ҳам ҳунармандларга шогирдликка бераман деган эди... бир-биримиздан беҳабармиз. Тўрт-беш йилсиз юртимизга қайтмаймиз. Айтмоқчи, ўтган жума уста билан Хивага борган эдик, Давимни кўриб қолдим. Эсенгелди бийнинг жиловдори-чи? Ёнида уч-тўрт хивалик. Қурол-яроғли, шаҳардан чиқиб кетишаётган экан...

— Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да...

— Қайдам.

— Ҳадеб ўйлайверганнинг фойдаси йўқ. Ўзинг қандай ҳунар ўрганияпсан? Ҳақ оласанми?

— Ҳақ олиш қаёқда? — Бектемир хўжайини эшитиб қолишидан кўрқиб овозини пасайтирди. — Ҳақ сўрама-са ҳам бўлаверади. Хўжайиним аравасоз. Ҳали қўлимга асбоб ушлатгани йўқ. Ёғоч кесаман. Гупчак қайнатаман.

— Дуруст-ку. Меники ҳунарми?

— Албатта ҳунар-да. Ўзларимиз балиқчи бўла туриб, пишириб ейишнинг йўлини билмасак-чи?

Омонлиқнинг кўнгли жойига тушди.

— Маман бийнинг фармони нима бўлди?

Бектемир Омонлиқнинг елкасига қоқиб кулди.

— Сўрама, жойида. Кўп есир-бевалар уй-жойлик бўлиб кетишиди.

Омонлиқ мийғида кулиб қўйди.

— Ўзинг-чи? Ўзинг ҳам биронтасини олдингми?

Бектемир устаси томонга бир қараб олди-да, аста шивирлади.

— Бир қарагин-а, Омонлиқ. Анави балиқпаз бами-соли кели, менинг хўжайиним шу келининг сопига ўхшайди. Жуда бир-бирига боп экан. Бўлди, кўп қарайверма. Устамнинг эридан чиқиб келган қизи бор экан. Қайтишда олиб қочаман.

— Кўз қисишиб кўрдингми?

— Асти сўрама. Гаҳ десам қўлга қўнади. Истаган кечамда олиб чиқиб кетишим мумкин. Айтмоқчи, ўзинг ҳам бекор юрма. Иложини қилолсанг, биронтасини ол. Болали бева бўлса ҳам майли. Маман бий шундай деб тайинлаган... Бўйдоқ бўлиб юравериб билмаган эканман. Дунёнинг роҳати хотин кишининг кучоғи экан. Ҳа-ҳа...

Кўпдан бери кулмаган Омонлиқ ичаги узилгундай бўлиб, роса хахолади. Бектемирнинг ўзи ҳам кулди. Қовурдоқхонада ўтирганларнинг ҳаммаси ҳайрон бўлиб, уларга қаради.

Омонлиқ ўзини зўрға босди, кўзларининг ёшини артди.

— Маман бий йигитларни синадимми?

— Бу тентакларни четга чиқариб бўлмайди, юртнинг номига доғ туширади, бегона юртни кўрмаган одам ўша юртни кўрган одамига қараб баҳолайди, деб синамоқчи бўлибди. Султон бойнинг ўғлидан идроклироғини топмабди. Баъзиларининг қулоқларидан чўзиб ҳам қўйибди.

— Айтмоқчи, Боғдагул фарзанд кўрдими?

— Сўрама, Омонлиқ, биров қасд қилиб боласини туширди.

— Шу дунёда адоват сира тамом бўлармикин?

— Эсенгелди бий ўғил кўриб, Маман бийга ном қўйдирди. «Эл устига келгандан кейин туғилган боланинг номи Элкелди бўлсин», дебди. Эсенгелди бий хурсанд бўлиб, иккала бий ярашишган эди. Хивага келиб, яна оралари бузилди. Эсенгелди бийнинг ҳар қўйнида бир қопдан пуч ёнғоқ кетди.

— Эй, одам боласи иш билан чарчамайди... Айтмоқчи, мен боримда Эсимбий Шаббозга кетган эди.

— Анча нарса олиб қайтди. Ёрдамга бешта деҳқон келди. Қўли гул одамлар экан. Эсим бийлар янги ер очишяпти. Қора жар томонни боғ-роғ қилишмоқчи, шекилли.

— Яхши бўлибди, — деб Омонлиқ хурсанд бўлди, Бектемирнинг хўжайини ўтирган томонга кўз қирини ташлади. У балиғини еб бўлай деган эди. Бектемирнинг кетиб қолишидан, яна анчагача кўра олмай қолишидан кўрқиб ундан: — Сени қидирган одам қаердан топади? — деб сўради.

— Кенагас овули деган ердан.

— Қорақалпоқларнинг ичиданми?

— Ўзбекларда ҳам кенагас овули бор экан. Болғали деган уруғ ҳам бор. Маъносини тушунмайман. Илгари қорақалпоқ бўлишган экан, кейин хон зўрлаб ўзбек қилган, дейишади. Балки, ўзимиз ҳали илгари ўзбек бўлгандирмиз?.. Ишқилиб, ростми-ёлғонми, билмайман... Мени устам бегона кўрмайди.

— Илоҳим, бегона кўрмасин.

— Бектемир, бўлдингми?

— Лаббай, уста! — деб Бектемир ирғиб ўрнидан турди. Омонлиқ билан хўшлашди. — Хайр, биз кетдик.

Омонлиқ уларнинг қоралари кўринмай қолгунча, кетларидан қараб турди.

14

Икки юзга яқин оломон Эсенгелди бийнинг ўтовига қараб бостириб кела бошлади...

Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:

Эсенгелди бийнинг Муҳаммад Амин иноққа берган ваъдаси яхшилаб ўйлаб қаралса, ичидаги дони Маман бийга, пўчоғи ўзига қолишига кўзи етди. Сабаби, Маман бийнинг: «Бировни дўст қиламан деб, бошқа бир элатни ўзимизга қарши қилиб нима қиламиз», деган гапи юртнинг бош далилига, Эсенгелди бийга қарши отган ўқиға, кўтарган яловига айланди. Халқ кўтарилди. «Навкарликка бормаймиз!..» деб кўчаларга чиқишди.

Эсенгелди мўлжаллаган ишининг осон кўчмаслигини тушунди. Қаттиқ ғазабланди, айниқса, халқни йўлдан «оздираётган» Маман бийни кўргани кўзи қолмади... Жиловдори Давимни яширинча Муҳаммад Амин иноқ билан маслаҳатлашиб келишга юборди. Иноқ

ясовулбошиларидан бирининг ёнига беш отлиқ қўшиб: «Маманнинг калласини танидан жудо қиласанлар, агар тўполон бўладиган бўлса, ўзим бостираман», деб юборибди. Эсенгелди бийга уни ўлдириб юборгандан кўра, айтганига кўндириб, оғизга қаратиб олиш фойдалироқ эди. Шунинг учун орқасидан айғоқчиларини юбориб, Бекдулла қора соқолниқидан овулига ёлғиз қайтиб кетаётганида тутдириб, оёқ-қўлини боғлатиб, савалатиб, ўтовига олдириб келди... Агар қаршилиқ кўрсатадиган бўлса, жонини жаҳаннамга жўнатишини писанда қилиб, «ҳа» ёки «йўқ» дегизиш учун саволни кўндаланг қўйди.

— Навқар тўплашга ёрдам берасанми ё йўқми?

— Йўқ, йўқ, йўқ! Бировни дўст қиламан деб, туркман элини душман қилмаймиз! — Маман бий шундай деб туриб олди.

Эсенгелди бий, бари бир ниятидан қайтмади. Маманни бўшатдирмади. Узун арқон билан чандиб боғлаб ташлаганича бир чеккага ётқизиб қўйди-да, меҳмонлари билан базм қуриб ўтираверди. Шу куни кеч-қурун ўзига кўнгли яқин бийларни, кадхудоларни чақиртирди. Улар бий таклиф қилганига хурсанд бўлиб келишган бўлса ҳам кенг ўтовнинг бир томонини эгаллаб ўтирган қурол-яроғлик навқарларни, тўрда сулайиб ётган Маман бийни кўриб, кўрқиб кетганларидан, юраклари орқаларига тортиб, кўзларининг пахтаси чиқиб кетди. Эсенгелди ишора қилган ерга аста-аста бо-риб ўтиришди.

— Мурод шайхнинг бир гапи сира эсимдан чиқмайди, — деб Эсенгелди бий марҳум шайхнинг номидан бир гап айтмоқчи бўлиб, оёқ-қўли боғлоғлиқ Маман бий ётган тарафга қараб қўйди. — Ўликнинг калласини кўрмай туриб, ўз калланг эсингга тушмас экан... — У ўтирганларга разм солди.

Бу гап жунғор элчисининг калласи ҳақида эди. Янгикентга, рус подшосининг номига шартнома тайёрлаш учун тўпланиб, бир қарорга келолмай ўтиришганда, Эсенгелди билан Маман бий жунғор элчисининг калласини олиб келиб ўртага қўйишгандан кейин шартномага ҳаммалари қўл қўйишган, бир ёқадан бош чиқаришган эди. Эсенгелди ҳозир шунга ишора қилаётган эди. Асли, бу гапни шайхнинг оғзидан эмас, Мамандан эшитган эди. Ҳеч ким унга ҳеч нима демади. Маманнинг қулоғига пахта тиқилганидан у ҳеч нарсани эшитмасди.

Тўпланганлар Эсенгелди гапини такрорлаган сайин Маман бийга кўз қирларини ташлаб, сичқоннинг инини минг тангага олмоқчи бўлиб ўтиришарди.

... Пешоналаридан совуқ тер чиқариб юборган бу оғир кенгаш узоққа чўзилмади.

Чошгоҳга яқин қуюнга қарши довул кўтарилди. Бу довул халқ газабининг эпкини эди. Тўпланганлар тарқамасиданоқ икки юзга яқин деҳқонлар, балиқчилар ўтовни қуршаб олишди.

Даргазаб оломон ўтовни тилка-пора қилмоқчи, ичидагиларнинг ёқаларидан хиппа бўғиб, думидан илинган балиқдай типирчилаб қолган бу одамларни битта битта кўчага улоқтиришмоқчи эди, афсуски, ўтовга ўн қадамча қолганда, уларга бошчилик қилиб келаётган Бекдулла қора соқол «тўхтанглар» дегандай, икки қўлини баланд кўтарди.

— Эсенгелди, чиқ майдонга! — деди Бекдулла қора соқол овози гулдираб.

Ичкаридагилар юракларини ҳовучлаб, шоша-пиша ташқарига чиқишди. Улар даргазаб бўлган одамларни кўриб, турган ерларида серрайиб қолишди. Ҳеч ким кўрадаги от олдига етиб боролмади. Аста-секин ёпирилиб келаётганларнинг олдида чўқмор кўтарган Бекдулла қора соқол «секин, секин» дегандай, қўлини икки ёнига ёзиб, одамларни орқага итариб келарди. Бировнинг қўлида бел соп, бировнинг қўлида болта соп, бировда чўқмор, яна бировда юлғун, таёқ...

Хивадан келган баланд бўйли, озғин одам чувалчангдай буралиб, Эсенгелди бийнинг ёнида дир-дир титраб турарди.

— Ё пирим, тинчликми ўзи? Мен одамларингни кучи оғзидан бўлак нарсага етмайди, деб ўйлагандим. Булар бир бало экан-ку! Сўра, бош омонлигида сўрачи, муддаолари нима экан?

Эсенгелди жаҳл билан камарини кўтариб қўйиб, икки қадам олдинга юрди.

— Халойиқ, халқим! Бу нима тўполон? Ўз болаларини ўзи еб қўядиган чўртон балиқ бўлдиларингми?

— Маман бий қани?.. Тирикми? — деб қичқирди оломон.

— Тирик. Ўзимизни ўзимиз ўлдириб жинни бўлиб-мизми? Энди ўсиб-уна бошлаганимизда-я? Сизларга нима бўлди, жигарларим, наҳотки шундай қилади деб ўйласаларинг мени?

— Бўлди! Бўлди!

- Гапни қисқа қил!
- Маман бийни кўрсат, бағритош Эсенгелди!
- Тезроқ кўрсат! Тез!.. Тез!..

Одамларнинг шиддат билан бостириб келишаётганига қарамай, гапига қулоқ солишаётганини кўриб, Эсенгелди бий ўзини бир оз тутиб олди.

— Озгина сабр қилинглар, — деди ўзини дадилликка олиб. — Тўхтанглар! Уйга зиён етмасин. Ахир бу ҳам ўзларингнинг уйларинг-ку. Керагаси синиб, босиб қолмасин.

— Ҳа-ҳа, ўзларингнинг уйларинг-а!..
— Ҳа-ҳа, керагаси синмасинми... Ҳозир ағдарамиз!...

— Эсенгелди бий, навкар олишни мардикор олиш деб ўйловдингми?..

— Кўп гапнинг кераги йўқ, доно бий қани?

— Кўп чўзма, тезроқ кўрсат!

— Нега чўзаверасиз? — деб Бекдулла қора соқол чўқморини юқори кўтариб, кетидагиларга «босинг!» деб буйруқ беришга ҳозирланди. Эсенгелди бийнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ҳа, сеними, тагимда отим бўлганида, устларингда ўйнатардим, — деб шивирлади ясовулбоши.

Оломон Бекдулла қора соқолнинг қўлига қараб, яна бир қадам олдинга силжиди. Оралиқдаги масофа қисқарган сайин ўтовдан чиққанларнинг жонлари кўзларига кўрина бошлади.

— Халойиқ, Омонқул бийнинг гапини эшитинглар! — деди Эсенгелди бий.

— Керак эмас!

— Керак эмас!..

— Ўзинг гапир! Туркман элини бизга қарши қилишдан мақсадингни айт! Ўз оғзинг билан айт!

— Ҳой, нодон Эсенгелди, гапирсанг-чи! Одам ўлдиришни пичан ўриш деб юрибсанми?

Энди Эсенгелди бийнинг гапирмасдан иложи йўқ эди.

— Халойиқ, халқим, ундай бўлса, гапимга қулоқ солинглар, яхшилаб қулоқ солинглар, — деб Эсенгелди кўкрагини очиб, оломон томон икки қадам юрди. Ўтов ёнида турган келининг устига чиқди. — Аввало Маман ўрисни тўхташиб, у билан гаплашаётганимизнинг сабабини айтай. Маман ўрисларга сотилган экан! Сизларни яна ўша хонавайрон қилган душман халқ томон етакламоқчи. Алдаб туриб, яна бошларингга тош ёғ-

дирмоқчи!.. Муҳаммад Амин иноқ тахтга минса, эл бўламиз. Майли, қолган гапни Омонкул бий айта қолсин!

— Халойиқ! — Омонкул бий ҳам Эсенгелди туриб гапирган кели устига чиқди. — Бахт қуши ҳар бир элда битта бўлади. Маман бий бошидан бахт қушини учириб юборганига афсусланиб, бармоғини тишламасин! Бахт қуши ҳозир Эсенгелди бийнинг бошига қўнган. Энди Маман бий элим, юртим деса, бахт қушидан айрилганига чидасин, халқни алдамасин, эл бирлигини сақласин! У бахт қушининг уясини рус подшоси саройидан излаган эди. Тополмай, элни адаштирди. Эсенгелди бий ўша уяни яқинроқ ердан — Хивадан топади. Ғойиб баҳодир, сен бунга нима дейсан?

— Менинг ўша гапим гап. Майли, халойиққа ҳам маълум қила қолай. Бировнинг боласини йиғлатишдан олдин ўз болангнинг кўзидаги ёшини қуритиш керак. Иноқ учун туркман боласини йиғлатаман деб юриб, ўз боламиз қон йиғлаб қолмасин тагин! Менинг гапим шу!

— Жуда маъқул гап! Энди Маман бийни кўрайлик! — деб талаб қилди кўпчилик. Эсенгелди бий ёнида турганлардан бирига: «Маман бийни бўшатиб, дурустроқ кийинтириб олиб чиқ», деди аста. Кейин:

— Халойиқ! — деб қичқирди. — Ҳозир Маман чиқади. У чиққунча ёш Курбонбой бийнинг ҳам гапини эшитайлик!

— Майли, гапира қолсин!..

Курбонбой бий одамлар олдида «Онанг билан маслаҳатлашасан» деган гапни эшитганда қаттиқ ранжиган бўлса ҳам, аслида уйда онаси билан ёлғиз қолганда, ҳамма гапини маслаҳатлашарди. Онаси Шарифа уни ёшлигидан шунга ўргатган. Шунинг учун ҳам Курбонбой бий Эсенгелди бийнинг навкар тўплаш ҳақидаги топшириғини ҳам онаси билан маслаҳатлашганди. Кўнглида Маман бийга нисбатан қаттиқ кеки бўлгани учунми ё бўлмаса Эсенгелди бий танлаган йўлни тўғри деб билгани учунми, Шарифа ўғлига Эсенгелди танлаган йўлдан юришни маслаҳат берди. Курбонбой бий онам билан маслаҳатлашганим билиниб қолмасин деб, бир зум ўйланиб турди-да:

— Эл қаёққа юрса, биз ҳам ўша ёққа юрамиз, — деди. — Бироқ Маман бий халқни лақиллатишини кўйсин.

Эсенгелди бий Курбонбой бийга секингина: «отангга тортибсан, азамат», деб хурсанд бўлди-да, кейин ёнида

турган ясовул бошига, «Гапир!» деди. Худди шу пайт ичкаридан Маман бий чиқди. Икки кунлик очлик, таёқ азобидан, боядан бери бўлаётган тала-тўполонни эшитмасин деб, қулоғига пахта тиқиб қўйилганидан Маман бийнинг боши зилдай эди. Эшикдан чиқди-ю, гандираклар кетиб, ўтов керагасига суяниб қолди. Оломон унинг қандай аҳволдалигини тушунмай, ўтовдан чиқиб билан бизга мурожаат қилиб, гапирса керак, деб ўйлаган эди. Лом-мим деёлмай, кўпчилик қаторида турганини кўргандан кейин, тарвузи қўлтиғидан тушиб кетди. Хивадан келган ясовулбоши гап бошлади:

— Мен сизларга Хивадан салом олиб келдим. Шунга қарамай, меҳмонингизни мана шундай кутиб олдингиз. Бироқ мен хафа эмасман. Муҳаммад Амин иноқ сизларни жуда аҳил, жангари халқ деган эди, янглишмаган экан. Бугунги аҳиллигингиз мени хурсанд қилди. Шу аҳиллингиз билан Хива саройини душманидан тозалаб берсангиз, ишингиз ривож топади, иқболлингиз баланд бўлади. Хўш, манави Маман ўрис тўғрисида нима деса бўлади? Сиз шўрликлар билган бу сотқинни биз ҳам биламиз. У сизларга нима олиб келди? Офат олиб берди, офат! Сизлар унинг ёлғон гапларига учиб, озмунча азоб-уқубат тортдингизми. «Катта умид қоғози» деб сизларни озмунча лақиллатдим. Бунақа қоғоз умрида қўлига тегмаган! Петербургга ҳам бормаган, йўлда шерикларини ўзи ўлдириб қайтиб келган. Гапнинг ростини айтганда, у юртингизни ўрисларга эмас, қозоқларга сотган. Шунинг учун ҳам у сиз мўминларни алдаб, ёвуз Абулхайрга ёрдам берди. Кулоқ солманг, ишонманг унга!..

Бир-бирининг қўлидан ушлаб, давра олиб турган одамлар орасида саросималик пайдо бўлди. Баъзилари гапиришга гап, жаҳл қилишга баҳона топмаганларидан, бошларини қашишди. Маман бийга ясовулбошининг гаплари алам қилди. Оёқларини зўрға кўтариб босиб, олдинга юрди.

— Халойиқ, бунинг гапига лақилламанглар! «Катта умид қоғози» албатта топилади. Топамиз. Ёлғиз ўтинчим шуки, бир оз сабр қилайлик, ўзимизни тутиб олайлик. Бир иложини топиб, мен яна рус элига бориб келай. Муҳлат беринглар!..

— Сен, ўрис бий, ўша маллавоиларни унутсанми, йўқми? — деди Эсенелди бий.

Белини хипчин билан боғлаб олган, аъзойи бадани офтобда қорайиб ялтираб турган ярим яланғоч бир ба-

лиқчи олдинга ўтиб, бошидаги эски қора қалпоғини кўлига олди:

— Мана бунга қаранглар! — деди кўлидаги қалпоғини кўрсатиб. — Бу мотам қалпоғи. Халқимизнинг номи шу қалпоғимиз билан аталган. Халойиқ, бизга нима бўлди? Ҳой бийлар, кадхудолар, сизларга нима бўлди?! Эсенгелди бий, сен мотам қалпоғини ташлаб, Хива телпагини кийиб олганинг билан бобонгнинг қорақалпоқ эканини, мотамли, кўзёшли, қайғу-ғамли эканини яширасанми? Унда ҳаммамиз ҳам телпак кийилик, ғам-аламларимизни унутайлик. Халойиқ, Маманга ишонгандай, Эсенгелди бийга ҳам ишониб кўрайлик. Бекдулла қора соқол, халойиқ, бир ишониб кўрайлик! Агар алдаса, терисига сомон тикамиз. Нима дейсизлар? — дея у кетига, оломон томонга ўгирилди. — Боболаримиз руслар билан нон синдиришган, бунга шубҳамиз йўқ. Ахир улар шу нонни оқлашмаса, қачонгача умид қиламиз. Ваъдаси аниқ бўлса, ахир бир кун келиб бизни топиб олар. Топмаса, Хивадан панд есак, ўзимиз қидириб топармиз. Нуробилла жўра, сен нима дейсан? Мен навкар бўлишга тайёрман.

— Элга керак бўлса, қўш хотинимни орқалаб бораман, — деди Нуробилла сира иккиланмай.

Эсенгелди илдамлик билан яна кели устига чиқди.

— Жуда маъқул гап айтилди. Қани, бир ҳимматларингни кўрсатинглар-чи, халқим, — деди.

Оломон тўда-тўда бўлиб, тарқала бошлади.

— Ў-ў-ў, халқим! — деди Маман аламига чидамай. — Эсенгелдига ишонманглар! У осмонга қараб тупурмасликка қасам ичган. Ҳозир сизлардан кўрқиб турибди. Манови навкарлари билан отга минса, устингизда қилич ўйнатади. Отларни олиб кетинглар!

— Олиб кетинглар, олиб кетинглар!.. — деди Эсенгелди бий босиқлик билан. Азоб кўрган эл меҳмонини хўрламайди. Меҳмонларимизнинг отлари қолса бўлгани. Иноққа навкар бўлганларингда ҳам сизларга отни ўзим топиб бераман. Олиб кетинглар!..

Халқ довдираб қолди. Кўпчилик уй-уйига тарқаб кетди.

— Ўриснинг отини олиб келинглар, бу ҳам уйига кетсин, — деб бақирди Эсенгелди бий.

Жиловдорлардан биттаси югуриб бориб кўрадан оқ бўз отни етаклаб чиқди. Маман бий отига минди. Аммо оти оч, ўзи ҳам жуда ҳолдан тойган эди. Оёғида зўрға

турарди. Уни озод қилишга аҳд қилиб келган оломон бўри қувган подадай, тўп-тўп бўлиб, ҳар тарафга бўлиниб кетди. Бекдулла қора соқолнинг тўдаси Маман бийнинг отини етаклаб олди.

Аввалига Эсенгелди бий ўтовини кунпаякун қиладиган бўлиб келган куч бир зумда бўшашиб, ундан асар ҳам қолмади. Хивалик ясовулбоши Эсенгелди бийнинг елкасига темирдай панжасини қўйиб:

— Атоқли бий, энди нима қиламиз? — деди.

— Дам оламиз.

— Йўқ, ҳозир отланиб, буларнинг кўзларини мошдай очиб кўямиз. Эртага ириллаб талайди.

Эсенгелди бийга бу маслаҳат маъқул тушиб, бошини ушлаб, ўйланиб қолди.

— Чида, арслоним, чида. Ҳали олдимизда қиладиган катта ишлар турибди, — деди у. — Ҳозиргина Маман ўриснинг: «Булар отларига минишса, устингизда қилич ўйнатишади», деганини эшитдик-ку. Агар унинг бу гапи ҳозир ростга чиқса, халқ умрбод унга ишонадиган бўлади. Чида.

— Ярадор бўри хавфли бўлмасмикан?

— Йўқ, унинг қовурғалари синиб кетди. Энди қаддини ростлолмайди.

— Илоҳим, шундай бўлсин, ақли бий.

Эрталабки гурунг нашъасидан маҳрум бўлган бийлар, кахудолар меҳмонлар билан бирга яна ўтовга киришди.

Иш бузилди... Энди базм эмас, бугунги оломон тирнаб кетган кўнгил яраларини битириш, тезроқ навкар тўплаш ғамига тушишди улар...

Янгитдан сичқон-мушук ўйини бошланди. Яна гаровга халқ тақдири тикилган эди...

* * *

...«Қора жар»нинг қибла томонидаги Эсим бий қаздирган ариқ бўйлари қалин тўқайзор эди. Узоқдан мойиси анқирди. Кўл сувидан чиқиб ётган қамишлар, баликлар ҳидига ўрганиб кетган Маман бийнинг димоғини бу ҳид қитиқлаб, устма-уст акса уриб келаётганди. Ҳар акса урганида ўзига-ўзи «ё тавба» деб кулиб кўярди. Шунча азоб-уқубатдан кейин аранг келаётган Маманнинг кўнгли шу аксадан анча ёришгандай бўлди, бўз от ҳам юришини тезлатди. Жўхоризор оралаб юр-

ган Эсим бий билан Худойберганни узоқдан таниб, ўзи биринчи бўлиб салом берди. Деҳқонлар ҳурмати учун отидан тушди.

— Раҳмат сизларга, юртимиз тўкин-сочин бўлади-ган бўлди. Лекин... — деди-да, Маман у ёғини айтмади.

— Хижолат бўлманг, атоқли бий, — деди Худойберган. У шодлиги ичига сиғмай экинзорни кўздан кечираётган эди. Маман ҳам Худойберган қараган томонга назар ташлаб турарди.

— Маман бий, биз ўзбекмиз, лекин Муҳаммад Амин иноққа навқар беришга қаршилик қилганингизга бизни хафа бўлади, деб ўйламанг. Биз деҳқонмиз. Биз ҳам ўша Бекдулла қора соқолга ўхшаб тинчлик, омонлик бўлсин, деймиз. Касби кори деҳқончилик бўлган одамнинг тақдири ҳам, ўй-хаёли ҳам бир. Бизга ер, сув, қуёш бўлса бас. Уларга бўлса, — деб Худойберган Маман бий томон ўгирилди. Маман бийнинг бетига ёпишиб, сўриб турган чивинни ўлдириб, қўлининг қонини кўрсатди. — Маман буни кўрдингизми? Бу дунёда одамнинг чучук қонини сўргиси келмайдиган махлуқ йўқ. Ҳатто одам қонини сўрадиган одамлар ҳам кўп. Биз деҳқонларнинг қони сира аччиқ бўлмайди. Шунинг учун кўпроқ бизнинг қонимизни сўришади. Чидаш керак, доно бий. Инсон чидаш учун яратилган.

«Инсон чидаш учун яратилган...» деб хўрсиниб қўйди Маман бий.

— Қони чучук одамларнинг тақдири бир деганингиз тўғри. Билмадим, шу қони чучуклар қачон ўз-ўзини ҳимоя қила оладиган бўларкин? Юринглар, бир суҳбатлашайлик, — деди.

— Юринглар, — деб Эсим бий уларни уйига бошлади. Ҳаммалари пиёда кетишди.

15

Балиқпаз жуда одамшаванда чиқди. Омонлиққа сира кеккаймади, ҳатто баъзан азонда ҳужрасига кириб, бирга тамадди қилишарди, эшагинга бер деб қучоқ-қучоқ похол берарди.

Ҳар куни азонда кўнгил сўрайди.

— Яхши ётиб турдингми? Совқотмадингми?

Омонлиқ совуқ еб чиқса ҳам, эл-юртини, ёр-жўраларини соғинса ҳам, бу ёруғ оламда ёлғиз илинжи — кўзининг оқ-қораси, тирик ғойиб бўлган ўғлини ўйлаб

баъзан мижжа қоқмай чиқса ҳам, балиқпазнинг ўзини яқин тутиб берган саволини эшитиб, барча дардларини унутарди. У «раҳмат, яхши ётиб турдим», деб яна ишига киришиб кетарди. Ундан доим миннатдор бўлиб юрарди.

Балиқпаз Омонлиқни хурсанд қилиш мақсадида ямоқли эски қалпоғини ташлаштириб, ўрнига янги қора қалпоқ тикдириб берди. Қишга яқин эчки терисидан нимча тикдирди. Унинг бу яхшиликлари Омонлиқнинг кўнглини баттар ийдирарди. Қовурдоқчининг ичида гап ётмасди. Ҳаммасини Омонлиқ билан гаплашарди.

— Қорақалпоқ, хабаринг борми? — деди бир куни у.— Сенинг халқинг Муҳаммад Амин иноққа хизмат қилиб, туркманлар билан уришяпти.

— Нима дедингиз?

Балиқпаз Омонлиқнинг соддалигидан хаҳолаб кулди. Ёглиқ мўйловларини силади, олдин нима деган бўлса, шуни такрорлаб, кўшимча қилди:

— Хивадаги хон саройидан туркманларни қувлаб, саройни тозалаб олиш керак бўлиб қолди.

Бу хабар Омонлиқни бир томондан кўрқитган бўлса, бир томондан хурсанд ҳам қилди.

— Шунда кимга фойда-ю, кимга зиён?

Балиқпаз яна хаҳолаб кулди.

— Содда қорақалпоқ, шуни ҳам билмайсан-а! Сизларга фойда, сизларни паноҳимга оламан деган Муҳаммад Амин иноқ тушида худо билан суҳбатлашибди. Бошига бахт қуши кўнган одам. Шунинг учун мен ҳам унинг навкарларига бир йиллик фойдамни бериб юбордим. Сенга ҳам беролмай юрганимнинг сабаби ҳам шунда. Лекин мен ўт ёқувчим қорақалпоқ деб айтмадим. Айтсам, сени ҳам навкарликка олиб кетиб қолишарди.

— Айтаверсангиз бўларди, мен илгари навкар бўлганман. Қиличимни кўрмаганмидингиз? Маман бийнинг отаси Ўразан ботир совға қилган.

— Маман бий деганингни иноқ ёмон кўради. Қорақалпоқлардан беш юз навкарни кўнғирот Эсенгелди бий, кенагас Омонкул бий, хитой уруғидан Қурбонбой бийлар билан Ғойиб баҳодир деганлар бошлаб келишибди. Сен уларни танийсанми?

— Танийман.

— Танисанг бўпти, «Ё олло, иноқни тахтга муяссар қил», деб худога илтижо қилавер.

Шу кундан бошлаб Омонлиқнинг юрагига гулгула тушиди. Тезроқ бу ердан кетиб, қорақалпоқ навкарларини топиб олгиси келди. Бироқ бунинг иложини қилолмади. Чошгоҳга яқин юз берган бир воқеа уни тўхтатиб қолди.

Қовурдоқхонанинг ўчоғидан тутун кўтарилиши билан усти боши қоп-қора, кир-чир етимлар аллақеъдан ҳозир-нозир бўлиб, итлар билан суяк, чиқиндиларни талашишиш одат тусига кириб қолди. Омонлиқ итларга кет, етимларга йўқол демасди. Балиқпазнинг ўзи қувиб юбормаса, қайтага унга эрмак эди. Битта-ярим-тасининг яланғоч баданини қитиқлаб кулдирадди, ўзи ҳам куларди. Агарда Балиқпаз келиб, уларни қувиб юборса, нега қувадинг деб, аралашмасди ҳам. Бу манзарага ўрганиб қолганди.

Бугун чошгоҳда ҳам кун исимади. Қора совуқ изил-латаверди. Омонлиқ юз-кўзи, олди исиса ҳам, орқа томони совуқ ерди, у сал исииш учун қўли қўлига тегмай ўчоққа ўтин ташларди. Бир вақт сарқитларни кемираётган чувриндилар орқасида чўпдай озиб кетган рангсиз бир аёл пайдо бўлди. Омонлиқ қўлидаги бир даста юлғун билан ҳайрон бўлиб, қотиб қолди; аёл жуда аянчли аҳволда эди. Одамзод шунчалик озади-ми-а? Оёғида қандай турибди экан-а!.. Кўзлари ҳам қаърига тортиб ҳаракатсиз эди, қордай оппоқ сочлари тўзиб кетганди, гўрдан чиққан одамдай оғзи-бурни чанг, ифлос эди. Бурни пучуқ эди. Сарғайиб кетган бўз кўйлаги, камзули жулдурлигидан кийимга ҳам ўшамасди. Ҳамма ёғи кўриниб турарди. Жони борлигига кишининг ишонгиси келмасди... У аввал энгашиб, бир итнинг олдидаги суякни олиб оғзига солди, чайнашга тиши ўтмадими ё бўлмаса жағининг кучи етмадими, суякни оғзидан қайтариб ташлади-да, иккала қўлини ёзиб, балиқпаз томон ипдай ингичка бўйинини чўзди. Балиқпаз уни кўрмади. Аёл шу қадар беҳол эдики, қўлларини узоқроқ чўзиб туришга мадори келмай, аста туширди. Бироқ бутун вужуди билан қовурдоқчи томон интилиб, умидвор турарди. Ўзи гапирмасди. Омонлиқ аввалига қўрқиб кетди, аста-секин кўзи ўрганиб, унга раҳми келди. Ўзим ейман деб олиб қўйган бир бурда балиғини олиб бориб, аёлнинг қўлига тутқазди. Аёл гўштни аста оғзига солди, узоқ чайнамади, дон ютаётган қушдай бўйнини чўзиб, бир азобда ютиб юборди. Яна қўл чўзди. Худди шу пайт уни балиқпаз кўриб қолди.

— Ие, манави ҳали ҳам тирик экан-ку, — деди у худди одам ҳақида эмас, ит тўғрисида гапираётгандай бепарволик билан. — Бултурдан бери кўринмай қолган эди, аллақачон ўлиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Юртнинг ман-ман деган казо-казолари ўлиб турган совуқда буни совуқ ҳам урмайди, тепангдан мисдай қиздираётган иссиқ ҳам ўтмайди ундан. Жони итнинг жонидан ҳам қаттиқ экан.

Аёл эшитмадими ё эшитса ҳам тушунмадими, индамади. Одатда, оч одамлар қўлини чўзиб, бирон нарса деб ёлворади. Балиқпаз битта чавақнинг бошини чала қовуриб, аёлга ташлади.

— Бор, жўна энди!

Аёл аста кетига бурилиб, оёғини судраб нари кетди.

— Қараб тур, анави хотин қайтиб келмасин, — деб тайинлаб қўйди Омонлиққа. — Кўрдингми, авроти очилиб, одамларнинг кўнглини айнитади. Қор босгурнинг хосияти йўқ. Шу пайдо бўлди дегунча ё совуқ бўлади, ё одам келмай қолади.

Омонлиқ бу аёлнинг қўл ёйиб туришида қаттиқ илтижо, йиғи, айни чоқда улкан миннатдорчилик нишонасини сездди. Бармоқлари ҳам чўпдай. Тирноқлари қушларнинг тирноғидай ўсиқ. Агар кучи бўлиб, шу тирноқлари билан бировнинг юзига чанг солса, мушукдан қолишмайди. Дармонсизликдан сал шамол тургудай бўлса, йиқилиб кетади.

Омонлиқнинг раҳми келиб, кўзидан ёш чиқиб кетди. Шу пайт балиқ еб ўтирганлардан бири:

— Ҳой, балиқпаз биз кетайликми ё манави уятсиз хотин кетадими? — деб қолди.

Ўз иши билан банд бўлиб турган балиқпаз ўша одамнинг гапидан кейин физиллаб келди-да, иссиқ капгирни аёлнинг қўлига босди. Шўрлик аёл «вой, вой, вой!» деди-ю кетига қайтиб бир-икки қадам юрар-юрмас йиқилиб тушди.

— Нарироққа олиб бориб ташла! — деди балиқпаз Омонлиққа. Омонлиқ югуриб бориб, уни кўтариб олди. Бечора нурсиз кўзларидан ёш чиқиб, куйган қўлини оғзига босиб ётарди. Омонлиқ унинг нима қилаётганини тушунмай, очлигидан қўлидаги ёғни ялаётган бўлса керак, деб ўйлаб балиқпазнинг олдига борди-да, кичикроқ сазаннинг яримта бошини сўраб олди, келтириб, аёлнинг кафтига қўйди. Аёл қўли куйиб, уни ерга тушириб юборди. Аёл қўлимга яна капгир босяпти деб ўйлади, тупроққа булғанган суякни кўргач,

Омонлиқ қайтариб олишидан кўрқиб, ўмовини сал кўтарди-да, ўзини тупроққа қоришиб ётган суяк устига ташлади, тупроғи билан қасирлатиб чайнай бошлади.

— Ҳой ўт ёқувчи, нима қилиб турибсан? Тезроқ бир чеккага олиб бориб ташла, — деб қичқирди балиқпаз.

Ковурдоқхона ёпилгунча хабар олишнинг иложи бўлмади. Кечкурун ўчоқнинг кўрини кўмиб қўйиб, уйига кетаётганида «аёл бечора кета олдимикин» деб қайрилган эди, кундузи деворга қандай суяб ўтқазиб кетган бўлса, ўша кўйи ўтирган экан. Аёл ёнига думалаб кетишдан кўрқиб, икки кўлини икки ёнига тираб ўтирарди. Ўрнидан туришга ҳоли келмагани учун, Омонлиқ тепасига энгашди.

— Нега ўтирибсан? Борадиган еринг қаерда?

— ...

— Эшитмаяпсанми?

Омонлиқнинг кетиб қолишидан кўрққандай, аёл ўнг кўлини кўтариб, кафтини ёзди. Омонлиқ кечкурун тамадди қилиш учун озгина балиқ олиб кетаётган эди, уни аёлнинг кафтига қўйди. Аёл балиқни олмади, кафтини ёзганича қотиб қолди. «Ўляпти шекилли?» деган фикр келди Омонлиқнинг хаёлига. Шундай хаёл билан унинг билагидан ушлаган эди, аёл туришга ҳаракат қилди, аммо кўзғалолмади. Омонлиқ унинг овқат сўрамаётганини тушунди. Аста суяб ўрнидан турғазди, орқалаб ётоғига олиб кетди...

Ётоғига келганда икки оғиз гаплашгудек одам тополмай, баъзида инқиллаб-синқиллаб, баъзида кўзларидан беихтиёр ёш тўкиб ётадиган Омонлиқ бу аёлни олиб келиши билан ғам-ташвиши ошиб кетишига кўзи етиб турса ҳам, баданининг очик-ёпиқлигини ҳам сезмайдиган ақли заиф аёлга хизмат қилишдан қочмади. «Йиғласа, кимнинг оғзи қийшаймайди? Илгарилар қандай аёл бўлганини ким билсин? Замон куюни учириб, поясидан айрилган бир япроқ бўлса не ажаб. Балки, адолатсиз Хиванинг қарғишига учраганлардандир, парвариш қилса одам бўлиб кетар», деб ўйлади-да, келтириб ўрнига ётқизди, уйғонганидан кейин қумғонини қайнатиб чой ичирди. Эртасига ишга кетаётганида ҳам аёлни уйда қолдириб кетди.

Бечора аёлда у ёқ-бу ёғига ағдарилгудай мадор йўқ эди. Кунботарда Омонлиқ ишидан қайтиб келганида ҳам, у ўша ётишда қимирламай, чала ўлик бўлиб ётарди. Омонлиқ унинг юзини очиб, уйғотди. Кийимларини

ечинтириб, бир сидра оловга қоқиб, бошқатдан кийинтирди... Тагидаги тўшагини ҳам қоқиб-силкитиб берди...

Аёл ҳали қаддини тиклай олмасди. Ётқизиб қўйса, ётаверади, суяб, орқасига ёстиқ қўйса икки қўлини икки ёнига таяниб, ўтиради. Бундай ночор бир мўмин бандани кўчага чиқариб ташлаш одамгарчиликданми? Омонлиқнинг иши бошидан ошиб-тошиб, қийналса ҳам сира ранжимасди. Кўлидан келганича аёлни парвариш қилди. Топган-тутганини тенг бўлишди.

Аёл аста-секин ўзига кела бошлади.

— Исминг нима? — деб сўради бир куни Омонлиқ ундан.

Жавоб ўрнига аёлнинг кўзларидан ёш оқди. Шундан сўнг Омонлиқ бу бечора аёлга сира савол бермасликка аҳд қилди. «Бечоранинг қандай зулмга, қандай азоб-уқубатга дучор бўлганини ким билсин? Уларни эслаш ундан баттар азоб. Эслаб нима қилади! Бунинг устига, соқовлигидан ҳам хижолат бўлса керак... Балки, менга ўхшаган бир шўрпешона одамдир. Мен сўраганим билан, у айтгани билан қайғу-ҳасрати енгиллашармиди?.. Ҳеч қачон!..»

— Исминг Қорақўз бўлса керак? — деди Омонлиқ унинг кўнглини кўтариш мақсадида.

Аёлнинг чеҳрасида озгина илиқлик пайдо бўлди, хижолат тортгандай, бурнининг белидаги кемтикни қўли билан яшириб, ерга қаради.

— Ҳа, Қорақўз. Мен сени Қорақўз деб чақираман.

Аёл бунга парво қилмади, маъқул дегандай, бош қимирлатди.

Кунлардан бир кун Омонлиқ балиқпазнинг хотинига ялиниб, битта эски кўйлагини олиб келиб, унга кийгазиб қўйди. Қорақўз секин-аста ўзига кела бошлади. Овқат ичадиган бўлди, ранг-рўйига қон югурди. Гапирмайди, лекин гапингни эшитади, қил деганингни қилади.

Баҳорга чиқиб, у Омонлиқнинг ишдан қайтиш вақтига қумфонни қайнатиб қўядиган бўлди, баъзан ишига ҳам бирга борарди. Ҳатто ўтин теришга ҳам биргалашиб чиқарди. Одамгарчиликданми ё ит ҳаётидан қутулгани учунми, Омонлиқдан жуда миннатдор эди. Кечалари Омонлиқ ётмагунча ўзи ётмасди. У уйқуга кетгунча орқа-бошини силарди, оёқларини уқаларди, хуллас, ўн икки мучасини силаб-сийпарди.

Унинг қўллари шундай ёқимли эдики, аёл меҳрини аллақачон унутиб юборган Омонлиқ ҳузур қиларди.

— Барака топ, Қоракўз, раҳмат, — дерди-да, бир зумда ухлаб қоларди.

Омонлиқ бора-бора бу меҳрибон, мулойим қўлларга ўрганди, ҳатто кечқурунлар ишдан бўшаб, уйга тезроқ боришга шошиладиган бўлди... Бу интиқлик музлаб кетган юракларни қитиқлатиб қўйди... Баҳор кечаларидан бирида Омонлиқ: «Э, парвардигор, ғарибни зўрлаб, никоҳни бузсам, ўзинг кечир», деб бечора эркисиз аёлни иссиқ қўйнига тортди...

Азонда улар анқовсираб ўриндан туришди...

...Уялишди, қизариб-бўзаришди...

16

Кўпайиш тўғрисидаги фармон ўз самарасини бериб, хонадонларда, кўча-кўйларда, далаларда эндигина ўйин-кулги, хурсандчиликлар бошланиб келаётганида, беш юз навкар тўплаш ҳақидаги хабар яна кўпчилик устига оғир юк бўлиб тушди. Баъзи хонадонларнинг бошига тушган яшиндай бўлди...

Маман бийнинг қаршиликлари фойда бермади. Хивадан ўқ-яроқлик йигирма отлиқ келди.

Ҳамма ёқ дув-дув гап бўлиб кетди. Лекин, барибир, элга солинган навкарлар тўпланди. Овуллар бирма-бир тинтув қилинди...

Ҳатто Худойберганлар билан келишиб, сени қўлаймиз деб Маманга ваъда берган Эсим бий ҳам навкар беришга рози бўлди. «Маман ўжарлик қилсак, халқ қирилиб кетади. Сен ҳам ўжарлик қилаверма, ўйлаб кўр. Сабр қил», деб Муҳаммад Амин иноқ учун уруғига белгиланган навкарларни тўплаб берди. Шундай қилмас, экинларини босиб олиб қўйиш хавфи туғилган эди.

Маман бий ютқазди. Олам кўзига тор бўлиб кетди.

Қозоқ дарёга йўл олди. Мирзабек бий қирга кетган экан. Ундан Янгидарё бўйига — Убайдулла бийнинг овулига қараб кетди. Кекса бийнинг таъби чоғ экан. Ўғли Ўринбойнинг номига уй қурдириб, Бухородан мулла чақиртирибди. У Маман бийнинг руслар билан иттифоқдош бўлиш ҳақидаги фикрига унчалик қўшилмади. «Лекин, ҳозирча сабр қилиш керак,» деб бир гап билан оғзига урди. Маман Эсенгелди бийнинг қилаётган ишларини гапириб берганида, Убайдулла бий узун оқ соқолини сийпади.

— Ҳар нарсанинг охирига қара, доно бий, — деди у бошини чайқаб. — Элим деган эр киши эл бирлигини

бузмаслиги керак. Норозиликни тўхтатиб яхши қилибсан. Тушунмаган одамингдан дарров гумонсирамай, ишонч билдириб қўйиш керак. Эсенгелди бийнинг ҳам бир ўйлагани бўлса керак. Ўз фуқаросини хўрлайдиган одам бошлиқ бўлолмайди.

Маман бийнинг чувалашиб кетган фикрлари сал андазага тушгандай бўлди, қайтишда яна Мирзабек бийнинг овулига кириб ўтди. Мирзабек бий қирдан шу бугун қайтган экан. Икки дўст хурсанд бўлганидан кучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир-бирларидан топган янгиликларини суриштиришди, чарчаганларини ҳам унутишди. Мирзабек бий қирдан қайтишида Седет керейникига тушиб келган экан. Кўпдан-кўп салом айтиб, «ҳали-бери ўзларига келолмай ўтиришган бўлса керак, Маман бийга», деб битта ҳўкиз билан икки сигирни Мирзабекка берган молларига қўшиб, ҳайдагиб юборибди.

Маман бий ўзининг мулоҳазаларини ўртага ташлаганида, Мирзабек бий Эсенгелди бийнинг ҳаракатларини айбламади. Убайдулла бий берган маслаҳатни қувватлаб:

— Эсенгелди бий ҳам унча анойи бўлмаса керак, — деди. — Қорақалпоқликларнинг кўнғиротликлари тўнг, ўжар бўлади. Балки, Муҳаммад Амин иноқдан бирон ваъда олиб, кўзлаган мақсади бордир. Балки иноқ «катта умид қоғози»ни топишга ёрдамлашар. Жуда бўлмаганда ўзи сени Петербургга жўнатар. Битмаган ишга шов-шув кўтариб юрмай, деб андиша қилгандир. Кут. Ота-боболарининг лафзига содиқ бўлса, гуноҳ эмас, савоб. Буни Эсенгелди бий ҳам билса керак. Кут, азизим, бир оз сабр қил!

Маман бийнинг кўнгли сал ёришгандай бўлди.

— Оқибати яхшилиқ билан тугаса, баҳам кўрамиз, — деди у.

— Ёмонлигини ҳам баҳам кўрамиз, — деди Мирзабек бий.

Иккала бий ҳам бир-бирларига юракларини очиб, бемалол гаплашиб олишди. Бу томонларнинг ҳавоси, табиати Сирдарё бўйларидан фарқ қилиши, ерининг чорва учун ҳам, деҳқон учун ҳам, балиқчи учун ҳам қулай эканлигини гаплашишди. «Қорақалпоқларнинг ҳозирги турган ери руслар, қозоқлар, ўзбеклар, туркманларнинг ерлари билан туташ», деб мақташди. Ҳамиша шафқат қилмай, ўрнашган ерларидан қувган сўқир кўзи бир оз очилиб, тўрт мавсуми бир хил бу

ерларни улар учун сақлаб қўйганидан хурсанд бўлишди...

Маман бий Мирзабек бий овулида уч кеча ётиб, одатдагидек, бу сахий овулдан яна бир тўда мол ҳайдаб қайтди.

* * *

— Маман бий, суюнчи бер, суюнчи! Хивага Муҳаммад Амин иноқ хон бўлибди!

Узоқроқ бир ерга борадиган бўлса, юртини соғиниб, интиқ бўлиб, яхшиликнинг устидан чиқай-да, деб орзу қилиб қайтадиган бийга бу янгилик унчалик нохуш эшитилмади. У узоқдан ҳовлиқиб, югуриб, суюнчи сўраб келаётган балиқчига ҳайдаб келаётган молларидан бирини инъом қилди.

— Ушла анови қизил бузоқни! Эсенгелди бий келдими?

— Келмабди. Навкарларнинг олди қайтиб кела бошлади.

Яланғоч балиқчи суюнчига берилган қизил бузоқни қулогидан етаклаганча уйига томон қичқириб борарди:

— Халойиқ, хурсанд бўлинглар! Маман бий ҳам хурсанд бўлди, сизлар ҳам хурсанд бўлинглар! Хива хони ўз одамимиз экан, қўнғиротлик иноқ ўз авлодизмига ўхшайди... Маман бий хурсанд бўлди!..

Маман бий бошини сарак-сарак қилиб, «бечора яланғочнинг қувонишини...» деб қўнғилдан ўтказида, кеч бўлиб қолгани учун ўша яланғоч балиқчининг кетидан бориб, эртага боқиб туриш учун бошқа молларни ҳам қолдириб кетди.

У қош қорайганда «Кўк ўзак»ни ёқалаб, Бекдулла қора соқолнинг овули чеккасига келганида қий-чув, йиғи овози эшитилди. Бир шадлот аёлнинг овози ҳамма овозларни босиб кетаётганди: «Вой тўрам, вой тўрам... доно бий кўшган тўрам! Зурриётини кўролмай кетган, вой тўрам!..»

— Йиғлама, келин эрингдан мана шу зурриёт қолганига шукур қил. Ҳадемай катта бўлиб қолади. Ундан нишона қолмаганда нима қилардинг? Маман бий узоқни ўйлаган экан, шундай бўлишини билган экан. Ўшани дуо қилайлик, йиғлама...

Маман бий отининг жиловидан тортиб, бир зум қулоқ солиб турди-да, «аттанг... уруш бор ерда қазо

бор. Бечора оламдан ўтибди шекилли», деб яна йўлида давом этди.

Овулнинг бошқа бир чеккасида қувончли кулги қаҳ-қаҳа эшитилди. Маман отининг жиловидан тортиб, кулоқ солди.

— Урушда ўлмаслик учун довюрак бўлиш керак. Битта ёвмут от ўйнатиб устимизга бостириб кела бошлади. Қўрқоқлар тумтарақай қочишди. Мен қани, яқинроқ келсин-чи, деб қараб турдим-да, олдимга етиб келиши билан найзага илдим. Салласи ерга шап этиб тушди. Ўзини сазан балиқдай билтонглатиб осмонга кўтардим-да, ерга қараб бир урдим...

— Ва-ҳа-ҳа, кучингга қойилман!..

— Шу-шу бўлди-ю, битта ҳам туркман менга рўпара келолмади. Олдимдан келганини чопдим, кетимдан келганини гурсиллатиб солдим... Чопавердим, уравердим...

Таҳсин ўқиш, «ваҳаҳа»ларнинг кети узилмасди. Бий худди безгак тутгандай, қалтираб кетди. У бундай ҳодисаларни кўп кўрган бўлса ҳам, ҳозир бошини сарак-сарак қилди, алам билан оҳ тортди.

«Бир уйда кўзёши, бир уйда кулги... Э бевафо дунё, бировни йиелатиб, бировни кулдирмасанг нима бўларди-я...»

17

Азонда бир сувори отини елдириб дуч келган одамга: «Даврон кимнинг даврони, Муҳаммад Амин иноқнинг даврони», деб жар солиб келаётганида Омонлиқ билан Қорақўз эшакда ўтин олиб қайтишаётган эди.

— Қорақўз, эшакни ўзинг ҳайдаб боравер, мен кетдим, — деб Омонлиқ ҳозир эшитган хабарини бўз балиқпазга отлиқ жарчидан олдинроқ етказиш мақсадида югуриб кетди.

Ҳаракати бекор кетмади, бўз отлиқ йўл-йўлакай дуч келганларга хабар қилиб келгунича, Омонлиқ оёқларини қўлига олиб, ундан олдин етиб борди.

— Хўжайин, хушхабар! Хўжайин, хушхабар! Хивада давр сиз айтган иноққа тегибди, иноққа!..

Балиқпаз қовурдоқхонанинг эшигини очаётган экан, Омонлиқнинг қуруқ чопқиллаб келаётганини кўриб, энсаси қотиб кетди.

— Жуда яхши хабар олиб келибсан, қорақалпоқ. Лекин биз, барибир, балиқ қовурамиз. Сен ўтин ташиб, олов ёқасан. Ўтин қани?

Ҳансираб, ҳаяжонланиб турган Омонлиқ хўжайинининг бу гапидан кейин уйқудан энди уйғонган одамдай, бирдан ўзига келди, пешонасининг терини сидирди. У олдинга юришини ҳам, кетига қайтишини ҳам билмай, серрайиб қолди. Меҳнаткаш ўт ёқаридан сира ҳам камлик кўрмаган балиқпаз уни бекорга хафа қилиб кўйганини пайқади. У эшикни очиб, кетига ўтирилди.

— Иноққа омад келган бўлса, хурсандман, қорақалпоқ. Сен йигит кишисан. Ўрнингга хотининг олов ёқа турсин. Хивага бориб, бир кўнглингни ёзиб кела қол. Янгиликларни ўз қулоғинг билан эшитиб, қорақалпоқларингдан учратиб, ҳовурингдан тушарсан.

* * *

...Омонлиқ Матёқуб саройбонни одатдагидек дарвозаси олдида учратди.

— Кел, Омонлиқ, кел. Бормисан? Дом-дараксиз бўлиб кетдинг, — деб унга томон юрди.

Бирпасда бир-бирларига эшитган-билган янгиликларини ҳикоя қилиб беришди. Омонлиқнинг балиқпаз эшитиб юрганлари ҳам, жарчининг хабари ҳам рост экан.

— Ҳозир Хивада қорақалпоқлар тўғрисида дув-дув гап, — деди саройбон. — Сизларнинг Эсенгелди бийларинг Хива хонидан маҳрам номини олибди. — У хурсанд бўлиб, карвонсаройида овулдошларини тўплаб, зиёфат берганини ҳикоя қилди. Икки гапнинг бирида: «Эсенгелди маҳрам қўли очиқ, сахий одам экан», дерди. — Хон қорақалпоқ муялаваччаларидан Ойдўс билан хуфя гаплашибди, бутун Хива аҳли ҳайрон... — Матёқуб саройбоннинг бу гапи Омонлиқни жуда хурсанд қилиб юборди.

— Матёқуб оға, Ойдўсни қандай кўрсам бўлади?

— Айтмоқчи, улар қорақалпоқдан ҳеч ким келмадими, деб сўраб туришар эди. Ҳар сафар сен тўғрингда айтиш ёдимдан кўтарилади. Энди келса, айтай. Ўзинг қаердасан? Қачон хабар оласан? — Саройбон қуёшга қараб туриб, муллабаччаларнинг тушлик қиладиган вақтлари ўтиб қолаётганини, агар тезроқ борса, кўриб қолиши ҳам мумкинлигини айтиб мадрасага борадиган йўлни тушунтириб берди.

Омонлиқ Ойдўсни танимас эди.

Қоронғи кўчадан чиққанида бир йигитчага кўзи тушди. Истараси иссиқ. Малла чопонли, оёғида ка-

вуш-маҳси, салласи бежирим ўралган, ўзи пўчоғи арчилган тухумдай сип-силлиқ. Юриш-туришидан қорақалпоқ йигитларига ўхшайди, йигитча норғул, лўппи юзлари қип-қизил, кўзлари қийиқ эди. Кўлтиғида китоб-дафтар. Кўчанинг бир томонидан бўйнини бир ёғига сал қийшайтириб кетаётганди. Омонлиқ ҳатто уни бир ерда кўргандай эди. Эслай олмади, шунча ўйлагани билан қани энди эслолса. Кейинроқда кетидан юраверди. «Ҳой, йигитча, бир зум тўхта», дейишга тортинарди. Балки бу йигитча шахзодадир, балки бир вазирнинг ўғлидир. Кўринишидан шунақага ўхшайди. Ҳозир ҳам баъзи сураларни хаёлидан ўтказиб кетяпти, шекилли. Кўчалар, одамлар, гумбазлар, миноралар уни қизиқтирмасди.

Тўхтатса нима қилади? «Ойдўсни қандай кўрсам бўлади», деб сўраши керак! Борди-ю, шу йигитнинг ўзи Ойдўс бўлса-чи?..

Улар кетишаётган кўчада бир тўда боланинг овози эшитилди. Омонлиқ кетига ўгирилди. Улар шошилиб, тез-тез юриб келишаётганди. Йигитчалар Омонлиққа эътибор беришмади. Битгаси бояги олдинда кетаётган йигитга етиб олиб:

— Ойдўс, нимани ўйлаб кетяпсан? — деб сўради.

Омонлиқ янглишмабди.

— Ойдўс! — деди.

Унинг овози шундай ҳаяжон билан жаранглаб эшитилдики, Ойдўсни чақираётган отаси ё соғиниб, эзилиб кетган онаси деб ўйлаш мумкин эди. Ойдўс билан бояги йигитчаларнинг ҳаммаси тўхтади, жуда мулойимлик билан Омонлиққа салом беришди. Омонлиқнинг юраги қувончдан тарс ёрилгудек бўлиб, кўзларидан ёш чиқиб кетган эди.

— Қобил, сизлар кетаверинглар, домла хафа бўлмасинлар, — дея Ойдўс шерикларига жавоб бериб юборди-да, Омонлиқ билан ёлғиз қолди...

Сўрашишди...

— Сиз тўғрингизда эшитган эдим. Бухородан қачон қайтдингиз?

Омонлиқ Бухорога қандай келганини қисқача ҳикоя қилиб, сингисининг ўлгани ҳақидаги хабарни Хивага келиб эшитганини, ҳозир қаерда, нима иш билан машғуллигини гапириб берди. Ойдўснинг қизил юзлари сал оқариб, Омонлиққа ачинди.

— Пешанада бор экан, — деди у катталарга хос салмоқ билан. — Тақдирга тан бермай илож йўқ. Ат-

танг, хом сут эмган банда яшасам, кўрсам, билсам дейди.

— Сени узоқ тутиб қолмадимми, қароғим?

— Йўқ-йўқ, шерикларим айтишади. Бугун домла-мизнинг ерини текисламоқчи эдик.

— Қароғим, қани айт-чи, хон қалай, Ичан қалъа тузукми?

— Жуда жойида, Эсенгелди бийни маҳрам қилиб юборди. Шу муносабат билан Хиванинг бир даҳаси чақирилиб, зиёфат берилди.

— Эшитдим, қароғим, эшитдим. Ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

— Сизнинг касбингиз бўлмайди, — деб юборди Ойдўс. — Қовурдоқ қовуриш аёлларнинг иши эмасми? Жувозчи бўлсангиз ҳам бошқа гап эди. — У ёшлик қилиб, ўзимдан катта одамнинг кўнглига қаттиқ тегма-диммикан, деб ўйлади-да, гапни бошқа томонга бурди. — Айтмоқчи, бугун Матёқуб саройбонникига Бектемир деган киши келар экан. Аравасоз устага шогирд тушган. Қурувчи бир одамга шогирд тушган Бекмурод деган киши кечаги ёвмутлар билан бўлган урушда қаза қилибди. Агар ўша одамнинг ўрнига шогирд бўлиб борганингизда жуда яхши бўларди-да. Бектемир ўша бинокорнинг уйини яхши билар эди. Юринг, Матёқуб саройбонникидан хабар олайлик-чи.

— Сен кеч қоласан, қароғим. Бектемирни ўзим ҳам танийман-ку. Тагин, домлангдан гап эшитиб юрма.

— Ҳеч гап бўлмайди.

Улар карвонсаройга етиб келишди. Шу пайт Бектемир ҳам пайдо бўлди. Бектемир Омонлиқни узоқдан танибди. Йирик сўйлоқ тишларини кўрсатиб, кучоқ очиб, кулиб келаверди. Иккалалари ҳам индамай бир-бирларига кучоқ ёзишди. Тиззаларини ёпиб турган эски ола чопон, қора қалпоқли, давангирдай икки йигит гўё бир вужудга айланган эди. Уларга ҳаваси келган Ойдўс жилмайганича, бўйинини бир томонга қийшайтириб, бармоғини тишлаб қараб турарди.

— Омон бўл, қароғим, энди сен кетавер, — деди Омонлиқ Ойдўсга қараб. — Мен ҳам бугун қайтиб кетаман. Бояги айтганингни Бектемирдан сўраб оламан.

— Хўп, агар керак бўлиб қолсам Полвон пир мадрасасидан топасиз, — дея Ойдўс мулойимлик билан қўлини кўксига қўйди, Омонлиқ билан Бектемирга қайта-қайта таъзим қилиб қайтиб кетди.

— Жуда одобли экан-да! Маман бий бу болага бекорга ихлос қўймаган, уни бекорга мақтамаган-да, — деди Бектемир ҳам унинг кетидан қараб туриб.

— Ажойиб йигит, жуда ажойиб йигит. Маман бийнинг нияти ҳам уни шундай ақлли, одобли қилиб тарбиялаш эди. Орзусига етибди. Бектемир, янгилик — мен хотин олдим.

— Ие, дуруст, Маман бийнинг фармонига содиқ экансан, раҳмат. Қутлуғ бўлсин. Нега менга дарров оёғим тўртта бўлди, демадинг.

— Оёғим тўртта бўлди десам, ҳайвонга айланибсан, дейишингни биламан-да. Ўзинг-чи? Эгарлоғлиқ отинг айилини узиб кетмадими? Эҳтиёт бўл, тагин қуюшқонидан оғиб кетмасин!

Бектемир мийғида кулиб туриб, биров эшитиб қолмасин дегандай, ён-верига аланглаб қўйди.

Ҳеч кимнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, Омонлиқнинг елкасига тап этиб урди.

— Асти сўрама. Мен уни устамнинг қайтиб келган қизи деб юрсам, кичик хотини экан.

— Ўзи нима деяпти?

— Буни қараки, мени яхши кўриб қолганидан, «устанинг кичик хотиниман десам, яқинимга йўламайди» деб «қизиман» деган экан. Менга астойдил ишонганидан кейин ростини айтди. «Энди мендан хавотирланма», деди. «Қачон кетар бўлсанг, мени ола кет», деди. — Бектемир худди фотиҳа ўқимоқчи бўлаётгандай, икки кафтини ёзди. — Ҳай-ҳай, жуда гўзал-да. Ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, сочлари самбитдай, қошлари қаламдай... Хўш яна нима? Қани, сен ҳам ўзингникини таърифлачи. Сен ҳам қозоқнинг сулув қизини севгансан-ку. Кўзларинг тарози, бурнинг шайин!

Омонлиқ аввалига кулди, кейин қовоғини уйди.

— Кўзларимнинг тарозилиги-ю бурнимнинг шайинлиги қолдими, Бектемир. Унга жуда раҳмим келди. Жуда гариб, мўмин аёл. Бир иш буюрсанг, даров айтганиндай қилиб қўяди, индамасанг, ўтираверади. Бурни пучуқ, тили соқов, гапига тушуниб бўлмайди. Хижолат бўладими, сира гапирмайди. Мен ҳам гапиришга мажбур қилмайман. Йиелаб юборадими, деб қўрқаман. Бир муштипар, бечора. Ҳатто, «хотин» десам кўнглига оғир оладими деб, «Қоракўз» деб чақираман.

— Жуда яхши қилибсан, — деди Бектемир ҳам аёлга ачиниб... — Хотин деганнинг ҳаммаси ҳам бир. Чи-

ройига биров нон ботириб ермиди. Қозонингни қайнатиб, туғиб берса бўлди-да...

— Назаримда, ҳомиладор бўлганга ўхшайди, иним.

— Жуда соз-да.

Бектемирнинг кўнгли жойига тушди. Икки оғайни узоқ гаплашди. Бектемир яна бир йил чидаса, зўр ара-васоз бўлар экан.

Омонлиқ Ойдўснинг бинокорлик хусусидаги масла-ҳатини айтганда Бектемир маънос бўлди. У дўсти Бек-муродни эслаган эди. Қўй оғзидан чўп олмаган, му-лойим йигит эди.

— Бечора тўқайга ёғоч кесгани келганида, кўришиб турардик. У ҳар доим аввал сенга уй қуриб бераман, дерди. Хотин ҳам ололмади, уй ҳам сололмади... Уста-си ниҳоятда яхши одам эди.

— Унда мени ўша бинокор уста билан учраштир.

Устанинг уйи Хиванинг орқасида, Шаббозга кета-веришда, Амударё ёқасида эди. У ерга бориш учун Бектемир устасидан жавоб сўраши лозим эди. Ҳозир ўзи шаҳардаги бир танишдан гупчак мойи олиб кетиш учун келган эди. Нима бўлганда ҳам аввал хўжайини-нинг топшириғини бажариш мақсадида, Омонлиқни бошлаб ўша одамни кетди. Бектемир рўпарасидан келаётган одамни таниб, хурсанд бўлиб кетди.

— Омадинг бор экан, Омонлиқ ниятимиз холис экан, ана, устанинг ўзи келяпти. Ана, анави!..

— Ишқилиб, рози бўлсин-да, — деди Омонлиқ ташвишга тушиб.

— Шогирдликка олади. Бекмуродни яхши кўрар эди. Яхши одам. Қорақалпоқнинг чаққон йигитлари-дан шогирд тайёрлашни яхши кўради.

Бектемирнинг уста тўғрисидаги гаплари тўғри чиқ-ди. Мулойим, очиқ кўнгил одам экан. Учрашиб салом-лашди, гап бошлашлари биланоқ мақсадларини ту-шунди:

— Балиқпазни биламан... Уста бўлсанг ўзинга ҳам, элингга ҳам яхши бўлади, иним. Бора қол. Одамларга иморат солиб бериб, ярим кўнглини бутун қилишдан ҳам ортиқ бахт борми оламда... Уй солиш яхшиларнинг иши, бузиш тўнғизларники...

Биринчи кўришидаёқ очиқ гаплашган бу одам Омонлиққа ёқиб қолди У: «Раҳмат уста, сўзсиз сиз-нинг қўлингизга келаман», деб хайрлашди.

Балиқпазнинг тилёглама гапларига Омонлиқ шу қадар ишониб кетган эдики, «майли, яхши ҳунар ўр-

ганмоқчи экансан, бора қол», дейиш у ёқда турсин, қилган хизматлари эвазига ҳақ тўлаб, кийинтириб, яхшилиқ билан жавоб берса керак, деб ўйлаган эди. Ахир нега ўйламасин? Ширин сўз. Омонлиққа қаттиқ-қурум гапирмайди. Деярли ҳар куни ҳол-аҳвол сўрашади, баъзан қанақа туш кўрганларини ҳам сўрарди.

Бироқ иш у ўйлаганидай бўлмади... Омонлиқ аниқ кетадиган бўлиб жавоб сўраганида, тамом ўзгарди-қолди. Овози ҳам гавдасидай йўғон эмас, ингичка, аччиқ, хотинчалиш экан. Оч итдай акиллаб, бир зумда дунёнинг гапини гапирди. Омонлиқнинг бош эгиб келгани-ю, бир қулоғи йўқлиги, шунга қарамай ишга олганлиги... шу ерда юриб хотинлик бўлгани... Мечкай эшагига қанча беда бергани, ишқилиб, ўзича нима «яхшилиқ» қилган бўлса, ҳаммасини тўкиб солди...

Омонлиқ тилини тишлаганча туриб қолди. Бундай аҳволда ҳақ тўлаш у ёқда турсин, ишқилиб, эшагимни олиб қолмаса бўлгани, деб ташвишга тушди. У янглишмаган эди. Аниқ кетадиган бўлиб, тугунини туга бошлаганида балиқпаз эшакнинг нўхтасига осилиб олди.

— Еган-ичганларингнинг эвазига эшагингни олиб қоламан!

Омонлиқнинг зардаси қийнаб, титраб кетди. Ёнидаги қиличини ис босган эски қинидан суғуриб, туширмоқчи бўлган эди, Қорақўз ўзини таппа ерга ташлади-да, оёқларини кучоқлаб, алланималар деб гўлдирай бошлади, йиғлади. Омонлиқ ишнинг ёмон тус олиб бораётганини пайқаб, қиличини қинига солди. Эшагининг арқонини балиқпазнинг бўйнидан айлантириб:

— Ма, олиб қол, эшакмижозли одам! — деди, кейин Қорақўзни елкасидан кўтариб турғазди. — Йиғлама, кетимдан юр!

Эшак эгасининг кетидан йиғлаётгандай, аста ҳиқиллаб қолаверди...

18

Маман бийнинг кайфи бугун ўзгача эди. Юрт энди қаддини ростлаб: «Фалончининг хотини кўз ёрибди», «фалончи фарзандлик бўлибди...» деган қувончли хабарлар булутли тунда йилт этган юлдуздай, яхшилиқдан дарак бериб, хурсанд қилиб келаётганда, элдан беш юз навкар олиниши, улардан баъзилари тирик қайтмагани, омон қайтганларининг ҳам қурол-яроғи олиб қолиниб,

шипшийдам қилиб юборилгани бийнинг ичини туздай ачиштираётган эди. Бошини кўтаролмай қолган катта бийнинг бу ўтириши Боғдагулнинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Боғдагул бу оғир хаёллардан чалғитишнинг бирдан-бир йўли, унинг бошқаларга қилган яхшиликларини бўрттириб, эсига солиш, деб ўйлади.

— Тўрам, бир гапни сўрасам майлими?

Бий бошини кўтармади.

— Сўра, — деди у мулойимлик билан.

— Одам одамга яхшилик қилмаганида, бу дунё қа-нақа бўларди?

— Ер юзи йиртқич ҳайвонга тўлиб, бир-бирини ға-жир эди, — деди бий ўйлаб ўтирмасдан.

Шу орада ўчоққа ташлаб турадиган ўтини тугаб қо-либ, Боғдагул ташқарига чиқди. Бир зумда кетига қай-тиб кириб, ўтин ёнида учта бола биқиниб ўтирганини хабар қилди.

— Нега ичкарига киринглар, демадинг?

— Қайғули юзингни болалар кўрмай қўя қолишсин дедим, тўрам.

— Чақир, азизим. Ҳой, болалар, ичкарига киринг-лар! — деб қичқирди бий ва қадини ростлаб, чордона куриб ўтирди. Ўчоқдаги олов иссиғидан икки бети қи-зариб, қулоғининг орқасига ўтиб кетган мўйловини сийпади.

— Ие, Омонлиқ, — деб юборди у бўсағада пайдо бўлган бўйчан боланинг саломига алик олишни ҳам унутиб.

Бечора бий, боланинг исмини адаштирган бўлса ҳам, уни таниган эди. Уч боланинг каттаси Омонлиқ-нинг ўғли Яхшилик эди. Бий унинг бошидан-оёғигача разм солиб, Омонлиқнинг ёшлигини, Олмагулни эр-гаштириб юришларини эслади.

— Ие, Яхшилик болам, — деб у ўз хатосини ўзи тузатди ва ўрнидан туриб, унинг пешонасидан ўпди, ёнидаги иккала шеригининг ҳам ўсиқ сочларини си-лаб, уларни ёнига ўтказди. Чой қуйиб берди. — Вой, Яхшилик болам-эй, мен ҳозир худди Омонлиқни кўр-гандай бўлдим. Худди ўзгинасисан. Қани, айт-чи, қаёқларда юрибсан? — У Яхшиликнинг ёнида келган болаларни танирмиканман, деб узоқ тикилди. Иккала-си ҳам Яхшиликдан кичкина, қийиқ кўз болалар. Соч-лари ўсиб кетган, устларида руслар билан татар бойла-рининг болалари киядиган кийимлар. Болаларни та-ний олмагач, суриштирди: — Бу болалар кимлар?

— Укаларим? — деди Яхшилик.

Катта бий Яхшиликнинг бир бойга сотилганидан хабардор эди. Унинг жавобиди аллақандай сир борлигини пайқади. Қайтиб савол бермади.

— Оббо шоввозлар-эй, бий оталарингни қидириб келибсизлар-да, баракалла, баракалла, — деб хурсанд бўлди. — Жуда яхши. Жуда яхши чироғим, Яхшилик, отанг Бухорога амманг Олмагулни излаб кетган эди, яқинда келади.

Яхшиликнинг яшнаб турган чиройи бир оз тундлашди, лекин индамади.

Чой ичишиб, баданларига сал иссиқ ўтгандан кейин Яхшилик билан келган иккала бола ёнларига қийшайиб, ухлаб қолишди.

— Булар қаттиқлик кўришмаган, — деди Яхшилик.

— Кўринишидан шунақага ўхшайди, — деди Боғдагул.

— Бечоралар, бойнинг болалари эди, — деди Яхшилик бир бошдан ҳикоя қилишга тушиб. «Гапир, болам, гапиравер», деди Маман бий унинг гапига қулоқ солиб.

— Мени сотиб олган Тиловниёз бой жуда шум одам экан, — деб ҳикоя қила бошлади Яхшилик. — Ўша кўчкўч бўлганда: «Бизнинг элимизга дуо кетган, бир ерда ўтроқлашиб, сал ўзимизни тутиб олдик дегунча яна битта душман бостириб келади, яна мусибатга учрайди. Офатдан четда бўлайлик», деб денгиз этагидан пастга қараб кетди. Юкини қалин бир тўқайга туширди. Ўзимиз уй қурдик. Орадан неча йил ўтганини билмайман. Моллар кўпаяверди. Ўзи ора-сира туяда чиқиб кетиб, дон топиб келарди. Айтишига қараганда, рус, татар, бошқирдлардан олса керак. Манави болаларнинг устидаги кўйлак-иштонларини ҳам ўшалардан олиб келарди. Менга ҳам кўйлак олиб келгувчи эди. Манави устимдагиси энг кейинги олиб келгани, — деб устидаги нўғой ёқали кўйлагини кўрсатди у. — Бир куни тўқайда мол боқиб юрган эдим. Уч отлиқ келиб, молларни олдига солиб қувиб кетди. Менга қарашмади ҳам. Мен бойнинг уйига қараб югурдим. Борсам, уй ловиллаб ёниб ётибди. Манави икки бола қўра оғзида чўзилиб ётган ота-оналарининг тепасида йиғлаб ўтиришибди. Қарасам, бой оламдан ўтиб бўлибди, аёл ҳам бир ҳолатда. Мени кўриб: «Чироғим Яхшилик, агар қаттиқ-курум гапирган бўлсам, кечир, мана бу икки болани ўз укаларим деб юртингга қайт. Биз тамом бўлдик. Бой отангга юртнинг

ичига борайлик, деб шунча ялиндим. Сўзимга кирмади. Бўлиндик. Бўлинганизимиз учун бизни бўри еди. Ёлғиз тўплаганларимиз ёвга ем бўлди. Энди укаларингни эргаштириб, юртни топ, Маман бийни топ, қиблага қараб юрсанг, топасан», деди ва у ҳам бу оламдан кўз юмди. Молларни боқиб юрган подачилар қайтишар деб анча кутдим. Душман уларни молларига қўшиб ҳайдаб кетган бўлса керак. Қайтишмади. Эртасига бой билан хотинини кўмдим. Бир қоп буғдой чала куйган экан, қўғирмоч бўлиб қолибди. Учаламиз бўлиб, орқалаб олдик. Таваккал қилиб, қиблага қараб юрдик. Юра-юра кўм-кўк денгиз бўйидан чиқдик. Кейин билсак, Орол экан. Биронта уй кўзга чалинмайди. Елканли кемага тушиб кетаётган одамлар бизни кўриб, қирғоққа қайрилишди, қўллари билан имлаб, чақирдишди. Олдиларига бордик. Кемада бешта ўрис бор экан. Биттаси чала-чулпа бўлса ҳам, қорақалпоқчани биларкан. Нима қилиб юрганизимизни, қаёққа кетаётганимизни суриштирди. Тўғриси-ни айтдик. Кейин у шериклари билан алланималар деб гаплашди. Ичларидан соқолли бир киши ёнимизга келиб, бошимизни силади. Қолган учтаси кемадаги балиқларни туширди, сувини тўкишди. Шундан кейин қорақалпоқчани биладигани «кемага ўтиринглар», деди. Чиқиб ўтириб олдик. Бошимиздан силаган соқолли киши ҳам чиқди. Уч эркак қўл силтаб хайрлашиб қирғоқда қолди. Денгизга етаман, қирғоқни топаман дегунча чарчаб, ҳаммамиз ухлаб қолдик. Қаёқдан юриб, қаёқдан чиққанимизни билмаймиз. Неча кун юрганизимизни ҳам билмаймиз. Бир вақт қирғоққа етдик. «Бу ёғи қуруқлик. Тўғри кетаверинглар. Овуллари яқин», деб бизларни кемадан туширишди. Йўл-йўлакай тутган балиқларидан қўлимизга иккитадан беришди... Хайрлашиб, ўзлари қолди. Биз йўлга тушдик. Унча қийинчилик кўрмаган, ҳали суяги қотмаган мана бу икки норасиданинг оёғига қараб секин юрмаганимизда, юртга олдинроқ етиб келган бўлар эдик. Юртнинг чеккасига кеча кечқурун етиб келган эдик, сизнинг уйингизни бугун азонда топдик...

— Кемадан тушган ерингни топа оласанми?

— Топаман.

Маман бий боланинг йўл азобидан ҳориб-чарчаб турганини кўзларидан пайқаб турган бўлса ҳам, чидолмади. Ўша одамларнинг кимлигини билгиси келиб, Яхшиликка илтижо қилди.

— Болам, ўша кемадаги ўрислар узоқлаб кетмасидан излаб топсак қандай бўларкин?

Яхшилик эътироз билдирмади. Дик этиб ўрнидан туриб: «Хўп бўлади», деди.

Боғдагул шоша-пиша хамир қориб, йўлга нон қилиб берди.

Кун оға бошлаганда, улар оқ бўз отга миниб, денгиз тараф йўл олишди.

* * *

Маман бий йигитчани шоширмади. От чарчаб қолгани учун навбатма-навбат миниб, кўм-кўк денгизни ёқалаб юраверишди. Улар олисларга тикилишарди. Маман бий терак бўйи келадиган тўлқинлар орасида оқиб келаётган тўрангиларнинг учи кўриниб қолса, «Одам эмасмикан» деб тўхтаб, синчиклаб қарарди-да:

— Илоҳим, шундай бўлмасин, одам чўккан бўлмасин, — деб ўзича пичирлар, яна отлиқ Яхшиликнинг кетидан эргаشار эди.

Излаганлари топилмади.

Бари бир умидларини узишмади.

Яна бир айланиб келиб қолишмасмикан, деган илинжида улар бир ҳафтадан кейин яна денгиз бўйига келишди. Бу сафар улар Амударёнинг бир томонини ёқалаб кетишди.

Тўлқинланиб, ўйноқлаб оқаётган Амударёнинг лойқа суви бетида ҳар хил ҳайвонларнинг ўлиги қалқиб юрар, уйдаи-уйдай тўрангилар оқиб борар эди. Худди илгарй бундай манзарани кўрмаган одамдай, бий бошини чайқаб ғудранди.

— Барча патос, барча ўлимтиқлар сенинг бағрингга сиғиб кетаверади, Аму. Тақдиринг бизнинг тақдиримизга ўхшайди. Аммо сен ҳаммасини денгизга олиб бориб ташлаб қутуласан. Биз-чи? Биз ичимизга ютамиз. Биз бамисоли денгизмиз!

Бийнинг нима сабабдан шундай деяётганига Яхшилик тушунмади. Оқ бўз отни унинг олдига кўндаланг қилиб:

— Бий ота, чарчадингиз, энди сиз мининг, — деди.

Бий йигитга у-бу деб ўтирмай отга минди...

Қайтишда Эсенгелди бий овулининг қибла томонидан ўтиб кетаётиб, арава йўлга сиғмаган ҳисобсиз от изларини кўрди. Йўлнинг икки бетида одам бўйи бўлиб ўсиб ётган қамишзор отларнинг туёқлари остида ётиб қолибди. Бий ҳайрон бўлиб таққа тўхтади.

— Буниси нима бўлди, болам?

— Ёпирим-ей, бий ота, бу отларнинг туёғида бир

балоси борми дейман, қамишларни ётқизиш у ёқда турсин, янчиб кетибди-ку.

— Отларнинг юриши икки хил бўлади, болам. Узоқни яқин қилиш учун юрса, одамзоднинг омади, туёғининг тағидигилар янчилиб қолса, бундай туёқлар ўт олдириш учун томизғи солиб кетгани бўлади. Бу омад эмас, офат деган гап. Бундан худо асрасин! — Бий ўзича гапириб Яхшиликнинг тушунмай, ҳайрон бўлиб турганини кўрди-да, унинг анча соддалигини сизди. — Кетдик, болам, — деди.

Улар «Кўк ўзак»ни ёқалаб, Собир сатанг овулининг буғдойзори этагидан кетишаётганда олдиларидан Давим чиқиб қолди.

— Ўрис бий, сизни Эсенгелди маҳрам эртага нонуштага етиб келсин, деб буюрди, — деди.

Маман бий Эсенгелди бийнинг жиловдори масхара қилиш мақсадида «ўрис бий» деганидан хафа бўлмади, гўё одатдаги гапдай, унча эътибор ҳам бермади. У бошқа нарсадан ажабланди.

— Маҳрам?

— Ҳа, энди у Эсенгелди бий эмас, Эсенгелди маҳрам! Сиздан мартабаси ҳам, номи ҳам улуг — маҳрам бўлди!

— Бўпти кетавер!

— Нонушта дегани нима, бий ота? — деб сўради Яхшилик бир оз нари кетишгандан кейин.

— Хива тилида бу эрталабки чой бўлса керак.

— Қорақалпоқча қилиб, эрталабки чойга, деб қўя қолса бўлмайдими?

— Унда маҳрам бўлмай қолади-да.

— Ҳа-а.

Маман бийнинг фикр-хаёли ҳозиргина кўрган от изларида эди. «Кўплаб от туёқларининг пайдо бўлгани, яна бир фалокатнинг боши... Эй, парвардигори олам, яна кўзингни юмиб, бошидан мотам қалпоғи аримаган шўрлик халқимга бу ерларни ҳам кўп кўрмасанг бўлгани. Инсонни яратишга яратасану, яна уларни бир-бирларига ёв қилиб қўясан. Одамлар сенинг қудратингга шак келтириб, ўзингга қарши чиқса-чи? Шунда дунё остин-устин бўлиб, ҳамма нарса жой-жойига тушиб қолармиди...»

Собир сатанг овулидан шовқин-сурон эшитилди. Ниманинг устида жанжал кўтарилгани номаълум. Бир тўда одамлар бир отлиқни ўртага олиб, муштларини силтаб, алланималар деб ўдағайлашяпти. Маман бий ўртадаги отлиқни узоқдан таниди. Бели букчайган қария

Эсим бий экан. Маман бий отини ўша томонга бурди. Бориб, салом берди. Ўтган йили навкар олишга қарши бўлган, кўпчиликнинг раъйига қарши чиқиб, Эсенгелди бий тарафига ўтиб кетган, аъзойи бадани офтобда қорайган балиқчи саломга алик олиш ўрнига қора қалпоғини қўлга олиб:

— Маман бий, бизни кечиринг, — деди у Маман бий томон икки қадам юриб. — Сизни ҳеч қаердан тополмадик. Хивадан ана-мунча отлиқлар келибди. Эсенгелди бийни маҳрам қилиб, унинг эвазига халқни талаб, солиқ ундиришга келишибди. Кеча ўша отлиқлардан ўнтаси овулларни оралаб, дуч келган одамни бир қамчидан савалаб кетди. Бу қандай бедодлик бўлди? Сира тушунолмайд қолдик-ку!

Маман бийнинг юраги туздай ачишиб кетди, бироқ нима гаплигини яхши тушунолмагани учун Эсим бийга қаради.

— Доно бий, мен Эсенгелди маҳрамниқидан келяпман, — деди қария. — Бизнинг одамларга юз тилла солиқ солинибди. Янгидарё бўйидаги ва бошқа ерлардаги қорақалпоқлар ҳам хонга икки минг тилла тўплаб бериши керак экан. Шунини ундириш учун қирқ отлиқ келибди.

— Бу тахт олиб берган халққа хоннинг муруввати эканми?

— Тахту тожимни мустаҳкамлаш учун зарур, дебди хон.

— Тахту тожини ушлаб турадиган — навқари!.. — Маман бий шундай деб бир зум ўйлаиб турди-да: — Қизиқ, — деди. — Тожу тахтини кўрийдиган навқарлар орасида қорақалпоқлардан йўқ-ку. Энди бу томонларда ҳам дастурхон Хива хонидану, нони ўзимиздан бўлар экан-да. Финғиллаган сўнанинг чақишидан қочиб, билдирмай қонингни сўрадиган зулукка дуч келган бўлмасак яхши эди. — У бу гапи билан шу ерда турганларнинг кўнглидаги гапини топганини фаҳмлади. — Яхши, ишларингга бораверинглар. Мен маҳрам билан гаплашиб анигини билай.

— Шундай қил, доно бий, шундай қил, — деди Собир сатанг. — Эсим бий отамиздан ҳам шуни илтимос қилиб турган эдик. Қариганда кўрган фарзандимизга тўй берайлик, деб тўпланган нарсамиздан айрилиб қолмайлик тагин.

Эсим бий бугун ўз овулига ета олмасди, шунинг учун Маман бий уни овулига олиб кетди. Йўлда улар обдан гаплашиб, юрак дардларини ёришди.

— Қайдам, ақлим ҳайрон, — деди кекса бий зардаси қайнаб. — Ҳз қўл-оёғимизни ўзимиз боғлаб беряпмиз. Бир сафар жунғор хонининг, бир сафар Кичик юз хонининг, бир сафар ўрис хонининг оёғи остида янчилдик. Ҳаммасидан қоча-қоча, жунимиз юлиниб, қамчи кўтаргудек тери, юк кўтаргудек суяк қолмай эзилиб, энди қаддимизни ростлай деганимизда, Ҳива хони оёқости қилмоқчи. Қаерга борсак, ажалидан бурун шошилиб, чўпоннинг таёғига суйканган кўтир эчки бўляпмиз.

Маман бий нима дейишини билмай, афсусланиб бошини чайқади, халқи босиб ўтган оғир кунларни эслаб ўкинди... Кўз олди қоронғилашди. Шу қоронғилик ичида туёқларидан ўт чақнатиб, қўлни ловиллатган дуркин-дуркин отлар, уларнинг оловли туёқлари орасида йиғлаб югуришган болалар, аёллар, кампирлар, чоллар кўрингандай бўлди.

У ёшланган кўзларини уқалаб:

— Яхшилик, сен ҳов анави уйларга бор. Ҳивага навкарликка бориб, оқсоқ бўлиб қайтган бир киши бор, исми Нуробилла. Ўша одамни кечга томон бизни кига олиб кел, — деди, бола югуриб кетганидан кейин: — Эсим бий, лаънати айёр хон навкарликка олиб, охирида барча қурол-яроғларини олиб қолганини кўрмайсизми? Нима бўлганда ҳам ота-боболаримиз лафзига содиқ бўлмасак бўлмайди. Куядиган бўлсак ҳам, бизга қурол-яроқ берадиган подшонинг тақимида куяйлик. Армон бўлмайди.

— Сен ўша битта гапингда туриб олгансан, доно бий! Бу гапингга ким кўшилмайди, дейсан? Қуруқ гапдан кўра амалда бирон чорасини кўрган маъқулмасми-кан?

Маман бий гапининг тутуриғи кетиб, эзма бўлиб бораётганини энди фаҳмлади.

— Рост айтасиз. Кечқурун Бекдулла қора соқолни ҳам чақиртирайлик. Убайдулла бийга одам юборайлик. Нуробилла Мирзабек бий ҳузурига бориб келсин. Ажал-офат келтирганларга биз ҳам ажал-офат орқалатиб юбормасак бўлмайди.

Эсим бий ҳеч нарса демади. Бироқ Маман бий унинг чехрасидан гапларини маъқуллаётганини пайқайди...

Эсенгелди маҳрам ўз ўтовига тўпланган овулдошлари, қариндош-уруғлари, бийлар ўртасида керилиб, гапириб ўтирарди.

— Озни кўп, ожизни кучли, кўрқоқни ботир қилиб кўрсатишнинг ҳар хил йўллари бор. Гап қайси йўлни топа билишингда. Муҳаммад Амин иноқ менга маҳрамлик номини бериб, эл-халқимни суриштирганида, элимизнинг озлигини билдиргим келмади. Ҳар ер, ҳар ерда сочилиб ётган беш-олти хонадонни алоҳида-алоҳида элат, бошқа-бошқа уруғ деб айтдим. Гапни ўзимизнинг овулимиздан бошладим. Ошамойликларнинг эҳтиёткор, уддабурон уруғларини алоҳида-алоҳида қилиб айтдим. Қозоқларга яқин овулни хивачалаб «Ғозоёқли» деб юбордим. Нуробилла оқсоқнинг овулидаги икки баймоқ ёдимга тушиб, «баймоқли» деб юбордим. Қувли кўл бўйидаги бир парча ерда истиқомат қилаётганларни «Қандекли» дедим. Қўлдовли, Муйтен, Болғали, Ирғоқли... уруғларининг биттасини ҳам қолдирмадим. Хуллас, илгаригиси, ҳозиргиси бўлиб битта кўнғиротнинг ўзини ўн иккими — ўн тўртми қисмга бўлдим. Хитой, қипчоқ, кенагас, манғитларнинг ҳам эсимга тушган номларини айтиб, сонини кўпайтириб кўрсатишга ҳаракат қилдим. Она, Мажек, Оробой, Бексийиқ, Қорамўйин, Ёби, Добал, Уймовут, Тамғали, Шуйит... биттаси ҳам эътиборимдан четда қолмади. Номини эсимдан чиқарган ерларга янгидан ном қўйиб юбордим. Собир сатанг овулини ўзининг номи билан атай десам, келишмади, овулидаги офтобда қолган ит қовундай уч-тўртта сариқ одамларни эслаб «бешсариқ» уруғи деб юбордим. «Кўк ўзак»нинг орқасидаги ҳаммаси бўлиб уч-тўрт кўраси борми-йўқми, лекин доим тўполон чиқариб турадиган тўдани «тўполончи» дедим. Эсимда йўқларини Давим ёдимга солиб турди. Тўёқли, Найман, Уйғур, Қангли, Ақим манғит, Қора манғит, Тўқ манғит, Қуюн, Тамғали, Қорамўйин... ҳамма-ҳаммаси айтилди. Келган отликлар бизни ёлғончига чиқариб, озчилик экансизлар деб кетмасин. Борди-ю, менинг ёдимдан кўтарилган уруғлар бўлса, ўзларинг айтарсизлар. Хуллас, кўпчилик бўлиб кўринганимиз яхши. Маманга ўхшаб, уруғларни яширгандан фойда йўқ. Кўпчиликмиз десак катта, кучли бўлиб кўринамиз...

— Уруғларнинг сони билан элни қудратли қилиб кўрсатганингиз яхши бўлибди.

— Маҳрам оға, ёбиликлар-чи?

— Ёбиликлар катта уруғ эмас-ку. Ҳай, ёби деганларингга ёдимга тушди, катта бошимни кичик қилиб Маман ўрисни нонуштага чақиртирган эдим. Тушликка ҳам етиб келмаганини қаранглар. Худои таоло бўй беришга бериб қўйиб, ақл бермаган. Топса тебранмас одам экан. Хивадагилар Маман ўрис деса икки ямлаб бир ютай дейди. Бир талатсаммикан-а! От тўплашга кетганларнинг биттасига имласам бас, онасидан туғилганига пушаймон едиради. Нима қилайин, менда одамгарчилик бор, қорақалпоқнинг қони бор. Шу нарсани тушунмаганига ҳайронман, аслида, бир вақтлар Мурод шайхнинг бир тўти куши бўлган экан, холос. Юрт ундан панд еди. Эл «Маман бий», «Ўрис эли», «Умид қоғози» деб, бир неча марта панд еб қолди. Мана энди ўша Маман ўрис халқни яна тўз-тўз қилмоқчи. Қозоқлар ҳузурига бориб, элимиз номусини букиб, мол олиб келибди. Яна бунинг устига, «қозоқлар мол беришди» деб, душманимизни мақтаб, одамларга бўлиб берганини айтмайсизми! Хумкалла! Ҳозир элимизга худои таоло ўнг кўзи билан қараяпти. Қуёш кулиб боқди. Лозим топсак, Кичик юзнинг устига юриш қилиб, Маман бийдай дуо билан эмас, куч билан мол олиб келишимиз мумкин. Мен ҳам пашша кўриб юрганим йўқ. Ҳаммасининг гамини еб юрибман. Бутун элимизни Муҳаммад Амин иноқнинг қўлига ўтказиб, ихтиёрини бериб келдим!

Худди шу вақтда етиб келган Маман бий Эсенгелди маҳрамнинг кейинги гапини аниқ эшитиб қолди. Отидан тушмай, ташқарида туриб:

— Халқ номидан гапиришга қандай ҳақинг бор? — деди.

Маман бийнинг заҳархандали, йўгон овозини ҳамма таниди. Эсенгелди бу овоз қайси томондан келганини ажратолмай, ён-верига аланглади. Унинг от устида ўтириб, эшик пардасини қамчиси билан кўтариб турганини кўрди. Ўрнидан турди. Кераганинг бошига илиб қўйилган пичоқли камарини доно бий тортиб олиб қўйишидан кўрқиб, дарров белига боғлади, кейин:

— Номард, тулки! Энди гап пойлайдиган одат чиқардингми? — деди.

Маман бий қамчисининг сопи билан эшик пардасини яна ҳам баландроқ кўтарди.

— Сенга ўхшаган олақарғадан баландроқ учган маъкул. Қани, бояги гапингни яна бир қайтар-чи? Элни кимга сотдим дединг?

— Гапни бурма, тулки. Мен сотдим демадим. Хиванинг қўл остига ўз ихтиёрим билан бердим. Уни сен сотгансан, сен! Дини, тили бошқаларга сотгансан! — деб Эсенгелди маҳрам хезланиб эшикка югурди. Ўтовда ўтирган бойлар, бийлар, кадхудолар ҳам бир-бирларини итаришиб, ўзларини эшикка уришди.

Маҳрам ташқарига чиқиб Маман бийга рўпара бўлиши билан тозига дуч келган куёндай, пилдир пис бўлиб қолди. Оқ бўз отини енгилгина эгарлаб, ҳар қандай хужумга шай бўлиб келган бийни кўриб, Эсенгелди маҳрам ўтовнинг белдовидан ушлаб, тўхтади:

— Чийга отингни суйкама, туш! Туш дейман сенга!

— Ҳой, чумчуқ! Қирғай бўлгиси келган чумчуқ! — деди Маман. Унинг бу аччиқ гаплари Эсенгелдининг жон-жонидан ўтиб кетди. Аммо чидади.

«Кўк ўзак» тарафдан бир тўда отлиқ кўринди. Улар Муҳаммад Амин иноқнинг Эсенгелди маҳрамга қўшиб юборган қурол-яроғли навкарлари эди. Ўтган сафар Маман бий денгиз тарафдан қайтиб келаётганида қўл қамишқини янчиб, пайҳон қилиб кетган от излари ҳам шу навкарларнинг излари эди. Бир ҳафтадан бери маҳрамнинг овулида базм қуриб, зериккан чоғларида узоқ-яқин овулларни оралаб, одамларни бир оз кўрқитиб қўйиш учун дуч келган кишини қамчилаб кетадиганлар ҳам шу навкарлар эди. Улар овул йигитларига ишонмай, отларини чўмилтиришга ўзлари кетишган эди, ҳозир ўша ердан келишаётганди.

— Сен ҳали сувдан қуруқ чиқмоқчимисан? Элга паноҳ бўлган қўл қамишларига ўт қўйиш ниятида юрган анови отлилар, ҳов анави тапир-тупур қилиб келаётганларни сен олиб келдингми? — деди Маман бий.

— Ўзингнинг орқангда шунақа суянчиғинг йўқлиги учун, ичинг куйиб кетяпти, шекилли? Ичинг куйсин, алам қилсин!

— Менинг ичим куйса ҳеч нарса эмас, халқнинг ичи куймасин, бағри ўрганмасин!

— Гап тамом! Қани, кадхудолар, анави навкарларни отдан туширинглар, — деб буюрди маҳрам.

Одамлар соқол-мўйловларини селкиллашиб, хиваликларнинг отларини жиловидан олишга югуришди.

Қорақалпоқлардан навкар тўплашда қатнашган найнов, озгин ясовулбоши қиличини ёнига ширт-ширт уриб, чопонининг этагига артиб, маҳрамнинг ёнига келди.

— Манави бўйни йўғон буқанинг ҳалигача кўзи очилмабди-ку, — деди у Маманга қилич билан ишора қилиб. — Хон олий ҳазратларининг маҳрами, рухсат берсангиз, буни аравага қўшадиган қилсак? Даставвал унинг мана бу баҳайбат мўйловини қириб ташлаш керак. Бизнинг Хивамизда бунақаларни телба дейишади. Қўлга кенглик, сизга эркинлик керак, маҳрам.

Маман бийнинг қони қайнаб кетган бўлса ҳам, Эсенгелди қандай фармойиш берар экан, деб кутиб турди.

— Маман, сиз ҳам дуо кетган одамлардансиз-ку, — деди Эсенгелди бир зум ўйланиб тургандан кейин. — Ундан кўра ясовулбошининг қиличини қинига тиқишга ёрдамлашиб юбор.

Маман бий жавоб ўрнига қовоғини уйди.

— Ўрис, гапнинг мағизини тушундингми? — деди Эсенгелди заҳархандалик билан кулиб. — Сени чақиртиришдан мақсадим шу эдики, эл орасида англашилмовчилик содир бўлиб, бирлик бузилмасин, дедим. Сен гапнинг қисқасини яхши кўрасан. Муҳаммад Амин иноқ урушда катта зарар кўрди. Зиёнини кўтаришмасак бўлмайди. Гапнинг ростини айтиш керак. Бизларда тилланинг ўзи йўқ, шунинг учун хонга икки минг тиллалик ўликми ё тирик мол беришимиз керак. Мен шунга ваъда бериб келдим.

Маҳрам билан ясовулбошининг ёнларига қилич-найзалик пиёда навкарлар келиб тўпланишди.

— Икки минг тилла унмаса нима қиласан?

— Унмаса ҳам ундираимиз.

— Унмайди, ундира олмайсан! — деди бий отининг жиловидан қаттиқ тортиб.

Маҳрам тирсаги билан ясовулбошини туртди. Ясовулбоши қиличини баланд кўтариб, навкарларига «босинглар» деб ишора қилди.

Қашқир кўрган итдай, ҳаммаси олдинга интилди. Оқ бўз от бу тўполонга чидамай, олдинга икки оёғини кўтариб сапчиди. Биринчи бўлиб ҳамла қилган навкар отнинг оёғи тагида қолди. Иккинчисининг пешонасини Маманнинг қамчиси тилиб ўтди. Учинчи навкарга қилич тегиб, ёнбошига гуп этиб йиқилди.

Навкарлар бўш келишмади, мўр-малахдай ёпирилишди.

Шундай қилиб, от туёқлари остидаги ер ўйилди, қамиш, юлғунлар туёқлар остида янчилиб, қасир-қусур қилди, ҳақиқий қон тўкиш, катта алғов-далғов бошланди...

Оқ бўз ҳеч кимга тутқич бермай, навкарлар ораси-ни ёриб, қибла тарафга қараб елдай учиб кетди. Ясовулбоши Маманнинг орқасидан ўқ узди, тегмади. Маман бий қамишзор орасига кириб, кўздан ғойиб бўлди. Панд еб қолган ясовулбоши жаҳл устида навкарларига Маман бий кириб кетган қамишзорга ўт қўйдириб, овулларни тутунга димиқтирмоқчи бўлган эди, Эсенгелди шоша-пиша келди-да, этагига ўралиб ясовулбошининг олдида йиқилди, думалаб ётиб ёлборди:

— Садағанг кетай, кечир! Кечир, қадрли меҳмоним. Ундай қила кўрма, зуваласи Хиванинг табаррук тупроғидан олинган одам!

— Муддаоингни ўрнингдан туриб гапир, маҳрам! Қутирган бўрингга қоптириб бўлиб, энди нима дейсан?

— У қутурган, тўғри айтдингиз, марҳаматли Хиванинг беги. У менинг жонимга қасд қилган бўри. Кўнгирот уруғи номидан қасам ичаман. Бобомнинг арвоҳи ёр бўлса, шу қутурган бўрини кетидан эргашган бўри-ваччаларига қўшиб, қириб ташлайман. Лекин ўтинаман, элимни тутунга буркаманглар, менинг ифлос еримга тўкилган бир шаҳзоданинг қони учун кўнгиротни оёққа тургазаман...

— Ундай бўлса, уруғингни оёққа турғаз!

— Оёққа тургазаман, марҳаматли ясовулбоши. Менга муҳлат беринг. Бир жума муҳлат беринг... — Эсенгелди маҳрам туриб, яқинида турган кўнгил яқин овулдошларига, бийларга қаради. — Кўрдиларингми, одамлар? Бояги қутурган бўри ҳаммамизнинг юзимизга қора куя суркаб, муқаддас тупроғимизга шаҳзоданинг покиза қонини оқизиб қочди. Қорасини кўрсатмай кетди. Сабр-тоқат тугади. Ўша ноинсоф ўриснинг тили кесилиб, кўзига тупроқ тўлмагунча элга тинчлик йўқ. Бечора халқимиз яна тутун ютмасин, болаларимиз яна йиғламасин десаларинг, йўлингизга юрадиганларни оёққа турғизинглар!.. Тушунинглар! Қарғиш теккан ерингизга марҳаматли Хива навкарларининг покиза қони тўкилмасин. Гуноҳ бўлади! Биздек қарғишга учраганлар учун гуноҳ бўлади!

— Биз сиз биланмиз, маҳрам.

Бу овоз йиғламсираб, ёлбориб гапирётган маҳрамнинг кўнглини юмшатди. Қанчадан-қанча урушларда қатнашиб, қанчадан-қанча ўликларнинг устидан депсиб ўтган ясовулбоши учун битта навкарнинг ўлими битта қопоғон итнинг ўлимичалик ачинарли эмас эди,

лекин баҳона билан хон учун қадрли маҳрамга сўзини ўтказиш мақсадида, гўё аламзада одамдай, ўшшайиб тураверди.

— Майли, чидаймиз, маҳрам, лекин ўша ҳовлиқма ўрисингнинг оёғи теккан ер борки, ҳаммасини ўз халқингга қиртишлатасан!

— Хўп бўлади, марҳаматли ясовулбоши! Овулдошларим, қадрдонларим, эшитдиларингми? Пўконидан ел ўтган одам, ўрис бийга қарши майдонга чиқсин!..

* * *

Маман бий жаҳл устида Хива навкарларини тирқиратиб, қақшатиб қочганида ўз бошини сақлаб қолишни ўйламаган эди. Навкарлар кетимдан қувиб, қамишзорга кирса керак, деб хаёл қилувди. У агар шундай бўлса, учқур оқ бўз от уларга тутқич бермайди. Бу атрофнинг паст-баландини билмайдиган душман «тутамиз, ҳозир тутамиз» деб қулаб, сочилиб кетади. Шундан кейин улар билан яккама-якка олишаман деб ўйлаган эди. Бироқ душман навкарлари унинг бу режасини пучга чиқаришди. Қашқирга етолмаган овул итларидай акиллашиб, ясовулбошини ўраб, маслаҳатлашиб қолаверишди. Энди ишнинг хунук бўлишини тушунган бий ҳеч ерда тўхтамади. Оқ бўз отни бошқўзи демай қамчилади. Қуюндай елиб, Убайдулла бийнинг овулига хабар қилгани бориши лозим бўлган Бекдулла қора соқолга, Мирзабек бийга хабар бериш тайинланган Нуробиллага биттадан от топиб бериб, йўлга чиқишларини тезлатди. Ҳар иккаласига ҳам шошининч топшириқ берди:

— Исинармиз деган ўтимиздан ўт кетадиганга ўхшаб қолди. Пешонаси шўр элни бу дунёнинг алғовдалғовларидан сақлаб турган қамишзорларга ўт қўйгани Хивадан отлиқлар келди. Ҳар отнинг туёғида офат алангасига қуйиладиган томизғи бор деб айт. Шунинг олдини олишга ёрдам сўраб келдим, де. Маман бий бу ёмон ниятни сезгач, бошини эгиб, қонга тўлган юрак сўзини айтиб юборди, де.

Маман бий шундай деб тайинлади-да, оқ бўз отини елдай учуриб, Эсим бий овулига қараб йўл олди.

Тинчликда бийнинг бундай от чоптириб юрмаслигини билган овуллар аллақандай мудҳиш воқеани сезиб хушёр тортишди...

Хивадан келган ясовулбоши Эсенгелдининг тайёр-гарлик кўриш учун сўраган муддатигача сира ҳам чи-долмади, уни шошираверди. Нонуштада ҳам, кечкурун ётиш олдида ҳам Эсенгелди маҳрамни ҳадеб Маман бийга қарши қайради,

— Маҳрам, қамишни бўш ушласанг, қўлингни эмас, кекирдагингни ҳам сўйиб юборади.

Бу гап Эсенгелдининг тинкасини қуритиб юборди, чўктирди, оздирди, асабий қилиб қўйди. Шунинг учунми, кундан-кунга бўлар-бўлмасга шовқин солади-ган, зардаси қайнайдиган бўлиб қолди. Натижаси ёмон бўлмади. Ваъда қилинган жумага барча тарафдорлари-дан отлиқ-пиёда бўлиб, мингга яқин навкар тўпланди.

Тунд бўлиб юрган ясовулбошининг чиройи энди очилди. Эсенгелди билан бирга навкарларини эргаш-тириб, тўпланганларнинг олдига борди ва илгаридан таниш, синашта одамлардай, асосий мақсадини ўртага ташлади.

— Душманингиз ўрис бийни сўнгги марта анави қамишзорга кириб кетаётганида кўриб қолдим, — де-ди у қамчиси билан «Кўк ўзак» тарафидаги қамиш-зорга ишора қилиб. — Осонгина қўлга туширишнинг йўли — ўрис бийни яширинган еридан ушлаб ўтир-майсиз. — У шундай деди-да, навкарларидан бир па-канани имлаб чақирди. Навкар отидан ирғиб ерга тушди-да, бир боғ қамиш ўриб келди. Учини оловга тутиб, ясовулбоши қамчиси билан кўрсатган қалин қамишзорга қараб юрди...

Орадан сал вақт ўтмай қамишзорда гуриллаган қи-зил аланга кўтарилди.

— Ана энди навбат сизларга, биз хизматингизда-миз, — деб ясовулбоши чақчайган кўзларини Эсенгел-дига тикди. Овулларнинг пана жойдаги қўраларига ўт тушганига суяк-суяги сирқираб, хафа бўлиб турган Эсенгелди индамасдан отидан тушди. Пакана навкар, битта чўпни ёндириб, Маман бий кириб кетган қа-мишзорнинг бошқа ерига ташлади. Чўп тушган ер ҳам бир зумда аланга олди...

Ер юзидаги катта шаҳарлардан бири деб аталган Хиванинг кунига яраб, мазлум қорақалпоқ халқи но-мидан биринчи бўлиб маҳрамлик номини олган Эсен-гелдига ишониб, довини довлашишга, ёви билан ёвла-шишга келган тарафдорлари ҳам энди қараб туришма-

ди. Бўри қувлаган молдай шоша-пиша Эсенгелди нима қилса, шуни қилаверишди... Уларнинг ҳаракатларини маъқуллагандай, денгиз томондан эсаётган шамол кучайди. Ҳамма ёқда аланга алангага уланди, тутун тутунга қўшилди. Аланга гуриллаб, ҳамма ёқни қора тутун босиб кетди. Қиёмат бошланди: қамишзор орасидан кўтарилган турли-туман қушларнинг қанотлари, думлари куйиб, тўп-тўп этиб яна гулхан устига тушарди. Инларида, уяларида тутундан димиққан ҳайвонлар ваҳимали қичқирарди. Жун ва думлари оловда жизғанак бўлган туёқли ҳайвонлар жон ҳолатда у ёқдан-бу ёққа югурарди. Айрим нафси бузуқ одамлар битта-яримтасини тутиб олиш мақсадида, уларнинг кетларидан югуришарди... Ҳайқирик, бақирик-чақириқлардан қулоқлар қоматга келарди...

Ораларини қалин қамишзор ва тўқайзор ажратиб турган овуллар қаттиқ ёнғиндан кейин пайдо бўлган майдонларда худди суви қуриган кўл балиқларидай у ер-бу ерда шўппайиб қолаверди..

— Халойиқ, халойиқ, эл ҳаловати бузилди, кулбаларга ўт тушди, ҳамма ўт ўчиришга!..

Маман бийнинг қудратли овози кўллар, экинзорлар устида, қамишзорлар орасида қайта-қайта жарангларди... Шундай қилиб, ёнғинга қарши қаттиқ кураш бошланди. Баҳайбат Орол денгизига сиғмай, даҳшат солиб қирғоққа уриб турган узлуксиз асов тўлқин занжирлари каби кўл ушлашган неча юзлаб чол-кампирлар, аёллар, болалар, ҳисобсиз аламдийдалар Маман бийнинг оқ бўз отига эргашиб, ер юзини ялаб келаётган ёнғиннинг олдини кесиб чиқди. Биров қумғон билан, биров товоқ билан, биров чойнак, яна биров меш билан... кўлига илинган идиш билан сув сепадилар, қимирламаган жон йўқ. Баъзилар юлғун олиб, ерни уради, баъзилар эса омов тортиб, ёнғиннинг йўлини кесиш учун ер ҳайдаяпти.

Шаббозли ўзбеклардан ёрдамга келган Худойберганлар ҳам Эсим бий тўдаси билан биргалашиб, ҳа-ҳулашиб ўт ўчириш билан овора...

Борган сари ўрлаб, кенгайиб бораётган ёнғинни ўчириш қийин эди... Баъзи ерларда олов тўхтаб, қора тутун бурқсиб, осмонга ўрласа, баъзи ерларда учқун сачраб, дарё, кўлнинг нариги томонида ҳам ёнғин пайдо қила бошлади.

Қамишзорлар кулга айланган эди. Шу тала-тўполон орасида от қамчилаган навкарлар: «Ўрис бий қаерга

яширинди?» деб қичқириб, у ёқдан-бу ёққа югуришарди. Эсенгелдининг чақириғига биноан тўпланган минглаб одамлар қўл ушлашиб, «анави қорайиб кўринган ўрис бий бўлса керак» дейишиб, қулаган куйиб тўранфиллардан тўранфилларга, тепаликдан тепаликларга чопишарди...

Бир кенг майдонда икки томон учрашиб қолди. Қаттиқ саваш бошланди: кўчқор сузишишлари, хўроз чўқишишлари, такага ўхшаб тирашишлар, аёлларнинг бир-бирлари билан юлишишлари, полвонларнинг курашлари, бий қамчилари, навкар найза-қиличлари... Тирик жон борки, ҳаракатга кирди. Чала ёнган тўнкаларни қон томчилари ўчирди.

Сон минг одамни бошлаб келган оқ бўз отлиқ Маман бий Хиванинг от-яроқли қирқ навқари билан кўнғирот отлиқлари орасида тинмай қичқириб, тарафдорини руҳлантирарди, ўзининг омонлигидан дарак берарди, ўнг келган навқарлардан бирини олдига ўнгариб қочарди-да, узоққа элтиб, кўзидай улоқтириб келарди, кейин яна биттасига чанг соларди, қуварди, қочарди...

Бу жанг яна бир кун чўзилганида ўт қўйганлар голиб келиши сўзсиз эди. Лекин ўт ўчирувчиларга бирдан жон кирди. Орқаларида юздан ортиқ отлиқ йигитлар билан келган Мирзабек бийнинг овози эшитилди:

— Ҳорма, Маман бий! Майдонни энди бизга бер, сен дамингни ол! Қорақалпоқнинг жафокашлари, бизга душманларингни кўрсатинглар.

Уруш қайтадан қизиб кетди. Якка-ёлғиз юрган отлиқни тутолмай, ўзларича «ўйин» қилиб юрган навқарлар энди астойдил урушга киришди. Шафқатсиз қон тўкиш энди бошланди... Кун ботарга яқин элликка яқин отлиқлари билан кекса Убайдулла бий ҳам етиб келди. Афсуски, кекса бий эҳтиётсизлик қилиб қўйиб, отдан қулади... Уруш яна авжига чиқди. Намозшомга қадар тинмай урушган Хива навқарлари билан Эсенгелди ҳамда унинг отлиқлари чарчашдими, ишқилиб, қоронғи тушгандан кейин, сувга чўккан кесақдай гойиб бўлишди.

Эртаси кун азонда, қуёш илк нурларини сочган паллада «кучнинг катталигини кўрган хиваликлар тирақайлаб қочишибди» деган овоза тарқалди. Бу гап ростга айланди.

Уруш тўхтади. Ҳамма уй-уйига тарқалди.

— Уй солиш яхшиларнинг, бузиш тўнғизларнинг иши...

Омонлиқ шогирд тушган бинокор аҳён-аҳёнда шундай дерди. Уста ортиқча гапирмасди, сергап одамни ҳам ёқтирмасди. Ҳамиша иш билан банд. Қўли қўлига тегмайди, дам ёғоч йўнади, дам эгади, дам уларни бир-бирига туташтиради. Нима қилаётган бўлса ҳам шогирди учун қилаётгандай. Кўрсатмай, ўргатмай, тайинламай иш бошламасди. Чарчаса пайраҳаларнинг устида ёнбошлаб ётиб:

— Қани азамат, энди ўзинг қилиб кўр-чи, — дердида, Омонлиқнинг ишига разм соларди. Омонлиқ мабодо ёғочни тескари йўниб қўйса ҳам қизишмас, ётган еридан кўзгалмас эди. «Энди анавинисини қўлингга олиб кўрчи», дерди мийиғида кулиб.

Устанинг хотини ҳам кўнгли очиқ, меҳрибон аёл экан. Фарзанд кўрмаган, кўнгли ярим аёл экан. Қоракўзни ўз фарзандидай кўриб қолди. Ҳомиладорлиги билиниб, оёғи оғирлашиб қолгандан кейин, уни ортиқча уринтирмай қўйди. Азонда унинг уйқусини бузмай, ўзи чой қайнатиб, кейин уйғотарди.

— Тура қол, қизим Қоракўз, — дерди меҳрибонлик билан.

Бу яхшиликлар, меҳр-оқибатларни кўриб, Омонлиқ ҳам шу хонадоннинг оғирини енгил қилишга, устасининг кўнглини топишга ҳаракат қиларди. Кунт билан ишларди. Кўнглини сира бўлмасди. Хивани кўмсамасди. Ҳатто овул-элати ҳақида хабар олишга ҳам қизиқмасди. «Бир кун эшитиб қоларман», деб ўзини-ўзи юпатарди. Мабодо Бектемир ёдига тушиб қолгудек бўлса, бориб кўргиси келарди-ю, «одати ёмон, қаттиқ ҳазил қилади, келиб қолгудек бўлса кўнгли ярим Қоракўзнинг дилини оғритиб юрмасин тагин» деган истиҳола билан уни ҳам кўнглидан чиқаришга ҳаракат қиларди.

Уста Омонлиқнинг қўли келиб қолганига ишонч ҳосил қилди. Энди у уйга ишлатиладиган толларни ўзи олиб келарди.

Бугун у тўқайни роса кезди. Кесадиған ёғоч қидириб эмас, юрагининг чигилини ечиб, бир оз эркин нафас олиш учун кезди... Ўтган умри бир-бир кўз олдига келди. Кап-қаттагина бўлиб қолган ўғли Яхшиликни эслади. «У ҳам бинокор бўлса, биргалашиб иш-

лаб, одамларнинг дуосини олсак... Хотин олиб бериб, уйлик-жойлик қилиб қўйсам, жонлиқ сўйсам, гариб Қоракўзим туққан боласини кетида эргаштириб юриб, ўзи катта қилса... Ўтган умримга ачинмасдим, бундан бу ёғига ҳам рози бўлардим... Яхши яшаш бору, аммо яхши ўлим йўқ деган гап бор. Ҳеч бўлмаганда, ўлигим хор бўлмаса бўлди...»

Уйқуда ётган тўқайнинг тинчини бузиб «тақ-тақ» этган овоз эшитилди. Омонлиқ қулоқ солди. Ким бўлди экан? Болтани тез-тез уряпти. Бектемир шунақа ишларди. Ўшамикан?.. Омонлиқ овоз келган томонга қараб юрди. Оқ теракка ўхшаш узун чиройли оқ толни чопаетган бир одамга кўзи тушди. Ҳар болта урганида бошидаги қора қалпоғи силкинади. Турган гапки, бу Бектемир! Чунки бу атрофларда қора қалпоқ киядиганлар жуда оз. Омонлиқ ҳазиллашиб уни қўрқитмоқчи бўлди-ю, кейин, болалик бўлмасин деб, узоқдан номини айтиб, салом берди. Бектемир қалпоғи билан пешанасидаги терни артди-да, орқасига ўтирилди. «Ие, Омонлиқ оға...» деб югуриб келиб сўрашди. Эсон-омонлиқ қилишгандан кейин биринчи берган саволи шу бўлди:

— Омонлиқ оға, пучуқ янгам соғ-саломатми?

«Бу эзмага нега айтдим-а?» деб ўқинди ичида Омонлиқ ва оғзига уриб қўймоқчи бўлди,

— Дилозорлик қилма, биродар. Эсон-омон кўз-ёриб, фарзандлик бўлсам, менга бурни ҳам, тили ҳам билинмай кетади.

Бектемир унинг авзойидан астойдил хафа бўлганини сизди. Ўзининг хижолат бўлиб қолганини хаспўш-лаш учун, гапни бошқа томонга бурди.

— Омонлиқ оға, юртимиздан хабаринг борми?

— Йўқ!

Улар йиқитилган дарахтга ўтиришди.

— Элатимиз яна остин-устун бўлибди... — деди Бектемир.

— Бу адолатсиз очунга яна нима гуноҳ қилибмиз?! — деб Омонлиқнинг юраги гупуриб кетди.

— Омонлиқ оға, ўпкангни босиб эшит. Юрт алғовдалғов бўлиб кетибди. Хива хонларининг азалий одати — эгилсанг, устинга юк ортаверар экан. Муҳаммад Амин иноқ тахтга ўтирганидан кейин Эсенгелди маҳрамга қўшиб, юртимизга қирқ навкар жўнатибди. Бизнинг саҳройи қорақалпоқлар индамай солиқ тўлайверадиган халқми? Маман бий ғазаб билан отга миниб,

бутун халқимизни солиқ ундиргани келганларга қарши оёққа турғазибди. Убайдулла бий, Мирзабек бийлар ҳам ёрдамга келишибди. Эсим бий овулидагиларнинг ҳаммаси оёққа турибди. Хуллас, қурол-яроғлик Хива навкарлари билан қонли тўқнашув бўлибди. Бечора Убайдулла бий кексайганида шаҳид ўлибди. Шаббоздан келган Худойберган исмли кўли гул ўзбек деҳқон бор эди. Хивали бир навкар унга «виждони йўқ, сотқин» деб қилич солибди. Ҳозир овуллар ораси илгаригидек тўқайзор эмас, Кичик юзнинг еридай бийдай дала бўлиб қолган дейишади. Ҳаммаси ёниб кул бўлибди.

— Эсенгелди қайси томонда бўлибди?

— Хива томонида. Унинг қанчадан-қанча қўнғиротликлари Хива томонига ўтиб кетибди. Хиваликлар бўлса, бир овулнинг итларини иккига бўлиб, бир-бири билан талаштириб, қора қонга бўялгунча олқишлайверган...

— Ие, нима қилиб қўйдинг, Бектемир?

— Нима қилай? Эшитиб, юрагим ўртаниб кетди. Кишини хурсанд қиладиган жойи шуки, Маман бий дарғазаб бўлиб, Хивадан борган ясовулбошини ўлдирибди. Яна ўнлаб навкарини ҳам ер тишлатибди. Қолганлари юрагини ҳовучлаб қочибди. Эсенгелдини ҳам Хивага қочиб келган, дейишади.

— Энди хон жаҳл устида бор қопоғон итларини эл устига ҳайдаб бориб, юртни талатади, оламларни қиради, десанг-чи.

— Ундай эмас. Энг яхши томони, ўшандай бўлмабди. Хон яхшилиқни билар экан. Ясовулбошининг ўлдирилганидан хафа бўлмабди. У олдинги хонларга ҳам хизмат қилиб, бир эшакдан иккинчисига ўтган қуошқондай гап экан... «Ўлса ўлмайдами, нега тинчгина яшаб турган халқнинг тинчини бузади», дебди иноқ. Кейин Эсенгелдини саройда бир ҳафта олиб туриб, ёнига қанча кадхудоларни қўшиб берибди, «сахройи қорақалпоқ фарзандларининг дилини Хива нури билан ёритасиз, ўқитасиз», деб беш-олтита муллаларни ҳам ёнларига юборибди. Убайдулла бий ўгли Ўринбойга атаб иморат солдириб, «Ўринбой қалъаси» деб ном берганини, Бухородан битта мулла ҳам олдириб келганини эшитувдим. Хиванинг садағанг кетай хони, ўша «Ўринбой қалъаси»га чақиртирмаса ҳам ўзи мулла юборибди. «Юртни тинчитинглар» деб тайинлабди. Бу қилган иши яхши.

— Бу ёғини бошладинг-да!

— Хива деганининг ўзи Хоразм ўлкасига нур сочган шамчиноқ эмасми? Сен ҳам, мен ҳам шу шамчиноқнинг шарофати билан уста бўляпмиз... Озиқли от ҳоримас, деган гап бор. Элимиз бирлашса ажаб эмас. Оғзида қиличи бор Маман бийга қойилман, деявер. Йўлини топиб юртимизга қўплаб кадхудо, муллаларни олиб кетган Эсенгелдига ҳам раҳмат де. Юртда бир одам ўжар бўлса, бошқа биттаси тўралик қилиши лозим экан.

— Хўш, сен бу гапларни қаёқдан эшитдинг?

— Хивада қорақалпоқлар тўғрисида юрган дув-дув гаплардан қулоғинг битади. Кечагина Ойдусни кўрган эдим. Менга ўша айтди. Унга хоннинг ўзи айтибди.

— Буни қара-я, қандай камсуқум хон экан-а! Илоё, умри узоқ бўлсин!

— Фаришталар ҳам омин десин.

Улар бир зум индашмай, ҳар қайсиси ўз билганича ичида хонни дуо қилди. Хон эса, элга кадхудолар йўллаб, муллалар юборганда нимани кўзлаган экан? Оқибати нима бўлади? Хўжақўрсинга бўлаётган бу яхшиликлар замирида қандай шум ният борикин? Иккови ҳам буни ўйламас эди.

— Қани, Омонлиқ оға, бир сирлашайлик, — деди бир вақт Бектемир. — Сен биринчи уйни кимга қуриб бермоқчисан?

— Менми? Мен... Маман бийга қуриб бермоқчиман. Ўзинг-чи?

— Менми? Сен ўйладинг, мен ҳам ўйлаб олай. Сен қачон қайтмоқчисан?

— Ўзинг-чи?

— Устамнинг айтишига қараганда, яна роппа-роса бир йилдан кейин.

— Мен ҳам худо хоҳласа, беш-олти ойдан кеч қолмасам керак.

— Сен нега менинг хотинимни сўрамайсан?

— Сенинг хотининг йўқ-ку?

— Йўғмиш-а! Туғди. Ўғил туғди. Менинг ўғлим. Худди ўзимга ўхшайди.

— Қутлуғ бўлсин, умри узоқ бўлсин. Уларни ҳам олиб кетасанми?

— Боламни ташлаб кетгунча ўлганим яхши. Биласанми? Устамни ўлардай ёмон кўраман. Ўзи қилтиллаб турган бўлса ҳам учта хотини борлигига ўлайми? Учасининг сочини бир-бириникига боғлаб, савалашини кўрсанг. Севгилим еган таёқлардан менинг суякларим

зир қақшайди. Билмадим, ҳунарни чалароқ ўрганиб кетиб қоламанми ҳали.

— Ундай қилма, чида. Энди турайлик, ёғоч чопиш керак.

— Яна бир оз сабр қил. Саволингга жавоб ол. Энг биринчи, аввал ўғлимга, кейин сенинг болангга арава-ча ясаб бераман.

— Умринг узоқ бўлсин, кўп яша.

— Мени мунақа дуо қилма. Узоқ яшаб, хор бўлишни истамайман. Бирга яшаймиз. Бинокор бўлмаса, одамларда фароғат бўлмайди.

— Об-бо Бектемир-е, жуда аломат йигитсан-да. Тура қол энди.

Омонлиқ у билан хайр-хўшлашиб, болтасини елкасига ташлади-да, тўқайзорга кириб кетди.

Бектемир чала чопилган дарахтига болта урди. Икки томондан кетма-кет эшитилаётган болта овозидан тўқай қушлари чўчиб, пир-пир учишди, овозлари ҳамма ёқни тутиб кетди...

22

Сўнгги урушнинг яраси ҳам ёмон бўлди... Баъзилар яна бор-йўқларидан айрилишди, баъзилар кўзларида ёшлари билан қолишди...

Ҳарқалай, баъзан қишнинг қаҳратон совуғидай қалтираб, баъзан ёзнинг эпкинсиз иссиқ кунларидай димиқтириб, одамларни қанчадан-қанча бало-қазоларга мубтало қилган кунлар ҳам аста-секин ўтиб кетаётганди. Кун ботса бўлди, укубатли бир кун орқада қоларди. Одамлар ўринларига кириб, кўзларини юмди дегунча уларни хаёл олисларга олиб кетарди. Тонг отди дегунча, яна тирикчилик ташвиши бошланарди. Ҳар куни шу аҳвол... Қани энди ўша кунлар уларнинг дардларини тушунган бир одам топилса-ю, овулма-овул айланиб, тирикчилик йўлини тушунтириб жар солса. Иссиқ ўрнидан туриб, кетидан эргашмаган, эртанги куннинг осудалиги учун ўлимга бош тикмайдиган одам топилмас эди.

Кўз илғамас юксакликларни кўзлаган халқнинг орзусининг тажрибали Хива хони пайқаб, солиқ тўплашга юборган қирқ навкарининг бўш қайтгани, ясовулбошисининг ўлганига хафа бўлмади. «Юртнинг кўзини очсин, бир-биримизни тушуниб қолармиз», деб кадху-

долари, муллаларидан юборибди, уларнинг қўлларига куроляроғ эмас, Оллоҳнинг каломини ушлатиб юборибди. Энди бирон қор-қол юз бермасайди, деб қўрқиб юрган халқ, Маман бийнинг ижозати билан чегарадан ўтиб, тинчлик билан келган бу қадхудо, муллаларга аввал рўйхуш бермаган бўлишса ҳам, кейинроқ бағриларини кенг очишди. Хурсанд бўлишди. Олдиларидан чиқиб қолгудек бўлишса, тўрсайиб кетмай, йўл беришди, ўрин-кўрпаларининг янгисини, уйларининг тўрини ўшаларга аташди... Мана энди улар эл оралаб, одамларнинг кўнгилларини нури ҳидоят билан чароғон этиб юришибди.

Дастлабки вақтларда қадхудолар билан муллалар халқнинг норози бўлиб бош кўтаришидан қўрқиб, бирга юришган эди, кейинроқ битта-битта юрадиган бўлишди... Мана, шунга ҳам бир йилдан ошиб қолди...

Ҳаммалари ҳар қаёққа бўлинишиб, бир-бирлари билан маслаҳатлашиб туришмаса ҳам, ҳикоялари, фикр-ниятлари бир, ҳозиргина кенгашиб олгандай эди. Бирининг гапини бири тўлдириб, бирини бири тасдиқлаб юрганга ўхшайди.

Мана, Эсенгелди маҳрамнинг ўтовини тўлатиб ўтирган жамоа пешин намозини ўқигандан кейин, яна чойга ўтирди. Ҳамманинг эътибори намозга имомлик қилган, зўр қироати бутун овулга эшитилиб турадиган хивалик мулланинг оғзида эди. Кўрсам соқоли кўксига тушган оқ чопонли бу одамнинг олдида сариқ муқовали китоби очик турарди. Ора чора бармоғини ҳўллаб, саҳифасини варақлаб қўйиши демаса, ҳамма гапларини китобга қарамай гапириб ўтирарди.

— Бу дунёда тўпланган мол-дунёнинг қиёмат-қойимда ҳеч фойдаси йўқ. Бу дунёда ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бориш керак. Кимда ким бу дунёда кўпроқ риёзат чекса у дунёда жони жаннатда бўлади. Эсенгелди маҳрам жамики кўнғиротликларнинг бахтига дунёга келган худонинг қули, Муҳаммад пайғамбарнинг уммати. Мен сизларга айтиб ўтирган ҳикояларнинг ҳаммасини у хон оғзидан эшитди... Ҳар ким ўз уруғи билан жаннатга борса, э-ҳа! Аммо Қуръонда Қуръоннинг ва уни ўргатувчининг тилидан ўз тилини ортиқ кўрган одам худобезори деган ривоят ҳам бор. Соғ бўлинглар. Худобезорилик — дўзахилик... Алҳамдулилло, биз мусулмонмиз, ўрислар эса кофир...

* * *

Қурбонбой бийнинг ўтовида ҳам суҳбат авжида эди. Хивалик мулланинг гапларидан маст жамоа мудроқ босгандай, бошларини қуйи эгиб ўтиришарди.

— Хитойлар азадан устун бўлиш учун яратилган халқ. Садағанг кетай Хива хонига худодан нидо келиб, шундай дебди. Отангиз Давлатбой бий бутун Сирдарё бўйлаб ёқа йиртишиб, шаҳид ўлганида ана шуларни орзу қилган экан. Авлод-аждод шу бобо орзусига содиқ бўлиб, бутун қорақалпоққа оталик қилишни ният қилса, ана авлоду ана зурёд. Бундайлар жаннатий авлод, жаннатий зурёд бўлади. Кимки шунга амал қилмаса, ота арвоҳини хўрлаган бўлади... Инсон боласи худои таолодан фарзанд тилаганда, у дунёсини ўйласа керак. Лекин, фарзанднинг дилига Қуръон оятларини сингдириш жаннатийлик... Кофирлар билан ҳамтовоқ бўлиш гуноҳ...

* * *

— ...Омонкул бий, сиз келбатингиз келишган одам-сиз. Китобда сиздай имонли одамга ўз уруғи билан элни бошқаришдан бошқа нарса буюрилмаган... Марҳаматли хон ҳузурига бош эгиб борсангиз, э-ҳе! Аммо ким азоб-укубатларга чидаса, ҳақ йўлидан адашмаса, жойи жаннатда бўлади, деган ривоят бор...

* * *

«Ўринбой қалъа»нинг чордарасида ҳаммадан юқори ўтирган хивалик мулла шериклари орасида энг ғайратлиси эди. Чопони, салласи, соқоли, иштонигача ҳаммаси оқ эди. У қиёмат ҳақидаги ҳикоялари билан бухоролик муллани орқада қолдириб, чордарага бутун ўзи кўтарилди.

— Худои таоло беҳишт, дўзахни яратганда, дўзахни ғайри тил, ғайри динлар учун, беҳиштни мусулмонлар учун яратган. Туркий тили ҳам мусулмон тили. Муҳаммад пайғамбаримиз, «тили алҳамдулиллога келган банда дўзахда қолмайди», деган эканлар. Сизлар, Янгидарё бўйининг қорақалпоқлари, дўзах билан беҳишт ўртасида бир тутам қамишсиз. Ўрислар ё қозоқлар томонидан бир бўрон турса, дўзахга тушишларинг ҳам ҳеч гап эмас. Азадан биз томонга, қиблага қараган юзларнинг орқага, ғайри динлар тарафига ўтирилмаслиги керак. Боболарингиз шу томонга кўчишганда ҳам, оламнинг шамчи-

роғи Хивани кўзда тутишган. Хива эса олам қуёши Маккаи Мадинадан баҳра олади... Аммо жуда кўп жабр-жафолар кўргансизлар, шунинг учун сизлар жаннатий одамларсиз... Файри динларнинг тилини калимага келтириб, исломнинг содиқ ялов бардори қилиш ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарз. Хоннинг бир сири бор. Сиздай азаматларга айтсам, мени сотмассизлар. Кароматли хива хони Янгидарё қорақалпоқларини жамики қорақалпоғларнинг сараси деб, унинг навкарларини ўлдирганингизни кечирди. Саройга сизлардан ҳам битта маслаҳатчи олмоқчи... Ҳозир Хивага яқин турган қўнғиротликлардан тоат-ибодат жабҳасида ҳам ўзиб олсангиз, марра сизники... Икки дунёда ҳам омади юришганлар сизлар бўласиз...

* * *

Шу тариқа суҳбатлар Эсим бийнинг овулида ҳам, Гойиб баҳодир одамлари орасида ҳам, ҳатто Бекдулла қора соқол, Собир сатанг одамлари орасида ҳам, ҳамма-ҳамма уруғлар орасида бўлиб ўтди. Юрт бу гапларга қулоқ тутарди, жуда қизиқиб қулоқ тутарди, ҳар ким ўз уруғи тўғрисидаги мақтов гапларни ёқтириб, эшитганларини бошқа уруғ одамларидан яширарди.

Ўзларини қадхудолар, хива муллалари деб атаган бу одамларни эл орасига киргизиб юборган Маман бийнинг ўзи эди. Бунинг сабаби бор эди: хивалик душман қочгани билан айланиб келиши маълум эди. Шунинг учун Маман бий отдан тушмади. Элнинг ақлли йигитларидан ўнтасини эргаштириб овулнинг қибла томонидаги қамишзорга кириб кетди, ўша ерда кўлнинг барсидай қамишзор оралаб, Хива томондан душман келишини кутиб ётди. Бироқ у кутган баттол душман келмади, унинг ўрнига, зарба еб Хивага қочган Эсенгелдига эргашиб, эшак минган оппоқ кийимли қариялар пайдо бўлишди. Маман бий уларнинг олдиларидан кесиб чиқиб, тинтув қилдирганида, биронтасидан ҳам яроғ чиқмади, аксинча, ҳар бирининг қўйнидан битта-иккитадан муқаддас китоб чиқди. Илм-ҳикмат деса жони кирадиган бий бу воқеадан ҳайрон бўлиб қолди.

— Биз элинга Эсенгелди маҳрамнинг илтимоси ва хон амри билан келяпмиз. Болаларни ўқитамиз. Агар керак эмас десаларинг, шу ернинг ўзидан кетимизга қайтиб кетаверамиз, — деди қариялардан бири.

- Болаларни қайси тилда ўқитасизлар?
- Куръони карим тилида.
- Қайси тил?
- Араб тилида.
- Қорақалпоқ тили-чи?
- Куръони карим тилига тўғри келмайди.
- Ундай бўлса, худо қорақалпоқ тилини нега яратган?

— Хато кетиб, худога шак келтирдинг, калима келтир... Ло илоҳа иллоллоҳуу... — деб калима келтириб, отга ўхшаш катта эшакка минган, салласини гумбаз шаклида ўраган, ёшига қараганда ҳали анча тетик, тўладан келган, икки юзи қип-қизил қария ёшланган кўзларини оқ рўмоли билан артиб Маман бийга яқинлашди. — Ҳа, Маман бий сен бўласанми? Ундай бўлса, отдан туш. Менинг исмим Авазхўжа эшон. Мурод Шайх билан Бухорода бирга ўқиганмиз. Сенинг отанг Ўразан ботир Хивага борганида олдида дастурхон ёзиб меҳмон қилганман. Об-бо, жўжа хўроз-эй, нега энди сен бутун юрт мени тушунсин, дейсан? Сен ўзинг ҳам юртни тушунишга ҳаракат қилиб кўр. Нега келган йўлимизга шубҳаланиб қарайсан? Яшириниб келаётган навқарлари бор деб ўйлаяпсанми? Йўқ! Биз бир мўмин қаптарлармиз. Яхши ният билан учиб келяпмиз. Қорақалпоқларнинг муфтиси Мурод шайхнинг хоки пойини Сирдарё бўйидан олиб келиб, шамчиरोқли Хоразм тупроғига қўймоқчиман... Нега Эсенгелди маҳрамга ўқрайиб қараяпсан? У бу юртга сендан камроқ жон ачитяптими? Шундай деб ўйласанг, янглишасан. Биз биламиз, халқинг оз, уруғлар оз, бироқ мана бу маҳрам тилини ялаб, уруғларингни кўп қилиб кўрсатди. Биз, мана шу Эсенгелди маҳрамни дуо қилиб, хон олдида ёлғончилигини кечирришни сўрадик...

Маман бий нима қилишини билмай, таажжубланиб атрофга аланглади.

— Эсенгелдининг халқни майдалаб, уруғ кўп дегани — ўтти ковлаб, ўчиргани. Катта ўчоқнинг ўтини ўчириш учун битта кўлнинг суви керак бўлар эди. Сиз бўлсангиз, тупугингиз билан ўчирадиган бўлибсиз. Буни хон маъқулагани-ю, сизлар дуо қилганларинг, хурсанд бўлганларингдан.

Авазхўжа Маман бийнинг нима демоқчи бўлаётганини тушунди. Кўрқиб кетди. Бироқ сир бой бермай соқолини серкиллашиб қолди.

— Сени заҳарли илон дейишар эди, шундай деганлар бекор айтишибди. Сен оғзидан ҳали она сути кетмаган гўдак экансан, — деди лабларини артиб.

— Ўтинглар. Холис ният билан ўтинглар. Агар кетларингдан шум ниятли навкарлар пайдо бўлгудек бўлишса, биринчи навбатда сизларни ўлдирамиз. Тўрангилга осиласиз, денгизга улоқтириласиз.

— Ҳар ким ўз сўзида мустаҳкам турсин, — деди босиқлик билан Авазхўжа эшон.

Шу тариқа Маман уларни халқ орасига киритиб юборди. Бошқа курол-яроғли душман келмади. Бу воқеа — «Мўмин каптарлар шум ниятли» деган фикрдан узоқлаштирди. Кетларидан пойлоқчи қўйиш ҳам номардлик бўлади. Муллалар эса хоннинг топшириғи билан ўз ишларини бемалол қилиб юришибди...

Маман бий бир куни Бекдулла қора соқолни кўриб: «Хивалик муллалар қалай?» деб сўраб қолди. Қора соқол тажанг бўлиб юрган эди. «Мўмин каптарлар»нинг қандай гап тарқатиб юришганини оқизмай-томизмай гапириб берди.

— Ҳайрон қоладиган ери йўқ, — деди қора соқол ўзини бепарволикка олиб.

— Яна Абулхайр ҳийласи, Ғойибхоннинг найрангидан бошланибди-да... Бу лаънати хонларнинг ҳаммасининг ҳам лойи бирми, дейман. Эҳ Бекдулла, яна уруғларни бир-бирига қарши қайраш бошланибди-да? Энди нима қилсак бўлади?

Маман бий бир зум хаёл суриб турди-да, маслаҳатлашиш учун Бекдуллани эргаштириб, Эсим бийнинг овулига жўнади. Эсим бий бетоб бўлиб ётган экан. У ҳам хафа бўлиб кетди.

— Бу одамлар хон отган кесак, лекин тилли кесак, — деди Эсим бий. — Кеча Авазхўжа эшон дегани келди бизникига. «Қорақалпоқларга бошчилик қилиш жалойирликларга муносиб», дейди уялмай-нетмай. Койисам, кулади. Ҳадеб, гапни айлантиради. Бир вақтлар қовоқ бош Ғойибхон шундай деган эди... ҳеч бўлмаса, худонинг номини сочишмаса қанийди!

Маман бий ортиқ чидолмади. Тез йўлга тушди. Авазхўжа эшонни кенагаслар овулидан топди.

Авазхўжа эшон ҳозиргина бир тўп одамлар билан гаплашибди, одамлар ичида битта-яримтаси гапини маъқулламаганига хафа бўлиб, уларни тезда тарқатиб юборибди-да, битта чайлага кириб, қатиқ ичиб ўтирган экан. Маман бийнинг авзойини кўриб, соқол-

мўйловига теккан қатиқни артишни ҳам унутиб, ўр-
нидан турди. Биринчи бўлиб ҳол-аҳвол сўрашга шо-
шилди.

— Тақсир сизлар толиби илмдан кўра, ниқобланган
насроний даъваткорлари каби бузғунчиларга ўх-
шайсиз-ку! Бу найрангни Хивада ишлатарсиз, — деди
Маман бий газабланиб.

— Мурод шайх фотиҳа берган бий бизга ишонмай,
айғоқчилик қилганидан кейин, бошқаларнинг кўпир-
тириб гапирмаганига ишонса бўладими? Биз хон амри-
нинг қулимиз. Хон амри, худо амри. Исломнинг сўқир
бандалари кўзини очишдан бўлак ниятимиз йўқ.

— Хоннинг фикрини тўғри деб ҳисоблайсизми?

— Хоннинг ўзи билан гапдашсангиз биласиз. Агар
бизнинг гапимизга ишонсангиз, хоннинг фикри чаш-
ма сувидай тиниқ. Эгилсангиз тагини ҳам, ўзингизни
ҳам кўрасиз.

— Йўқ, тақсир, агар сиз хон тилидан гапириб,
унинг фикрини айтиб юрган бўлсангиз, хонингизнинг
фикрлари тубсиз қудуққа ўхшайди. Эгилдим, қоп-қо-
ронғи, кишини кўрқитади. Ундан кўра туёғингизни
шиқиллатиб, бу ердан жўнаб қолганингиз маъкул!

— Ў-ў, мусулмондан чиққан кофир! Заҳарли илон!
Биз келган элингга кўзи очилган кучуклар этагинга
ёпишиб, қопгудек бўлса, биздан хафа бўлиб юрма!

— Ўшанда ёрдамга келмай қўя қолинг!

— Элликка кириб ҳам ўжарлигинг қолмабди. Биз
сенинг юртингга ишқибоз эмасмиз.

Остонада Яхшилиқ кўринди. Шошилиб югуриб
келган бўлса керак, энтикиб, ҳансираб турарди.

— Ҳа, ўғлим, тинчликми?

— Ўтовимизга Ойдўслар борамиз дейишибди. Боғ-
дагул янгам айтиб юборди.

Маман бийнинг кўзлари кулиб, юзлари ёришди.

— Ҳозир ўғлим, ҳозир борамиз.

— Хива сендақа гўдакларга томошабоғ эканини
унутма, — деб қолди Авазхўжа эшон.

23

Ойдўсларнинг кўргани келиши Маман бийнинг
баъзи ўйлаб қўйганларини амалга оширишига қўл кел-
ди. «Синайман, — деб кўнглидан ўтказди у. — Хивани
синайман, қани нималарни ўргатди экан? Икки қўли-
ни бурнига тиқиб келяптими ё бир нималик бўлиб

келяптими? Бошқа ёшлар ҳам эшитишсин. Ҳадиси шарифда айтилганидай илм-ҳикматсиз халқ оёқ-қўлсиз одамдай гап. Дуч келган уради, дуч келган тепиб ўтади. Юртининг гамини еган бий фарзандларини ўқитади, илм ўргатади. Бундай халқнинг эртаси бўлади, донги таралади».

Маман бийнинг бундан ташқари яна бир фикри, юртига келган хивалик кадхудолар билан муллаларнинг нима ишлар қилиб юришганидан халқни огоҳ қилиб қўйиш эди. Уларнинг ҳаммалари Авазхўжа эшонга ўхшаб ноҳўя гапларни тарқатиб юришган бўлса, тезроқ жўнашсин. Одамларнинг кўзини очаман деб, ўзларидан қон оқизишни, зимдан юракларга ништар уришни мўлжаллашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ!

Маман бий шу мақсад билан Ойдўсларнинг келишига яқин-йироқ овуллариининг ёшлари билан бирга қарияларни, бийларни ҳам хабарлатди. Сўйгудек мол топмаганидан ёлғиз оқ бўз отини сўйишни буюрди. Ҳайрон бўлганларга:

— От топилади, одам топилмайди, Ойдўсдай ўқи-мишли меҳмонга от сўйиш унчалик катта ҳурмат эмас, бўла қолинглар, — деди. Оқ бўз от сўйилди...

Маман бийнинг саратонда ҳам ичи сира исимайдиган, доим муздек турадиган ўтовига бугун ёз кирди, қувонч кирди. Қозикларга илиб қўйилган қора қалпоқлар билан кишилик чопонлар бугун анча салобатли кўринарди.

Ёши улуғлар тўрга ўтқазилиб, икки ёнбошга ёшлар чўкка тушишганди. Энг юқорида Ойдўс, унинг ёнида мактабдоши Қобил ўтирарди. Уларнинг ҳамма билан аҳвол сўрашишлари, кейинроқ келган қариялар ҳурмати учун ўринларидан одоб билан туриб-ўтиришлари киши ҳавасини келтирадиган даражада енгил чаққон эди.

Боши чўзинчоқ, ёноқ суяклари туртиб чиққан норғил Ойдўснинг ранги сарғайибди. Ёнидаги шериги Қобил ҳам озғин, этдан тушиб, ингичка тортиб кетибди.

— Одамни илм сўриб ташлар экан-да, — дейишди тўпланганлар. Ичкарига сигмаганлар ўтов атрофида икки-уч қатор бўлиб, ерда давра олиб ўтиришарди. Маман бий тўпланганларнинг диққатини ўзига тортиш мақсади-да, Ойдўсларнинг одоб-ахлоқига баҳо берди.

— Ана, болаларим, мактаб кўрган, дегани шу бўлади. Қадди-бастингиздан, иззат-ҳурматни жойига қўйишингиздан мамнунман. Хивада ўқишни тамомлаб, Фа-

рангистон элига ҳам ўқишга борсаларинг, ҳозирги даражаларингдан ҳам юқори, оламни кафтларингда кўра оладиган билимдон бўласизлар.

— Ҳаммаси ҳам бўлади, ота, — деди Ойдўс.

— Тилиннга шакар. Қарганинг боласи уясидан учиб чиқиб, ёнидаги шохга қўнса, хурсанд бўлиб қағиллайди. Бургут боласи осмонга кўтарилиб, чарх урмаса, учдим демайди. Бургут бўлиш қандай бахт, қандай мартаба! Албатта шундай бўласиз, ўғилларим.

— Бий ота, бизнинг элимиз нега энди ҳеч бўлмаса хивачалик бўлолмаган? — деб сўради Ойдўс.

Бу савол ичкари, ташқарида ўтирган барча ёшларни қизиқтирди. Ҳамма қандай жавоб бўларкин деб, қулогини динг қилди. Ёши улуғ бийлар жим бўлиб, ерга қарашди. Ойдўсларни овулининг бир тўда йигитлари билан бирга бошлаб келган Ғойиб баҳодир ҳам ҳайрон бўлиб, атрофига қаради. Эсим бий Маман бийнинг бундай вақтларда ҳозиржавоблигини билгани учун ташвишга тушмади. Афтидан, болалиги кўриниб турган бўлса ҳам катталардай сипо ўтирган Ойдўсга хурсанд бўлиб, ёшланиб турган кўзларини тикди.

— Ҳа, ҳа, зийрак болам, мен сендан худди шуни кутган эдим, — деди Маман бий. — Ҳали ҳаммасини ўзинг тушуниб оласан. Нон топсак, дастурхон топмадик, зўрлар бизга раҳм қилган бўлиб ёйган дастурхонини хоҳлаган вақтида йигиб олди, топган нонимизни ўзимизга едирмай, оч қолдиришди. Замона зайли билан шундай ишлар бўлаверди, болам. Аҳиллик бўлмади. Ҳеч ким илм-ҳикматнинг кетидан қувмади. Шу тариқа унутилаёзганмиз.

Ўтов тепасига қора булут бостириб келгандай, одамлар бир зум бир-бирларининг юзларига қарашолмай, лол бўлиб қолишди.

— Бий ота, муллабаччаларнинг ақлини синаб кўринг, — деб қичқирди ташқаридан аллаким.

Ҳамма жонланди.

— Синалсин... Хива нималарни ўргатганини билайлик, — деб чувиллашди кўпчилик.

Маман бий мўйловини икки томонга бураб қўйиб, ёнверига қаради. Ўртага савол ташлади.

— Қани, айтинглар-чи, болаларим, эл орасида ким кимдан қарздор, ким қарзини узяпти, ким қарз бериб турибди?

Юрт аҳли яна бир зум жим бўлиб қолди. Салдан кейин икки киши жумбоқни ечишга уриниб кўрди.

Ҳар ким ўзича жавоб топган бўлиб, ким кимдан дон, балиқ, нон, мол қарздорлигини, ҳатто болаларнинг бир-бирларидан ошиқ қарздорлигигача эслашди.

Ойдўс ёнида ўтирган Қобилга бир қараб, чўккалаган ерида бир қимирлаб қўйди-да, қўлини кўксига қўйиб:

— Бий ота, агар лозим топсангиз, саволингизга мен жавоб берсам, — деди.

— Жавобни сендан кутаётган эди!..

— Бўш келма!..

— Доно бий, рухсат бер!..

Маман бий тўпланганларга «жим» дегандай ишора қилиб, қўлини баланд кўтарди-да, Ойдўсга гапиришга рухсат берди.

— Элдаги қарздорлар, барча болалар, — деди Ойдўс.

— Ҳа, ҳа, — дейишди ташқаридагилар ҳайратланиб. Улар жим бўлишгунча Ойдўс бир ютиниб олиб, ўйла-ниб турди-да, яна давом этди.

— Бунинг маъноси шуки, ҳар бир бола ўзининг дунёга келгани, камолотга етгани билан ота-онасидан қарздор. Агар у ота-онасига хизмат қила олиш даражасига етса, қарзини тўлай бошлагани. Қарз бермоқнинг маъноси эса, фарзанд тарбияламоқ. Боласи вояга етган кунидан берган қарзи ўзига қайтади.

— Тасанно!

— Офарин!

— Тилингга шакар!

— Хивага тасанно!

— Кароматли Хивани дуо қилинглр!..

Маман бий Ойдўснинг жавобини эшитганда ўрнидан туриб бориб, пешонасидан ўпмоқчи бўлди-ю, яна истиҳола қилди. «Юрт Хивага бутунлай ишониб кетиб, ҳозир овулларимизда юрган қармоқли муллаларнинг домига тушиб, бир умр алданиб қолмасин тафин.»

— Кимни бечора деса бўлади? — деди Маман бий салмоқлаб.

Бу саволга сен жавоб бера қол дегандай, Ойдўс Қобилга қаради. Қобил қўлини кўксига қўйиб:

— Ёши улуғлар, рухсат берсанглр, биз жавоб берсак, — деди.

Маман бий «айтавер» деб бош ирғаб қўйди.

— Бечоралик мол-ҳолсизлик эмас. Кимки ёлғиз бўлса, қариндош-уруғсиз одамсиз бўлса, ўша бечора...

Ичкари-ташқаридагиларга яна жон кириб, ҳамма ёқдан тасанно ёғилди. Болаларга илм-маърифат берган Хивадан ҳамма миннатдор бўлди.

Маман бийнинг кайфиятини тушунган Эсим бий ўрнидан кўзгалди:

— Ойдўс болам, сени хон даргоҳида бўлган деб эшитдик. Хоннинг ўзи қалай?

Ойдўс хон тўғрисида гапиришдан олдин, унинг хурмати юзасидан, ўрнидан туриб, яна ўтирди.

— Олий мартабали улуғ хонимизга тенг келадиган одам бу оламда бўлмаса керак. Жуда камтар, жуда ақлли, киши билан жуда очиқ гаплашади...

— Ойдўс болам, хон сен билан гаплашганда ҳамма гапингни маъқулладим ёки мана буниси нодуруст, дедими? — деди Маман бий.

Ойдўс яна ўрнидан туриб, қўл қовуштирди:

— Худонинг ўзи гувоҳ, олий мартабали улуғ хонимиз билан неча марта учрашган бўлсам, бирон марта ҳам «ҳой қорақалпоқ, мана бу фикринг нотўғри» деган эмас.

Ўтирганлар ҳайкалдай қотиб, нафас олгани ҳам эшитилмасди, хон ҳақидаги гапларга астойдил кулоқ тутишаётганди.

Маман бий норози бўлиб бош чайқади.

— Э-э-э, болам, хон дилидагини сир сақлайди. Хаёли — устига қор ёққан муз, тагида нима борлиги кўринмайди. Битта ҳам гапингни нодуруст демаган бўлса, кўз илғамас ип билан боғлаб юбормоқчи бўлгани бу.

Дили ранжиган Ойдўс, бурун катаклари керилиб, катталарга хос босиқлик билан гапирди.

— Сизни захарли илон дейишларига энди ишондим. Ичи қоралик қилманг. Бутун қорақалпоқ халқига ёбилар бошчилик қилади, деб керилманг. Юртимизга яхшилиқни Хива қилади.

— Ойдўс болам, сизларсиз эл — кўри ўчган кул. Қаттиқ кетдинг, кечирим сўра.

— Йўқ, Хива хонига тил тегиздингиз. Қашқир қариса ўз болаларини талар экан, энди билдим. Алжиб қолган қари қашқир, кароматли Хивадан сиз кечирим сўранг...

— Ойдўс кечирим сўра, отанинг хатоси ўғлига сабоқ бўлади. Мен озчилик бўлса ҳам, бу элни бургутлар уяси дер эдим. Аллақандай номаълум куч уни кўршапалак уясига айлантириб қўяётганини фаҳмлаб турибман.

— «Фаҳмлаб турибман, фаҳмлаб турибман» — дея дея халқни кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган мусибатларга етаклаган қари серка, биз кетдик! — деб Ойдўс, худди илон чиққандай, ирғиб ўрнидан турди. Бошқалар ҳам дув ўрниларидан кўзғалишди.

Ойдўс ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, ўзини эшикка урди. Бирга келган шериклари, Ғойиб баҳодир ҳам унинг кетидан чиқиб кетишди.

Кекса эсим бийнинг илтимосига ҳам ҳеч ким қулоқ солмади. Бир зумда ўтов ичи бўшаб, мунғайиб қолди, бўшаб қолган ўринларда ҳасрат шамоли увиллади.

Маман бий ўзини йўқотмади, кетганларга ялинмади, уларнинг қайтиб келишларидан умид ҳам қилмади.

— Қадрли одамлар, ўтиришни бузманглар, тарқалманглар, — деди у. — Ёшлик — тентаклик. Ўзини у ёқдан-бу ёққа уради. Боши деворга теккандан кейин ўзига келади. Панд егани — фойдаси. Ҳамма гапини маъқуллайверишига ёмон ўрганиб қолган. Бояги саволимга оқилона жавоб берган йигит ўйлаб кўради. Кейин бармоғини тишлаб, қилмишидан ўкинади, кечирим сўрайди, сизлар ўтираверинглар!

Бу гапни Ойдўслар эшитишмади. Жадаллаб кетаётган ёшларнинг кетидан етиб юришга ҳаракат қилиб кетаётган Ғойиб баҳодир ҳам бу гапни тўлиқ эшитмади. Лекин у худди кетида бўталоғи қолиб кетган туядай, зўр-базўр кетаётганди.

Ойдўс шу кетишдан ортига ўгирилмай, ярим йўлга борганида шерикларини тўхтатиб, кетидан етиб юролмай, ҳаллослаб келаётган Ғойиб баҳодирни кутди. Худди шу пайт уларни кутиб тургандай, ён томонидаги йўлда Авазхўжа эшон пайдо бўлди. У Ойдўсларнинг қаёққа чақирилганидан хабардор эди. Шунинг учун ҳам ёш йигитнинг ҳаяжонланиб, юзидаги терни артиб туриши, шерикларининг бир-бирига етолмай, шошилинч келишиданоқ қандай ҳодиса юз берганини тўшунди.

Шу кунгача «вақти келиб қолар...» деб халқни Маман бийга қарши отлантирадиган ҳийла-найрангини ишга солмоқчи бўлди.

— Ойдўс болам. Мамандан хафа бўлганга ўхшайсан, ундай қилма, — деди. — У одам хафа бўлишга арзимади. У билан биринчи марта учрашганимизда «болаларни қайси тилда ўқитасиз?» деб, Қуръони карим тили билан ўз тилини таққослагани учун ўша вақтдаёқ хонга хабар юбориб, фармонини олиб қўйган

эдим. Шу бугуноқ ҳаммага маълум қилиб, ўчингни оламан. Ғам ема. Шундан кейин элингдан шамол эркин эсади, қибладан эсади. Қибланинг шамоли майин, ёқимли. Унинг ҳам ихтиёри Эсенгелди маҳрам билан сенинг қўлингда, яъни қўнғиротликларда бўлади.

Дарғазаб Ойдўс индамади.

Авазхўжа эшон жавоб кутиб ўтирмади. «Ҳали боласан, Маманнинг шумликларини кейин биласан»... деб эшагини ниқтаб, Эсенгелди маҳрамнинг овулига қараб йўл олди.

* * *

Аҳиллик билан тўпланишган меҳмонлар тўпи бузилгач, Ойдўснинг кетиб қолганига ҳайрон бўлган Маман бийнинг овулдошлари, тарафдорлари ташқарига чиқишиб, «ҳозир жаҳл устида туриб кетишгани билан, нарироққа бориб қилмишларини ўйлаб кўришар, катта бийни ҳурмат қилиб, қайтиб келишар» деган умидда чайлага суяниб гаплашиб туришарди. Кўзи ўткирроқ бир одам:

— Ҳов анови келаётган Омонлиқ эмасми? — деб қолди.

Ҳамма қўлини пешонасига тутиб, ўша томонга қаради. «Кўк ўзақ»ни ёқалаб икки йўловчи келарди.

Маман бий «Омонлиқ» деган гапни эшитиши билан ҳаммадан олдин ялт этиб бурилиб, қўлини пешонасига қўйиб разм солди. Кўрди-ю, ҳайрон қолди.

«Омонлиққа ўхшайди. Ёнидаги ким? Аёл киши... Қадам ташлаши таниш... — Уни хотин олиб келади деб хаёлига келтирмаган бий, ҳайрон бўлди. — Бечора Омонлиқ ниятига етибди. Мушфиқ сингисини топибди...»

Узоқдан Маман бийнинг уйи атрофида тўпланиб турган одамларни кўрган Омонлиқ бунга яхшиликка йўйди. «Тўй тайёргарлигига ўхшайди. Маман бий фарзанд кўрган бўлса керак...» У чарчаганини ҳам унутиб, анча олисдан сариқ тишларини кўрсатиб, кулиб қичқирди.

— Ассалому алайкўм, уруғлар! Пойқадамим хайрли бўлди шекилли, тўй устидан чиққанга ўхшайман. Қуруқ келаётганим йўқ, бий топшириғини бажариб, бинокор бўлиб келяпман...

Халқининг туриш-турмуш даражасини шу Омонлиқнинг тақдири билан ўлчаб ўрганган Маман бийнинг қувончи ичига сиғмай, унга томон юрди.

— Янги хунар орттириб юртга қайтганинг муборак бўлсин! Жигар деган шунақа бўлиши керак. Худо раҳмингни еб, Олмагулни топибсан-да! Ҳа, Олмагул!

Омонлиқ аззойи бадани живирлаб, қалтираб:

— Адаштиряпсиз, бий! — деган бўлса ҳам, ҳадиксираб, кетидан эргашиб келаётган хотинига қаради. Синчиклаб, тикилиб қаради.

Бий хурсанд бўлиб кетганлигидан Омонлиқнинг «адаштиряпсиз» — деганини ҳам эшитмай қолди. У очиқ кўнгиллик билан шунча йилдан бери юрти, элатини соғиниб юрган муштилар мени совуқ қабул қилишди демасин деган ниятда, кучоғини очиб, унга интилди.

— Олмагул, кел чирогим, бир қаричлигингда элингдан айрилгандинг, шу элинг номидан пешанангдан бир ўпай!

— Адаштиряпсиз...

Ҳурматли ўқувчим, зийрак Маман бий янглишмаган эди — Омонлиқнинг «Қорақўз» деб эргаштириб келган аёли чиндан ҳам Олмагулга икки томчи сувдек ўхшар эди...

... Маман бийнинг кутилмаганда Олмагул деб чақирishi йигирма беш йилдан бери ўз номини эшитмаган Қорақўзни биров туртиб юборгандай, бирдан ҳушига келтирди. Худди устидан биров бир челак муздай сув куйиб юборгандай, вужудини титроқ босди. У бошини сарак-сарак қилди, кўзлари ол-кула бўлди, бўғинлари бўшашиб, қалтираб, алланималар деб гўлдирай бошлади. Буни кўриб, Омонлиқнинг кўзлари жавдираб, нафаси ичига тушиб, йиқилай-йиқилай деб турарди.

— Маман бий, янглишдингиз, — деди у. — Бу Олмагул эмас! Қорақўз бу...

— Ҳазиллашмайдиган эдинг, кўнглинг хотиржам тортгандан кейин ҳазиллашадиган бўлиб қолибсан, лекин, барибир мени алдолмайсан. Олмагулни узоқдан танидим, юришидан танидим, — деди Маман бий уни ҳамон ҳазиллашяпти деб ўйлаб. — Олмагул, тортинма, ўз элингдасан, кел, пешонангдан бир ўпай...

Бир Омонлиққа, бир орқароқда ҳурпайишиб, танимай турган овул одамларига қараб ҳанг-манг бўлиб қолган Қорақўзнинг тишлари бир такирлаб, дағ-дағ қалтирай бошлади.

Омонлиқ гумонсираб унинг ёнига борди-да, болалигидаги одатини қилиб сочидан тортди. Қорақўз офриғига чидамай, «ва-а-а» деб йиғлаб юборди. Олмагул-

нинг болалигидаги одатига айнан ўхшарди... Омонлиқ эски чакмонининг этагини орқасига қайриб ушлаб турган эди, бўгин-бўгинидан бўшашиб, чакмонининг учи ҳам қўлидан чиқиб кетди, этагидан дўп этиб чақалоқ ерга тушди. Ҳамон Қоракўздан кўз узмай, тахтадай серрайиб турган Омонлиқнинг бетида қон қолмади. Ҳазан ботир инъом этган кўҳна қилични қинидан сургурди... Рўпарасида қалт-қалт қалтираб, не қиларини билмай лол бўлиб турган Қоракўзнинг сочидан ушлаб, бошини орқасига қайирди-да, халкумига қилич тортиб юборди. Қоракўзнинг томоғидан қон отилиб, боши ёнига шилқ этиб тушди. Омонлиқ жасадни судраб бориб, Кўк ўзакка улоқтирди, сув юзини қон қоплаганига қарамай, илдам юриб келиб Маман бий олдида тўхтади. Қон томиб турган қиличини қўш қўллаб унга тутди-да, бўйинини эгиб турди. Юракбағри қон-зардобга тўла бўлса ҳам, фарёд урмади. Овози хириллаб, бошқаларга эшитилар-эшитилмас Маман бийга аста ёлборди.

— Мана, доно бий! Шафқат қилма! Ҳеч ким эшита кўрмасин, бийим, фақат иснодга қўйма. Етар энди! Савоб бўлади, бир савоб иш қил! Уйланма! Ма, тезроқ ур! Ахир мен инсонман деб юрган эркак учун ор-номус ўлимдан оғир! Савоб учун ўлдир!.. Ким гуноҳкор бўлса, ажрими қиёматда бўлади...

Маман бийнинг кўзларидан ёш қуйилиб, бирпас иккиланиб турди-да, оғир хўрсиниб, қадини ростлади, кейин ён-верига қарамай, Омонлиқни қўлидан қилични олиб, томирлари бўртиб турган бўйнига туширди. Кучли қўлларда ҳаракатга келган қилич ўз ишини қилди. Омонлиқнинг боши танасидан узилиб, шилқ этиб ерга тушди...

Бу ҳодиса нима учун юз бергани ёлғиз оллоҳга аён эди. Шунинг учун ҳам «Кўк ўзак»нинг юзини қон қилиб, сувга ирғитилган таналарни олиб чиқиш учун интилганларнинг олдини тўсиб, Маман бий ҳеч кимга йўл бермади. Кўз очиб юмгунча юз берган бу қайғули воқеага анграйиб қолган одамлар Омонлиқнинг этагидан тушган болани унутишган бўлса ҳам, Маман бий унутмаган эди. «Кўк ўзак»нинг сувидай кўкариб, чирқираб йиғлаб ётган гўдакни ҳам оёғидан жирканиб ушлаб, сувга ирғитиб юборди.

Сабабини ҳеч ким тушунмади. Маман бий тушунтирмади, шубҳа-гумонию дард-алами ичида сир бўлиб қолди. Аниқроғи, бу кўнгилсиз воқеани тилга олишга

виждон йўл қўймади. Икки кўзи қизариб, атрофини қуршаб келаётганларга еб юборгудай бўлиб ўкрайди...
Ҳеч кимни яқин йўлатмади. Эсим бий:

— Ёмон қайтдинг, қаноти синган бургут, — деди ҳаммага эшиттириб. — Боягиларнинг зардасига чидолмадинг, қанот қоқиб, энтикиб юртига қайтиб келган бир оилани йўқ қилдинг! Мана энди, ақли ҳушингни еб қўйиб, ўзинг ўзингга қарши чиқдинг... Ўсиб-униш йўлига тушган ўз халқингни қира бошладинг!.. Шайтон васвасасига учдинг, ҳақ-ноҳақни ажратолмай қолдинг! Афсус...

Эсим бийнинг кетидан Нуробилла ҳам эшагини ечиб, эгизак ўғилларини миндирди-да, ўзи ҳам бир сақраб миниб олди.

Бекдулла қора овулдошларига:

— Юринглар, кетдик. Бахтсиз одам, ўзгаларни бахтли қилолмайди, — деди.

— Маманни жин урди, — деган овозлар эшитилди одамлар орасидан. — Ор-номус учун бундай курашмайдилар...

— Битгаю битга отини сўйганидаёқ ақли кирди-чиқди бўлиб қолганини пайқовдим, — деди яна биров ва бамайлихотир қозоннинг тагига олов ёқиб ўтирган Яхшиликни чақирди. — Яхшилик, отанг келувди, анови ақлидан озган Маман бий ўлдириб қўйди!

Одамларнинг нега тарқалишиб кетишаётганини тушунолмай, ҳайрон бўлиб турган йигит бу гапни эшитиши билан аламига чидамай, югуриб бориб бир боғ қамишни олди-да, ўчоқда ёндириб, Маман бийнинг чайласига тутди. Чайлани аланга ола бошлади. Чайланинг чийлари шитир-шитир ёниб, осмонга қора тутун аралаш аланга ўрлади.

Боғдагул чайлага ким ўт қўйиб юборганини пайқамай қолган эди, овозининг борича дод солди:

— Одамлар, ёрдам беринглар, сув, сув, сув!!!

Худди шу пайт бир ола отни яйдоқ минган одам пайдо бўлди.

— Халойиқ, хон фармонига қулоқ солинглар: Маман худобезори. Маман худобезори. Мусулмонлар, ундан қочинглар... — деб кўз очиб юмгунча хон фармонини эълон қилиб, яна қайтиб кетаркан, бақирарди: — Маман худобезори... Ундан қочинглар... қочинглар!..

Бу Авазхўжа эшоннинг кўпдан бери тайёрлаб қўйган ҳийласи эканини, ҳозир нозик пайтдан фойдаланганини ҳеч ким фаҳмламади.

Ҳамма оғзини очиб, анқайиб қолди. Маман бийниг ўзи ҳам ҳайрон эди: «Яна нима гап?.. Яна нима гуноҳ қилибман?..»

Чайла чарс-чурс қилиб ёнарди... Боғдагулга ёрдам бергудек, Яхшилиқни тўхтатгудек одам топилмади.

Ҳамма бу ердан тезроқ кетишга шошиларди.

Қўллари қонга бўялган Маман бий оёқларини кўтариб босолмай, уларнинг кетларидан термилганча «Кўк ўзак» ёқасида қоққан қозиқдай, қимир этмай туриб қолганди. Қўш бўз белбоғи ечилиб, оёғига илондай ўралиб қолганди. Денгиз томондан эсаётган шамол мовут чакмонининг этақларини юлқиб, ҳилпиратарди. Эскиб кетган қора қалпоғи бошидан учиб «Кўк ўзак»ка қараб юмалаб кетди. Кечагина сочи устара билан қиртишлаб олинган боши ялтираб, ўткир, чақнаб турадиган кўзлари бир зумда ўликнинг кўзларидай сўниб, бурун катаклари керилди. Офтобда қорайган юзи дам қизариб, дам бўзариб, суяклари сирқиради, соқоли титрарди. Аммо ўзи тетик, йиқиладиган эмас. Кучли! Худди ҳайкалдай қотиб турарди. Бир маҳал кўм-кўк кўкарган лаблари ҳаракатга келиб, одамларнинг кетидан қичқирди:

— Ҳой одамлар, қадрдонлар, мени жин урган деб ўйламанглар, чўчиманглар!.. Мендан қочманглар!.. Бирлашинглар!.. Менга ишонинглар, чор атрофингдан пана, ҳаммаизга оға бўлгудек халқ келади, бизга қўл беради, бизни паноҳига олади, бунга имоним комил... — Маманнинг бу оташин чақиригига ҳеч ким кулоқ солмади. Ён-верида қолган ёр-биродарларигина ҳар ерда мунғайишиб, гоҳ кетаётганларга, гоҳ Маманга қараб ҳанг-манг бўлиб туришарди. Ҳеч кимнинг кетига қайтмаслигига кўзи етган Маман эшитилар-эшитилмас нола қилди: — Эй ноинсоф тақдири азал, менда, халқимда қандай қасдинг бор эдики, шунча мусибатларни бошга солиб, гам-ғуссага ботириб қўйдинг?.. Нима гуноҳимиз бор, билмадим... Агар рост бўлсанг... сен ақлдан озгансан... ё бўлмаса... мен!..

* * *

Ўша машғум кундан сўнг Маман бийни қайтиб ҳеч ким кўрмади. Бировлар «ўзини сувга ташлаб ўлгандир», деб тахмин қилса, бошқа бировлар «Орол денгизи ўртасидаги оролчада эмиш, бошқатдан лашкар тўплаётганмиш. Хивага қарши уруш очмоқчи эмиш...» деган миш-миш тарқатди.

Эрининг қасқларга ғойиб бўлганидан беҳабар бечора Боғдагул ҳов бирдаги болтасини излаб топди-да, «Кўк ўзак»ни ёқалаб югуриб кимнидир биратўла чопиб ўлдиришга аҳд қилди...

...Йиллар кетидан йиллар ўтди. Ёш Ойдўс Хива ёрлиғи билан «бий бола» номини олиб, Эсенгелди маҳрамга эргашиб, иш бошлади. Гоҳ маҳрам, гоҳ бий бола Хивага бориб, ҳар борганларида ислом нури билан диллари ёришиб келаверишди. Оддий одамларнинг, саҳройи халқнинг кўзини нури ҳидоят ёрдамида равшанлаштира бошлади. Шундай қилиб, эл-улус ҳақ йўлини танлади-ю, аммо ўзларининг доно бийларини унута бошлаганларида, ёз кунларининг бирида, ана шу туманли Оролда ўркач-ўркач ўжар тўлқинларни қоқ ёриб, катта-кичиклиги уйдаи-уйдай номаълум иккита сол пайдо бўлди, қирғоққа келиб тўхтади. Биридан, рус боярларига ўхшаб кийинган Маман бий, иккинчисидан баланд бўйли, билаклари йўғон сап-сарик ўрис тушди.

Денгиз ёқасидаги балиқчилар аввалига уларни қуршаб олишган бўлишса ҳам, ҳайратда ўз кўзларига ўзлари ишонмай, анграйиб қолишди. Балиқчилардан биттаси: «Ие, ўзимизнинг катта бийимиз-ку!» деб қичқириб, ўзини Маман бийнинг кучоғига отди. Маман бий ҳам қувонч билан уларга томон юрди.

— Соғиндик, сарғайдик, лекин мана яна дийдор кўришдик, азиз элдошлар. Лекин зинҳор кўзларингга ёш олманглар, — деди. — Ҳаммаси жойида бўлади. Мана, кўришинглар, бир-бирларингга меҳр-оқибатли бўлинглар, азиз жигарларим. Бу йигит ўша Кузьма Бородиннинг катта ўғли бўлади. Ўрусия элида машҳур кемасоз, исми Сергей Бородин. Кекса Кузьма Бородин ҳаммаларингга кўпдан-кўп салом айтиб қолди. Ёрдам берсин, деб, ўғлини юборди...

Қамиш билан омонат солда балиқ овлаб, ит кунини кўриб юрган балиқчилар кема ҳақидаги хабарни эшитиб оғизларининг таноби қочди. Хурсанд бўлиб, уста Сергейга миннатдорчилик билдириб, бош эгишди, қучоқлашди...

Маман бий билан Сергей Бородин тушиб келган қалин қарағай тахтадан ясалган сол ечилиб, қирғоққа чиқарилди. Эртасига Бектемир уста ҳам шу ерга олиб келинди. У Сергей Бородин билан бирга иш бошлади.

Биринчи кеманинг сувга туширилиши катта халқ тантанасига айланди, маросимга тўпланган балиқчилар

Сергей устани кигизга солиб, осмонга кўтаришди, дилларида бор хурсандчилик гапларини тўкиб солишди. Бу хушxabар оғиздар-оғизга эмас, денгиз шамоли билан бутун овуллар тепасида янгради. Эл қувонди.

Афсуски, бу хурсандчилик узоққа чўзилмади. Кутилмаган ҳодисаларга тўла қопқоронғи, ёвуз тунлардан бири Маман бий билан Сергейни шафқатсиз комига тортди. Улар балиқчиларнинг чеккадаги ўтовларида ётган ерларида кўксиларига пичоқ еб ҳалок бўлдилар... Кема сувга ботирилди, тахталарга ўт қўйилди. Уста Сергей ўз шогирдларига кемасозлик сирларини ўргатса, шогирдлар эса исломий эътиқод қудратини дилдан-дилга кўчирарди. Диллар бир-биридан озиқларди гўё.

Интиқом олови ҳали сўнмаганди. Қоронғи тунда шум ниятини амалга оширган қотилни тополмай халқ қайғуга ботди, оҳ чекди. Бироқ илож қанча. Ниҳоят, Маман бий билан Сергей Бородинни кўмишди. Икковини ёнма-ён кўмишди. Жасадлари ўша кема ясаган ерларига қўйилди. Бу қабрларни халқ муқаддас қабр деб атай бошлади. Халқ кундузлари шу ердан ўтганда албатта тўхтаб, қабрни зиёрат қилади, кечалари қабр бошига чироқ ёқиб навбатма-навбат кўриқлашарди.

Тан яраси битди-ю, дил яраси битмади.

Қоронғи тунларнинг яна бирида, худо бу «муқаддас қабрлар»ни ҳам кўп кўрди, ҳамма ёқни сув босиб, чироқчини ҳам ўз қаърига ютиб кетди.

Ана ўшандан бери қанчадан-қанча зор-гирёнларга сабабчи гоҳ қорли, гоҳ бўронли, гоҳ кўчалардан қон оқизган ҳасратли кунлар тунлар билан, тунлар кунлар билан алмашди. Жилов билмас Аму икки бетини ялаб, кемириб, бағри кенг Оролга қанчадан-қанча куйкумларни олиб келиб қўйди... Оролнинг қибла томонидаги бир парча ерни макон қилган бир ҳовучгина қорақалпоқ халқи, шу улкан Оролга ўхшаб, замоннинг қанчадан-қанча куйкумини ютди. Бироқ барча кўрилган азоб-уқубатлар давр ўтиши билан унутилиб кетди... Аммо бир нарса унутилмади. Бу — Маманбий билан исломий эътиқодни қабул қилган устанинг қабри. Амунинг Оролга қўйилиб, чучук сув билан шўр сув қўшилолмай, қайнаб ётган ерида, кичкина оролдаги қабрни мадҳ этувчи афсона — «Маманбий афсонаси» халқ ичида абадий қолди.

ТҮЛЕПБЕРГЕН ҚАИПБЕРГЕНОВ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНИ

Уч жилдлик

МАМАНБИЙ АФСОНАСИ

Биринчи жилд

Қайта ишланган нашри

Муҳаррир *Д. Исмоилова*

Рассом *М. Самойлов*

Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*

Техник муҳаррир *Л. Хиждова*

Мусаҳҳиҳ *Ж. Тоирова*

Теришга берилди 25.02.99. Босишга рухсат этилди 13.04.99. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма табоғи 27,72. Нашриёт ҳисоб табоғи 26,85. Адади 5000. Буюртма № 3744. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Тошкент — 700083, Буюк Турон кўчаси, 41.